ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

САОДАТ ДАВЛАТОВА

# ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР КОНТЕКСТИДА

*(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)*

ТОШКЕНТ
“YANGI NASHR”
2018

**(УЎК: 94(575. 1**
**63. 5(5Ў)я2**
**Д14**

*Мазкур монография ЎзР ФА Тарих институти илмий кенгаш йиғилишининг 10-сонли баённомаси. 2017 йил 18 август қарори билан нашрга тавсия этилган.*

**Давлатова, Саодат**
Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (*Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида*) *тарихий-этнологик тадқиқот* / С. Давлатова. – Т.: – "Yangi nashr", 2018. – 368 б.

**КБК 63. 5(5Ў)я2**

ISBN-978-9943-22-327-1

**Масъул муҳаррир:**
*тарих фанлари доктори, профессор. Алимова Дилором Агзамовна.*

**Тақризчилар:**
*тарих фанлари доктори, профессор Дониёров А.Х.*
*тарих фанлари доктори, профессор Аширов А.А.*
*тарих фанлари номзоди, профессор Бўриев О.*

Мазкур монографияда ўзбек анаъанавий ҳунармандчилигининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI аср бошларигача бўлган даврдаги тарихи Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ҳудудларидан бири ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари мисолида тарихий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва дала этнографик материаллари асосида тадқиқ этилади. Шунингдек, муаллиф жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилигидаги ўзгаришларни Россия мустамлакаси, совет даври ва мустақиллик йиллари каби уч босқичда амалга ошганлигини тарихий жараёнлар контекстида ёритиб беради. Қадимдан ҳунармандчилик бу воҳалар аҳолиси хўжалик ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ҳунармандчилик билан боғлиқ анъана, урф одат ва маросимлар, ҳунар соҳасидаги сир-асрорлар, тажриба ва малакаларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келишининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари очиб берилади.

ISBN-978-9943-22-327-1

© С. Давлатова, 2018
© "Yangi nashr", 2018

*Отам Давлатов Тиловберди Давлат ўғлининг ёрқин хотирасига бағишланади.*

# КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда халқларнинг ўзаро интеграциялашуви ва иқтисодиётда глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир даврда миллий ўзликни англаш, этномаданий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолиш, уларни илмий асосда тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллийликнинг аҳамияти ўсиб, жаҳон халқлари орасида ўз тарихи ва миллий маданиятига бўлган қизиқишнинг кескин ортганлигининг сабаби ҳам шунда. 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси[1] да келтирилган талаблардан келиб чиқиб бугун мустақил давлат сифатида Ўзбекистон тарихини жаҳон тарихи контекстида ўрганмоқ лозим[2].

Бугун ўзбек халқининг кўҳна ва бой тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ҳаққоний кўрсатиб бериш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий фанлар, жумладан, тарих ва этнология фанлари олдига илгари тўпланган илмий билимларни танқидий равишда қайта таҳлил этиш учун янги услубий ва концептуал ёндашувларни белгилаш вазифаси ҳам қўйилди[3]. Бу жиҳатдан ўзига хос этнографик минтақаларнинг турли даврларидаги тарихи, этнографияси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги янгиланиш жараёнларини илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, замонавий жамиятда миллий мерос ва қадриятларга муносабат, аҳоли турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятида яратилган бетакрор санъат асарларини бугунги кундаги аҳамиятини ўрганиш, қайта тиклаш ва тарихий маданий меросни ёш авлодга етказиш, ҳунармандчилик марказлари тарихини ёритиш ва таҳлил этиш мавзуларига алоҳида урғу берилмоқда.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ёзганидек, “... ҳали ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва

---

[1] Ўзбекистоннинг тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳайъатининг қўшма мажлисида 1996 йил 30 пареллда қабул қилинган). - Тошкент, 1996. - Б.13.

[2] Алимова Д.А. История, как история, история как наука. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 27.

[3] Дониёров А.Х. Ўзбек халқи этнографияси бўйича 1940-1980 йилларда махсус этнографик журналда чоп этилган мақолалар хусусида // O’zbekiston tarixi. – 2002. – №4. – Б.31.

ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради”[1]. Ўзбек халқининг ҳунармандчилик маданияти ўзига хос қадимий анъаналарга эга бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳунармандчилик инсоният ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келган бўлиб, ўз тараққиёти давомида такомиллашиб, тўқимачилик, каштачилик, гиламдўзлик, кулолчилик, ёғочга ишлов бериш, кандакорлик, темирга ишлов бериш, тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик, зардўзлик, кўнчилик, ўймакорлик ва бошқа турли хил ихтисосликларга ажралган.

Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги сабабли  ўзига хос этнографик ҳудудлари ҳисобланиб, қўшни давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган. Жанубий воҳалар ҳунармандчилиги ривожланиши ва тараққий этишида шаҳар ва ҳудудлар ўзига хос локал хусусиятларга эга бўлиб, бир қатор марказ ва мактабларнинг вужудга келишига олиб келган.

Тадқиқотнинг даврий чегарасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги трансформацияси Россия империяси,  совет ҳокимияти ва мустақиллик йиллари уч босқичга ажратган ҳолда ўрганишга имконият яратади.

**Россия империяси даври.** Жанубий ҳудудлар бу даврда Бухоро амирлиги таркибида бўлиб, маълум бир бекликларга бўлинган эди. Бухоро амирлиги бекликларида анъанавий ҳунармандчилик тараққиёти бошқа минтақалардан анча фарқ қилган. Бунга табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ҳунармандчилик жанубий ҳудудларнинг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, тўқимачилик, каштачилик, темирчилик, кулолчилик, ёғочсозлик, қайиқсозлик, тикувчилик, мисгарлик, кандакорлик, заргарлик, теричилик (кўнчилик), меъморчилик ва ҳ.к. турлари равнақ топган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жанубий худудларнинг  анъанавий ҳунармандчилиги кўринишлари, ҳолати ва ривожланишида маҳаллий ўзига хослик сақланиб қолган бўлса-да, баъзи ҳолларда сустроқ тараққий этган. Бунга сабаб бир томондан мустамлакачиларнинг сиқуви бўлса,  Бухоро амирлиги олиб борган сиёсатнинг ҳам таъсири катта эди. Ҳунармандчиликнинг ҳолатига кел-

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: 2008. Б.30.

сак, воҳаларнинг чекка қишлоқларда хонаки (рус. кустарь) ишлаб чиқариш асосан аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчилик саноати шаҳарлар ва катта-катта қишлоқларда мавжуд бўлиб, айрим жойларда ҳунармандчилик ҳали деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқмаган эди. Шунинг учун ҳунармандлар қўшимча даромад олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланишган. Бироқ, Россия империяси бойлик орттириш мақсадида ҳунармандчиликнинг турларини ривожлантириш учун етарлича чора-тадбирларни кўрди.

Россия империясининг мустамлака тузуми таъсирида миллий ҳунармандчиликнинг азалий ишлаб чиқариш усули, асбоб ва ускуналарида ва тайёрланган ҳунармандчилик буюмларида ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда воҳаларга Россиядан ип, металл ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотларнинг келтирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, тури ва сифатининг ўзгаришига олиб келди.

Шунга қарамай, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари Россия, Европа ва бошқа Шарқ мамлакатлари бозорларида сотилиб ҳунармандлар аҳволи қисман бўлса-да яхшилана борган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари бозор талабларини қондириб, ички ва ташқи савдо тақдирини ҳам белгилаган. Бироқ, бу талабни қондиришга мавжуд сиёсат анча ҳалақит берарди. Айниқса, кўриладиган тадбирлар ҳам бир қадар орқага кетишига олиб келарди. Фақатгина ўз-ўзини таъминлаб турадиган хом ашё маҳсулотларидан фойдаланиш чекланган эди.

Мустамлака даврида Жанубий ҳудудларда аҳоли ўртасида янги ижтимоий табақалар асосини ҳунармандлар ташкил этарди. Мавжуд тузум туфайли касод бўлган ҳунармандлар эса ишлаб чиқариш тармоқларига, заводларга ишлашга мажбур эдилар. Бу XIX асрнинг охирларидан бошлабоқ ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Натижада амалий санъат эски қонунлар билан чекланиб, унинг ривожланиши бир текисда бормади. Бир қатор ҳунармандчилик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг тушкунликка тушиб қолиши Россиядан кўплаб фабрика маҳсулотларининг, Туркистонга саноат корхоналарининг кўчириб келтирилишига сабаб бўлди. Бу жанубий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, иқтисодиётни айрим ўринларда қолоқлашишига ҳам олиб келди. Шунга қарамай, ҳунармандчилик ишлаб чиқари-

ши ҳудудларда ўз тараққиётини давом эттириб, ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари, яъни мато ишлаб чиқариш, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик ва бошқалар сақланиб қолди.

Совет даврида (1917 – 1991) жанубий ҳудудларда аҳолининг катта қисми ҳунармандчиликнинг барча турлари билан шуғулланиб келган. Аммо совет ҳокимияти якка тартибдаги меҳнат капиталистик муносабатларни шакллантиради, деб ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркин фаолиятини чеклаб қўйди. Ҳунармандчилик хусусий мулкчиликдан кооператив мулкига айлантирилиб, артелларга бирлаштирилди. Якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланиш ман этилди.

Индустрлаштиришнинг дастлабки қадамлариданоқ ҳунармандчилик (саноат) ишлаб чиқариши ҳарбий мақсадларга хизмат қилди. Бироқ, ҳудудларда ноиндустриал давлатларга нисбатан анча мукаммал бўлган усуллар туфайли бир вақтлар “қуйи” бўлган анъанавий маданият турмуш тарзлари йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, ҳунармандлар зўрлик ўтказиш йўли билан ҳаракатланувчи ҳокимият ғояси остида мустамлакачилар ҳаракатларини оқлаш билан шуғулландилар.

Ҳунармандларнинг хусусий мулки бўлган ҳунармандчилик корхоналари давлат мулки, деб эълон қилиниб, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Бу ҳолат ҳунармандчиликка салбий таъсир кўрсатди ва айрим ҳунар турларини камайиб кетишига сабаб бўлди. Урушдан кейинги йилларда уруш даврининг қийинчиликлари аҳолини яна ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур қилди. Улар асосан, аҳолининг ҳаёти учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар. Совет бошқарув ташкилотлари ҳунармандларнинг кооперативлар, артелларга бирлаштирсаларда, уларга эътибор бермади, янги техника билан жиҳозлаш имкони бўлмади. Натижада уларнинг моддий техник базаси заифлашиб борди.

Саноат тараққиётининг асосий йўналиши Ўзбекистонни аграр мамлакатдан аграр индустриал мамлакатга айлантириш эди. Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари (Қашқадарё ва Сурхондарё) Тошкент, Фарғона, Самарқандга қараганда нисбатан иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ўзига хос ривожланган бўлиб, керакли хом ашё етказиб беришда алоҳида ўрин тутган. 1956 йил апрелда Иттифоқ ҳукумати бутун мамлакатда ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Барча ҳунармандлар артеллари давлат мулкига айлантирилиб, маҳаллий

саноат вазирлигига берилди. Бу кескин тадбир ҳунармандчиликнинг кўп турларини йўқ бўлишига олиб келди. Асосан инвалид (ногирон)лар артеллари, уларни иш билан таъминлаш мақсадида ва халқ бадиий ҳунармандчилиги сақлаб қолинди. Артеллар маҳсулоти 1940 йилда республика саноати ҳажмининг 19 %ини ташкил қилган бўлса, 1958 йилда 8,5 % ва 1962 йилда эса атиги 3 %ини ташкил этди. Аммо бадиий ҳунармандчилик миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида 1960-йиллардан тиклана бошланди. Бу йилларда республикада ўндан ортиқ фабрика ва заводлар бадиий буюмлар ишлаб чиқариб, уларга асосан уйда ишловчи ҳунармандлар бириктирилган эди. Аммо бадиий буюмлар фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати якка тартибда ишлаб чиқарилган ҳунармандлар буюмларидан анча паст эди, чунки фабрикаларда усталарга тайёрланган маҳсулот сонига қараб ҳақ тўланган.

Совет даври ҳунармандчилик тараққиётига советлаштириш, атеистик сиёсат, унификациялаш (бирхиллаштириш) каби мафкуравий сабаблар, шунингдек индустрлаштириш, ҳунармандларнинг битта корхона ва битта соҳа остида бирлашиб ишлаши ҳам таъсир кўрсатди. Индустрлаштириш натижасида янги завод фабрика маҳсулотларини кўплаб келтирилиши ва ишлаб чиқарилиши нафақат ҳунар турини, балки ишлаб чиқариш маҳсулотларини шакли ва сифатини ҳам ўзгартирди.

Бу вақтда Марказ ҳукмронлиги остида ўзбеклар ҳунармандчилигининг трансформацияси бир томондан тараққиётга адаптациялаш (мослашиш), иккинчи томондан совет ҳокимиятининг маъмурий-буйруқбозлик фаолиятининг натижаси эди. Совет давридаги унификациялаш жараёни ўзбек ҳунармандчилиги соҳаларини айримларини йўқолишига ва янги турларнинг пайдо бўлишига нисбатан миллий аҳамият касб этган “иккинчи даражали” муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлди. Эҳтиёжни қондирувчи ва хўжалик учун зарур ҳунармандчилик буюмларидаги ўзгаришлар жанубий минтақаларда ўзига хослигини акс эттирмайдиган кўринишни олди.

1980 йиллар охирига келиб, миллий ҳунармандчиликнинг кўп турлари деярли унутила бошланди. Мазкур жараён жамиятда кечган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Ҳунармандчиликда давомийлик муаммолари билан боғлиқ маҳаллий ҳунармандчилик марказлари ва мактабларининг келажаги тобора йўқ бўлишига олиб келди. Шаҳрисабз кулолчилик маркази ва ўзига хос

сопол ўйинчоқлар маркази бўлган Касби кулолчилик мактаблари давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетди. Бундан ташқари, гилам тўқиш, мисгарлик, шишасозлик, чит тўқиш, каштачилик каби ҳунармандчилик турлари ҳам унутила бошланди. Моҳир уста ҳунармандлар ишлаб чиқариш корхоналарига, иш ҳақи кўп, меҳнати нисбатан енгил бўлган бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар. Яна бир тарафдан цех ва артеллардаги асбоб-ускуналар кўп вақт бекор туриб қолиб, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмади.

1989-1991 йилларда иқтисодий соҳада олиб борилган ўзгаришлар воҳалардаги мураккаб танг ҳолатни бартараф этишида катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг бир ёқлама ихтисослашувини бартараф этиш чора-тадбирлари, пахта яккаҳокимлигининг чекланиб бориши, аҳолининг ҳоҳиш-истаклари асосида оммавий равишда ернинг бўлиб берилиши, янги корхона, цех, филиалларнинг ишга туширилиши, корхоналарга тўла иқтисодий мустақиллик бериш йўлидаги ислоҳатлар минтақадаги мураккаб вазиятнинг барқарорлашишига сабаб бўлган эди.

**Мустақиллик даври (1991йилдан ҳозирги кунга қадар).** Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий қадриятига айланган, инсон тафаккурининг буюк ютуғи ҳисобланган, асрлар давомида сайқал топиб, бебаҳо санъат асари даражасида тараққий этиб келган анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш, ҳунармандларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларириданоқ Ўзбекистон жамиятни янгилашнинг ўзига хос тараққиёт йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга жаҳон тажрибаси, шунингдек, халқимиз турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тарихий қадриятларини ҳар томонлама ҳисобга олинган ва маҳаллий аҳолининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт йўлидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларининг муваффақияти, энг аввало мулкий муносабатларнинг ўзгариши, турли хўжалик юритиш шаклларининг ривожланиши ва бунинг учун давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий имкониятлар яратиб берилаётганлиги билан характерланади. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига ислоҳатнинг дастлабки кунларидан зарурат туғилган бўлса, унинг негизида ўзбек миллий ҳунармандчилиги асрлар да-

вомида миллий урф-одатлар ва қадимий анъаналарга таянган ҳолда ривожланиб келаётганлигини назарда тутмоқ лозим. Шу боис, Республикада ҳунармандчилик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, бозор туризми кўринишларида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг манбавий асоси турлича бўлиб,** уларнинг характери ва илмий аҳамияти жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

а)Дала этнографик материаллари. Ушбу гуруҳга кирувчи манбалар муаллиф томонидан 2007-2017 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри ва тумани, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Деҳқонобод, Яккабоғ, Косон, Муборак, Касби, Қамаши туманларида, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Шўрчи, Термиз, Денов туманларидан тўпланган дала этнографик материаллари индувидуал экспедициялар вақтида йиғилган. Дала этнографик материалларни тўплаш учун муаллиф томонидан воҳаларда ҳунармандчилик марказлари мавжуд туман ва қишлоқлари аниқланиб, тадқиқотга доир саволлар ҳамда адабиётлар ёрдамида ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ўрганилаётган ҳудудлар аҳолиси турмуш тарзида анъанавий ҳунар турларининг ўрни ва аҳамиятини кузатиш каби этнографик тадқиқотларнинг махсус усуллари қўлланилди.

Анъанавий ҳунармандчилик тарихини ўрганиш доирасида аҳолининг замонавий турмуш тарзида ўз ўрнига эга бўлган ва ривожланаётган ҳунар турлари, уларни ишлаб чиқаришга бўлган муносабати ҳамда мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳам ўрганилди. Қолаверса, ҳунармандчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, боғлиқ ҳунармандчилик билан боғлиқ маросимлар, урф-одатлар, ҳунар семантикаси ва уларда рамзларнинг акс этиши каби масалаларга эътибор қаратилди. Ахборотчилар билан суҳбатлар муаллиф томонидан махсус сўровномалар, яъни чуқурлаштирилган интервью методини қўллаш асосида олиб борилди. Тадқиқот жараёнида 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган 180дан ортиқ ахборотчилардан маълумотлар олинди.

б) Архив ҳужжатлари *(*материаллари*).*

1. Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви:

Туркистон генералгубернаторлиги маҳкамаси (Ф- И1), Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги (Ф- И3), Туркистон Республикаси халқ хўжалиги марказий совети (27- фонд), Марказий

Осиё ҳунармандчилик кооперациялари (“Среднеазпромсовет”) (303фонд), Самарқанд вилояти бошқармаси (Ф- И18), Ўзбекистон ССР Ревкоми (87- фонд), Ўз ССР Марказий Ижроия Комитети (86-фонд), Ўз ССР Халқ комиссарлари Совети (837- фонд), Марказий Осиё республикалари Иқтисодий Кенгаши – СЭС (2027- фонд), СССР ХКС ҳузуридаги Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши – Средаз Экосо (9- фонд)ларида Ўрта Осиё минтақасида районлаштиришнинг ўтказилиши, Ўзбекистон ССРда ташкил қилинган янги вилоятлар (округлар), туманлар ва қишлоқ шўролар ҳақида, аҳолининг иқтисодий аҳволи, хўжалик фаолияти, хонаки ишлаб чиқариш маҳсулотлари, аҳоли турмуш тарзи, совет даврида кустар ҳунармандчиликнинг артел ва кооперацияларга бирлашиши, ишчиларнинг этник таркиби, ишлаб чиқариш даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, бу ҳужжатларининг аксарияти марказ ва ижроия хукуматининг қарор ва резолюциялари ҳисобланади.

в) Қашқадарё вилояти Давлат архиви бошқармаси материаллари. Қашқадарё вилояти ижроия кўмитаси 1-Фонд, Қарши шаҳар меҳнаткаш депутатлар иттифоқи ижроия кўмитаси маҳаллий саноат бўлими 9- фонд, Қарши туман саноат ишлаб чиқариш комбинати 10- фонд, Ўзбекистон Республикаси тери ва пойабзал ишлаб чиқариш кооператив иттифоқининг “Тикучи” пойабзал ишлаб чиқариш артели (66- фонд), Енгил саноат Минстрлигига қарашли 10-сонли вилоят пойабзал тикув фабрикаси (237- фонд), Қашқадарё инвалидлар кооператив бирлашмаси иттифоқининг Қарши инвалидлар кооператив бирлашмаси иттифоқи (75- фонд), Қашқадарё округи ижроия кўмитасининг фармойишлари, буйруқлари, мажлислари баённомалари (83- фонд) ва 133, 198, 225, 285, 288, 386, 452, 458, 466-фондлар, вилоятнинг Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор филиали архив фондлари 4, 44, 144, 126-фондларидаги ҳужжатлардан фойдаланилди.

Сурхондарё вилояти Давлат Архивининг 1, 45, 95, 313, 404, 454, 455, 18, 261,322-фондларида вилоят ижроия кўмитасининг ҳисоботлари, вилоят ижроия кўмита мажлиси қарорлари, унинг бўлимлари ҳисоботлари, вилоят кенгаши сессияларининг маълумотлари, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи ҳужжатларидаги тадқиқотга оид маълумотлар илмий истеъмолга тортилди. Хусусан, мазкур ҳужжатлардан вилоят саноати тараққиёти, саноат корхоналарининг замонавий техникалар билан жиҳозланиши, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига оид материаллар олинди.

г) Ўзбекистон Республикаси кино*, сурат ва овозли ҳужжатлар ва илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат* архивининг асосий жамғармалари. Улардаги Туркистон ўлкасининг миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракат (1898, 1905-1907 йй.) кўринишлари акс этган суратли ҳужжатлар, шунингдек, суратли ҳужжатларда Туркистонда саноатнинг ривожланиши (темир йўл кўприкларининг қурилиши, тери ва ёғ заводларининг ишлаб чиқариш фаолияти, тўқимачилик, ипакчилик фабрикалари, гилам тўқиш ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалик инвентарлари), қишлоқ хўжалик (содда меҳнат қуроллари, ерни омоч билан ҳайдаш, қўл билан пахта териш ва б.), транспорт ва алоқалар, савдо-сотиқ (газлама сотув дўкончалари, дўппилар, сопол идишлар, Самарқанддаги Регистон майдонидаги сотув расталари; Андижон, Бухородаги бозорларнинг умумий кўринишлари ва б.) тасвирланган. Бундан ташқари, архивда совет даври асосан иккинчи жаҳон уруши давридаги республика аҳолиси ҳаёти, халқ хўжалиги, мамлакатга фабрика ва заводларнинг эвакуация қилиниши, саноат турлари, уларнинг ишлаб чиқариш, фронт орқасидаги Ўзбекистоннинг сиёсий аҳволи масалаларини акс эттирувчи суратли ҳужжатлар ҳам олиб борилаётган тадқиқот учун муҳим ва қизиқарли маълумотлар олишга кўмак берди. Архивда урушдан кейинги даврларда Республика хўжалигини акс эттирувчи кино, суратли ҳужжатлар ҳам мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон мустақиллиги даври кино, сурат ва овозли ҳужжатлар ҳам ўзига хос маълумотлар кўламини ўз ичига олади.

*д)* Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонанинг “Нодир нашрлар” бўлимида сақланаётган ҳунармандчилик тарихига оид адабиётлар, нарратив асарлар ва XIX аср охири – XX аср бошларидаги даврий матбуот материаллари

Мавзуни ёритишда маҳаллий матбуот материаллари маълумотлари алоҳида аҳамият касб этди. Хусусан, “Туркестанская туземная газета”[1], “Туркестанские ведомости”, ”“Улуғ Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Қизил Байроқ”, “Иштирокиюн ва Коммунист” газеталарида мусулмон ҳунармандчилик саноати мактаблари, ҳунармандчилик турлари, тўқувчилар ширкати, Ўрта Осиё газмоли, ипакчилик ва янги иқтисодий сиёсат ҳақида, кооператив уюшмалар, майда ҳунармандчилик саноати ҳақидаги чоп этилган мақола-

[1] Рисола для ткачей маты // Туркестанская туземная газета. – Т, 1901. № 8, 13; Рисола-и нонвойчилик // Туркестанская туземная газета. – Т, 1901. № 26, 28, 29; Рисола медников // Туркестанская туземная газета. – Т, 1902. № 27, 29.

лардан ҳам ўринли фойдаланилди. Шунингдек, мавзу тарихшунослигига доир даврий матбуот нашрлари орасида “Правда Востока”, “Правда ЦК РКП (б)”, “Известия Советов”, “Известия ЦК КПТ и ЦИК ТАССР”, “Наша газета”, “Туркестанская правда” номли газеталар, “Народное хозяйство Туркестана”, “Народное хозяйство Средней Азии” журналлари ҳам бўлиб, уларда чоп этилган материалларда Туркистон ўлкаси ва Ўзбекистоннинг ўрганилаётган даврдаги иқтисодий аҳвол ва тараққиёти, Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсати ва унинг Ўзбекистон тараққиётига таъсири масалалари ёритилган.

е*) Музей* ва кўргазма экспозициялари асосидаги материаллар ва маълумотлар. Тадқиқотда Ўзбекистон тарихи музейи, Ўзбекистон Давлат Санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги Давлат музейи ҳамда жанубий ҳудудларда мавжуд ўлкашунослик музейларида сақланаётган экспонатлардан ҳам фойдаланилди. Мазкур музейлардаги экспонатлар ўз даврининг моддий ашёси ва қадрияти сифатида бадиий қиммати, алоҳида ҳунар турларига хос бўлган амалий санъат даражасидаги экспонатлар ишнинг илмийлиги ва амалий аҳамиятини оширади. Айниқса, Ўзбекистон Давлат Санъат музейида сақланётган XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига оид Қаршида ишлаб чиқарилган кадакорлик буюмлари, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари ҳунармандчилиги маҳсулотлари 1970-80 йилларда йиғилган экспонатлар мажмуасидан иборат бўлиб[1], алоҳида ўрин тутади.

ё*) Ўз*Р ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими ва ЎзР БА Санъатшунослик институтлари архивида сақланаётган бир қатор санъатшунос, тарихчи, этнограф олимларнинг чоп этилмаган қўлёзмалари, дала экспедиция материаллари ва ҳисоботлари*;* Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг йиллик ҳисоботлари, “Энг яхши ҳунарманд”, “Ташаббус” кўрик-танловларида анъанавий ҳунармандчилик буюмларининг намойиши, йўқолиб бораётган баъзи ҳунар турларининг ҳудудларда тиклашга қаратилаётган тадбирлар, уста-шогирд анъаналари, келажак авлодга анъанавий ҳунар турларини ўргатиш борасидаги изланишлар ҳам катта аҳамият касб этади.

и) Мустақиллик йилларида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий

[1] Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг жорий 8, 9, 13, 14 экспозицияси бўлимларидан ўрин олган.

ҳужжатлар ва чоп этилган даврий матбуот материаллари. 1991–2017 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика даврий нашрларида ва қонун ҳужжатларида ҳунармандларнинг меҳнат фаолияти, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, ҳунармандчилик соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Монографияда ўрганилган материаллар ўзига хослигидан келиб чиқиб методологик асоси таъминланган ва структуравий ёндашув асосида тарихий, этнографик ва санъатшуносликка оид маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, семантик метод, тарихий-генетик, тарихий-таққосий методлар орқали Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги трансформацияси турли тарихий жараёнлар контекстида очиб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги трансформацион жараёнлари қуйидагича далилланган:

1 босқич – XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган давр. Ҳунармандчиликнинг динамик тарзда ривожланиш даври.

2-босқич. – Россия империяси мустамлакачилиги даври (1870-1917- йиллар).

Ҳунармандчиликнинг ривожланишида пасайиш тенденцияларининг пайдо бўлиши. Россиядан арзон ва сифатли саноат маҳсулотларининг олиб келиниши ва айрим ҳунармандчилик корхоналари инқирозга учраган давр.(Хусусан, жанубий ҳудудларда кўнчилик, тўқувчилик, кандакорлик, кулолчилик, бўёқчилик,гиламчилик, заргарлик, каштачилик, қайиқсозлик,)

3- босқич.- Режали иқтисодиёт даври (1917-1991 -йиллар).

1)Ҳунармандчилик корхоналарининг оммавий равишда синиш даври (1917-1922 йиллар).

2) Ҳунармандларни артелларга бирлаштириш даври (1922-1930-йиллар).

3) Ҳунармандчилик фаолиятининг жонланиш даври. Ҳунармандчилик кооперацияси таркибида артеллар фаолият юритган давр (1940-1949 йиллар).

4) Ҳунармандчилик фаолиятида пасайиш даврининг бошланиши (1950-йиллар). Республикада ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу даврда ислоҳатлар туфайли ҳунармандчиликнинг асосий қисми йўқ қилинди.

5) Бадиий ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва ундан ташқа-

ри анъанавий ҳунармандчилик фаолиятининг бошқа соҳа ва турлари бўйича пасайишнинг давом этиши (1960-90-йилларгача). Халқ бадиий ҳунармандчилиги маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида қайта ташкил қилинди. Бу тармоқ халқ амалий-безак санъати буюмларини тайёрловчи бадиий ҳунармандчилик корхоналари фаолиятини бирлаштирди. Халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмларига эҳтиёж ортиши муносабати билан уларни қўлда тайёрлаш билан бирга қисман машинада ишлаб чиқаришга ўтилди.

4-босқич.- Мустақиллик даври.

1. Мустақиллик давридан кейинги давр ҳунармандчилик фаолиятида тикланиш даври (1990-йиллар).

2. Тараққий этиш ва юксалиш даври. Ҳунармандчиликда анъаналарнинг қайта тикланиши. (2000-йилдан ҳозирги кунгача).

Монографияда нафақат Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи аҳоли, балки бошқа ҳудудларига хос бўлган этнографик ва тарихий материаллар ҳам ўзаро қиёсий таҳлилга тортилди.

# I БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МУАММО ТАРИХШУНОСЛИГИ

## 1.1.Тадқиқотни ўрганиш методологияси

Инсоният тарихини ўрганиш ҳамма вақт долзарб бўлиб, бу бевосита тарихий ҳақиқатни англаш, тарихий жараёнларга илмий холислик билан баҳо бериш ва фалсафий-мантиқий тушунишни тақоза этади. Тарихчи агар тарихий жараённи ёритишда бир ёқлама ёндашувларга асосланиб, ўз миллати ва давлатининг тарихини асоссиз равишда буюклаштиришса, бу ҳеч қачон кутилган натижани бермайди[1]. Мавжуд объектив боғлиқликка асосланган тарихий ҳақиқатни тарихий далилга таяниб ёритиши муҳимдир[2].

Қадимдан тирикчилик воситаларининг табиий манбаларга бой бўлган жойларида жамият тараққиётига қулайлик туғдирган. Бунга сабаб ишлаб чиқарувчи кучлар, фан-техника ва маданиятнинг ривожланиб боришидир. Жамият тирик организм сифатида ҳар доим ҳаракат ва ривожланишда бўлиб, унда ишлаб чиқариш усули етакчи роль ўйнайди. Шу боис кишилик жамияти моддий олам табиатнинг кўп минг йиллик тадрижий тараққиётининг қонуний маҳсули сифатида бунга бевосита боғлиқдир.

Ҳунармандчилик[3] жамият тараққиёти давомида дастлаб деҳқончилик ва чорвачилик таркибида бўлиб, тўқувчилик, кулолчилик, темирчилик, тоштарошлик (сангтарошлик), заргарлик, дурадгорлик, зардўзлик, кўнчилик, ўймакорлик ва бошқа турли хил ихтисосликларга ажралган. Шунинг учун ҳунармандчилик ҳамма жойда бир текисда ривожланмай, дастлаб фаолият олиб бориш учун зарур бўлган табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб ҳам тараққий этган. Масалан, сифатли тупроқ бор жойда кулолчилик, жун ва тери кўп жойда тўқимачилик ва кўнчилик, дарё бўйларида кемасозлик ривожланган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида

---

[1] *Алимова Д. А.* Эмансипация истории и ее проблемы // История как история, история как наука. Ташкент, 2008. Т. 1. С. 95–100; *Ртвеладзе Э. В.* Историческая наука и псевдоистория Средней Азии // Учитель Узбекистана. 2003. 25 июля.

[2] История и социология. М. 1964. 334 бет.; *Барг М. А.* Структурный анализ в исторических исследованиях // Вопросы философии. 1964. №10. С. 83-92.

[3] *Ҳунармандчилик*– бу аҳолининг аниқ талабларидан келиб чиқиб, аҳоли ёки хўжалик субъектларининг уй-рўзғор, эстетик ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида якка буюртма асосида оз миқдорда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг бир кўринишидир.

ҳунармандчиликнинг (қайиқсозлик, кулолчилик, темирчилик, бинокорлик) ривожланиши учун барча керакли хом-ашё ҳудудларнинг ўзидан соф ҳолда олинган. Бунга табиий географик муҳит ва жамиятдаги ўзгаришлар ҳам сабаб бўлган. Шу боис тадқиқотда модернизация[1] ва географик детерминизм[2] назарияларидан фойдаланилган.

Географик детерминизм назариясига кўра, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилишини белгилайдиган омил географик муҳитдир[3]. Дарҳақиқат, табиий шароитлар ижтимоий тараққиётнинг боришини тезлаштириши, унга туртки бериши ва ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, у жамиятнинг қиёфаси, ижтимоий тизимнинг хусусиятини бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини белгилаб берувчи куч бўла олмайди. Чунки, жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши табиий шароитларнинг ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади[4].

Шунга қарамай табиий географик муҳит ҳунармандчиликнинг ривожланишида дастлабки асосий таъсир кўрсатувчи ҳисобланади. Ҳунармандчилик тараққиётидаги кейинги ўзгаришлар турли омиллар таъсирида бўлиб, биринчи навбатда инсоннинг ўзининг хўжалик фаолияти, шунингдек, табиий ва ижтимоий ҳаётдаги турли кескин ўзгаришлар (катаклизм) ҳам унинг трансформациясига таъсир этади. Буларга масалан, табиий географик муҳит туфайли юзага келган ёки илдиз отган турлар, маҳаллий фойдали қазилмалар, ландшафт, қадимдан ўтроқ маданият ва кўчиб келганлар таъсири, жалб этиш ёки ўзига қаратиш ("тарқалиш"), ҳунармандларни бир жойда узоқ вақт биргаликда қолиб кетиши, ҳунармандлар ҳаёт тарзига муаллифи аниқ бўлмаган янги кўриниши (мода)нинг кириб келиши (XIX аср 70- йилларида фабрика саноат буюмларининг кириб келиши) кабилар бўлиши мумкин.

[1] Модернизация назариясининг шаклланишида У.Ростоунинг "Иқтисодий ўсиш босқичлари" асари ва Т.Парсонс, Э.Шилза каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Модернизация назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади.

[2] *Мечников Л.И.* Цивилизация и великие исторические реки. – М.: Паигея, 1995. – 464 с.; Жан Боден. Метод легкого познания истории. М.: Наука, 2000. 412 с.; *Шарль Луи Монтескье*. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – 672 с.; *Ratsel F*. Anthropogeographie Stuttgart: Verlagvon J. – Engelhorn, 1909. – 400 p.; *Горина Е. Н.* Проблемы географического детерминизма в трудах. *Л. И. Мечникова* // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Социология. Политология.. Том 8. Вып. 2. – 2010. – С. 37 – 38.

[3] *Жан Боден*. Метод легкого познания истории. – М.: Наука, 2000. – 412 с.; *Шарль Луи Монтескье.* О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – С. 672.; *Ratsel F*. Anthropogeographie Stuttgart: *Verlagvon J.* –Engelhorn, 1909. 400 p.

[4] *Гринин Л.Е.* Природный фактор в аспекти теории истории / Философия и общество. №2. 2011. – С. 171.

Табиий омилнинг ҳунармандчилик ривожидаги ролини инкор этмаган ҳолда, “географик детерминизм” тамойили бир томонлама назарий ёндашувга асосланган айрим услубий нуқсонлардан ҳоли бўлмаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Географик детерминизм тарафдорлари нима учундир бир хил табиий шароит мавжуд бўлгани боис баъзи мамлакатлар тезроқ ривожланадию, баъзилари секинроқ ривожланади деган масалани тушунтириб бермайдилар. Детерминистлар фақатгина табиатнинг инсонга ўзига хос таъсирини ҳисобга олишган, аммо инсоннинг ҳам табиатга акс таъсир этиб, ўзи учун янги шароитлар яратиш мақсадида уни ўзгартириб юборишини инобатга олмаган.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, анъанавий ҳунармандчиликни қўйидагича классификация қилиш мумкин:

1) Хўжалик юритиш услуби – ҳаёт тарзи билан боғлиқ (ўтроқ, кўчманчи, ярим кўчманчи); цивилизацион ривожланиш даражаси; қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик ва аралаш тур); шаҳар (хизматчи, савдогар, ҳарбий ва бошқ);

2) Вужудга келиш усули – жамоавий хўжалик юритиш анъаналари; бозор талаби – товар пул муносабатларига ўтиш ва хўжаликни капиталистик юритишни юзага келиши; давлат мажбурияти ва иқтисодий ислоҳатлар даврида давлат сиёсатининг мувофиқлиги; уруш; инқилоб ва маданий ўзгаришлар;

3) Ташкилий жиҳати – уй ҳунармандчилиги (анъанавий ҳунармандчилик), қишлоққа хос ҳунармандчилик (оила, қўшни ва жамоатчилик учун); хонаки ҳунармандчилик ва ҳунармандчилик саноати (уйда, фабрика ва техник ускуналарсиз бозор учун ишлайдиган ҳунармандчилик);

4) Ижтимоий таркиби –ҳунармандчилик билан шаҳар аҳолиси, шаҳар атрофидаги деҳқонлар, қишлоқ хўжалигида фаолият олиб борувчилар, ҳунармандчилик артеллари (бир неча киши аниқ бир вақт доирасида бирга фаолият юритиши)дан иборат.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир тарихий даврнинг ўзгариши билан меҳнат қуроллари, ашёлар, турар жой ва иншоатлар йўқ қилиб ташланмайди, балки улар янги ижтимоий давр учун хизмат қилаверади. Чунки, ҳунармандчилик кишилар ўртасида ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлардан ҳам иборат бўлиб, улар жамоавий тарзда ишлаб чиқариш қуролларини яратган. Ҳунармандчиликнинг ривожи эса шу муносабатларнинг ўсиши ва такомиллашиши шаклида бўлади ва ўзида турли даврлардаги маданий ўзгаришларни қамраб олади.

Монографияда ҳунармандчилик модернизацияси жамият тараққиёти давомида урбанизациялашувнинг кучайишига (шаҳарларнинг мавқеини ошиши) жумладан, шаҳарларда ҳунармандлар учун турар-жой ва устахона дўконларнинг яратиб берилиши, қўлда ҳунармандчилик маҳсулотларини яратилиши жараёнлари асосида ёритилади. Шунингдек, техника тараққиёти ва саноатлашувнинг юзага келиши (индустриализация), советлар даврида жанубий ҳудудларда фабрикаларда гиламчилик, дўппидўзлик, мато ишлаб чиқариш ва кулолчилик буюмларини машина-станокларда тайёрланиши ишда очиб берилади. Ҳунармандчилик буюмларида ғарблашиш (вестернизация)нинг сезилиши ва глобаллашув[1] жараёнларида ҳам содир бўлади. Трансформация ёки модернизацияни келтириб чиқарадиган, ҳаётни таъминловчи маданият тараққиётининг тадрижий ривожига таъсир этадиган асосий омиллардан бири индустриализация ва глобализация ҳисобланади. Масалан, ҳунармандчилик буюмлари батамом модернизациялашган бўлса ҳам (масалан, каштачилик, мато тўқиш, кулолчилик ва заргарлик буюмлари) уларда анъанавий элементлар сақланади. Чунки, уларда халқнинг дунёқараши, эстетикаси, этник ўзига хослиги ва хўжалик анъаналари ўз аксини топган[2].

Ҳунармандчилик модернизацияси ижтимоий тарихий ҳодиса бўлиб, у давлат, жамият ҳаётининг маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларини қамраб олади. Модернизация ҳунармандчиликка оидислоҳатларнинг интенсивлигига эмас, балки анъана ва замонавийлашган қадриятлар қорушуви билан боғлиқ. Яъни, модернизация анъаналарни инкор қилмайди, балки улар асосида олиб борилади. Жумладан бозор шароитида ҳунармандчиликда ўзгаришлар янгича элементлар ва шаклларда намоён бўлиб қолмасдан, талаб, истеъмол, буюртма учун кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳолатида юзага келади. Бу ҳолат мустақиллик йилларидаги “ўзбек модели”нинг чуқур илмий асосга эгалигини ҳамда Ўзбекистонда хунармандчиликка доир ислоҳатларнинг концептуал ва амалий жиҳатдан тўғрилигини исботлайди[3].

[1] *Глобаллашув–* (глобал. лот. умумбашарий, кенг миқёсдаги, жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик); Жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқиёсга эга бўлиши, бутун ер шарини қамраб олиши.

[2] *Кармышева Б. Х.* Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана. (XIX – начало XX вв.) // Проблемы типологии в этнографии. – Москва, 1979. – С. 252

[3] Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. – Б. 197 – 198.

Монография фанлараро ёндашувга асосланган бўлиб, санъат антропологиясини ҳам ўз ичига олади. Санъатга антропологик ёндашув ижтимоий жараёнларда объектларнинг ташкил этиш билан ажралиб туради. Шунингдек, жамиятда объектнинг шакли ва вазифаларини таҳлил қилади, кенг аспектларда улар ўртасидаги муносабатларни ўрганади[1]. Санъат антропологияси ижтимоий антропологиянинг асосий майдони сифатида турли маданиятлар контекстида санъатни ўрганишни билдиради[2]. Санъат антропологияси санъатнинг тарихий, иқтисодий ва эстетик шакллари аспектида намоён бўлади. Санъат антропологияси моддий объектларнинг кенг доирадаги тадқиқи ва таҳлили инсонлар томонидан ишлаб чиқарилади. Улар нафақат эстетик объект сифатида, балки инсонлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Ўрганилган материалларга ҳайкалтарошлик асарлари, ниқоблар, суратлар, тўқимачилик маҳсулотлари, саватлар, хумлар, қурол-аслаҳалар ва инсонни ўзи ҳам киради. Антропологларни бу объекларнинг рамзий аҳамияти хабарлари билан бирга уларнинг ишлаб чиқариш хомашёси ва усуллари қизиқтирган. Санъат антропологияси санъат тарихи, эстетика, маданият ва кўз билан кўрадиган антропология билан ўзаро боғланган. Санъатга антропологик ёндашув объектларнинг яратилишида унинг ижтимоий жараёнларда йўналишини ажратиб туради.

Ҳунармандчилик тарихини ўрганишда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида иштирок этувчи, нафақат даромад даражаси, балки даромад манбаи, эҳтиёжни қондириш, ҳаёт тарзи, қадриятлар тизими, хулқ-атвор услуби ва мотивлари билан

[1] Jeremy Coote. Anthropology of art https://www.discoveranthropology.org.uk/about-anthropology/specialist-areas/ anthropology-of-art.html.

[2] Boas, Franz. (1927) Primitive Art. New York: Dover; Coote, Jeremy and Anthony Shelton, eds. (1992) Anthropology Art and Aesthetics. Oxford: Clarendon Press ISBN 0-19-827945-0; Forge, Anthony, ed. (1973) Primitive Art & Society. Oxford: Oxford University Press; Forge, Anthony. (1979) The Problem of Meaning in Art, in Exploring the Visual Art of Oceania. Sidney M. Mead, ed. Honolulu: Hawaii University Press, pp. 278–286; Geertz, Clifford. (1983). Art as a Cultural System, in Local Knowledge: Further Essays in Interpretive Anthropology. New York: Basic Books; Gell, Alfred. (1998) Art and Agency: An Anthropological Theory of Art. Oxford: Oxford University Press ISBN 0-19-828014-9; Hatcher, Evelyn Payne. (1985) Art As Culture: An Introduction to the Anthropology of Art. Lanham: University Press of America ISBN 0-89789-628-9;Layton, Robert. (1981) The Anthropology of Art. Cambridge: Cambridge University Press ISBN 978-0-521-36894-0; Lévi-Strauss, Claude. (1982) The Way of the Masks, translated by Sylvia Modelski. Seattle: University of Washington Press; Marcus, George and Myers, Fred “The traffic in Culture: Refiguring Art and Anthropology”. University of California ,California 2008; Morphy, Howard and Morgan Perkins, eds. (2006) The Anthropology of Art: A Reader. Malden, MA: Blackwell Publishing; Munn, Nancy. (1973) Walpiri Iconography. Ithaca: Cornell University Press; Price, Sally. (1989) Primitive Art in Civilized Places. Chicago: University of Chicago Press.

фарқланадиган инсонлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ҳодиса ва жараёнларни ҳам ёритиш лозим.

Ҳунармандчиликни ўрганишдаги ёндашувларга кўра, ҳунармандчилик, уй ҳунармандчилиги ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши тушунчалари бир хил маънога эга бўлиб, давлат, жамият ва шаҳарнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳитда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳунармандчилик ижтимоий тизим[1]да инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва таркибий жиҳатларини намоён қилади ҳамда уларнинг мувофиқлигини сақлаб туради[2]. Қолаверса, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, савдо-сотиқ, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши ҳунармандчилик ривожида муҳим ўрин тутади. Кишиларнинг қобилиятига қараб меҳнатнинг тақсимланиши натижасида жамиятнинг ижтимоий-синфий структураси яъни, турли касблар билан шуғулланувчи қатор тоифа, гуруҳ, табақа, страт, қатлам ва синфлар вужудга келади. Синфлар деганда одамларнинг катта гуруҳлари тушунилиб, улар: ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, меҳнат тақсимотидаги роли, фойда олиш усули ва ижтимоий бойликдаги улуши билан фарқланади[3]. Улар жамият структурасида ўзига хос ўринни эгаллаб, жамият тараққиётига муайян ҳисса қўшадилар.

Француз файласуфи **Огюст Конт** (1798–1857) меҳнат тақсимоти[4] ва кооперация[5]лашнинг зарурлигини жамиятни шакллантириш

---

[1] **Ижтимоий тизим** ўзаро боғланган индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва институтларни ўз ичига олувчи, мураккаб ташкил бўлган ва тартибланган ижтимоий яхлитлик. Алоҳида шахс ҳам унинг ташқи дунё билан мунособатларининг серқирралиги ва ўз-ўзини ташкил қилишининг яхлитлиги нуқтаи назаридан ижтимоий тизим ҳисобланиши мумкин. У тартибли, бир бутун, ўзига хос ижтимоий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қилиб, таркибий тизимлар, масалан, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, маънавий, ижтимоий турмуш, фан ва шу каби соҳалардан то алоҳида олинган инсонгача бўлган ижтимоий тизимлар шулар жумласидандир.

[2] Структурнофункциональный подход. Москва., Наука. 1987. С.27.; *Рэдклифф Браун А. Р.* Структура и функция в примитивном обществе. Очерки и лекции. Пер. с англ. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2001. – С. 304. (Этнографическая библиотека).

[3] *Маҳкамова Н. Р.* Ўзбекистон ҳудудида жамият ижтимоий тузилмаси: анъаналар ва трансформациялар (XIX аср охири – XX асрнинг 30-йиллари). Артореф. Тарих.фан. номз. дарж.дисс. – Т, 2009. – Б. 20.

[4] **Меҳнат тақсимоти** – ишлаб чиқариш тизимини ихтисослашган вазифалар ва касбларга тақсимлаш бўлиб, у умумиқтисодий ўзаро боғлиқликка олиб келади.

[5] **Кооперация** (лот. ҳамкорлик) – бир ёки бир неча ижтимоий гуруҳ вакиллари ягона мақсадга етишиши учун биргаликда ва ўзаро мувофиқликда ҳаракат қилишиш жараёни. Ўзаро фойда кооперациянинг асоси ҳисобланади. Қаранг: *Холбеков А., Идиров У.* Социология. (изоҳли луғат маълумотнома). Т, 1999. – Б. 77.

назариясида кўрсатиб беради[1]. Жамият ривожида бу омиллар ижобий аҳамиятга эга бўлиб, шу туфайли воқеиликда ижтимоий ва касб-корлик гуруҳлари юзага келади, жамиятнинг хилма-хиллиги ўсади ва одамларнинг моддий фаровонлиги кўтарилади ва турли даврларда жамиятда меҳнат тақсимоти, артель ва кооперацияларнинг вужудга келиши ҳунармандчилик ривожидаги ўзгаришлар юз берганлигини аниқлашда ёрдам беради.

Шунингдек, Конт ижтимоий воқеликнинг табиий қонунларини ижтимоий статика ва динамика йўналишида кўради. Ижтимоий статика ҳар қандай жамиятдаги барқарорлик, мувозанат ҳолати, асосий тартиботни ўрганса, ижтимоий динамика эса жамиятдаги ўзгариш, ривожланишнинг изчиллиги ва бирин-кетинлигини очиб беради. Ижтимоий динамикага ҳунармандчиликдаги ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омиллар таъсирини ифодаловчи категория деб қараш имконини беради. Масалан: деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти антик даврда яъни, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши давридан бошлаб кўзга ташлана бошлаган. Шу сабабли ҳунармандчиликнинг ривожланиши ўзаро мол айирбошлашнинг кўламини кенгайишига олиб келди. Ҳунармандлар томонидан товар ҳолидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Мазкур ҳолат эса савдо-сотиқ муносабатларини ривожланиши ва натижада шаҳарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шунинг учун, жамиятни ташкил этувчи социал гуруҳ, индивид, табақа ва қатламларнинг ҳаракатларидаги мобиллик ва ўзгаришлар ижтимоий динамикани ифодалайди[2]. Бундай ривожланиш оқибатида жамиятда ижтимоий дифференциация ва интеграция юзага келади.

Ижтимоий дифференциация тушунчаси биринчи марта инглиз социологи Герберт Спенсер (1820–1903) томонидан қўлланилган[3].

[1] *Конт О.* Курс позитивной философии (Conte A. Cours de philosophie positive: Vol. 1-6. 3 ed. P., 1869), Т. 1-2. – СПб, 1899 – 1900; *Ўша муаллиф.* Дух позитивной философии. – СПб, 1910; *Ўша муаллиф.* Система позитивной политики или социологический трактат (Conte A. Systeme de politique positive, outraite de sociologie, instituant la religion de l'humanite: Vol. 1-4. P., 1851-1854).

[2] История социологии. – М., 1998. – С. 48.; Сорокин П. Система социологии. Петроград, 1920. Т. 2 // Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии. - М., 1996. – С. 259-266.

[3] *Спенсер Г.* Синтетическая философия: пер. с англ.: серия «Познание»; Вып. 2. – Киев.: Ника-центр, 1997. – С. 512.; Унинг. Научные, политические и философские опыты. Т. III. – Спб, 1867.; *Ўша муаллиф.* Основные начала. – Спб, 1897.; *Ўша муаллиф.* Развитие политических учреждений. Спб, 1882.; *Ўша муаллиф.* Основания социологии (§§ 212–236) // Западно-европейская социология XIX века: Тексты. – М.: Изд. Международного Университета Бизнеса и Управления, 1996.; *Ўша муаллиф.* Личность и государство. / Пер. М.Н. Тимофеевой. – Спб, 1908. – 84 с.; Ковалевский М.М. Социология Герберта Спенсера. // Сочинения в двух томах. Т. I. – Спб: «Алетейя», 1997; Кон И.С. Социологическая концепция Герберта Спенсера // История буржуазной социологии XIX и – XX вв. – М.: Наука, 1979. – С. 40–42.

У О. Конт назариясини ривожлантириб, ўзининг “Синтетик фалсафа тизими”(1862–1896) асарида жамиятда ижтимоий эволюция бир вақтнинг ўзида дифференциация ва интеграциянинг мукаммалашувидан иборатлигини кўрсатади.

Спенсер кўрсатган ижтимоий эволюция ҳунармандчиликда одамлар эҳтиёжлари билан объектив боғлиқ бўлиб, ҳунармандлар фаолияти эса сақлаб туриш, тақсимот ва бошқарув тизимидан иборатлигини таъкидлайди[1].

Шу ўринда қайд этиш керакки, ҳунармандчиликнинг кенг тараққий этиши халқаро савдо алоқаларининг ривожланишига ҳам катта таъсир этади. Қолаверса, давлатларнинг сиёсий яқинлашуви ва улар ўртасида фаол савдо алоқаларнинг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланганлиги сабаб, ҳунармандчилик жамиятнинг нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган.

Илгари жамиятда инсонларнинг жамият функцияларига мос келиши тараққий этмаган эди. Ҳозирги замонавий жамиятда меҳнатнинг тақсимланиши кишиларни бир бутун ижтимоий организмга бирлашишига олиб келди. Бунда ҳунармандлар жамият аъзолари сифатида меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам бир-бирига боғлиқ бўлади. Бу борада француз социологи Э. Дюркгейм (1858–1917) ижтимоий ҳамкорлик ғоясини исботлашга уринган. Дюркгейм “Ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши”(1983) асарида меҳнат тақсимотининг асосий вазифаси ижтимоий ҳамкорликни қўллаб қувватлашдир деб таъкидлайди ва структуравий ёндашиш тарафдори бўлади.[2]. Дюркгейм у ёки бу ҳодисаларни бир бирига аниқ мос келиши ижтимоий тизимнинг аниқ эҳтиёжидан келиб чиқади деб таъкидлайди. У жамиятдаги дифференциация ва интеграция жараёнларини шахс ва гуруҳлараро мулоқатлар механизмини аниқлашдир деб кўрсатади[3].

Монографияда ўзбек ҳунармандчилигида маълум соҳа ҳунармандлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, муносабатлар ушбу назария асосида таҳлил қилинади. Ўзаро ҳамкорликнинг шарти бу биринчи навбатда шахсий (индувидуал) фаолиятни сақлаган ҳолда бир-

---

[1] Ковалевский М.М. Социология Герберта Спенсера./ Сочинения в двух томах. Т. I. – Спб: «Алетейя», 1997.

[2] *Дюркгейм Эмиль*. О разделении общественного труда: Метод социологии / пер. с фр. – М, 1991. – С 572.

[3] Қаранг: *Дюркгейм Э*. О разделении общественнего труда. – М., 1991. – С. 358.

галикда жамият учун ҳаракат қилишдир[1]. Қолаверса, ижтимоий бирлашув инсонларнинг иктисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тақсимоти орқали таъминланади[2]. Демак, жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимоти жараёнида ҳунармандчиликнинг уч тури:

1) уй ҳунармандчилиги;

2) буюртма асосида маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик;

3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик шаклланган.

Анъанавий ва замонавий жамиятлар ўртасида меҳнат тақсимоти жараёнида қарама-қаршиликлар жуда катта. Ҳатто энг йирик жамиятларда ҳам одатда, 300-400 га яқин тўлақонли ҳунарлар бўлган бўлса, ҳозирги саноатлашган тизимда эса минглаб турли-туман мутахассисликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб ҳозирги жамиятларнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқнинг ўсиб боришидир.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бу ёндашувлардан тарихчилар, этнологлар ўз тадқиқотларида фойдаланишни бугунги кун талаб этмоқда. Чунки, совет даври тарихшунослигида “синфий” ёндашув ҳукмронлиги боис, марксчаленинча назария қўлланилар эди. Бунга кўра ижтимоий тизимнинг халқ ҳунармандчилиги, унинг тараққиёт даражаси – жамиятнинг қолоқлиги, унинг ривожланиши учун шарт-шароитнинг етишмаслиги деб ёритиб келинди. Ҳозир мафкуравий қолипларсиз ва янги концептуал мазмунда ёритиш имконияти пайдо бўлгани учун масалага ёндашув хусусияти ҳам тубдан ўзгарди.

Монографияда қўлланилган структуравий-функционал ёндашув жамиятнинг тарихий тараққиётининг барча босқичларида халқ ҳунармандчилигида меҳнат тақсимоти ва касб ҳунар турларининг кўпайиши, талаб ва истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳунармандлар ўртасидаги ўзаро муносабат, уларнинг ҳаёт тарзи, анъана, урф-одат ва маросимларнинг ўзгаришини ўрганиш имконини беради. Негаки, бундай қарашлар шу вақтгача фақатгина файласуф, филолог ва социологлар тадқиқотларидагина илмий таҳлил қилинган холос. Бугун эса тарихий-этнологик нуқтаи-назардан фанлар кесимида тадқиқот олиб боришни талаб этмоқда.

Ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб яшаш, уюшиб меҳнат қилиш, доимо ёнма-ён, жамоа ва ҳамкорликда бир-бирига кўмаклашиш-

[1] *Спенсер Г.* Синтетическая философия...– С. 359.
[2] *Дюркгейм Э.* О. О разделение общественного труда.... – С.350

га одатланган. Ҳозирги замонавий жамиятлар иқтисодий тизимининг энг муҳим характерли жиҳатларидан бири - улардаги ҳаддан ташқари мураккаб ва хилма-хил меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Ғарбдаги социологик таълимотида ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, ижтимоий тизимлар ривожланишининг ички зиддиятли хусусиятларини ҳисобга олмаслик ҳам жамиятни бир томонлама тушунтиради. Масалан, индустрал жамиятларда технологик янгиланиш суръатлари анъанавий жамиятларга қараганда жуда юқори, чунки бир соҳада қилинган ихтиро ва кашфиётлар бошқа соҳаларда яна ҳам кўпроқ шундай ўзгаришлар қилишга олиб келади. Жумладан, саноатлашган иқтисодиётда ишлаб чиқаришда машиналарнинг кўпайиши, завод ва фабрикалар сонининг ортиб бориши билан ишчи кучининг кўп қисми босқичли жараёнларга ўта бошлайди.

Бундай ёндашувлар иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимоти жараёнлари, иқтисодий муносабатлар, моддий таъминот, эҳтиёжга яраша ишлаб чиқариш, аҳолининг иқтисодий аҳволи каби функционал қонуниятларни ўрганади. Қолаверса, жамиятнинг ижтимоий ривожланиши энг аввало унинг иқтисодий асослари билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ривожланиш қанча юқори бўлса, ижтимоий ҳаётдаги соҳаларнинг ривожланиш даражаси ҳам шунга мос равишда тараққий қилиб боради. Масалан, XIX аср охирларида жанубий ҳудудларда ҳунармандчиликнинг  кигиз тайёрлаш, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжи учун тери ва мўйна тайёрлаш турлари кенг ривожланган бўлиб, талаб ҳамиша аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққанлиги кузатилади.

Бухоро амирлиги даврида жанубий ҳудудларда ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун зарур хом-ашёлар мавжуд қазилма бойликлар ҳисобидан қондирилган бўлиб, Россиядан келтирилган арзон маҳсулотлар маҳаллий ҳунармандчилик тизимига салбий таъсир кўрсатган. Чунки, маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда қадрсизланган. Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги билан боғлиқ анъана ва урф-одатлар, ҳар бир ҳунар соҳасидаги сир-асрорлар,тажриба ва малакаларнинг аждодлардан – авлодларга ўтиб келиши, бу ҳунар турларининг давомийлигини таъминлаган ва даврлар ўтиши билан ривожланиб, такомиллашиб борган.

Совет даврида ижтимоий гуруҳларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёсати натижасида ҳунармандларнинг меҳнатга муносабати сусайиб, ижодкорлик, моддий манфаатдорлик йўқолиб борган. Саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан жуда кўп анъанавий ҳунар турлари амалий жиҳатдан бутунлай йўқолиб кетди.

Саноатлашган жамиятда эса, меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалигида эмас, завод, фабрикалар ва бошқа муассасаларда банд бўлади. Анъанавий жамиятларда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган иш, маълум ҳунарларни эгаллаш билан боғлиқ бўлиб, шунга оид тажриба узоқ вақт шогирдлик натижасида ҳосил қилинган. Масалан, темирчи плуг ясаши, қўл каштачилигининг ўрнига йўрмадўзликнинг пайдо бўлиши, кулолчилик маҳсулотларининг техник жараёни ва ҳ.к. Анъанавий жамиятларда аҳолининг жуда оз қисмигина қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бормаганлиги сабаб, аввалги ижтимоий тизимга нисбатан саноатлашган жамиятлар урбанизациялашган ва шаҳарлар ҳажми анъанавий жамиятларга қараганда жуда катта бўлган.

Тадқиқ қилинган ҳудудларда саноат технологияларини қўллаш билан чекланилмасдан, индустрлаштиришнинг дастлабки қадамлариданоқ саноат ишлаб чиқариш ҳарбий мақсадларга хизмат қилди. Бироқ, ҳудудларда ноиндустриал давлатларга нисбатан анча мукаммал бўлган усуллар туфайли бир вақтлар “қуйи” бўлган анъанавий маданият турмуш тарзлари йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, зўрлик ўтказиш йўли билан ҳаракатланувчи ҳокимият ғояси остида мустамлакачилар ҳаракатларини оқлаш билан шуғулландилар.

Ўрганилган даврда ҳудудлар аҳолисининг катта қисми ҳунармандчиликнинг барча турлари билан шуғулланиб келган. Аммо совет ҳокимияти якка тартибдаги меҳнат капиталистик муносабатларни шакллантиради, деб ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркин фаолиятини чеклаб қўйди. Ҳунармандчилик хусусий мулкчиликдан кооператив мулкига айлантирилиб, артелларга бирлаштирилди. Якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланиш ман этилиб, ҳунармандчилик устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Бу ҳолат ҳунармандчиликка ўз салбий таъсирини кўрсатиб, бу эса бир қанча ўзгаришларга олиб келди.Ҳунармандларнинг иш шароити ва турмуши оғир кечиб, урушдан кейинги йилларда яна ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур қилди. Улар асосан, аҳолининг ҳаёти ва турмуши эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар.

Мазкур даврда республикада ўндан ортиқ фабрика ва заводлар бадиий буюмлар ишлаб чиқариб, уларга асосан уйда ишловчи ҳунармандлар ҳам бириктирилган эди. Бадиий буюмлар фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати якка тартибда ишлаб чиқарилган ҳунармандлар буюмларидан анча паст эди, чунки фабрикаларда усталарга тайёрланган маҳсулот сонига қараб ҳақ тўланар эди.

Совет даврида халқ ҳунармандчилиги тараққиётига советлаштириш, бирхиллаштириш (унификациялаш) каби мафкуравий сабаблар, ҳунармандларнинг битта корхона ва соҳа остида бирлашиб ишлаши ҳам таъсир кўрсатди. Индустрлаштириш натижасида янги завод-фабрика маҳсулотларини кўплаб келтирилиши ва ишлаб чиқарилиши, бу нафақат ҳунар турини, балки ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳам шаклини, сифатини ўзгартирди. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги трансформацияси бир томондан тараққиётга мослашиш, иккинчи томондан совет ҳокимиятининг маъмурий-буйруқбозлик фаолиятининг натижасида рўй берди. Бу жараён тарихий жараёнлар контекстида жамиятда “иккинчи даражали” муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлди[1]. Эҳтиёжни қондирувчи ва хўжалик учун зарур ҳунармандчилик буюмларидаги ўзгаришлар ҳам жанубий минтақалар ўзига хослигини акс эттирмайдиган кўринишни олди.

Мустақиллик даврига келиб ҳунармандларга, уларнинг меҳнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига берилган асосий эътибор туфайли касаначилик, омилкорлик, ишбилармонлик, кичик бизнес, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби хусусиятлар ижтимоий-иқтисодий стимулларга айланди. Чунки, муайян географик чегара, умумий қонунчилик тизими ва муайян миллий (ижтимоий-маданий) тенгликка эга бўлган кишилар бирлашмаси жамият[2]нинг ижтимоий тузилишидаги ўзгаришлар тенденцияси, меҳнатга муносабат, аҳоли турли қатламларининг эҳтиёж динамикаси, ижтимоий-сиёсий, маънавий активлик даражаси, уларнинг турмуш тарзи исталган пайтда ўзгаришга мойиллиги, ижтимоий ўзгаришларнинг давомийлиги билан характерланади. Бу эса ўзбек халқ ҳунармандчилигининг турли тарихий даврлар кесимидаги трансформация жараёнларини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда жамиятни янгилашнинг ўзига хос тараққиёт йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга

---

[1] Современные этнические процессы в СССР. – М, 1975. – С. 210 – 211.

[2] *Смелзер Н*. Социология. - М., 1994. – С. 470.

жаҳон тажрибаси, шунингдек, халқимиз турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари, тарихий қадриятлари конституцион асосга эга бўлган, республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт йўлидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш жамият ҳаётини қандай таъминлаётганини кўрсатса, трансформациялар эса шу жараёнда жамият дуч келадиган натижаларни ифодалайди[1].

Ҳунармандчилик иқтисодий ҳаётда мавжуд моддий ишлаб чиқаришни назарда тутади. У жамият ҳаётининг иқтисодий шароитларини яратишдан иборат бўлган мураккаб ижтимоий жараёнларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу жараёнларга интергенерацион (авлодлар орасидаги) яъни, ижтимоий ҳолатнинг отадан ўғлига (камдан-кам ҳолларда онадан қизга) ўтиши ҳисобланса, ҳунармандчиликдаги ижтимоий кўтарилиш ёки пасайиш билан боғлиқ индивидуал белгилар интегенерацион (авлод ичидаги)ликка мисол бўла олади. Ўз ўрнида анъанавий ҳунармандчиликдаги уста-шогирд анъанаси ҳам ҳар бир ҳунар турининг давомийлигини таъминлайди.

Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги ривожланиши жараёнида турли хил ҳунар соҳаларининг йўқолиши ва янги турларининг пайдо бўлиши кузатилади. Бу ўз навбатида ижтимоий муассасалар ва нормаларнинг ўзгаришига, кейинчалик эса жамиятнинг тубдан ўзгаришига ҳам олиб келади. Бундай ўзгаришлар йўналишига қараб вертикал (кўтарилиш ва пасайиш) ва горизонтал бўлади. Бу ўз-ўзидан ҳунармандчилик ривожининг динамикасига тўғри келади. Ижтимоий мобиллик ўзгарувчанлик-мобиллик, барқарорлик-стабиллик индекси сифатида турли хил имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, жамиятни анъанавий*, замонавий, индустриал, постиндустриал* ва бошқа шаклларда ҳам кўриш мумкин[2].

Ўрганилган тадқиқотда семантика-семиотика (семантика – юнонча semanyikos - ифодалаш) йўналиши муҳим ўрин тутди. Унга кўра, ҳар бир буюм ўзининг маъноси ва шунга мувофиқ уларнинг шаклий “тасаввури”га эга бўлади. Хусусан, ҳар бир ҳунармандчилик буюмлари турли этник анъаналарда ўзига хос номутаносиб шаклларга эга бўлиб, буюмларнинг у ёки бу хоссаларини семантизация (ифода) этган маданиятнинг муайян танловини кўрсатади. Семиотика нисбатан янги фан бўлса-да, белгиларнинг жамият ҳаёти, инсон камолотида тутган ўрнига доир фикр ва қарашлар мил-

[1] *Энтони Гидденс*. Социология / тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов. – Т.:”Шарқ”, 2002. – Б. 73.
[2] Социология: Энциклопедия / Сост. , 2003

лий қадриятлар тизимидаги маросимлар, буларга асос бўлган инсонийлик ва жамоатчилик тамойиллари, аҳлоқий фазилатларнинг таҳлил қилиш бугунги кун учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Семиотика рамзий мазмунга эга белгилар ҳақидаги фан сифатида XX асрда шаклланди. Унинг назарий қоидалари, тадқиқот усуллари ва воситалари дастлаб америкалик файласуф Чарльз Пирс[1] ва швецариялик тилшунос Фердинанад де Соссюр[2] асарларида бир вақтнинг ўзида, бироқ мустақил равишда ривожлантирилди. Семилогия шартли равишда қабул қилинган воситалар ёрдамида инсон ўз фикрини изҳор этмоқчи бўлганида юз берадиган жараёнларни ўрганади[3].

Француз этнологи К. Леви-Строс ҳам семиотиканинг асосий тушунчаларидан бири код атамасини муомалага киритиб, унинг рамзий мазмуни инсон дунёқараши билан боғлиқлиги кўрсатади[4]. Масалан, ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одатларга кўра, совчилик жараёнларида келин томон куёвга розилик аломати сифатида кашта буюмлардан солиб юбориши, шогирднинг ўз устозига белбоғ боғлаши ва ўз навбатида устозининг ҳам шогирдига усталикни давом эттириши учун белбоғ боғлаши одатлари ўзига хос код вазифасини бажарган. Семантик-семиотик ёндашув назариясига кўра, буюмларнинг туб моҳиятини ифодаловчи ва унинг намоён бўлишилигини кўрсатувчи белги ўзига хос хусусият касб этиб рамзга айланади.

Турли миллатларнинг урф-одат, маросим ва байрамлари муайян рамз, тимсолларда акс  этиши ва аниқ мақсадга эгалиги кўпчиликка маълум. Бу даврда бир неча йўналиш бўйича жадал ривожланди[5]. Демак, турли урф-одат ва ҳатти-ҳаракатлар ҳам семиотик белгилар бўлиб, улар объектга ахборот етказувчи тизимлардир. Бинобарин, миллий урф-одат, анъана ёки бирор миллат ё элатга

[1] *Пирс Ч.С.* Избранные философские произведения. – М.: 2000.

[2] Семиология –жамият ҳаётидаги белгиларни ўрганадиган фан бўлса, “лингвистика”– мана шу фаннинг бир бўлагидир. Қаранг: *Соссюр Ф. де*. (Ferdinand de Saussure). Труды по языкознанию. – М.: 1977.

[3] *Бадью А*. Манифест философии. – Спб.: Mashina,  2003. С. 17.

[4] *Леви-Строс К.* Структурная антропология. М., 1983; *Ўша муаллиф*. Структурная антропология / пер. с фр. – М.: Наука, 1985. – С. 536.; *Ўша муаллиф*. Структура и форма. – Семиотика. М.,1983. – С. 400 – 428.; *Ўша муаллиф*. Первобытное мышление. – Москва, 1994. – С. 384; *Ўша муаллиф*. Мифологики. // Сырое и приготовленное. – М.; Спб., 1999. – Т. 1. – С. 406.; *Ўша муаллиф*. Структура мифов // Вопросы философии. 1970. – № 7. – С. 152 – 164.; *Ўша муаллиф*. Путь масок. – Москва, 2000.

[5] *Лотман Ю.М*. Семиотика культуры. – Москва, 1989.; *Байбурин А.К.* Ритуал в традиционной культуры: структурно-семантический анализ восточнославянских обрядов. – СПб, 1993.; *Барт Р.* Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва, 1994.

хос маросимлар ҳам муайян мазмунга эга бўлган, маълум маънони ифодалайдиган "ахборот воситалари" ҳисобланиб, доимий ўзгаришларга учраб боради. Миллий муҳитда тарбия топиб, шаклланган инсон учун улар табиий, баъзан мажбурий характерга эга бўлади. Масалан, "Арвоҳи пир", "Белбоғ боғлар", "Саннонпазлик", "Худойи оши", "Худойи", "Пахта силар" номи билан юритиладиган анъана, урф-одат ва маросимлар фақат ҳунармандчилик билан боғлиқ анъаналар бўлганлиги маълум. Бу жараёнда инсонларнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларининг ривожланиб бориши муҳим ўрин тутади. Бироқ, шундай бўлса-да, турли ташқи белгилар орқали ички туйғу, фикрларни ифода этиш зарурати ҳеч қачон йўқолмайди.

Юқоридаги фикрларга кўра, этнология этномаданий муносабатларни шакллантирувчи этноснинг ички ва этносларaро жараёнларини ўрганади. Илгари бу муаммоларга тадқиқотларда аҳамият берилмаган. Бугун этнология фани инсонларнинг кундалик муносабатларида этник маданият мазмуни, тез ўзгарувчан ҳаёт муҳитида мувозанатни сақлаш муаммолари асосий тадқиқот предметлари ҳисобланади. Шунингдек, ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихини назарий-услубий жиҳатдан ўрганишда иттифоқнинг барча миллат ва халқларни бир тахлитда ривожлантириш концепцияси асосида ёзилган илмий ишлардан бутунлай воз кечишга ёки уларга тарихий танқидий ёндашиш ва бу борада изланишлар олиб борган ғарб олимларининг хилма-хил услублар орқали таҳлил қилишга ундайди.

Тарихийлик методи – ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳозирги ҳолати уларнинг ўтмиш билан боғлиқликда ўрганади. Бу усул ёрдамида воқеа ва ҳодисаларнинг аниқ рўй берган вақти, вужудга келиши ва ривожланиши тарихий нуқтаи назардан аниқ тажрибага асосланган бир бутун ҳолда ўрганади.

Ўзбекларнинг анъанавий ҳунармандчилиги ривожланганлик даражаси ва ташкилий жиҳатлари нуқтаи назаридан турли ҳил соҳаларга бўлинган эди. Баъзи соҳалар фақат ҳунарманднинг шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган ва натурал характерга эга бўлган хонаки ҳунармандчиликни ташкил этса, айримлари яхши ташкил этилган ва бозорга мўлжалланган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўринишга эга бўлган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий-маиший талаб, эҳтиёжларини қондириш (истеъмол)га қаратилганлиги билан характерланган. Шунга қарамай, ўзбек ҳунармандчилик буюмлари ўзининг кўри-

ниши, шакли, сифати, безаги ва анъанавийлиги билан лол қолдирадиган даражага эга бўлган.

Жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳунармандчилигида меҳнат тақсимоти эркаклар ва аёллар ўртасидаги фаолиятда ўзига хос ойна бўлиб келган. Эркаклар кўпинча бозорда сотиш учун, хотин қизлар оила эҳтиёжи учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Кулолчилик, кандакорлик, заргарлик, газлама ишлаб чиқариш, тикувчилик устахоналарида кийим тикиш, зардўзлик, наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги фақат эркаклар шуғулланадиган касб саналади. Каштадўзлик, гилам тўқиш, намат босиш билан аёллар банд бўлган. Улар шунингдек, арзон пахта матолар ҳам тўқишган, сопол, ганч ўйинчоқ, идишлар ҳам ясашган.

XX асрга келиб бу анъанавий турмуш тарзи кескин ўзгарди. Шаҳардаги хотин қизлар анъанавий ҳунармандчилик билан мутлақо шуғулланмай қўйишди. Фақат бу фаолият чекка қишлоқлардагина сақланиб қолди. Шўро давлати таназзулга юз тутгандан кейин анъанавий ҳунармандчиликка муносабатга кескин ўзгаришлар рўй берди. Аёллар эҳтиёж туфайли ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан фаол шуғулланишга киришди. Чунки, бу даврда ўлка иқтисодиётининг барбод бўлиши барчани янги иш топишга мажбур қилди. Иқтисодий барқарорлик шароитида таназзулдан чиқиш учун анъанавий ҳунармандчилик билан шуғулланиш мақбул йўл эди. Шу тариқа аёллар бозорни эгаллашди.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида аёллар ҳозир ҳам фаол. Айнан анъанавий ҳунармандчилик борлиги учун ҳам глобаллашув жараёнида ҳам замонавий маданиятда ўзига хослик сақланиб келмоқда.

Умуман олганда, тарихий ва этнологик тадқиқотларни ўрганар эканмиз, аввало унинг ўрганишда назарий-услубий жиҳатларига таянган ҳолда илмий хулосалар қилишга эътибор қаратилди. Қолаверса, халқ анъанавий ҳунармандчилиги ўтмишда ва бугун ҳам деҳқончилик, чорвачилик, фабрика-завод саноати, замонавий индустрия билан бир қаторда жамият маданияти ва иқтисодиёт конъюктурасида муҳим ўрин тутади.

## 1.2. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги мавзуси тарихшунослиги

**Россия империяси даврига оид тадқиқотлар.** XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Россия ҳукмрон доиралари-

нинг Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий аҳволи кўпроқ қизиқтирган эди. Шу даврдан бошлаб, Ўрта Осиё хонликларида бўлган россиялик сайёҳларнинг бир қанча вакиллари ўз хотира ва ҳисоботларида нафақат сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий маълумотлар, балки, ҳунармандчилик соҳалари ҳолати ҳақида ҳам кўплаб маълумотларни ёзиб қолдиришган[1].

XIX аср бошига келиб Россия Ўрта Осиёни ўз манфаатлари доирасига киритиш борасидаги сиёсатини фаоллаштира бориб, бир қанча савдо ва элчилик карвонларини юборади ҳамда уларга хонликларни империя таъсирига киритиш борасида махфий кўрсатмалар беради.

Дастлаб А. Негри бошчилигида Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг аъзолари А. Будрин ва Г. Мейендорф, К. Бутеновлар ёзиб қолдирган маълумотларда Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси билан ўзаро савдо алоқалари, уларнинг умумий ҳолати, у ерларда мавжуд ҳунармандчилик турлари, ҳунармандчилик корхоналари ва уларда тайёрланадиган ҳунармандчилик буюмлари ҳақида маълумот беришган[2]. Муаллифлар келтирган ҳунарманд ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми, пахтани чигитдан ажратиш усули, матоларни тўқиш ва бўяш, тайёрланадиган мато турлари, кемухт чарм тайёрлаш усули, пойабзалдўзлик ҳақида қисқа маълумотлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилигига ҳам хослигини айтиб ўтиш мумкин. Чунки жанубий ҳудудлар Бухоро амирлиги таркибида бўлганлиги ва бир-бирига яқин жойлашганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Демак, бундан кўриниб турибдики, Россия империяси томонидан юборилган элчилар, савдогарлар орасида, таъкидлаб ўтганимиздек, маҳаллий ҳунармандчилик соҳаларини алоҳида тадқиқ қилишга интилганлари ҳам бўлган. Фақатгина уларда ҳунармандчиликнинг айрим масаларини ёритиш билан чекланилганлигига қарамай, турмуш тарзи, пахтачилик, ипакчилик ва уларнинг турли хил матолар тўқиш, 6 та пўлат қуйиш корхоналари мавжудлиги, омоч тишлар қуйил-

[1] Российско унтер-офицера Ефремова, ныне коллежского ассесора, десятилетнее странствование и приключения в Бухарии, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в Россию, писанное им самим. СПб, – 1786; Путешествие Т. С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухары в 1794 г. И обратно в 1795 г. // Сибирский вестник. 1818. №3; Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. Примечания Я. Ханыкова // Вестник РГО. Кн. 1. Ч. 1. Отд. 1У. 1851.

[2] *Будрин А.* Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца). Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год. – Оренбург, – 1871; *Мейендорф Г.* Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. – М.: – Наука, – 1975; *Бутенов К.* Заводское дело в Бухарии. Монетное дело в Бухарии. Замечание о ковке булата в Бухарии // Горный журнал. – Книга 2. – Часть 4,5. – 1842.

ганлиги, ҳатто пулларнинг зарб қилиниши борасида ҳам тўхталиб ўтадилар.

1867 йилда "Рус география жамияти хабарномаси"да эълон қилинган П. И. Пашинонинг тадқиқоти[1] ўлка ҳунармандчилиги саноати ҳақида дастлабки қимматли маълумотлар берувчи манбалар қаторига кириб, унда ўлканинг ишлаб чиқариш кучлари, саноати ва савдоси ҳақида ҳам сўз боради. Муаллиф ипак, пахта ва жун матолар тўқиш, тери ошлаш, совун тайёрлааш, металлни қайта ишлаш, кулолчилик соҳалари ҳақида маълумот бериб, Туркистон ўлкаси ҳунармандларининг ўз ишига моҳирлиги, улар тайёрлаган маҳсулотлар рус саноати маҳсулотларидан қолишмаслиги баён этган. Пашино Бухоро ва Қўқон ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотларни сифат жиҳатидан рус ҳунармандчилик маҳсулотлари билан солиштирган.

У "... бу ерда ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотлари ҳеч ҳам рус чинни(фаянс)ларидан қолишмаслигини айтиб"[2], уста-кулолларга юқори баҳо беради ва уларнинг бадиий диди ҳақида ҳам қимматли фикрларини келтиради.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларигача бўлган даврда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари тарихи эса тарихий изчилликда ва манбалардан кенг кўламда фойдаланиб тўлиқ ва батафсил ёритилмаган. Шунингдек, бирон-бир ҳудуд доирасида ҳунармандчиликнинг ҳолатини Ўрта Осиё хонликларидаги ҳунармандчилик билан қиёсий ўрганиб, улар ўртасидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлар, ҳунармандчилик соҳалари, уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидаги ўрни масалалари янги, биринчи марта муомилага киритилаётган архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва дала этнографик маълумотларидан фойдаланган ҳолда яхлит тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

А. Вамбери ва П. И. Неболсин ишларида қисқа бўлса-да, айрим ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳақида маълумотлар учрайди[3].

---

[1] *Пашино П. И.* О фабричной и торговой деятелности в Туркестанской области / Известия русского географического общества. – Т. – 111. – № 4. – СПб, – 1867.

[2] *Пашино П. И.* Туркестанский край в 1886 г. Путевые заметки. – Спб., – 1886; *Ўша муаллиф.* О фабричной и торговой деятельности в Туркестанский области // Известия русского географического общества. Т. 3. – Спб. – 1867. – С. 121.

[3] *Вамбери А.* Путешествия по Средней Азии. Спб., – 1865; *Небольсин П. И.* К истории торговля Средней Азии с Россией со стороны Оренбургской линии (Очерки торговли России со старанами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом) // Записки русского географического общества. Т. Х. Спб., – 1856. С. 370; *Бутенев К. Ф.* Заводское дело в Бухаре // Горный журнал. Ч. 5. кн. Х1, СПб, – 1942.

Ўрта Осиёдаги йирик ҳунар турларидан бири металл ишлаб чиқариш ва тўқувчилик, жумладан, мато тўқиш, мато тўқиш жараёнлари, мато турлари, Самарқанд ва Бухородаги устахоналар (асосан уларнинг сони) ҳақида Л. Ф. Костенконинг ишларида батафсил маълумотлар келтирилади[1]. Бундан ташқари, тадқиқотчининг кўрсатишича, Ўрта Осиёга металл Россиядан келтирилган. Айниқса, муаллифни ҳайратга қолдирган Самарқанд темирчилари бўлиб, унинг айтишича, улар асосан бозорда 16 та темирчилик дўконларида 6 та энг яхши усталар фаолият кўрсатишган. Улар ишлаб чиқарган темирчилик маҳсулотлари испанларникидан қолишмаслиги ҳам таъкидлаб ўтилган[2].

Россия Молия вазирлиги томонидан Туркистон ўлкаси иқтисодиётини ўрганиш учун юборилган Н. Ф. Петровский ўлка шаҳарларида ривожланган ва четга чиқариладиган асосий маҳсулот бўлган пилла етиштириш ва ипак тайёрлаш ҳолатини чуқур тадқиқ қилган[3]. У яна ўлканинг кўпгина шаҳарларида ҳам бўлиб, пилла етиштириш, ипак тайёрлаш, ипакни бўяш усуллари ҳамда ўлкада мавжуд бўлган ипакчилик корхоналари, уларнинг жиҳозланиши, пиллакаш ҳунармандлар сони, тайёрланаётган маҳсулот миқдори ҳақида илмий қимматга эга маълумотлар берган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорада бўлган Н. Ф. Петровский мустамлака ҳукумат томонидан топширилган, яъни, Туркистонда тўқувчиликнинг ривожланишида хомашё ҳисобланган ипак қурти ишлаб чиқариш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ҳам маълумотлар тўплаган. Ўрта Осиёда ипакни хонаки усулда қайта ишлашга қаратганлигини муҳим фикрларидан билиш мумкин[4].

Туркистон ўлкаси ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳақидаги маълумотларни М. И. Бродовский тадқиқотида ҳам учратиш мумкин[5]. Туркистон генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман кўрсатмаси билан Туркистон ўлкасига бағишланган альбомга илова

---

[1] *Костенко Л. Ф.* Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – Спб., – 1870. – С. 212 – 218; Он же. Туркестанский край. – Спб., – 1880. Т. 1. – С 453. Т. 11. – С 261. Т. 111. – С 330.

[2] *Костенко Л. Ф.* Туркестанский край... . Т. 11. – С. 184.

[3] *Петровский Н. Ф.* Шелководство и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финансов агаента в Туркестанском генерал-губернаторстве. Спб, 1874; *Ўша муаллиф*. Моя поездка в Бухару. // Вестник Европы. 1873, – №3. – С. 209 – 210.

[4] *Петровский Н. Ф.* О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. Ташкент, 1873.; *Ўша муаллиф*. Шелкоткачество и шелкомотание в Средней Азии. Спб., – 1874. – С. 150.

[5] *Бродовский М. И.* Техническое производство в Туркестанском крае. Спб, – 1875.

тарзида 1875 йилда нашр этилган бўлиб, унда Туркистонда пахта етиштириш, пахта матоларининг турлари ва уларни тўқиш, пилла етиштириш, ипак тайёрлаш жараёни, ипак матолар тўқиш, чармгарлик, эгар-жабдуқчилик, пойабзалдўзлик, металлни қайта ишлаш соҳалари, кулолчилик, бўйра-бардон тўқиш, кигиз босиш, нонвойлик ҳунарлари ҳақида кенг қамровда фикр юритилган. Бу ерда келтирилган маълумотлар нафақат Туркистоннинг барча шаҳарлари балки жанубий ҳудудлар учун хосдир.

1872 йилда ўтказилган Бутунроссия политехника кўргазмасига бағишлаб чиқарилган тўпламда ҳам Л. Краузе Туркистон ўлкасида металлни қайта ишлаш соҳаларидан бири бўлган қурол-яроғ тайёрлашга тўхталган[1]. Муаллиф унда маҳаллий ҳунармандлар томонидан катта маҳорат билан тайёрланган турли кўринишдаги қиличлар, ханжар, пичоқ, устараларнинг тайёрлаш усуллари ва уларнинг нархлари, қуролсозлик устахоналари ҳақида ҳам ёзиб қолдирган. Тадқиқотда Россия босқинидан сўнг империя маъмурияти томонидан қурол-яроғ тайёрлашнинг ман қилинганлиги сабабларига изоҳ ҳам бериб ўтилган. Л. Краузе томонидан ушбу тўпламда нашр қилинган иккинчи тадқиқот[2] ҳунармандчиликнинг бўёқ тайёрлаш соҳасига бағишланган бўлиб, унда муаллиф Туркистон ўлкасида ўсадиган турли бўёқбоп ўсимликлар – рўян, анор, тухмак, испарак, бузғунч, гулхайри, минерал тошлар – ложуворд, малғаш, четдан келтириладиган индиго илдизи, турли металл парчаларидан қандай рангдаги бўёқлар олиниши, бўёқ тайёрлаш усуллари, уларнинг маҳаллий бозорлардаги нархлари, турли мато ва чарм маҳсулотларини бўяш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтади. Тўпламдаги яна бир тадқиқот И. А. Парамоновга мансуб бўлиб[3], у Туркистон ўлкасида чарм тайёрлаш соҳасини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, муаллиф маҳаллий чармгарлар томонидан қора ва қизил рангли қайиш, тагчарм, кемухт, амиркон чармлар тайёрлаш усуллари, чармгар усталарнинг иш қуроллари ҳақида ёзиб қолдирган.

1872 йилги Бутунроссия политехника кўргазмасида Туркистон ўлкасининг ҳам иштирок этиши учун генерал-губернаторлик ҳузу-

---

[1] *Краузе Л.* О туземном оружии в Туркестанском крае // Русский Туркестан. Вып. 2. – Москва, – 1872.

[2] *Краузе Л.* Заметка о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. Вып. 2. – Москва, – 1872.

[3] *Парамонов И. А.* О кожвенном производстве в Туркестанском крае // Русский Туркестан. Вып.. 2. – М., – 1872.; *Федченко А. А.* Обижуаз-писчебумажная фабрика в Коканде // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. 2. – Москва, – 1872.

рида махсус комиссия ташкил этилади. Кўргазманинг Туркистон бўлими катологи комиссия аъзолари М. И. Бродовский, Д. Л. Иванов, Л. И. Краузе ва Н. П. Федченколар томонидан тузиб чиқилган бўлиб[1], унда кўргазмада намойиш қилиниши лозим бўлган Туркистон ҳунармандчилик буюмларининг тўлиқ рўйхати, номлари, тайёрлаш усуллари ва нарх-навоси батафсил баён қилиб берилган. Бундан ташқари, ушбу каталог кенг жамоатчиликни Туркистоннинг иқтисодий, маданий ҳаёти билан таништиришга ҳам мўлжалланган бўлиб, унда маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ҳақидаги маълумотлар кенг ўрин олган.

XX аср бошида Туркистон ўлкасида ташкил этилган ҳунармандчилик комитетлари маҳаллий ҳунармандчилик соҳаларини махсус ўрганиб, тўпланган материалларни яхлит ҳолга келтириб нашр қилишни йўлга қўйганлар.

Тошкент ҳунармандчилик комитетининг котиби бўлган В. К. Развадовский Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Бухоро ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатган ипакчилик, қоғоз тайёрлаш, гиламчилик, намат тайёрлаш, дурадгорлик, тери ошлаш, кулолчилик устахоналарининг тузилиши, уларда тайёрланётган маҳсулот микдори ва сифати, ишчилар сони ва уларга тўланадиган иш ҳақи ҳақида ўз тадқиқотида сўз юритган[2]. Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш лозимки, В. К. Развадовский Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Марғилон шаҳарларидаги 10 га яқин ипакчилик корхоналари фаолиятини ўрганиб чиққан. Шу билан бирга Туркистонда ўз кулолчилик маҳсулотлари билан машҳур бўлган Риштон кулолчилик мактаби ҳақида ҳам фикр юритади.

В. Г. Развадовский Тошкентда ташкил этилган кустар комитетнинг секратари бўлиб, 1927 йилдан бошлаб, кустар музейи (Ўзбекистоннинг амалий санъат музейи) директори бўлган. Шу боис ҳам у тўплаган маълумотлар оз бўлса-да, ўша давр тарихи учун қимматли аҳамиятга эга ҳисобланади.

И. Гейер ва И. Назаровнинг Тошкент шаҳрида мавжуд ҳунармандчилик соҳаларини ўрганишга бағишланган рисоласида[3] тўқимачилик, астарчилик, заргарлик, чармгарлик соҳаларига эътибор қаратилган. Муаллифлар фикрича, маҳаллий ҳунармандчилик

---

[1] Католог Туркестанского отдела политехнической выставки / Составлен членами комиссии М. И. Бродовским, Д. Л. Ивановым, Л. И. Краузе и Н. Д. Федченко. – М.., – 1872.

[2] *Развадовский В. К.* Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское селькое хозяйство. 1916. №. 4-8.

[3] *Гейер И. Назаров И.* Кустарные промыслы в Ташкенте. Т., – 1903.

маҳсулотларини тайёрлаш усули европача ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашдан фарқ қилмаган.

Туркистон ўлкасининг маълум бир ҳудудларида мавжуд бўлган ҳунармандчилик соҳаларини ўрганишга бағишланган В. И. Юферов[1], Ф. Поспелов[2] ҳамда А. Скворцов[3] тадқиқотлари катта қимматга эга тадқиқотлардан саналади.

Гиламдўзликни ўрганишга бағишланган А. Фалькерзамнинг "Ўрта Осиёнинг қадимги гиламлари" номли тадқиқоти[4] гиламдўзлик тарихининг энг қадимги даврлардан бошлаб баён этилганлиги билан бошқа тадқиқотлардан ўта илмийлиги жиҳатидан кескин ажралиб туради[5]. Муаллиф кўплаб ёзма ва ашёвий манбалар асосида Ўрта Осиё гиламчилигида қўлланиладиган хомашё, турли гул ва нақшлар, гилам турлари ва номлари ҳамда жаҳонга машҳур туркман гиламлари ҳақида ҳам бебаҳо маълумотлар баён этилганлиги ўрганилаётган ҳудудларга ҳам хосдир.

Шу ўринда ўлканинг хомашё базаси ва маҳаллий ишлаб чиқариш турларини ўрганиш сифатида қатор ишларни ҳам келтириб ўтиш жоиз[6]. Айниқса, Н. А. Маевнинг қарашларида Ўрта Осиёнинг хомашё базаси сифатида Россия учун қандай аҳамиятга эгалиги рамзий маънода очиб берилган[7].

XIX аср охирида қалам тебратган тадқиқотчилар биринчи ўринда, Ўрта Осиёни бой хом-ашё ўлкаси ва ўз молларини сотиш бозори сифатида ўрганганлар. Тадқиқотлар орасида Туркистон ҳунармандчилиги, айниқса, унинг айрим турлари тарихига бағишланган мақолалар ҳам ёзилган бўлиб, уларда фақат қиёсий маълумотларгина келтириб ўтилади холос.

[1] *Юферов В. И.* Хозяйство сартов Ферганской области. Т., – 1911.

[2] *Поспелов Ф.* Кустарьная промышленность в Каттакурганском уезде // Туркестанское сельское хозяйство. 1912. №8.

[3] *Скворцов А.* Кустарные промыслы // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарынской области. Т. 4. Т., – 1910.

[4] *Фелькерзам А.* Старинные ковры Средней Азии // Старые годы. Ежемесячник для любителей искусства и старины. 1914. октябр-декабрь.

[5] *Боголюбов А.* Ковровые изделия Средней Азии. СПб, – 1908; Производство ковров в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1910. №277.

[6] *Қаранг: Алоизи И.* Популярное руководство к шелководству. – Т., – 1897. – С. 29; *Тимаев И.* Очерк шелководства в Туркестанском крае. – Т., – 1910. – С. 12; *Федоров М. П.* Хлопководство в Средней Азии. – Спб., – 1870. – С. 282; *Покотило В.* Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886. – Т., – 1886. – С. 67 – 70; *Арандаренко Г. А,* Досуги в Туркестане. – СПБ., 1889. – С. 666.; *Хорошхин А. П.* Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – Т., – 1875. – С. 532.

[7] *Маев Н. А.* Туркестанская выставка 1886. – Т., – 1886. – С. 82; ***Ўша муаллиф.*** Туркестанская выставка предметов сельского хозяйства и промышленности в Ташкенте 1890 г. – Т.: – 1890. – С. 163.

Бироқ, тадқиқотларда ҳунармандчилик соҳалари ҳақида маълумотлар учраса-да, уларда ҳунармандчиликнинг бирон-бир соҳаси тўлиқ ва ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилинмаган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги борасида алоҳида фикр юритилмаган.

Бундан ташқари, анъанавий ҳунармандчиликнинг ўзига хос характерли жиҳатларини ёритишда ва қимматли маълумотлар беришда муҳим манба ҳисобланган "рисола"лар тўғрисида (XIX аср давомида) П. А. Комарев, Н. О. Петровский, А. Ф. Миддендорф, В. П. Наливкин, А. Н. Самойлович, С. Е. Малов, М. Ф. Гавриловлар ишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз[1]. Айниқса, кейинчалик XX аср бошларида ҳам "рисола"ларни ўрганишга доир ишлар олиб борилган. М. Гаврилов[2] бу даврда яратилган ўз асарлари ва мақолаларида Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг дастлабки цех-уюшмалари тўғрисида маълумот беради. У бу уюшмаларни 2 категорияга: ҳунармандларнинг цех уюшмалари ишлаб чиқариш машғулотига кўра темирчилар, тўқувчилар, этикдўзлар, совунгарлар ва оддий корпорациялар, яъни аҳолининг бир хил тоифадаги қатламлари, шунингдек, ҳунармандчиликнинг ёзма қоидалари – рисолаларда ҳунармандчиликнинг 32 шаклини ҳам кўрсатади. Унинг Ўрта Осиё ҳунармандлар рисолалари масаласига бағишланган асарларида бир неча турдаги ҳунармандчилик рисолалари ва улардаги устоз-шогирд муносабатлари ҳақида ёритилади. Гаврилов "рисола"лар йиғувчиси эмас, балки уларни таржима қилувчи

[1] *Петровский Н. О.* Шелкоматание и шелкоткачество в Средней Азии / Приложение - туземное сказание о шелковичном черве. – Т., – 1873. – С. 1 – 10; *Миддендорф А. Ф.* Очерки Ферганской долины. – Спб., – 1882. – С. 354 – 357.; *Наливкин В. П., Наливкина В. М.* Очерк быта женщины оседлого населения Ферганы. – Казань, – 1886. – С. 300; *Комаров П. А.* Несколько слов о рисола // туркестанские ведомости. – Т., – 1901. – №45; *Гаврилов М. Ф.* Рисоля сартовских ремесленников. – Т., – 1912. – С. 59; *Ўша муаллиф.* О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах рисола // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников страны, искусства и природы. Вып. 111. – Т., – 1928 – С. 223 – 241; *Ўша муаллиф.* Кукольный театр Узбекистана // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. 111. – Т. – С. 98 – 171; *Малов С. Е.* Шаманство у сартов Восточнего Туркестана // Сборник музея антропологии и этнографии им. Петра Великого при РАН ко дню 80-летию академика В. В. Радлова. Т. У. Вып. 1. – Петроград, 1918. – С. 1 – 15; *Ўша муаллиф.* Уйгурский торговый обрядник (рисале из Западного Китая) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии, посвященный 80-летию со дня рождения А. А. Семенова. – Хўжанд: – 1853. – С. 139 – 144; *Самойлович А. Н.* Куколный театр в Туркестане // Материалы по этнографии. Т. 111. Вып. 2. – Л., 1927. – С. 53 – 57.

[2] *Гаврилов М. Ф.* Рисоля сартовских ремесленников. – Т., 1912. – С. 59.; *Ўша муаллиф.* О ремесленных целях Средней Азии и их статутах рисоля // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников страны, искусства и природы. Вып. 111. – Т., – 1928 – С. 223 – 241.

ҳам ҳисобланади. Бироқ, юқорида келтирилган асарларда ҳунармандчилик соҳалари ҳақида қисман тўхталиб, бевосита ёки билвосита ёритилган бўлса-да, анъанавийлик ҳунармандчилик тараққиёти босқичлари деярли ёритилмайди.

Юқоридаги келтирилган адабиётларда айнан тадқиқот объекти ҳисобланган Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги тарихи борасида алоҳида фикр юритилмаган бўлса ҳам муаммонинг у ёки бу томонларини ёритишда жуда муҳим саналади.

Д. Н. Логофет Бухоро хонлиги географик жойлашувини тўлиқ таърифини келтириш билан бирга, у ердаги ҳунармандчиликнинг 15 тури тўғрисида қисқача ёритади[1]. Бироқ, у Россия империясининг ўлкадаги сиёсий ҳукмронлиги, мустамлакачиларнинг ўлкага муносабати, шунингдек, бу ерда мавжуд табиий ресурсларнинг хомашё сифатида ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрнини ҳам кўрсатиб беради. Муаллифнинг Бухоро хонлигининг ишлаб чиқариш саноати Европа ва Осиё давлатлариникидан анча орқада эканлигини айтиб ўтиш билан бирга бироз муболағали фикрларини ҳам келтиради. Негаки, сиёсий қарамлик Бухоро хонлигининг саноат ишлаб чиқаришига анча путур етказганлигини унутиб қўяди, шекилли. Чунки Бухоро Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги боис ўша пайтда кўплаб Европа ва Осиё давлатлари билан тенг равишда савдо, маданий алоқаларда бўлганлигини эътиборга олмайди.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маҳаллий ҳунармандчилик турлари борасида махсус изланишлар олиб бориш учун махсус кустар комитет тузилади. Тадқиқотчилар алоҳида ҳунар турларини системали тарзда ўрганишга киришадилар, натижада эса бу борада алоҳида ишлар вужудга келади.

В. И. Масалскийнинг "Туркистон ўлкаси"[2] асари ўлка аҳолисининг турмуш тарзи ва хўжалик машғулотлари тўғрисидаги биринчи иши бўлиб, унда асосан, кустар-ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг турли хил кўринишлари, шунингдек, уларнинг аҳоли ҳаётидаги ўрни ва хусусиятлари ҳақида ёритиб берилади.

Кўнчилик ҳақида эса В. В. Заорский ва К. А. Александер ишла-

---

[1] *Логофет Д. Н.* Бухарское ханство под русским протекторатом. – Спб., – 1911. Т. 1. – С. 340. 4 Т. 11. – С. 357. *Ўша муаллиф.* В горах и равнинах Бухары (очерки о Средней Азии). – СПб. – 1913. – С. 619.;

[2] *Масальский В. И.* Туркестанский край. // Россия. Полное географическое описание нашего отчества. Т. 19., – Спб, – 1913.; *Ўша муаллиф.* Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. 1916. №7.

рида маълумотлар келтирилади[1]. Асосан, бу маълумотлар ўлкадаги ишлаб чиқариш корхоналари ҳақидаги биринчи статистик кузатувларни ташкил этади. Бундан ташқари, муаллифлар кўнчилик кустар корхоналари ҳақида қизиқ маълумотлар келтириш билан бирга, ишлаб чиқариш технологиялари, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, меҳнат тўловлари (иш ҳақи – *С. Д.*), кўнчи-кустарларнинг турмуш тарзлари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар беради.

Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихини ўрганишда даврий матбуот материаллари ҳам катта аҳамиятга эга. Қолаверса, ундаги тарихий маълумотлар ўша давр нуқтаи назаридан ўзига хос аҳамиятга молик бўлиб, унда, асосан, жамиятнинг турли тоифа вакилларининг муносабати мураккаб ва зиддиятли жараёнлар динамикасини кузатиш имконини беради. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий газеталари ҳисобланган “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган мақолалар ва бошқа турли этнографик характердаги маълумотлар фикримиз далилидир. Қолаверса, Туркистон матбуотида халқнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳунармандчиликка оид материаллар ҳам бериб борилган. Хусусан, 1894 йилда ушбу газетада ўлкада ҳунармандчиликнинг ўрганилиши тўғрисида Россия империяси техник жамиятининг Туркистон бўлими ҳақиқий аъзоси К. М. Оберучевнинг 1894 йилда бўлим йиғилишида сўзлаган нутқи чоп этилган[2]. Унда Туркистон ўлкасида, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ҳунармандчиликнинг ўрганилиши ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, бу соҳаларни ўрганишда кўргазмаларнинг роли алоҳида таъкидланган[3]. Маърузада, шунингдек, ўлкадаги ҳунармандчилик жиддий ўрганилмаганлиги таъкидланиб, статистик маълумотлар реал аҳволни акс эттирмаслиги қайд этилган. Туркистон халқи ҳаётида ҳунармандчилик саноатининг ягона тури ҳисоблангани, қанчадан-қанча ишчиларни ҳаёт манбаи эканлиги, ҳунармандчилик соҳаси халқ эҳтиёжи маҳсулотларини етказиб бераётганлиги, уни яхши ўрганиш зарурлиги уқтирилган[4].

Бу даврда Туркистон ўлкаси хонаки ҳунармандчилигига қи-

[1] *Заорская В. В.* И Александер К. А. Промышленные заведения Туркестанского края. – Петербург., – 1915.

[2] Изучение кустарных промыслов туркестанского края // Туркестанские ведомости. – 1894. – № 72.

[3] Католог Туркестанского отдела Политехнической выставки 1872 г. – М,: – 1872.

[4] Изучение кустарных промыслов туркестанского края // Туркестанские ведомости. – 1894. – № 72.

зиқиб, фикр билдирган муаллифлар, кўпроқ ўз диққатларини Ўрта Осиё Россиясининг мустамламакаси сифатида ўлканинг иқтисодий ишлаб чиқарувчи томонларига ва кирим-чиқим ҳисобларига қаратганлар. Қолаверса, мазкур даврда муаммони ўрганиш тарихшунослигининг таҳлили шуни кўрсатадики, айнан бу даврда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ҳақида муайян тасаввур берувчи, бир тизимга солинган биронта ҳам махсус асарлар ва мақолалар яратилмаган. Келтирилган маълумотлар эса, фақатгина Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари, иқтисодий ҳаётидан лавҳалар, солиқ тизими, бошқарув, амалдорлар ҳаёти, умуман, бир сўз билан айтганда, Россия империяси ташқи сиёсати нуқтаи-назаридан маълумотлар тўплаш даври бўлганлиги имконини беради холос.

"Туркестанские ведомости" газетаси саҳифаларида Туркистон халқларининг этнографиясига, умуман улар ҳаётининг турли жабҳаларига оид қизиқарли, бой мақолалар берилган ва улар кейинчалик китоб ҳолида ҳам босилиб чиққан. Ушбу мақолалар аксарият, Туркистон ўлкасидан мустамлака сифатида унумлироқ фойдаланиш мақсадида ёзилган. Чунки ушбу мақолалар, муаллифлари дастлаб ҳарбий ва амалдорлар бўлган бўлса, кейинчалик ўлкадаги йирик маъмурлар, майда амалдорлар, хусусан, шифокорлар, ўқитувчилар, ҳарбий хизматчилар, муҳандислар ва агрономлар ҳам иштирок этишган[1]. Айниқса, 1874 йилда Бухоро хонлигидаги Шаҳрисабз, Қарши ва Бухорога қилинган экспедиция натижаларининг ҳам газетада мақола тарзида берилиши ҳамда ўша даврда халқларнинг урф-одатлари, яшаш тарзи, маданияти, ўлка табиати, маҳаллий аҳолининг этнографиясига доир, халқ оғзаки ижоди, аҳоли ишлаб чиқариши, савдо-сотиқ муносабатлари борасида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар ўрганилаётган тадқиқотнинг муаммоларини бутунлай қамраб олмаса-да, у ёки бу томонларини ёритиши билан ҳам аҳамиятлидир[2].

Умуман олганда, бу даврда бажарилган тадқиқотлар, гарчи махсус мутахассислар томонидан яратилмаган бўлса-да, тадқиқот мавзуси доирасида илк марта эълон қилинган илмий ишлар экан-

[1] *Шодмонова С.* Туркистон тарихи / матбуот кўзгусида. – Т., – 2011. – Б. 20.

[2] От Ташкента до Верного// Туркестанские ведомости. – 1871. – № 27; От Самары до Ташкента // Туркестанские ведомости. – 1872., – № 3, 4, 5, 6.; Верхные течение Амударьи // Туркестанские ведомости. – 1880. – № 12, 17, 21.; Краткие сведения о результатах гиссарской экспедиции // Туркестанские ведомости. – 1875. – № 28.; Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Туркестанские ведомости. – 1877. – № 7.; Город Карши // Туркистанские ведомости. – 1878. – № 24, 25; Долина Сурхана // Туркестанские ведомости. – 1878. – № 36.

лиги ва сайёҳлар томонидан шахсий кузатувлар асосида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам, ушбу тадқиқотлар, кузатувлар, яратилган асарлар, мақолалар ва шахсий фикрлар ўзбек халқи анъанавий ҳунармандчилиги ва унинг турлари, улар билан боғлиқ урф-одатлар борасидаги тавсифий характердаги ёки узуқ-юлуқ маълумотлардангина иборат бўлиб қолган. Бу маълумотлар тадқиқот ҳудуди доирасини яққол қамраб ололмаган бўлса-да, бироқ умумўзбек ҳунармандчилиги тарихини ёритишда муҳим маълумотлардан ҳисобланади. Қачонки, уларга танқидий ёндашиб, ўша давр мафкураси асосида яратилганлиги, ушбу маълумотларнинг қанчалик мавжуд ҳукмрон табақа учун аҳамиятли эканлигини ҳам ёдда тутмоқ лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон ўлкаси ҳунармандчилигининг турли соҳаларини ўрганишга бағишлаб кўплаб мақола ва рисолалар ёзилган. Ушбу тадқиқотларнинг ёзилиш даврига қараб шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич тадқиқотлари Россия империяси босқинига қадар Бухоро, Хива, Қўқон хонликларига келган савдо карвонлари ва дипломатик миссия аъзолари томонидан ёзиб қолдирилган хотира ва ҳисоботлардан иборат бўлиб, бунда муаллифлар асосий эътиборни хонликларнинг сиёсий-ҳарбий ҳолатини ўрганишга қаратган.

Иккинчи босқичга оид маълумотлар Россия империяси босқинидан кейин 1917 йилги давлат тўнтаришигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврга оид тадқиқотлар нафақат Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларининг сиёсий-иқтисодий аҳволи баён этилганлиги, балки ҳунармандчилик соҳалари чуқур тадқиқ қилинганлиги билан ажралиб туради. Рус тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган турли мавзулардаги тадқиқотларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Бироқ, бу маълумотлар жанубий ҳудудлар аҳолисининг ҳунармандчилиги борасида маълумотлар жуда камлигини кўрсатади.

**Совет даври тарихшунослигида ҳунармандчилик мавзуси.** Мавзунинг бу даврга оид тарихшунослиги шундан далолат берадики, адабиётларда муамммо доирасида қисман тўхталиб ўтилган. Совет йилларида миллий ҳунармандчилик ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва иқтисодиёт соҳасида олиб борган ислоҳотлари билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борди. Бу йилларда мавзу доирасида турли хилдаги адабиётлар яратилди.

Холбуки, Ўзбекистонда совет даврида саноат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида амалга оширилган сиёсат, унинг моҳияти, мақсади ва тарихий аҳамияти совет даври адабиётларида нотўғри талқин қилиниб келинди. Чунки тарих фани узоқ йиллар давомида партия тарғиботчисига айланиб, асарларда тарихий воқеа ва ҳодисалар сохталаштирилган ҳолда баён этилди.

Совет даврининг дастлабки йилларида яратилган адабиётларда Туркистон Россия саноатининг йирик хом-ашё базасига айланиши, маҳаллий маҳсулотлардан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш имконининг яратилиши[1], ўлкада ўша пайтда содир бўлган “ҳунармандларни бирлаштириш ва национализация” сиёсати, артелларнинг тузилиши, кустарларнинг давлат корхоналарига ишга ўтиши, касаба уюшма (профсоюз) ларига кириши, анъанавий цехлар нормалари ва шогирдлик анъаналарининг бузилиши, совет ҳукуматининг шафқатсиз қарорлари ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди[2].

Шунингдек, Совет даврининг дастлабки йилларида ўтказилган кўпсонли археологик ва этнографик экспедицияларнинг натижасида тўпланган статистик-этнографик маълумотлар орқали миллий ҳунармандчиликкка оид қимматли маълумотга эга бўлиш мумкин[3]. 1925 йилда махсус комиссия текширувлари асосида тўплан-

[1] *Рудзутак Э.* Экономические положение и экономическая политика в Туркестане // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – № 3. – С. 1 – 110.

[2] *Василевский Н.* Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – № 9 – 10. – С. 37 – 42: *Ўша муаллиф.* Вхождение кустарей в профессиональные союзы промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – № 9 – 10. – С. 13 – 15; *Ўша муаллиф.* Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – 1925. – № 4. – С. 37 – 39; *Муравьев П.* Организация народного хозяйство и кустарная промыщленность // Народное хозяйство Туркестана, – 1925. – № 4. – С. 6 – 10; *Скворцов А.* Кустарные промыслы среднеазиатских республик в прошлом и настоящем // Народное хозяйство Туркестана, – 1925. – № 10. – С. 71 – 83; *Новиков А.* Хлопкодство и хлопковая промышленность // Вся Средняя Азия. Спровочная книга на – 1926. – С. 153 – 163; *Юровецкий М.* Шелководство и шелковая промышленность // Вся Средняя Азия. Спровочная книга на – 1926. – С. 167 – 183; *Ўша муаллиф.* Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик // Материалы к совещанию при ВСНХ СССР по вопросам кустарной промышленности союзных национальных республик и областей. – М., – 1926. – С. 1 – 45; *Миронов А. М.* Производство хлопчатабумажной маты и набоек в Средней Азии // Хлопковое дело. – № 10 – 11, – 1930. – С. 1137 – 1153.; *Десятчиков Б. А., Понамарев П. М.* Социалистическая реконструкция ремесленно-кустарной промышленности Уз ССР. – Т., – 1940.; *Аминов А. М.* Экономические развитие Средней Азии. – Т., – 1959.; Бунаков Е. В. Тенденция развития капиталистических отношений в Средней Азии накануне присоеденения её к России. // Проблемы Востоковедения – М.: – из-во АН СССР, – 1960, – №6.; *Рассудова Р. Я.* Занятия населения. // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., – 1969.; *Ремпель Л. И.* Далёкое и близкое. Страницы жизнь быта строительного дела, ремесла, искусства старой Бухары. – Т. – 1981.

[3] Материалы по районированию Средней Азии. Вып. 1. Ч. 2. Самарканд. – Т., – 1926. – С. 10.; Материалы по истории Узбекской, Таджикской, Туркменской ССр // Труды ИАИ и ИВАН.

ган, умумий очерк сифатида нашр этилган “Современный кишлак Средней Азии” китобида минтақанинг қишлоқ хўжалиги, шаҳар ва қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, хўжалик бюджетлари, ҳунармандчилик, савдо ва ижара, маъмурий жамият қурилиши билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади[1]. Китобда ишлаб чиқаришга оид умумий тавсифлар, деҳқончиликка оид бўлмаган касб-корлар: а) ишлаб-чиқариш географияси; б) алоҳида ҳунар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви; в) ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришнинг бир-бирига боғлиқлиги; г) меҳнат бирлашмалари; д) таъминот органлари; е) тарқатиш органлари ёритилади. Кулолчилик, чарм ишлаб чиқариш, кўнчилик, ипак тўқув цехлари, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, бўёқчилик корхоналари, эгар ясовчилар, дўппи тайёрловчилар, мато ишлаб чиқарувчилар, ёғ (мой) ишлаб чиқарувчилар, яъни, мойжувоз, жувозхона, тегирмонлар ва дон янчувчилар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, савдо алоқалари, товар айирбошлаш, бозор муносабатлари ҳақида ҳам тўхталади.

Совет даврида саноат соҳаси тарихига бағишланган дастлабки илмий мақолаларнинг яратилиши XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. В. Дурмашкина, А. Иткин, И. Русак, М. Юровецкийнинг мақолаларида саноатнинг ипакчилик, пахта тозалаш заводлари, майда-кустар саноатига доир маълумотлар умумлаштирилди[2]. И. Русак ва А. Иткинлар мақолаларида Ўрта Осиё саноатига ажратилган капитал маблағ, Иттифоқ, Республика ва маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги саноат корхоналари ва улар ишлаб чиқарган ялпи маҳсулот ҳажмига оид рақамлар таҳлилга тортилади. Айниқса, В. Дурмашкинанинг Ўрта Осиё саноатининг ривожланишининг ўн йиллигига бағишланган мақоласи мавзу тарихшунослигида муҳим аҳамиятга эга. Мақолада саноат корхоналари ишчиларининг умумий сони, унда эркаклар ва аёллар салмоғига оид рақамлар таҳлил этилади. Совет давлатининг маҳаллий миллат ишчиларига муно-

---

– Вып. 3. – Ч. 1. - Л., 1932; Материалы по истории каракалпаков // Труды ИВ. Т. У11. – М. – Л., – 1938. – С. 605.; *Шишкин В. А.* Города Узбекистана (Самарканд, Бухара, Ташкент). – Т., – 1943. – С. 36.

[1] Современный кишлак Средней Азии (социально-экономический очерк). Вып. 3. Китабская волость. (Кашкадарьинской области Узбекской ССР). Под ред Б. Б. Карт и И. Е. Суслова. – Т. – 1926 й. – С. 237.

[2] *Русак И.* Промышленность Средней Азии в свете контрольный шифр на 1927–1928 год. // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927, – №8, – С. 73 – 123; *Дурмашкина В.* Промышленность Средней Азии за 10 лет // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927, – № 10 – 12, – С. 44 – 67; *Иткин А.* Кустарно-промысловая кооперация Средней Азии к концу – 1926 – 1927 гг. // Народное хозяйство Средней Азии. – 1927, – № 10 – 12, – С. 105; *Миронов А.* задачи текстильной промышленности в Средней Азии. //Народное хозяйство Средней Азии. – 1929, – № 12, – С. 48–55;

сабати масаласи ошкора танқид остига олинган.

Совет давлатининг саноатлаштириш сиёсатига доир В. Н. Сарабьянов, Э. И. Квиринг, Э. Ю. Локшин, В. Лаврентьевнинг асарлари ҳам шу даврда юзага келди[1]. В. Лаврентьев ўз асарида Ўрта Осиё республикаларида кустар саноатининг ривожланишига сабаб, уларда хомашёларни қайта ишлайдиган завод ва фабрикалар йўқлиги билан изоҳлайди. Муаллиф Россия империясининг Туркистонда олиб борган иқтисодий сиёсатини таҳлил этиб, рус капиталистларини Ўрта Осиё пахтасини талаб кетишда айблайди. Талон-торож октябрь давлат тўнтаришидан сўнг "тўхтатилганлиги"ни таъкидлайди.

Совет даврида яратилган тадқиқотларни батафсил таърифлашдан олдин шуни алоҳида қайд этиш, ўша даврдаги мавжуд тузум, ўрнатилган ҳукмрон мафкура ва коммунистик дунёқарашнинг устунлиги мазкур даврга хос ижтимоий, тарихий адабиётлар, ўрганилаётган мавзуга оид қатор тадқиқотларда кескин сезилиб туради. Лекин ушбу муаллифлар ўз тадқиқотларида кўплаб тарихий ва этнографик маълумотларни олиб кирган бўлса-да, уларнинг ишлари марксистик ғоялар ва концепциялар асосида яратилганлиги, фикр юритилганлиги, синфийлик нуқтаи назардан бир томонлама ёндашув сезилиб туради. Жумладан, XX асрнинг 20-йилларида совет ҳокимияти томонидан Туркистонда иқтисодиётни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида иқтисодий, сиёсийислоҳотлар ҳам ўтказилди. Шу ўринда 1924 йил охири – 1925 йил бошларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида ташкил топган Ўзбекистон ССРда ҳам Совет ҳукумати томонидан янги тузилган республика иқтисодиётини тартибга солиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аграр ислоҳотлар, жумладан, қишлоқ ҳунармандлари ҳаётидаги ўзгаришларни умумий тарзда кўрсатувчи, саноатни социалистик асосда қайта қуришга қаратилган интилишларни қисман бўлсада Р. Ҳ. Аминова, Г. Р. Ризаев, А. Ўлмасов ишларида кўриш мумкин[2].

Ўзбекистон ҳунармандчилик тарихини ўрганишга биринчи бор

[1] *Сарабьянов В. Н.* Итоги восстановленьного периода. – М. – Л., – 1927; *Квиринг Э. Н.* Очерки развития промышленности СССР. – 1917 – 1927. – М., – 1929; *Лаврентьев В.* Пути индустрилизация Средней Азии. – Т, – 1929; *Локшин Э. Ю.* Промышленность СССР за 15 лет. – М., – 1932; ва бошқалар.

[2] *Аминова А. Х.* Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917 – 1920 г. г.). – Т., – Изд. АН Уз ССР, – 1963; *Ризаев Г. Р.* Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917 – 1965 г. Г. ). – Т., – Узбекистан, – 1967; *Ульмасов А.* Национализация промышленности в советском Туркестане. – Т., – Изд. АН УЗ ССР, – 1960.

В. Балков[1] уриниб кўрган. У Ўзбекистонда мавжуд ҳунармандчилик соҳаларини бадиий жиҳатларини тавсифий ёритишга ҳаракат қилган. Бу ўринда Балков маълумотларидан тадқиқотнинг айрим масалаларини ёритишда қиёсий материал сифатида фойдаланиш мумкин.

П. Корнилов[2] ишида XX асрнинг 30-йилларида Бухоро мис ўймакорлик санъати – кандакорлик ҳақида маълумот берган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёда бу йилларда ўлка ўтмиш тарихи, аҳоли турмуш тарзини ўрганиш учун илмий-тадқиқот институтлари, ўлкашунослик ташкилотлари ва илмий жамиятлар тузилади.

XX асрнинг 20-йиллардаги тадқиқотларда кўпроқ эътибор ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг ишлаб чиқариш технологиялари, иқтисодий ва ижтимоий тузилишига қаратилган бўлса, 30-йилларга келиб эса, асосан, ҳунармандчиликнинг бадиий-эстетик жиҳатига қизиқиш ортганлигини кўриш мумкин. Чунки худди шу йиллардан бошлаб миллий ҳунармандчиликда анъанавийлик ва бадиийлик ўртасида рақобат кўрина бошланади. Қайсики, том маънода тадқиқотчилар ҳунармандчиликнинг амалий-декоратив томонларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Бунинг натижасида анъанавийликдан чекиниш кузатилиб, бадиий сифатига кўпроқ эътибор қаратилади. Айнан 30-йилларнинг ўрталарида Сухарева О. А. томонидан ёзилган мақолаларида Самарқанд каштачилиги ёритилади[3]. Бунда муаллиф кашталар технологиясидаги ўзгаришларни таъкидлаш билан бирга, уларда сақланиб қолган архаик элементларни ҳам кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари, у эътиборини орнамент ва безакларни ўрганишда уларнинг кўз тегишидан сақлайдиган магик восита эканли (семантикаси – *С. Д.*)гига эътибор қаратади. Сухарева каштачилик аёлларнинг уй машғулоти ҳисобланганлиги, улардаги безаклар санъат асари даражасига кўтарилганлиги, кашталарда исломнинг таъсирида жонзотларни тасвирлаш мумкин эмаслиги сабаб, улар ўсимликсимон гуллар тасвирлаганлигини айтиб ўтади. Кейинчалик бир неча йиллардан сўнг муаллиф кашталардаги орнамент, гул ва типларни ўрганади[4]. Унинг фикрича, каштачиликнинг яратилиши ҳам Бухоро, Са-

---

[1] *Балков В.* Кустарно-ремесленная Средней Азии. История современная организация и перспективы мелкой промышленности. – ТТ.: – изд-во САГУ. – С. 1927. –194.

[2] *Корнилов П. Б.* Чеканное производство Бухары. – Казань. – 1932. – 37.; *Ўша муаллиф.* Бытовое искусство Средней Азии. – Бухара. – 1932. – С. 27.

[3] *Сухарева О. А.* К истории развития Самаркандской декоративной вышивки // Литература и искусство, – 1937. – № 6. – С. 119 – 134.; *Ўша муаллиф.* Сузани среднеазиатская декоративная вышивка. РАН. – М.: – 2006.

[4] *Сухарева О. А.* Ходженские сузане // Этнография Таджикистана. – Душанбе: Дониш, – 1985. – С. 29 – 36.

марқанд ва Нурота шаҳарлари каштачилик мактаблари катта ўрин тутган.

XX асрнинг 50-йилларда санъатшунос М. А. Бикжанованинг илмий тадқиқотида каштачиликнинг бадиий томонлари ёритилган[1].

XX асрнинг ўрталарида этнограф Б. Х. Кармишева томонидан Сурхондарё вилоятида тадқиқот ишлари олиб борилиб воҳа аҳолиси маиший ҳаётидаги каштачиликнинг ўрни ўлкашунослик нуқтаи назаридан ўрганилган[2].

1957 йилда СССР ФА Этнография институти Ўрта Осиё этнографик экспедицияси иккинчи жанубий ўзбек отряди ЎзССР Қашқадарё вилояти аҳолисини ўрганишга киришади. Бу отрядда Е. М. Пешерова ҳам бўлиб, у Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг ҳунармандчилик цехлари тўғрисида дала этнографик маълумотларини тўплайди[3]. Муаллиф ўзининг қатор мақолаларида шаҳарлардаги ҳунармандчилик турлари, цех бирлашмалари, уларнинг оқсоқол ва усталари, уста-шогирд муносабатлари, ҳунармандчилик билан боғлиқ маросимлар ҳақида ҳам кам бўлса-да, анча қизиқарли ва ўрганилаётган тадқиқот учун қимматли маълумотларни беради. Шунингдек, Пешерова Китоб, Яккабоғ, Косон, Касби ва Чироқчи туманлари қишлоқларидаги мавжуд кичик бўлган ҳунармандчилик цехлари, улар ўртасидаги муносабатларни ҳам ёритиб, Қашқадарё вилоятидаги бир неча ҳунар турлари ва уларнинг воҳага хос асосий марказлари ҳақида ўз кузатувларини ҳам бериб ўтган. Жумладан, XX асрнинг 40 – 60-йилларда Е. М. Пешерева ўзининг қатор мақолаларида XIX – XX аср бошларида Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари темирчи-ҳунармандлари ҳақидаги қимматли маълумотларнинг таҳлилини келтирган.

Бундан ташқари, муаллиф Туркистонда кулолчилик саноатини таърифий тарзда ёритиб, асосан, кулолчиликда қўлланиладиган нақшлар, буюм тайёрлаш усуллари, ишлатиладиган бўёқлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берган. Е. Петрова XIX аср охири – XX аср бошларидаги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида олиб борилган этнографик экспедиция жарёнида тўпланган материаллар асосида ҳунармандчилик уюшмалари, уста-шогирд анъаналари, ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида ҳам муҳим

[1] *Бикжанова М. А.* Ташкентская вишивка XIX – XX вв... – С.

[2] *Кармышева Б. Х.* Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: – 1976. – С.

[3] *Пещерева Е. М.* О ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX – начале XX в. // КСИЭ. Вып. XXXIII. – М., – 1960. – С. 39 – 46.

маълумотларни келтиради[1]. Муаллифнинг яна бир мақоласида ҳунармандчиликнинг ўзига хос аҳамиятли турларидан бири – зардўзлик ҳунари ҳақида ёритилади[2].

Г. В. Григорьев, М. В. Сазонова, М. Абрамов, М. Ю. Усанова, В. А. Шишкин ва бошқалар тадқиқотларида ҳам ҳунармандчилик масалалари ўрганилган[3]. Тадқиқотнинг айрим ўринларида таққосий материал сифатида фойдаланиш учун ўрганилган Хива шаҳри ҳунармандчилигининг турли масалаларига бағишланган П. П. Иванов, И. М. Жабборов, А. Содиқов асарларини киритиш мумкин[4]. Жабборов ўз ишларида ҳунармандларнинг аҳволи, цех бирлашмаларининг тузилиши, уста-шогирдлик анъаналари хусусида тўхталиб ўтади[5]. Бироқ, бу маълумотлар ҳунармандчиликнинг айрим соҳаларигина ёритилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

1950 йилларда яна анъанавий бўлмаган бадиий санъатнинг ривожланишига доир илмий ишлар ҳам пайдо бўлган. Бу ишлар ўз хусусиятига кўра санъатшунослик соҳасида бажарилган бўлиб маълумотларнинг аксарияти этнографик характерга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Бу йилларда этнографияга оид ишларда ҳунармандчилик саноати масалалари бироз бўлса-да, ёритилган[6].

---

[1] *Пещерова Е. И.* Из истории цеховых организаций в средней Азии // КСИЭ. – М – Л., – 1949. вып. 6. – С. 34 – 36; *Ўша муаллиф.* Гончарное производство Средней Азии. – М. – Л.: – 1959. – С. 396.; *Ўша муаллиф.* Organizations of craftsmen in Central Asia in the late XIX th and early XX th Centuries // Труды ХХУ Международного конгресса востоковедов 9-16 августа – 1960. – М.: – ИВЛ, – 1963. Т. III. – С. 71 – 77.

[2] *Пешерова Е. М.* Бухарские золотошвеи // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. ХУ1. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, – 1955. – С. 265 – 282.

[3] *Григорьев Г. В.* Кустарное производство бумаги в Узбекистане // Советская этнография. – М., – 1940. – № 3. – С. 147 – 160.; *Сазонова М. В.* К этнографии узбеков южного Хорезма // Археологические и этнографические работы Хоразмской экспедиции 1945 – 1948. – М, – 1952. – С. 251 – 267.; *Абрамов М. М.* Социально-экономическая и культурная жизнь Самарканда в XVI- первой половине XIX в. (развитие связи).: Дисс. Докт. Истор. Наук. – Т., – 1990. – 201л.; *Шишкин В. А.* города Узбекистана. – Т.: – Изд-во ФАН УзССР, – 1943. – С. 20 – 25.

[4] *Иванов П. П.* Архив Хивинских ханов. XIX в. – Л., 1940. – С. 287; *Джаббаров И.* М. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. // Труды Института этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая. – Л., 1971, Т. 97. – С. 72 – 146.; *Садыков А. С.* О ремесленниках Хивинского ханства в конце XIX – начале XX века // материалы по истории Средней Азии. Научные труды Ташгу. Вып. 281. – Т., – 1966. – С. 35 – 42.

[5] *Джаббаров И. М.* Об ученичестве в ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX и начале XX вв. // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М – Л.: – 1959. – С. 81 – 88.; *Ўша муаллиф.* Ремесло узбеков южного Хорезма в конце Х1Х в. начале – XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. III. – Л.: Наука, – 1971. – С. 283.

[6] *Андреев М. С.* Таджики долины Хуф. – С. 54; *Ершов Н. Т.* Ремесло таджиков Дарваза// ИООН АН Тадж. ССР. Вып. 10-11. – Душанбе, – 1956. – С. 3 – 10; *Кисляков Н. А.* Очерки по истории Каратегина. – Сталинабад, – 1954. – С. 224; *Русейкина С. П.* Народная одежда таджиков Гармской области Таджикской ССР // СЭБ. – М., – 959. – С. 132 – 214.; *Хамраев М.* Очерки истории Хиссарского бекства конца XIX – начала – XX вв. – Сталинабад: – Изд-во АН Тадж ССР, – 1959. – С. 40 – 49.

Элшунос олима О. А. Сухареванинг “Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихига доир”[1] асарида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихи, топографияси, аҳолисининг этник таркиби, савдо масалалари ёритилиши билан бирга, шаҳарлар ҳунармандчилиги, унинг турлари, ҳунармандчилик маҳаллаларига ҳам эътибор қаратилган. Бу маълумотлар ушбу шаҳарлар ҳунармандчилиги тарихини ўрганишда энг муҳим манбалардан ҳисобланиб, айниқса, бугунги кунда ҳам Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги ҳунармандчилик маҳаллаларининг жойлашган ўрнини аниқлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. У берган маълумотларга кўра, маҳаллаларда, асосан, қайси ҳунар тури билан шуғулланувчи ҳунармандлар яшаса, шу ҳунар номи билан аталишини кўрсатиб ўтади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераккки, унинг ишлари 1950 – 80-йиллар тарихшунослигида муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради[2].

“Совет Ўзбекистонида халқ амалий санъати” номли тўпламда[3] ҳунармандчиликнинг, асосан, бадиий матолар, бадиий читгарлик, каштачилик, дўппидўзлик, гиламчилик[4], жиякларни нақш билан безаш, зардўзликка оид қисмлари[5] санъатшунослик нуқтаи назаридан ёритилган. Бу тўпламда Россия империяси ҳукмронлиги

[1] *Сухарева О. А.* К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки). – ТТ.: – АН УзССР, 1958. – С. 147.

[2] *Сухарева О. А.* Прошлое и настоящее селения Айкыран. – Т.: – Изд-во АН УзССР, – 1955. – С. 238.; *Ўша муаллиф.* К истории городов Бухарского ханства. // Историко - этнографические очерки. – Т. Из. Ан Уз ССр. –1958, – С. 147.; *Ўша муаллиф.* Традиционное соперничество между частями городов в Узбекистане (конец XIX – начало XX в. ) // КИСЭ. Вып. XXX. – М. – 1958. – С. 121 – 130.; *Ўша муаллиф.* Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начало XX века. Ремесленная промышленность. – Т.: – Изд. Ан Уз. ССР. – 1962. – С. 194.; *Ўша муаллиф.* Бухара XIX – начало XX в. – М.: – Наука. – 1967. – С. 328.; *Ўша муаллиф.* Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). – М.: – Наука. – 1976. – С. 365.; *Ўша муаллиф.* К вопросу о генезисе профессиональных культов у таджиков и узбеков // Труды АН Тадж. ССР. Т. XX – Сталинабад. – 1960. – С. 189 – 207. *Ўша муаллиф.* Участие женщин в товарном производстве тканей и одежды у равнинных таджиков в конце XIX – начала XX века // Ближний и Средней Восток: товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: – Наука, – 1980. – С. 203 – 212; *Ўша муаллиф.* О ткацких ремеслах в Самарканде // История и этнография народов Средней Азии. – Душанбе: Дониш, – 1981. – С. 25 – 38; *Ўша муаллиф.* История средневекового костюма: Самарканд вторая половина XIX – начало XX в. – М.: – Наука, – 1982. – С. 141.; *Ўша муаллиф.* Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. – М.: – Наука. – 1984. – С. 201 – 215.

[3] Народное - декоративное исскуство Советского Узбекистана. – Т.: – Изд-во АН Уз ССР. – 1954. – С. 195.

[4] *Мошкова В. Г.* Ковроделие. В кн. Народное декаративное исскуство Советского Узбекистана. – М., – 1955.; *Ўша муаллиф.* Ковры народов Средней Азии конца XIX – начало XX века. – Т. – 1970. – С. 255.

[5] *Гончарева А. А.* Бухоро зардўзлик санъати. – Т.: – Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – 1986. – Б. 110.

давригa эътибор берилган бўлса-да, ўрганилаётган муаммонинг у ёки бу томонларини очиб беришда, ҳунармандчилик соҳалари кўринишлари, уларнинг ҳолатини таърифлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, унда фақатгина ҳунармандчилик соҳаларининг кўпроқ бадиий жиҳатига, амалий безак санъатига эътибор қаратилади.

Ўзбек халқининг уй тўқимачилиги ҳақида қатор илмий ишлар яратилган бўлиб, уларда матоларнинг тўқилиши, ишлаб чиқариш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилади[1].

Б. Сергеев Ўзбекистон мисгарлик ҳунари тарихини ёритишда 1917 йилги давлат тўнтаришидан кейинги аҳволни ёритишга ҳаракат қилган[2]. У ўзбек усталарининг мисга ишлов бериш усуллари ва мисгарликда ишлатиладиган нақшлар ҳақида қисман бўлса-да, маълумотлар келтиради.

Чепелевецкаянинг "Ўзбекистон сўзанаси" китоби[3] ўзбек халқининг қадимий декоратив санъат турларидан бири – каштачиликка бағишланади. Унда XIX аср охири – XX аср бошларидаги йирик каштачилик марказлари ҳисобланган Шаҳрисабз ва Китоб каштачилиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, асарда каштачиликнинг халқ турмушидаги аҳамияти, кашта тури, матолари ва тикиш технологияси, унинг маҳаллий турлари ва рангли безак(орнамент)лари ёритилади. Қолаверса, Ўзбекистондаги каштачилик мактабларининг олти гуруҳи: Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент ва Фарғона каштачилигининг маҳаллий хусусиятларига доир ҳам қимматли маълумотлар берилади. Бироқ Сурхондарё ҳудуди каштачилиги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Шунингдек, баъзи ишларда ҳунармандчиликнинг тўқимачилик саноатида Ўзбекистондаги мавжуд бўёқ олиш учун ишлатиладиган ўсимликларнинг турлари ва улар хусусида маълумотлар[4], С. Х. Чеврениди ва С. М Мустафаевлар ҳаммуаллифлигида ёзилган "Ўзбекистоннинг асосий бўёқбоб ўсимликлари" мавзуидаги рисолада берилади. Унда, Ўзбекистонда, мавжуд ўсимликлардан олинадиган рангларнинг батафсил таърифи, айниқса, гиламчиликда қандай фойдаланишнинг йўллари кўрсатилади.

[1] *СухареваО. А.* Художественные ткани // Народное декоративное искусство Узбекистана, – ТТ.: – 1954, – С. 13 – 37; *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., – 1972. – С. 41; *Мукминова Р. Г.* Очерки по истории ремесел в Самарканде и Бухаре в ХУIв. – Т., – 1976; *Махкамова М.* Узбекские абровые ткани. – Т., – 1963. – С. 23;

[2] *Сергеев Б.* Ўзбекистонда мискарлик. – Т., – 1960. – Б. 56.

[3] *Чепелевецкая Г. Л.* Ўзбекистон сўзанаси. Каштачилик. Т. – Б. 1961. 154.

[4] *Чеврениди С. Х.,* Мустафоев С. М. Ўзбекистоннинг асосий бўёқбоп ўсимликлари. – Т., – 1964. – Б. 30.

Кандакорлик (мисга накш ўйиш) ҳақида Т. Абдуллаев[1] ўз китобида Ўзбекистон ҳудудлари, жумладан, Бухоро кандакорлик мактаби ҳақида маълумотлар берса-да, кўпроқ ўз диққатини, асосан, мис буюмларига ўйиладиган безакларнинг тузилишига қаратган.

1960 йилларда бир қатор тадқиқотчи олимлар ўз диққатларини амалий безак санъати турларидан меъморий безак, ёғоч ўймакорлиги ва миллий мусиқа асбобларини безаш, кулолчилик, бадиий газлама, бадиий кандакорлик каби турларига қаратадилар[2]. Айниқса, шу даврдан бошлаб, ўлкада амалий безак санъати йўналишида ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ривожлана бошлайди.

1970 йилларда анъаналарнинг чекиниши ва санъатга янгилик киритиш муаммоси долзарб муаммога айланиб, амалий безак санъатининг турларини ўрганишдаги умумлаштирувчи ишлар санъатшунос Д. А. Фахретдинова томонидан ўрганилган[3]. Бу йилларда Ўрта Осиё ҳунармандчилиги ҳақида бир қатор монографиялар чоп этилиб, улар этнографик маълумотлар, ёзма манбалар ва музей коллекциялари асосида яратилганлиги диққатни тортади. Масалан, В. Г. Мошкованинг ишлари яхлит этнографик характер касб этиб, унда қуйидаги масалалар: Ўрта Осиё халқларининг гиламчилиги ривожланиши тарихи, гилам маҳсулотлари, уларни тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулотлар, тўқиш техникаси, тўқувчилик дастгоҳлари, бўяш технологияси, гилам безаклари ва уларни тўқишдаги ўзига хос локал хусусиятлар ёритилади[4]. Ишнинг энг қизиқарли томони, XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё гиламлари, асосан, уй шароитида тайёрлашга асосланганлиги, гиламчилик марказлари ҳам таққослаб таҳлил этилган.

Шу ўринда олима Р. Г. Муқминова[5] ҳам ўз тадқиқотларида XVI асрда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида мавжуд бўлган ҳунармандчилик соҳалари ҳақида фикр юритган. У шаҳарларда мавжуд бўлган 130 дан ортиқ ҳунар турларини ўрганиш билан бирга, бу даврда тараққий этган ҳунар турлари, ҳунармандчиликнинг иқтисодий, ижтимоий аҳволи, ҳунармандчилик устахоналари масалалари ҳамда ҳунармандчилик соҳаларининг юксак ривожланиши ҳудуд – шаҳар

[1] *Абдуллаев Т.* XIX – XX асрларда ўзбек кандакорлиги. –Т.: – Фан. – 1974. – Б. 392.

[2] *Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И.* Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Т., – 1960. – С. 328.; Резьба и роспись по ганчу и дереву - Под ред. *Л. И. Ремпеля.* – Т., – 1962. – С. 130.; Из истории искусства великого грода (К 2500-летию Самарканда) / Под ред. Г. А. Пуганченковой. – Т. – 1972. – С. 332.

[3] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладного искусство Узбекистана. – Тошкент., – 1972.

[4] *Мошкова В. Г.* Ковры Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. – Т.: – Фан. – 1970. – С. 255.

[5] *Мукминова Р. Г.* Очерки по истории ремесла в Самарканда и Бухаре. – Т.: – Фан. – 1976. – С. 234.

тараққиёти таъсирини ҳам кўрсатиб бера олган. Асар хронологик жиҳатдан ўрта асрларга тегишли бўлса-да, ўрганилаётган тадқиқот учун алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, Ўрта Осиёда кўп асрлик тарихга эга ҳунармандчилик анъаналарини ўрганишга ҳам ундайди. Асарда муаллиф, уста-ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг тузилиши, шакли, материаллари ва турлари юз йилларда ҳам ўзгармаганлигини алоҳида таъкидлайди. Муқминованинг асарининг диққатга тортадиган томони ҳам шундаки, ўрта асрлардаги цех бирлашмалари ҳунармандларининг асосий қирралари XX аср бошларида ҳам сақланиб қолганлигига ишорадир.

З. К. Файзиеванинг "Туркистоннинг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги кустар-ҳунармандчилик ишлаб чиқариши" мавзусидаги тадқиқоти биз ўрганаётган мавзунинг маълум бир хронологиясига тўғри келади[1]. Унинг фикрича, Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик турларидан тўқимачилик, кулолчилик, металлни қайта ишлаш турлари (темирчиликдан мисгарликкача), чармдан маҳсулот тайёрлаш, совун ишлаб чиқариш ҳунари, шам тайёрлаш, ёғоч ишлаб чиқариш маҳсулотлари алоҳида ўрин тутган ва анча яхши ривожланганлини, шаҳарларда ҳунар турларига қараб фарқланганлигини ҳам кўрсатиб беради.

Шунингдек, бу даврда Туркистонда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини социалистик асосда қайта қуриш чоризм ва совет даврини ўзаро таққослаб ҳунармандчилик ривожланиши босқичларини марксистик назария орқали очиб берилган ишларни ҳам кўриш мумкин[2].

Бизнинг тадқиқотимиз учун ўзига хос муҳим қизиқиш уйғотган Я. Ғ. Ғуломовнинг этнографик маълумотлар асосида ёзилган мақоласида ҳам ҳунармандчилик ривожланиши тарихи, тўқувчилик цехлари тузилиши ва пойабзалчилар, шунингдек, уста-шогирдлик анъаналарига қисман тўхталиб ўтилади[3]. Бироқ муаллиф ишини Фарғона цехларининг тузилиши деб номласа-да, унда Бухоро хонлиги ва Фарғона водийси цехларининг ўзаро фарқли томонлари ҳам очиб беради.

---

[1] *Файзиева З. К.* Кустарно-ремесленное производства в Туркестане во второй половине XIX – XX вв.: Дисс. и автореф. канд. истор. наук. – Т., – 1978. – Л. 150.;

[2] *Шакирова С. Н.* Социалистическое преобразование ремесленно-кустарного производство в Советском Туркестане. – Т., – Фан, – 1978; *Абдуллаев Т. А.* Ремесло Узбекистана в XIX – XX вв. – Т., – Фан, – 1976;

[3] *Гулямов Я. Г.* Из истории организации ремесла Ферганской долины. В XIX – начала XX вв// Труды САГУ. Вып. 329. Материалы по истории Узбекистана. – Т., – 1977. – С. 24 – 34.

XX аср 70-йилларнинг охирларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши борасида алоҳида материалларни ўз ичига олган этнографик херактерли мақолалар ҳам эълон қилинади[1]. Уларда, асосан, Ўрта Осиёда сўнгги ўрта асрларда аёллар ишлаб чиқариши, ҳунар турлари ҳамда уларнинг шаҳарлар хўжалик ва маданий тараққиётига қўшган ҳиссаси, ипгазлама матони тўқиш ва у учун зарур хомашё тайёрланиши борасида фикрлар келтирилган. Унга кўра, асосан, аёллар машғулотининг махсус томонларига дағал жун мато тайёрлаш, кийимлар тайёрлаш, кашта тикиш, тўқувчилик, ипак йигириш, тўқиш учун ипак, ип тайёрлашлар кирган. Муаллифлар томонидан аёлларнинг тўқув дастгоҳлари, мато ишлаб чиқариш жараёни, тўқувчиликка тегишли (ип йигирадиган чарх, урчуқ) сўзана тикиш жараёнларига кўпроқ эътибор қаратилган. Б. Кармишеванинг кўрсатишича, XIX аср охири – XX аср бошларида кўриб ўтилган районларда аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотлар товар ишлаб чиқаришнинг деярли асосий қисмини ташкил этган. Бироқ бу мақолаларда аёллар меҳнатига ҳақ тўловлар, товар алмашув, алоҳида ҳунар турлари, аёлларнинг қайси уруғ ёки қабилага тегишли эканлиги, маҳсулотларни тайёрлаш жараёнлари тўлиқлигича ўз аксини топмаган. Бу мақолаларда аёллар меҳнати яққол кўринса-да, кўп йиллар бунга эътибор қаратилмаган, қолаверса эркаклар меҳнати каби қадрланмаган аёлларнинг оддий юмуши сифатида қаралган. Бу мақолалар олиб борилаётган тадқиқот учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, ўрганилган давр нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш жараёнлари кузатилади, иккинчидан, аёллар ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятга эгалигини кўрсатади.

Совет даврида ҳам ҳунармандчилик “рисола”ларини ўрганишга қизиқишлар бўлиб, Б. Н. Заходер[2], Н. А. Кузнецова[3], Е. М.

[1] *Кармышева Б. Х.* Ткачество и прядение южных районов Таджикистана и Узбекистана XIX – начала XX в // Проблемы типологии в этнографии. – М.: – Наука, – 1979. – С. 251 – 264; *Ўша муаллиф.* О товарности женских промыслов (этнографические данные по восточным бекствам Бухарского ханства)// Ближний и Средний Восток: товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: – Наука, – 1980. – С. 98 – 107; *Сухарева О. А.* Участие женщин в товарном производстве тканей и одежды у равнинных таджиков в конце XIX – начала XX вв. // Ближний и Средний Восток: товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: – Наука, – 1980. – С. 203 – 212; *Мукминова Р. Г.* Скупщики товаров и поставшики сырья в Средней Азии в XУI веке// Ближний и Средний Восток: товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: – Наука, – 1980. – С. 154 – 162.

[2] *Заходер Б. Н.* Перевод сочинения Кази Ахмеда Трактат о каллиграфах и художниках. – М – Л., – 1947. – С. 200.

[3] *Кузнецова Н. А.* Ремесленные рисоле // КСИЭ. Вып. III. – М., – 1949. – С. 90 – 94.

Пешерова[1], Э. Дарьский[2], О. А. Сухарева[3], Р. Г. Мукминова[4] асосан, ҳунармандчиликнинг алоҳида турларига ҳам ўз эътиборнинг қаратганлар. Айниқса, ҳунармандчиликнинг гиламчилик турининг пайдо масаласи турли даврларда кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган[5]. Бундан ташқари, ишда совет даврида фаолият юритган рус тадқиқотчилари асарларидан танқидий ёндашув асосида фойдаланилди. Гарчи, совет тарихшунослиги ва этнографиясида чоп этилган тадқиқотлар, асарлар, мақолалар, матбуот материаллари алоҳида манба тури сифатида ўрганилишига асос бўлса-да, унда барча маълумотлар ўша даврдаги ҳукмрон мафкура таъсирида ёзилган ва баҳоланган. Шунингдек, ўрганилаётган муаммога синфийлик нуқтаи назардан ёндашилиб, уларнинг сиёсий йўналишига эътибор қаратилган.

1980 йилларга келиб ҳунармандчилик тарихи борасидаги маълумотлар фақатгина археологик тадқиқотларда кузатилади. Совет давлатининг сиёсати тарихини янгича нуқтаи назардан тадқиқ қилиш 80-йилларнинг охиридан бошланади ва дастлабки мақолалар, илмий хабарлар, рисолалар эълон қилина бошланади. Уларда кўпроқ кулолчилик, айниқса, сопол буюмлар ишлаб чиқаришига қаратилган. Биз ушбу тадқиқотлар деярли ўрта асрларга тегишли бўлганлиги боис, кам эътибор қаратдик.

Дастлабки этнографияга оид ишларда доимо шаҳар аҳолиси ҳунармандчилиги ўрганилган бўлса, кейинчалик қишлоқ аҳо-

---

[1] *Пещерева Е. М.* Городское гончарное производство. – Т., – 1959. – С. 358 – 560.

[2] *Дарьский Э.* Среднеазиатский устав цеха живописцев // Проблема востокововедения. – М., – 1959. – №3. – С. 106 – 110.

[3] *Сухарева О. А.* К вопросу о генезисе профессионального культов у таджиков и узбеков // Труды АН Тадж ССр. Т. XX. – Сталинабад, 1960. – С. 189 – 207; *Ўша муаллиф.* Ткачество Самарканда // Этнография Средней Азии. – Душанбе: Дониш, 1981. – С. 33, 34.; *Ўша муаллиф.* Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. – М.: – Наука, – 1984. – С. 201 – 215.

[4] *Мукминова Р. Г.* Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре...– С. 26 – 29. *Ўша муаллиф.* Рисола как источник по истории техники и производственных отношений в позднефеодальный Средней Азии// Бартольдовские чтения. – М.: – Наука, – 1990. – С. 52 – 53; *Ўша муаллиф.* Сведения о профессиональном обучении в Средней Азии в средневековые письменных источниках // Центральная Азия источники, история культура. – М., 2006. – С. 100 – 1-2.

[5] *Батафсил қаранг: Мошкова В. Г.* Ковры народов Средней Азии конца XIX – начала XX вв. – Т., – 1970; *Темурджян В. С.* Ковроделие в Армении. Историко-этнографическое исследование. – Ереван, – 1955; *Руденко С. И.* Древнейшие в мире художественные ковры и ткани из оледенелых курганов древного Алтая. – М., – 1968; *Писарчик А. К., Кармышева Б. Х.* Опыт сплошного этнографического обследования Кулябской области // Изв. Отд. Общества. Наук Ан Тадж ССР. – Сталинабад, – 1953. Вып. 3. – С. 92.

лиси ҳунармандчилигини ўрганишга ҳам қўл урилган[1]. Бундай тадқиқотларда, асосий эътибор махсус лингвистик лексикологияга асосланган кичик қишлоқлардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига, диний маросимлар, ҳунармандчилик цехларининг маъмурий тузилиши ва шогирдлик институтини ташкил этиш каби масалаларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

1980 йилларда этнографлар, санъатшунослар, тарихчилар, музейшунослар ва Ўзбекистоннинг маданияти тарихига қизиқувчилар учун чоп этилган "XIX – XX асрларда Ўзбекистон халқлари турмуш тарзида кустар саноат (хонаки ишлаб чиқариш - *С. Д.* )" китобда маҳаллий аҳоли турмуш тарзида хонаки ишлаб чиқариш турлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари, уларнинг тайёрланиш технологияси, безаклари характерининг локал хусусиятлари кўрсатиб берилган[2].

Санъатшунос олима Д. А. Фахретдинова[3]нинг тарихий-этнографик аспектда ёзилган китобида Ўзбекистон заргарлик ҳунармандчилигининг энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган тарихи тадқиқ қилинган бўлса-да, лекин асарда фақатгина Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент заргарлик ҳунармандчилиги кенг ва батафсил ёритиб берилган. Жанубий ҳудудлар заргарлигига оид маълумотлар учрамайди.

Советлар даврида чоп этилган адабиётларда Ўзбекистонда мавжуд ҳунармандчилик соҳаси, унинг тарихи тор доирада ўрганилиб, унда ҳукмрон коммунистик партиянинг манфаатларини ифодаловчи сиёсат акс этган. Аксарият совет даври адабиётларида миллий ҳунармандчиликнинг мавқеи, унинг реал ҳолати баён этилмаган. Бу йилларда нашр этилган адабиётларда синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, миллий ҳунармандчилик анъаналарига етарли баҳо берилмаган. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда заргарлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик ва наққошлик соҳаларининг тор доирада ривожи учун ўқув методик қўлланма, дарслик ва фотоальбомлар ҳам яратилган эди[4].

---

[1] *Тошев Х., Ўроқов М.* XIX аср охири ва XX аср бошларида Зарафшон воҳаси қишлоқ аҳолисининг ҳунармандчилиги. – Т.: Фан, 1981. – Б. 104.

[2] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Т.: – Фан, – 1986. – С. 145.

[3] *Фахретдинова Д. А.* Ювелирное искусство Узбекистана. – Т.: – изд-ва Лит. И исс-во. . – 1988. – С. 204.

[4] *Қўлдошева Д.* Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш йўли. – Т.: – Билим, – 1986. – Б. 18; *Абдуллаев Т., – Фахретдинова Д., Ҳакимов А.* Маъданга битилган қўшиқ. – Т.: – Адабиёт ва санъат, – 1986. – Б. 252; *Гончарова П. А.* Бухоро зардўзлик санъати(альбом). – Т.: – Адабиёт ва санъат,– 1986. – Б. 110; *Қосимов Қ.* Наққошлик: Халқ наққошлиги тўгараги. – Т.: – Ўқитувчи, – 1990. – Б. 160.

Шунингдек, XX аср 80-йилларининг охирларида миллий анъаналарнинг қайта тиклана бошлаши натижасида илмий-оммабоп журналларда миллий ҳунармандчилик соҳасига оид айрим мақолалар чоп қилинди[1].

Агар биз 1960 – 90-йилларда яратилган адабиётлар таҳлилига назар ташласак, ҳунармандчилик тарихи доирасида фақатгина Бухоро, Самарқанд, шаҳарлари ҳунармандчилиги, ўрганилган бўлиб, асосан, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Бойсун шаҳарлари ҳунармандчилигига жуда кам эътибор берилганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Чунки бу шаҳарларда ҳам ноёб ҳунармандчилик турлари шаклланганки, уларни илмий-этнологик жиҳатдан ўрганиш муаммонинг долзарблигини янада оширади.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, совет даврида ҳунармандчилик ва саноат соҳасида олиб борилган сиёсат коммунистик мафкура ҳукмронлиги шароитида ҳақиқий илмий талқинини топмади. Тарих фани узоқ йиллар партия тарғиботчисига айланиб, асарларда воқеа ва ҳодисалар сохталаштирилган тарзда баён этилди. Республикада амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг асл моҳияти бўяб кўрсатилиб, саноатнинг бир томонлама ихтисослашуви, ишлаб чиқаришни сунъий равишда жадаллаштириш, саноатда кадрлар соҳасидаги зидддиятлар тўла очиб берилмади.

Умуман олганда, Совет даври тарихшунослигида ҳунармандчилик муаммосига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада чуқур илмий изланишлар олиб борилиб, тадқиқотлар, асарлар, мақолалар, матбуот эълонлари алоҳида қимматли саналади. Уларда асосий эътибор Ўрта Осиё хонликларининг ҳунармандчилиги масалаларига қаратилиб, XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон, Бухоро, ва Фарғона ҳунармандчилиги ўрганилди. Шу ўринда, қайд этиб ўтиш лозимки, совет даврида яратилган тадқиқотларнинг деярли барчаси коммунистик мафкура, синфий ёндашувлар асосида яратилган бўлиб, тарихий ўзгариш методологияси бир ёқламалик, назарий-илмий таҳлилнинг етишмаслиги билан баҳоланади. Бу даврда ҳунармандчилик тарихига оид чоп этилган асар ва мақолаларда ҳунармандчилик ҳолати, ўша даврдаги мавжуд ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидан алоҳида олинган тарзда

[1] *Аминов Н.* Зардўзликдан топдим бахтимни // Фан ва турмуш. – Т., – 1987. – №9. – Б. 8 – 9; *Шоҳназарова И.* Юз устанинг кўчаси // Совет Ўзбекистони. – Т. – 1989. – №3. – Б. 14. ***Унинг:*** Ворис // Совет Ўзбекистони. – Т. – 1989. – №7. – Б. 10.; *Матбобоев Б., Майтдинова Г.* Аждодларимиз либоси // Фан ва турмуш. – Т., – 1991. – №4. – Б. 18; *Нозилов Д.* Усталар ҳақида ривоятлар // Санъат. – Т., – 1991. – №6. – Б. 27 – 28.

ўрганилиб, ҳунар турлари, ҳунармандчиликда юз берган ижтимоий трансформация жиҳатлари изчилликда тадқиқ этилмаган. Қолаверса, тадқиқотчи муаллифларнинг маҳаллий аҳолининг тили, урф-одатлари ва маданиятини яхши билмаслиги сабабли ҳам ўрганилаётган муаммонинг айрим қирраларини ёритишда ўзига хос камчиликларни қамраб олади. Мавзуга доир эълон қилинган ишлар, ҳужжатли материаллар ва мақолаларнинг аксариятидаги асосий камчиликлар бу муаммонинг ҳали чуқур ўрганилмаганлигидан далолат беради. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, улардан дастлабки эмпирик материаллар сифатида фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли эса тарихчилар учун бу муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама мукаммал ўрганишдаги тадқиқотлар кўлами кенгайди.

**Ўзбек миллий ҳунармандчилиги мустақиллик даври тадқиқотчилари талқинида.** Мустақиллик йилларида тарих ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарга бўлган қизиқишнинг ортиши бугунги кунда этнологияда ҳар томонлама тадқиқотлар кўламининг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий тарихчилар, шарқшунослар, санъатшунослар тарихнинг турли масалалари қаторида ҳунармандчилик тарихини ўрганишда умуминсоний ва миллий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиб, янги ёзма ва ҳужжатли манбалар маълумотларини илмий муомилага киритдилар, хориж тадқиқотларидан фойдаланишга муваффақ бўлдилар. Бу даврда яратилган тадқиқотлар илмий-назарий жиҳатдан манбалардаги маълумотлардан кенг фойдаланганлиги ҳамда бу даврда тадқиқотчилар учун муаммони ўрганиш борасида кенг имкониятларнинг юзага келганлиги билан совет давридаги тадқиқотлардан ажралиб туради[1]. Жумладан, “Ўзбекистоннинг бадиий ҳунармандчилиги атласи” ҳам Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандчиликнинг қандай ривожлаганлиги борасида қисқача тарихий маълумот беради[2]. Атласда мақолалар билан бир қаторда оқ-қора ва рангли тасвирдаги қимматли архив суратлари, ҳунармандчиликнинг у ёки бу турининг асосий марказларини

---

[1] *Хакимова К. З.* Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX вв. – Т., – 1991; *Ахмеджонов Г. А.* Российская империя в Центральной Азии. (История, Историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Т., – 1995., *Исхаков Ф.* Национальная политика царизма в Туркестане (1867 – 1917). – Т., – 1997.; *Зияева Д. Ҳ.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати: (Мустабид тузумга қарши). – Т. – 2000.; *Мусаев Н.* XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. – Т.: – 2008.

[2] Atlas of artistics and trades of Central Asia. Vol. I. – Tashkent, – 1997. – P. 158.

кўрсатувчи харита, атамалар луғати, усталар ҳақида қисқача биографик маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, бу туркумдаги адабиётларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги тарихининг турли масалаларига оид айрим факт ва маълумотлар келтирилади, холос.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги тарихига доир қатор санъатшунослик, этнографик, археологик, иқтисодий ва бошқа йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўпланган фикрлар ва маълумотлар тарихшуносликнинг методологик тамойилларига асосланган ҳолда мавзуни қамраб олиб, эски ақидалардан ҳоли тарзда даврий нашрларда ҳам жамлангандир[1].

Санъатшунослар томонидан яратилган асар ва илмий мақолаларда ўзбек халқи ҳунармандчилиги турлари, минтақадаги турли ҳудуд маданий марказларининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий томонлари, орнамент-безаклари тўғрисида билдирилган қимматли фикр ва мулоҳазалар таҳлилга тортилган. Улар ўз тадқиқотларида амалий санъат турларига Ғарб маданиятининг ўзаро таъсири, хусусиятлари, безакларнинг маъно-мазмуни тўғрисида санъатшунослик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадилар[2].

---

[1] *Шоёқубов Ш.* Ҳунармандчилик қанот ёймоқда// Гулистон. – Т., – 1995. – №3. – Б. 24; *Алиева С.* Риштоннинг мовий сополи // Санъат. – Т., – –1998. –№1 – 3. – Б. 34 – 35; *Гюль Э.* Уста заргар Фасиҳиддин Дадамухамедов // Санъат. – Т., – 1999. – №1. – Б. 38; *Ҳакимов А.* Ўзбекистоннинг бадиий кулолчилик мактаблари // Восток. – Т., – 1999. – №1. – Б. 76 – 79; *Гюль Э.* Ҳунармандчилик анъаналарини сақлаб // Санъат. – Т., – 1999. – №2. – Б. 32; *Оқилова К.* Марғилоннинг замонавий газламалари // Санъат. – Т., – 1999. – №2. – Б. 36; *Алиева С.* Кулол Акбар Раҳимов // Санъат. – Т., – 1999. – №2. – Б. 38 – 39; *Алиева С.* Ғиждувон кулолчилиги анъаналари // Санъат. – Т., – 2000. – №3. – Б. 38; *Низомов А., Низомова М.* Гилам жилоси // Мозийдан садо. – Т., – 2003. – № 3 – 4. – Б. 66 – 67; *Ҳакимов А.* Бойсун каштаси // Мозийдан садо. – Т., – 2004. – №1. – Б. 2 – 7; *Аҳмедова Х., Жумаев К.* Золотошвейное мастерство Махфузы Салимовой // Санъат. – Т., – 2004. – №2. – Б. 20 – 21; *Ҳакимов А.* Ислом динининг бадиий мероси // Мозийдан садо. – Т., – 2006. – №2. – Б. 2 – 12; *Қурбонова Д.* Нью-Йоркдаги лавҳ // Мозийдан садо. – Т., – 2006. – №2. – Б. 38 – 39; *Ҳакимов А.* Темурийлар даври ҳунармандчилиги // Мозийдан садо. – Т., – 2006. – №4. – Б. 2 – 7; *Носирова З.* Бойсун мўъжизаси // Мозийдан садо. – Т., – 2006. – №4. – Б. 8 – 11; *Ҳакимов А.* Тошкент халқ ҳунармандчилиги // Мозийдан садо. – Т., – 2007. – № 2. – Б. 8 – 14; *Исмоилова Ж.* XIX – XX асрлар Марғилон либослари // Мозийдан садо. – Т., – 2007. – №3. – Б. 44 – 46; *Дўстаев Е, Левтеева Л.* Халқ ҳунармандчилиги хазинаси // Мозийдан садо. – Т., – 2008. – №1. – Б. 2 – 4. 5; *Носирова З.* Бойсун нақшларидаги баҳор ифори // Мозийдан садо. – Т., – 2008. – №1. – Б. 7 – 9; *Ҳакимов А.* Қашқадарё вилоятининг анъанавий ҳунармандчилиги // Мозийдан садо. – Т., – 2008. – №4. – Б. 2 – 7; *Мамадалиева Ю.* Шаҳрисабз ироқи каштачилиги // Мозийдан садо. – Т., – 2008. – №4. – Б. 8 – 10; *Толибова Н.* Ёғоч ўймакорлиги санъати // Мозийдан садо. – Т., – 2008. – №4. – Б. 20 – 22.

[2] *Алиева С.* Темурийлар даври кулолчилиги: янги услуб шаклланиши // San"at. – 2000. – №2. – Б. 24 – 26. *Кароматов Ҳ., Жўраев Н* ва бошқалар. Ўзбекистон санъати – Т.: – Шарқ, – 2001. – 240 б. *Ақилова К.* XX аср Ўзбекистон халқ амалий безак санъати: тараққиёт ва муаммолар. Санъат. фан. док. дисс. – Т.: – Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, – 2003; *Умарова И.* 1970 – 1990-йилларда Ўзбекистон кулолчилик санъатининг янги ноанъанавий турларининг шаллланиши, ривожланиш йўллари ва ўзига хос хусусиятлари. Санъат. Фан. ном. дисс... – Т.: – Санъат-

Миллий ҳунармандчилик мавзуси борасида мулоҳазалар беришда педагогика ва психология йўналишларида[1] ҳам тадқиқотлар олиб борилиб, уларда ҳунармандчиликда уста-шогирд одоби курси, унинг мазмун-моҳияти, уни ташкил этиш йўллари, шогирднинг бурчлари, хусусиятлари, усталарнинг ёш ҳунармандларга тарбия бериш психологик услублари, ёшларга ҳунар ўргатишда аждодлар меросидан фойдаланиш тажрибаси ўзига хос назарий хулосаларга асосланган. Бу борада бир қатор журнал, ўқув-услубий қўлланма ва дарсликларда миллий ҳунармандчиликда кадрлар тайёрлашнинг педагогик йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб ўтилади[2].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йилларда тадқиқотчилар Ўрта Осиё шаҳарлари социал-иқтисодий муносабатларга, алоҳида ҳунармандчилик турлари ривожланган йирик шаҳарларга ва уларнинг ишлаб чиқариш саноати борасида тадқиқотлар яратилган[3].

шунослик илмий-тадқиқот институти, – 1995; *Абдуллаева Ш.* Узбекская традиционная вышивка XIX – XX вв. искусство. кан. дисс. . – Т.: – Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, – 2001.

[1] *Зоҳидова Д. А.* Ўрта касб-ҳунар таълимида ўрта аср шарқ ҳунармандлар тайёрлаш технологиясидан фойдаланиш. Пед. Фан. Ном. Дисс. . – Т.: – ЎМКҲТРИ, – 2002. – Б. 205,; *Юлдашев Х. А.* Кичик мутахассислар тайёрлашда “Уста-шогирд одоби” анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари (амалий безак санъати мисолида). Пед. фан. ном. дисс... – Т.: – Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, – 2006. – Б. 156.

[2] *Ройл Д.* ОТБнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таҳлимини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2004. – №1. – Б. 5 – 6; *Юлдашев Х.* Ҳунармандчилик сирларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш//Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2004. – №1. – Б. 10 – 11; *Нарматов Т.* Умумий мақсад йўлидаги ҳамкорлик – мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш омили // Касб-ҳунар таълими. – Т., – №3. – Б. 8 – 9; *Аъзамхўжаева И., Умарова Н.* Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг дунёқараши, ижтимоий фаолияти // Ижтимоий фикр. – Т., – –2005. – №2. – Б. 91 – 93; *Тошпўлатов У.* Кадрлар тайёрлашда ижтимоий ҳамкорлик // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2005. – №1. – Б. 4 – 5; *Ливерани П.* Малакали мутахассислар тайёрлаш омили // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2005. – №4. – Б. 21–22; *Ливерани П.* Муайян касблар бўйича кадрлар тайёрлашга эхтиёжларни аниқлаш // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2005. – №5. – Б. 3 – 7; *Қосимов М.* Касб-ҳунар таълимида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш омиллари // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2006. – №2. – Б. 2 – 3; *Юлдашев Х.* Устоз-шогирд одоби мезонлари // Касб-ҳунар таълими. – Т., – 2008. – №3. – Б. 16 – 17; *Мазур В. А., Давидова Л. Г.* Миллий ҳунармандчиликка ўқитиш ва уни ташкил қилиш. – ТТ.: – 1994. – Б. 24; *Булатов С. С.* Ёшларга ҳунар ўргатишнинг миллий анъанавий асослари (методик тавсиянома). – Т.: – РУМЦ, – 1999; *Зоҳидова Д. А.* “Ҳунармандчиликка кириш” махсус курси бўйича дастур ва услубий тавсиянома. – Т.: – ЎМКҲТРИ, – 2001; *Ҳасанов Р.* Амалий безак санъати машғулотлари методикаси (ўқув қўлланма). – ТТ.: – 2003. – Б. 72; *Юлдашев Х. А., Булатов С. С.* Уста-шогирд одоби мавзусидаги ўқув-тарбиявий тадбирлар ўтказиш методикаси / Методик қўлланма. – Т.: – ЎМКҲТКМО ва ЎҚТИ, – 2005. – Б. 82; *Хопфнер Г. Д.* Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. – Т.: – Талқин, – 2007. – Б. 72.

[3] *Рауфов Т. В.* Ремесло и торговля в Мавераннахре в X – начале XIII в.: Дисс. Канд. Истор. наук – Т., – 1990. – Л. 201. *Мукминова Р. Г.* Позднефеодальные Бухара и Самарканд - центры связей Средней Азиис сопредельными странами, Россией и Европой // Актуальные проблемы исторической науки. Позднефеодальный город Средней Азии. – Т.: – Фан, – 1990. – С. 90 – 100; *Акрамов С. А.* Из истории социально-политеической жизни Самарканда в XIX веке // Акту-

С. Булатовнинг “Ўзбек халқ амалий безак санъати” китобида халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турлари, наққошлик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гилам тўқиш, ёғоч ҳамда тош ва суяк ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқчилик, кигиз босиш, саватчилик ва бўйрачилик тарихи, иш жараёнлари, услублари, жиҳозлари, асбоб-ускуналар, хомашёлари, ранг орнаментлари, безаклари, уларни тайёрлаш ва ишлатиш ранг-баранг тасвирий лавҳалар мисолида кўрсатиб берилган[1]. Китобда халқ амалий безак санъати ҳақида назарий методологик йўл-йўриқлар асосида илмий ва тарихий маълумотлар келтирилади.

Бундан ташқари, янгича методологик ёндашувлар асосида яратилган қатор диссертация ишларидан Ўрта Осиё ҳунармандчилиги масалаларига оид маълумотлар негизида таққосий материал сифатида ҳам фойдаланиш мумкин[2].

Хусусийлаштириш ва мулк шаклланиши ўзгартирилишига Сурхондарё вилояти саноат корхоналарининг фаолиятига доир қимматли фикрлар Э. Қобилов рисоласида келтирилган[3].

Қ. Ж. Жумаев каштадўзликнинг Бухоро мактаби, кашта турлари, йирик кашта гулларининг типларининг классификацияси, анъаналар ва каштачилик марказлари ҳақида батафсил ёритади. Шунингдек, ишнинг энг ўрганилаётган тадқиқот учун қимматли томони Шаҳрисабз каштачилик мактаби борасидаги маълумот-

альные проблемы исторической науки. Позднефеодальный город Средней Азии. – Т.: – Фан, – 1990. – С. 53 – 58; *Хабибуллаев Н. Н.* Коканд центр производства писчей бумаги // Актуальные проблемы исторической науки. Позднефеодальный город Средней Азии. – Т.: – Фан, – 1990. – С. 57 – 69.; *Михалева Г. А.* Узбекистан в ХУШ – первой половине ХIХ вв.: Ремесло, торговля и пошлины. – Т.: – Фан, – 1991. – С. 121.; *Турсунов Н. О.* Развитие городских и сельских поселений Северного Таджикистана в ХУШ – начале ХХ вв. – Душанбе: Ирфон, – 1991. – С. 5.

[1] *Булатов С.* Ўзбек халқ амалий безак санъати: (Ўқув-методик қўлланма). – Т.: – Меҳнат., – 1991. – Б. 384.

[2] *Агзамова Г. А.* Среднеазиатские центры торговли и пути, связывающие их с Россией.: Дис... канд. Истор. Наук. – Т., – 1990. – Л. 195.; *Рауфов Т. В.* Ремесло и торговля в Мавераннахре в Х – начале ХIIIв.: Дисс. Канд. Истор. наук – Т., – 1990. – Л. 201.; *Мазур В.* Дидактические условия обучения национальным художественным ремеслам в профессиональных училищах Узбекистана.: Автореферат дис. канд . пед наук. – Т., – 1996. – С. 19; *Якубов Б. С.* Шахрисабское и Китабское бекства в ХУШ в. – 60-х годах ХIХ в.: Автореферат дис. ... канд. Истор. Наук. – Т., – 1997. – С. 16.; *Қиличев Р.* Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (ХIХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошлари). Тарих. фан. номзод. Дисс. – Бухоро. – 1997, – В 185.; *Фармонова Б. А.* Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине ХIХ – начале ХХ в.: Дисс. Канд. Истор. Наук. – Т, – 1994. – Л. 156 ; *Агзамова Г. А.* Ўрта Осиё хонликларида ҳунармандчилик ва савдо.: тарих фанлари доктори. . дисс. – Т., – 2000. – 348 б.; *Жумаев Қ. Ж.* ХIХ аср охири – ХХ аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: Тарих фанлари номзоди дис... – Т., – 2003. – Б. 158.; *Шарипова М. Ф.* Тошкентнинг ХIХ асрнинг иккинчи ярми ХХ аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи.: автореферат дис... канд. . наук. – Т., – 2004. – С 27.

[3] *Қобилов Э.* Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз. – 1993. – Б. 114.

лар[1] ҳисобланиб, ишда алоҳида боб сифатида ўрганилган. Муаллиф Шаҳрисабз Бухоро, Самарқанд ва Нурота каштачилик мактабларининг анъанавий каштачилигидаги фарқлар, улардаги ўзаро алоқалар таъсири ва умумий хусусиятлар борасида ҳам маълумотлар келтиради. Бироқ бу маълумотлар тадқиқот учун қимматли саналгани билан унинг санъатшунослик доирасида бажарилганлиги, ҳунар тури ҳисобланмиш кашталарга бир ёқламалик, яъни орнамент жиҳатдан ўрганилганлиги билан ажралиб туради.

Г. Домбровски мақоласида ҳам Шаҳрисабз кашталари ҳақида умумий маълумотлар келтирилган, бироқ унда Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудлари тўлиқ қамраб олимаган[2].

Бундан ташқари, "XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик" мавзусини ўрганган Р. Э. Қиличев тадқиқотида архив ҳужжатлари асосида Бухорода мавжуд ҳунармандчилик соҳалари (тўқувчилик, заргарлик, дўппи ишлаб чиқариш, чопон тайёрлаш, металлни қайта ишлаш, кўнчилик, кулолчилик, пойабзал ишлаб чиқариш), уларнинг ривожи, ўрганилаётган даврдаги Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолати ҳақида ҳам фикр юритшган[3]. Шу билан бирга ҳунармандларнинг маъмурий бошқаруви, уларнинг турмуш тарзи ва ўзаро алоқаларини ҳам очиб берган. Бу тадқиқотнинг биз ўрганаётган мавзу доирасидаги аҳамияти, XIX аср охири – XX аср бошларидаги мавжуд сиёсий ва иқтисодий вазият, тарихий жараёнларни ёритишда ўзига хос статистик маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Д. Зияева XIX асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларида Ўзбекистон шаҳарлари тарихини ёритишга бағишланган тадқиқотида кенг кўламдаги манбалар маълумотларидан фойдаланган ҳолда шаҳарлардаги ҳунармандчиликка оид қимматли маълумотларни келтиради. Муаллиф, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ўша даврда мавжуд шаҳарлар ҳунармандчилигининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтган[4].

Ўзига хос педагогик таълим ва тарбия характерига эга бўлган тадқиқотлардан бири В. Мазурнинг диссертация иши бошқа

---

[1] *Жумаев Қ. Ж.* XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик...

[2] *Домбровски Г.* Сюзане – вышивка из Средней Азии // Наследники Шелкового Пути. Узбекистан. Штутгарт. – 1995. – С. 263 – 282.

[3] *Қиличев Р.* Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: – ФАН, – 1996. – Б. 49.

[4] Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. Тошкент, 2013. – 440 б.

тадқиқотлардан ажралиб туради[1]. Унинг тадқиқоти методик қўлланма сифатида ўсиб келаётган келажак авлодга анъанавий ва бадиий ҳунармандчилик руҳи остида таълим-тарбия беришга асосланади. Шу билан бирга, қўлланмада ҳунармандчилик маҳсулотлари, усталар, ҳунар технологияси ҳақида маълумотлар ҳам ёритилади. Айниқса, муаллиф ҳунарманчилик саноатининг умумий томонларини ёритиш билан кифояланиб қолмай, ўқув юртларида бўлғуси уста-ҳунармандларни тайёрлашда ўқитиш услубларига ҳам тўхталиб ўтади. Бу ишнинг бизнинг тадқиқот учун аҳамиятли томони, ҳунармандчиликда уста-шогирд анъаналари, ҳунармандчилик боғлиқ урф-одатларни ўрганишда, бундан ташқари, тадқиқотнинг таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

XXI асрга келиб шаҳарлар тарихи ва уларнинг иқтисодий ҳаётига бағишланган тадқиқотлар давом этади. Уларда, асосан, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг шаҳарлар ривожидаги ўрни бeқиёс тарзда ёритилади. Г. А. Агзамованинг XVI – XIX асрнинг биринчи ярми, яъни, сўнгги ўрта асарларда Ўзбекистон шаҳарлари ҳаётига бағишланган тадқиқотида эса Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш асносида ҳунармандчилик ва савдонинг ўрнини кўрсатиб берган[2].

Ўзбекистон ҳунармандчилигининг совет давридаги аҳволи, уни “социалистик” асосда саноатлаштирилишнинг ижтимоий оқибатлари масаларини А. Қ. Тўхтаев тадқиқотида очиб берилган[3].

Миллий ҳунармандчиликни ўрганиш борасида мустақиллик йилларида, айниқса, санъатшунослар анча илгарилаб кетдилар. Академик А. Ҳакимов ва Э. Гюль ҳаммуаллифликда чоп этилган “Байсун. Атлас художественных ремёсел”[4] номдаги китоб муҳим қимматга эгадир. Китобда Сурхондарё воҳаси Бойсуннинг асосий ҳунармандчилик марказлари(асосий ҳунармандчилик қишлоқлари), уларнинг жойлашган ўрни, номланиши ва у ерларда ривожланган ҳунар турлари ва локал ҳусусиятлари батафсил келтирилади. Бу асар ЮНЕСКО ташаббуси билан яратилган, Сурхондарёнинг йирик ҳунармандчилик марказларидан ҳисобланган Бойсун тума-

[1] *Мазур В.* Дидактические условия обучения национальным художественным ремеслам в профессиональных училищах Узбекистана.: Автореферат дис. канд . пед наук. – Т., – 1996. – С. 19;

[2] *Агзамова Г. А.* Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. – Т.: – Ўзбекистон, – 2000. – Б. 52.

[3] *Тўхтаев А. Қ.* Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917 – 1941 йиллар). Тарих фан. ном. илмий дар. олиш учун ёзилган дисс. – Термиз. – 2001. – Б. 159.

[4] *А. Хакимов.* Э. Гюль. Байсун. Атлас художественных ремёсел. – Т., – 2006 . – С. 208.

нидаги каштачилик, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, тўқувчилик, кулолчилик, кўнчилик саноати, сандиқ тайёрлаш, чодирлар тайёрлаш, ёғочга ишлов бериш каби ҳунар турлари ривожлангани кўрсатилган.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда тадқиқотчилар учун муаммони ўрганиш борасида кенг имкониятлар юзага келди. Бугун тарихчи, шарқшунос, санъатшунос ва этнографлар тарихнинг турли масалари қаторида ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихини ўрганишда умуминсоний ва миллий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиб, янги ёзма ва ҳужжатли манбалар маълумотларини илмий муомилага киритмоқдалар. Бундан ташқари, хорижлик олимларнинг асарларидан фойдаланишга муваффақ бўлдилар.

Шу ўринда ўрганилаётган мавзу учун муҳим аҳамиятга молик XIX аср Бухоро хонлигидаги ҳунармандчилик тарихшунослиги ва ҳунармандчилик рисолаларини ўрганишга қаратилган Д. Ш. Атаджанованинг тадқиқотини келтириб ўтиш мумкин[1]. Тадқиқотнинг рисолаларга бағишланган қисми манбавий характерга эга бўлиб, унда муаллиф нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги турли рисолаларни қиёсий ўрганишга муваффақ бўлган. Муаллифнинг муайян масалаларга ёндашуви Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги тарихини ўрганишга қиёсий материал сифатида фойдаланишда аҳамиятлидир. Шунингдек, Д. Атаджанова Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари шаҳарлари ҳунармандчилигини ўрганишни долзарб муаммоларидан бири сифатида қўяди.

Мавзуга оид санъатшуносларнинг ишларида асосан, ўрганилаётган ҳудуд доирасида ҳунармандчилик тарихи, турлари, амалий-декоратив жиҳатлари, орнаментлари борасида қарашларидан ҳам кенг миқёсда фойдаланилди. Бундан ташқари, тарихчи олимларнинг сўнгги йилларда халқ ҳунармандчилиги бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, натижада янги фикр ва мулоҳазалар билдирилган қатор илмий мақолалар, асарларнинг чоп этилганлиги фикримиз далилидир.

Тарихчи М. Ҳамидова ҳам XIX – XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихига бағишланган тадқиқо-

[1] *Атаджанова Д. Ш.* Историография ремесленного производство Бухарского ханства XIXв (на основе изучения литературы и ремесленных уставов “Рисола”).: Дисс. канд. истор. наук. – Т., – 2008. – Л. 176.

тида[1] шу даврга оид воҳадаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, воҳадаги бир неча ҳунармандчилик турларининг тавсифи, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатларида ҳунармандчилик уюшмаларининг аҳволи, уста-шогирд муносабатлари ҳамда савдо алоқаларининг ҳунармандчиликка таъсири масалалари ёритилган бўлиб, ўрганилаётган тадқиқот учун ўзига хос аҳамият касб этади. Жумладан, унинг тадқиқотидаги воҳа ҳунармандчилиги турлари тавсифига бағишланган қисмида воҳадаги ҳунармандчилик турларининг энг йирик марказлари, турлари, ҳунармандлар жойлашган маҳаллалар, уларда ишлаб чиқариш муносабатларини батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Айниқса, ишда ўша даврдаги воҳадаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт атрофлича ёритилган. Мазкур тадқиқотнинг манбавий асосини ўрта аср муаллифлари томонидан яратилган асарлар, тадқиқ этилаётган даврда Ўрта Осиё, хусусан, Қашқадарё воҳасига саёҳат уюштирган чет эл сайёҳлари томонидан тўпланган маълумотлар, архив материаллари, музей фондларида сақланаётган экспонатлар ташкил этади. Шунингдек, муаллиф замонавий ҳунарманд усталар билан олиб борилган суҳбатлар, кузатувлар ва тўпланган фотосуратлардан фойдаланганлиги янада аҳамиятлидир. Бироқ ишда Сурхондарё воҳаси ҳунармандчилиги ва бошқа ҳудудлар ҳунармандчилиги трансформацияси борасида деярли тўхталмайди.

Археологлар М. Ҳ. Исомиддинов, А. А. Ярқуловларнинг “Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи (VIX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари)[2]”да Нахшаб ҳунармандчилигининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихига оид археологик материаллар асосида ёритилган бўлиб, унда, айниқса, ҳунармандчиликнинг кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик маҳсулотлари борасида батафсил ёритиб берилади. Шу боис ҳам бу китоб Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси ҳисобланган Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилигини тадқиқ қилишда асосий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий давлатчилиги тарихини янгидан яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ҳар томонлама муҳим ўринга эга бўлган Бухоро ва Хива[3], Термиз[4],

---

[1] *Ҳамидова М.* Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX – XX аср бошлари). – Т. – 2009. – Б. 142

[2] *Исомиддинов М. Ҳ,. Ярқулов, А. А* ларнинг “Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи (VIX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари). Т., – “Yangi nashr”. – 2014. – Б. 215.

[3] Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликда” халқаро симпозиуми тезислари. – Т.: – Ўзбекистон, – Б. 300.

[4] Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Т.: – Фан, – 2001. – Б. 196.

Қарши[1], Самарқанд[2] ва Марғилон[3] шаҳарларининг юбилейларига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда тадқиқотчиларнинг мустақиллик даврига оид ҳудудлар ҳунармандчилиги тўғрисида айрим янги материаллар эълон қилинди. Бироқ бу маълумотларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг мавзунинг хронологик доирасига тушмайдиган томонлари бўлса ҳам ўзига хос қимматга эгадир.

С. Турсунов ва Қ. Рашидовлар ҳаммуаллифлигида ёзилган "Бойсун" китобида ҳам Сурхондарё ҳунармандчилигига оид маълумотлар берилади[4].

Яна тадқиқотнинг учта хронологик давр доирасида холисона ўрганишда эътиборга молик томонлардан бири ЎзР ФА Тарих институти Этнология ва антропология бўлимида яратилган фундаментал асарлар, амалий тадқиқот натижаларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштадўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги соҳаларининг ривожланиши, касаначилик асосида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш имкониятлари, минтақаларда ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёти[5], ҳунарманд аёллар фаолияти, ҳунарманд усталар томонидан анъанавий ҳунармандчиликнинг янги турлари айрим адабиётларда янгича асосларда ёритилади[6].

---

[1] Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни: Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., – Фан. – 2006. – Б. 246.

[2] Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Т – Самарқанд: Фан, – 2007. – Б. 460.

[3] Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни: Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илми конференция материаллари. – Т – Марғилон: Фан, – 2007. – Б. 370.

[4] *Турсунов С., Рашидов Қ.* Бойсун. – Т.: – "Akademnashr" нашриёти, – 2011. – Б. 430.

[5] *Қобилов Э.* Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз. 1993. 114 б. Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 3–82.; *Аннаев Т, Шайдуллаев Ш.* Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – ТТ.: – 1997. – Б. 67.; Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. (муаллифлар жамоаси). – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 101; *Жўрақулов О., Эргашева Ж.* Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши. – Насаф. – 1996. – Б. 90; *Ртвеладзе Э. В., Аминов М.* Сурхондарё. Қомуслар бош таҳририяти. – 1996. – Б. 58; *Сагдуллаев А, Аминов М, Якубов Б.* Қашқадарё тарихидан лавҳалар. Қарши. – Насаф. – 1997. – Б. 48; *Эргашев Э.* Бешкент тарихи. – Қарши. – Насаф. – 2000. – Б. 150.; *Захаров С. М. Собиржонов А. С.* – Қарши. – Т.: – Ўзбекистон. – 1978. – Б. 56; *Ғофуров Ғ, Шоймарданов И, Тўғлиев Ж.* Яккабоғ тарихи. – Т.: – Шарқ. – 1997. – Б. 154; Шаҳрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: –Фан, 2002. – 30 б. – 4. Шаҳрисабз минг йиллар мероси. – Т.: – Шарқ. – 2002. – Б. 227.; *Ҳакимов Н., Жўрақулов О.* Шаҳрисабз тарихи. – Қарши. – Насаф. – 2001. – Б. 219.; *Пармонов О., Бердиев А.* Китоб тумани. – Т.: – Фан, – 1996. – Б. 164.; *Исмоилов Н., Бўриев О.* Қарши – Ўзбекистонинг қадимий шаҳри. – Қарши. – Насаф. – 2006. – Б. 184.

[6] Ўзбекистонда заргарлик буюмлари. – Т.: – Халқ мероси, – 1993. – Б. 64; *Маҳматмуродов Ў.*

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Туркистон ҳунармандчилиги ва ҳунармандларининг ижтимоий аҳволи ёритилган тадқиқотлар[1] ҳам ишни янада бойитишда хизмат қилса, Бухоро амирлигининг сиёсий, ижтимоийиқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган бекликлар тарихига оид илмий фикрлар акс этган тадқиқотларда жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигига оид маълумотлар учрайди[2].

**Хорижий адабиётларда миллий ҳунармандчилик муаммосининг ёритилиши.** Тадқиқот қамраб олган даврий чегара доирасида хорижда нашр этилган асарлар ва мақолаларни ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги тарихи ва унинг трансформацион жараёнлари бирор-бир хорижий тадқиқотнинг объекти вазифасини бажармаган бўлса-да, тадқиқот доирасида ўрганилаётган масалаларга оид бир неча хорижий адабиётлар билан танишиб чиқилди. Хорижлик олимлар ҳам Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек ҳунармандчилиги масалаларига ўз эътиборларини қаратганлар[3].

Хорижий адабиётлар орасида Россия империяси мустамлакачилиги ва совет даврини ўрганишга эътибор алоҳида ўрин тутган, бироқ ушбу адабиётларга бу даврда “сохталаштирувчи адабиёт-

---

Ургут ва ургутликлар. – Т.: – Ёзувчи, – 1995. – Б. 80 ; *Боймиров Қ.* Касб-ҳунар замини меҳнатдир. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – Б. 78; *Нозилов Д. А.* Ўрта Осиё дизайни тарихидан. – Т.: – Ўзбекистон, – 1998. – Б. 128; *Мухторов А.* Уста ва шогирд одоби. – Т.: Меҳнат, 1999. – Б. 78; *Усмон Х., Шодиев Н., Абдураҳмонова М.* Марғилон ҳунармандлари. – Фарғона.: Фарғона, – 2000. – Б. 32; *Ғуломов С. С., Булатов С. С.* Шарқона уста-шогирд одоби . – Т.: 2000.; *Акрамхўжаева М., Акрамхўжаева Р.* Зардўзлик. – Т., – 2002. – Б. 40 б; *Содиқова Н.* Ўзбек миллий кийимлари XIX – XX асрлар. – Т.: – Шарқ, – 2003. – Б. 191; *Жаббарова Д.* Зардўзлик технологияси / Ўқув қўлланма. – ТТ.: – 2004. – Б. 87; *Саъдиев З.* Ғиждувон ҳунармандлари. – Т.: – Янги аср авлоди, – 2004. – Б. 132; *Алимқулова Д.* Амалий безак санъати тарихи. – Т.: – Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, – 2007. – Б. 71; *Чориева Д.* Қўнғиротларнинг анъанавий амалий санъати (Деҳқонобод тумани Қўнғирот хўжалигида яшовчи қўнғирот уруғи вакиллари мисолида). – Қарши.: – Насаф, – 2007. – Б. 70; *Қудратов Ғ, Пардаев М., Шодиева Г.* Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили. – Т.: – Фан ва технология, – 2007. – Б. 32.

[1] *Набиев Ф.* Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917 – 1924 гг. ). автореф. Дисс. Докт. Ист. Наук. – Т., – 1995; *Фарманова Б. А.* Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX вв. Автореф. Дисс. Канд. Ист. наук. – Т., – 1995; *Эргашева Ж.* История создания и развития промышленности Кашкадарьи: новые осмысление и выводы (1920 – 1990 гг. ). автореф. Дисс. Канн. Ист. Наук. – Т., – 1998; *Мусаев Н. У.* Формиравание и развитие промышленного производство в Туркестане (конец XIX – нач. XX вв. ). автореф. Дисс. Док. Ист. Наук. – Т., – 1999;

[2] Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2006. –47 б; Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоийсиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. –168 б.

[3] Levasseur Ремесло(ручное произ-во) E., Histoire des classes ouvrières et de l”industrie en France avant 1789, 2 ed., t. 1—2, P., 1900—01; A History of technology, éd. by Ch. Singer, E. 1. Holmyard, A. R. Halle andT. 1. Williams,v. 1—5,Oxf.,1956—58.

лар” сифатида қаралиб, уларнинг тарихий қиммати ерга урилди. Шунга қарамай хорижий тарихчилар империя ва совет мустамлакаси даврида ўлка халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бағишланган тадқиқот ишларини олиб борган. Улар мазкур давр тарихшунослигида расмий жиҳатдан ёритилмаган масалаларни ҳам объектив шарҳлашга ҳаракат қилдилар. Бироқ хорижий тадқиқотчилар ўрганилаётган мавзуга турли нуқтаи-назар ва ёндашувлар асосида, баъзан қарама-қарши хулосаларга ҳам келишган. Шундай бўлса-да, Россия империясининг ўлкада олиб борган сиёсатига объектив баҳо беришган. Ўлканинг совет давригача бўлган тарихини ёритган Скрайн ва Россларнинг китоби “Осиё юраги” деб номланиб, унда, асосан Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишига эътибор қаратилган[1].

Совет мустабид тартиблари ўрнатилгандан кейин хорижий тадқиқотчилар тарихшунослигида ўлканинг руслар томонидан босиб олиниши ва кейинчалик ҳудуднинг империя таркибига кириши мавзуларида синфийлик нуқтаи-назаридан баҳслашишлар кузатилади. Уларда тарихий ҳақиқатни нисбатан идеаллаштириш устунлиги сезилса-да, мустамлакачилик ва совет даврида ўлка аҳолисининг аҳволи оғирлигини очиб берилган холос.

Бундай маълумотлар немис олими Г. Клейновнинг 1929 йилда ”Шарқий Европа” журналида босилиб чиққан “Рус Ўрта Осиёсида миллий сиёсат асослари” мақоласида ҳам учрайди[2].

Бундан ташқари, Бран А. нинг “Хатарли вақтлар” китобида ҳам Россия империяси ва совет ҳукумати олиб борган иқтисодий сиёсат ўлка халқлари иқтисодий манфаатларига зидлиги кўрсатиб берилган[3].

Мавзунинг айрим жиҳатларига оид хориж тадқиқотлари, асосан, XX аср бошларида пайдо бўлган. Булар жумласига Г. Норман, Б. Жокелсон, Ж. Кунитс, С. Беккер, Г. Вилер ва Р. Пирсларни киритиш мумкин[4]. Айниқса, хорижий адабиётлар орасида Г. Вилернинг қарашлари[5], муаллифлар жамоаси томонидан чоп этил-

[1] Skrine F, Ross E. The Heart of Asia. London. 1895.

[2] Ostevropa. – 1929, № 9, – S. 555 – 571.

[3] *Bran A. H.* Troubb tines. – London, – 1931.

[4] *Norman . N.* Travels and studies in contemporary Europen Russia. Finland Siberia the Caucasis Central Asia. – London. – 1902. – P. 476; *Jochelson B.* Peoples of Asiatic Russia. – New York. – 1928. – P. 259.; *Kunits. J.* Davn over Samarkand. The rebirth of Central Asia. – New York. – 1935. – P. 348; *Becker Seymour.* Russias protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva. 1865 – 1924. – Cambridge. – 1967. – P. 416; *Wheeler. G.* The modern history of Soviet Central Asia. – London. – 1964. – P. 272; *Pierce. R.* Russian Central Asia. Bukhara and Khiva. 1865 – 1924. – Cambridge. – 1968.

[5] *Wheeler. G.* The modern history of Soviet Central Asia. – London. – 1964. – P. 272.

ган “Ўрта Осиёда русларнинг бир асрлик ҳукмронлиги даврида” китоби[1]да ҳам ўрганилаётган мавзуга доир мулоҳазалар ажралиб туради. Уларда мустамлака даврида ўлканинг қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши ва мафкуравий масалалар бутунлай мустамлака ҳукумат манфаатларига мослаштирилганлиги фактлар асосида кўрсатиб берилган.

Тарихчи Р. Конкуэст асари[2]да, советлар даврида тарих ҳукмрон мафкурага асосланиб, у “декретлар”, “қарорлар” асосида ёзилди, деб танқид қилинади. Худди шу мавзуда Л. Тиллет ҳам ўзининг “Буюк дўстлик. Совет тарихчилари рус бўлмаган миллатлар ҳақида” асари[3]да совет тарихшунослиги “партия кўрсатмаларининг оддий ташвиқотчиси”га айланиб қолганлигини таъкидлайди. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, тарихчилар ўз ҳаққоний тарихини ёритишда кескин кураш олиб борганликлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Яна мустамлака шароитида Ўрта Осиё халқларининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи, уларнинг мустамлакачиларга қарши норозиликлари моҳиятини очиб беришда “Ўрта Осиё”[4], ”Россия ва Осиё: Россиянинг Осиё халқларига таъсири масалалари”[5] ва “Мусулмон дунёсидаги ўзгаришлар”[6] каби умумлаштирувчи характердаги тадқиқот ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Шунингдек, инглиз олими М. Холдсворт ҳам ўз асарида XIX асрда Ўрта Осиё хонликларидаги ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ҳаёт ҳақида сўз юритиб, ҳунармандчилик ҳақида айрим маълумотларни келтирган[7]. М. Холдсвортнинг олиб борган тадқиқоти бошқа тадқиқотчиларникидан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. У асосан, Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига оид маълумотларни қайд этган[8].

Ўрта Осиёнинг, хусусан, хонликлар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихининг айрим масалаларини ўрганиш баробарида ҳу-

---

[1] Central Asia a century of Russian rule. – New York and London, – 1967.

[2] *Conquest R.* Sovet natinalites. Policy in praktike. – London, – 1967

[3] *Tillet L.* The great Frientship. Soviet historians on the norussian nationalities. – North Carolins, – 1969.

[4] Central Asia. – London, – 1969.

[5] Russia and Asia. – Stanford, – 1972.

[6] Change and the muslim world. – Syracuse, – 1981.

[7] *Holdsworth. M.* Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of Buchara, Kokand and Khiva. – Oxford, – 1959. – P. 23 – 24, .

[8] *Holdsworth. M.* Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of Buchara, Kokand and Khiva. – Oxford, – 1959. – P. 80.

нармандчилик ҳақида ҳам маълумотларнинг хориж адабиётларида кам учраши ўрганилаётган муаммонинг долзарблигини янада оширади. Уларда, асосан, аҳолининг турмуш тарзи, мамлакатнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши каби масалалар ёритилиб, ижтимоий ҳаёт, ҳунармандчилик масалалари диққат-марказида бўлмаган ёки бу борада умумий маълумотлар билан кифояланганлар. К. Гинг ва К. Гомбус, Я. Голденштеин, Ж. Пелтз томонидан чоп этилган асарларда эса, асосан Ўрта Осиё хонликларининг йирик маданият марказларидан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларининг сиёсий тарихий қиёфасига таъриф келтирилади[1].

Мазкур гуруҳга кирган айрим адабиётлар, жумладан, К. Гиббон ва А. Хейл[2] тадқиқотларида ўзбек каштачилигига оид янгича тадқиқотлардан мавзу доирасида ва баъзи ҳолларда назарий-методологик асосини шакллантиришда ҳам фойдаланилди[3].

Ю. Скайлер Туркистон бозорлари, ҳунармандчилик турлари, ҳунармандлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтиради[4]. Унинг энг диққатга сазовор ишларидан бири бу “Ипак қурти” рисоласининг инглиз тилига таржима қилганлигидадир.

Немис олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар ҳам диққатга сазовор бўлиб, улар ўзбек ҳунармандчилиги соҳалари, хусусан, миллий ҳунармандчиликда аждодлар анъанаси, турли ҳудудлар ҳунармандчилиги марказларининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, ҳунармандчилик маҳсулотларининг турлари, шакллари ва безак усуллари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Клаус Пандер ва Ж. Пелтиз асарларида ўзбек халқининг турмуш тарзи, анъанавий хўжалик турлари, шу жумладан, миллий ҳунар-

---

[1] *Ging K. and Gombus R.* The pearls of Ousbekistan: Bukhara, Samarkand and Khiva. – Budapest, – 1973. – P. 82; *Goldenstein Y.* Samarkande, Boukhara – Chakhisiabz – Khiva. – Paris, – 1995; Pander K. Sowjetisher Orient, Kunst und Kultur, Geshihte und Gegenwart der Volker Mittelasiens. – Koln, – 1982; *Peitz Judith.* Usbekistan entdecken SeidenstraBe nfch Samarkand, Buchara und Chiva. – Berlin, – 2003. – P. 282.

[2] *Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale.* Uzbek Embroideries in the nomadic tradition. Minneapolis Institute of Arts. 2007; Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale. Lakai: the Bad Beys of Central Asia // Hali, The International Magazine of Antique Carpet and Textile Art.

[3] *Centlivres-demont M.* Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman. Sous la direction de Nicole grandin et Mart Caborieau. Paris, – 1997. 84 – 88.; *Fitz Gibbon K., Hale A.* uzbek embroidery in the nomadic tradition (The Jack A/ and Aviva Robinson collection at the Minneapolis Institute of Arts)/ Singapore, – 2007. – P. 118; *George W. Strocking.* Polarity and Pluparity: Franz Boas as Psychological Antropologist. – Cambrige University Press, – 1994.

[4] *Shuyler E.* Turkestan. Notes ofa journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – New York. – 1876,Y. 1. – P. 411.

мандчилик тарихи, унинг соҳалари тўғрисида қисқа бўлса-да, қизиқарли маълумотлар учрайди[1]. Бироқ, ушбу адабиётлардаги маълумотлар тадқиқот объектини тўла қамраб ололмайди.

Габриэле Келлер тадқиқотида ўзбек ҳунармандчилиги анъаналари ўзига хос фотосуратларда акс эттирилади[2]. Унинг фотосуратларида ўзбек аёлларининг юксак маҳорати тикувчилик ва тўқувчилик соҳаси намуналарида, айниқса, зардўзлик либослари акс эттирилади.

Б. Волленвебер ва П. Франкеларнинг тадқиқотида ҳам қадимги гиламдўзлик анъаналарининг марказлари ҳисобланган Фарғона, Нурота, Қорақалпоғистон воҳалари билан бирга Сурхондарёда ҳам кенг ривожланиши таъкидланади. Бу ерларда гиламчиликнинг қадимги жулхурс ва бошқа турлари, шолча ва палосларининг қўлда тўқилиш жараёнлари, уларнинг халқ томонидан қадрланиши ёритилади[3]. А. У. Попе[4] ҳам ўз тадқиқотида гилам тайёрлаш борасида ўзининг қимматли фикрларини келтириб ўтади. Шунингдек, ўзбек ҳунармандчилигининг анъанавий марказлари Марғилонда мато тайёрлаш, Хоразмнинг Мадир қишлоғи, Риштон, Бухоро, Самарқандда кулолчилик ҳунармандчилигининг ривожланганлиги. Тошкент, Қўқон ва Хивада наққошлик ҳунари, уста-ҳунармандлар фаолияти, уларнинг иш фаолияти, иш жараёни шарт-шароитлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади.

Риштон кулолчилиги ва Марғилонда ипакчилик соҳаси, тўқувчи ҳунармандлар ва ҳунармандчилик тарихи, унинг ривожланишининг ҳудудий ўзига хослиги тўғрисида маълумотлар америкалик тадқиқотчилари Л. Мэклид ва Б. Мэхьюлар томонидан берилган маълумотларда келтирилади[5]. Бу ўринда, Б. Мэхью, Г. Блум, Ж. Нобл, Д. Старнеслар ҳаммуаллифлигида берган маълумотларида Марказий Осиё халқларининг ҳаёти ёритилиши билан бирга, Марказий Осиё ҳунармандчилигига хос умумийликлар ва хусусийликлар, жумладан, ўзбек миллий ҳунармандчилигининг гиламдўзлик,

---

[1] *Pander K.* Zentralasien. Ostfildern: Du Mont Reiseverlag. 2005. P. 384; Judith Peltz. Uzbekistan entdeckan. – Berlin. – 2007. – P. 290.

[2] *Keller G.* Frauen kultur in Uzbekistan. Denzlingen. – 2002. – P. 288.

[3] *Wollenweber B., Franke P.* Uzbekistan. Land zwischen Orient und Okzident. – Berlin. Wostok, – 2007. – P. 91.

[4] *Pope A. U.* The carpet making. A history. – A Source of Persian Art. – 1967. v. VI. Tehran-London-New-York-Tokyo.

[5] *Macleod B., Mayhew B.* Uzbekistan. The golden road to Samarkand. Hang Kong. Odyssey. – 2008. – P. 368.

тўқувчилик, каштачилик ва заргарлик соҳалари ҳам қисқача тасвирланган[1].

Француз тадқиқотчилари томонидан мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши, жумладан, наққошлик, каштачилик тарихига оид берилган маълумотлар ўзининг илмий қимматлилиги билан ажралиб туради[2].

Унда Сурхондарёда қадимги гиламдўзлик анъаналари кенг ривожланганлиги ёритилади. Шу ўринда яна Қашқадарё гиламдўзлигига бағишланган биргина Соно Фумото ишини келтириб ўтиш мумкин[3].

Ҳунармандчилик рисоларини ўрганиш доимо хориж тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиб келган. Шу ўринда немис тадқиқотчиси Женан Дажелининг монографияси[4] яққол мисол бўла олади. Унда муаллиф ўзбек ҳунармандчилиги рисолалари, унинг мазмуни, ундаги қоидалар, рисолалардаги диний легитимациялар, уста-шогирд анъаналари, ҳунармандларнинг турмуш тарзи ҳақида кўплаб маълумотларни беради. Шунингдек, китобда кўплаб хориж адабиётларидан фойдаланилган ҳолда ўзбек ҳунармандчилигини бошқа давлатлар ҳунармандчилиги ҳақидаги рисолалар маълумотлари билан солиштирилган.

Миллий ҳунармандчиликнинг энг кўп ривожланган соҳаларидан кулолчилик ва каштачилик ҳунарлари тўғрисида яна бир француз олими Фредерик Беопертис-Брессанд асарида келтирилади[5]. Хусусан, у Шаҳрисабз каштачилиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, иш жараёнлари, нақшлар, бўёқ бериш услублари, бўёқлар таркиби ва ранглар ҳақида тўплаган маълумотлари билан ажралиб туради. Шунингдек, Брессанд Бухоро зардўзлиги, Андижон ва Ургут каштачилиги, Риштон кулолчилиги, андижонлик ва ғиждувонлик уста кулоллар ҳақида ҳам тўхталади.

Бундан ташқари, халқ амалий санъатини назарий-услубий жиҳатдан асослайдиган хорижий ишларни ҳам келтириб ўтиш

---

[1] *Mayhev B., Bloom G., Noble J.,* Starnes. Central Asia. Oakland. Lonely Planet Publications Pty Ltd. – 2007. – P. 70 – 71.

[2] *Degeorge G.,* Chuvin. Samarcande Boukhara. Khiva. Paris. Flammarion. – 2001. – P. 230.

[3] Sono Fumoto. Women Marriage, and the Market Economy in Rural Uzbekistan: Cases from a Pastoral Area of Kashkadarya Provice, In Obiya Chika ed. “Islam and Gender in Central Asia Soviet Modernization and Today’s Society” CIAS Discussion Paper. 2016. No. 63. – P. 40-49.

[4] *Jeanine Elif Dag’yeli.* Cott liebt das Handwerk. Moral, Identitat und religiose Legitimierung in der mittelasiatischen Handwerks-risala. Reichert Verlag Wiesbaden. – Berlin. – 2011. – Z. 333

[5] *Beaupertuis-Bressand F.* Samarkand la magifigue. Marsel . Georges Naef. – 2003. – P. 255.; *Bossert H. T.* Das Ornamentwerk. 1-издание. – Berlin, – 1924. – S. 231.; *Taube Jakob Suzani.* Eine Textile Kunst Aus Zentr Alasien / Vok collection. – Munchen, – 1994. – S. 53.

мумкин[1].

Тадқиқотнинг тарихшунослиги таҳлилига кўра, ҳунармандчилик тарихини тарихий-этнологик аспектда ўрганиш ўзига хос босқичма-босқич тарзда ривожланиб борганлигини кўриш мумкин. Қолаверса, тадқиқотлар тарихшунослик, манбашунослик, санъатшунослик, этнографик муаммовий йўналишларга кўра изчил илмий таҳлилга тортилиб ўрганилди. Муаммони мана шундай йўналиш ва талқинлар асосида ўрганиш имконини беради. Бу эса қўйилган муаммони дала этнографик тадқиқотлар асосида ўрганиб, илмий истеъмолга олиб киришдан далолатдир. Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, хорижий тадқиқотларда мустамлака даври тарихини очиб бериш ўзига хос ютуқлар билан бирга, камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунки уларда Туркистонда саноат ишлаб чиқариш инфратузилмаси, фабрика-саноат корхоналари шаклланиши, темир йўл масалалари, ўлка аҳолиси ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳолати ва таъсири масалалари, бозор иқтисодиётида меҳнатнинг хўжалик шакллари, рус ва чет эл капиталининг кириб келиши, Россия империясининг Туркистонни хомашё базасига айлантириши, ҳунармандчилик турлари ва ривожланиш тараққиёти илмий аксини деярли топмаган.

Умуман олганда бу параграф бўйича билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳунармандчилик тарихи ва унинг трансформацияси муаммосини ўрганиш тарихшунослиги бўйича маълум илмий натижаларга эришилди, мавзунинг тарихшунослиги шаклланди, аммо бу йўналишда ҳали бошқа ҳудудлар ҳунармандчилиги тарихшунослиги борасида кўп изланишлар олиб бориш лозим эканлигини кўрсатади.

Ушбу боб юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, мавзунинг тарихшунослиги доирасида дастлаб ўрганишни алоҳида ҳунар турлари доирасида олиб қарашни мақсад қилиб қўйган эдик. Бироқ ўрганилаётган муаммо жараёнлари бир тарзда кечмаган, шу боис турли тарихий даврларга қайси ҳунар турининг ривожланиш босқичи қандай кечганлиги унинг ўрганилиши тарихи билан боғлиқлиги аниқланди. Жумладан, ўрганилган адабиётлар таҳлили ҳам ана шу

[1] Каган М.С. Морфология искусства. – Л.: Искусство, 1972.; Унинг. Искусство в системе культуры. – Л.: Искусство. 1987. – 328 с.; *Ўша муаллиф*. Системный подход и гуманитарное знание. – Л.: ЛГУ, 1991. – 383 с.; Канцедикас А. Искусство и ремесло (квопросу о природе народного искусства). – М.: Изобразительное искусства, 1977. – 120 с.; Лотман Ю.М. Статьи по типологии культуры. – Тарту: Тартуский Университет,1970. – 95 с.; Kat J. Silk of Central Asia. – London, 1997. – 368р.; Hauser A. Philosophy of arts. – New York, 1958. – 81 р.; Банфи Антонио. Философия искусства. – М.: Искусство, 1989. – 383 с.

кетма-кетликда берилди. Айнан жанубий вилоятлар ҳунармандчилиги тарихи ўзига хос тарзда ривожланиш босқичига эга бўлиб, тадқиқот олиб борилган хронологик давр доирасида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги ҳунар турлари билан ҳамоҳанг тарзда ўзаро алоқалар таъсирида ривожланганлигидан дарак беради.

Ушбу ўрганилаётган муаммо доирасидаги таҳлилларга кўра, бу илмий тадқиқот жараёнидаги масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, янги манбалар ва архив ҳужжатларини илмий таҳлил қилиш, муаммони асосли равишда ёритиш, республика тарихчилари олдига янги долзарб вазифаларни қўяди.

Мавзу тарихшунослигига кўра, ҳозиргача Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги ва унинг XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги трансформация жараёнларига бағишланган яхлит тарихий-этнологик тадқиқот мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

# II БОБ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

## 2.1. Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ҳунармандчиликнинг умумий ҳолати

XIX асрнинг ўрталарига келиб Туркистонда ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши, натурал рентанинг пул билан алмашинуви натурал хўжалик тартибларининг емирилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш усулининг инқирозини келтириб чиқарди. Хонликлар иқтисодий тарихида янги давр бошланди, шаҳар ва қишлоқларда ўлканинг турли этнослари орасида қизғин иқтисодий алоқалар ривожланиши натижасида бозорлар сони кўпайди ва ташқи савдо кучайди[1]. Россия империясининг Туркистондаги савдо сиёсати шуни кўрсатадики, ўлканинг савдо-сотиқ ишларида пахтачилик, ипакчилик ва газлама маҳсулотлари асосий ўрин тутса-да, аммо маҳаллий тўқимачилик саноатининг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш билан бирга етарлича ривожланмади. Шунга қарамай, мустамлакачилик шароитида Туркистон бозори умумимперия бозорининг манфаатларига хизмат қилди[2].

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўрта Осиёда ипакчилик ва ипак матолар тўқиш юқори босқичга кўтарилган[3]. Маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган ипак мато ва либослар Россия фабрика моллари билан рақобатлашибгина қолмай, балки Европа бозорларида ҳам машҳур бўлган[4]. Бу даврда ипакчилик иши Туркистонда хонаки услубда бўлиб, ипакни қайта ишлаш билан

[1] *Қаранг: Масальский В. Й.* Туркестанский край. Сб. “Россия. Полное географическое описание нашего отечества”. Т. 19. СПБ. – С. 750.; *Данидловский Г. И.* Описание Хивинского ханства. ЗРГО, кн. У. – 1851. – С. 100.; Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отд. 11., – СПБ, – 1911, – С. 8.; *Заорская В. В., Александер К. А.* Промышленные заведения Туркестанская края... . – С. 85 – 87.

[2] Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1том. – Т. – 2007. – Б. 252.;Ўзбекистон МДА, И-87жамғарма, 1-рўйхат, 26103-йиғма жилд., – В. 87 – 170.

[3] *Петровский Н. Ф.* О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии // Отчёт Министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. – М.; 1873. – С. 83 – 106.

[4] *Пален К. К.* Отчёт по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстром графом К. К. Паленом. – СПБ. 1909 – 1910. Ч. 2. – С. 172.

асосан пиллачилар (ипакка ишлов берувчилар) шуғулланар эди[1]. Ипак йигирувчи устахоналар, асосан, уйларда жойлашган бўлиб, уста-хўжайинлар билан бирга бир неча кишилар ишлар эдилар. Ипакни ишловчи асбоб-ускуналар лой ўчоқ ва бир неча ўзига хос ёғоч дастгоҳлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида ипак йигирилган ва йигириш учун тайёрланган. Битта дастгоҳ бир кунда яхши ишласа, 3 фунт[2], ўртача 2 фунт ва ёмони 1 фунт ипак йигирган. Ипак йигириш учун иш ҳақи жойларда турлича: Самарқандда бир ботман[3] (10 пуд[4]) учун ишчи 8 рубл, ўз харажатлари ва хўжалик учун эса 4 рубль, Тошкентда эса 1 фунт ипак учун 25 тийин (копеек) тўланган.

Туркистонда ипакни қайта ишлаш билан, асосан, эркаклар шуғулланиб, аёллар фақат ипак қолдиқларини калавалаганлар. Олима О. А. Сухареванинг хабар беришича, Бухорода ипакни қайта ишлаш билан XIX асрнинг бошларигача аёллар шуғулланишган, аср охирида эса бу иш тўлалигича эркаклар қўлига ўтган[5]. XIX аср охирида бу иш билан Ўрта Осиёнинг айрим жойларида (мас., Амударё бўлими) аёллар шуғулланишган[6].

Россия сармоядорлари Туркистонда асрлар давомида ривожланиб келган даромадли ипакчилик соҳасига ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Ипак ва унинг толасига нафақат Россия, балки Европа бозорларида ҳам талаб катта бўлиб, Туркистон ипаги сифат жиҳатдан анча рақобатбардош эди. Қолаверса, қулай иқлим шароити, тутзорларнинг кўплиги, аҳолининг кўп йиллик тажрибаси ва бу машғулот билан ҳар бир хонадон аёлларининг мавсумий иш сифатида доимий суратда шуғулланиши ипакчиликни ривожлантиришга катта имкон берган.

“Туркестанские ведомости” газетасида 1871 йилда берилган маълумотларга кўра, шу йили Туркистонда бир ярим миллион пуд ипак хомашёси тайёрланган. Бу хомашё йигирилганда, 100 минг

---

[1] *Атакузиева С. Х.* К характеристики шелкообрабатывающей промышленности Туркестана второй половины XIX – начала XX века // – ОНУ. – 1986. – №2. – С. 33.

[2] Фунт –вазн, оғирлик; тоши тарози. Инглиз ўлчов тизимида асосий масса бирлиги: савдода 0, 4536 кг га, дорихонада 0, 3732 кгга тенг бўлган.

[3] Ботмон- (форс – 898,5 гга тенг оғирлик ўлчови). 1. Ўрта Осиёнинг шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ерларида турли мезонга , салмоққа эга бўлган (икки пуддан бир пудгача). 2. Тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. 3. 1 ботман 20 кгга тенг оғирлик.

[4] Пуд –(рус – 16,38 кгга тенг оғирлик ўлчов бирлиги), лот, оғирлик, ўлчов. Метрлик ўлчовлар тизими қабул қилинганига қадар қўлланилган.16,38 га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

[5] *Сухарева О. А.* Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX вв. – Т. – 1962. – С. 70.

[6] ЎЗ МДА. И-1жамғарма, 17- рўйхат, 14а- йиғма жилд, 25- варақ орқаси.

пуд ипак ип бериши мумкин бўлган[1]. Бироқ мустамлакачилар ўлкани босиб олгач, бу соҳага етарлича эътибор берилмаганлигидан у пастки ўринларга тушиб қолади. Фақатгина XIX аср охирларига келиб, бу тармоқда бироз ўзгаришлар кўзга ташланади. Жумладан, 1910 йилда 350 минг пуд ипак хомашёси етиштирилди. Бироқ, 1914 йили бу кўрсаткич яна пасайиб, 190 минг пудга тушиб қолди[2]. Бу пасайиш Россия империясининг биринчи жаҳон урушига тортилиши билан боғлиқ эди.

Туркистон колониал маъмурияти ипакчиликка алоҳида эътибор қаратиб, бу ерда ипак саноатини тузиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқди. 1870 йилларнинг бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги Москва ипакчилик комитетига хат билан мурожаат қилиб, Туркистонда ипакчиликни ривожлантириш ва саноатни барпо этиш йўлларини кўрсатган эди. Комитет ҳам бунга жавобан ипакчиликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш учун бир неча мажлислар ўтказди. Шунингдек, бу соҳани ривожлантириш масалаларини ўрганиш мақсадида 1873 йилда Тошкентда пиллачилик мактаби ташкил этилган[3]. Афсуски, Тошкент пиллачилик мактабида тўпланган пилла қурти боқиш тажрибалари оммалаштирилгану, аммо ипакчи мутахассис-кадрларни етиштириш ишлари амалга оширилмади. Чунки бундай тадбирлар саноатнинг бир томонлама ривожланиши учун шароит яратиш билан баробар эди.

XX асрнинг бошларида тўқувчилик соҳасидаги ўзгаришлар ипакчиликни ҳам четлаб ўтмади. Жумладан, ипак матоларни ишлаб чиқариш ҳажми камайган бўлса-да, бироқ ушбу соҳа йўқ бўлиб кетмади[4]. Россия ипак тўқув фабрикалари талабидаги 94 минг пуд ипак хомашёсининг 77 минг пуди хориждан келтирилар эди[5].

Жанубий ҳудудларда эса ипак мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса-да, йигириш соҳаси деярли яхши ривожланмаган. Биргина Қарши шаҳрида XX аср бошларида 19 та ипак дўкони мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди[6]. Шу боис бу

[1] ЎзР МДА. Р-132-жамғарма, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 17-варақ.
[2] ЎзР МДА. Р-132-жамғарма, 1-рўйхат, 73-йиғма жилд, 19-варақ.
[3] Ўзбекистон МДА, И-1 жамғарма, 15-рўйхат, 97-йиғма жилд, 19-варақ.
[4] *Турсунов Н. О.* Развитие городских и сельских поселений Северного Таджикистана в XУIII - начале XX вв. – Душанбе: – Дониш, 1991. – С. 126
[5] *Пажитнов К. А.* Очерки истории текстельной промышленности дореволюционной России. – М., – 1958. – С. 28.
[6] *Пажитнов К. А.* Очерки истории текстельной промышленности дореволюционной России. – М., – 1958. – С. 28.

ҳудудлар мустамлакачилар эътиборидан четда қолади. Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, бу соҳалар ўзига хос хўжалик фаолияти тарзида ривожланиб борган. Шунингдек, ўлкада 1896 йилда Марғилон, Наманган, Қўқон уездларида ҳам 600 га яқин ипак тўқув дўконлари мавжуд бўлиб, уларда 3165 та уста фаолият кўрсатган бўлса, Тошкент уездида атиги 20 та дўкон бўлган. 1910 йили Фарғона вилоятида 1387 та ипак дўкони бўлиб, унда 3065 ишчи хизмат қилган ва Самарқанд вилоятида 237 та, Бухорода 46 та, Хивада 40 та ипак тўқув дўконлари ишлаб турган[1].

Шаҳрисабзда тўқимачилик бошқа шаҳарлардаги сингари кенг ривожланмаган бўлса, Китоб беклигининг маркази – Китоб шаҳрида бу соҳа тараққий топган. ХХ аср бошида бу ерда йирик тадбиркор уста Турсунжоннинг қўл остида 1000 га яқин тўқимачилик дастгоҳи бўлиб, 28 та қозон қайнаб турган. Бу ерда пахта, ипак, ярим ипак матолар тўқилиб, Шаҳрисабз бозорларида сотилган ҳамда Россияга олиб кетилган[2]. Мустамлака даврида Ғузор беклигида ипакни қайта ишлаш корхонаси барпо этилган[3]. Бойсунда ҳам пиллачилик ривожланганлиги боис, тўқувчилик ва каштачилик ўзига хос тарзда тараққий этган[4].

Бу даврда ипакчиликнинг ривожлантирилганлиги маълум маънода ҳунармандчиликнинг унинг соясида қолишига олиб келади. Чунки бир соҳани ривожлантиришда бошқа соҳанинг инқирозига сабаб бўлган ҳоллар учраб туради. Негаки, ҳунармандчиликнинг бир текис ривожланиши учун бу нарсалар унга тўсқинлик қилар эди. Шунга қарамай, ҳунармандчилик хўжалик фаолияти тарзида бўлса-да, тараққий этиб борган. Жумладан, 1870 йили Тошкентда 2000 та тикувчилик ва кўнчилик устахоналари[5], 1888 йили Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида эса 2317 та тўқимачилик дўконлари мавжудлигини кўриш мумкин[6]. Албатта, ипгазлама тўқиш устахонаси – дўкон ва унинг меҳнат асбоблари ҳунарманд-

---

[1] *Ўша ерда. – Б.* 198

[2] Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – ХХ асрнинг бошларида . Тошкент, 2013. 191-бет.

[3] Сухарева О. Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихига доир. – Тошкент, 1958. 126-бет.; Пажитнов К.А. Очерки истории текстельной промышленности дореволюционной России. – М., 1958. С. 198.

[4] Турсунов С.,Рашидов Қ. Бойсун....230 бет.

[5] *Содиқова Н., Буряков Ю.* Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Т. – 1965. – Б. 33.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. – Т.: – “Шарқ”, – 2000. – Б. 105.

[6] Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888г. Самарканд, СОСК. – 1890 – . УII., – С. 148 – 207.; Список населенных мест Самаркандской области (составил М. В. Вирский), Самарканд, – 1906. – С. 66

ларнинг шахсий мулки бўлганлиги учун 1888 йил Самарқанд вилояти бўйича 4057 та ипгазлама тўқиш дўконлари борлиги қайд этилган[1].

1913 йил маълумотларига қараганда, ипакчилик соҳасида асосан аёллар ва ўсмирлар ишлаб, оғир меҳнат эвазига кунига аёлларга 48, ўсмирларга эса 32 копейкадан маош тўланган. Бироқ мустамлакачилик шароитида маҳаллий деҳқонлар пиллачилик соҳасини кенг ривожлантириш имкониятига эга бўлмадилар. Чунки, Россия империясида пиллачилик соҳаси мутахассислиги бўлмаган кишилар қўлида эди. Шу сабабдан ҳам Россия империяси пиллачилик билан шуғулланадиган давлатлар орасида энг охирги ўринларда бўлган. Жумладан, ўлкада 1914 йилда 9,8 тонна ёки ҳар қути пилла уруғидан 24 кг пилла етиштирилган. 1917 йили эса 3,6 тонна пилла етиштирилган бўлиб, пилла ҳосили кескин даражада камайиб кетган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Фарғона вилояти Россия империясининг ипакчилик бўйича ўлкада биринчи ўринни эгаллаган йирик марказларидан эди. Дастлаб қурт уруғи тайёрлайдиган станция 1886 йилда Янги Марғилонда очилди. Ана шундай станцияларнинг йўлга қўйилиши сифатли қурт уруғини тайёрлаш ва зарарланган қурт уруғларини йўқ қилиш орқали ипак қурти касаллигига қарши кураш олиб бориш имконини яратди. Аммо ипак қуртини уй шароитида боқиш ипакчиликнинг асоси бўлиб қолаверди. Жумладан, ўлкада пилла етиштириш 1900 йилдан 1912 йилгача икки бараварга яқин ўсган, яъни, 1912 йилда 1900 йилдаги 101600 пудга нисбатан 197000 пуд пилла олинган[2].

Метрополиянинг ипакка бўлган талабининг ортиб бориши Хўжанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ипак йигириш корхоналарининг қурилишига ҳам сабаб бўлди. Натижада тайёрланадиган ипак миқдори ортиб борган. Масалан, 1899 йилда 22. 906 пуд, 1907 йилда эса 100. 149 пуд ипак хомашёси тайёрланган, яъни, ўсиш 4 баробардан зиёд бўлган.

Фарғона вилоятида бўлгани каби Самарқанд вилоятининг ҳам кўплаб аёл ва эркаклари ҳунарманд шойи мато тўқувчилар учун ипак қурти боқишарди. Бу ерда, асосан, Бағдод ва француз ипак қурти навлари боқилган. 1903 йилда Самарқанд уездида 2950 пуд, Хўжанд уездида 88163 пуд, Жиззах уездида 612 пуд, Каттақўрғон

[1] Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887 – 1888г. – Самарканд, СОСК. – 1890 – . УII., – С. 157.

[2] Обзор Ферганской области за 1899г. Н. Маргелан, – 1901г. – С. 176.

уездида 27 пуд пилла олинган. Вилоят бўйича жами 91752 пуд пилла ҳосили етиштирилган. Бу кўрсаткич 1901 йилга нисбатан 39791 пудга, 1902 йилга нисбатан эса 84776 пудга кўп эди[1]. Сифат жиҳатдан энг юқори навли пилла Хўжанд уездида етиштирилган. Бу уездда бир пуд пилланинг нархи 180 рублдан 200 рублга етган. Самарқанд уездида эса 102 – 138 рублни, Жиззахда 90 – 95 рублни ташкил этган. 1903 йил давомида Ўрта Осиё темирйўли орқали Россияга 15907 пуд ипак ва пилла ташиб кетилган[2].

Бироқ, бундай корхоналар жанубий ҳудудларда қурилмади. Ўрганилаётган ҳудудларда[3] ипак мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса-да, йигириш соҳаси яхши ривожланмаган.

Туркистон ипагига нафақат Россия ички бозорларида, балки жаҳон бозорида ҳам талаб катта эди. Ипакнинг асосий етиштирувчилари бўлган Хитой, Япония, Ҳиндистон давлатлари билан бир қаторда, Туркистон ҳам халқаро ипак экспортида иштирок этган. Жумладан, 1900 – 1912 йилларда хусусий тадбиркорлар ҳар йили ўртача 300 минг пуд ипак экспорт қилганлар. Бу эса Туркия экспортига тенг ёки Ҳиндистон экспортининг ярми деган гап. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тадқиқ этилаётган даврда баъзи асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ички бозорларда унча кўп сотилмас эди. Чунки буларнинг ҳаммасини рус савдо фирмалари ва заводлари ўз жойида сотиб оларди.

Умуман олганда, Туркистонда пилла етиштиришнинг кўпайиши уни қайта ишлайдиган ипакчилик саноатининг вужудга келишига олиб келди ва маҳсулотининг сифатига кўра бу соҳа Туркистон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиб борди. Бу ҳам маҳаллий мутахассисларнинг ишбилармонлиги ва аҳолининг оғир меҳнати эвазига қўлга киритилди. Маълумки, рус мустамлака маъмуриятининг стратегик режалари Туркистонни аграр хомашё базасига айлантиришга қаратилган эди. Айни пайтда ипакчиликни ривожлантириш орқали ипак мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган эди. Лекин, ипакчилик етарли даражада ривожланмаганлиги учун бу соҳани бирга олиб бориш осон кечмади. Ипакчиликнинг ривожлантирилиши маълум даврда ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлди.

---

[1] *Эргашев Ф.* Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик... – Б. 16.

[2] Обзор Самаркандской области за 1903г. С., – 1904, – С. 27.

[3] Мустамлака даврида ўрганилган жанубий ҳудудлар маъмурий жиҳатдан асосан Бухоро амирлиги ҳудудига кирган.

XIX аср охири – XX аср бошларида ипакчилик ривожланган ҳудудларда кўпроқ каштадўзлик оммалашиб борган. Каштадўзлик узоқ йиллар давомида ўзининг ижодий кучи ва қобилиятини намойиш қилиш имкониятига эга бўлган касбдир. Қашқадарё воҳаси чеварлари маҳаллий нақш элементларини ёд билган ҳолда ҳар хил матоларга *босма, илма, чиндақиёл ёки чиндахаёл (кандақиёл), ироқи ва йўрма чок билан сўзана, жойнамоз, жойпўш, ўринпеч, бўғжома, тахмонпеч, сандалпўш, меҳроб, ёлпўш, ёпғич, чолма, жияк, дўппи* ва бошқаларга кашта тикканлар. Ургут ва Нурота қишлоқларининг чеварлари эса жойнамоз ва қийиқчаларга босма чок билан кашта солишга уста бўлишган. Бухоро ва Самарқанд атрофининг қишлоқ аёллари пахтали тўнларни маҳорат билан қавишган[1].

Ҳунармандчилик расталари Қарши бозорида темирчилар, чилангарлар, кулоллар, тикувчилар, телпакфурушлар, саррофларнинг қатор раста, дўконлари мавжуд бўлган. Айниқса, пичоқчи усталарнинг маҳсулоти қўлма-қўл бўлиб, улар ясаган пичоқлар орасида дастаси тилла ва кумушдан ишланганлари ҳам бўлган. Ҳатто, маҳаллий усталар ясаган қиличлар Ҳисори шамширларидан кейин турганлиги борасида маълумотлар учрайди. М. Е. Массоннинг таъкидлашича, XIX аср сўнггида Қаршида шоп, қилич ясайдиган усталар қолмаган эди[2].

Таъкидлаш керакки, Россия босқинига қадар Туркистонда озиқ-овқат экинлари асосий ўринни эгаллар эди. Пахтанинг маҳаллий нави сифат жиҳатидан рус тўқимачилик саноатини қониқтирмасди, чунки у Америка пахта толасига мослашган эди. Шу боис, маҳаллий пахта нави ўрнига ҳукумат қарорига кўра, америка навлари жорий қилина бошлади. Шу мақсадда Тошкент яқинида пахта плантацияси ва тажриба майдони ташкил этилди. Туркистонда Америка пахтасини етиштириш 1884 йилдан ривожлана бошлади. Мазкур йилда АҚШ пахтаси 300 десятина, 1889 йилда 44. 550 десятина ерга экилди[3].

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россиядан фабрика молларининг кириб келиши ҳунармандчилик буюмларининг бадиий сифатига путур етказади[4]. Натижада Туркистон рус тўқимачилик саноати учун хомашё етказиб берувчи асосий ўлкага айланади. Хусусан, 1886 йилда рус саноати учун 10. 445 минг пуд пахта толаси етиштириб берилган, 1910 йилда эса бу кўрсаткич

[1] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Т., 1986. – С 56.
[2] *Равшанов П.* Қарши тарихи. – Т., – “Янги аср авлоди”, – 2006. – Б. 604.
[3] ЎР МДА, И 7-жамғарма, 1-рўйхат, 531- йиғма жилд, – В. 4 .
[4] *Ҳакимов А.* Тошкент халқ ҳунармандчилиги / Мозийдан садо. – 2007. – №2. – Б. 9.

25870000 пудга етган, яъни 2,5 баробар ортган. 1900 йилда рус ипгазлама саноати 350 млн. рубллик, 1903 йилда 610 млн. рубллик, 1913 йилда эса 900 млн. рубллик маҳсулотлар ишлаб чиқарган[1]. Шу тариқа америка пахта нави маҳаллий пахта навини сиқиб чиқарди. 1910 йилга келиб, пахта экиладиган майдонларнинг ¾ қисмига айнан шу пахта чигити экилди. Пахтачиликнинг асосий маркази Фарғона вилояти эди. 1909 йилда ушбу ҳудудда пахта майдони 201501, 1910 йилда эса 299392 десятинани ташкил этди. Ундан кейин энг кўп пахта экиладиган вилоят – Сирдарёда пахта майдонлари 1909 йилда 26435, 1910 йилда эса 29335 десятина бўлган. Келтирилган рақамлар Туркистонда етиштирилган пахтанинг 80 фоизига яқинини Фарғона вилояти берганлигини кўрсатади. Бу вилоятда 1892 йилда 1015687, 1894 йилда 1800000 пуд пахта тайёрланган бўлса, 1900 йилга келиб, 3896000 пудга етган[2].

Туркистон мулк қўмитасининг ўз эътиборини пахтачиликка қаратиши қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, жумладан, чорвачиликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Пахта етиштирадиган уезд ва волостлар, асосан, чорвачилик, маҳсулотларини истеъмол қилувчиларга айланди.

XIX асрнинг 60 – 70-йилларида рус тадбиркорлари орасида биринчилар қатори катта фойда олиш мақсадида Туркистон ўлкасига манфактура маҳсулотларини олиб кирганлар омадсизликка учраган. Уларнинг маҳсулотлари маҳаллий шароитга мослаштирилмаганлиги туфайли аҳоли уларга қизиқиш билдирмаган[3]. Бу даврда Туркистонга ипакчиликнинг аҳволи, ишлаб чиқариш усуллари, муаммолари ва ривожланишини ўрганиб чиқиш учун жўнатилган Н. О. Петровскийнинг Россия молия вазирига ёзган ҳисоботида таъкидлашича, молия вазирлиги уни Туркистондаги ўз жосуси қилиб тайинлагач, унинг зиммасига “бир қанча мажбуриятлар билан бирга, ўлканинг иқтисодий аҳволини ўрганиш ва айниқса, келажакда рус саноати ва савдоси учун муҳим аҳамият касб этувчи маҳаллий ипакчиликка алоҳида эътибор қаратиш вазифасини юклаган”[4].

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан кейин генерал К. П. Кауфман рус ва чет эл саноатчилари

[1] ЎР МДА, И 7-жамғарма, 1-рўйхат, 531- йиғма жилд, 4 ва кейинги варақлар.

[2] ЎзР МДА, И. 7-жамғарма, 1рўйхат, 531-йиғма жилд, 68 – варақлар.

[3] *Хорошхин А. П.* Сборник статей, касающихся до Туркастанского края. – СПБ., – 1876. – С. 207.

[4] О шелководстве и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министрерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве Н. Р. Петровского. – Т. – 1873. – С. 1.

учун қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. У ўлкага келган савдогарлар, саноатчилар, тадбиркорлар ва иш юритувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Кўрилган тадбирлар натижасида Европа типидаги дастлабки корхоналар Тошкентда иш бошлади[1]. 1867 йилда (муҳандис-технолог Н. В. Ульянов, Д. Касьянов, И. Яблонский, Н. П. Писаревский, О. И. Плавицийлардан иборат ширкат томонидан) Европа типидаги кунига 720 пуд ун чиқарадиган биринчи сув тегирмони қурилди. 1868 йилда штабс капитани Какурн шундай тегирмоннинг иккинчисини ишга туширди. Бу тегирмонларнинг ишлаб чиқариш қуввати маҳаллий тегирмонларга нисбатан 25 – 30 баробар юқори бўлиб, оқибатда кўплаб маҳаллий тадбиркорлар ишсиз қолдилар[2]. 1868 йилда М. Хлудов Тошкентда Салор ариғи бўйида Европа типидаги кўн заводини қурди[3]. 1874 йили Кувайцев деган киши ҳам шаҳар четида шундай завод қуриб, дурустроқ даромад ололмагач завод устаси Тезиковга сотди. Уддабурон Тезиков заводни кенгайтириб, уни ўша даврнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлади. Натижада ишлаб чиқариш бирмунча ривожланди ва қисқа муддат ичида Россиянинг марказий районлари ҳамда Европа бозорларига хомашё етказиб бера бошлади. У ўлкадан ташиб кетган ошланган терилар ҳисобига қисқа муддат ичида миллионер бойга айланди[4].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бойсун беклигида алоҳида нуфузга эга бўлган 2 та карвонсарой ва 45 та тегирмон мунтазам фаолият кўрсатиб, беклар назоратида амир хазинасига солиқ тўлаб турган[5]. Тегирмон ва мойжувозлар қарийб ҳар бир қишлоқда бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатган ва бир кунда 1500 пудгача ун тайёрланган[6].

Туркистонга келган ишбилармонлар фақатгина бир соҳа билан чекланиб қолмасдан, бойлик орттириш мақсадида саноат ишлаб чиқаришининг бир неча тармоқларига ҳам қўл уришган. Масалан, ўлкага биринчилардан бўлиб келган рус саноатчиси И. И. Первушин 1871 йилда Тошкентда ароқ-вино заводидан ташқари, пиллачилик фабрикасини ҳам қуради. Бу ерда бойлик орттириш

[1] *Малицкий Н. Г.* Ташкент (исторический очерк). Известия Ташкентской городской думы. – 1915. – №2. – С. 82.

[2] *Озодаев Ф.* Тошкент тарихидан очерклар. –Т.: ЎзССР ФА нашр. – 1960. – Б. 164.

[3] *Петровский Н. Ф.* О шелководстве и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финанов агента в Туркестанском генералгубернаторстве. – СПб, – 1874. – С. 133.

[4] *Озодаев Ф.* Тошкент тарихидан очерклар. Т.: – ЎзССР ФА нашр. – 1960. – Б. 164

[5] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....214-бет.

[6] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....215-бет.

имкониятлари катталигини кўрган И. И. Первушин арок заводи ва пиллачилик фабрикаси билан чекланиб қолмасдан, Қоратоғ тоғларидаги қўрғошин конлари ва Тошкент яқинидаги тошкўмир конини (Оҳангарон туманида) ишга туширди[1]. Шу тариқа ўлка саноат корхоналари қуриш ва уларни ишга тушириб мўмай даромад олиш авж олди. Бу эса ўз-ўзидан маҳаллий халқнинг аҳволини тобора оғирлаштирган.

Умуман, европалик саноатчилар қурган йирик корхоналарда катталар қатори болалар меҳнатидан мунтазам равишда фойдаланилган. 1873 йили Тошкент шаҳрида ишга туширилган француз Гурденинг тўқимачилик фабрикасида шундай ҳолни кўриш мумкин. Гурде фабрикасида 144 ишчи ишлаган. Ҳар бирида 100 тадан дук бўлган чарх ёнида 8 ишчи қаторида 20 та, ип ўрайдиган 40 та ғалтакли машина ёнида катта ёшли 2 ишчи қаторида 20 бола ишлаган. Ишчиларга жуда кам ҳақ тўланган. Улар ойига ўртача 9 сўм, кунига эса 30 тийин атрофида иш ҳақи олган[2]. Шойи тўқишдан бошқа соҳаларда ҳам маҳаллий ҳунармандчилик билан саноат ишлаб чиқариш ўртасида рақобат кучайди. Бу кураш саноатчилар фойдасига ҳал бўла бошлади. Масалан, 1872 йилда Тошкентда рус саноатчилари томонидан қурилган ва бир кеча 100 пуддан 150 пудгача (бир йилда 30000 пуд) ёғ ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилгач, бир кеча-кундузда аранг 5 қадоғ ёғ ишлаб чиқарадиган жувозлар инқирозга юз тутиши табиий ҳол эди[3].

Ўлкада асосий эътибор пахта тозалаш саноатига қаратилиб, етиштирилган пахтанинг катта қисми заводларда, қисман эса эски усулдаги маҳаллий корхоналарда тозаланган. Пахта тозалаш заводларидан кейин кўнчилик, ипакчилик, ёғ, совун ва шам тайёрлаш, арок-вино, тамакичилик, тегирмончилик, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Ўлкада саноат ишлаб чиқариш жараёнининг ўсиши туфайли Фарғона вилоятида 3 та саноат корхонаси бўлган бўлса, 1890 йили уларнинг сони 15 тага, 1900 йили 50 тага етган. Уларнинг қарийб 73 % мавсумий корхоналар ташкил этган[4].

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 16-рўйхат, 204-йиғма жилд, 1-варақ.; *Терентьев М. А.* Статистические очерки Среднеазиатской России. ЗРГО, отдел Статистики, Т. 4. – СПб, – 1874. – С. 46.; ЎзР МДА. 1-жамғарма, 16-рўйхат, 214-йиғма жилд, 13-варақ.

[2] *Петровский Н. Ф.* О шелководстве и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финанов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. – СПб, – 1874. – С. 106.

[3] Ўз Р МДА. И 17-жамғарма, 1-рўйхат, 18379-йиғма жилд, 17-варақ.

[4] ЎзР МДА, И 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2956-йиғма жилд, 169 – 184-варақ.

Ўлкада рус ва чет эл капиталининг кўпайиб бориши саноат ишлаб чиқаришининг янги турлари пайдо бўлишига замин яратди. Бу соҳада Сирдарё вилояти анча илгарилаб кетган бўлиб, бу ерда пахта тозалаш, ёғ-ёрма тортиш, ичак тозалаш ва бошқа корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар чет элларга ҳам чиқарила бошланди. Фойда кетидан қувган рус саноатчилари ҳар бир соҳага аралаша бошладилар. Жумладан, С. И. Лахтиннинг пахта тозалаш, дон янчиш, картон заводлари билан бирга литографияси ҳам мавжуд бўлиб, улардан олинган даромад 1877 йили 193750 сўмни ташкил этган[1]. 1881 йили Лахтин ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкентдаги пахта заводига 6 та *жин* (пахта тозалаш дастгоҳи) ўрнатган[2].

Бу даврда Самарқанд вилоятида ҳам пахта тозалаш заводларига эътибор кучайтирилиб, 1886 йили Тинхачов томонидан Каттақўрғон уездининг пахта кўп экиладиган Митан қишлоғида дастлабки пахта заводи қурилади[3]. Каттақўрғон шаҳридан 30 чақирим масофада жойлашган бу заводга пахта, асосан, атрофдаги қишлоқлардан араваларда ташилган. Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши ҳам пахта тозалаш заводлари қуриш имкониятини кенгайтирди. 1899 йили Каттақўрғон шаҳрида вокзал яқинида буғ билан ишлайдиган 4 та жин ўрнатилган пахта тозалаш заводи қурилди. 1888 йилдан бошлаб, бошқа вилоятлардан арава ва туяларда Самарқандга келтирилган пахта Ўрта Осиё темир йўли орқали Россияга ташиб кетилди[4]. Оқибатда пахта ташиб кетиш кескин кучайди. Шунингдек, ўлкада пахтани қайта ишлашга асосланган саноат ишлаб чиқаришнинг тезлашиши айниқса, Фарғона вилоятида яққол кўзга ташланди. 1880 йилда вилоятда 3 та саноат корхонаси қурилган бўлса, 1890 йили уларнинг сони 15 тага, 1900 йили 50 тага етган. Бироқ ҳали уларнинг кўпчилиги (73%) бир мавсумда 200000 пудгача пахтани тозалаш қувватига эга бўлган кичик корхоналардан иборат эди. Россия империяси ўлкани асосан хомашё базаси сифатида ушлаб туришни афзал кўрганлиги учун ҳам бу ерда йирик корхоналар қуришни истамас эдилар. Пахта етиштириш ва уни Россияга ташиб кетиш тобора авж олди. Айниқса, те-

[1] ЎзР МДА, И 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2956-йиғма жилд, 169 – 184-варақлар.
[2] ЎзР МДА, И 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2956-йиғма жилд, 169 – 184-варақлар.
[3] ЎзР МДА. И 36-жамғарма, 1-рўйхат, 2956-йиғма жилд, 169 – 184-варақлар.
[4] ЎзР МДА. И 22-жамғарма, 1-рўйхат, 2074-йиғма жилд, 21-варақ.

мир йўллар қурилгандан кейин бу жараён янада кучайди. Қолаверса, пахтани етиштиришда унга мос равишда ёғ ва пахта тозалаш заводларининг сони ҳам мунтазам ошиб борди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг 1899 йил 3 апрелдаги маълумотларида қайд этилишича, 1898 йили Фарғона вилоятида 85 та, Самарқандда 22 та, Сирдарёда 60 та, ўлкада жами бўлиб 167 та пахта тозалаш заводлари ишга туширилган[1]. Шу йили пахта заводларидан Фарғона вилояти 5476484 пуд, Самарқанд вилояти 1294591 пуд, Сирдарё вилояти 714419 пуд, ўлка бўйича жами 7485494 пуд тола олинган ва Россияга ташиб кетилган[2]. Заводларнинг 52 таси маҳаллий миллатлар вакилларига, 30 таси русларга, 6 таси европаликларга, 4 таси яҳудийларга ва 1 таси афғон фуқаросига тегишли бўлган. Пахта заводлари иложи борича темир йўллар яқинида қурилган. Бундан кўриниб турибдики, Туркистон иқтисодиётида пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноати бошқа тармоқларга нисбатан сарфланган капиталнинг миқдори, ишлаб чиқариш жараёнининг марказлашуви даражаси ва ишнинг ташкил этилиши жиҳатидан анча илгарилаб кетган. Саноатнинг бу тармоқлари метрополиянинг ривожланиб келаётган тўқимачилик, ёғмой ва сунъий матолар ишлаб чиқариш саноати билан яқин алоқада бўлган. Натижада ўлкага рус ва чет эл капиталининг келиши янада тезлашиб, янги заводлар қуришга эътибор кучайди. Жумладан, 1902 йили Наманганда К. М. Соловьев ҳамда “Зингель ва Рейнегаген”лар томонидан 2 та[3], 1908 йили Байрамалида 1 та пахта тозалаш ва ёғ заводлари қурилди. Бу заводлар Англия–Америка типидаги 4 та тахтакач ва 15 та тойлаш ускуналари билан жиҳозланган эди. Шу йили ўлкадан 3744309 пуд пахта толаси, 104107 пуд пахта ёғи, 1341281 пуд чигит, 84516 пуд ипак, 14584 пуд жун, 134170 дона қоракўл тери олиб кетилди[4].

Сурхондарё воҳасида дастлабки саноат корхонаси ҳисобланган пахта тозалаш заводи 1910 йилда акаука Матчинбоевлар томонидан қурилган[5].

Туркистонда саноат ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш учун қулай шароит яратилган бўлиб, хомашёни узоқ масофаларга та-

---

[1] ЎзР МДА. И 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1163-йиғма жилд, 48-варақ.

[2] ЎзР МДА. И 1-жамғарма,11-рўйхат, 1163-йиғма жилд, 51-варақ.; Туркестанский сборник, Т. 527, – Т., – 1909. – С. 76.

[3] ЎзР МДА. И 837-жамғарма, 32-рўйхат, 18-йиғма жилд, 2-варақ.

[4] ЎзР МДА. И 837-жамғарма, 32-рўйхат, 18-йиғма жилд, 2-варақ.

[5] Қобилов э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз: Жайхун, 1993.

шишга эҳтиёж йўқлиги, иккинчидан, маҳаллий ишчилардан иборат арзон иш кучининг корхоналарда ишлашга мажбурлиги, учинчидан, келтирилган товарлар учун ортиқча талаблар қўйилмайдиган катта-катта бозорлар мавжудлигида эди. Натижада рус фабрикантлари томонидан маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятлари ўрганила бошланди. Россия фабрикаларида юксак сифатли маҳсулотлар билан биргаликда Туркистон бозорларига мўлжаллаб паст сифатли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Туркистон бозорларида маҳаллий матоларнинг арзонлиги сифатли нарх борасида улар билан рақобатга кириша олмас эдилар, шу туфайли рус тадбиркорлари ўлкага сифати паст бўлса-да, арзон маҳсулотларни олиб кира бошлайди. Россия тадбиркорлари маҳаллий шароитларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ўз маҳсулотларини ҳар томонлама уларга мослаштиришга ҳаракат қилади. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ҳам рус матолари ва чинни маҳсулотларининг безаклари ва композициялари ўзлаштирилиб борилади. Шундай қилиб, рус ва маҳаллий маданиятининг бир-бирига ўзаро таъсири икки томонлама характер касб этади.

Тўқимачилик ҳунармандчилигининг кенг тармоғи ҳисобланган ип, шойи газламалари (яъни, ипак кановуз, шойи, хонатлас ва ярим шойи газламалар – беқасам, банорас, адрас), нафис абрли қимматбаҳо шойилар кўп миқдорда хорижга чиқарилган.

Ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай, ички ва ташқи бозордан тобора сиқиб чиқарилди. Айниқса, маҳаллий газламалар ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетди. Ваҳоланки, XIX асрнинг 40-йилларида газламалар Туркистоннинг ташқи савдога чиқарадиган маҳсулотларининг 45 фоизини қоплаган[1]. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Европа мамлакатларида тикувчилик махсус машиналари кенг қўланила бошланди, кейин у бошқа ҳудудларга, шу жумладан, Туркистонга ҳам тарқалди. Жумладан, Қарши шаҳрининг Юқори Зағза маҳалласида олача матоси тўқилиб, Охун олача номи билан машҳур бўлган. Мулла Охун бу ерда 25 тага яқин йирик тўқувчилик устахонаси бўлган. Унда 40дан ортиқ мато тўқиш дастгоҳида 60 та ҳунарманд

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари... – Б. 135.

фаолият олиб борган[1]. Бундан ташқари, унинг қишлоқларда ўз уйларидан туриб фаолият юритадиган ишчилар ҳам бўлган. Касби қишлоғида олача билан бирга бўз матоси ҳам тўқилган. Шаҳарнинг Маҳсумовот маҳалласида адрас матоси тўқилган. Бу ерда бўзга бўёқ, гул босиб чит ишлаб чиқарилган[2]. Қаршининг олача, салла, адрас, чит, бўз каби матолари нафақат маҳаллий аҳоли орасида, балки Бойсун, Ҳисор, Ғузор, Сариосиё савдогарлари орасида ҳам машҳур бўлган.

XIX асрнинг охирида *терига ишлов* бериш соҳасидаги инқирознинг ҳам ташқи, ҳам ички сабаблари бор эди. Ташқи сабаби маҳаллий бозорларга рус чарм маҳсулотларининг кўп миқдорда олиб кирилиши билан белгиланса, ички сабаби кўчманчи этносларнинг ўтроқлашиши ва темир йўллар қурилиши натижасида чармдан ясалган йўл анжомларига бўлган ички талабнинг пасайиши эди.

Ўлкада енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 1874 йилда Тошкент шаҳрида пахта тозалаш заводи қурилиши билан асос солинган эди[3]. Шунинг учун ўлкада XIX асрнинг охирларига келиб саноат корхоналари ташкил этилиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни шу ерда сотиш йўлга қўйиила бошланади. Масалан, 1885 – 1895 йилларда Тошкентда 28 та катта-кичик саноат корхонаси юзага келган[4] ва шундан 20 таси Чорсу бозорида жойлашган заргарлик устахоналари бўлиб, унда маҳсулотлар шу ернинг ўзида тайёрлаб сотилган[5]. Тошкент заргарлик маҳсулотлари Кавказ, Самарқанд, Чимкент, Авлиёота ва бошқа жойларда ҳам харидоргир эди[6].

1870 йилда Самарқандда ҳам 12 та чўян қуйиш, 1872 йили 77 та темирчилик, 1876 йилда эса 25 та эгар ясайдиган устахоналар бўлиб, биргина шаҳарнинг ўзида бу устахоналар 56 тани ташкил эт-

[1] Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2006. 22бет.

[2] Ўша ерда.

[3] *Абдужаббарова М.* Ўзбекистонда тикувчилик фабрикаларининг тарихий шаклланиши// Мозийдан садо. – 2008. – М. – Б. 34.

[4] *1799 йили Россияда биринчи (Александр манфактураси) фабрикага асос солинди. Тарихдан маълумки, фабрикаларнинг бошланғич асоси бу капиталистик манфактуралар бўлган. Манфактурали устахонадан фабрикага ўтишнинг бошланғич нуқтаси илк ишчи машиналарининг пайдо бўлиши ва машиналар тизимининг ривожланиш даврига тўғри келади. Қаранг: *Аминов М.* Шаҳри азим – Тошкент. – Т., – 1983. – Б. 24.

[5] *Фахретдинова Д. А.* Ювелирное искусство Узбекистана. – Т., – 1988. – С. 72.; *Файзиева З.* Кустарно-ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в. Афтореф и Дисс... канд. Ист. наук. – Т., – 1978. – С. 31.

[6] *Гейер И., Назаров И.* Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь 1. – Т., – 1903. – С. 10.

ган[1]. Умуман олганда, Самарқандда ҳунармандчиликнинг ривожланишида, асосан, енгил, қисман эса оғир саноатнинг аста-секин пайдо бўлиши сезирарли даражада таъсир кўрсатган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Самарқанд шаҳрининг ўзида 12 та чўян қуювчи, 34 та совун ва ёғ ишлаб чиқарувчи, 30 та тери ошловчи, 37 та кулолчилик корхоналари ишлаб турган. Бундан ташқари, 7 та шойи тўқиш, 188 та бўйра тўқиш, 17 та хом сурп, 3 та шойи рўмол, 4 та алача, 27 та адрас тўқиш фабрикалари мавжуд бўлган[2]. Шунингдек, 1876 йилда Андижон шаҳрида ҳам жами 2000 га яқин ҳунармандчилик устахоналари ҳисобга олинган[3]. Аммо XX аср бошида Россиядан фабрика маҳсулотларининг кириб келиши кенгайиб бориши билан шаҳардаги мато ишлаб чиқариш даражаси пасая бошлайди.

XIX аср охирида янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида анъанавий ҳунармандчилик соҳасида ўз-ўзидан капиталлашув жараёни тезлашишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё Россия империяси даврида иқтисодиёти қолоқ соф қишлоқ хўжалигича қолди. Саноат ишлаб чиқариш, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дастлабки қайта ишлов бериш босқичидагина ривожлантирилди.

XIX асрнинг 80-йилларида Туркистон темир йўлларининг қурилиши натижасида, рус маҳсулотлари учун маҳаллий бозорларга кенг йўл очилди. Бундай вазият маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг аҳволини оғирлаштирди, кўплаб ҳунармандчилик устахоналари касодга учрай бошлади. Рус маҳсулотлари билан рақобатга киришишга мажбур бўлган маҳаллий ҳунармандлар ўз маҳсулотининг нархини пасайтириш мақсадида уларнинг безакларини соддалаштиришга ҳаракат қилдилар. Бундай ҳолат эса бир неча асрлардан бери ривожланиб келаётган ҳунармандчилик соҳалари учун тараққиётда ортда қолишни келтириб чиқарди. Чунки устахоналарнинг маълум қисми йириклашиб бирлашса, маълум қисми завод-фабрика маҳсулотлари билан рақобат қила олмай, ёпилар эди. Ҳунармандчиликнинг айрим турлари, масалан, игна тайёрлаш тури тугаб кетади. Бироқ маҳаллий ҳунармандлар қисқа фурсатда замонга мослашиб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириб оладилар. Натижада янги ҳунар турлари, жумладан,

[1] *Қураҳмедов А.* Самарқандлик ҳунармандлар. // Фан ва турмуш. – 2005. – №5. – Б. 25.

[2] *Абдужаббарова М.* Ўзбекистонда тикувчилик фабрикаларининг тарихий шаклланиши// Мозийдан садо. – №1. – 2008. – Б. 39.

[3] ЎзР МДА, И-276-жамғарма, 1-рўйхат, 123-йиғма жилд, 25-26-бетлар.

чой қадоқлаш, соат созлаш, рассомлик, ром, мебель тайёрлаш, турли бўёқлар ишлаб чиқариш, дарпардалар тикиш, слесарлик, ойнасозлик каби ҳунарлар пайдо бўлиб, кенг тарқалиб ривожлана бошлайди.

Умуман олганда, Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши ушбу минтақани империянинг хомашё манбаига ва рус саноати маҳсулотларининг бозорига айлантиришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадда рус генерал-губернаторлари Ўрта Осиёга рус савдо-саноат ва молиявий сармояларнинг кириб келиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қарата бошладилар.

XIX асрнинг 80 – 90-йилларида ўлкада метрополия, тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги пахта навлари иқлимлаштирилди[1]. Чунки асрлар давомида етиштирилиб келаётган маҳаллий пахта сифати кўпроқ ҳунармандчилик саноати талабларига мослашган эди. Пахтанинг янги навлари Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида тобора кўпроқ етиштирилиб борилди. Улар, айниқса, Фарғона водийсида салмоқли ўрин эгаллади. Бу ерда етиштирилган пахта бутун Туркистон ўлкасида олинадиган пахтанинг 60 фоизидан ортиқроғини ташкил қилган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўлка Россиянинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Чунончи 1890 йили ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг 8 фоизини ташкил этган бўлса, 1916 йилга келиб бу кўрсаткич 72 фоизга кўтарилди. Пахтадан Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, газламалар ўлкага тобора кўпроқ миқдорда келтирила бошлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ўлкани Россия босиб олгунга қадар, яъни ўзбек хонликлари даврида Сибирь, Волга ва Урал орқали Россияга, асосан, тайёр маҳсулотлар, хусусан, ип ва ипак газламалар чиқарилган. Бу ҳолат ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим ўрин эгаллаган, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг самарадорлигини таъминлаган. Аммо ўлкада Россия мустамлакасининг ўрнатилиши билан бундай муносабатларга чек қўйилди.

XX асрнинг бошларида ҳам Туркистонда тўқимачилик соҳасида кўпгина кичик корхоналар вужудга келганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, “Туркистон вилояти газети”нинг хабарига кўра, яҳудий тадбиркор Юсуф Довуд ўғли Россиядан

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари... – Б. 133.

тик (худди олачага ўхшаш, қаттиқроқ, силлиқ йўл-йўл ипгазлама мато – *С. Д.*) ва сурп тўқийдиган усталарни асбоблари билан олдириб, ўзининг ҳовлисида турли нақшли бундай матолар ишлаб чиқарган. Шуниси диққатга сазоварки, газета мухбири бу заводга ташриф буюриб, у ерда кўрганларини газета саҳифаларида ёзган. Газета мухбири ушбу корхонада тайёрланаётган матоларнинг Россияда ишлаб чиқарилаётган шу каби матолардан фарқи йўқлигини ва унда турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбеклар, руслар ва яҳудийлар ишлаганлигини таъкидлайди[1].

М. Брадовскийнинг 1872 йилда ташкил этилган Политехника виставкаси ҳақида “Ипак билан кашта тикиш Бухорода аввалдан бор, Тошкентда эса яқинда расм бўлди. Бундан йигирма ёки эллик йил муқаддам Эшон Исо хўжа Бухорога бориб бу санъатни ўрганади ва Қўқонга келиб кашта тикиш корхонасини очади. Унинг шогирдлари бўлса, бу ҳунарни Тошкентга олиб келадилар” деган маълумотни беради[2].

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб йўрма чок билан қўлда кашта тикиш Бухородагина эмас, балки Қўқон ва Тошкент каби шаҳарларда ҳам кенг тарқалган эди[3]. Бухоро усталари, асосан, чарм буюмларга, аёллар эса катта нафис матоларга кашта тикканлар.

Ўзбекистонда йўрма чокининг кенг ривожланишига йўрма машинасининг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Бу машина XIX асрнинг 70-йилларида Ғарбий Европада кашф этилган. Йўрма машина Ўрта Осиёга Қозон шаҳри орқали кириб келган[4]. Тошкент, Қўқон ва Фарғона водийсининг кўпгина шаҳарларида йўрма чок кам тарқалган бўлиб, аёллар, асосан, босма чокли кашталар тикишган. Йўрма кашталар тикиш билан фақатгина эркаклар шуғулланишган. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Жиззах, Ургут, Нуротада босма услубида кашта тикиш ривожланганлиги боис йўрмадўзлик яхши ривож топмаган эди.

XX аср бошларига келиб Ўрта Осиёга йўрма машиналари турли товар фирмалари томонидан кенг тарқатила бошланди[5] ва бундан жанубий ҳудудлар ҳам мустасно эмас эди. Аср бошларида ўлкада

[1] *Шодмонова С.* Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида. – Т., – 2011. – Б. 97.

[2] *Бродовский М. И.* 1832 йилдаги Политехник виставка. – М., – 1872. – С ?.

[3] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик... – Б. 10.

[4] *Гейер И. Н.* “Весь русский Туркестан”. “Ҳунармандчилик саноати” қисми. – Т., – 1908.

[5] Франция ва Американинг йўрма машиналари “Юргене”, “Зингер” ва “Блок” каби чет эл фирмалари томонидан кенг реклама қилинарди. “Вестник виставкаси 1909 йил”. – Т., – 1909. – № 1 – 18.

гилам ва шолчалар ишлаб чиқариш салмоқли ўринни эгаллаган эди.

1900 йилда Парижда очилган жаҳон кўргазмасида ҳам Самарқанд, Андижон, Фарғона, Хива, Тошкент ҳунармандлари тўқиган гиламлар намойиш этилиб, юқори баҳоланади[1]. Ушбу кўргазмада ҳунармандлардан И. Иброҳимжонов, Р. Назаров, А. Хўжаев, Ю. Иброҳимов, А. Қориев, И. Муҳамедов, И. Шоабдурасулов, Р. Ҳақназаровлар тўқиган гиламлар олтин, кумуш ва бронза нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1893 йили Чикаго, 1904 йилда Американинг Сан Луи, 1907 йили Бордо ва Милан шаҳарларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда ҳам, 1913 йили Петербург кўргазмасида ҳам юртимизнинг юксак дид билан тўқилган нафис, сернақш гиламлари юксак баҳоланади[2]. Чунки аср бошларида ҳам ўлкада гилам ва шолчалар ишлаб чиқариш салмоқли ўринни эгаллаган эди.

Маълумки, пойабзал тайёрлаш *кўнчиликнинг* ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, Туркистонда XX асрнинг дастлабки ўн йилларида фақат Тошкентнинг ўзида 15 та кўнчилик заводи мавжуд эди. Сирдарё вилоятининг бошқа шаҳарларида яна 7 та, Самарқанд вилоятида эса 3 та кўнчилик заводи иш юритар эди. Тошкент темир йўлига оид маълумотларга кўра, 1910 йилда Туркистондан Россиянинг Европа қисмига 205 тонна пуд кўнчилик маҳсулотлари олиб чиқиб кетилган бўлиб, шундан 20 тонна пуди ишлов берилган чармдан иборат эди[3]. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эса кўн маҳсулотлари ишлаб чиқариш хом-ашё тайёрлаш ва сотиш тарзида тараққий қилган.

XX асрнинг бошларида Туркистонда нафақат янгича материаллардан оёқ кийимлар кийила бошланди, балки уларни ўлкада тайёрлашда биринчи қадамлар қўйилган эди. 1911 йилда Тошкентда Г. Гринбаум томонидан Туркистондаги дастлабки оёқ кийимни механик равишда ишлаб чиқарувчи корхона очилган эди. Унда тайёрланган пойабзаллар шу ернинг ўзида сотилган ҳамда харидорлардан буюртмалар ҳам олинган. “Слонь” фирмасига қарашли бўлган ушбу корхонада болалар, аёллар ва эркаклар оёқ кийимлари тайёрланган[4].

[1] *Бойтуллаев Р.* Сержило ўзбек гиламлари // Соғлом авлод учун. – 2001. – № 6 – 7. – Б. 15.
[2] Ўша ерда.
[3] *Большаков О*. Кожевенное производство в Туркестанском крае / ТВ. – 1912. – №263
[4] Туркестанские ведомости. – 1911. – № 143.

1907 йили “Луи зальм ва ўғиллари” номли акциядорлик жамияти асосида ташкил этилган Тошкентдаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эркаклар, аёллар ва болалар пальтоси, костюм, шимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Инқилобдан сўнг бу фабрика миллийлаштирилиб, Туркистон фронтининг ҳарбий хўжалигига берилган. 1926 йилда фабриканинг янги биноси қурилиб, унга “Қизил тонг” номи берилган[1].

Умуман олганда, бу даврга назар ташлаб, таҳлил этадиган бўлсак, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳунармандчилик алоҳида ўрин тутиб, ўзига хос миқдор ва сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, ўлканинг Россия мустамлакасига айлантирилиши, бу ерларда капиталистик мактабларнинг вужудга келиши, ўлкада саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, янгича ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли ҳаётига, айниқса, ҳунармандлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчиликнинг айрим тармоқлари тушкунликка учради, баъзи тармоқлари юзага келган янги иқтисодий шароитга мослашиб борди. Ҳар ҳолда тадқиқ этилаётган даврда ўтроқ аҳоли орасида ҳам, ярим ўтроқ аҳоли орасида ҳам ҳунармандчилик ўзининг аввалги мавқеини деярли сақлаб қолди. Бунинг сабаби воҳаларда вужудга келган дастлабки номигагина саноат корхоналарининг ривожланиши даражаси пастлиги билан боғлиқ эди. Шу боис аҳолининг саноат молларига бўлган эҳтиёжини қондира олмасди.

Дарҳақиқат халқ ҳунармандчилиги уй шароитидан келиб чиқиб, кенг кўламдаги саноат ишлаб чиқариш даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, майда кустар ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий давлатларга ҳам чиқариларди. Таъкидлаш жоизки, яна бир қарашда ғарибгина кўринган қўлбола дастгоҳларда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмади.

Туркистон ҳунармандчилигининг ўша даврдаги фаол тадқиқотчиларидан бири граф Головин “Кустарные промыслы в Туркестане” номли мақоласида “Туркистонда ҳунармандчилик турлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг айримлари нафақат маҳаллий, балки умумдавлат аҳамиятига моликдир”[2], дея эътироф этган. Россия империяси маъмурияти учун ҳунармандлар касбларини қўллаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эди. Негаки улар тайёрлаган маҳсулотлар ўлкадаги умумий ишлаб чиқаришнинг салмоқли қисмини ташкил этар ва жаҳон бозорига сотиладиган қимматли мато

[1] ЎзР МДА. Р-89-жамғарма, 2-рўйхат, 775-йиғма жилд, 9-варақ.

[2] *Головин Г.* Кустарные промыслы в Туркестане. // Туркестанский сборник. – Т. 512. – С. 17.

берар эди. Шу боис руслар Туркистон ҳунармандлари ниҳоятда тажрибали эканлигини, улардаги матолар тўқиш, кулолчилик, гилам ишлаб чиқариш, заргарлик ва бошқа турларини замон талабига мослаштириш, уларни ишга жалб қилиш, фабрика маҳсулотлари билан рақобат қилишлари учун янги оқимга солиб юбориш учун уларга ёрдам зарурлигини айтишган[1].

XX аср бошларида ҳам Қашқадарё ҳудуди Бухоро амирлигининг таркибида бўлиб, Қарши, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Ғузор, Шаҳрисабз бекликларига бўлинган эди[2].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳунармандларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам бошқа қатламларники сингари оғир кечган. Гарчи ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаёт даражаси анча пастлигича қолаверган. Бунга асосий сабаблардан бири маҳаллий ҳукуматнинг ҳунармандчилик ривожига етарлича эътибор бермаганлиги бўлса, иккинчи томондан, Россия империяси мустамлакачилиги ўрнатилгач, ушбу ҳудудларга завод, фабрикаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўп микдорда йил сайин кириб келишидир. Учинчидан эса ҳунармандлар минг машаққатлар эвазига ишлаб чиқарган маҳсулотларни олибсотарлар, савдогарлар арзон нархларда кўтара харид қилишиб, ички ва ташқи бозорларда қиммат нархларда сотишга интилган. Жумладан, Шарқий Бухоро бекликларида болта 60 тийин, омбир 1 сўм 40 тийин, арра 30 тийин, теша 30 тийин, катта қалпоқли михнинг донаси 5 тийин, мис лаган 30 сўмдан 50 сўмгача (лаган тайёрлаш учун бозордан 8 сўмдан 12 сўмгача материал сотиб олинган ва 3-3,5 ҳафтада тайёрланган, мис офтоба учун икки кун вақт сарфланиб, 2 сўмлик материал ишлатилган) сотилган[3].

Шу тахлит ҳар томонлама сиқиб қўйилган ҳунармандлар тинимсиз меҳнат қилишга мажбур бўлган. Демак, кўриниб турибдики, шаҳар усталарининг ҳаётидан қишлоқ усталариники оғирроқ кечган. Қишлоқ ҳунармандлари ўз маҳсулотларини деҳқонлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига натура шаклида ҳам айирбош қилган. Бундай оддий савдо усули икки томон учун ҳам қийинчиликсиз ўз эҳтиёжини қондириш эди. Шаҳарлик усталар бир қатор қулайликларга эга бўлса ҳам, ўзгалар ҳисобига бойлик орттирадиган олибсотар вофурушлар, устакорлар босимидан жабр кўрган.

[1] Кооперативы кустарей / Туркестанские ведомости. – 1910. 11 апреля.
[2] Ишанов А.И. Бухарская народная советская республика.Ташкент: Узбекистан, 1969. –С. 63.
[3] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....215-бет.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эса халқ ҳунармандчилиги шу тариқа ўз тараққиётини давом эттирди. Россия империясининг мустамлака тузуми таъсирида миллий ҳунармандчиликнинг азалий ишлаб чиқариш усули ва ускуналарида, етиштирилаётган маҳсулотларда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда воҳага Россиядан ип, металл ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотларнинг келтирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, тури ва сифатининг ўзгаришига олиб келди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари учун Россия, Европа ва бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам бозорлар очилиб, ҳунармандлар аҳволи қисман бўлса-да, яхшиланди.

Мустамлакачилик даврида ўрганилган ҳудудларда аҳоли ўртасида янги ижтимоий табақани ташкил этган савдогарлар, заводчилар, йирик ер эгалари ташкил этилиб, табақалар асосини ҳунармандлар ташкил этарди. Касод бўлган ҳунармандлар эса ишлаб чиқариш тармоқларида, заводларда ишлашга мажбур эдилар. Бироқ 1917 йилги воқеалар арафасида халқ амалий санъатида салбий тамойиллар пайдо бўлдики, улар XIX асрнинг охиридан бошлабоқ ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Натижада амалий санъат эски қонунлар билан чекланиб, унинг ривожланиши бир текисда борган[1]. Бир қатор ҳунармандчилик корхоналари ишлаб чиқаришининг тушкунликка тушиб қолиши Россиядан кўплаб фабрика маҳсулотларининг олиб келишига сабаб бўлди. Ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари, яъни, абрли газламалар ишлаб чиқариш, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик ва бошқалар сақланиб қолди. Лекин Россиядан, асосан, фабрикада тўқилган мануфактуралар келтирилганлиги сабабли ҳунарманд тўқувчиларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашди. Дарҳақиқат, “Туркестанские ведомости” газетасида “Ҳунарманд истеъмол қиладиган овқатнинг миқдори аскар паёгидан 2,5 марта кам”[2] лиги қайд этилади.

1913 йилда Туркистон ҳудудида кустар ҳунармандчилик соҳаларида банд бўлган усталарнинг сони (ҳисобга олингани) 100 минг кишини ташкил қилган бўлса, фабрика ва заводлар ишчиларининг сони тахминан 18 минг кишини ташкил этган[3].

1915 йилда ташкил этилган Туркистон ҳунармандлар кўмитаси ҳам косибларнинг аҳволига таъсир кўрсатмай, балки баъзи ҳу-

[1] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., – 1972. – С. 44.

[2] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Т., – 1986. – С. 48.

[3] Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему поведению сенатором-гофмейстером графом К. К. Паленом. ч. 2, – СПБ., – 1909 – 1910 гг. – С. 172

нар турларини батафсил ва режали равишда ўрганишни бошлаган эди[1]. Худди шу йили Туркистон ипакчилиги ва ипак саноати чуқур инқироз ҳолатига тушиб қолади. Бунга сабаб шу йилдан бошлаб Россия ипакчилик маҳсулотларига катта эҳтиёж сеза бошлайди, оқибатда 1916 йилдан Россиянинг ипакчилик фабрикалари енгил пахта газламалари ишлаб чиқара бошлайди. 1917 йилга келиб фабрикалар фаолияти тўхтаб, бу ҳолат Туркистонда пилла заҳираларини тўплаш, уларни сақлаш, зараркунандалардан муҳофаза қилиш муаммосини юзага келтиради. Бу даврда нафақат Туркистонда, ҳатто марказда ҳам ипак йигириш дастгоҳлари етишмас эди. Иккинчи томондан, Туркистон пилласининг қайта ишланиши талабга жавоб бермас эди. Ушбу ҳолатлар Туркистондаги ипакчилик тармоғида мураккаб вазиятни юзага келтирди. Қолаверса, ипакчиликнинг ташқи бозорга тобелиги XX аср бошида Ўрта Осиё ипакчилик саноатини таназзулга олиб келди. Ўрта Осиёда уруғчилик ишлаб чиқариш, пиллага дастлабки ишлов бериш имкониятлари мавжуд эмасди. Шу боис Ўрта Осиё ипакчилиги Европа ипак уруғчилиги ва пилла етиштириш саноатига бутунлай қарам бўлиб қолганди.

Туркистондаги қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш усули аста-секинлик билан ўз мавқеини Россия фабрика маҳсулотларига бўшатиб бера бошлади. Аммо шу билан бир қаторда, Россиядан турли хил меҳнат қуролларининг ҳам кириб келиши тикувчилар, заргарлар, ёғочсозларнинг қўл меҳнатини анча енгиллаштирди. Фақатгина XX аср бошларига келиб Туркистонда маҳаллий фаоллар томонидан инқирози кучайиб бораётган ҳунармандчилик соҳаларини сақлаб қолишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Юқоридаги ҳолатларга қарамасдан 1917 йилгача бўлган даврда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўлка саноатининг 80 – 90% ни ташкил қилган ҳолда ўз якка ҳокимлигини сақлаб қолади. Ҳар бир тарихий даврда ҳунармандчиликнинг қайси соҳаси маҳсулотларига талаб кучли бўлган бўлса, шу соҳа ва у билан боғлиқ йўналишларнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Воҳаларда ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларга ички бозорда ҳамма вақт талаб катта бўлган. Бироқ бу талабни қондиришга мавжуд сиёсат анча ҳалақит берган. Айниқса, кўриладиган тадбирлар ҳам бир қадар орқага кетишига олиб келарди.

[1] *Чепелов В.* Искусство Советского Узбекистана. – Л., – 1935. – С. 27 – 28.

Ҳунармандчилик Бухоро амирлиги шаҳарларининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жанубий ҳудудларда ҳунармандчиликнинг кўп турлари: тўқимачилик, темирни қайта ишлаш, кулолчилик, ёғочсозлик, тикувчилик, мисгарлик, заргарлик, теричилик, меъморчилик равнақ топган. Шаҳар ва йирик қишлоқлар аҳолисининг талай қисмини ҳунармандлар ташкил этар. Ҳаётни тебратувчи бу икки йўналиш ички ва ташқи савдо тақдирини ҳам белгилаган. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозор талабларини қондириб турган.

Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги анъанавий ҳунармандчиликнинг кўринишлари турлича бўлса-да, уларнинг ҳолати, ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда сустроқ бўлган. Чунки, бир томондан, мустамлакачиларнинг сиқуви бўлса, иккинчи томондан, қулоч ёзиб ривожланиши учун шарт-шароитлар етарли эмас эди. Улар таъминлаб турадиган хомашё маҳсулотларидан фойдаланиш чекланган эди. Шу боис ҳам бу даврда ҳунармандчилик ўз ҳолича тараққий қилди. Россия империяси эса бойлик орттириш мақсадида ҳунармандчиликнинг турларини ривожлантириш учун етарлича чора-тадбирларини кўрди.

## 2.2. XIX асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларида жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигининг умумий ҳолати

XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиёни эгаллаган Россия империясини ўлканинг моддий бойликлари, қулай иқлим шароити ва географик жойлашуви каби имкониятлари ўзига жалб этган. Бу даврда Россия ҳукмрон доиралари ва саноатчилари Европа бозорларида рақобатга дош бера олмаётган ўз маҳсулотларини Ўрта Осиё ва у орқали Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқариш, ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун арзон хомашё манбаига эга бўлиш, ўз муаммоларини бошқалар ҳисобига зўрлик ва босқинчилик билан ҳал этишни кўзлаган эди. Шу мақсадда Ўрта Осиёда ўлканинг катта имкониятлари, ер ости ва усти бойликларини метрополия манфаатларига мослаштириш жараёни бошланди. Бу жараён бир қанча босқичлар ва йўналишларда амалга оширилди. Аввало, эгалланган шаҳар ва қишлоқларда Россиянинг ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими ўрнатилди. Қолаверса, Туркистонни тинч маданий йўл билан бўйсундиришда хазинадан сарф бўлган миллионлаб маблағларнинг ортиғи билан қайтишини мустамлакачи-

лар яхши билардилар[1]. Шу сабабли, улар Туркистоннинг моддий бойликларини батамом эгаллашга ва ундан энг юқори даражада фойдаланишга ўз маблағларини аямадилар. Бироқ, Россия иқтисодий ва техникавий жиҳатдан Англия, АҚШ, Германия ва Францияга нисбатан анча орқада эди[2]. Россия иқтисодиётининг ўзига хос томони Туркистондаги саноат корхоналари, банклар, давлат аппарати мамлакатга кириб келаётган хорижий капиталдан ҳам кенг миқёсда фойдаланар эди.

Бу даврда жанубий вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ночор бўлиб, иқтисодий таназзулни бошидан кечираётган эди. Бухоро амирлигининг олиб борган сиёсати воҳалар аҳолисининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг иқтисодиётини янада қолоқлаштираётган эди.

XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда хонаки (кустарь) саноат ишлаб чиқариши, асосан, аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчилик саноати шаҳарларда ва катта-катта қишлоқларда мавжуд бўлиб, айрим ҳудудларда ҳунармандчилик ҳали деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқмаган эди. Шунинг учун, ҳунармандлар қўшимча даромад олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган.

Туркистоннинг бир қанча ҳудудларида бу даврда ҳунармандчилик турлича ривожланган бўлиб, ўзига хос услубга эга эди. Бунинг сабаби, бирор ҳунар турининг ҳудудда қандай ривожланганлиги ва муҳитнинг яратилганлиги билан ҳам боғлиқ эди. Жумладан, 1860 йилда Самарқанд шаҳрида 1610 та турли ҳунармандчилик устахоналари мавжуд бўлиб, улар тўқимачилик (827 та), шойи тўқиш (15 та), бўёқчилик (42 та), этикдўзлик (162 та), эгар-жабдуқ тайёрлаш (63 та), кулолчилик (37 та), тикувчилик (26 та), дурадгорлик (42 та), темирчилик (77 та), чўян қуйиш (12 та), ғишт пишириш (4 та), ёғ-шам ва совун (34 та) ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди[3]. XX аср бошларига келиб эса уларнинг сони 963 тага тушиб қолади. Бунга сабаб, устахоналарнинг маълум қисми йириклашиб, бирлашиб кетган бўлса, маълум қисми завод-фабрика маҳсулотлари билан рақобат қила олмай, ёпилади[4].

Таъкидлаш керакки, рус маъмуриятининг иқтисодий сиёсати,

[1] *Федоров М. П.* Хлопководство в Средней Азии. – Спб., – 1898. – С. 215.

[2] *Аҳмаджнов Ғ. А.* Россия империяси Марказий Осиёда. – Т., 2003. – Б. 25.

[3] Обзор Самаркандской области за 1901 год, Самарканд, – 1902. – С. 13.

[4] *Зияева Д. Ҳ.* XIX – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан // O'’zbekiston tarixi. – №3. – 2007, – Б. 25.

аввало, Туркистонни ўз саноати учун арзон хомашё бозорига айлантириш ҳамда уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туришга қаратилган эди. Натижада метрополиядан кўплаб саноат маҳсулотларининг келтирилиши маҳаллий ҳунармандчилик турли тармоқларининг қисқаришига олиб келди. Жумладан, ип йигириш ва тўқимачилик ҳунари турлари анча қисқарди. Металл хомашё ишлаб чиқариши ҳам камайиб кетди. Хонавайрон бўлган ҳунармандларнинг сони ортиб борди. Аммо хўжаликда ишлатиладиган хўжалик қуроллари билан уй-рўзғорда ишлатиладиган ашёлар ишлаб чиқариши камаймади. Биргина Самарқанд вилоятида ҳунармандчилик корхоналаридан 1875 та тегирмон, 951та ипгазлама ишлаб чиқарадиган кичик корхона, 910 та нонвойхона, 1215 та ёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона, 390 та дурадгорлик, 355 та темирчилик устахонаси, 147 та тамаки ишлаб чиқарадиган устахоналар ишлаб турган[1].

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг барча шаҳарлари Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий-маданий ҳудудларидан бири сифатида қўшни давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Бу даврда Бухоро амирлиги таркибида 27 та беклик бўлиб, улардан Бойсун, Денов, Шеробод бекликлари амирликнинг жанубишарқий ҳудудларида (Сурхондарё) жойлашган ва аҳолисининг аксарияти ўзбеклардан иборат бўлган[2]. Бекликлар мамлакатда содир бўлаётган сиёсий воқеалар туфайли фақат Бухоро амирини тан олишсада, ўзлари мустақил тарзда иш тутишарди. Чунки, бу бекликларда қишлоқ хўжалиги нисбатан ривожланган бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик етакчи ўринни эгаллаган[3]. Айниқса, ҳунармандчилик бекликларда оддий косибчилик анъаналарига асосланган эди.

Ҳунармандчилик қадимдан бу воҳалар аҳолиси хўжалик ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб келган. Қолаверса, Бухоро амирлиги бекликларида ҳунармандчиликнинг тараққиёти бошқа минтақалардагидан анча фарқ қилган. Бунга табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

---

[1] *Эргашев Ф.* Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №3., – Б. 13.

[2] ЎзР МДА. 126жамғарма, 1рўйхат, 1001 йиғма жилд, 27варақ.

[3] ЎзР МДА. И1жамғарма, 29рўйхат, 678 йиғма жилд, 8варақ.

Бу даврда ҳунармандчилик турлари Сурхондарёнинг кўпроқ тоғолди ва Шеробод дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида яхши ривожланган бўлиб, бу ерда, асосан, сотиш ва маҳсулотларни буюртма сифатида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Воҳанинг дашт ва дашт олди ҳудудларида уй-рўзғор ҳунармандчилигига хос ишлаб чиқариш шакллари кўпроқ тараққий этган[1]. Жумладан, Шеробод беклигида ривожланган тармоқлардан кулолчилик ҳунармандчиликнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, сопол буюмлар ишлаб чиқариш, анъанавий икки турга: косагарлик ва кўзагарликдан иборат бўлган[2].

Туркистон Россия империясининг асосий хомашё базаси бўлишига қарамай, бу ҳудудларда тўқимачилик корхоналари қуришга ҳаракат қилинмади. Чунки Россия мустамлакачилик сиёсати империализмнинг четга товар чиқаришдан кўра сармоя чиқариш афзаллиги ҳақидаги тамойилларига зид эди. Рус маъмуриятининг бундан кўзланган мақсади ҳар қандай йўл билан, ҳатто, иқтисодий зарар ҳисобига бўлса ҳам, ўз мустамлакаларида саноат ишлаб чиқаришига тўсқинлик қилиш ва шу йўсинда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини чеклаб қўйишга қаратилган эди. Туркистонда тўқимачилик фабрикасини очиш учун Туркистон генерал-губернаторлиги: *“... ўлкада ипгазлама саноатини ривожлантириш марказий Россия саноатига путур етказади, бундан ташқари,* темирйўлни юкдан маҳрум қилади. Шунинг учун, бунга розилик бериш номақбул ишдир”[3] деб Россиянинг бозор иқтисодиёти стратегияси ва тактикасининг ҳақиқий юзини кўрсатган эди.

XIX аср охирларида жанубий ҳудудларда маданий хўжалик турларидан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик яхши ривожланган бўлиб, аҳоли орасида ҳунармандчиликнинг кигиз тайёрлаш, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжи учун тери ва мўйна тайёрлаш турлари кенг йўлга қўйилган эди. Айниқса, кигиз (намат) тайёрлаш анча ривож топган бўлиб, унга талаб ҳамма вақт катта бўлган. Шунингдек, бу даврда ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун зарур хомашёлар мавжуд қазилма бойликлар ҳисобидан қондирилган. Ҳунармандчилик турлари ичида металлга

---

[1] *Кармышева Б. Х.* О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией. Товарно-денежные отношения на ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: – Наука, – 1979. – С. 117.

[2] Шеробод тарихидан лавҳалар // С.Турсунов,А.Турсунов,М.Тоғаева. –Т.: “Yangi nashr”, 2014. –Б.118.

[3] *Мамашокиров С., Мусаев Н. У.* Бозор иқтисодиёти ва инсонпарварлик. // – Гулистон, – 1994. – №2. – Б. 4.

ишлов бериш алоҳида ўрин тутган. Металл рудалар хонликларда кам бўлиб, қўрғошин, мис, темир ва чўянни хиваликлар Россиядан олганлар. Олтин ва кумуш Россия, Эрон, Қўқон ва Бухородан келтирилган[1]. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон қишлоқ аҳолиси орасида ҳам гиламдўзлик, наматдўзлик, арқондўзлик каби ҳунар турлари ривожланган эди[2].

Ўрта Осиёда гилам ишлаб чиқаришнинг учта асосий тури: гилам (қисқа тукли гилам), жулхурс (узун тукли гилам) ва шолчалар мавжуд. Бу даврда гилам ишлаб чиқариш, асосан, технологияси ва рангининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган[3]. Гиламчилик аёлларнинг уй ҳунармандчилиги сифатида деярли ҳар бир чорвачилик ва чорва-деҳқончилик хўжаликлари бўлган жойларда ривожланган. Моҳир гилам тўқувчи (гиламдўз, гиламбоф. гиламчи – *С. Д.*)лар ўз маҳсулотларини маҳаллий хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун, унча кўп бўлмаган қисмини эса шаҳар бозорларида сотиш учун ишлаб чиқарган. Айниқса, гиламчиликда анъанавий кўриниш, турли-туманлилик, шунингдек, ўзига хос локал хусусиятлар сақланиб қолганлиги билан ажралиб туради.

Палослар ҳам ўрганилаётган даврда кўплаб ишлаб чиқарилган. Палослар гиламлардан техник ишлаб чиқарилиши билан фарқ қилган. Худди шундай палослар Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари яқинидаги қишлоқларда ҳам тайёрланган. Бу ерда палосларнинг энсиз (йўлак гиламчаси) ва кенг ҳажмли 2 хили ишлаб чиқарилган. Бухоро палослари ҳам энг яхши ҳисобланиб, улар катта ҳажмли, оқ, қизил ва сариқ рангли катта гулли бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси кигиз наматлардан ҳам кўп фойдаланишган. Кигиз, наматлардан чорвадор ва кўчманчи аҳоли (уруғлар) ўтовларни ёпишда, хўжалик учун эса қоп, хуржун сифатида ҳам фойдаланишган ва гилам ўрнида ҳам ишлатишган. Бу машғулот билан, асосан аёллар шуғулланишган. Кигиз тайёрлаш учун аёллар аввал жунни ювиб, силкитиб, сувини қуритиб бир текисда бир қаватда тўшаб, тайёр кигизда ёки чий[4]дан ясалган бўйрада ўраб, арқон билан боғлашган. Тайёр ўрамани оёқ билан тепиб, айлантирилиб, вақти-вақти билан сув сепиб турилган. Бир неча вақтдан кейин ўрама очилиб, кигизга сув сепилиб, ёғоч ўқлов билан пишитишган ва яна тай-

---

[1] Туркестанский сборник. – Т. 50. – С. 290.

[2] *Ўроқов М., Ғаниев К.* Анъанавий ҳунармандчилик – миллий мерос феномени сифатида// Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Т. – 2005. – Б. 129.

[3] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Т: Фан, 1986. – С. 56.

[4] Чий – қамишсимон ўсимлик ва унинг пояси.

ёр бўлгунча думалатишган. Кигизлар оқ, кулранг ва гулли қилиб ишлаб чиқарилган, айниқса, қалин ва пишиқ оқ кигизлар жуда қадрланган. Бу усул ҳозиргача Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида қўлланилиб келинмоқда. Воҳаларда кигиз тайёрлаш усулига кўра икки хил оддий гулсиз ва гулли кигизларга бўлинган. Гулсиз кигизлар такиянамат ёки таки намат деб аталган[1]. Сурхондарёда кигизнинг "туғдонагул", "тақиргул", "туғма бақа", "гажакгул", "гултайлама", "қиркдонагул", "шохмола", "қирдўнгил" ва "олтидўнгил" турлари кўп тайёрланган[2]. Кигиздан калишларга патаклар ҳам тайёрланган. Жумладан, XIX аср охирида Тошкентда 40 га яқин патак тайёрлайдиган устахона бўлган[3]. Ўлкада Наматнинг Қашқар намат тури жуда машҳур бўлиб, кўк, сариқ, қизил, оқ ва тўқ жигар рангларда ишлаб чиқарилган. У жуда юпқа бўлган ва кўпроқ Ўшда ишлаб чиқарилган. Жанубий ҳудудларда ҳам кигиз, палос ва намат тайёрлашнинг анъанавий турлари бугунги кунгача сақланиб қолган.

Бухоро гиламлари ёрқин ва ранг-баранг гуллари, катта ҳажмлилиги ва узун туклилиги билан ажралиб турса, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг айрим жойларида хилма-хил гиламлар ишлаб чиқарилиб, уларга қизил, қора, кўк ранг бўёқлар берилган. Самарқанднинг юнгсиз гиламлари бир типдаги гуллар билан тўлдирилган бўлиб, бу ерда кўпроқ қалқон нусха гиламлар оммалашган[4]. Нуротада эса ўртача ҳажмдаги момиқ жунли юмшоқ жулхурс гиламлар тайёрланган. Улар унчалик қалин бўлмай, матоси дағал ва юмшоқ бўлган. Андижоннинг Ойим, Дардак қишлоғи гиламларида ҳам жиддий қизил-кўк ранглар уйғунлиги мужассам бўлиб, XIX аср охирларида ҳам чидамли ва чиройли ранг берадиган рўян ўсимлиги (қизил ранг)дан фойдаланилган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб гиламчилик соҳасида ўзгаришлар ва тараққиёт сезилади. Чунки Европанинг Ўрта Осиё гиламларига бўлган кучли эҳтиёжи ва савдо-сотиқнинг авж олиши бу ҳунар турининг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Бу эса ўз-ўзидан гиламдўзликда шошма-шошарликка ва бепарволик билан безакларнинг сунъийлашувига олиб келади. Масалан, ипларнинг ингичкалашуви, рангларнинг хиралиги ва ҳатто, ипларнинг йигирилганлик даражаси ҳам пасайиб боради. Гиламдўзлар эса харидорлар ва буюртмачиларнинг дидига кўра турли тасвирли ва

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Ғузор тумани. Ярғунчи қишлоғи. 2009 йил.
[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун, Шеробод туманлари. 2011 йил.
[3] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана... – С. 58.
[4] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана ... – С. 56.

ҳажмли гиламларни тўқий бошлайдилар. Бу ҳол анъанавийлик ва миллийликка ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, гилам нақшларида фабрика матолари, линолеумлар, "модерн стил"идаги кашта манзаралари ўзининг эклектик кўринишларини ҳосил қилади[1].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам анъанавий ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, гиламчилик турлари бошқа ҳудудлардагига қараганда ўзига хос равишда тараққий этган эди. Айниқса, уларда гилам ишлаб чиқаришнинг локал хусусиятлари бўлиб, бироқ бунга мустамлака ҳукуматнинг маълум даражада тўсқинликлари бор эди.

Воҳа ҳунармандчилигида гилам тўқиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Термиз ва Шеробод шаҳарларида тўқилган гиламлар Ўрта Осиёдан ташқари Россия ва бутун Ғарбий Европада ҳам машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Бир қанча гилам турлари Париж шаҳри кўргазмаларига ҳам қўйилган ва юқори баҳоларга сазовар бўлган[2]. Шеробод беклигида тўқилган сифатли гиламларни савдогарлар Қарши, Карки, ва, Шаҳрисабз шаҳарлари бозорларига ва ҳатто, Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотишган[3].

Қашқадарё гиламлари жуда яхши ҳисобланиб, улар арманлар томонидан Боку бозорларида сотиш учун кўплаб сотиб олинган. Айниқса, бу ердаги гиламларнинг эскилари янгиларига қараганда қимматроқ турган. Бундан ташқари, бу гиламлар Марсель фабрикаларига ҳам жўнатилган ва бу фабрикаларда гиламларнинг чидамли канваларга француз тасвирлари туширилган[4].

Шеробод беклигида гилам тўқишда ўзбеклардан ташқари туркман ва афғонлар ҳам бўлган. Туркманлар гиламдан ташқари кошма (чакмоннинг бир тури) ҳам тўқишиб, кузда бозорларда 500 тагача кошма сотишгани ҳақида маълумотлар учрайди[5].

Сариосиё, Юрчи ва Деновда ҳунармандчиликнинг пахта ва жундан мато тўқишдан ташқари яна ёғочсозлик, бўйрачилик,

---

[1] *Фалькерзам А.* Старинные ковры Средней Азии. / "Старые годы", – 1914. Октябрь - декабрь. – С. 20.

[2] *Хакимова К. З., Кравец Л. Н.* Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: – Фан, – 1980. – С. 68.

[3] *Полк. Галкин.* Военно-статистический очерк Бухарском ханстве и южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., – 1894. Вып. 57. – С. 377.

[4] Ковровые производства Туркестана/ Турк. ведемости. Т. 1894 г 31 марта. – №23. – С. 92.

[5] *Кап.* Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 25.

этикдўзлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, тегирмонсозлик, бўёқчилик, жувоз ясаш, пичоқчилик ва бошқалар ҳам яхши ривожланган эди. Сариосиёда кўпроқ темирчилик тараққий этган. Чўян қуювчи усталар аҳолини қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва омоч тишлари билан мунтазам таъминлаб туришган[1].

Масалан, Денов беклигида ҳунармандчиликнинг 120 дан ортиқ тури, айниқса чармсозлик, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, ўйинчоқсозлик, миллий-маиший соҳаларда ривожланиш кўзга ташланади[2].

Сурхондарёнинг тоғли қишлоқларида ёғочсозлик, темирчилик ва тўқувчилик ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, Сангардак қишлоғида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари Денов, Юрчи ва Сариосиё бозорларига олиб бориб сотилган ёки бошқа молларга айирбошланган[3].

Шунингдек, Самарқанднинг ипгазлама, нимшойидан тўқилган, ҳар хил рангдаги йўллар билан нақшланган олачасига ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб катта бўлган. Матолар ишлаб чиқариш соф товар характерида бўлганлиги учун ҳам, уни йўлга қўйишнинг анча юксак шакллари вужудга келади. Масалан, 30 – 40 тадан тўқув дастгоҳларига ҳамда ёлланма усталар, шогирдларга эга бўлган йирик тўқувчи тадбиркорларнинг пайдо бўлиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу билан бирга, ипгазлама матоларни уйда тўқийдиган усталар ҳам бор эди. Бироқ XIX асрнинг иккинчи – ярми – XX аср бошларига келиб, маҳаллий матолар Ўрта Осиёга Россия, Англия, Франция, Туркия ва Эрондан келтирилаётган матолар билан рақобатлаша олмай қолади[4]. Шу тариқа аста-секин тўқувчиликда ҳам қисқариш кузатила боради. Буни, асосан, маҳаллий устахоналарнинг қисқаришида кўриш мумкин.

Умуман олганда, XIX асрнинг 90-йилларидаги маълумотларга кўра, 1896 – 1898 йилларда Самарқанд вилоятида ҳунармандчилик устахоналарининг сони 8141 тадан 8031 тагача, ишлаб чиқаришнинг умумий суммаси эса 9363925 рублдан 5815333 рублгача

[1] *Сухарева О. А.* Позднефеодальный город Бухара. – Т.: – изд-во АН УзССР. – 1962. – С. 31.

[2] Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи / С.Н. Турсунов (ва бошқалар). - Тошкент: “Muharrir”, 2013. -324 б.

[3] Описание видов изделий и технологии производства деревообделочного промысла горных таджиков // Таджики Каратегина и Дарваза. – Душанбе: – 1996. – Вып. I. – С. 260 – 290.

[4] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное... – С. 12.

камайган[1]. Натижада маҳаллий тўқувчилар бошқа касбларга, яъни кўпроқ пул топишга имкон берувчи соҳаларга, ҳатто қора ишчиликка ўтишни ҳам афзал кўришган. “Чунки қора ишчининг иш ҳақи 7-10 йил илгаригига нисбатан 2 баравардан кўпроқ ошиши (бир кунда 25 копейкадан 60 копейкагача) вилоятнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчи аҳолиси учун зарар келтирмайдиган нормал ҳолат, деб ҳисоблаш мумкин”, – дейилади 1898 йилдаги ҳисоботлардан бирида[2].

Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида мавжуд ҳунармандчилик, юқорида таъкидланганидек, ўзи билан ёнма-ён ривожланган қишлоқ хўжалигидан ҳали буткул ажралиб чиқмаган эди. Шунинг учун ҳам қишлоқларга ёки алоҳида олинган қишлоққа хизмат кўрсатувчи “саноат” мавжуд бўлган. Уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, бу “саноат” дағал матодан кўйлаклар, турли уй-жой жиҳозлари, эгар-жабдуқ, арқонлар, тўқима саватлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва ҳ. к. ларни тайёрлаган. Буни бозор муносабатларига асосланган қишлоқ “индустрия”си деб ҳам аташ мумкин. Қолаверса, империя мустамлака маъмуриятининг стратегик режалари Туркистонни аграр хомашё базасига айлантиришга қаратилган эди. Воҳа шаҳарларида яшовчи аҳолининг асосий машғулоти кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашдан иборат бўлиб, ҳунармандчиликнинг тўқимачилик (*пахта, ипак, тери маҳсулотларга ишлов бериш, мато тўқиш, бўяш, гул босиш, каштачилик*), кўнчилик (*пойабзалчилик*), гиламдўзлик, кулолчилик, темирчилик (*металл идишлар, чўян ва темирга ишлов бериш*), зардўзлик, заргарлик, эгар-жабдуқ, мисгарлик, тегирмонсозлик, қандолатчилик, ширмонпазлик, нонвойлик каби турлари ривож топган[3] бўлиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Тўқимачилик ҳам қадимдан ривожланиб келган ҳунар турларидан бўлиб, соҳанинг асосий хомашё манбаи деҳқончилик ва чорвачиликдан олинган пахта, ипак, каноп ва жундан иборат бўлган[4]. Жумладан, тўқимачиликнинг мато тўқиш, тикувчилик (кийим-бош

[1] *Эргашев Ф.* Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик... – Б. 14., Обзор Самаркандской области за 1898г. – С. 24.

[2] Ўша жойда.

[3] *Галкин.* Военно-статистический очерк Бухарском ханстве и южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., – 1894. – Вып. 57. – С. 21.

[4] *Кармышева Б. Х.* Ткачество и прядение у народов южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX в. ) // Проблемы типологии и этнологии. – М., – 1979. – С. 258.

тайёрлаш), каштачилик, дўппидўзлик, бўйра тўқиш ва гиламдўзлик турлари ривож топган. Шунингдек, минтақада қадимдан уй шароитида пахта, жун, канопдан йигирилган ипдан мато тўқиш ва теридан кийимлар тайёрлаш бу ерда яшаётган аҳолининг хонаки турмуш машғулотларидан бири бўлган. Ижтимоий-тарихий шароит туфайли маҳаллий аҳолининг ўзи етиштирган пахтадан шу жойнинг ўзида турли хил газламалар тўқиш ҳунармандлар учун фойдали фаолият ҳисобланган.

Сурхондарё воҳасининг Газарак, Хауз, Вахшивор қишлоқлари аҳолиси ўзлари тўқиган маҳсулотни яқин атрофдаги Дашнобод, Юрчи, Денов ва бошқа бозорларга олиб бориб сотишиб, у ердан пахта толасини сотиб олишган. Сангардак ва Чанглоқ қишлоқлари ҳам кузда пахта сотиш билан шуғулланишган. Қишда уни аёллар уйда ип қилиб йигиришган. Тайёрланган калаванинг кўп қисми шаҳарлардаги тўқувчиларга сотилган, маълум қисмидан эса ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишган. Чунки ип йигириш аёлларнинг қишдаги асосий уй машғулотларидан бири ҳисобланган[1].

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида махсус мутахассисликлар минтақалар бўйича ривожланган. Жумладан, Марғилон, Хўжанд, Қўқон ипак ишлаб чиқариш, Бешариқ ва Қўқон матога ишлов бериш, Тошкент, Самарқанд, Наманган тери-чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Риштон ва Ўратепада, асосан, кулолчилик, Термиз ва Қаршида гиламлар, Ойим, Дардак қишлоқларида полослар, Самарқанд ва Марғилонда абр матолари, Чуст, Шаҳрисабзда эса пичоқ ишлаб чиқариш, Тошкент халатлар тайёрлашнинг йирик марказларидан бири сифатида шухрат қозонган эди[2]. Денов шаҳри эса ипакдан тўқилган матолари билан машҳур бўлган[3]. Сурхондарёнинг Денов, Миршоди, Қоратоғ ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда ипакнинг сифатли навлари етиштирилиб, ундан тўқилган матолар нафақат Бухоро амирлигида, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган[4]. Ипак матонинг нархи ҳам жуда юқори бўлиб, уни ўзига тўқ оилаларгина сотиб олиш имконига эга бўлган. Бойсун, Термиз, Шеробод, Сариосиё, Денов, Юрчи бекликлари шаҳарларида пахта ва ипак хомашёсидан олача матолар кўплаб тай-

[1] *Кармышева Б. Х.* О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией. Товарно-денежные отношения на ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: – Наука, – 1979. – С. 122.

[2] *Гейер И. И.* Туркестан. Изд. 2. – Т., – 1909. – С. 120 – 122.

[3] *Хакимова К. З.,Кравец Л. Н.* Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: – Фан, – 1980. – С. 62.

[4] Туркестанские ведомости. – 1910. – №174.

ёрланган. Пахтадан тўқилган олачанинг сифати пишиқ бўлиб, уни Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларига, Афғонистон ва Ҳиндистон каби давлатларга ҳам олиб кетилган[1]. Бойсун беклигида ҳам ҳунармандчиликнинг пахта ва жундан олача тўқиш, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик, чармгарлик, қандолатчилик, тегирмонсозлик, атторлик, бўёқчилик, аравасозлик, каштачилик ва жувозчилик каби майда турлари ривожланган[2].

Бу даврда ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун зарур хомашёлар мавжуд қазилма бойликлар ҳисобидан қондирилган бўлиб, айниқса, металлга ишлов бериш алоҳида ўрин тутган. Металл рудалар хонликларда кам бўлиб, қўрғошин, мис, темир ва чўянни хиваликлар Россиядан олганлар. Олтин ва кумуш Россия, Эрон, Қўқон ва Бухородан келтирилган[3].

XIX асрнинг 80 – 90-йилларида Денов, Шеробод, Бойсун бекликлари ҳудудига Россиядан келтирилган арзон фабрика маҳсулотларининг кириб келиши маҳаллий ҳунармандчилик тизимига салбий таъсир кўрсатади. Натижада маҳаллий ҳунармандларнинг меҳнати ниҳоятда қадрсизланади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Сурхон воҳасида ҳунармандчилик XIX асрнинг иккинчи ярмигача асосий ишлаб чиқарувчи соҳа саналган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ерли аҳолининг иқтисодий эҳтиёжидан келиб чиққан. Шу сабабли, ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда воҳада металлсозлик ёки чилангарлик ишлари XIX аср иккинчи-ярми – XX аср бошларигача давом этган. Чунки XIX асрнинг охирларида амирлик бўйлаб пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ривожланиши натижасида меҳнат қуролларига бўлган талаб ортган. Шу сабабли Сариосиё, Бойсун, Денов ва бошқа шаҳарларда кўплаб темирчилик, чўян қуйиш устахоналари қурилиб, аҳолининг қишлоқ хўжалиги қуролларига бўлган эҳтиёжини таъминлаб боради[4].

Сурхон воҳаси, яъни Шарқий Бухоро бекликларида тоғли ҳудудларнинг кўпчилиги, бекликни ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёж қурол-яроғ ишлаб чиқаришни кучайтирган[5]. Қуролсозлик устахоналарида қилич, найза, қалқон, пичоқ, сувлиқ, тақол ва турли

---

[1] *Юсупов Ш.* Очерки истории Кулябского бекства в конце XIX – нач XX вв. – Душанбе: Тр. инс. ист. АН Тадж. ССР, – 1964. – С. 67.

[2] *Ҳайит Т., – Усмон Т.* Кураш йиллари. – Т.: – Меҳнат, – 1992. – Б. 13.

[3] Туркестанский сборник. Т.50. – С. 290.

[4] ЎзР МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 220-йиғма жилд, 80-варақ.

[5] Қобилов Э. Ҳунармандчилик маҳсулотлари: турлари ва ўзига хос хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. 2011. №1. 132-бет.; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....166-232 бетлар.

хил катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Шеробод беклигида қурол ясовчи хатакиларга амир томонидан берилган мукофот хатиршо дейилган[1].

Чўян эритиш Бойсун, Шеробод ва Денов беклигида анча ривожланган эди. Шеробод дарёсининг ўрта оқими ўнг қирғоғида жойлашган Чўянчи қишлоғи қадимдан чилангарлар юрти ҳисобланади[2]. Бойсун беклигида чўян қуйишда тошкўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланилган. Чўян эритиш оғир ва машаққатли иш бўлгани учун ойига 2 марта чўян эритилган. Маълумотларга кўра, бу ерда 23 дан ортиқ темирчилик устахоналари бўлган. Авлод, Дарбанд, Газа қишлоқлари аҳолиси металлни эритиб, бекликка юбориб турганлар ва уни "қанди пиширди" деб атаганлар. Металл эритилган ўчоқ излари Кўҳитанг ён бағирларида, Бойсун тоғ этакларида ҳозиргача сақланиб қолган[3]. Авлод қишлоғининг афғон уруғи азалдан темирчилик билан шуғулланиб келган бўлса, тоқчи уруғига мансуб аҳоли чўян эритиш билан машҳур бўлганлар. Улар офтоба, чироқ, қозон, омоч тиши (оҳанг), бел, ўроқ, нағал (тақа), жувозлар учун парма, теша ва бошқа нарсалар ясаганлар. Бу маҳсулотларни аҳоли Регар, Қоратоғ ва Дашнабодга олиб бориб сотишган. Ҳозир ҳам бу ердаги темирчилар ўз ихтисосликларига бўлинишган: оҳангарлар – пўлат билан ишловчилар, чилангарлар – рўзғор буюмлари ишлаб чиқарувчилар, темирчилар – дегрезлар, чўянчилар, мисгарлар ва заргарларга бўлинганлар.

XIX аср охиридан бошлаб дегрезлар учун хомашё асосан Россиядан келтирила бошланган. Дегрезларнинг асосий маҳсулоти (бу даврда пахтачилик ривожлангани учун) омоч тиши бўлиб, у умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 85% ни ташкил қилган. Темирчилар томонидан хўжалик учун бевосита керак бўлган йигирма хилдан кўпроқ меҳнат қуроллари ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, мисгарлик ҳам ривожланган бўлиб, улар турли хил идишлар, қутичалар, сандиқларга кўпинча бўрттирилган ва ўйилган нақшлар солганлар. Россия босқинидан кейин ўлкада самовар ишлаб чиқарила бошланган. Мисгарларнинг

[1] Шеробод тарихидан лавҳалар // С.Турсунов,А.Турсунов,М.Тоғаева. –Т.: "Yangi nashr", 2014. –Б.122.

[2] *Қобилов Э.* Ҳунармандчилик маҳсулотлари: турлари ва ўзига хос хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. – 2011. – №1. – Б. 131.

[3] *Қаюмов А.* Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX - XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998. – №3. – Б. 38.

асосий хомашёси жез, сариқ мис бўлиб, улар асосан Россиядан келтирилган. Шунингдек, иш жараёнида руҳ, қўрғошин, кислота, нашатир ҳам керак бўлган. Одатда, идишлар қизил мисдан ясалган.

Воҳада тегирмонсозлик ва жувозчилик ҳам ривожланган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Шерободда 128 та сув тегирмони, 147 та жувоз, Деновда 105 та сув тегирмони, 45 та обжувоз (шоли оқлайдиган), 301 та жувоз (ёғ чиқарадиган), Сариосиёда 137 та тегирмон, 34 та обжувоз, 277 та ёғ жувозлари бўлиб, улар аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириб келган[1]. Шеробод беклигида заргарликдан ташқари, воҳанинг бошқа ҳеч ерида учрамайдиган қайиқсоз(чи)лик ҳунари борлиги диққатга сазовардир. Қайиқсозлик билан махсус ҳунармандлар шуғулланганлар[2].

XIX – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Карки, Калиф (16 та қайиқ ясайдиган усталар бўлган) ва Шеробод бекликларида ҳам қайиқсозлик билан шуғулланишган[3]. Чунки бу бекликлар савдо-сотиқ учун Амударё сув йўлидан катта фойда кўрганлар. Калифда усталар 2 ой давомида 600 пудгача юк кўтарадиган 10 тагача қайиқ ясашган ва бу қайиқларнинг ҳар бири 300 рублдан 352 рублгача баҳоланган[4]. Шеробод беклиги Чўчқагузар қайиқчи усталари сони 10 дан ортиқ бўлиб, 600 пуд юкни кўтара оладиган қайиқни 40 кунда ясай олганлар. Уларнинг ҳар бири 200 рублдан 235 рублгача бўлган[5]. Қайиқларни ясаш учун ёғочлар Шерободдан олинган. Бундан ташқари, Термизда ҳам қайиқчи усталар бўлган.

Сурхон воҳасида яратилган меҳнат қуроллари доимий тарзда ривожланиб, мукаммалашиб, халқ турмуш тарзига мослашиб борган. Халқ усталари оддий устахоналарда меҳнат қилган, оғир меҳнат эвазига турли меҳнат қуроллари ясашган. Бойсун, Шеробод, Денов бекликларида якка тартибда ишловчи усталар “устои худбоф” деб аталиб, улар ўз дўконлари ва тайёрлаган маҳсулотларининг хўжайини ҳисобланиб, бирон-бир кишига қарам бўлмаганлар[6].

[1] Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКРУз, 1926. – вып. 1. – С. 153 – 157.; *Кап. Гинтилло.* Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 25.

[2] *Кап. Гинтилло.* Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 24.

[3] *Кап. Гинтилло.* Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 24.

[4] Ўша ерда. 24 бет.

[5] *Кап. Гинтилло.* Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 25.

[6] *Кап. Гинтилло.* Интендантские сведения о Бухаре 1885г // Сб. геог. топог. и статис. мат. По Азии. – СПб., – 1886. – Вып XXI. – С. 25.

Россия билан савдо алоқаларининг тезлашуви натижасида шаҳар аҳолиси сони ўсиб ҳунармандчилик ҳам ривожлана бошлаган. Масалан, Қўқон шаҳрида XIX аср ўрталарида 30 минг аҳоли ва 9 та карвонсарой бўлган бўлса, 1897 йили унинг аҳолиси 81 минг кишига етган. Шу вақтда ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар сони 2 мингтага етган[1].

Бу даврда ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳати шу эдики, улар маълум уюшмаларга аъзо бўлиб, ўзларининг касбдошлари манфаатларини доимо ҳимоя қилиб турган. Яна бир хусусияти, ҳунармандчилик соҳаларининг бевосита уй-рўзғор хўжалиги билан боғлиқлигидир. Кўп ҳунармандлар асосий касбидан ташқари, деҳқончилик, боғдорчилик билан ҳам бир вақтда шуғулланиб, бир вақтда ип йигириш, мато тўқиш ва кигиз босиш каби касбларни ҳам бажарганлар.

1913 йилда маҳаллий ҳунармандлар 72% металл буюмлар ишлаб чиқаришган бўлиб, асосий хомашёни Фарғона водийси металлсозлари етказиб берган. Металл буюмлар ишлаб чиқариш тўртта асосий соҳага: темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозликка бўлинган. Металл қуйиш дегрезлик (яъни "қозон қуйиш") ёки қозончи, позагар – омоч тиши қуювчи деб юритилган. Дегрез, одатда, ҳар хил ҳажмдаги қозон, поза (омоч тиши), чойидиш, обдаста, шамдон, қора чироқ, арава ғилдирагига тагчўян, қандил каби буюмларни қуйган. Улар хонлик даврида қуролсозлик ҳам қилишган. Чунки қадимда замбарак ва тўплар жез ва чўяндан қуйилган.

Ўзбек ҳунармандчилигида қадимги соҳалардан яна бири *кулолчилик* бўлиб, воҳа ҳунармандчилигида кулоллар хўжаликнинг деярли барча соҳалари учун маҳсулот етказиб берганлар. Ҳар бир минтақа кулоллари ўз маҳсулотларининг сифати, безалиши сингари бетакрор анъаналарга эга бўлганлар. Қашқадарё воҳаси кулолчилик маданияти тараққиёти Бухоро, Тошкент каби ўлкаларнинг таъсири натижасида янада тараққий топган. Тайёрланган сопол буюмларида, айниқса, Бухоронинг Ғиждувон, Фарғона водийсининг Риштон каби сопол ҳунармандчилиги мактабларининг таъсири анча кучлилиги сезилиб туради.

Воҳа кулолчилиги, асосан, XIX асрнинг иккинчи – ярми – XX аср бошларида олдинги даврларга нисбатан пасайиб кетганлиги кўзга ташланади. Бу ўлкага Россия саноати маҳсулотларининг

---

[1] *Ҳайдаров F.* Фарғона водийсида ҳунармандчилик // Жамият ва бошқарув. – 2009., – №4. – Б. 123.

кириб келиши ва сопол идишларнинг хўжаликда кўп ишлатилмаганлиги билан ҳам изоҳланади. Лекин Термиз, Шеробод ва Денов кулолчилик марказлари тор доирада бўлса-да, ўз мавқеини сақлаб қолган[1].

Туркистонда мустамлакачилар "империя ишларига хайрихоҳ фуқароларни тарбиялаш" ва табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган турли муассаса ва корхоналарда ишлаш ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлаш учун касб-ҳунар масаласига ҳам ўз эътиборларини қаратдилар. Ўлкада касб-ҳунар масаласи XIX аср охирларида расмий доиралар миқёсида кўп муҳокама қилинди. Хусусан, 1897 йилда Туркистон генерал-губернатори барон Вревский томонидан Тошкент ўқув юрти қошида қишлоқ хўжалиги мактабини очиш тўғрисида таклиф ўртага ташланди. Масалан, "Туркестанские ведомости" газетасининг 1902 йил 17 январ сонида чоп этилган мақолада ҳунармандчилик, саноат ва қишлоқ хўжалиги таълимини кенг ривожлантириш зарурлиги қайд этиб ўтилади[2]. Деярли йигирма йил мазкур лойиҳа турли юқори маҳкамалар девонхоналарида муҳокама этилиб, рўзномаларда кўп марталаб ёзилган ва ниҳоят, ўқув юртларини очиш тайёр бўлганида, 1915 йилда барча маблағлар I жаҳон урушига жалб этилиши туфайли, очилиши тўхтатилган[3].

Бу даврдаги хонаки ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига муносабат билдирадиган бўлсак, "русларнинг хонаки маҳсулотларни сиқиб чиқариши унчалик ҳам муваффақиятларга олиб келмади, аксинча, ипак матолар, гилам маҳсулотлари европаликлар истеъмолида бўлган"[4] лиги ўша давр характери учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, рус фабрикачилари маҳаллий Бухоро читгарлари билан рақобатлашиб, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун уларнинг матога анъанавий гул босиш сирларини ўзлаштириб олганлар[5]. Шубҳасиз, Россиядан келтирилган катта ҳажмдаги Россия моллари (тайёрлаш учун хомашё ўлкадан олиб кетилган), бир томондан, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш саноатига қаттиқ зарба берган бўлса, иккинчи томондан, анъанавий ҳунар турларининг йўқолишига ва янгиларининг пайдо бўлишига, қолаверса, ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатининг пасайишига ҳам олиб келди.

[1] *Холиков З.* Термез и Чаганиян в позднем средневековье: автореф. Дисс. . канд. ист. наук. - Самарканд: – 2001. – С. 11.

[2] Туркестанские ведомости. – 1902.

[3] Туркестанский курьер. – 1912. – №22; Туркестанские ведомости. – 1922. – №227.

[4] *Гейер И.* Туркестан, – 1909. – С. 94.

[5] *Қиличев Р.* Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик ... – Б. 49.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўрганилаётган даврда жанубий воҳалардаги ҳунармандчилик Бухоро амирлиги бекликларининг жойлашган ўрнига қараб қисман бир-биридан фарқланиб турган. Воҳаларда ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжини қисман қондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст эди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни амирликда жорий этилган солиқлардан ташқари, қўшимча турли хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилган. Шунингдек, ҳокимият вакилларининг эътиборсизлиги туфайли ҳунармандлар меҳнати қадрсизланиб, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилмаган.

Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда қадрсизланган эди. Фақатгина бек ихтиёрида бўлган ҳунармандларгина турли хил ортиқча солиқ, йиғим ва ҳашарлардан озод қилинган эди. Бухоро амрилигидаги йирик шаҳарлар ўзларини ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиши билан алоҳида нуфузга эга бўлиб, айрим маҳсулотлари билан ажралиб турган.

Бу даврда воҳаларда Россия ва чет давлатлардан цех ва фабрикаларда ишланган ҳамда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига нисбатан сифатли ва пишиқ бўлган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши оқибатида ҳунармандлар томонидан ясалган маҳсулотлар касодга учрайди. Ва, бу воҳалар анъанавий ҳунармандчилиги ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Чунки бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳунармандчилик турлари бошқа ҳудудларга қараганда бир текис ривожланмаган эди. Шунга қарамасдан касб-ҳунарни авлоддан-авлодга узатиш анъанаси борлиги туфайли кўплаб ҳунармандчилик соҳалари бизгача етиб келди.

### 2.3. Жанубий ҳудудлар аҳолиси анъанавий ҳунармандчилигининг тавсифи

Ўзбекистоннинг ўзига хос этнографик минтақаларидан бўлган Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари анъанавий ҳунармандчилиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Асосан, маҳаллий аҳолининг ички эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган

тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик ва кўнчилик каби ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлиб[1], ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товар характерида бўлган. Товар ишлаб чиқаришнинг ушбу усули кўпроқ ярим натурал шаклда бўлиб, ўз эҳтиёжларини қондириш, муайян қисми эса айирбошлаш мақсади учун ҳам хизмат қилган. Хусусан, Бухоро амирлигининг Бойсун, Денов, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларида ҳунармандлар ўз маҳсулотини бозор учун ишлаб чиқарган. Чунки бу воҳаларда қадимдан бир қанча хўжалик турлари, масалан, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун қулай шароитлар мавжуд бўлган. Асосий хўжалик машғулоти чорвачиликка асосланган аҳоли орасида эса гилам, шолча, мато тўқиш, кигиз босиш ва бошқа уй-рўзғор буюмларини, тайёрлаш каби хонаки ҳунармандчилик соҳалари ривожланган эди. Қолаверса, улар қўй, эчки жунидан чакмон, пўстин, чолвор каби кийим-кечаклар, халта, хуржун, уй-рўзғор буюмлари ҳамда ўтовлар ва чорва моллари учун арқон, боғичлар тайёрлашган. Ҳунармандчилик ривожи учун зарур бўлган хомашё манбалари деҳқончилик, чорвачилик ва қазилма бойликлар ҳисобидан қондирилган. Минтақада қадимдан ҳунармандчиликнинг мато тўқиш, каштачилик, гиламдўзлик, кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, кандакорлик, заргарлик, наққошлик ва бошқалар ривож топган эди. Тўқимачилик ва у билан боғлиқ ҳунармандчилик маҳаллалари Қаршининг эски шаҳар атрофида жойлашган бўлиб, шунингдек, шаҳарда Халвогар, Темирчи, Кулоллик, Чилангарон каби гузарлар борлиги ҳам аниқланган[2]. Айни пайтда, Қашқадарё воҳасининг Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод (Қизилсой, Оқработ, Жетимқудуқ каби тоғ ва тоғолди қишлоқларида) туманларида жун мато, гилам, бўйра тўқиш, Қарши шаҳрида зардўзлик, Шаҳрисабзда каштачилик оммалашган эди. Қуйида жанубий ҳудудлардаги ривожланган ҳунар турлари ва тавсифига кенгроқ тўхталамиз.

***Тўқувчилик*** қадимдан ривожланиб келган етакчи ҳунар турларидан бўлиб, соҳанинг асосий хомашё манбаи воҳада тараққий қилган деҳқончилик ва чорвачиликдан олинган пахта, ипак, каноп ва жундан иборат бўлган[3]. Жумладан, воҳада тўқимачиликнинг

---

[1] *Холиқулов А.* Ҳунармандчилик ва савдо марказлари // Жамият ва бошқарув. – №1. – 2003. – Б. 54.

[2] *Сухарева О. А.* К истории городов Бухарского ханства. – Т., – 1958. – С. 124.

[3] *Кармышева Б. Х.* Ткачество и прядение у народов южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XXв. ) // Проблемы типологии и этнологии. – М., – 1979. – С. 258.

мато тўқиш, тикувчилик (кийим-бош тайёрлаш), каштачилик, бўйра тўқиш ва гиламдўзлик турлари ривожланган бўлиб, ипак, пахта, каноп ва жун асосий хомашё манбаи бўлган. Шу боис ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида қадимдан уй шароитида пахта, жун, канопдан йигирилган ипдан мато тўқиш ва теридан кийимлар тайёрлаш бу ерда яшаб келган аҳолининг турмуш машғулотларидан бири бўлган. Жундан ип тайёрлаш анъанавий чорвачилик марказлари, дашт ва тоғ олди туманларида ривожланган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қадимдан уй шароитида мато тўқиш йўлга қўйилган бўлиб, мазкур ҳунар билан фақат аёллар шуғулланишган[1]. Тўқимачиликда зарур бўлган хомашё манбаи пахта, ипак, каноп, жун ва тери, асосан, воҳаларнинг ўзида тайёрланиб, улар мато тайёрлашдаги асосий хомашё ҳисобланган[2]. Жун титиш ва жундан мато тайёрлаш ҳунармандчиликнинг бошқа турларига ўхшаб алоҳида касбкор бўлиб чиқмаган[3]. Лекин жундан тайёрланган маҳсулот ва кийим-бошларга нафақат чорвачилик, балки ўтроқ деҳқончилик ҳудудларида ҳам эҳтиёж катта бўлган. Мато тўқиш учун ишлатиладиган дастгоҳ – дўкон[4] деб аталган. Айниқса, қўй ва туя жунидан асосий хомашё сифатида фойдаланиб, туя жунидан чакмон ва бошқа кийимлар тайёрлаганлар.

Жундан турли маҳсулотлар тўқиш билан Қаршининг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси ва чорвадор араблар шуғулланишган[5]. XIX аср охирида қипчоқ, туркман найманларида туячилик ва туя жунидан мато тайёрлаш анъанаси мавжуд бўлиб[6], туячилик билан шуғулланган бой қўнғиротлар оқ чакмон сотиб олишган[7]. Воҳада яна қўй жунидан тайёрланган ипни ўрмакдан ўтказиб “шол мато” тайёрланган[8].

Таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёнинг барча ярим кўчманчи аҳолиси мато тўқишда жун тайёрлаш ва уни ип шаклига келтиришда деярли бир хил усулни қўллашган. Энг асосийси, бу машғулот

---

[1] ЎзР МДА. 2231- жамғарма, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 4-5 варақлар.

[2] Шаҳрисабз минг йиллар мероси. – Т. – 2002. – Б. 56.

[3] *Исмоилов Ҳ.* Анъанавий ўзбек кийимлари. – Т., – 1978. – Б. 8.

[4] Дўкон ва унинг ишлаб чиқариш хусусиятлари тўғрисида батафсил. *Қаранг: Сухарева О. А.* Позднефеодальный город Бухара конца XIX - начала XX в. Ремесленная промышленность. – Т., – 1962. – С. 56 – 82.; *Турсунов Н.* Из истории городского ремесла Северного Таджикистана. Ткацкие промыслы Ходжента и его пригородов в конце XIX – начале XX в. – Душанбе, – 1974.

[5] *Сухарева О. А.* К истории городов Бухарского ханства. – Т., – 1958. – С. 124.

[6] *Гребенкин А. Д.* Узбеки / Русский Туркестан. – М., – 1972. – С. 82 – 101, 107.

[7] *Борозна Н. Г.* Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кофирнигана / Материальная культура Средней Азии и Казахстана. – М., – 1974. – С. 110.

[8] *Томина Т. Н.* Кўрсатилган асар. – С. 234.

билан аёллар уй шароитида шуғулланиб, жун олдин ювилиб, титилиб ва керак пайтда бўялган. Жундан ип қилишда махсус урчуқдан[1], уни титиш ва савашда махсус тайёрланган савачўплардан фойдаланилган[2].

Ўрганилаётган ҳудудда эчки жунидан тивит салла, пайтава, фўта тайёрлаш, туя жунидан чакмон, қўй терисидан эса пўстин тикиш кенг расм бўлган. Шунингдек, минтақада туя жунидан фақат эркаклар учун устки кийимлар эмас, балки чорвадорлар учун дастурхон, жойнамоз, кўрпа ҳам тайёрланган[3]. Жумладан, Қуйи Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида туя жунидан кўплаб ашёлар ва уй жиҳозлари, ўтов учун боғич, халта, кигиз, туз халта, хуржун, гилам, бўғжома (кийимлар ва тўшаклар учун) тайёрланган.

Сурхон воҳасида тўқимачилик ҳунари ўзига хос бўлиб, айниқса, Бойсун ва Денов туманларида жуда яхши тараққий этган эди. Чунончи, асосан уй шароитида сидирға ва гулдор ип, ипак ва ярим ипак матолар тўқилган. Бундан ташқари, жундан шол, босма, қоқма каби матолар тўқилган ва бу матолардан асосан устки кийимлар тайёрланган. Тўқимачилик таркибида ип йигириш, мато тўқиш ва бўяш каби бир неча тармоқлар бўлган. Ип йигирувчиларнинг асосий хомашёси пахта, жун ва ипак бўлган. Чунончи, Сурхондарёда жундан тайёрланган ипларнинг оҳорини олиш учун буғдой уни солинган сувда қайнатиб олинган. Қашқадарё воҳасида ипакчилик ҳам ривожланган бўлиб, нафақат ички эҳтиёжлар учун, балки Бухоро ва қўшни давлатлар бозорларига ҳам чиқарилган[4].

Тўқимачиликда, асосан, тўқув дастгоҳи чарх XX аср бошларида ўзбек халқининг маҳаллий хусусиятларига эга бўлган сўнгги меҳнат воситалари сифатида такомиллашган бўлиб, ҳунарманд фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Шуни таъкидлаш керакки, барча матоларни тўқиш бир хил усулда амалга оширилган, аммо матонинг кўриниши ва вазифаси турлича бўлган. Хусусан, бадиий безакли газламаларга гул босиш амалга оширилмай, ўтган асрда ишлаб чиқарилган матоларга бевосита тўқима орқали безак берилиб, уларни қалами, алак (олача), парпашахона (дока), бўз ва ҳ. к. деб аташган.

[1] Қўл урчуқлари қарақалпоқларда – уршык, туркманларда – ик, қирғизларда – ийк деб аталган. *Қаранг: Томина Т. Н.* Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., – 1989. – С. 231.

[2] *Абдуллаев У. С.* Кўрсатилган асар. – Б. 112.

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Ғузор тумани. Ярғунчи ва Қорасув қишлоқлари. 2009 йил.

[4] Туркестанские ведомости. – 1882., – №34. 29 август. – С. 3. .

XIX аср охири – XX аср бошларига оид статистика материалларида ўзбек халқининг моддий маданияти ва санъат буюмлари ҳақида тўлиқ маълумот келтирилмаган. Фақатгина рус сайёҳи Н. Маев 1890 йили Петербургда ташкил қилинган бутун Россия саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмасида ўзбек халқининг тўқимачилик ва каштачилик буюмлари намойиш қилингани ва улар мақтовларга сазовор бўлганлигини таъкидлаган[1]. Бундан ташқари, тадқиқотчи В. Г. Мошкова ҳам ўзининг этнографик маълумотларида маҳаллий халқнинг тўқимачилик касби жуда юқорилигини эътироф этган. Тадқиқотчи бутун Шарқ ва Ғарбни лол қолдирган ўзбек халқининг маданияти ва амалий санъат дурдонаси эканлигини таъкидлаган[2].

Қашқадарё воҳаси шаҳарларида тайёрланадиган матолар ичида бўз матосининг салмоғи катта бўлиб, у асосан, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларида тайёрланган. Махмуд ибн Валининг маълумотларига кўра, Шаҳрисабзда кўп миқдорда карбас – бўз (бўялмайдиган оқ мато) тўқилган. Ҳатто Шаҳрисабзда бўз тайёрлашга ихтисослашган гузарлар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар ҳам учрайди[3]. Бўзни турли рангларга бўяб, унга нақш босиб янги мато – чит тайёрлашган. Бу чит матосидан, асосан, аёллар кийим-кечаклари, тўшаклар ва бошқалар тайёрланган. О. А. Сухареванинг маълумотларига кўра, читгарлар Шаҳрисабзнинг Раис гузарида яшаб, китоблик читгар усталар эса алоҳида гузарда истиқомат қилишган[4]. Воҳада тўқилган олачалар анча машҳур бўлиб, асосий марказ Қаршида бўлган. Айниқса, бу матони ишлаб чиқаришда Қарши усталарига тенг келадигани бўлмаган.

XIX аср бошларида Қаршида 19 та шойи тўқиш устахонаси (қиёсласак, ўша пайтда амирлик пойтахти Бухорода эса жами 46 та) мавжуд бўлган. Уларда узунлиги 9 аршин, эни 12 аршинли ярим шойи ва пахта газламалар тўқилиб, савдога чиқарилган. Маҳаллий тўқувчилар ишлаб чиқарган бу газламалар бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинган. Ҳар бир уста ўзи тўқиган ҳар бир аршин* мато учун 55 копеекдан иш ҳақи олган[5].

Шунингдек, Қаршидан бошқа ўлкаларга пахта хомашёси, йигирилган ип, жун экспорт учун чиқарилиб, тўқувчилар пахта матолардан ташқари, кўплаб миқдорда адрас, олача, атлас, бeқасам,

---

[1] *Маев Н.* Туркестанская выставка 1886. – Т., – 1886. – С. 82.; ***Он же.*** Туркестанская выставка предметов сельского хозяйства и промышленности в Ташкенте 1890 г. – ТТ.: – 1890. – С. 163.

[2] *Мошкова В. Г.* Ковровое производства...

[3] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2009 йил.

[4] *Сухарева О. А.* К истории городов Бухарского ханства...

[5] *Разводовский В.* Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. // Туркестанское сельское хозяйство. – 1916. – № 3. 4,5,6,7,8. – С. 256.

шойи, қалғай, дуруя каби ипак ва ярим ипак матолар ҳам тайёрлашган. Рус ҳукумати Россия бозорларида сифатли ипак ва ипак матоларга бўлган кучли эҳтиёжни қондиришга жиддий эътибор қаратганлиги учун матолар нафақат маҳаллий бозорларга, балки катта миқдорда ташқи бозорга ҳам чиқарилган[1]. XIX асрнинг 70-йилларида ана шу мақсадда 200000 сўмлик капиталга эга бўлган "Москва – Тошкент ширкати" тузилган. Ширкатнинг асосий вазифаси Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудида ипакчилик корхоналари ташкил этиш, ижарага олиш орқали сифатли ипак матолар тўқишни йўлга қўйишдан иборат эди[2]. Шу боис, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўлкада тўқувчилик ҳунармандчиликнинг энг ривожланган тармоқларидан бири бўлган[3].

Россия саноати капитали кириб келгунга қадар ҳам воҳаларда тарқоқ бўлса-да, мануфактуралар бўлиб, уларда капиталистик ишлаб чиқариш усулини жорий этилганди. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар юзасидан Пашино П. И. "Ипгазлама ишлаб чиқариш билан шуғулланган капиталист ўзига таниш бўлган оилаларнинг бир қисмига пахта тозалаш, иккинчи қисмига ип йигириш, учинчисига бўяш, тўртинчисига тўқишни ва ҳ. к ишларни топширадики, бу ҳол уни усталарга устахона ва дастгоҳлар қуриб бериш, ишчилар бекор ўтирган вақтлари учун ҳақ тўлаш каби мажбуриятларидан халос этди" деб ёзади[4]. Г. Спасский ҳам бухоролик савдогарлар Шаҳрисабздан юқори сифатли пахта сотиб олишиб, унинг асосий қисмини эса Россияга жўнатишганлигини айтиб ўтади[5]. Демак, бундан кўриниб турибдики, бухоролик савдогарлар Шаҳрисабздан келтирилган пахтани газламага айлантириш учун маҳаллий ҳунармандларга бўлиб беришган. Жумладан, 1888 йилдан бошлаб Туркистон пахтасини катта миқдорда сотиб олган "Ака-ука Шлоссберглар" савдо уйи ҳам Термиздан пахта сотиб олганлиги қайд этилади[6].

Ўрта Осиё халқларининг *бўёқчилиги* борасида махсус тадқиқот олиб борган И. Краузе рўяндан олинадиган бўёқ ипак матоларни бўяш учун энг мақбул эканлигини қайд этади[7]. Бу бўёқнинг

[1] ЎзР МДА. И1-жамғарма, 16-рўйхат, 2280-йиғма жилд, 3-варақ.
[2] ЎзР МДА. И1-жамғарма, 16-рўйхат, 2280-йиғма жилд, 3-варақ.
[3] Ички ва ташқи товар ишлаб чиқаришда мато алоҳида ўринга эга бўлган. ***Қаранг:*** Народное хозяйство Советского Узбекистана. – 1925, – №1. – С. 74.
[4] *Пашино П. И.* Кўрсатилган асар... – Б. 140.
[5] *Спасский Г.* Новейшее описание великей Бухары. // Азиатский вестник. – 1925, – №5. – С. 32.
[6] ЎзР МДА. И19-жамғарма, 1-рўйхат, 251778-йиғма жилд, 23-варақлар.
[7] *Краузе И.* Заметка о красильном искусстве туземцев // Туркестанский сборник. – Спб., – 1873. Т. 57. – С. 209.

машҳурлиги у билан савдо қилувчиларнинг шаклланишига олиб келган, бу бўёқ кўпинча савдо-сотиқ орқали бошқа давлатларга ҳам сотилган. Жумладан, XIX аср ўрталарида Россияга юборилган моллар ичида турли хил матолар, пахта, терилар, гуруч, қуруқ мевалар сингари рўян ҳам борлиги эслатиб ўтилади[1]. Шунингдек, бўёқ тайёрлашда зиғирдан ҳам фойдаланилган.

XIX асрнинг 60-йилларида Туркистон ҳақида кўпгина маълумотлар тўплаган сайёҳ П. И. Пашино Ўрта Осиёнинг бўялган ипларидан тўқилган матолар ранги ўчмаслиги билан фарқланиб туришини таъкидлайди[2]. Кейинчалик ипларни бўяш учун, асосан, Германиядан келтирилган сифатли анилин бўёқларидан фойдаланилган[3]. Анилин бўёғи маҳаллий бўёқларга қараганда сифатли бўлганлигидан ҳунармандлар XIX аср охиригача уларни кенг қўллашган. Бироқ бир-биридан ажралиб турувчи бўёқлар кишида бир қадар нохуш таассурот ҳам қолдирган. Тўқувчиларнинг ўзлари ҳам буни билишган ва иложи борича анилин бўёқларининг бу хил нуқсонларини сездирмасликка ҳаракат қилишган[4]. Чопон ва рўмол тайёрлаш учун қўлланиладиган ипак матолар ёрқин ранглар билан бўялган. Бироқ кейинчалик Россиядан келтирилган анилин бўёғи эса сифатли бўлмаганлиги боис ишлаб чиқарилган маҳсулотларга таъсир этган.

Жанубий воҳаларда XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида тўқимачиликнинг ***кашта[5]чилик*** – ҳунармандчилиги, яъни қўл каштачилиги ўзига хос тарзда ривожланган эди. Шунингдек, аксарият ҳолларда каштачилик буюмлари бозорга мўлжалланмаган бўлиб, асосан, хонадон эҳтиёжини қондириш, урф-одатларни давом эттириш учун тикилган[6].

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, халқ амалий санъатининг юксак намунаси ҳисобланган каштадўзлик, яъни матога кашта(безак) тикиш санъати Ўрта Осиё халқларида тарихнинг қадимги даврларидаёқ шакллана бошлаган[7]. Археологлар томонидан топилган айрим ашёларда ифодаланган турли хил безаклар, шакллар қадимги даврлардаёқ аждодларимизда гўзалликка бўлган

---

[1] *Иванов П. П.* Архив хивинских ханов. Х1Х в. – Л., - С. 140.

[2] *Пашино П. И.* Туркестанский край в 1866г. Путевые заметки. – СПб, – 1868. – С. 140.

[3] *Мейендорф Е. К.* Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., – 1875.

[4] *Развадовский В.* Кустарные промыслы в Туркестанском крае. – Т. – 1916. – С. 8

[5] Кашта (форсча – чизилган, тортилган) амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури; игна билан тикиб туширилган гул, тасвир, нақш. Кашта қўлда (игна, илмоқли игна, илмоқли бигиз билан) ёки машинада (бўз, чит, сатин, шойи, бахмал, мовут ва бошқалар) тикилади.

[6] *Жумаев Қ.* XIX аср охири XX аср Ғиждувон анъанавий каштачилиги // San”at. – 2002. – №2. – Б. 16.

[7] *Морозова А.* Декоративная машинная вышивка. – Т., – 1960. – С. 9

табиий интилиш юксак даражада бўлганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, кашталарда турли хил шакллар, ўсимликлар ва гуллар, ҳайвонлар тасвири акс эттирилади. Воҳада кашта буюмларининг “кирпеч”, “дорпеч”, “сўзана”, “чойшаб”, “чорси”, “рўмолча” каби турлари ва “попук”, “ироқи”, “чақмоқ”, “йўрма” деб аталувчи чоклари кенг тарқалган[1]. Тошкентда эса “ироқи”, “чоргул”, “чаманда гул”, “тагдўзи”, “оқпар” номли кашта билан безатилган дўппилар машҳур бўлган.

Кашта тикиш учун аввал турли чокларда матога ахта (андоза) ёрдамида туширилган гул, тасвир, накш асосида, баъзан матодан иплар суғурилиб тайёрланган асосда санама усулида бажарилади. Бунда жун, ип, ипак (рангли зиғир толалари)дан фойдаланилади. Каштачилик ҳунари билан, асосан, аёллар шуғулланишган ва унда ҳунармандчиликнинг бошқа турлари каби шогирдлик мактаби босиб ўтилмаган. Шу боис, 8 – 9 ёшли қизлар ёшлигиданоқ каштачилик сирларини ўрганиб, ўзларининг сеплари учун кашта безаклари тикганлар. Ўзбекистон ҳудудида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тикиш техникаси ва безаклари мавжуд бўлиб, кашта тикишда, асосан*, босма, йўрма, ироқи, дурия, илмоқ, бахмалчок, попоп* каби чокларидан фойдаланилган.

Қашқадарё воҳаси каштачилигининг ривожланиши маҳаллий аҳолининг тарихий шаклланган ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқдир[2]. Анъанавий каштачилик азалдан кўпроқ ўтроқ аҳолиси (ўзбек ва тожиклар) бўлган воҳанинг шимоли-шарқий зоналари ҳам ҳисобланган Шаҳрисабз (тоғ олди Дўнг, Аваз малик, Шамби, Овул, Учуйли, Мироқи, Паландара, Ҳазрати Башир қишлоқлари) ва Китоб туманлари қишлоқларида аёллар каштачилик билан шуғулланадилар[3].

XIX асрнинг иккинчи ярмида жанубий воҳалардан барча хонадонларда каштадан деворларга осиш учун палак, гулкўрпа, сўзана, деворнинг юқори қисмига эса зардевор[4], жойпўш, кирпеч, буюмларни ўраш учун бўғжома, намоз ўқишга жойнамозлар ҳам тикилган. Шунингдек, жанубий воҳаларнинг барча хонадонлари ўз уйлари хоналарини каштали сўзана, гулкўрпа, зардевор, чойшаб,

---

[1] *Ўроқов М. Б.* Каштадўзлик ва тўқимачилик ҳунарларига оид атамалар// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. – №6. – Б. 47 – 49.

[2] *Ҳакимов А, Носирова З.* Косонсой анъанавий каштачилиги // Мозийдан садо. – №1., – 2009. – Б. 8.

[3] *Ҳакимов А, Носирова З.* Косонсой анъанавий каштачилиги // Мозийдан садо. – №1., – 2009. – Б. 8.

[4] Хонанинг тўрини ва девор тепасини безаш учун ишлатиладиган кашта тикиб безатилган мато.

кирпеч (сидирға чокли палак) кабилар билан безатишган[1]. Уй анжомларидан – сандалпўш, жойнамоз, жойпўш (келин-куёв ёпиниб ётадиган гулли чойшаб), ойна халта, тароқ халта, туз халта ёки қошиқлов, даструмол, нимча, дўппи, кўйлакларнинг ёқа ва этаклари, кашта енглар, паранжи, кейинчалик аёллар желакларига ҳам кашталарнинг тикилиши, ҳатто оёқ кийимларидан ковуш, маҳси, этикларни ҳам кашта билан безатишганлиги ҳам бу ҳунар турининг алоҳида ўринга эга эканлигидан далолат беради. Фарғона водийсида эса рўйжо, Тошкентда чойшаб, Бухорода жойпўшдан фақатгина уйларни безашда фойдаланишган[2].

Қашқадарё воҳасининг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси ҳам қизғиш, тўқ кўк, оқ-қора, оч сариқ, жигарранг ва бошқа рангдаги кичик-кичик ўлчамдаги матоларга кашталар тикишган[3]. Кашталарда турли юлдузчалар, доира, тўртбурчак шаклидаги гулли нақшлар ва яна турли-туман кўриниши нақшлардан ўзига хос тарзда фойдаланишган.

Каштачилик Қашқадарё ва Сурхондарёда дўппи, яктакнинг елкасига, желакнинг енгига, жойнамозга, келин кўйлакнинг ёқасига, енгига, куёвнинг белбоғига, даструмолига ва турли хил нарсаларга гуллар чизиб, кашта тикишган. Бу воҳаларда кашта тикишнинг *“санама”, ”илма”, ”йўрма”, ”босма”, “жималай”* каби турлари мавжуд бўлиб, тикувчилардан ниҳоятда санъаткорликни талаб қилган.

Сурхон воҳаси каштачилиги ҳам ўзига хос бўлиб, тузилиши ва номланишига кўра бошқа ҳудудлардагидан фарқ қилади. Каштачилик маҳсулотлари турларига қараб иккига: ўзига хос эстетик вазифаларни бажариб уйни безатишда фойдаланиладиган йирик гулли сўзана, нимсўзана, зардеворлар ҳамда кишилар кийим-кечагининг айрим қисмларини безовчи майда гулли кашталарга бўлинади. Бундай каштали бумларга пешкурта[4], елкага ташлаб қўйиладиган рўмоллар, ёқа, енг кашта, қўлрўмолча, дўппи, култапўшак, этик, белбоғлар, шунингдек, турмушда фойдаланиладиган ойна халта, чойхалта, даструмол, болиш, сарпоккун, қошиқлов ва бошқа нарсалар ташкил этади[5]. Жумладан, Бойсуннинг қўнғиротлари

[1] Ўзбекистон амалий санъати. – Т., – 2003. – Б. 16.; Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – Т., – изд. АН УЗССР., – 1954. – С. 113.

[2] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XXвв. Т., – 1986.

[3] Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. 2009 йил.

[4] Воҳа келинлари ёпинадиган тўй ёпинчиғи

[5] *Абдуллаева Ш.* Ручная вышивка Сурхандарьи 2 половины 20 века. // Бойсун баҳори. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, – 2002. – Б. 81.

кўйлакларининг ёқаларига кашта солинган бўлса, чиғатой, ўзбек, тожик чиғатой аёллари эса кўпроқ кўйлак олди ва енгларига кашта тикишган[1].

Воҳа каштачилигининг ўзига хос локал хусусиятларига сабаб, унинг аҳолиси мураккаб этник гуруҳлари маданиятларининг қорушувидан ташкил топган. Чунончи, Шўрчи, Денов ва Шеробод каштачилиги тоғли туман Бойсун каштачилигидан анча фарқ қилади. Бойсун каштачилигида бой ўсимликсимон нақшлар асосий рол ўйнаб, унда Тожикистоннинг тоғли туманлари каштачилиги анъаналари умумийлашиб кетган бўлса-да, барибир воҳага хос маҳаллий хусусиятлар сезилаб туради[2]. Сурхон воҳаси каштачилигининг Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз каштачилик марказларидан фарқланувчи томонлари унинг рангларининг берилиши бўлса, бундан ташқари оқ матога йирик гуллар билан кашта тикишдир.

Ўрта Осиё халқларида каштачилик, айниқса, ўрта асрларда яхши ривожланган. Саноат юксалиб, кашта тикиш машиналари қўл меҳнатини сиқиб чиқараётган бўлишига қарамай, бадиий дид ва нафосатни ўзида мужассамлаштирган *жўрма, илма ва босма* кашталар аёллар қўл меҳнатининг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, аҳоли орасида кенг оммалашган амалий санъат турига айланган эди[3]. Шунингдек, бу даврда ўлка халқлари орасида пул-товар муносабатлари ривожланиши оқибатида кўплаб кашта маҳсулотлари бозор учун чиқарила бошланган. Бу даврда кашталар шакли, ҳажми ва албатта, безак турларида ҳам қатор ўзгаришлар юз берган. XIX аср охири – XX аср бошларида каштадўзликнинг ажралмас тармоқларидан чолмадўзлик[4], жиякдўзлик[5] ва қалпоқдўзлик Зарафшон воҳаси қишлоқларида аҳоли эҳтиёжини қондирган хонаки касб сифатида фаолият кўрсатган[6]. Чолмадўзлик Бухоронинг атроф қишлоқларида “зеҳидўзлик” деб юритил-

[1] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун... 243 бет.

[2] *Абдуллаева Ш.* Ручная вышивка Сурхандарьи 2 половины 20 века. // Бойсун баҳори. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, – 2002. – Б. 81.

[3] *Қаранг: Ўроқов М. Б.* XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўзбек хотин-қизларининг чеварчилик касб-ҳунари. // Общественные науки в Узбекистане. – 1998. – №1. – Б. 77 – 80.

[4] Чолма қўлда (чолиб) тўқилган энсиз кашта бўлиб, халат ёки яктак ва кўйлак ёқаси, кўкрак пеши, этаги ва ёқаларига тутилган ҳамда кийимларнинг яхлитлигини янада очган.

[5] Жияк безагига кўра чолмадан юқори бўлиб, қўлда тўқилган ва аёлларнинг паранжи, чачвон, дўпписи, лозимларига қўйилган энсиз каштадир. Жияк тўқийдиган алоҳида махсус асбоблар бўлмаган. Чеварларнинг оёқ ва қўлларидаги панжалар тўқишда бевосита дастгоҳлик вазифасини бажарган.

[6] ЎзР МДА. 5 -жамғарма, 1- рўйхат, 1- йиғма жилд, 84-86-варақлар.

ган[1]. Кўриниши энсиз жиякларга ўхшаса-да, унинг тикилиши ва шакли тамоман фарқ қилган.

Қалпоқдўзлик (дўппидўзлик) ҳам хонаки касб бўлиб, енгил бош кийими тикиш ҳунаридир. Дўппилар миллий либосларнинг асосий қисми ҳисобланиб, шакл жиҳатдан тўртбурчак, конуссимон, думалоқ ва турлича бўлган. Илгари салла тагидан конуссимон дўппилар кийилган. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари дўппиларда ҳам ўз аксини топган. Шаҳрисабз, Сурхондарё дўппилари Марғилон, Чуст, Хоразм, Бухоро дўппилари каби ўзига хос маҳаллий хусусиятларга эга[2]. Масалан, Шаҳрисабз гилам дўппилари жуда чиройли бўлиб, уларда турли рангларга бой гулдасталар бутун дўппини қамраб олади. Фарғона ва Тошкентда Чуст дўппилари асосий қисмига қора ва оқ ипда қалампир ва бодом шакллари тикилган. Дўппининг Марғилон дўпписи эса Чуст дўпписидан фарқлироқ қалампир нусхаси нозик ва узунроқ бўлган[3].

Дўппиларни тикиш техникаси ҳам ранг-баранг бўлиб, ироқи, хомдўзи, пилтадўзи, босма, йўрма, чакматўр, попоп каби турлари кенг тарқалган. Тошкентда асосан дўппилар ироқи чокида тикилган. Бундан ташқари, бу ерда майда чакматўр чокида тикилган қадимдан машҳур дўппилар ҳам сақланиб қолган. Бойсунда эса дўппилар пилтадўзи чоки билан тикилган. Бундан ташқари, Бухоро ва Самарқандда олтин ва кумуш иплардан зардўзи-гулдўзи ва зардўзи-заминдўзи шаклларда ҳам машҳур дўппилар тикилган. Дўппиларни тикиш билан, асосан, аёллар, безаш усуллари билан эса алоҳида қаламкаш ёки чизмакашлар шуғулланганлар. Ҳар бир маҳаллада махсус чизмакашлар бўлган. Бу соҳа билан шуғулланувчиларнинг касби авлоддан-авлодга ўтиб борган.

Ўзбек аёлларининг дўппидўзлик санъати бугун нафақат чет элларда машҳур, ҳатто қозоқ, қирғиз аёллариникидан ҳам фарқ қилади[4]. Бу касбнинг XIX аср охири – XX аср бошларида кўпчилик чеварлар қўшимча касб сифатида, баъзилари эса ўзларининг махсус ҳунари қилиб ўзлаштирганлар. Қалпоқ маъноси Ўрта Осиёда турли хил терминлар билан ифодаланган бўлиб, унинг тепаси ва гардишига эса ҳар хил чоклар билан кашта солинган. Хусусан, Самарқанд ва Ургутда қизлар қалпоғи “тўппи”, Бухоро, Нурота,

---

[1] *Ўроқов М. Б.* XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида... – Б. 78.

[2] *Турсуналиев К.* Все цвета радуги. – Т., – 1991. – С. 4.

[3] *Турсуналиев К.* Все цвета радуги. – Т., – 1991. – С. 4.

[4] *Нишонова О.* Ўзбек аёллари этномаданияти: тарихийлик ва замонавийлик // Фалсафа ва Ҳуқуқ. – №2., – 2005. – Б. 76.

Жума ва Самарқанднинг баъзи қишлоқларида ўзбек, тожик аҳолиси орасида “каллапўш”, ”такия” каби хиллари бўлган. Қашқадарё воҳаси қишлоқларида қалпоқ деб юритилади.

Шунингдек, бош кийимининг бу тури Самарқанд, Ургут, Челак, Каттақўрғон, Катақангли, Мирбозор атроф қишлоқлари орасида “қалпоқ”, “калваш”[1] каби атамаларида учрайди. Самарқанд, Иштихон, Каттақўрғон атрофидаги қишлоқлари аҳолиси қалпоқнинг безагига қараб “босма қалпоқ” ёки “чамандагул” қалпоқ, ироқи чок тикилган қалпоқларни эса “ироқи қалпоқ” деб юритганлар. Босма қалпоқ аксарият, камбағаллар (батрак, мардикор ва бошқа)нинг асосий бош кийими ҳисобланиб, унга ҳеч қандай кашта тикилмаган. Чамандагул, тепачуқур, юлдуз, от туёғи, қора бахмал, башорат ва ироқи қалпоқларни эса ўрта ҳол ва бой кишиларнинг бош кийимлари бўлиб, уларга ҳар хил чоклар билан махсус кашталар солинган.

Ўз аҳамиятига кўра, тикувчилик (чеварчилик) касби Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида “ҳунармандчилик артеллари”га айлантирилди. Бироқ ўта ҳаётий зарурат бўлган чеварчилик касблари қатағонлик йиллари асоссиз равишда тугатиб юборилган эди.

Йиллар ўтиши билан халқ амалий санъатининг маиший буюмларга эҳтиёжи камайиб, уларнинг ўрнини Европа, айниқса, Россиядан келтирилган буюмлар эгаллай бошлади. Қадимда тикилган кашталарнинг нафақат сонига, балки сифатига ҳам путур етди. Қадимги кашталарнинг ўзига хос хусусиятлари: яъни кашталарга танланадиган матолар оқ, малла (сарғиш – С. Д. ) бўз бўлган ва уни тикишда фақат ипакдан фойдаланишган. Уларнинг узоқ сақланишини ҳисобга олиб уларда ишлатиладиган ипакли толага пухта ишлов берилган, ранги тез ўчмаслиги учун табиий бўёқлардан фойдаланишган. Кашталарнинг нафис ва ёрқин кўриниши учун ранглар уйғунлигига эътибор қаратилган.

Кашта тикиш учун матолар асосан қўлда хонаки усулда тайёрланган ва бўялган. Одатда, йирик кашта буюмлари нусхаларини махсус тажрибага эга бўлган чизмакаш – нусхачилар чизишган. Чизмакашлар нақшларни қора табиий бўёқда ингичка қамишдан ясалган қаламда чизишган[2].

[1] Туркманларда “ғалпак” деб юритилган. *Пиркулиева А.* Домашние промыслы и ремесла туркмен долины Средней Амударьи во второй половине XIX – начале XX века. – Ашхабад. – 1970. – С. 32.

[2] *Чепелевецкая Г. Л.* Ўзбекистон сўзанаси. – Т. – 1961. – Б. 21.

Ўзбек каштачилигида қўлланилаётган босма, бигиз, дурия, илмоқ, бахмалчок, попоп, йўрма, кандахаёл усулларининг ичида ироқи услуби алоҳида ўрин тутади. Ироқи услубидаги кашта намуналари Шаҳрисабздан ташқари, Андижон, Ургут ҳамда Шимолий Афғонистонда ҳам учрайди[1]. Шаҳрисабз кашталаридаги безак ва рангларнинг ишлатилиши, каштали буюмлардаги рангларнинг ёрқинлиги, бир-бирига уйғунлиги, табиийлиги билан ажралиб туради. Жумладан, ироқи услубида тикилган буюмлар – чопон, шалвор, дўппи, от жули, маҳси, нимча, камзул, ҳамён, бўғжома, бўғча, ойна халтача ва ҳоказоларда ёрқин қизил, пушти, тўқ-сариқ, тилло сариқ, оч ва тўқ жигарранг, пиёз ранг, новвот, ёнғоқ, яшил, индиго ранглари ўзининг сифатли бўялганлиги ва сержилолиги билан ажралиб туради.

Шаҳрисабз сўзаналарининг ўзига хослиги унинг композициядаги катта айлана марказида гулдасталар жойлаштирилган. Гулдасталар атрофи майда гулли ҳошиялар билан тўлдирилган. Қаршида эса дўппилар сирти майда чизиқлар билан ҳошияланган. Ёстиқ жилдлари, рўйжо каби буюмлар эса Нурота каштачилиги анъаналари асосида ўсимлик, гул, барг шакллари билан кашталаб безатилган[2].

XX асрнинг бошларида каштачиликда янги тасвирлар ҳам пайдо бўлди. Аксарият кашталарда гуллар хилма-хил кўринишда тасвирланган. Масалан, анор, бодом, қалампир нақшларининг 100 дан ортиқ кўринишлари пайдо бўлган. Бироқ ироқидаги қадимий *офтобпараст, тўпчини*, *шопқилич* деб аталувчи нақшлар ўзгармаган ҳолда тарқалган. Кашталар кишиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи, дунёқараши, маданияти, ҳаётидаги ҳар хил воқеа-ҳодисалар, хўжалик юритишлари ва табиий шарт-шароитлари улар кийган кийимларга хос бўлиб, ҳаёти давомида уйғунлашиб борган. Кашталар билан нафақат кийимлар, ҳатто ўтовлар, уйларнинг пештоқлари, эшиклар махсус тикилган ёрқин рангли кашталар, зардеворлар билан безатилган. Ироқи кашта нақшларининг кўпчилиги чети қурли (кашта гулларини иккига ажратиб турувчи чизиқ “қур” деб аталади), нақшлари эса, каштанинг асосий марказида гуллар композициясида катта айлана тўплам, қолган нақшлар эса кичикроқ тасвирланган.

Ироқи каштаси бошқа кашталарга қараганда анча фарқ қилиб, икки хил усулда санама ва чизма усулида тикилади. Босма ёки

[1] *Мамадиёрова Ю*. Шаҳрисабз ироқи каштачилиги // Мозийдан садо. – 2008., – №4. – Б. 8.
[2] *Гюль Э*. Шаҳрисабз кашталари // San’at. – Т., – 2002. – № 1. – Б. 14-18.

бигиз усулидаги нақшлар тўлдириб тикилса, ироқи усулида мато таги ҳам, нақш ҳам тўлдириб тикилади. Ироқи каштасини тикиш учун махсус мато-канва ишлаб чиқарилган. Кейинчалик пахтали бўз мато ишлаб чиқарилган, ироқи кашта тикиш авж олиб кетди. Илгари бўёқлар табиий усулда олинган бўлса, ҳозирда кимёвий усулда бўялган иплардан ҳам чиройли ва рангли кашталар тикилмоқда.

Кашталарнинг ранглари бир-бирига қарама-қарши қилиб тикилиши ҳам уларни бадиий санъат асари даражасига кўтарган бўлса ажаб эмас. Баъзан кашталарнинг паст сифатли ипак билан тикилиши ҳам унинг қимматини пасайтирган.

Ўзбекистонда *йўрмадўзликнинг* кенг ривожланиши ва йўрма тикиш машинасининг пайдо бўлишидадир. Қўлда кашта тикиш усуллари ичида йўрмалаб тикиш энг мураккаб усуллардандир. У кашта игнаси ёки илгакчада тикилади. Чеварлар оддий игнада ҳам чамбараксиз гул тикишади, йўрма бигиз учун эса чамбарак тортилади. Ўзбек ва тожик каштачиларининг қўлда йўрмаб тикишни “йўрма” деб юритсалар, қорақалпоқ ва қозоқлар “илмоқ” деб атайдилар[1]. Дастлаб эркак усталаргина қўлда кашта тиккан бўлиб[2], уларни “попурдўз” ёки ”попопчи”[3] деб аташган. Улар кашталарни буюртма асосида ёки ўзлари сотиш учун ҳам тикишган. Кейинчалик йўрма машинада кашта тикадиган аёл чеварлар етишиб чиқа бошлади. Бироқ вақт ўтиши билан кашталарнинг турлари ҳам, уларнинг вазифалари ҳам анча тез ўзгараверди. Кашталар аввалги пайтлардагидек жойнамоз ёки қизларнинг сепи сифатида (чойшаб, сўзана, палак, гулкўрпа, кирпеч, зардевор ва бошқалар) фойдаланиш аҳамияти йўқолиб, уйларни безаш, амалий санъат безаги воситасига айланди. Халқ турмуш тарзида кашталардан фойдаланишнинг турли турлари пайдо бўлдики, булар асосан кароват ва диван чойшаблари, ёстиқжилдлар, дарпарда, ойна ва эшик пардаларидан иборат бўлиб қолди. Ҳаттоки, ҳаётда қўланилишига қараб, амалий санъат безаги ёки бозорда энг мақбул нархларда сотиладиган товар хом-ашёсига айланган эди.

XX асрда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида ислом маданияти ва санъати анча ўзгаришларга учради. Ўзбек ҳунармандчилигида аввалги мусулмон санъати анъаналари сақланиб қолган бўлса-да, кўплаб ҳунармандчилик турлари йўқо-

[1] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик... – Т., – 1960. – Б. 6.

[2] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик... – Т., – 1960. – Б. 11-бет.

[3] “Попоп” сўзининг луғавий мазмуни аниқ эмас. У йўрмадўзлик машинасининг ишлашидан ҳосил бўладиган товушни эслатиб туради.

либ кетди. Мустақиллик шарофати билан яна анъанавий ҳунармандчилик қўллаб-қувватлана бошланди ва йўқотилган, унутилиб бораётган турлари қайта тикланмоқда.

Ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан бири бу *зардўзликдир*[1]. Тикилаётган буюмнинг катта-кичиклигига қараб дастгоҳ атрофида бир нечтагача зардўзлар ўтиришган. Ҳозирги кунга келиб эса замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларда, зардўзлар металлардан тайёрланган дастгоҳлар атрофида стулларга ўтиришиб тикишади. Зардўзлик Қашқадарё воҳасининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида бугун янада ривожланмоқда.

Зардўзликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар унча кўп бўлмайди ва улар ўзига хос тузилишга эга. Зардўзликда ишлатиладиган асосий асбоб корчўп[2] бўлиб, у чамбарак ва хўракдан иборат. Шунингдек, патила, ангишвона, нина, қайчи, турли хил газламалар (бахмал, духоба, сатин, парча, атлас, шойи, мовут, дока, адрас, вильюр, вилвет, саржа, алача, бўз, сурп ва бошқа матолар) ва зардўзлик иплари киради. Зардўзлик буюмлари, улардаги нақшлар ранг-баранг ва мураккаб бўлиб, уларни ишлаб чиқариш технологияси зардўзлар томонидан асрлар давомида яратилган. Ўрта Осиё қадимдан ўзининг зардўзлик санъати, яъни эркаклар ва аёллар кийимини ва уй-рўзғор жиҳозларини безаш билан машҳурдир[3].

*Гиламдўзлик* асосан, чорвачилик билан узвий боғлиқ бўлиб, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Амударёнинг қуйи томонларида тараққий этган ва бугунги кунгача давом этиб келмоқда. У уйда аёллар ишлаб чиқаришига асосланган бўлиб, гиламдўз усталар ўзига хос тукли ва туксиз гиламлар ишлаб чиқаришнинг турлича техникасига эга бўлганлар[4].

Қашқадарё воҳасида асрлар давомида гиламдўзлик анъаналарини давом эттириб келаётган Қарши чўлларида яшовчи чорвадор ўзбеклар, араблар ва туркманлар бўлиб, улар Қамаши, Жейнов, Чироқчи туманларида яшашган[5] ва ҳозирга қадар ҳам бу анъана-

---

[1] Зардўзлик зар ип билан нақш(кашта) тикиш касби ҳисобланади. Зардўзлик сўзи форсча зар ”тилла”, “дўзи – тикмоқ”, яъни зар ип билан кашта тикмоқ деган маънони англатади. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам зардўзлик билан шуғулланадиган ҳунармандларни зардўзлар деб аташган. Қадим зардўзнинг иш ўрни кўрпачалар устига ўтириб, ёғочдан тайёрланган зардўзлик дастгоҳида корчўпда тикишган.

[2] Корчўп форсча сўз бўлиб, “кор – иш”, “чўп – тахта” маъноларини англатади.

[3] *Гончарова П. А.* Золотое шитье, Народное декоративное- прикладное искусство Советского Узбекистана, – Т., – 1954. – С. 172.

[4] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусства Узбекистана. – Т., – 1972. – С. 17 – 20.

[5] *Мошкова В. Г.* Ковры народов Средней Азии конца XIX – начала XX вв. – Т.: – Фан, – 1970. – С. 105.

ларни давом эттириб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам Қашқадарё гиламларида кўпроқ дашт чорвадор қабилаларининг гиламдўзлик анъаналари сезилиб туради. Бундан ташқари, воҳа гиламдўзлигида, асосан, геометрик нақшлар ва қисман ислимий безаклар ҳам ишлатилган. Улар тўқиган гиламдўзлик буюмлари сирасига бозор гилам, қиз гилам, жулхирс гилам, араби гилам, қоқма гилам, жун гилам, патсиз палослар турли буюмлар солиб қўйиладиган гилам, халта тўрвалар, хуржун ва бошқаларни киритиш мумкин. Воҳада гиламдўзлик ҳунармандчиликнинг бошқа турларига қараганда кам тарқалган бўлса-да, XIX – XX аср бошларига мансублари ўзининг юқори сифати ва нақшларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Жумладан, бугунги кунда ҳам Қашқадарё воҳасининг Муборак тумани (Геолог қишлоғи), Қарши шаҳри (Шойхўжа қишлоғи), Деҳқонобод (Оқиртма қишлоғи), Косон (Оқтепа, Жиззали, Оброн қишлоқлари), Касби (Касби маркази), Чироқчи (Маданият, Чияли қишлоқлари), Яккабоғ (Қорасув ва Ғуржоб қишлоқлари), Китоб (Дониёршайх, Варганза, Қурама, Чиркай ва Ўрус қишлоқлари), Шаҳрисабз (Дўнг, Аваз, Малик, Шомби, Овул, Учуйли, Мироқи, Паландара, Наримонов, Ҳазрати Башир ва бошқа) каби туман ва қишлоқлари гиламчиликнинг асосий марказлари ҳисобланади[1]. Бу жойларда бугун ҳам анъанавий усулларда нақш солиб безаш технологик хусусиятларига кўра ажралиб туради[2].

Қарши Ўрта Осиё ҳудудидаги гилам тўқиш энг ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланиб, гиламлар, асосан, табиий бўёқларда бўялган жун ва пахта, жуда кам ҳолларда эса ипак толалардан тўқилган. Асосий хомашёси қўй жуни ҳамда туя жунидан бўлган гиламдўзлик илгари кўчманчи ҳаёт кечирган халқларда (туркман, араб, ўзбекларнинг қўнғирот, сарой, манғит уруғлари) кенг тарқалган, уларга Қашқадарёнинг ғарбий ва марказий туманлари (Муборак, Деҳқонобод, Чироқчи, Ғузор, Қамаши) киради. Воҳанинг ғарбий ва жануби-ғарбидаги Муборак, Деҳқонобод туманларида қадимдан яшаган кўчманчи ва чорвадор ўзбек уруғларидан қўнғиротлар, шунингдек, туркманлар, араблар гилам буюмларидан кенг фойдаланганлар[3].

[1] *Ҳакимов А.* Қашқадарё вилоятининг анъанавий ҳунармандчилиги // Мозийдан садо. – 2008. – №4. – Б. 4.
[2] *Ҳакимов А.* Қашқадарё вилоятининг анъанавий ҳунармандчилиги // Мозийдан садо. – 2008. – №4. – Б. 4.
[3] *Ҳакимов А, Носирова З.* Косонсой анъанавий каштачилиги ... . – Б. 8.

Айнан гилам тўқиш учун зарур бўлган дастгоҳлар кичик бўлиб, олиб юришга қулай ва ўрнатиш осон бўлган[1]. Узунасига ва энига тортилган ипларнинг эни 40 см келадиган йўл-тахтни ташкил этади. Одатда, гилам тўқиш учун қўй жунидан ёки айрим ҳолларда пахта ипидан ҳам фойдаланилади. Битта гиламга 8 – 12 килограмгача хомашё керак бўлади. Қўйлардан олинган баҳорги қирқим жун сифатли бўлиши керак. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, кузги қирқим жундан яхши гилам тайёрлаб бўлмайди. Чунки баҳор ва кузги қирқимларнинг фарқи шундаки, айнан баҳорги жун узун ва майин гиламбоп бўлади. Кузги жун эса қаттиқ ва дағал бўлиб, асосан кигиз босиш учун ишлатилади. Гилам тўқиш ишлари аввало жунни ювишдан бошланган бўлиб, ювилган ва жунтароқда текис таралган жун калава қилинади, сўнг урчуқда ип қилиб эшилган. Дастлаб жун иплар(калава) шўр сувга солиб, қайнатилган. Калава асосан, тузли сувда қайнатилганлиги учун пишиқ ва чидамлилиги билан ажралиб турган. Шу сабабли калава кўпроқ тузли сувда қайнатилиб, заҳри кесилган. Бунга сабаб, жунни тайёрлаш ишлари қўлда бажарилгани учун иш жараёнида қўлга салбий таъсир кўрсатиб, турли тери касалликларига сабаб бўлган. Жун иплар қозонда қайнатилгандан сўнг, олиб қуритилган[2]. Улар яхши қуригач, яна тоза сувда ювилган ва пишиқ, мустаҳкам, чидамли бўлиши учун хамир қоришмасига ҳам солинган. Қолаверса, одатда, аёллар жун ипларни ишлатганда қўллари қизарган, териси шилиниб қаварган, баъзан терининг турли хил аллергик касалликларга чалинишига ҳам олиб келган. Шу сабабли ипни тузли сувда қайнатиб, унинг заҳри йўқотилган. Баъзан сувга ун солиб қайнатилган ва қуюқ елим ҳолатига келган унли қоришмага жун ипларни солиб, қозонларнинг қопқоғи 2-3 соат беркитиб қўйилган[3]. Шундан сўнг иплар қозондан олиниб, офтобда қуритилган ва пишиқ, мустаҳкам бўлиши учун яна хамир қоришмасига солинган.

XIX аср охиригача гилам тўқишда фойдаланишга мўлжалланган калава иплар тоғда ўсадиган турли ўсимликлардан олинадиган бўёқларда бўялган. Кейинчалик Россия сифатсиз бўёқларининг кириб келиши бу муаммони бироз енгиллаштирган бўлди. Бироқ бу

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани. 2009 йил.

[2] *Давлатова С. Т.* Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т: Янги аср авлоди, – 2006. – Б. 94.

[3] Баъзи туркий халқларда жундан бўлган ип калавалар сутга ботириб олинган. *Қаранг: Томина Г. Н.* Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии...– С. 230. Туркманларда ҳам буғдой уни қоришмасига туз солиб жун ипларни қайнатишган. *Қаранг: Васильева Г. П.* Туркмены-нохурли. // СЭС. 1. – М., – 1954. – С. 82 – 215.

ишлаб чиқарилган гиламларнинг сифати ва қиймати анча пасайишига олиб келади. Ҳозирда эса ўсимликларнинг илдизи, пўстлоғи ва мевалардан турли хил ранглар олиш қайта йўлга қўйилмоқда ва механик услубда олиш учун тажрибалар қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамон ўрганилаётган ҳудудлар гиламчилигида бўёқлар ҳали ҳам табиий усулда бўялиши ва кўпроқ фойдаланилиши гиламларда ўзига хос локал хусусиятларни акс эттиради. Чунончи, Бойсун тумани Гуматак қишлоғида қора бўёқни татум деган дарахт мевасидан, сариқ бўёқни ёнғоқ дарахтида ўсувчи замбуруғдан, қизил бўёқни эса ёввойи рўяндан оладилар. Бўёқ сифатида яна жийда, ўрик, терак илдизларидан фойдаланадилар, улар қизил ва жигарранг бўёқ олишда жуда қулай. Аммо бу бўёқларда бўялган жунларнинг рангги тиниқ чиқмайди, кўриниши жиҳатдан бироз хирароқ кўринади[1]. Бўялган иплар тўқиладиган гиламнинг безагига қараб олинади. Гилам ипларни ўриш ва бир-бирига оддий тўқиш йўли билан ҳосил қилинади. Гиламнинг арқови бўялмаган бўлади. Чунки у тўқилганда юқори ва пастки ўриш иплари остида умуман кўринмайди. Натижада гилам икки ёқлама бўлиб чиқади: ўнг томони сидирға, йўллари турли энликда бўлиб, тескари томонидан сира фарқ қилмайди. Бир томондан ўтказилган арқоқни гиламдўз тез ҳаракатлар билан ёнғоқ дарахтидан тайёрланган ёғочдан қилинган махсус қилич билан уради, натижада ип қаттиқ зичланади.

Ёғоч қилич – гиламдўзликнинг асосий иш қуроли ҳисобланиб, ҳунармандчиликнинг моддий қадрияти, мулк сифатида аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари дашт, тоғли ва тоғолди минтақаларида чорвачилик билан шуғулланувчи қўнғиротлар орасида жундан кийимлар ва кундалик хўжалик маҳсулотларидан чакмон, пўстин, турли хилдаги гиламлар, халта, хуржунлар тайёрлаш расм бўлганлиги боис, жундан ип йигириш ҳам айнан мазкур минтақаларда кенг тараққий этган. Тадқиқотчилар Бойсун ва Нурота қўнғиротларининг XIX аср ва XX аср бошларидаги гиламларида акс этган безак-нақшларида кўпгина ўхшашлик мавжудлигини таъкидлашади. Бунга сабаб, иккала туманда яшовчи қўнғиротларнинг азалий ўзаро оилавий муносабатларидан дарак беради[2]. Қўнғирот аёллари ёз фаслида маҳаллий усулда гилам тўқишган. Анъанага кўра, қизларни турмушга бераётганда махсус гилам –

---

[1] *Гюль Э.* Қўнғирот гиламлари // Мозийдан садо. – 2004 – №1. – Б. 8.

[2] *Гюль Э.* Ковроткачества Байсуна // История и традиционная культура Байсуна. Труды Байсунской научной экспедиции. – Вып. 2. – Т., – 2005. – С. 27.

“қиз гилам” тўқишиб ва буни сеп тариқасида беришган. Қизлар ва келинлар эса бу гиламни мерос сифатида сақлашган. Бундан ташқари, гиламнинг бир неча тури (қоқма, жулхурс ва ш. клар) худди каштали кийим-кечаклар сингари сепнинг асосий қисми ҳисобланган. Демак, бундан кўриниб турибдики, воҳа аҳолиси тайёрлаган ҳунармандчилик маҳсулотлари бозорга кам миқдорда чиқарилган бўлиб, асосан, ўз фарзандлари ва уйлари, қариндош-уруғлари ўртасида фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган. Шу боис, каштачилик юксак маҳорат билан бажарилган бўлиб, рангларнинг уйғунлигига ҳам қатъий амал қилинган[1].

Сурхон воҳаси тожик аёллари жундан нақшли наматлар (кигизлар) тайёрлашган ва ҳатто ўтов учун тукли маҳсулотлар ҳам тўқишган[2]. Шунингдек, Сурхондарёнинг ғажари ва терма гиламлари ўзининг мураккаб тўқилиш услуби билан ажралиб туради[3].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида шол гилам, патли гилам, жулхирс, араби гилам, ғажари гилам, хуржун тўқиш, чакмон ва супра тикиш ва кигизга гул босиш кенг расм бўлган[4]. Гиламдўзликнинг энг йирик марказларидан бири бу Қашқадарё воҳасининг Жайнай қишлоғи бўлиб, бу ерда ўрта асрларданоқ кўчиб келган араблар яшашади. Ҳозирги кунда улар маҳаллий аҳолига сингишиб кетган. Шундай бўлишига қарамасдан улар ўзларининг қадимий анъаналарини сақлаб қолишган. Бу ерда, асосан, қадимий ҳисобланган жиҳиз гиламлар тўқилади ва сақланади. Бу ерда тўқиладиган “жиҳиз” гиламни Г. Мошкова ўз асарида “қиз гилам” деб кўрсатган[5].

Чорвачилик узоқ йиллар давомида ўлка аҳолиси, хусусан, ўзбеклар, туркманлар, араблар ва қорақалпоқлар учун асосий ва сердаромад тармоқ ҳисобланган. Анъанавий гилам тўқиш билан бу ерда, асосан, араблар шуғулланишган. Гиламлар ўзининг яхши сифати боис доимо харидоргир бўлган. Бу эса гилам тўқишга бўлган интилишни кучайтирган. Қаршидан 30 км узоқликдаги Қамаши, Хўжаки, Жейнов қишлоқларида ҳам гилам тўқиш ривожланган. Бу ерда “араби гилам” деб юритиладиган патсиз гиламлар тўқилган. Шунингдек, жойнамоз, парда, тўрва, қоп, хуржун, турли маиший

---

[1] *Дудин С. М.* Ковровые изделия Средней Азии // СМАЭ. Т. 7. – Л., 1928. – С. 139 – 140.

[2] *Султанов М. Х.* Этнографические наблюдения в Сурхандарынской области // Материалы по истории Узбекистана. – Т., – Фан, – 1966. – С. 74 – 75.

[3] Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана Х1Х – ХХ вв. – Т.: – Фан, – 1986. – С. 58.

[4] *Бўриев О. Хўжамбердиев Т.* Ўзбек халқи боқий қадриятлари (Этнотарихий лавҳалар). – Қарши. “Насаф”. – 2005. – Б. 73.

[5] *Мошкова В. Г.* Кўрсатилган асар... – Б. 106.

буюмлар учун ғилоф, жилдлар тайёрланган. Бу буюмларда кўчманчи чорвадор халқларнинг ўзига хос маданияти акс этган. Гилам тўқишда кенг ғалтакли дастгоҳдан майда маиший уй-рўзғор буюмларини тўқишда эса тор ғалтакли дастгоҳдан фойдаланилган. Гилам ва бошқа буюмларнинг чекка ҳошияси учун ипак ип қўлланган. 1870 йилгача гилам учун фақат табиий бўёқлардан фойдаланишган. Кейинчалик табиий бўёқлар ўрнини анилин бўёқлар эгаллайди. Бўёқлар бир-биридан аниқ ажралиб турадиган қизил, тўқ сариқ, кўк, яшил, оқ, қора рангдан иборат бўлган. Гиламлар тўқилиши ва безаклари жиҳатидан ҳам бир-биридан алоҳида ажралиб туради. Қоқма, ғажари, терма, беш кашта ёки ҳурбовлик (нақшга қўшимча ип қўшиш) усулида тўқилган гиламлар бир-биридан фарқ қилади. Араби гиламлар безаклари тишсимон, поғонасимон, квадрат, ромб, учбурчак шакллардан иборат. Безакларга қўшимча сифатида турли рангларда занжирсимон квадрат ёки ромб шакллари қўшилган. Араби гиламлари билан ўзбек гиламлари тўқилиши, безаклари (геометрик шакллар алмашиниши) жиҳатидан муайян умумийликка эга. Бу икки мусулмон халқ анъаналари яқинлигидан келиб чиққан. Шунингдек, ўзбек ва араби гиламларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳам бор.

Сурхон воҳасида эчки жунига талаб катта бўлиб, маҳаллий ҳунармандлар ундан гилам, кигиз, хуржун, қоп, арқон, матолар, қўй терисидан этик, маҳси, кавуш, меш, дам, чолвор, камар каби буюмлар тайёрланган. Гилам тўқиш касбини уй шароитида оиланинг кекса ёшли аёллари ўргатган ва қизлар болалик вақтидан бошлаб урчуқ йигиришган ва сўнгра вақти соати етгач, ўрмак(гилам тўқиш - С. Д. ) тўқиш ҳунарини ўзлаштириши шарт бўлган. Улар, асосан, поёндоз, халтача, мапрамачлар тайёрлашган.

Қашқадарё воҳасида гиламларнинг энг машҳур – ғажари гилам, қаттиқ гилам, тақир гилам, арава гилам, араби гилам каби турлари бор. Сурхондарёда эса ғажари, терма, касмалдақ, олача, тақир, қолин ва жулхирс каби турларини кўриш мумкин. Сурхон воҳасида қоқма гиламнинг “чимчиқи”, “кўрчимчиқи”, “бибишак”, “шойи”, ва “ғажари” , тақир гиламнинг эса “қўчқормайиз”, “Имом Султоний”, “терма”, “туя бўйин”, “қўл солди”, “оқ энли” каби турлари кўплаб тўқилган. Ғажари гилам – чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг энг оммабоп гиламларидан саналиб, тўқилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу гиламларда йўл-йўл чизиқлар билан узунчоқ нақшлар туширилиб, ранг-баранг шаклда товланиб

туради. Оқ тагликда тўқ қизил, қора тагликда сариқ гул маҳаллий аҳолининг ўзига хос локал ечими ҳисобланади. Тўқ қизил, яшил рангларни қора, оқ, қора йўллар бир-биридан ажратиб туради. Айнан бундай ранглар уйғунлиги ғажари гиламлар учун анъанавийдир. Безаклар тор йўлларга тикилгани учун уларнинг барча узвлари чўзиқроқ ҳолда шакл олади.

*Ғажари гилам* тўқишда ниҳоятда ингичка қилиб йигирилган жун иплардан фойдаланиб, чийратиб бўлгандан кейин бўяш олдидан роса чингланади, яъни иккита катта-катта қозиқ қоқиб тайёр иплар айлантириб солинади ва қайноқ сув қўйилиб, ўртасидан урчуқ солиб, нам ҳолдаги иплар урчуққа ўраб айлантирилади. Бу бир неча бор такрорланиб, иплар ўралган ҳолда қуритилади. Чин берилган иплар анчагина ингичкалшади ва гиламнинг чиройли чиқишини таъминлайди. Ғажари гиламга икки қават ип қилиб ўрмак қурилади. Масалан, унинг тагини қизил қилиб оқ гул чиқармоқчи бўлсак, қизил ва оқ ип биргаликда югурилади. Ҳар иккала ип қўшилиб, жуфт ҳолда кузув ипга боғланади. Бу эса қўшкузув деб юритилади. Бунда нақшлар бир текис чиқади. Кузув боғланиб, ўрмак жойлаштирилгандан сўнг турли нақшлар солиш мумкин. Юзига қизил ип чиқиб оқ иплар тагида турган бўлса, нусха олинаётган гиламнинг нақшига қараб ип санаб тагидаги оқ ип юзига олиниб, ўрнига ўша кузув ипдаги қизил ип ботирилади. Ғажари гилам шу тариқа тўқилиб, терма бўлганлиги учун тўқиш жуда диққат ва катта эътибор талаб қилади.

*Ойгилам* – қўнғиротларнинг уй деворига осиб қўйиладиган безак гилами бўлиб, келинларнинг сепига 1-2 тадан солинган. Ойгилам тўқиш учун оқ қўй жуни титилиб, тараб, йигирилади. Кейин қайноқ сувда тозалаб ювилади ва қуритилиб калава қилинади. Тўп ҳолида калава қилинган ип ўрами ботга солинади. Ойгиламнинг юзи, яъни нақшли қисмини тўқиш учун битта битган ойгиламдан андоза сифатида фойдаланиб, нақшидан нусха кўчирилади.

*Тақир гилам* йирик-йирик, гоҳо бутун эни қоплаб олган меҳроб шаклидаги безагидан ажратиб олиш мумкин.

Ўрта Осиё гиламларида шатранжи (шахмат нусха) ҳам кўп учрайди. Қашқадарё ва Сурхондарё, Панжикентда жулбарак ва жулхирс гиламлар кўплаб тўқилган[1]. Масалан, Эрсари, Башир, Қизилоёқ гилам тўқиш белгиларига кўра, туркман гиламларига

[1] Шима Каннадан Махмуд. История орнаментальных традиции в ковраткачестве Ирана и Центральной Азии. Автр. Дисс.. канд. ист. наук. –Душанбе, 2013. – С.14.

(Текин, Пендин, Човдур) ўхшайди. Туркман гиламларида асосан, геометрик нақшлар асосий ўрин эгаллайди, яъни қадимги туркийлар керамикасидаги нақшларнинг архаик қирраларини эслатади. Шу боис Марказий Осиё ва Эрон гиламларида умумийликлар сезилади. Гиламдўзлик анъаналари жуда кам ўзгаришларга учраган. Умумийлик асосан жанубий ҳудудлар ўртасидаги этник уруғчилик, маданий алоқалар натижасидир. Гиламлар ерга тўшаладиган, деворга осиладиган, шолча ва палослар ва хўжалик учун ишлатиладиган турларга бўлинади. Гиламлар безаклари жиҳатидан ҳам турлича бўлиб, нақшлар орасидаги “ҳаёт дарахти” мотиви Эрон Сафавийлари, мўғуллар давридаги ҳинд гиламлари нақшларига ўхшайди. Қуёш нақши Эрон, Кавказ, Кичик Осиёда учрайди, яъни соляр нақшлар, крест – ҳаёт доираси, свастика (соат стрелкасига қарама-қарши) қуёш - ўлим ва совуқ, S-аждаҳо символи ҳисобланади. Бундай нақшлар Кавказликлар, тожиклар ва белуждларда ҳам учрайди. Тўлқинсимон белги – сув, дарё ва денгизни ифодалаган. Шунингдек, Шарқ –Туркистон гиламлари нақшларига анор, панжара, бир хил рангли саккизбурчаклар, кафел нақшли бутун саккизбурчак, меандр, булут нақши ва гуллар ва капалаклар бор гулдон шакллари киради.

Биз ўрганаётган даврда ҳунармандчиликнинг ривожланган тармоқларидан яна бири *кўнчилик* бўлиб, ҳар қайси чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликда мавжуд бўлган.

XIX – XX аср бошларида Тошкент, Қўқон, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Хива кўнчилик марказлари ҳисобланган. Ҳозир ҳам Тошкент, Фарғона, Қўқонда кўнчилик буюмларидан пойабзал, бош кийим, пўстин, эгар-жабдуқ ва от-абзалларини, сув ташиш учун меш, турли тўрва, халта, сандиқлар ва бошқа уй-анжомлар, туздонлар, китоб учун муқовалар ишлаб чиқарадилар[1]. Чармгар усталар ишлов берилган терилардан турли оёқ кийимлари, телпак, пўстин, сув ва қимиз учун мешлар ҳамда турмушда ишлатиладиган буюмларни ҳам тайёрлаганлар. Бу касбкор билан ўтроқ аҳолининг бир гуруҳи махсус шуғулланиб, улар халқ орасида кўнчилар деб номланган[2]. Бу усул Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидаги терига ишлов бериш, чарм тайёрлаш усулидан

[1] *Абдуллаев У. С.* Фарғона водийсида этносллараро жараёнлар. – Т.: «Янги аср авлоди». 2005. – Б. 232.

[2] *Абдуллаев У. С.* Фарғона водийсида этносллараро жараёнлар... – Б. 232.

кам фарқ қилади ва у қатор тадқиқотчиларнинг ишларида таърифлаб берилган[1].

Ўлкада кўнчилик учун териларнинг асосий қисми маҳаллий чорва (ҳар хил турдаги мол, қўй, қўзи, эчки, туя, от) ва ёввойи ҳайвонлар (ит, бўри, тулки, чиябўри, олқар, кийик, ондатра)нинг терисидан хонаки ишлов асосида етиштирилган. Косиблар териларни андозалар бўйича ўлчаб турли хил маҳси, тоштовон этик, нўғай этик, ковсар ва нўғай ковуш, паттойи (кўк) ковуш, чармдастак (амиркон) ковуш, чориқ ва шунга ўхшаш пойабзалларни тикканлар. Тайёрланган оёқ кийимларнинг энг яхшилари бозорларда олиб чиқиб сотилиш билан бирга, бир неча маҳаллий ва умумрус кўргазмаларида намойиш ҳам қилиниб, ўз даврида, катта муваффақият қозонган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳудудида кўнчилик узоқ тарихга эга бўлиб, маҳаллий ҳунармандлар қўй, эчки, мол, эшак ва туя териларига ишлов берганлар ва бу терилар сифатига қараб турлича номлар билан аталган[2]. Бойсунда эшак терисидан замш, сахтиён, юфти туридаги чармлар тайёрланган[3]. Қарши шаҳрида қўй терисини қайта ишловчи 5 та кўнчилик корхонаси бўлган[4]. Кўнчилар ишлов берадиган мол терисининг яна бир тури гудари ҳисобланиб, у нафақат қорамол, балки туя, ёввойи Қошғар қўтоси терисидан ҳам тайёрланган. Айниқса, қўтос терисидан тайёрлангани энг сифатли гудари кўни бўлган. Ундан нозик таъб истеъмолчилар учун безак буюмлари ва камарлар ишлаб чиқарилган[5]. Гударини тайёрлаш бошқа турдаги терини тайёрлашга нисбатан анча мураккаб бўлиб, шунинг учун қиммат нархда баҳоланган. Сабаби, асосий хомашё – туя, новвос ва қўтос териси қиммат бўлиб, кўп ишлов берувчи материал ва ишчи кучи талаб қилинган. Бундан ташқари, бу терилардан яна

[1] *Барковский А. Ф.* К вопросу обработки животноводческого сырья у киргизов // Уч. Зап. Киргиз. Женского пед . ин-та. Вып. 2. – Фрунзе, – 1957. – С. 71 – 107; Материалы по обследованию кочевого и оседлого туземного хозяйства и землепользования в Аму-Дарьинском отделе Сыр-Дарынской области. Вып. 1. – Т., – 1915. – С. 295; *Антипина К. И.* Особенности материальной культуры и прикладного искусства южных киргизов. – Фрунзе: Акад. Наук Кирг ССР, – 1962. – С. 124 – 131.

[2] История Узбекистана. – Т., – 1993. – Т. III. – С. 270.

[3] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....220-бет. Яна қаранг: Илова – сахтиён кўни.

[4] Кап Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре // Сб.геог.топог.и статис. мат. по Азии. – СПБ.,1886. Вып. XXI. –С. 32.

[5] *Парамонов И.* О кожевенном производстве в Туркестанском крае // Туркестанский сборник. – Спб., – 1873. Т. 57. – С. 222.

[*] Телатин – Бу дастлаб Россиядан олиб келинган тери бўлиб, уни кейинчалик маҳаллий усталар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганлар

кўжил, замша, хом тери, тагчарм, талатин (телатин*), қирмиз, булғори тери ва бошқа тери турлари ҳам ишлаб чиқарилган. Ҳунармандлар терига ишлов беришда ишқор, аччиқтошли эритма ва тол пўстлоғидан кенг фойдаланганлар. Кўнчилик маҳсулотларини сотишдан келиб тушган даромад ушбу соҳа вакилларини кўп миқдорда тери ошлашга ундаган. Шунингдек, қишлоқларда чорва моллари кўплаб боқилганлиги боис хом тери кўп бўлган[1].

Ўрганилаётган даврда Қашқадарё воҳасида териларнинг асосий қисми чорва моллари терисидан тайёрланган[2]. Кўнчилар муайян бир йўналиш бўйича ихтисослашганлар. Жумладан, чарм (тагчарм) ишлаб чиқарувчилар – чармгар, рах тайёрловчилар рахгар, меш ошловчилар мешгар, қайиш ишлаб чиқарувчилар қайишпаз ёки сахтиёнгар, кемих ошловчилар кемухтгар деб юритилган. Воҳа қишлоқларида фаолият олиб борган барча тоифадаги кўнчилар чармгарлар деб аталган[3].

Кўнчилик устахоналари, асосан, сув оқиб турадиган ариқ ҳавзаларида жойлашган. Ҳунармандлар терига ишлов бериш жараёнида ерга чуқурча қилиб қазилган ўра - хампалардан фойдаланишган. Улар, асосан, икки хил бўлиб, қуймали – катта дошқозон шаклида ва узунлиги 2 аршин, эни 1,5 аршин, чуқурлиги 1 аршин бўлган ўра шаклида бўлган. Қуймали хампанинг ички қисмига алебастер қоришмаси суртилган, иккинчи хил хампа эса ёғоч тахталар билан деворлари тикланган бўлиб, терига ишлов берувчи материалларнинг самарадорлиги муҳофаза қилинмаган. Бу ҳолат улар таъсир кучининг пасайиши ва исрофгарчиликка олиб келган[4]. Кўнчилар бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга буюртма аосида ҳам ишлаганлар.

Кўнчилик билан узвий равишда ривожланган ҳунар тури бу оёқ кийим тайёрлаш бўлиб, улар мавсумий эҳтиёжга мослаб турли хил оёқ кийимлари ишлаб чиқарганлар. Шунингдек, эшак ёки от терисидан ҳам сағри (саур) деб аталувчи тери тайёрланиб, ундан, асосан, оёқ кийимлар тайёрланган. Чарм ва пойабзал саноатида қўй териси асосий хомашё ҳисобланади.

Ўрта Осиё халқлари орасида чармдан тайёрланган кавуш, музе-этик, мўйнали этик, араби-тугмали этик, олд қисми учли этик,

---

[1] *Парамонов М.* О кожевенном производстве в Туркестанском крае. // Русский туркестан. Вып. II. – М., – 1872. – С. 225.

[2] *Розвадовский В.* Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае... – С. 446.

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. 2011 йил.

[4] *Парамонов И.* О кожевенном производстве в Туркестанском крае ... – С. 224.

кавушлар, попушлар урф бўлган[1].

Жанубий воҳаларда қишлоқ аҳолиси ва косибларнинг маҳаллий ошланган териларга бўлган эҳтиёжини қондириш аксарият, кўнчиларнинг зиммасида бўлган. Умуман олганда, ошланган териларга едирилган моддалар батамом сингиши ва терининг қуриши учун у дудхонада тобланган[2]. Терини иссиқликда тоблаш усули қайта-қайта (15–20 марта) бажарилган. Сўнгра тери гурдонда бир ярим кун сақланиб қуритилган. Шундан кейингина терига пардоз берилиб, у тайёр ҳолатга келтирилган. Бу усулда тери етиштириш учун бир ҳафта талаб этилиб, бу жараёнда 30 тача тери ошланиб, тайёр ҳолатга келтирилган[3].

Чармнинг баҳоси унинг қайси ҳайвон терисидан тайёрланганлигига қараб белгиланган. Эчки терисининг ҳар бир донаси 50 копеекдан 3 рубл 50 копееккача, қўй териси 40 копеекдан 2 рублгача, мол териси нисбатан арзон нархда сотилган[4]. 1870 йил Санкт-Петербургда очилган қишлоқ хўжалиги ва мануфактура кўргазмасида эса эчки терисига 1 рубл 30 копеек, туя терисига 1 рубл нарх қўйилган[5]. Маҳаллий чармлар рус чармларига нисбатан икки баробар арзон бўлган. Хусусан, ўша даврда маҳаллий ҳайвон териларидан бузоқ чарми бир донаси 35-40 копеек, ҳўкиз чарми 2 рубл 60 копеек, эчки чарми 60 копеекдан 1 рубл 40 копееккача, қўй чарми эса 30-40 копеекгача баҳоланган[6]. Бу терилардан хилма-хил буюм, пойабзал, қоп, қимматбаҳо юкларни ташиш учун ишлатиладиган чарм қутилар, от жабдуқлари, пичоқ ва қилич учун қинлар, китоб муқовалари, қоғоз солиб қўйиладиган жилдлар тайёрланган ва бундай буюмлар накшлар билан безатилган. Қишлоқ аҳолиси тўшак сифатида пўстин, нимча, бош кийим сифатида қўй териларидан телпак, қулоқчин тайёрлаб олганлар ёки буюртма қилганлар. Маҳаллий пўстин, телпаклар фақат Ўрта Осиёдагина эмас, Осиё ва Европада ҳам машҳур бўлган “иркит[7]”, “қовға[8]” сингари ошланган терилардан тикиб тайёрланган. Воҳаларда ошланган тери бўлак-

[1] *Мукминова Р. Г.* Костюм народов Средней Азии по писменным источникам ХУIв. // Костюм народов Средней Азии. – М., – 1979. – С. 74.

[2] *Бродовский М. И.* Техническое производство в Туркестан ском крае. – СПб, – 1875. – С. 41.

[3] *Бродовский М. И.* Техническое производство в Туркестан ском крае. – СПб, – 1875. – С. 41.

[4] *Розвадовский В.* Опыт исследования... – С. 447.

[5] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 49-варақ; ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 1-варақ.

[6] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 141 – 142-варақлар.

[7] *Қовға* кичик қопларга ўхшаш шаклда тикилган бўлиб, аҳоли учун қудуқдан сув тортиб олишда ва сувни сақлашда ишлатилган.

[8] Иркит икки ёнида елкаси мавжуд қоп бўлиб, у сузма ва айронларни сақлашда ишлатилган

ларидан чориқ ипи, қулай ва ихчам идишлар, супра, чолвор, от узангиси, қорин боғи, қамчи, камар, бўйниса ва тиркишлар тайёрланган ва аҳоли орасида кенг оммалашган.

Кўнчилар тайёрлаган эркаклар, болалар ва аёллар оёқ кийимлари турлича кўринишда: маҳси юмшоқ тагчармли этик, унга мос кавуш; ялтираган қора теридан ясалган амиркон маҳси, амиркон кавуш; баланд пошнали этиклардан иборат бўлган.

Эркакларнинг маҳсилари "мардона" маҳси деб аталиб, аёлларнинг "заифона" маҳсиларига қараганда баландроқ тикилган ва одатда, қаттиқроқ теридан тайёрланган. Болаларнинг "бачкана" маҳсиси эса юмшоқ теридан тикилган.

Қашқадарё воҳаси қишлоқларида этиклар билан бир қаторда чориқ, деб аталувчи дағал теридан тайёрланган ярим очиқ пойабзал кийишган. Қўй терисидан жунлари ичкарига қаратилиб оёқ болдирларини ёпиб турувчи тери маҳси ҳам тикканлар. Пўстинлар ошланган қўй терисидан, жунларини ичкарига қаратиб тикилиб тўқ сариқ рангга бўялган. Яшил рангли эчки терисидан мустаҳкам бўлганлиги учун қиличлар учун қин, этиклар учун пойпоқ товони, эгар учун безаклар тайёрланган.

Қишда дўппи устидан думалоқ жундан бўлган телпак кийганлар. Бухоро воҳаси ва унга яқин туманларда телпаклар қия конус шаклида бўлган. Унинг юқори қисмини қоракўл терисидан, ичини қўй мўйнаси билан қоплаб, атрофини қундуз мўйнаси билан безаганлар. Фарғона водийси ва Тошкентда телпакнинг юқори қисми учун мато ишлатилган, ҳошиясини тулки ёки сувсар мўйнасидан, айрим ҳолларда қўзи терисидан тикканлар. Фарғона водийсининг қишлоқ аҳли қишда мўйнаси ичкарига қаратиб тикилган тумоқ кийганлар. Хоразмда яшовчи ўзбеклар катта думалоқ чўгирма кийганлар. Чўгирма узун тўлқинсимон юнгли қўчқор терисидан тайёрланган. Чўгирмалар асосан тўқ рангда бўлган. Хоразм туркманлари эса оқ рангли чўгирмадан фойдаланишган.

Терилар оддий усулда ишлангани бўлиб, дастлаб улар ивитилган ва тўнғиз ёғи билан ишланган, натижада хом терига эга бўлганлар; эчки ва қўй терилари ивитилган ва ошланган; замш терилари тузланган сувда ивитилиб тайёрланган кейин эса дудланган; сағри деб аталувчи эчки терисига ишлов беришда туз ва мис оксидидан фойдаланганлар.

Хом тери тайёрлаш учун эса ичкарисига қайтарилган терилар чуқурчага жойлаштирилиб, оҳак эритмаси ва тозаланмаган ишқор билан тўлдирилган. Чуқурчада терилар 7 кундан 10 кунгача қўйилган, кейин эса уларни олиб жунга ўтмас пичоқ билан ишлов берилган. Бу терилар яхшилаб оқар сувда ювиб олинган ва арпа уни эритмаси билан тўлдирилган чуқурчага солинган. Бир неча кундан кейин териларга рангда ишлов бериб, туз суркалган. Ипларда осиб қўйилиб терилар қуритилган, кейин улар қўйнинг думба ёғи билан яна ишлов берилиб юмшатилган. Тайёр бўлган терилар сарројлик маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатилган.

Тагчарм учун мўлжалланган териларга ҳамда бузоқ, қўй, эчки териларга ҳам шу тарзда ишлов берилган, фақат мой (ёғ) билан ишлов берилмасдан, ошланган. Арпа унидан тайёрланган қоришмадан терилар олиниб, кермак илдизидан тайёрланган, ва ошлаш учун ишлатиладиган эритмага солиниб қўйилган. Ушбу эритмада бир кун давомида 4-6 чайиб олинган. Қуритилаётган пайтда териларга озгина думба ёғи суркалган ва юмшатилган. Эчки териларни (бузи) бужгун деб номланган писта дарахти барглари ва қупораси қайнатмалари билан ишлов берилган. Натижада улар қора рангда бўлган. Бундай терилар, асосан, енгил оёқ кийими тикиш учун ишлатилган.

Туя ва қўтос мўйнасидан - говзери (лосина тури), эчки ва қўй терисидан ёрғоқ тайёрланган. Говзеридан энг сара сарројлик маҳсулотлари тайёрланган, қизил ва сариқ рангларга бўялган ёрғоқдан эса ёрғоқ тўн ва шимлар (чолвор) тикилган. От ва эшак терисидан сағри тери тайёрланиб, улардан этик, кавушлар тикилган. Шагрен (қўй ва эчки) териси 32 кун давомида ясалган, шундан 12 куни терига ишлов беришга ва 20 куни уни бўяшга кетган. 30 та сағричилар (теричи) Тошкентда бозор талабини қондириб, маҳсулот етказиб берган. Кўнчиликда, асосан, меҳнат қуроллари ва ҳунармандчилик асбобларидан: доскун деб номланувчи темир ранда, ўтмас темир асбоб, учи ичкарига қайтарилган, тахта дастаклари бор бўлган асбоб; у билан тери орқасидаги эт қатламдан тозаланган, пўлатдан тайёрланган учи жуда ўткир ўроқ терини ингичка туклардан тозалаш учун ишлатилган; харошак деб номланган пўлатдан тайёрланган тишли тахтача, у билан терида йўл-йўл чизиқлар қилинган ва тариқ сепилган; сидрадиган харошак сувни йўқотиш учун ишлатилган; қорчўб – терини тортиш учун ром (тозаланган

ва туклардан тозаланган тери ромда тортилган ва текисланган); сўроқ белгисига ўхшаш шаклдаги теша, бу ҳам ўзига хос ранда, ундан уста аста-секин ингичка қириндисини олиб ташлашда ва бир хил қалинликни беришда фойдаланилган.

Сағри терини тайёрлашда: от терисининг орқа қисми – от тери; сернокислий натрий ёки глауберли туз; новшадил, мис тошколи; у жез қоришмасидан олинган ва бўяш ишларида фойдаланишган, яшил кукун – кимёвий реакция натижасида олинган (новшадил ва қамиш кукуни темир қириндисига қўшиб), оғирликни ошириш учун ун ёки кепак аралаштириш усулларидан фойдаланишган.

Сағричилар апрель ойидан бошлаб октябрь ойининг ўрталаригача ишлаганлар ва ушбу давр мобайнида ҳар бир уста косиб 130 га яқин терини тайёрлаган. Кўнчилик устахоналари аҳоли яшайдиган жойлардан четроқда, ариқ ёқаларида жойлаштирилган. Ерда қазиб қўйилган чуқурлардан фойдаланилган: кул ўраси – катта қозонлар шаклида бўлиб, ичкаридан альбастер билан суркалган; ошлаш учун ўралар, узунчоқроқ шаклда бўлиб, тахтачалар билан қопланган. Кўпгина маҳаллий тарзда тайёрланган кўнчилик маҳсулотлари, буюмлари ҳозирда эскирган ва ишлатишдан қолган. Терини эски усулда табиий ошлаш ҳам аллақачон тўхтаб қолган. республикада бир қанча йирик заводлар ишлаб; ўзига хос тарзда оёқ кийими (пойабзал) саноати ривожланган. Оёқ кийимлар тайёрлаш анъанаси бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қишлоқ жойларида турли хил анъанавий оёқ кийими тикиш, тайёрлаш бўйича усталар ишламоқдалар. Улар ичида, айниқса, ўғил болалар учун тикилган этикчалар жуда чиройли ва эътиборга лойиқ.

Статистик маълумотларга кўра, минтақанинг Янгиқўрғон, Каттақангли, Қўрли, Қўшработ, Пайшанба, Жарбош, Кармана, Ғиждувон ва шунга ўхшаш қишлоқларида кўнчилик билан шуғулланишган ва бу ҳунар тури XX аср бошларига қадар давом этган[1].

Сурхон воҳаси туркманларида ҳам чармгарлик ривожланиб, бу ерда қўй-эчки, от, қорамоллар боқилган. Туркманлар Амударё бўйларида чорвачилик билан кенг шуғулланишган[2].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида барча пойабзаллар, асосан, маҳаллий кўнчилар томонидан ошланган терилардан тикилган. Лекин воҳага рус саноат молларининг кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқариш ривожига таъсир кўрсатган. Бундан ташқари,

[1] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 142-варақ.
[2] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 141,142-варақлар

маҳаллий усталар Россияда ошланган шагрень терисидан ҳам маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бундай турдаги этиклар 1 рубл 40 копеекдан 2,5 рублгача сотилган[1].

***Кулолчилик.*** Маълумки, Қашқадарё воҳасида қадимдан ўтроқ деҳқончилик марказлари бўлиб, бу ерда кулолчилик ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган ва Бухоро, Тошкент кулолчилиги таъсирида янада тараққий топган. Шунингдек, сопол буюмларда Бухоронинг Ғиждувон, Фарғона водийсининг Риштон кулолчилик мактаблари таъсири ҳам сезилиб туради.

Воҳада кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган темирли тупроқ жўшачир, гилмоя ва гилвотлар учрайди. Маҳаллий тупроқнинг ўзига хослиги уларнинг қайишқоқлиги ва ўтга чидамлигидадир. Кулолчиликда муҳим ашёлардан яна бири бу оқ қум, оқ тош, оҳак бўлиб, оқ қум, оқ тошдан кулолчилик маҳсулотларини ангоблаш ва сирлашда, оҳакдан эса фаянс тайёрлашда фойдаланишган. Воҳа кулолларининг ёрдамчи материалларига яна лухжун, сомон, тошкўмир бўлакчалари ва ҳар хил ўсимликлардан олинган бўёқ ва ишқорлар ҳам кирган.

Қашқадарё воҳаси кулолчилиги асосан XIX асрнинг иккинчи – XX аср бошларида олдинги даврларга нисбатан пасайиб кетганлиги кўзга ташланади. Бунга сабаб ўлкага Россия саноати маҳсулотларининг кириб келиши ва сопол идишларнинг хўжаликда кўп ишлатилмаганлиги билан ҳам изоҳланади. Сурхондарёнинг Термиз, Шеробод ва Денов кулолчилик марказлари эса тор доирада бўлса-да, ўз мавқеини сақлаб қолган[2]. Бойсун беклиги кулолларининг асосий асбоби чарх ҳисобланиб, улар турли-туман идиш, буюм, қурилиш материаллари, пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир, ва бошқаларни тайёрлаганлар[3].

Кулолчиликда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келаётган маҳсулот тайёрлаш жараёни бир хил бўлиб, қўл меҳнатига асосланган. Бунга кўра кулолчилик ишлаб чиқариш даражасига кўра аёллар кулолчилиги ва шаҳар кулолчилигига ажратиб ўрганилган.

Аёллар кулолчилиги асосан, тор доирадаги истеъмолчилар, яъни қариндош-уруғлари, опа-укалари учун маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Бу ишлаб чиқарилган буюмлар товар характерида

[1] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 21,30-варақлар.

[2] Холиков З. Термез и Чаганиян в позднем средневековье: автореф. Дисс..канд.ист.наук.- Самарканд: 2001. - С. 11.

[3] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун....217-бет.

бўлмаган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёни оддий ва содда бўлиб, очиқ жойларда амалга оширилган. Кулол аёллар ўтирган жойида лой уюмидан олинган зувалани ялпоқ тош устига қўйиб идиш тайёрлаганлар ва коса, ликопча, кўзача каби майда идишларга пастдан бошлаб шакл бериб ишлаганлар.

Шаҳар кулолчилиги эса юқори сифатли ишлаб чиқариш даражаси ва ҳажмига эгалиги билан кескин фарқ қилиб, бошқа шаҳарларда бўлгани сингари чархлардан фойдаланишган. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида кулоллар дастгоҳда идишга шакл бериш учун ишлатиладиган мола, идиш чеккаларини текислаш учун камарча, тирнаб накш беришда ишлатиладиган харош, накш бериш учун кўп тароқли ёғоч тароқ, юқори доира ва лой тахтани тозалаш учун ёғоч капча, бўёқли накш бериш учун чарм бўлагидан ясалган қалам, террокотик доира, терракотик қолип ва бошқалардан фойдаланганлар. Кулолчилик устахоналарида эса маҳсулотларни пишириш учун катта хумдондан фойдаланишган[1].

XIX асрда воҳада кулолчилик ҳунармандчиликнинг етакчи тармоқларидан бири эди. Бу даврда воҳа кулолчилигида ўзига хос бадиий услуб вужудга келади. Кулолчиликнинг асосий марказлари Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари, Касби тумани ҳисобланган.

Воҳа кулолчилиги иккита асосий типга – косагарлик ва кўзагарликка бўлинади. Косагар усталар яратган турли ҳажмдаги товоқ, коса, лаган, хамир қориш учун турли ҳажмдаги тоғоралар, пиёла ва бошқа маҳсулотлар турли накшлар билан безатилган ва сирланган. Шаҳрисабз косагарлари товоқ, коса, шокоса, нимкоса, дуккикоса, қаландари, тоғора каби сопол буюмларни ишлаб чиқарганлар[2]. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг шакли бир хил бўлиб, бир-биридан ўлчамлари билан фарқ қилган. Воҳанинг кўзагар усталари турли ҳажм ва кўринишдаги кўза, кўзача, хурмача, дўлча, қўшқулоқ, турли туваксимон идишлар, хум ва хумчалар ҳамда бошқа маҳсулотларни тайёрлаганлар. Мазкур маҳсулотлар орқали келинадиган даромад воҳа кулолларининг маҳаллий эҳтиёжини тўла қондирган. Шаҳрисабзда йирик хумлар ясалмаган. Бунга сабаб, маҳаллий тупроқ таркибидаги майда тошларнинг кўплиги бўлиб, шунинг учун ҳам кўпинча йирик ясалган идишлар қуритилаётганда деворлари ёрилиб кетган.

---

[1] Шаҳрисабзлик уста кулол Музаффаров Зайниддиндан ёзиб олинган. 2016 йил.

[2] *Ҳамидова М.* ХУIII – XX аср бошларида Шаҳрисабз воҳаси кулолчилиги тарихидан // Мозийдан садо. – 2008. – №4. – Б. 12.

Сопол буюмлар сирли ва сирланмаган бўлган. Сирланмаган сопол буюмларга, асосан, йирик кўзагарлик маҳсулотлари: тандир, йирик ҳажмли хумлар ва аёллар кулолчилиги маҳсулотлари кирган. Қолган барча сопол буюмлар қисман ёки бутунлай сирланган ва ранг-баранг нақшлар билан безатилган.

Идишларни сирлаш кулолчилиги эса анча мураккаб жараён бўлиб, кулоллар идишларни сирлаш учун, асосан, оқ қум, оқ тош, қалай оксиди, мис оксиди, мағил, кобальт ва қирқбўғин, чоройнак, сартирноқ ва бошқа ўсимликлардан фойдаланишган[1]. Сир идишга яхши сингиши учун эса ўсимликлардан тайёрланган ишқордан фойдаланишган. Бу ишқор қирқбўғин, чоройнак, саритирноқ ва бошқалардан олинган. Шаҳрисабзда, асосан, қизил рангли сир кенг тарқалган, чунки улар кўпроқ чоройнак ва қирқбўғиндан фойдаланишган. Сопол буюмларни бўяш, сирлаш ва турли-туман нақшлар билан безаш, асосан, усталар томонидан бажарилган.

Сирланмаган идишлар атрофига, хусусан уларнинг бўғзига бир ёки бир неча тўғри, тўлқинсимон, жингалак чизиқлар чизилиб, уларни қия чизиқлар орқали туташтириш орқали безатилади. Сирланмаган сопол буюмларига нақш беришнинг кенг тарқалган турларидан бири, бўрттириб нақш ёпиштиришдир.

Шаҳрисабз Қашқадарёда сирланган идиш-буюмлар ишлаб чиқариш маркази саналган. Чархга қўйиладиган лой ғунт деб аталган[2]. Бу ерда Самарқанд, Бухоро мактаби анъаналари асосида сариқ-жигарранг тусли сирланган идиш-буюмлар ишлаб чиқарилган. Қарши кулоллари тамоман бошқа услуб ва рангдаги кўза, кўзача, обдаста, сопол коса каби буюмлар тайёрлашган. Улар ясаган лаган, гулдонлар қўрғошин, қалайи билан ялтиратиб сирланган. Сир мўйқалам билан суртиб чиқилган. Сир кўк ёки тўқ кўк тусда бўлган.

XVIII аср охири – XX аср бошларида Қаршида ишлаб чиқарилган кулолчилик буюмлари орасида оқ ялтироқ кўринишидаги қоплама билан сирланган хумлар ҳам учрайди[3]. Аксарият, хумлар сирти нақшланмаган. Ялтироқ сирланмаган идиш-буюмлар сиртига боғлиқ тарзда тўлқинсимон чизиқлар туширилган[4].

---

[1] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани Оқсарой маҳалласи. 2016 йил.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри. Оқ сарой маҳалласи. 2016 йил.

[3] *Ҳамидова М.* ХУIII – XX аср бошларида Шаҳрисабз воҳаси кулолчилиги тарихидан // Мозийдан садо. – 2008. – №4. – Б. 12.

[4] *Гюль Э.* Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги \\ San”at. – 2005. – №2. – Б. 16.

Касби тумани кулолчилигида, асосан, сирли сополлар билан бирга кўпроқ сирланмаган буюмлар ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда касбилик ака-ука кулоллардан Бозор Итолмасов, Тохир ва Фахриддин Очиловлар ана шундай машҳур кулоллардан ҳисобланади. Кулолларнинг таъкидлашларича, улар, асосан, буюртма асосида талаб ва таклифга кўра, хум, офтоба, гулдонлар ясайдилар.

Бугунги кунда ҳам Шаҳрисабз кулоллари ясаган лаган, товоқларда қалами услубида "илон изи", "мораш занжира", "қўшморак", "бойқуш қаноти", "қўчқорак" каби зооморф нақшлар учрайди.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида бўлгани сингари Қашқадарё воҳаси кулолчилигида ҳам сирли идишлар чеккасига ташқи тарафдан бўёқ оқизиб белги қўйиш усули кўп учрайди. Бунга Ўртақўрғондан топилган XIX асрга оид сирли кўза ва косани мисол тариқасида келтириш мумкин. Ичига илон тасвири туширилган сопол коса Шаҳрисабз кулоллари томонидан ясалган бўлиб, ундаги зооморф безак Ўрта Осиёнинг бошқа кулолчилик марказларида ясалган кулочилик маҳсулотларига жуда ўхшаш. Воҳанинг косагар усталари сирли идишларни безашда Марказий Осиё меъморчилигида кенг қўлланилган меҳроби ислими кошин, модаҳил, гажак, панжара каби нақш турларидан ҳам фойдаланганлар. Идишларда бундай белгиларнинг пайдо бўлиши қадимдан давом этиб келаётган турли ирим-сиримлар билан боғлиқдир. Воҳа кулолчилигида маҳаллий хусусиятлар билан бирга, бутун Марказий Осиё ҳудудига хос илғор анъаналар ўз аксини топган бўлиб, айниқса, унда Бухоро ва Самарқанд кулолчилик мактаблари таъсири сезилиб туради. Бу эса қўшни ҳудудлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар, қолаверса, бу ҳудудлардаги моҳир усталарга шогирд тушган кулолларнинг ижоди маҳсулининг давоми сифатида ҳам кўриш мумкин.

Сурхон воҳасида ҳам энг қадимий ҳунарлардан бири кулолчилик ҳунарининг ўлкада юксак даражада ривожланганлигини Сополлитепа ва Жарқўтонда олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган сопол буюмлар ҳам исботлайди. Сополлитепа ва Жарқўтон сопол буюмлари кулолчилик чархларида ясалган бўлиб, ўзининг бежиримлиги ва жарангдорлиги билан ажралиб туради. Кулолчилик ҳунари воҳанинг барча ҳудудларида қадимдан халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб равнақ топган. Жумладан, эски Термиздаги кулоллар маҳалласи бир неча гектарни ташкил этган. Айниқса, ўрта асрларда ишлаб чиқарилган симоб кўзалар фақатгина Термиз кулолларига хосдир[1].

[1] www. arxeology. uz, www. ethnografiya. uz. 2009-2010

***Ёғочга ишлов бериш*** ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ҳисобланиб, маҳаллий усталар ёғочдан ҳар хил ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари (арава, кема), синч ва устунлар, ойна ва эшиклар, сандиқ ва бешиклар, элак ва чарх, эгар ва ҳоказолар ясашган. Айниқса, от, туя ва эшаклар учун эгар ясаш кенг ривожланган бўлиб, минтақанинг Тошкент, Бухоро, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида махсус эгарчилар маҳаллалари бўлган. Айниқса, ўймакорлик дурадгорлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, бунда, асосан, эшик ва дарвозалар, устун ва шифтлар амалий безак санъат буюми сифатида бугунги кунгача шуҳрат қозониб келмоқда.

Ўрта Осиёда ёғоч ўймакорлиги икки йўналишда – нақшли ва тимсолли йўналишда ривожланган бўлиб, гоҳо улар чатишиб кетган бадиий теран ва фалсафий маъно йўғрилган мураккаб композицион тузилмалар яратилган[1].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам ёғоч ўймакорлиги анча тараққий этган бўлиб, дурадгор усталари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – эшик, эшик кесакилари, дарвозалар, ёғоч сандиқ-жавонлар, хонтахта, бешик, коса, қошиқ, арава ва бошқа нарсалар ясаганлар. Шуни айтиб ўтиш керакки, воҳалар ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар маҳаллий аҳоли эхтиёжини қондириш билан бирга, ҳатто ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми четга ҳам чиқарилган. Бу ишда маҳаллий савдогарларнинг фаолияти катта бўлган.

Сурхон воҳасида ҳам уй-рўзғор буюмларини ясаш ҳунармандчилигида дурадгорлик (йўниқчилик) ҳунари муҳим ҳисобланиб, бевосита қурилиш касби билан боғлиқ бўлган. Маҳаллий усталар ёғочдан ҳар хил ишлаб чиқариш қуролллари, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари (арава, кема), устунлар, сандиқ ва бешиклар, эшик ва ромлар, чарх, эгар ва бошқа буюмлар ясашган. Дурадгорларнинг иш қуроллари бир неча хил арралар, болта ва тешалар, қачов ва ранда (ўроқ, ранда, мужранда, тахтаранда) болға ва исканалардан иборат бўлган[2]. Ҳар бир шаҳарда уй-рўзғор буюмларини ясайдиган ҳарратлар яшаган. Улар бешик, ҳар хил чарх, ўқлов, жувоз, дук, урчуқ, чилим, ўғир каби буюмларни ясашган. Воҳа ҳунармандларининг бу ҳунарни ривожлантиришларига сабаб турмуш тарзига керакли уй-рўзғор буюмларини доимий равишда ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Қолаверса, оиланинг иқтисодий

[1] *Толипова Н.* Ёғоч ўймакорлиги санъати // Мозийдан садо. – 2008. – №4. – Б. 20.
[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун тумани. 2010 йил.

жиҳатдан таъминлаш ва оила бюджетини кўтаришга жуда катта ёрдам беради[1].

***Металлга ишлов бериш.*** Жанубий воҳалардаги ҳунармандчилик турлари ичида металл буюмлар ишлаб чиқариш ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Металл буюмлар ишлаб чиқарувчи усталар, асосан, Қарши ва Шаҳрисабзда яшаганлар. Воҳадаги усталар идиш-буюмларни асосан жез (мис ва руҳ қоришмаси)дан ясашган[2]. Улар темирчи, мисгар каби мутахассисликка бўлинган бўлиб, асосан, қишлоқ хўжалиги ва рўзғорда ишлатиладиган турли асбоб-ускуналар – чойдиш, чилим, офтоба, туфдон(туфкидон – С. Д. ), қумғон, дастшўй, лаган, шамдон, коса, кетмон, болға, бел (ер беллайдиган асбоб – С. Д. ), ўроқ, теша, пичоқ, мих, игна ва бошқа майда буюмлар ясаганлар. Қаршилик темирчи усталар Темирчи ва Чилонгар гузарларида, Шаҳрисабзлик мисгарлар эса Хаузи мардон гузарида истиқомат қилишган. Уларнинг мис буюмлари кўринишига кўра, бир-бирига анча ўхшайди ва Хива ҳамда Бухоро усталарининг буюмларидан катта фарқ қилади. Чунки, Қарши шаҳри Бухоро амирлигининг кумуш ва мис буюмлари ишлаб чиқарувчи йирик маркази ҳисобланган. Қаршилик усталар ясаган буюмлар бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган.

Воҳа шаҳарларида дегрезчи усталар ҳам яшаганлар. Улар турли қишлоқ хўжалиги буюмлари, чўян қозонлар, чироқ ва бошқа буюмларни қолипларга қуйиб ясаганлар. Дегрезчи усталар Қарши, Китоб шаҳарларида, Шаҳрисабзнинг Дегрези ва Жўйи Ҳайтак гузарларида яшаганлар[3].

Шаҳарда қурол-яроғ ясовчи усталар ҳам бўлган. Масалан, XIX асрда Китоб ва Шаҳрисабзда афғон ва форс мутахассислари ёрдамида пушкалар тайёрланган. Бухоро амирлиги Шаҳрисабз усталари мис ноёб ва қиммат бўлганлиги учун чўяндан энг йирик тўп стволини қуйишган ва уни ўрнатиш учун ўн икки ғилдиракли қурилма ясаганликлари ҳақида маълумотлар учрайди[4].

Сурхон воҳаси, яъни Шарқий Бухоро бекликларида тоғли ҳудудларнинг кўпчилиги, бекликни ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёж қурол-яроғ ишлаб чиқаришни кучайтирган[5]. Қуролсозлик устахо-

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти маҳаллалари. 2009 йил; Фарғона вилояти Миндон қишлоғи. 2013 йил.

[2] *Гюль Э.* Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги // Sanat. – 2005., – №2. – Б. 15.

[3] *Гюль Э.* Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги // Sanat. – 2005., – № 2. – Б. 15.

[4] История таджикского народа. т. II, ку. II, – М.: – Наука, – 1964. – С. 95.

[5] Қобилов Э. Ҳунармандчилик маҳсулотлари: турлари ва ўзига хос хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. – 2011. – №1. – Б. 132.

наларида қилич, найза, қалқон, пичоқ, сувлиқ, тақол ва турли хил катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печи бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган. Аграр соҳага мослашган Шарқий Бухоро бекликларида кўпроқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари, тепкили бел, кетмон, ўроқ, омоч, сўқа тишли омоч, арра, қайчи, шоха (паншаха) ва бошқа меҳнат қуроллари тайёрланган. Тоғли ҳудудлар бўлган Бойсун, Юрчи, Денов ҳудудларида темирчи усталар синчли уйларни қуришда ёғочдан уй қуриш (чўбкор) ни жуда яхши ўзлаштириб олганлар. Юрчи беклигида мисгарлар ўзлари тайёрлаган мис офтобалари билан танилган бўлиб, офтобалар бўғзига, жумраги атрофига нақшли ўйма гуллар, безаклар ишланган. Гўзал ва нафис мис буюмлар нақшининг мураккаблиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Мис офтоба тайёрлаш учун мисгарлар ўша даврда 2 сўмлик материал, уни ясашга 2 кун, нақшлашга бир ҳафта вақт сарфланган. Демак, Сурхон воҳасида темирчилик қадимий тармоқлардан бири саналиб, бу соҳанинг ривожи даставвал маҳаллий хомашёга ҳам боғлиқ бўлган. Темир маъдан Сурхон воҳасининг Кўҳитангтоғ ва Бойсунтоғдаги конларидан қазиб олинган. Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган[1]. Металл қуйиш билан боғлиқ касблардан бири дегрезлик ҳисобланади. Дегрезлар воҳада баъзан позачи ёки позагар (омоч тиши қўювчилар) деб ҳам номланган. Дегрезлар қозон, поза, чой идиш, обдаста, шамдон, қорачироқ, арава ғилдирагига тагчуён, жувоз бошмоғи каби иш қуролларини ишлаб чиқарганлар[2]. Айрим жойларда дегрезлар чўяндан қуйиладиган маҳсулотга қараб чўянгар ёки чўянчи деб ҳам аталган[3]. Денов беклиги аҳолисининг темир буюмларга бўлган эҳтиёжи туфайли шаҳарда ўнга яқин темирчилик устахоналари мавжуд бўлган. Шунга қарамай, Россиядан келтирилаётган сифатли курол-ярoқсозлик, игнасозлик, михсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлаган.

XIX асрнинг охирларида воҳаларга Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги маҳсулотларнинг кириб келиши билан ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари қисқарди. Бироқ, металлга ишлов бериш, аксинча, табора ривожланиб борди. И. И.

---

[1] Қобилов Э. Ҳунармандчилик маҳсулотлари. 133-бет.
[2] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун тумани. 2011.
[3] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун тумани. 2011.

Гейер 1909 йил бу борада шундай деб ёзган эди: “Рус фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни келтириш орқали маҳаллий ҳунармандчилик буюмларини сиқиб чиқариш мақсади амалга ошмади. Чунки мис чойнак, мис чой идиш, офтоба ва бошқа маҳаллий буюмлар ўзининг жозибадорлиги, юқори сифати билан фабрикада ишлаб чиқарилган шу турдаги буюмларни рақобатда ютиб чиқди”[1]. Демак, бундан кўриниб турибдики, маҳаллий ишлаб чиқарилган металл буюмларга доимо эҳтиёж катта бўлган.

Жанубий ҳудудларда *кандакорлик*–металдан ясалган буюмларга бўртма усулида ишлов бериш (торевтика) бўлиб, жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигида алоҳида ўрин тутади. У қадимийлиги жиҳатидан кулолчиликдан кейин туради. Жуда қадим замонлардан биринж, яъни бронзадан буюмлар ясаш урф бўлган[2]. Кейинчалик маҳаллий усталар олтин, кумуш, мис ва жез каби металларга ишлов бериш орқали санъат дурдоналарини яратишган. XVIII XX аср бошларига келиб, Қарши, Шаҳрисабз (Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон) шаҳарлари энг сифатли кандакорлик буюмлари тайёрлайдиган ва ишлаб чиқарадиган марказлар бўлган. Ҳозирда XIX аср охири XX аср бошларига оид Қарши шаҳрида тайёрланган кандакорлик буюмлари Ўзбекистон Давлат Санъат музейи ва Ўзбекистон амалий санъати ва халқ ҳунармандчилиги Давлат музейи фондларида сақланади. Ҳунармандчиликнинг нафис соҳаси кандакорлик қўлда бажариладиган, кўп меҳнат талаб қиладиган нозик иш бўлиб, у биргина асбоб пўлат қаламнинг ҳар хил турлари асосида амалга оширилади. Унинг қанақа бўлиши миллий нақш ва гулларнинг қай услубда туширилишига боғлиқ. Нақш ўйилгандан кейин буюм сиртини ялтиратишда эгов, ранда ва мисқолдан фойдаланилади. Кандакорлар буюм сиртига доира нақш тушириш учун паргордан ҳам фойдаланишган. Бироқ, XX аср бошларида Қашқадарёда кандакорлик ҳунари қисқариб кетади.

Ҳунармандчиликнинг асосий турларидан бири ***заргарлик*** ҳунари Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Хўжанд, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарларда ўзига хос тарзда шаклланиб, локал-ҳудудий хусусиятлари билан ажралиб туради[3]. Заргарлик санъатида Сурхондарё, Қашқадарё мактаблари, Хоразм заргарлик мактабидан кейин иккинчи ўринда турган. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро заргарлик мактабла-

[1] *Гейер И. И.* Туркестан. – Т., – 1909. – С. 94.

[2] Абдуллаев Т, Фахретдинова Д, Ҳакимов А. Песнь в металле. Народное искусства Узбекистана. Т. 1996.17бет.

[3] *Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И.* Этнографические очерки материальной культуры узбеков (конец XIX – начало XX в. ). – Т., – 1981. – С. 101.

ри биргаликда учинчи ўринни эгаллаган[1].

Қашқадарёда заргарлик буюмларини тайёрлаш Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона водийси шаҳарлари каби кенг ривожланмаган[2]. Воҳа заргарлари қимматбаҳо тош ва металл, шишалардан турли тақинчоқ ва бошқа буюмлар ясашган. Заргарлар ясаган "ситора" тақинчоғи ҳам босма услубида бўлиб, гулдаста кўринишидаги накш билан безатилган ва аёллар кўйлагининг олд қисмига тақилган[3].

XIX арда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳам Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Қўқон шаҳарлари каби Ўрта Осиёнинг етакчи заргарлик марказларидан бири бўлган. Заргарлар ўз оилавий ҳунарларини авлоддан-авлодга ўтказиш, ўргатиш ўзига хос анъана бўлиб, доимий давом этган.

Заргарликда ҳам ўзига хос асбоб-ускуналар: лойли ўчоқ, чарм, ўтга чидамли лойлар, пайванд найча, темир қисқичлар, болғачалар, металл тахтача, металл қисқич, паргор, мисгарликда ишлатиладиган баъзи бир кескич асбоблар, чарх тош, кичкина қисқичлар, қолиплар, металлдан тайёрланган ҳар хил диаметрли ярим шарсимон чуқурчали қолипчалар, қайчи омбирлар, пайвандловчи каби асбоблардан иборат бўлган. Заргарлар бундай асбобларни ясаш учун темирчи усталарга буюртмалар берганлар[4]. Маҳаллий усталар билан бир қаторда Ҳиндистондан келган усталар (улар орасида лўли усталар ҳам бўлган) ҳам фаолият кўрсатган[5]. Қарши заргарлик дўконларида исирға, зирак, билакузук, мунчоқлар ҳам ясаб сотишган. Манбаларда келтирилишича, бурун ва қулоққа тақиладиган тилла ҳалқа 6 рубл, кумушдан ишланган билакузук 3 рубл, оддий халқа 2 рубл, узук 50-60 копеекка баҳоланган[6].

Бойсун, Шеробод, Денов ҳудудларида ҳам заргарлик соҳаси кенг ривожланган бўлиб, заргарлар кумуш, мис, тилладан хотин-қизлар учун чиройли тақинчоқлар рангли тошлар билан безатилган туморлар учун ғилофлар тайёрланганлар. Заргарлик буюмларидан "Зебисина", "тилла баргак", "ақиқ", "заркокил", "халқаи мухаммади", "халқаи сепоя", "халқаибешоёқ", "тиллақош", "бибишак" каби турли хил номлар билан ажралиб туради.

---

[1] *Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И.* Этнографические очерки материальной культуры узбеков (конец XIX – начало XX в. ). – Т., – 1981. – С. 101.

[2] *Гюль Э.* Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги // Sanat. – 2005., – №2. – Б. 16.

[3] *Гюль Э.* Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги // Sanat. – 2005., – №2. – Б. 16.

[4] *Булатов С.* Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: – Меҳнат, – 1991. – Б. 309.

[5] *Равшанов П.* Қарши тарихи... . – Б. 604.

[6] ЎзР МДА. 596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 42-варақ.

Муҳр тайёрлайдиган усталар алоҳида рўйхатда бўлиб, ҳар бир ишга масъулият ва эътибор билан қараганлар. Заргар усталар буюмлар тайёрлаш учун зарур металл, тилла, кумуш, мис, шунингдек, тошлар, қизил-ёқут, лаъл, ёқут, зумрад, рангли тошлар – феруза, сердолик, ложуворд, денгиз иномлари бўлган дур, маржон, садафларни танлаш, ишлатиш, ҳар бир тақинчоққа нафис ишлов беришни дид билан ўрганганлар.

XVIII – XX аср бошларида Ҳиндистон, Эрон ва Мисрдан сунъий тошлар олиб келиниб, тилла ва кумуш аралаштирилиб, қимматбаҳо тошлар тайёрланган. Заргарлар соф ҳолда олтин-кумушларни ишлатмаганлар. Бунга сабаб тилла табиатан юмшоқ бўлиб, табиий тоза ҳолда учрайди, кумуш эса бошқа рудалардан ажратиб олинган. Заргарликда тилла, кумуш таркибига бироз қаттиқроқ, чидамли бўлиши учун мис ва бронза қўшганлар. Шунингдек, баъзи заргарлар қимматбаҳо металлар билан ишлашда мураккаб кимёвий реакция ва тайёрлов услубидан фойдаланишган. Бундай услуб эса заргарликнинг ривожланишида ўзига хос мактаб, марказларнинг вужудга келишига олиб келган. Бухоро амирлигида ҳунармандчилик миллий талаблар даражасида бўлиб, маҳаллий ҳунармандлар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда оддий косибчилик эътиқодларига амал қилар эди[1]. Темирчилик устахоналари ўзларини маҳсулот билан таъминлаш, конларда руда, чет элдан заргарлик учун маҳсулот олиб келишни ўз зиммаларига олган, бироқ амирлик томонидан ҳеч қандай моддий-маънавий қўллаб-қувватланмаган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳунармандлар оғир шароитга қарамай, ўзининг мустаҳкамлиги, нафис, гўзаллиги, бозор талабларига хос бўлган буюмлар тайёрлаганлар. Бекликларда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари жаҳон бозорларида харидорларини топиб, ўз мавқеига эга бўлган. Ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларни имконият даражасида таъминлаши талаб даражасида бўлса–да, лекин уларнинг турмуш даражаси анча паст ва ачинарли аҳволда бўлган. Чунки маҳаллий бекликлар, иш бошқарувчилар ҳунармандчиликнинг ривожланишига моддий-маънавий жиҳатдан амалий ёрдам бермаганлар. Солиқ ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлаб туришга қарамасдан қўшимча солиқларга, ноқонуний мажбуриятларни бажаришга жалб этилган.

[1] Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи / С.Н. Турсунов (ва бошқалар). – Тошкент: “Muharrir”, 2013. – 324 б.

Бугунги кунда ўзбек заргарлик мактаблари ўз анъанавий тажрибаларини ривожлантириш билан бирга бошқа мактабларнинг ҳам тажрибаларини ўзлаштирмоқдалар. Ўлкада савдо-сотиқнинг ривожланиши натижасида қўшни минтақалардан хилма-хил тақинчоқ турларининг кириб келиши, уларнинг техникаси, бадиий жиҳатлари (орнаментлар), умумий кўриниши маҳаллий тақинчоқлар турлари билан яқинлашиб, ўзаро уйғунлашиб кетишига ҳам олиб келди.

Умуман олганда, II боб юзасидан қилинадиган хулосага кўра, Россия мустамлакаси даврида, яъни Ўрта Осиё хонликлари иқтисодиётида ҳунармандлар катта ўрин эгаллар эди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳамда ярим кўчманчи аҳолининг эҳтиёжларини қондирар ва қолган бир қисми эса бошқа давлатларга сотиш учун ишлаб чиқарилган. XIX асрнинг 2- ярми – XX аср бошларида Жанубий ҳудудлар Бухоро амирлиги таркибида бўлган. Бухоро амирлигининг йирик шаҳарлари ўзларининг ҳунармандчилик маҳсулотлари билан алоҳида нуфузга эга бўлиб, доимий равишда аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қондириб келган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия ва Европа давлатларидан фабрика маҳсулотларининг кўплаб кириб келиши Марказий Осиё, хусусан, Қашқадарё воҳасида ишлаб чиқарилган тўқимачилик буюмларига талабнинг пасайиб кетишига сабаб бўлган. Шунингдек, ушбу даврда четдан келтирилган сунъий анилин бўёқларининг ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида кенг қўлланилиши натижасида баъзи бир тўқимачилик маҳсулотлари сифатининг пасайиб кетиши ҳам кузатилади.

Туркистонда саноат ишлаб чиқариши ва Россия билан савдо-сотиқ, товар-пул муносабатларининг ривожланиши маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини мураккаблаштирди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири етакчи тармоқ бўлган пахта тозалаш, жун ювиш, ипак қуритиш ва ўраш, кўнчилик, ёғ тайёрлаш заводларида тайёрланган маҳсулотлар четга чиқарилган. Ички бозорга озиқ-овқат, совун, ун, металлни қайта ишлаш, кончилик саноати, пиво ва арoқ, бошқа корхоналар маҳсулотлари етиштирилиб, улар иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. Шунингдек, ҳунармандчилик корхоналари сони камайгани билан маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори мунтазам ўсиб борди. Мустақил ишлаётган усталарнинг маҳсулотлари йирик корхоналарнинг эгалари томонидан сотиб олиниши натижасида маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам аста-секинлик билан то-

вар хусусиятига эга бўлиб борди. Ҳунармандчилик, саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан шаҳарларда аҳоли ўртасида табақаланиш тезлашади. Меҳнаткашларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан алоқани узиб, бевосита ҳунармандчилик ва саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлишига олиб келди.

Ҳунармандлар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда накд пулга сотибгина қолмай, балки ғалла ёки ўзига зарурат молга алмаштириб - бартер усулида ҳам айирбошлаб турмуш маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилганлар. Бундай усуллардан кўпинча уй ҳунармандлари ип йигирувчилар, тикувчилар, кигиз босувчилар, айниқса, гилам ҳамда палос тўқувчилар кўпроқ фойдаланганлар. Бундай усулларни қўллаш ва ундан унумли фойдаланиш Туркистон ўлкасининг кўпчилик шаҳар ва қишлоқларида янгидан-янги бозорларнинг ташкил этилишига, ташқи савдо алоқаларининг кучайишига олиб келган. Айниқса, бундай шароитлар хонликлар бошқаруви даврида ҳунармандчилик моллари карвонлар воситасида узоқ ўлкаларга жўнатилиб турилган. Россия, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон ва бошқа ўлкаларга юборилиб турилган моллар ўз вақтида сотилиб, уларнинг ўрнига бошқа моллар олиб келинган.

Ҳунармандлар ўзларининг кооперацияларига эга бўлиб, улар муайян даражада шаҳар ҳунармандлари манфаатларини ҳимоя қилганлар. Шу билан бирга ҳунармандлар ташкилотларидан мустамлакачилар ўз мақсадлари йўлида фойдаланар эди. Кейинчалик ҳунармандчилик бирлашмаларида сайлаб қўйилган ўз гумашталари, яъни оқсоқоллари ёрдамида давлат савдо-ҳунармандчилик фаолиятига ҳам раҳбарлик қилиб, уни назорат остига олар эди.

XX аср бошига келиб маҳаллий ишлаб чиқариш усулларининг кўпи ўрта аср даражасида қолиб, эскириб кетганлигига қарамай, улардан ички эҳтиёжлар учун маҳсулот етиштиришда кенг фойдаланилган. Шаҳарларга завод ва фабрикаларнинг кириб келиши ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини, хусусан, тўқимачилик, виночилик, ёғ-мой, пахтачилик, ипакчилик каби хомашёни қайта ишлаш соҳаларини машиналаштиришга, йириклаштириш, товар-пул муносабатларини кенгайтириш, маҳаллий ресурслар, хомашёни истеъмолга киритишни жадаллаштириш, банк-кредит тизими, савдо биржалари, савдо-саноат ширкатлари, транспорт конторалари, акционерлик жамиятларининг кириб келишига олиб келган. Бошқа соҳалар эса, хусусан, темирчилик, мискарлик, кийим-кечак ва пойабзал тайёрлаш, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик каби соҳалар анъанавий усулларда давом этган. Жумладан, Россия ҳукмронлигининг анъанавий

ҳунармандчилик ривожига таъсирини бу даврда қуйидагиларда кўриш мумкин:

– Россия истилоси туфайли бутун Бухоро амирлиги ва умуман ўлканинг бутунлай забт этилиши, ҳокимиятнинг мустамлакачиликка асосланган тузимининг вужудга келиши ва амирликнинг барча ҳудудларида ўрнатилиши;

– иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчилик муассасаларининг вужудга келиши ва унинг миллий ҳунармандчиликка таъсири;

– ўлкада Россиянинг савдо, саноат ва молия капитали ҳукмронлигининг ўрнатилиши, кўпроқ фойда ва даромад олиш мақсадида барча ҳунармандчилик саноатини кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган янги иқтисодий шароитларнинг ишлаб чиқилиши;

– шу мақсад йўлида минтақа халқлари, шунингдек, кустар- ҳунармандларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини менсимасдан уларнинг оммавий равишда асоратга солиниши;

– биринчи жаҳон уруши ва фуқаролар уруши натижасида бутун халқ хўжалигининг, яъни ҳунармандчиликнинг ривожига бўлган таъсири. Бу таъсирлар, албатта, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари учун ҳам хос бўлиб, айнан ҳунармандчилик соҳаси ўзига хос тарзда ривожланиш йўлида борган. Шу боис, Туркистоннинг Россия империяси билан мавжуд савдо ва бошқа алоқаларнинг узилиб қолиши, натижада Россиядан маҳсулотларнинг кириб келиши ва олиб чиқиб кетилиши ҳам издан чиқди;

– ҳунармандчиликнинг бир қатор ривожланган соҳалари, турлари рақобатга учраб қисқариб кетиши, сақлаб қолинган турларининг ишлаб чиқариш даражаси ва маҳсулот сифатининг кескин пасайиб кетиши;

– Туркистонда қишлоқ аҳолиси асрлар давомида шуғулланиб келган анъанавий ҳунармандчилигининг аста-секин унутилиб, Россия империясининг пахта, ипак ва бошқа маҳсулотлари етиштирувчисига айланиши;

– бу даврда ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ меҳнат қуроллари (теша, болта, болға, ўроқ, арава, чорва моллари жунуни олиш учун қайчилар), маҳсулотлар (отларга тақа, михлар, чангаклар, идиш-товоқлар, кийим-бошлар) ишлаб чиқариши, пахта ишлаб чиқариш, чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёжнинг ортиши ва сифат жиҳатдан майда ҳунармандчиликнинг ривожланиши.

XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Ўрта Осиё ҳудудидаги анъанавий санъатнинг барча турларига салбий таъсир кўрсатган. Қашқадарёда ҳунармандчиликнинг кўпгина турлари маҳсулотларга талаб йўқлиги, фабрикаларда тайёрланган товарларнинг кенг ёйилиши туфайли деярли йўқолиб кетди. Дастлаб кандакорлар ва тўқувчилар ўз иш фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишган. Каштадўзлик эса қисман сақланган. Қишлоқ аёллари жияк, дўппи тикиш билан шуғулланишган. Гиламдўзлар ҳам рўзғорбоп гиламлар тўқиш билан чегараланишган. Араб ва ўзбек гиламдўзлари томонидан тўқилган араби (қилими), ғажари, оқ энли гиламларнинг ҳажми 10 – 12 кв. мгача етган бўлиб, улар анъанавий геометрик шакллар билан безатилган. Ҳунармандчиликнинг айрим турлари янги замон талабларига мослашиб, саноат асосида ишлаб чиқариш йўлига ўтган.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, мустамлака даврида ҳунармандчилик устахоналари миқдори ва ҳунармандларнинг сони, қолаверса, ҳунармандчилик марказлари сонига тегишли маълумотларда номутаносибликлар сезилади. Чунки бу маълумотларда ҳунармандларнинг устахонаси борлиги ёки айрим артелларга бирлашганлиги, солиқ тўлашгани, расмий рўйхатдан ўтганлиги ҳақида келтирилади. Бироқ якка косиб-ҳунармандлар, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик каби машғулотларни бирга олиб борган ҳунармандлар деярли ҳисобга олинмаган. Айрим статистик маълумотлар, ҳатто Туркистоннинг кўзга кўринган шаҳарлари доирасида кўрсатилган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари шаҳар ва қишлоқларида яшовчи ҳунармандлар ҳақидаги маълумотлар эса йўқ ёки умуман рўйхатга олинмаган. Шу боис ҳам биз бу тадқиқотда кўпроқ 1917 йил (давлат тўнтариши)дан сўнг олинган маълумотларга таянишимизга тўғри келди. Қолаверса, мустамлакачилик даврида ўлкада ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқларигина ривожланиб борди. Бунга сабаб, Россия даврида пахтага, чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёж ортиб, қишлоқ хўжалигининг айнан шу соҳалари ривожланди. Айнан ҳунармандчилик марказлари мавжуд шаҳарларда ҳунармандчилик сифат жиҳатидан ортиб борди. Чунки шаҳар аҳолисининг турмуш даражасининг ўзгариши ва ўлкага Европа маданиятининг кириб келиши ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабни оширди. Айниқса, заргарлик, тўқимачилик ривожланиши кундалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига ҳам олиб келди.

# III БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## 3.1. Совет давлатининг иқтисодий сиёсати ва ҳунармандчиликка муносабати

Туркистон ўлкасининг халқ хўжалиги биринчи жаҳон уруши ва Россиядаги 1917 йилги давлат тўнтаришидан кейин умумий вайронагарчилик ва қаҳатчиликни бошидан кечираётган эди. Большевиклар режимининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштириш ва унинг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдиришга, шу билан бирга иқтисодий усуллар билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсати очарчилик ва вайронгарчиликни янада чуқурлаштирди[1]. Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришининг кескин камайиб кетиши ва Россиядан саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келишнинг тобора қисқариб бориши натижасида нарх-наво тўхтовсиз ошиб борди. Совет ҳукумати саноатнинг бутун-бутун тармоқларини давлат тасарруфига ўтказа бошлади. Чунончи 1918 йилнинг биринчи ярмигача ўлка саноатининг 330 дан ортиқ саноат корхонаси давлат мулки қилиб ўтказилди[2]. Вужудга келган саноат корхоналарида янгича техника ва технологиядан фойдаланишга ҳаракат қилинса-да, аммо барча корхоналарни реконструкция қилиш учун маблағ етишмас эди. Қолаверса, Россиянинг ўзидаги саноат корхоналари ҳам техникавий асбоб-ускуна ва машиналар билан жиҳозланиш бўйича жаҳондаги кўп давлатлардан, хусусан, Европа мамлакатлари ҳамда Америкадан анча орқада қолганлиги унинг мустамлакаси бўлган Туркистонда ҳам ўз аксини топди.

Маълумки, бу даврда ўлкадаги мавжуд бўлган саноқли кичик корхоналар ўз ишларини кенг йўлга қўя олмаганлар. Чунки биринчидан, уларнинг фаолиятини давлат қўллаб-қувватламаган бўлса,

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб // Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т. “Шарқ”, – 2000, – Б. 102.

[2] История народного хозяйства Узбекистана. – Т., – 1962, – Т. 1. – С. 30; *Яна қаранг:* ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 375-йиғма жилд, 33-варақ.

иккинчидан, Россия империясининг ўлкага ҳали ҳам хомашё базаси сифатида қараши эди. Бундай мураккаб вазиятда Совет ҳукумати ҳарбий чора-тадбирлар билан бир қаторда "ҳарбий коммунизм" деб аталган фавқулодда иқтисодий чора-тадбирларни ҳам ўтказди.

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати ўз моҳиятига кўра фақат йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумийлаштиришни тақозо этди. Бунда Туркистон маъмурлари учун РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 28 июндаги йирик саноат ва транспортни ёппасига миллийлаштириш тўғрисидаги декрети қулай дастур ва асос бўлиб хизмат қилди[1]. Шунингдек, ушбу декретни амалга ошириш учун 1918 йилнинг иккинчи ярмидан 1919 йил биринчи ярмигача қабул қилинган ҳукумат қарорлари, хусусан, халқ хўжалиги ва маҳаллий кенгашларнинг қарорлари асосида бу ерда фабрика-завод типидаги барча йирик ва ўрта корхоналар, шунингдек, ҳунармандчилик (кустар) ва ярим ҳунармандчилик (ярим кустар) типидаги майда корхоналарнинг бир қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига олинди. Бу ҳолат Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб, ҳунармандлар ўртасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлди. Умуман, Туркистонда ўша пайтга келиб 150 минг ҳунарманд, шу жумладан, 61250 тўқувчи, 24000 этикдўз, 8680 кўнчи, 20150 йигирувчи, 7470 темирчи бўлган[2].

1917 йилда ўлкада 91242 нафар атрофида турли ҳунар соҳалари билан шуғулланувчи ҳунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, улардан 52796 таси шаҳарларда, 28445 таси эса қишлоқларда фаолият кўрсатарди[3]. Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 31353 та ҳунармандчилик корхонаси ишлаб чиқариш билан машғул эди. Шўроларнинг иқтисодий, сиёсий ислоҳотлари жараёнида ер, йирик ва майда саноат, савдо-сотиқ ишларининг монополияга олиниши жуда катта муаммоларни келтириб чиқарарди. Бу даврда, асосан, ишлаб чиқариш ишдан чиқади. Натижада озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари танқислиги вужудга келди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига талаб ошди, бу эса ўз-ўзидан ҳунармандлар сонининг ошишига

[1] Из истории гражданской войны в СССР // Сборник документов. – М., – 1960, – Т. 1. – С. 243 – 264.; История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. – Т., – 1962. – С. 27 – 34.

[2] История народного хозяйства Узбекистана. – Т., – 1962. – Т. 1. – С. 69.

[3] *Қиличев Р.* Тоталитар бошқарув даврида халқ ҳунармандчилиги // Жамият ва бошқарув. – №2., – 2005. – Б. 84.

олиб келди. Жумладан, 1913 йилда Фарғона ва Сирдарё вилоятларида тўқимачилик дўконларида 1100 тўқувчи ишлаган бўлса, 1920 йилда уларнинг сони 2280 нафарга етди. Шунингдек, кўплаб саноат корхоналарининг тўхтаб қолиши оқибатида ишсизлар сонининг кескин равишда ошиши, уларни ялпи ҳунармандчилик билан шуғулланишига мажбур қилди. 1917 йилда 91242 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатган бўлса, 1920 йилда уларнинг сони 150000 нафарни ташкил этган[1].

Давлат ихтиёрига ўтказилган саноат ишлаб чиқариши бутунлай фронтни таъминлашга йўналтирилган бир шароитда бирдан-бир "нажот" умумийлаштирилмаган косибчи-ҳунармандчилик устахоналари бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, ўлкада товар тақчиллигидан бир қадар қутулиш йўлларини қидириб, ярим ҳунармандчилик ва косибчилик устахоналари очилди ва уларда пойабзал, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилди. Бироқ тез орада бу буюмлар ҳам биринчи галда Қизил армия қисмларини таъминлашга топшириладиган бўлди. Масалан, 1918 йили 1 ноябрда "Голос Самарканда" газетаси косиб ва ҳунармандларга расман мурожаат этиб, "армия учун кийим-кечак тайёрлаш зарур" деб маълум қилди. Марказ туркистонлик 150 минг кишидан иборат косиб ва ҳунармандлар гуруҳининг янги ҳокимият мавқеини мустаҳкамлаш каби стратегик вазифани ҳал қилишга жалб этиш мақсадида уларни жадаллик билан кооперация атрофида уюштиришни ташкил эта бошлади. Шу боис, Туркистон Компартиясининг III съезди чақирилиб, қисқа муддат ичида эркин косиб ва ҳунармандларни кооперативларга бирлаштиришни талаб қилди, уларни "мамлакатни таъминлашнинг умумий режаси"га қўшди[2].

Бундан ташқари, 1918 йилда Туркистон АССР ХКК (Халқ комиссарлари кенгаши) ҳузурида Ҳунармандчилик бўлими ҳам таъсис этилди. Бу бўлимга "пролетар оммасига ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришда ижодий туйғу ва унга бўлган меҳр-муҳаббатни ривожлантириш ва оммалаштириш" вазифаси юклатилган эди[3]. Мазкур кўрсатманинг амалий ижроси сифатида шу йилнинг июл ойида Туркистон Саноати Халқ комиссарлиги ҳузурида косибчилик саноати шўъбаси[4] ташкил этилди. Шўъба

---

[1] *Қиличев Р.* Тоталитар бошқарув даврида халқ ҳунармандчилиги // Жамият ва бошқарув. – №2., – 2005. – Б. 84.

[2] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференцией. – Т., – 1988. – С. 43.

[3] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана... – С. 8.

[4] ЎзР МДА, 27-жамғарма, 1-рўйхат, 20, 60, 79-йиғма жилдлар; 130-йиғма жилд, 19-варақ.

косибларни "Совет қизил Россияси"нинг моддий ресурсларини қўллаб-қувватлаш умумий режасига жалб қилиш ишлари билан шуғулланди. Натижада барча ҳунармандчилик тармоқларининг давлатга қарамлигига асосланган хомашё ва тайёр маҳсулотни хусусий равишда сотишдан маҳрум этилган косиблар бутунлай давлатга тобе бўлиб қолдилар. Улар хомашё ва материалларни ҳам давлатдан оладиган, ўз маҳсулотларини ҳам унга топширадиган бўлдилар. Бундай шароитда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки миллий қаршилик кўрсатиш кучларига қарши кураш олиб бораётган фронтни ресурслар билан қўллаб-қувватлашга бутунлай бўйсундирилди. Шу билан бирга, Туркистондаги совет қуролли кучларини таъминлаш турли воситалар орқали амалга оширилди.

1919 йилнинг ноябрида Марказдан келиб турадиган буйруқлар армияни таъминлаш мақсадида энг зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг муайян қисми бевосита Марказий ҳарбий тайёрлов бўлимига бўйсундирилди. Шунингдек, Туркистондаги қўшинлар учун буюмлар ишлаб чиқариш ҳам бутунлай унинг ихтиёрига ўтказилди. Хусусан, бу даврга келиб Туркистон ўлкаси Марказий ҳарбий тайёрлов бўлимига тахминан 3,5 минг ишчига эга бўлган 30 дан ортиқ корхона бўйсундирилган эди[1]. Ўлканинг Жанубий ҳудудларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳам фақат ҳарбий эҳтиёжларни қондиришга ишлатилган. Бу даврда Самарқандда фаолият кўрсатган 6 та пойабзал устахонасининг 2 таси совет қўшинларини таъминлаш вилоят ҳайъатига, 4 таси вилоят озиқ-овқат бўлимига бўйсундирилган эди. Лекин улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 80% босқинчи армияга мўлжалланган бўлиб, бор-йўғи 20% фуқаролар ва турли ташкилотлар эҳтиёжлари учун ажратилган[2]. Кенг истеъмол маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш соҳасида ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин эди.

1919 йилнинг кузига келиб Туркистон АССРда саноат корхоналарининг 57%и давлат ихтиёрига ўтказилди[3]. Бундай сиёсат Марказ томонидан ҳеч қандай иқтисодий заруратсизлик, тайёргарликсиз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилди. Бутунлай инқирозга учраган корхоналар ҳам умумийлаштирилди, бироқ уларни ишга тушириш учун катта маблағ ва вақт керак эди[4]. Чунки

[1] ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 346-йиғма жилд, 13 – 14-варақлар.

[2] ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 346-йиғма жилд. 14варақ.

[3] Из истории гражданской войны в СССР // Сборник документов. – Т. 1. – М., – 1960. – С. 2654 – 255.

[4] ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 137-варақ.

саноат корхоналарининг тартибсиз равишда жадаллик билан национализация қилиниши ишлаб чиқаришни издан чиқариб, тармоқнинг орқага кетиш сабабларидан бирига айланган эди. Қолаверса, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан йирик фабрика ва заводлар фаолияти заифлашиб, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши натижасида аҳолини саноат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлай олмай қолган эди.

Большевиклар 20-йилларнинг бошида ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга мажбур бўлган бўлса-да, улар устидан давлат монополиясини сақлаб туришни кучайтирди. Хомашё ва маҳсулот тайёрлаш, сотишни ҳамда якка тартибдаги меҳнатни ўз назоратида сақлаб туриш учун Россия империяси янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этишда, асосан, ҳунармандларни артелларга бирлаштириб, ҳунармандчилик кооперацияларини ташкил этди.

Бунда, асосан, майда товар ишлаб чиқариш ҳунарманднинг ижодий тадбиркорлик фаолиятига йўл берилди. Туркистон МИҚ, ХКС ва ХХМ Кенгаши (ЦСНХ) ташаббуси билан 1921 йил февралда ҳунармандчилик кооперативларининг Умумтуркистон қурултойи чақирилади ва унда Туркистон ҳунармандлар иттифоқи (Туркпромсоюз)ни тузиш тасдиқланди[1]. Шунингдек, Туркистон МИҚнинг 1921 йил август ойида қабул қилган қарори асосида ҳунармандларни кооперацияга бирлаштириш авж олиб, 1922 йилга келиб жами косибларнинг 38840 нафари кооперацияга бирлашдилар ва улар қуйидагича тақсимланганлар[2]:

| № | Ҳунармандлар | Артеллар сони | Аъзолар сони |
|---|---|---|---|
| | Темирчилар | 114 | 3130 |
| | Тўқувчилар | 312 | 9286 |
| | Кўнчилар | 342 | 7451 |
| | Кимёгарлар | 131 | 2650 |
| | Озиқовқатчилар | 154 | 3725 |
| | Тикувчилар | 61 | 1415 |
| | Ёғочсозлар | 113 | 2179 |
| | Бошқа ишлаб чиқарувчи соҳалар | 113 | 1002 |

Бу бирлашмалар кўп ҳолларда расмий кўринишга эга бўлиб, аслида артелларнинг бир қисми тарқаб кетган ёки баъзилари қийинчилик билан фаолият олиб бораётган эди. Чунки бундай уюшиш

[1] ЎзР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 349-варақ
[2] ЎзР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 351-варақ.

маълум аъзолик ва пай бадалларини талаб қилар эди[1]. Артелларнинг ўзбошимчалик билан ишлаши, ходимларнинг эски услубда ишлаб чиқариши маҳсулотнинг сифатини пасайтирарди.

Қашқадарё вилояти артелларининг тўқувчилик ва ипак саноати 56 %, темирчилик 13 %, кийим-пойабзал 52 %, тикувчилик 56 %, кўнчилик 38%га кооперациялашган эди. Бу кооперацияларда миллий таркибга кўра, ўзбеклар 83 %, тожиклар 5 %, еврейлар 2 %, руслар 2 % ташкил этган бўлиб[2], битта инструктор 20 та артелга бошчилик қилган. Бу артелларда кустарларни ишлаб чиқарувчи хомашё ва ярим тайёр маҳсулот билан таъминланмасдан, кўп қисми Москва ва Россиянинг бошқа жойларига жўнатилган[3].

Бу даврда Туркистонда косиб-ҳунармандчилик тармоғи барча саноат муассасаларининг деярли 89%ни ўзида жамлаган бўлиб, бутун маҳсулот қийматининг 4/1 қисмидан кўпроғини ишлаб чиқарарди[4]. Тўғри, кейинчалик саноатни национализация қилишдаги бу нуқсонларга барҳам берилгандек бўлди. Бироқ бу билан аҳвол ўзгармади. Жумладан, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 1920 йили ҳунармандчилик типидаги майда кўнчилик корхоналаридан 16 та, Самарқанд вилоятида 31 та майда ва ўрта ҳунармандчилик корхоналари ўз эгаларига қайтариб берилди[5]. Лекин бу чоралар вақтинчалик бўлиб, норозилиги кучайган аҳолининг бироз бўлса-да, тафтини туширишга қаратилган эди.

1920 йилга келиб эса большевиклар яна 1057 та саноат корхонасини зўрлик билан давлат мулкига айлантирдилар[6]. Шунингдек, хусусий ва кооператив мулкчилик ихтиёрида фақат энг майда корхоналар, асосан, ҳунармандчилик ва косибчиликлар қолган бўлиб, улардаги ўртача ёлланма ишчилар сони 4 дан ошмас ёки ёлланма меҳнат умуман татбиқ этилмасди[7].

Шу йили Туркистон АССРда саноат корхоналарининг рўйхатга олинган 13450 косиб-ҳунармандчилик корхонасидан 12671 таси ишлаган бўлса[8]. 13300 ишчи ва айнан ҳунармандчилик корхоналарида 150000 киши фаолият олиб борган[9].

---

[1] Отчет о деятельности СНК и Экономического совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. – Т., – 1922. – С. 320.

[2] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3.

[3] *Қобилов Х.* Мустабид тузум сиёсатининг оқибатлари // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №2. – Б. 110.

[4] История народного хозяйство Узбекистана... – С. 18

[5] ЎзР МДА 27-жамғарма, 1-рўйхат, 445-йиғма жилд, 105-варақ

[6] ЎЗР МДА 17-жамғарма, 1-рўйхат, 812-йиғма жилд, 313-варақ

[7] История народного хозяйство Узбекистана... – С. 80

[8] *Каримов Р.* Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. – Т., – Фан, – 1981, – Б. 15.

[9] *Каримов Р.* Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан... – Б. 15.

Бу даврда ўлкада тўқувчилик, темирчилик, мисгарлик, кўнчилик, қандолатчилик каби ҳунармандчилик корхоналари замонавий фабрика-заводлар билан рақобати йўқлиги туфайли анча тараққий этди. Бунга сабаб корхоналар ўзининг ишчиларига, хомашёсига ва бозорига эга эдилар. Қолаверса, НЭПнинг ҳаётга жорий этилиши, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги товар алмашувини тиклаш эҳтиёжи Туркистонда ҳунармандчилик саноатини тиклаш ва ривожлантиришни ҳам талаб қиларди.

Совет ҳокимиятининг қўл остига тўпланган бутун саноат маҳсулотларининг аксарияти Марказий ҳарбий тайёрлов бўлим (ЦОВЗ – Ценьтральный отдел военных заготовок)ларига юборилди. Бу корхоналар фақат 1920 йилнинг ўзидаёқ фронт учун 172,5 минг донадан ортиқ гимнастёрка, 81 мингта калта пўстин, 324 донага яқин кўйлак, 202 мингдан ортиқ бош кийим, 111,2 минг жуфт пойабзал ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарган[1].

Большевиклар йирик, ўрта ва ҳатто, майда фабрика-завод типидаги корхоналарни национализация қилиш билан бирга кўпгина ҳунармандчилик устахоналарини ҳам ўз назоратига олди. Ҳунармандчилик устахоналари, асосан, маъмурий усуллар билан бирлаштирилиб, ҳунармандчилик артеллари ташкил қилинди. 1920 йил декабрига келиб, Туркистонда қарийб 800 та ҳунармандчилик артеллари (шу жумладан, 10 таси аёллар ишлайдиган артель) бор эди, уларга 25 мингдан ортиқ ҳунарманд бирлашган эди[2].

Ҳунармандчилик артеллари мустақил фаолият кўрсатишдан бутунлай маҳрум этилган бўлиб, улар давлат ва ҳарбий ташкилотларнинг турли буюртмаларини бажарар эди. Қолаверса, давлат белгилаб қўйган қатъий нарх асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар давлатга топширилиб, бозорда сотиш қатъиян ман қилинган эди.

Советлар тузуми ҳунармандчилик тармоқлари устидан қатъий назорат ўрнатиши билан хусусий мулкчиликни тугатиш борасидаги вазифаси умуман ҳал этилди. Шу асосда большевикларнинг ҳарбий-маъмурий усуллар билан “мустабид социализм тузуми”-ни қуриш юзасидан қўйган вазифасини ҳал қилишда катта қадам ташланди. Бу даврга келиб, ҳунармандчилик тараққиётида бироз чекинишлар кузатилади. Чунки XX аср 20-йиллар бошларида ўлкада аҳолини ипак курти билан таъминлаш, ипак уруғини тайёр-

[1] ЎзР МДА 17-жамғарма, 1-рўйхат, 346-йиғма жилд, 4 – 7-варақлар
[2] ЎзР МДА. 60-жамғарма, 1-рўйхат, 696-йиғма жилд, 5-варақ.

лаш ва ипак хомашёсини сотиб олиш, ипак қуртини боқишнинг янги маданий усулларини қўллаш, тут экинзорларини кенгайтириш ва ипак фабрикаларини ташкил этиш, фабрикаларда тўқимачилик ва йигириш устахоналарини йўлга қўйиш, четдан келаётган импорт маҳсулотларни чеклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Туркистон ўлкасига мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин большевикларнинг ушбу ҳудудни улкан хомашё базасига айлантириш мақсадларидан ипакчилик тармоғи ҳам четда қолмади. Бироқ октябрь тўнтаришидан эътиборан бу жараён мутлақо янги сифат касб этди. Миллий ҳунармандчилик "янги коммунистик маънавий қадриятларни" кўзлаб ишлай бошлади. Қолаверса, миллий анъаналар ўртасида узилиш бўлиб, изчилликка путур етди ва социалистик реализм асосларидан бири бўлиб қолди. Шу зайлда "шаклан миллий, мазмунан социалистик" деган метафора маъносини касб этган таъриф шаклланди.

Марказ Туркистонда ипакчилик соҳасини бошқариш мақсадида "Центршёлк"ни ташкил этиб ва жойларда унинг бўлимлари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Туркистонда ипакчилик тармоғини Пахтачилик қўмитаси ҳайъати бошқарарди. 1921 йил 2 ноябрда Туркистон АССР Ипакчилик саноати Марказий бошқармаси Иқтисодий кенгаши томонидан "Туркшёлк" ташкилоти ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти саноат ипакчилиги, уруғчилик ва уни назорат қилиш, илмий-тажрибавий ипакчилик, ўқув-тажрибавий ипакчилик, ипак хомашёсини тайёрлаш ва сотиш, хомашёга илк ишлов беришни таъминлашдан иборат бўлган[1]. Унинг таркибида Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган, Ўш, Скобелев, Самарқанд, Хўжанд, Полтарацкий шаҳарларида тайёрлов идоралари, уруғ етиштирадиган 8 та корхона, Тошкент, Скобелов (Фарғона)да қатор ипакчилик станциялари ва фабрикасига эга бўлган.

"Туркшёлк" 1923 йилдан бошлаб мустақил трест сифатида фаолият олиб бориб, акционерлик жамиятига айлантирилган. 20-йилларнинг охирига келиб, унинг таркибида 16 бўлимдан иборат "Узбекшёлк" қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмитанинг Ўзбекистонда алоҳида фаолият кўрсатиши назарда тутилиб, кейинчалик, яъни 1930 йил декабрь ойида тугатилади ва 1931 йил 4 февралдан бошлаб иттифоқ миқиёсида қайта ташкил этилади. Ниҳоят, 1932 йилдан эътиборан "Ўзбек ипак саноати" (Узбекшёлкпром) номи билан махсус ипакчилик тресті мақомини олиб иш бошлади. Бу

[1] ЎР МДА. Р-132-жамғарма, 1-рўйхат, 73-йиғма жилд, 22-варақ.

трест Фарғона, Самарқанд, Марғилондаги фабрикалар билан бирга туркман, тожик ипакчилик корхоналарини ҳам ўз тасарруфига олади. Ипакчиликни бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида ташкилотнинг фаолияти янада мустаҳкамланади ва 1933 йилдан "Узбекшёлкпромтрест"га айлантирилди[1].

Совет ҳокимиятининг илк йиллари ҳунармандчилик тарихида оғир давр сифатида таърифланади. Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари қисқариб, тўқувчилик ва сопол буюмларни ясаш каби ҳаётий зарур соҳаларгина ўз ўрнини сақлаб қолган эди. Бироқ маҳсулотларнинг сифати талаб даражасидан анча паст ҳолатга тушиб қолган эди. Зардўзлик ва бошқа қатор амалий безак санъати билан боғлиқ ҳунарлар ҳам қисқариб кетади. Кўплаб усталар ўз йўналиши ва соҳасини ўзгартиришга мажбур бўлдилар.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган кулолчилик йўқолиб кетмади, аксинча, кулолчилик маҳсулотларига нисбатан маҳаллий аҳоли эҳтиёжининг ортиши шу соҳанинг кенгайишига сабаб бўлди. Кейинчалик чинни ва фаянсдан ясалган маҳсулотларни олиб келиш қайта тиклангач, кулолчилик маҳсулотларининг аҳоли маиший хўжалигида мавқеи пасая бошлади.

Саноат ишлаб чиқаришида жадаллаштирилган национализация амалга оширилгач, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1920 йили 1914 йилга нисбатан 80%га камайиб Туркистон халқ хўжалигини мудҳиш ҳалокатга олиб келди[2]. Бунга сабаб большевикларнинг иқтисодий сиёсати ва уруш давридаги вайронагарчиликлар эди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда, турли ижтимоий куч ва ҳаракатлар сиёсий курашларининг кучайиши, раҳбариятнинг "социалистик қурилиш" стратегиясини ислоҳ қилиш борасидаги илк уринишлари, Туркистон билан Марказ ўртасидаги империяча муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши империяни иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятини қайтадан кўриб чиқиш ва "ҳарбий коммунизм" сиёсати оқибатида вайронага айланган халқ хўжалигини тиклашга мажбур этди[3]. Бундай чекиниш муваффақиятли чора сифатида товар-бозор муносабатларининг айрим белгиларини тиклаш, хўжалик юритишда ташаббускорликка йўл бериш,

[1] ЎР МДА. Р-132-жамғарма, 1-рўйхат, 73-йиғма жилд, 22-варақ.
[2] Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 205.
[3] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 161.

тадбиркорларни етарли воситалар билан таъминлаш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклашга жалб қилишни кўзда тутар эди.

Бу жараён совет ҳокимиятининг инқирози хавфи ва иқтисоднинг оғир аҳволи, "социалистик жамият барпо этиш" вазифасини амалга оширишга янгича ёндашувлар РКП(б)нинг X съездида (1921 йил, март) расман қабул қилинган янги иқтисодий сиёсат (НЭП)да ўз ифодасини топди[1]. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотиқни эркинлаштириш, саноатда хизмат кўрсатиш ва майда ҳунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка рухсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди. Чунки янги модел иқтисодий муаммоларни ҳал этишда миллий масалага чуқурроқ ёндашишга, бозор томонидан тартибга солиб туриладиган механизмни қисман қайта тиклашга, иқтисодни муайян даражада эркинлаштириш, бошқарув ва ҳокимият органларига тубжой аҳоли вакиллари ҳам анча кенг жалб этилди. Бошқа томондан эса ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ўсиб, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жонланишига ҳам сабаб бўлди.

Натижада Туркистонда XX асрнинг 20 – 30-йилларида ҳунармандчиликнинг кулолчилик соҳасини қайта тиклашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, барча кулолчилик марказларида артеллар, турли хил ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли миллий кулолчиликнинг сир-синоатлари ва технологиясининг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолишга эришилди.

XX аср бошларида Россия ҳукумати гиламдўзликни ривожлантириш мақсадида махсус фармон чиқариб, унга кўра, жойларда янги уюшган гиламдўзлик устахоналарини очиш, марказларда кўргазмалар ташкил этиш, гиламдўзлик устахоналарига назоратчилар тайинлаш ва сифатсиз бўёқлар, яъни анилин бўёғидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги бандлар киритилди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда гиламдўзлар, асосан, аёллар бўлганлиги учун уларга тўланадиган маош тўғрисида ҳам тўхталади[2]. Сурхон воҳасининг Бойсун тумани қишлоқларида 20 – 40-йилларгача узун

[1] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б179.
[2] ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1775-йиғма жилд, 41-варақ.

тукли гилам – жулхурслар анъанавий тарзда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди[1].

Қашқадарёда ҳам гиламчилик артеллари ташкил этилиши билан гиламчилик саноати тикланди ва бутун XX аср давомида сақланиб қолди[2].

XX асрнинг 20-йилларида маҳаллий саноатни ривожлантиришга тамал тошлари қўйилган давр сифатида намоён бўлди. Бу даврда Россиянинг баъзи бир ҳудудларидан ишлаб чиқаришни хомашё базасига яқинроқ жойлаштириш мақсадида Туркистон ўлкасига саноат ускуналарини олиб келиб ўрнатиш чоралари амалга оширилди. Жумладан, РСФСРдан ипак йигириш ва ипак мато тўқиш фабрикалари кўчириб келиниб, ўлканинг Фарғона ва Марғилон шаҳарларига жойлаштирилди. Бунга кўра, 1921 йилнинг сентябрида Фарғона ипак йигирув фабрикаси ишга туширилди[3]. Ушбу ҳодисанинг аҳамиятини тўлиқ тушуниш учун Россия империяси мустамлакаси остидаги Туркистонда империя маъмурияти томонидан биронта ҳам тикув-йигирув фабрикаси қурилмаганлигини келтириш мумкин. Қолаверса, Совет ҳокимиятининг ўлкага ишлаб чиқариш ускуналарини олиб кириши ўша пайтда советлар учун катта аҳамиятга эга эди.

Шунингдек, тўқимачилик соҳасида ҳам Республика ҳунармандчилик саноатини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган косибчилик артелларида уста тўқувчилар хомашё билан таъминланди, ҳатто уларга керакли буюмларни етказиб берадиган таъминот жойлари ҳам ташкил этилди. Чунки ушбу артелларда қўлда тўқиладиган барча матолар эски намунадаги дастгоҳларда анъанавий усулларда амалга ошириларди.

Ўлканинг енгил саноат соҳаси, асосан, пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 1920 йиллардан пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, чарм-галантерия, пойабзал фабрикалари қурила бошланди. Республиканинг ўзида етиштирилган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида майда тарқоқ ҳунармандларни бирлаштириб, саноатнинг асоси яратилди.

---

[1] *Хакимов А, Э. Гюль.* Байсун. Атлас художественных ремесёл. – Т., – 2006. – С. 147

[2] Ўзбекистон Давлат Санъат музейида шу даврга оид гиламчилик маҳсулотларидан Қамаши қишлоғида тўқилган тўрва (инв 199. 1928 йилга оид), Косон тумани араб гиламдўз томонидан тўқилган араби палос (инв 513.1976 йилга оид.) сақланади.

[3] История Узбекской ССР. – Т., – 1957, – Т. 2. – С. 126.

1921 йил февралда Марказда Туркистон ҳунармандчилик иттифоқи (Туркпромсоюз) ташкил этилиб[1], унинг асосий вазифаси халқ хўжалигини тиклаш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, меҳнаткаш халқ оммаси маиший ҳаётини яхшилаш, ҳунармандчилик кооперацияларига бирлаштириш ва назорат қилишга ёрдам беришдан иборат эди. Лекин молиявий маблағнинг етишмаслиги, етарли тажрибанинг йўқлиги ва ҳукумат фақат ташкилий жиҳатларга эътибор қаратиб, бирлашган ҳунармандчилик корхоналарини хомашё, ярим фабрикант ва асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминлай олмаганлиги туфайли бу вазифалар амалга ошмади. Бу эса Туркистондаги хонаки ҳунармандчиликнинг тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Хомашё тайёрлаш ва маҳсулот сотишни биргаликда олиб боришнинг фойдали эканлигини тушунган ҳунармандлар артелларга бирлашиб, ҳунармандчилик кооперациясини ташкил этдилар.

1921 йилга келиб ўлкада ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига оид 1270 та кооператив-ҳунармандчилик артеллари ишлаб, уларга 30 мингга яқин ҳунарманд бирлашган эди[2]. Баъзи корхоналар ва ҳунармандчилик кооперациялари аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида махсус аёллар артелларига айлантирилди. Жумладан, 1926 йили ўлкада мавжуд бўлган 16 та йирик аёллар артелида 814 киши фаолият юритган. 1930 йилга келиб эса республика ҳунармандчилик кооперациясининг 50 дан зиёд артелларида 5000 дан ортиқ аёллар ишлаган[3].

Қашқадарё воҳасида 1928 йили Беҳбудий туманидаги “Учқун” артелида 25 та аёл меҳнат қилган ва барча буюртмалар қўлда бажарилиб, улар ойига 15 ва 20 – 25 сўмдан маош олишган. Бунга сабаб артел атиги 6 та тикув машинаси билан таъминланган эди[4]. Шаҳрисабз тумани “Қизил юлдуз” артелида эса 28 та, Қамаши қишлоғи “Ҳуррият Нисвони” артелида 112 та аёл меҳнат қилган. Бу артеллар гиламчилик цехлари бўлиб, уларга жун маҳсулотлари Бухоро шаҳридан келтирилгани учун маҳсулот таннархи қимматлаштирилган. Артел ишчилари арзимаган маош олишган. “Қизил Юлдуз” артели ишчилари 34 сўмдан, “Ҳуррият Нисвони” артелидагилар эса 12 – 15 сўмдан иш ҳақи олишган. Бу эса артелларда молия ва таъминот ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради[5].

---

[1] ЎзР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 349-варақ.
[2] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 190.
[3] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 190.
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ
[5] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ

1928 йил февралда Шаҳрисабзда кашта тикувчи ва газламалар тўқувчи 25 аёлни бирлаштирган аёллар ҳунармандчилик артели ташкил этилди[1]. Маҳаллий вакиллардан Ашурой Шарипова, Ҳамраой Самадова, Рисолат Эшонқуловалар унинг энг биринчи аъзоларидан эди. 2 йилдан сўнг цехлар кенгайтирилиб, 3 та тикув машинаси мавжуд бўлган янгидан кийим тикиш цехи ташкил этилади. Артел йилига 22,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Китоб, Варганза, Наримон, Паландарада ҳам артелга қарашли дўппи тикиш цехлари ишлай бошлади. Кейинчалик артел халқ ҳунармандчилиги буюмлари ишлаб чиқариш корхонасига айланди. Унинг базасида кейинчалик "Ҳужум" номли йирик фабрика вужудга келади[2].

Янги иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар сабаб 1922 йилнинг иккинчи ярми – 1923 йилнинг бошларидан эътиборан ўлка хўжаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлашда иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа воситалари ҳам қўлланилдики, булар қатъий валютанинг жорий этилиши, деҳқонларга давлат томонидан қарз беришнинг янги тартибининг белгиланиши, имтиёзлар берилиши, қишлоқ кооперациясини авж олдиришдан иборат эди. Қишлоқ хўжалиги ширкатлари билан бир қаторда Туркистонда кооперацияларнинг бошқа турлари ҳам оммалашган эди. Чунончи, 1923 йилда республикада ҳар хил турдаги 877 та кооператив бўлиб, уларга 2881 нафар киши аъзо эди[3]. Улар орасида 259 таси матлубот кооперативлари бўлиб, 1555 нафар кишини иш билан таъминларди. Шундан 346 таси қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, уларда 128,9 минг киши, 199 таси ҳунармандчилик кооперативлари бўлиб, уларда 3,3 минг киши бирлашган эди. 1924 йилда қишлоқ хўжалик кооперативларининг сони ортиб, 910 тага етди. Натижада кооператив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи кучига айланиб қолди. Айниқса, пахтачиликда уларнинг аҳамияти катта бўлди[4].

Совет давлати саноат соҳасида хусусий ташаббуснинг кенг тарқалишини чеклашга, хусусий капитал мавқеининг кучайишига таъсирчан тўсиқ қўйишга барча воситалар билан уринди. Шундай бўлса-да, хўжалик юритишнинг янги шакллари кириб келди. Совет

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ
[2] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 206-йиғма жилд, 5-варақ.
[3] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... 187-бет.
[4] ЎзР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 349-варақ.

ҳокимияти ўша пайтда ҳунармандчилик кооперацияси майда саноатни ривожлантиришга ёрдам беради, бу майда саноат эса деҳқонлар учун зарур бўлган темир йўллар орқали узоққа ташишни йўлга қўйиб, йирик фабрика типидаги корхоналарни ҳам талаб қилмайдиган маҳсулотларни кўпайтиради деб ўйлаганди. Бунинг учун партия ва совет ходимларининг бурчи – барча чораларни ишга солиб, ҳунармандчилик кооперацияларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланиши учун унга ҳар соҳада кўмаклашиши керак эди.

Шунинг учун 1925 йил декабрда Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи (Узпромсоюз) фаолият бошлаган[1]. Бу ташкилот бевосита артелларнинг ишлаб чиқариш жараёнини жиҳозлаш, хомашё билан таъминлаш ва маҳсулотларни сотиш ишларини ташкил қилиш билан шуғулланди. Мазкур ташкилотнинг самарали фаолияти натижасида кўплаб ҳунармандчилик артеллари ўз иш фаолиятини сақлаб қолишга эришди. Масалан, 1926 йили Тошкентда "Қизил тонг" тикувчилик фабрикаси ва Фарғона тикувчилик фабрикасининг биринчи навбати (10000 урчуқ ва 300 тўқув дастгоҳи) ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эса бу жараёнлар бироз кечроқ рўй берди. Бироқ иккинчи жаҳон урушудан кейинги йилларда енгил саноат тармоқлари янада ривожланди, унинг техника базаси такомиллаштирилди. Кооперацияларда аҳолининг мустақил фаолият юритиши олдинги даврларга қараганда кўпроқ намоён бўлди. Кооператив ташкилотларга бошқалардан ажралиб турадиган иқтисодий мавқеига эга бўлган ижтимоий табақалар вакиллари ҳам кирарди. Ишлаб чиқариш натижалари ҳам етарли даражада самарали бўлиб, бу эса маданий товар-пул доирасида ривожланувчи кооператив ҳаракатининг кенг имкониятларга эга эканлигидан далолат берарди.

Афсуски, кейинчалик бу имкониятлардан тўла маънода фойдаланишнинг имкони бўлмади. Бунга сабаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кооперациядан ниҳоятда кам фойдаланилди, расмиятчиликка асосланган йўл-йўриқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди. Кооператив секторнинг шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам фаолият кўрсатишига мафкуравий мутаассиблар, молиявий-иқтисодий қийинчиликлар, маъмуриятчиликлар ҳам тўсқинлик қилди.

1925 йили Марказий статистика бошқармаси (ЦСУ)нинг буйруғи билан СССРда кустар ишлаб чиқариш корхоналари масалалари бўйича 10%ли рўйхатга олиш ўтказилди[2]. Рўйхатга олиш,

[1] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 100-йиғма жилд, 2- варақ.
[2] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик. – М., – 1926. – С. 3.

асосан, 1925 йилнинг май-сентябрь ойларида шаҳар ва шаҳар типидаги қишлоқларда, шунингдек, қаерда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, кустарлар кўп бўлса, ўша жойларда олиб борилди. Бундай ўзига хос батафсил текширув, асосан, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Хоразм, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилиб, биргина Сурхондарё вилоятида ўтказилмаган. Бунга сабаб хўжаликларнинг рўйхати аҳолидан сўров сифатида эмас, балки маъмурият кўрсатмаларига биноан олинганлиги боис айримлари ҳисобга олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, яна рўйхатга олинмаганлар асосан аёллар ишлаб чиқариши ҳақида бўлиб, аёллар ичкарида яшашганлиги, четдан келган эркакларнинг кириши мумкин бўлмаганлиги учун рўйхатдан тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Рўйхатга олиш жараёнига фақат кустар хўжаликлари сонини эмас, балки уларнинг географик жойлашуви, хомашёнинг етарлилиги ва таъминланганлиги, хомашё олиш манзиллари ва кустарларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар таҳлили олинди[1]. Ушбу рўйхатга кўра, Ўзбекистон ССРда асосий уйда иш олиб борадиган хонаки ҳунармандлар 50.461 та бўлиб, шундан шаҳар пунктларидаги аҳоли яшаш жойларида 21.748 та ва қишлоқ ҳудудларида эса 28. 713 та ҳунарманд аниқланган[2].

Бутун Ўзбекистон ССР бўйича ҳар бир хўжаликда кустарларнинг умумий ўртача ҳисоби ½ ташкил этиб, асосий машғулоти ҳунармандчилик бўлганлар 100. 000 тадан кам эмасди. Шунчаки ҳунармандчилик билан шуғулланган аҳоли сони эса бир неча бор ортиб борган. Шунинг учун ҳам умумий ҳисобда республика бўйича оладиган бўлсак, уй ҳунармандларининг сони 700. 000 кишидан иборат бўлиб, аҳолининг 18%ни ташкил этган**.**

1924 йил 4 декабрда кооперациялаштириш жараёнида Республикада 175 та кустарлар юридик жиҳатдан 15 та артелларга бирлаштирилган эди. 1925 йил 1 майга келиб эса уларнинг кооперациялашуви 5901 та бўлса, 15 инюнда 6482 та, 15 сентябрда 8723 та ва 1926 йил 1 январгача 13407 тани ташкил этган[3].

Кейинчалик кооперациялашув камайиб, улар ўз ишлари ва йўналишларини уюшган ҳолда ЎзССР ВСНХ билан келишган тартибда, “Узбеккустпромсоюз”га аъзо бўлган 8 та кустар ишлаб чиқариш иттифоқи орқали амалга оширилади. Қолган ишлаб чиқариш турлари эса 20%ни ташкил этиб, ҳар бир бирлашмада ишчилар сони 200 кишидан ошмас эди. Вилоятлар бўйича ҳунарманд-

[1] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3.
[2] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3.
[3] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3.

ларнинг кооперациялашувида Фарғона вилояти биринчи ўринни – жами 7313 та, Тошкент вилояти – 2607 та, Зарафшон – 2274 та, Самарқанд – 1020 та хонаки ҳунарманд рўйхатга олинган[1].

"Узпромсоюз" эса ўз фаолиятини Самарқанд, Фарғона, Зарафшон вилоятлари ва туман ҳунармандчилик кенгашлари орқали амалга оширди[2]. Натижада республиканинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳам ҳунармандчилик артеллари ташкил этиш зарурати туғилди. Тезда Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ҳунармандчилик иттифоқлари ташкил қилиниб, ўзининг марказдан узоқлиги, мустақил кооператив бирлашмалар тузиш учун етарли иқтисодий асоси бўлгани учун Хоразм вилоятида 1926 йили вилоят ҳунармандчилик артеллари кенгаши тузилади[3]. Қашқадарёда 1927 йилда округ бўйича 24 та ҳунармандчилик артели мавжуд бўлиб, уларда 853 нафар ишчи бор-йўғи 30 га яқин маҳсулот турларини ишлаб чиқаришган[4]. Чунки ҳунармандчилик тармоқлари Қашқадарёнинг фақатгина марказий, яъни Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор туманларида фаолият кўрсатган бўлиб, қолган чўл ва тоғли ҳудудларида ҳунармандчилик артеллари деярли ташкил этилмаган эди.

1927 йил 1 октябрга келиб Сурхондарё округида жами 18 та ҳунармандчилик артеллари фаолият юритган[5].

Бундан ташқари, Тошкентда жойлашган Марказий Осиёнинг айрим саноат трестлари, синдикатлари ишлари билан яқиндан алоқа боғлаш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳунармандчилик иттифоқи ташаббуси билан Тошкентда махсус ҳунармандчилик кооперативлари ва артелларининг бошқарадиган идора ҳам ташкил қилинди[6]. Шунинг учун, 20-йилларнинг иккинчи ярми ўлкада ҳунармандчилик артелларини интенсив равишда ташкил этилиши билан белгиланади. Бироқ артеллар сони ўсган билан ишлаб чиқариш жуда суст эди. Жумладан, Самарқанд ва Тошкентда кооперативлаштириш ишлари жадал бориб, 1927 йил 1 январда ҳар бир туманда артеллар сони 17 дан 27 гачани ташкил этади[7]. Республикада 1927 йил 1октябрга келиб артеллар сони 386 та бўлса, 1928

[1] Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3. .
[2] ЎЗр МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 100-йиғма жилд, 8 – 9-варақлар
[3] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 100-йиғма жилд, 8 – 9-варақлар
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат,159-йиғма жилд, 144-варақ
[5] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 9-варақ.
[6] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 100-йиғма жилд, 12-варақ.
[7] ЎзР МДА. 58-жамғарма, 2-рўйхат, 825-йиғма жилд, 150-варақ.

йил 415 тага етди ва ёки 1927 йилга нисбатан 7,5 %га ошди[1].

1929 йилга келиб Ўзбекистон ССРда косиб ҳунармандларнинг 16,8% гина кооперативларга тортилиб, Марказий статистик бошқарманинг ҳисобига кўра, ҳунарманд-косибларнинг умумий сони 130470 нафарни ташкил қилар эди[2]. Кооперативлар бошқарувида бой ва мансабдор кишиларнинг йўл қўйган камчиликлари артелларда ишнинг доимий пастлигига ва баъзида ёлланма ишчилар меҳнатидан кўпроқ фойдаланишга олиб келган.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги Олий кенгаши (ВСНХ) қарорига кўра, дастлабки кўмак республика иқтисодиётига ёрдами тегадиган қуйидаги кооперациялар: 1) металлга ишлов бериш (қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш), 2)тўқимачилик (ипгазлама ва ипак тўқимачилиги, ипакка ишлов бериш ва матоларни бўяш, яъни бўёқчилик), 3) ёғочга ишлов бериш, 4) пойабзал саноати, 5) кўнчилик, 6) наматчилик ёки кигизчилик (кигиз тайёрлаш, кигиз бостириш), 7) гиламчилик ишлаб чиқаришига эътибор қаратилган бўлса-да, аслида уларга амалда ҳеч қандай ёрдам берилмай ҳаммаси қоғозда қолиб кетади[3].

20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистонда вужудга келган иқтисодий вазиятга умумий баҳо берадиган бўлсак, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошланган эркин фаолият жараёни, янги иқтисодий сиёсат принциплари ва таркибий қисмларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари вайронгарчиликни аста-секин тугатишга ва хўжалик ҳаётининг тикланишига олиб келди. Бу иқтисодий тикланишлар саноат, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалигини ҳам қамраб олиб, товар-пул муносабатларида ўз ифодасини топди. Шунингдек, бу даврда мамлакат сиёсий раҳбарияти кооперативларни "социалистик ривожлантириш" йўлига ўтказиш воситаси деб ҳисоблади. Ўз навбатида, Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўз мақсадларини кўзлаб, кооперативларни деҳқон хўжалиги учун фойдали бўлган шартлар асосида кредитлар беришга ҳаракат қилинди. Ҳунармандларга ҳам кредитлар бериш жорий этилди. Бундан мақсад ишлаб чиқариш, тайёрлов ташкилотларининг тармоқларини авж олдириш билан қўллаб-қувватлаб, улар тайёрлаган маҳсулотларни тортиб олар ва сўнгра бошқа ижтимоий-мафкуравий таъсир чораларини кўрсатишни ишга солар эдилар[4]. Ҳунар-

[1] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 220-йиғма жилд, 36-варақ.
[2] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 9 варақ.
[3] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 10- варақ.
[4] ЎзРМДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-йиғма жилд, 33-варақ.

мандлар давлат савдосида товарларнинг қимматлиги ва етишмаслиги туфайлигина фаолият юритаётган эдилар. 1920 йилларнинг охирида ҳунармандларни сиқувга олиш сезиларли даражада кучаяди ва улар оммавий равишда сина бошлайдилар. Натижада уларнинг бир қисми қишлоқ хўжалигида ишлашга, бир қисми эса ишчилар синфига қўшилишига мажбур бўладилар. Кўпчилиги ишсизлар қаторига қўшилади.

Ҳунармандчиликнинг қуйидаги ташкилий кўринишлари юзага келди:

1. Ёлланма ишчиси бўлган ҳунармандлар (10 нафаргача ёлланма ишчилари бўлган, яъни ҳунармандчилик артеллари **)**

2. Ёлланиб ишловчи ҳунармандлар.

3. Таваккалига иш олиб борувчи якка ҳунармандлар (ўз ишчи кучини сотувчи, ҳарқандай ёлланма ишчидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдиган ҳунармандлар бўлиб бу даврда кўпчиликни ташкил этган**).**

Умуман, 1926 – 1927 йилларда республика ҳунармандчилик саноати 135700 минг сўмни, ялпи маҳсулотнинг 68,3 %ни ташкил этиб[1], 1929 йилга келиб ҳунармандчилик саноати умумий саноат ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутган бўлса-да, унинг салмоғи камая борди. Жумладан, 1928 – 1929 йилларда ҳунармандчилик саноатида кийим-кечак тайёрлаш нисбатан анча ривожланган бўлиб (32,4%), пахтани қайта ишлаш (14,7%), кўн-мўйна (101%), ипакка ишлов бериш (7,94%) ҳамда металлга ишлов бериш (6,1%) тармоқларига тўғри келади[2].

Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, 1920 йилларнинг ўрталари ва 30-йиллар давомида ўлкада ипакчилик, каштадўзлик, зардўзлик, мисгарлик каби қисқариб кетган ҳунарлар қайта тикланади. Анъанавий ҳунармандчиликнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланган зардўзлик нисбатан кечроқ, яъни 20-йилларнинг охирига келиб қайта тикланди. Шу боис, 1930 йилларда зардўзликнинг маркази ҳисобланган Бухоро шаҳрида зардўзлик артели ташкил этилади[3]. Зардўзлик XIX аср охирларида, асосан, тор доираларнинг талабини қондиришга хизмат қилган бўлса, қайта тиклангач, кенг оммага мўлжалланган шакллари пайдо бўла бошлаган.

Гиламдўзлик ҳам 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб республиканинг турли жойларида қайта тикланади. У, асосан, чорвачи-

---

[1] Отчет ЦККП (б)Узбекистана III Курултаю. Октябр 1925-октябр – 1927. – С. 44 – 45.

[2] ЎзР МДА. 382-жамғарма, 1-рўйхат, 2444-йиғма жилд,1- варақ.

[3] ЎзР МДА. 382-жамғарма, 1-рўйхат, 2444-йиғма жилд,1- варақ.

лик ривожланган ҳудудларда, жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Амударё бўйларида анча яхши ривожланган эди[1].

Гиламчилик билан уй шароитида, асосан, аёллар шуғулланган бўлиб, усталар турли технологияга эга тукли гилам ва палослар ишлаб чиқарганлар[2]. Айниқса, тукли гилам ишлаб чиқариш борасида Андижон, Самарқанд гиламлари ва қорақалпоқ чодирлари учун тўқилган жиҳозлар алоҳида ўрин тутади. Халқ ҳунармандчилигининг мазкур соҳасининг кейинги тараққиётини белгилаб бериш мақсадида 20-йилларнинг охирида Қашқадарёнинг Қамаши қишлоғида туксиз гилам, Андижоннинг Ойим қишлоғида тукли гилам тўқиш артеллари ташкил этилган[3].

1930-йилларнинг иккинчи ярмига келиб гиламларда маълум бир сюжет ва портретни акс эттиришга уринишлар амалга ошириладиди. Ушбу саъй-ҳаракатлар 1941 йилга келибгина ўз самарасини беради, яъни айнан шу йилда дастлабки портретли гилам тўқила бошланди[4]. 30-йилларда ойимлик гиламдўз усталарга Кавказ гиламларининг мотивлари асосида таълим берила бошланди. Ушбу ҳолат, бир томондан, минтақа гиламдўзлигида маълум бир маънода олға силжишни белгилаган бўлса, бошқа томондан миллий хусусиятга бўлган эътиборнинг сусайишига олиб келган.

Тўқимачилик соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар юз бериб, 1927 йили Самарқандда, 1928 йили Бухоро ва Марғилонда ипак мато ишлаб чиқариш саноат корхоналари ишга туширилди. Қаршида майда ҳунармандчилик артеллари 1928 йилдан бошлаб ташкил этилади[5]. 1932 йили “Октябр – миллат” артели негизида ташкил этилган Қўқон фабрикасида эркаклар ва болалар кўйлаклари, чақалоқлар учун буюмлар ишлаб чиқилган[6]. 1933 йилнинг биринчи чорагида Марғилон шаҳри тўқимачилик саноати таркибида 558 та ипак йигириш ва тўқишга мўлжалланган кооперациялашган ҳунармандчилик артеллари мавжуд эди[7]. 1934 йили Тошкент тўқи-

[1] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., – 1972. – С17.

[2] *Фахретдинова Д. А.* Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., – 1972. – С17.

[3] *Мошкова В. Г.* Ковроделие. // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – М. – 1955. – С. 70.

[4] *Мошкова В. Г.* Ковроделие... – С. 146.

[5] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 166-йиғма жилд, 1-варақ.

[6] *Абдужаббарова М.* Ўзбекистонда тикувчилик фабрикаларининг тарихий шаклланиши// Мозийдан садо. – №1. – 2008. – Б. 39.

[7] ЎзР МДА. 88-жамғарма, 9-рўйхат, 2202 -йиғмажилд, 100-варақ.

мачилик комбинати ва Самарқанд ипак мато тўқиш фабрикалари ишга туширилди[1].

1939 йилда "Тикучи" Қарши пойабзал ҳунармандчилик артели нафақат оёқ кийимлар, балки турли-туман тикувчилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришган[2]. Бундан ташқари, артелда пойабзал саноати учун тайёр маҳсулотлар ва оёқ кийимларни таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилган. Ушбу артел қошида махсус қабул пунктлари (1938 йилда 5 та, 1939 йилда 6 та, 1940 йилда 7 та) ва таъмир устахоналари ҳам бўлган. Артел яна ишлаб чиқариш режаси асосида фаолият олиб бориб, Ўзбекистон бўйича Туркманистон ва Тожикистон артеллари ишчилари орасида промсоюз мусобақа ("Стахановчилик ҳаракат")ларида иштирок этиб, маълум ютуқларга ҳам эришган[3].

Бу даврда саноат, айниқса, ипакчилик саноати учун кадрлар тайёрлашдаги ички имкониятлардан фойдаланиш, яъни маҳаллий ҳунармандларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш масаласи энг долзарб ҳисобланган. Чунки бу пайтда саноат ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашё манбаларига яқинлаштириш ва таркибини белгилашда миллий хусусиятларга эътибор берилмаган. Шунинг учун ўлкада катта саъй-ҳаракатлар асосида ташкил этилган артеллар кейинчалик ўз-ўзидан ривожланиб кетмади ва ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилмади. Негаки, ҳунармандчилик саноат артелларини хомашё билан етарлича таъминланмаганлигидан режа топшириқлар бир зайлда бажарилмай қоларди. Натижада ҳунармандларнинг маълум қисми ишлаб чиқариш артелларидан кетишга мажбур бўлдилар[4].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги мавжуд ва ташкил этилган артелларда ҳам ўзига хос кустар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши йирик ишлаб чиқаришга ўтишга асос бўлиб хизмат қилди ва аҳоли талабини қондириб келди. Тўқимачилик саноатининг ривожланиши билан аҳоли томонидан қўлда тўқилган ипгазлама матоларга бўлган талаб кескин камайди. 1940 йилга келиб мамлакатимизда сатин, ситец, шифон, кашемир ва бошқа сунъий

---

[1] Фахретдинова Д. А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т., – 1972., – С. 66.

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 66-жамғарма. 1-рўйхат, 4-йиғма жилд. 1-варақ.

[3] Қашқадарё вилояти ДА. 66-жамғарма. 1-рўйхат, 21-йиғма жилд. 19 – 20-варақлар. Бу даврда меҳнат мусобақасига ҳам мафкуравий тус берилиб, "социалистик мусобақа" ишчиларнинг иштироки ва сиёсий онгига берилган баҳо эди. Шу сабали ишчилар ҳеч бир имтиёзсиз нормадан ортиқ ишлаш ва мусобақаларда ғолиб бўлишга мажбур бўлар эдилар.

[4] ЎзР МДА. 88-жамғарма, 9-рўйхат, 2202-йиғмажилд, 100-варақ.

матоларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди[1]. Шу боис 1940 йили республика ип-матоларни ишлаб чиқиш бўйича иттифоқда иккинчи ўринга кўтарилди. Чунки 1939 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, СССР умумий енгил саноат ишлаб чиқаришида 3,8% пахта матолар ишлаб чиқариш, ипак 8,3%, трикотаж 5,7%, ички кийим 5,4% ва пайпоқ тўқиш эса 4,3%ни ташкил этган[2]. Хомашё манбаларидан анча узоқ жойлашган РСФСР нинг марказий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида енгил саноат қувватларининг 92,2% жойлашган эди.

Ҳунармандчиликнинг этикдўзлик тури билан Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, асосан, шаҳар аҳолиси машғул бўлган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, ХХ асрнинг биринчи чорагида Зарафшон ва Хоразм вилоятларида ушбу соҳа билан 61,9% қишлоқ аҳолиси шуғулланишган. Зарафшон вилоятида этикдўзлик билан шуғулланувчи аҳолининг 72,3% қишлоқ аҳолисини ташкил этган[3]. Бу соҳа билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг устахоналари турли маҳаллаларда жойлашган бўлиб, бозорга яқин ёки узоқлигининг аҳамияти йўқ эди, чунки тайёр маҳсулот бозор кунлари бозорларда сотилар эди. Бу ҳолат, айниқса, Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳрига тегишли бўлиб, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига эса қисман тегишлидир.

ХХ асрнинг 30-йилларидан бошлаб фабрикаларда ишлаб чиқарилган резинка оёқ кийимлар халқ орасида кенг тарқала бошлаган. Тармоқдаги биринчи энг йирик корхона Тошкент пойабзал фабрикаси бўлиб, у 1927 йил ишга туширилган. Кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Тўрткўл, Термиз (1939 й. ), Андижон, Қўқон, Чирчиқ шаҳарларида (1940 й. ) пойабзал фабрикалари қурилган. 40-йилларга келиб республикада кенг тармоқли пойабзал саноати вужудга келган. Умуман олганда, республикада пойабзал корхоналари пайдо бўлиши билан туфли, ботинка, сандал, шиппак, пийма, калиш ва махсус иш пойабзаллари ишлаб чиқарила бошланган ва аҳолининг кенг истеъмолига айланган.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида этикдўзлик билан шуғулланувчи ҳунармандчилик устахоналари турли маҳаллаларда жойлашган бўлиб, тайёр маҳсулот бозорларда сотилган[4].

---

[1] ЎзР МДА. 88-жамғарма, 9-рўйхат, 2202-йиғма жилд, 100-варақ.
[2] Промышленность СССР. – М.: – Статистика, – 1957. – С. 327, 346 – 348.
[3] ЎзР МДА, 837-жамғарма, 16-рўйхат, 27-йиғма жилд, 155-варақ
[4] ЎзР МДА, 837- жамғарма, 16 -рўйхат, 27- йиғма жилд, 155- варақ

II жаҳон уруши даврида Совет давлати саноати учун оғир синов йиллари бўлди. Кўплаб саноат корхоналарини фронтга яқин жойдан мамлакатнинг ички ҳудудларига кўчиришга тўғри келди. Бундан ташқари, барча ҳунармандчилик корхоналари тезлик билан фронтни кийим-кечак билан таъминлаши керак эди. Ўрта Осиё республикаларининг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улуши кам бўлиб, енгил саноат учун асосий хомашё – пахта, жун, ипак етказиб берар эди. Ҳатто барча корхоналарнинг географик жойлашуви ва ишлаб чиқаришида ҳам мустамлакачилик таъсири сезилиб турарди.

1940 йили Ўзбекистон ССР ХКС ва МҚКП(б)нинг саноат артеллари дастурига кўра, кустарларни кооперациялаштириш иши суст бораётганлиги, артел аъзоларининг уставни бузаётганликлари учун хусусий равишда ишларни олиб боришни такомиллаштириш юзасидан қарорига кўра Қашқадарё вилоятида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади[1].

1940 йилларда Қашқадарёда 12 та маъмурий район бўлиб, шундан 10 таси артеллашган бўлиб, вилоятда жами 16 та артел фаолият юритган[2]. Қашқадарё ҳунармандчилик иттифоқи ("Облпромсоюз") бошқаруви миллий таркибида эса 1945 йил 1 январ маълумотига кўра жами 1766 киши фаолият юритиб, шундан ўзбеклар 1333 киши, руслар 133, яҳудийлар 188, татарлар 62 ва кам сонли хитойликларни ташкил этган[3]. Китоб райони "Ихтисод" артелида ўзбеклар, яҳудийлар, қрим татарлар ва бошқалар ҳам ишлашган[4]. 1942 йили Қашқадарё областида Ногиронларнинг ҳам бирлашган кооператив иттифоқи ташкил этилади.

Умуман, 1941 йили Қаршида мавжуд майда ҳунармандчилик турларидан металлни қайта ишлаш, иссиқлик энергиясини жамғариш, кимёвий, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, атторлик моллари, кўн-пойабзалчилик, озиқ-овқат саноати, картонлаш-муқовачилик, кулолчилик, бадиий рассомчилик (тасвирлаш), ёғ ишлаб чиқариш (совун тайёрлаш тури кўзда тутилган), кигиз (намат) босиш каби 16 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатган[5]. Сурхондарёнинг Денов туманида ёғочга ишлов берувчи, Бойсун ва Жарқўтон туманларида бинокорлик маҳсулот-

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 144-йиғма жилд, 1-варақ

[2] Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 225-йиғма жилд, 13-варақ

[3] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 19-варақ.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 146-йиғма жилд, 15-варақ.

[5] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 160-йиғма жилд. 15-варақ.

ларини тайёрловчи устахоналар фаолият кўрсатган[1].

Уруш бошлангандан сўнг барча саноат корхоналари ҳарбий изга қайта қурилди ва фронт учун маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Жумладан, тикувчилик корхоналари фронт учун асосан кўп миқдорда кийим-кечак тайёрларди. Тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол моллари қисқартирилиб, кийим-кечак, шинеллар, телогрейкалар, тери-мўйна, пойабзал корхоналари эса қалпоқ, этик, солдатлар учун ботинкалар, калта пўстинлар, қўлқоп ва шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқардилар. Чарм моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар авиация, автомобиль-трактор, танк ва бошқа ҳарбий йўналишдаги соҳаларни маҳсулотлар билан таъминлади. Масалан, Тошкент шаҳри 1941 йилда эгар-жабдуқ фабрикаси фронт учун жами 504 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1942 йилда эса 4885 минг сўмлик ёки 9 баравар кўп шундай маҳсулот ишлаб чиқарган[2]. Ҳатто уруш йилларида Ўзбекистонга келтириладиган енгил саноат учун зарур маҳсулотлар (тугма, илгак, замок ва бошқалар) билан таъминлаш ва тармоққа ажратиладиган капитал ҳам тўхтаб қолади. 1942 йилда давлат томонидан тармоққа ажратиладиган маблағ режаси Ўзбекистон тўқимачилик саноати халқ комиссарлиги бўйича 21,5%га, Ўзбекистон енгил саноати халқ комиссарлиги бўйича эса 5,8 %га бажарилди[3].

Юқоридаги камчиликлар инобатга олинмаган ҳолда, 1942 йилда партия ва давлат органлари томонидан енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш режалари анча кўпайтирилди. Бу топшириқ Ўзбекистонга кўчиб келтирилган барча корхоналарнинг тўла кувватини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган эди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши тегишли моддий техника базасини вужудга келтириш ва тармоқни хомашё, ёқилғи, электр энергия билан таъминлашни талаб қилди.

Ўзбекистон енгил саноати урушгача бўлган даврда ёрдамчи ишлаб чиқариш қувватига умуман эга эмас эди. Пойабзал қолиплари, кимёвий моддалар, бўёқлар ва ҳоказоларнинг асосий қисми четдан келтирилар эди. Уруш бошлангач уларнинг келтирилиши тўхтаб қолди. Шунинг учун зарурий материаллар Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Масалан, Тошкентдаги “Қизил тонг” тикув фабрикаси инженер-техник ходимлари тикув машинасининг мокиси ва унинг тўрларини ўзлари ишлаб чиқа-

[1] Сурхондарё вилояти ДА. 322-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 148-варақ.
[2] *Сирожов О.* Ўзбекистоннинг саноати уруш йилларида. – Т.: – Ўзбекистон. – 1981. – Б. 9.
[3] ЎзРМДА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3318-йиғма жилд,11-варақ.

ришни йўлга қўйдилар[1]. Ёки Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикаси ходимларининг эски урчуқларни тиклаш тўғрисидаги муҳим таклифдан инобатга олиниши натижасида 0,5 млн. сўм тежалди[2]. Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар тинч даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тайёрлашни деярли тўхтатдилар. Шу йўл билан озод этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Натижада 1940 – 1942 йиллар оралиғида аҳолига сотиш учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари 16% га ва пойабзал 8% гача қисқарди[3].

Уруш йилларида Ўзбекистонга кўчирилган кўплаб корхоналар қатори Ижевск ипакчилик фабрикаси, кўплаб заргарлик устахоналари ҳам бор эди. Оғир шароитларга қарамасдан, ҳукумат томонидан амалий ҳунармандчилик соҳаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди[4]. Турли хил ўқув комбинатларида маҳаллий усталарни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Уруш йилларида маҳсулотлари аҳоли учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчиликнинг тўқувчилик ва кулолчилик каби соҳаларига катта эътибор қаратилди. Бир неча бор кулол ва тўқувчи усталарни тайёрлаш мақсадида Тошкент, Риштон, Шаҳрисабз, Марғилон ва бошқа қатор шаҳарларда махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Фабрика газламаларининг аҳоли орасида оммавий тарқалишида трикотаж маҳсулотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Республикада XX асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб трикотаж саноати шакллана бошлаган. Жумладан, Қўқон, Андижон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида трикотаж фабрикалари ишга туширилди ва мазкур фабрикаларда эркаклар, аёллар ва болаларнинг турли-туман устки ва ички кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди[5]. Бироқ Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида тиркотаж саноати тараққий этмади. Қолаверса, уруш даврига келиб, мавжуд маҳаллий саноатнинг ҳарбий воситалар ишлаб чиқаришга йўналтирилиши ҳунармандчиликка бўлган эътиборнинг янада ошишига олиб келди. Ҳунармандлар давлат буюртмасига асосан аскарларга этик,

[1] Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 20 август.
[2] Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 13-август.
[3] История второй мировой войны (1939-1945 гг. ). – М.: – Воениздат, – 1965. – Т. 6. – С. 75 – 76.
[4] Народное декоративно... ..... – С. 89
[5] *Олимбоев Э., Давидов Ш.* Ўзбекистонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси. – Т.,– 2002. – Б. 26.

камар, кўлқоп, телпак, почапўстин, юк ташиш учун эса аробалар тайёрлай бошлаган бўлса, урушдан кейинги иқтисодий парокандалик, саноат молларининг танқислиги ҳунармандчиликка бўлган эътиборни яна қайтадан кучайтирди.

1941 – 1945 йилларда республика Енгил саноат халқ комиссарлиги корхоналари фронт учун 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб берган[1]. Шунингдек, енгил саноат корхоналари фронтга 24469918 сўм нақд пул ҳам юборган[2]. Ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки, ҳарбий мақсадларда қайта ишлаб чиқариш фабрикаларнинг ривожланишига ҳам сабаб бўлди.

1943 йилдан кўчирилган корхоналарнинг тўлиқ ишга туширилиши ва таъминот бўйича баъзи муаммоларнинг ҳал этилиши билан енгил саноат қувватлари тиклана бошлади. Аммо урушнинг охирги йилида асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича 1941 йил даражасининг ярмига ҳам кўтарилмади. 1941 – 1945 йилларда енгил саноат маҳсулотларидан фақатгина шойи мато ишлаб чиқариш суръати ортди. Ўзбекистонда 1940 йилда 4534 минг метр шойи мато ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1943 йилда 4825 минг метр ва 1945 йилда 4725 минг метрни ташкил этди[3]. Шойи матолар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳам ҳарбий буюртмалар билан боғлиқ эди.

1945 йил 1 январ маълумотига кўра, Қашқадарё ҳунармандчилик иттифоқи (“Облпромсоюз”) бошқаруви таркибида жами 1766 киши фаолият юритиб, шундан ўзбеклар – 1333, руслар – 133, яҳудийлар – 188, татарлар – 62 кишини ташкил этган. Хитой миллатига мансуб кам сонли ҳунармандлар ҳам бўлган[4]. Китоб райони “Иқтисод” артелида ҳам ўзбек, яҳудий, қрим татар ва бошқа миллат вакиллари ишлашган[5].

II жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон енгил саноати учун фақат салбий роль ўйнади дейиш тўғри эмас. Соҳада унга боғлиқ бўлмаган камчиликлар таъсирида ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг пасайиши кузатилади. Таъкидлаш керакки, уруш йил-

---

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачиги даврида. – Б. 445.

[2] *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистоннинг биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида. – Т. Муҳаррир, – 2001. – Б. 40.

[3] Народное хозяйство СССР в Великой Отчественной войне 1941 – 1945 гг. Статистический сборник... – С. 77.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 19-варақ.

[5] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 146-йиғма жилд, 15-варақ.

ларида артел ишчилари дам олиш кунлари ҳам ишлаб, иш режа бажарилмаган бўлса-да, қониқарли деб топиларди. Чунки асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси фронт ва фронтдагиларнинг болалари учун жўнатиларди. Лекин доимий равишда ЎзССР Министрлар Совети қошидаги Саноат Кооперацияси Бошқармаси иш режасини бажаришини талаб қилган[1].

Ҳунармандлар томонидан пахта, ипак, жун газламалар ишлаб чиқариш, сопол буюмлар, қишлоқ хўжалик қуроллари тайёрлаш билан бир қаторда заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, бўёқчилик, совунгарлик, шамрезлик каби ҳунармандчилик соҳалари ҳам тикланиб, равнақ топа бошлади. Бироқ совет давлати раҳбарлари орадан кўп ўтмай якка тартибдаги меҳнатнинг жадаллик билан ривожланиши жамиятда капиталистик муносабатларнинг шаклланишига олиб келади, деган шубҳага тушиб қолиб, ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркин фаолиятини босқичма-босқич чеклашга киришади.

Урушдан кейинги йилларда Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш режаси 57%ни ташкил этган. Вилоятда артел ишлари тўғри ташкиллаштирилмаганлиги учун режа ўз вақтида бажарилмаган. Бунга сабаб артел раҳбарларининг тез-тез алмашиниб туриши, ишлаб чиқариш маҳсулотининг бир хиллиги ҳамда артелларнинг битта район ёки шаҳарда жойлашганлиги учун ҳам қўшиб юборилганлигида эди[2].

Бу йилларда саноатнинг яна кўплаб соҳалари қайта тиклана бошланди. Шу ўринда кўплаб ҳунармандчилик артелларининг ишлари қайтадан йўлга қўйилиб, хомашё базаси яхши таъминлана борди. Бундан ташқари, артеллар ишларини яхшилаш борасида вилоятда артел ишчиларининг малакасини ошириш ҳам йўлга қўйилади. 1950 йили вилоятдаги жами артеллардан 24 киши: шундан тикувчилар 12, оёқ кийим тайёрловчилар 4, темирчилар 2, сартарошлар 1, палос ишлаб чиқарувчилардан 2 таси ва янги пайдо бўлган ҳунар турлари бўйича 33 киши ҳам мутахассислиги бўйича малакавий ўқишдан ўтади[3].

Шу билан бирга, саноатда маҳсулот турлари ҳам кенгайиб, 1949 – 1953 йилларда республиканинг турли шаҳарларида ипак матолари тўқиш фабрикаси (Марғилон) ва Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган чинни заводи (Тошкент ш. ) ишга туширилади. Ушбу

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 103-йиғма жилд, 4-варақ.
[2] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 235-йиғма жилд, 56-варақ.
[3] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 253-йиғма жилд, 1-варақ.

корхоналар фаолиятига кўплаб тўқувчи ва кулолчилик артелларининг маҳоратли усталари жалб этилади[1].

Советларнинг аёлларни меҳнатга жалб этиш сиёсати натижасида асрлар давомида ўзбек аёллари томонидан уй ҳунармандчилигининг кашта, сўзана, гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариши кескин қисқариб кетди. Айниқса, коллективлаштириш сиёсати оқибатида хусусий чорва сони ва хомашё базасининг кескин қисқариши гиламдўзлик соҳасига сезиларли равишда салбий таъсир ўтказди. Бу асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган гилам ва турли хил кашталар тикиш технологиясининг узвийлиги ва давомийлигига путур етказди.

Шу ўринда айтиш керакки, 30 – 40-йилларда воҳа қишлоқларида янги тўқилган тукли гиламлар жуда кам учрар, уларни тўқиш технологиясини фақат катта ёшли аёллар билишган. Совет давлатининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати натижасида аёлларнинг колхозга жамоа хўжалигига тортилиши минтақада тукли гилам тўқиш анъаналарининг бузилишига ва бу соҳанинг аста-секин унутилишига олиб келади. Айнан ушбу сиёсат натижасида алоҳида йирик ва мураккаб гилам маҳсулотлари учун хомашё ҳисобланган қўй жуни ҳам танқис бўлиб қолади. Натижада қишлоқ ҳудудларида шахсий эҳтиёж ва сотиш учун кўп меҳнат талаб қилмайдиган ва жун хомашёси кам ишлатиладиган шолчалардан кенг миқёсда фойдаланила бошланди.

Урушдан кейинги йилларда миллий ҳунармандчиликнинг гиламдўзлик соҳасида эски технологияларнинг қайта тикланиши ва гиламларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ишлаб чиқаришни янгидан қайта ташкил этиш бошланди. 1946 йили Самарқанд ва Китобда гиламдўзлик цехлари, 1947 йили Хива, Андижон ва Термизда, 1949 йили Шаҳрисабз ва 1954 йилда Хўжайли шаҳарларидаги артеллар ташкил этилган. Ушбу артелларда Туркманистондан келган махсус моҳир гиламдўз усталар таълим берганлар[2]. Натижада бу даврдаги гиламларда туркман гиламчилик анъаналари кенг акс этганлигини кузатиш мумкин.

1950-йиллардан бошлаб кўпчилик хонадонларда мебелларнинг пайдо бўлиши, воҳа шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси хонадонлари деворларидаги гилам, сўзана ва палаклар аста-секинлик билан ўз ўрнини мебелларга бўшатиб бера бошлади. Бу ҳолат, ўз навбати-

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 253-йиғма жилд, 3-варақ.

[2] *Мошкова В. Г.* Ковроделие..., – С. 65

да, мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг кескин камайишига олиб келди.

Ҳунармандчилик артеллари маҳсулоти 1940 йили республика саноати ҳажмининг 19% ини ташкил қилган бўлса, 1958 йили бу кўрсаткич 8,5% га, 1962 йили эса атиги 3% га тўғри келди[1]. Бунга сабаб 60-йиллардан бошлаб, фақат бадиий ҳунармандчиликкагина рухсат берилиши, маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида халқ бадиий ҳунармандчилигининг қайта ташкил қилиниши эди. Қолаверса, мавжуд ҳукмрон доиранинг фойда олиш мақсадида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш маҳсулотларини амалий санъат даражасига чиқариб, ундан кўргазма экспозицияси сифатида фойдаланишни йўлга қўйиши бўлса, бошқа томондан аҳолининг бадиий ҳунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ҳамда уларни қўлда тайёрлаш билан бир пайтда машинада ишлаб чиқаришга ҳам ўтилишида эди. Натижада 1960 йилда Ўзбекистон бўйича оммавий тарзда миллий ҳунармандчиликнинг турли соҳалари артеллари асосида ишлаб чиқарувчи корхона ва фабрикалар ташкил қилиш тадбирлари амалга оширилди[2]. Бундан ташқари, бир қанча бадиий буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрика ва корхоналар ҳам қурилди[3]. Жумладан, Марғилонда “Атлас” корхонаси, Наманган ва Қўқонда ипакчилик фабрикалари, Шаҳрисабзда “Ҳужум” фабрикаси, Бухорода зардўзлик фабрикаси, Хивада гиламдўзлик фабрикаси, Тошкентда заргарлик фабрикаси, 1970 йилда эса Самарқанд шаҳрида чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди. Айни пайтда бадиий маданиятнинг тор доирасида яширин тарзда хусусий қўл тўқимачилиги ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу асосан Фарғона водийсининг ҳунармандчилик шаҳарлари ҳисобланмиш Марғилон, Наманган, Андижон, Қўқонда кўпроқ сақланиб қолди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эса бу жараён ҳунармандчиликнинг айрим соҳаларини ҳисобга олмаганда нисбатан суст борди.

Албатта, мазкур корхоналар ўз-ўзидан қисқа муддат ичида ташкил топгани йўқ, уларга анъанавий ҳунармандчилик мактаблари асос бўлиб хизмат қилди. Қолаверса, корхоналарда маҳаллий ҳунарманд усталар ҳам фаолият олиб бордилар.

Республиканинг қишлоқ ҳудудларида миллий ҳунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёж доимо юқорилигича қолган, мазкур

[1] *Қиличев Р.* Тоталитар бошқарув даврида халқ ҳунармандчилиги... – Б. 86.
[2] *Фахретдинова Д. А.* Кўрсатилган асар... – С. 92.
[3] *Оқилова К.* Марғилоннинг замонавий газламалари // San’at. – №2., – 1999. – Б. 36.

ҳолат жанубий минтақаларда анъанавий ҳунармандчилик соҳаларининг бир текисда ривожланишига замин яратган. Қолаверса, бу даврда анъанавий ҳунармандчилик билан ноанъанавий ҳунармандчилик ўртасида рақобат юзага келганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Умуман, СССР тўқимачилик саноатида, унинг техника тараққиётида ҳамда мато ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар юзага келиб, 1970 йилда 1913 йилга қараганда ипгазлама – 3,5, жун мато – 4,9, каноп – 5,9, шойи – 32, пайпоқ ишлаб чиқариш – 20, ташқи ва ички трикотаж маҳсулотлари – 149 баробар кўп ишлаб чиқарилган[1]. Жумладан, Совет Иттифоқи жун мато ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси каби ривожланган йирик мамлакатлардан ўтиб кетди ва жаҳонда биринчи ўринда турарди. Ипгазлама ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, шойи матолар ишлаб чиқариш бўйича эса учинчи ўринда турар эди. Мамлакат тўқимачилик саноатида матонинг ўртача йиллик ўсиш суръати кўпгина капиталистик мамлакатлардаги қараганда анча юқори эди. Масалан, кейинги 20 йил ичида СССР бўйича шойи мато ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 12,7%ни, АҚШда эса 5,1%ни ташкил этган[2].

1980 – 90-йилларга келиб республикадаги мавжуд қатор трикотаж корхоналари янги ускуналар билан жиҳозланди ва янгилари қурилди. Айнан мазкур йилларда республикадаги энг биринчи “Малика” бирлашмаси, Бухоро, Самарқанд трикотаж фабрикалари, Қўқон пайпоқ-тўқув комбинати тубдан реконструкция қилинган. Шунингдек, Жиззах ва Қорасув пайпоқ фабрикалари ҳам ишга туширилди. 1985 йили Хўжаобод, 1986 йил Шаҳрихон, 1986 йил Чортоқ трикотаж-тикувчилик фабрикалари фойдаланишга топширилди[3].

1988 йил Марғилон шаҳридаги абрли газламалар “Атлас” ишлаб чиқариш бирлашмасида 65 нусхадаги “Дугона”, ”Саодат”, ”Шоҳида”, “Тўёна”, “Чиннигул”, “Гулинамозшом”, “Улуғбек юлдузи”, “Марғилон қизлари”, “Президент”, “Атиргул”, “Шарқ тонгги”, “Орзу” каби атлас нусхалари ишлаб чиқилган. Ушбу матоларнинг ранглари хусусида Москва, Тошкент, Иванова шаҳарлари илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бирлашма маҳсулотлари АҚШ, Ҳиндистон, Польша, ГДРда ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам иштирок этган.

---

[1] *Семянников И. Е.* Тўқилмайдиган матолар. – Т., – 1973. – Б. 3.
[2] *Семянников И. Е.* Тўқилмайдиган матолар. – Т., – 1973. – Б. 3.
[3] Ўзбекитон Республикаси энциклопедияси. – Т., – 2006. – Б. 320 – 321.

90-йилларга келиб, Ўзбекистонда анъанавий қадриятлар тизимининг қайта тикланиши билан боғлиқ жараёнлар бадиий-маданий ҳаётни жонлантириб, миллий матолар ва либосларга бўлган эътиборни кескин оширди. Бу эса, шубҳасиз, халқ миллий ҳунармандчилиги ижтимоий мақомининг юксалишига олиб келди. Бу ижобий ўзгаришлар ҳунармандчиликнинг тўқимачилик ва бошқа турларида ҳам акс эта бошлади.

Хулоса қилсак, "ҳарбий коммунизм" сиёсатининг жорий қилиниши, биринчидан, халқ учун зарур бўлган масалани ҳал қилишга эмас, балки большевикларнинг сиёсий ҳокимиятини сақлаб қолиш ва фуқаролар урушида енгиб чиқишида ёрдам берди. Иккинчидан,большевиклар режими ҳимоячилари бўлмиш Қизил армия ва ишчилар синфини боқиш учун хизмат қилди. Қисқа қилиб айтганда, 20-йиллардаги бу сиёсат Туркистон ўлкасини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Марказга бўйсундириш учун хизмат қилиб, ўлка иқтисодиётини тиклаш ва бошқаришда номаъқул сиёсатлигини кўрсатди.

Умуман олганда, "ҳарбий коммунизм" – совет мустабид давлат тузумининг дастлабки андозаси бўлиб, у ўзининг мутлақо яроқсизлигини кўрсатди, у эркин фикрлаш ва эркин меҳнатни, омманинг ташаббуси ва ижодини бўғди. "Ҳарбий коммунизм" сиёсати амалга оширилиши натижасида ҳақиқатда большевиклар тасаввуридаги ҳарбийлашган жамият юзага келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, мавжуд бозор иқтисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик қадриятларини марксча синфий қадриятлар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат эди. Большевикларнинг ана шундай ноилмий сиёсатининг ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инқирози, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаш ва яшамаслиги гумон бўлиб қолди.

Туркистон раҳбарлари ҳам ўлкадаги саноат ишлаб чиқаришни тезроқ қўлга олишга интилиб, фабрика-заводлар билан бирга кўпгина ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидаги саноат корхоналарини ҳам умумлаштирди. Бу хўжалик заруратидан эмас, балки марказий ҳукуматга ҳисобот бериш ва "социализм"га тез суръатлар билан ўтишга интилиш эди. Совет маъмурларининг бу хилдаги экстремистик хатти-ҳаракатлари ҳунарманд-косиблар орасида норозиликнинг кучайиши ва ўлкада ижтимоий-сиёсий

вазиятнинг янада кескинлашишига сабаб бўлди. Халқнинг кундалик турмуш тарзига сингиб кетган гиламдўзлик, кулолчилик, дурадгорлик, тикувчилик, зардўзлик, мисгарлик, заргарлик, пичоқчилик, манзарали ва маиший каштачилик, тамакидон тайёрлаш, кўнчилик, этикдўзлик каби ҳунармандчилик буюмлари халқ усталарининг фахри бўлган.

## 3.2. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида артеллар ташкил этиш жараёнлари

I жаҳон уруши ва ундан кейинги фуқаролар уруши бутун халқ хўжалигига, жумладан, ҳунармандчиликнинг ривожига ҳам қаттиқ зарба берди. Туркистон ўлкасининг Россия империяси билан мавжуд савдо-иқтисодий алоқалари узилиб қолди. Натижада, Ўрта Осиёга Россия империясининг маълум ҳудудларидан маҳсулотлар олиб келиш ва минтақадан турли хомашё олиб чиқиб кетиш тизимлари издан чиқди. Ўз навбатида, ички савдо алоқалари ҳам мазкур жараёнлардан зарар кўрди, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш тизими ҳам бузилди. Бироқ юзага келган ушбу вазиятнинг ўзига хослиги мавжуд эди. Уруш ва вайронагарчилик натижасида йирик саноатнинг инқирозга юз тутиши ва саноат моллари тақчиллигининг вужудга келиши, ўз навбатида, кустар ишлаб чиқаришнинг қайта тикланиши ва ривожланишига сабаб бўлиб хизмат қилди[1].

Ўлкада зўравонлик билан советлаштириш ва ғайримиллий социалистик давлатчиликни қарор топтириш фаоллик билан ҳаётга татбиқ этила бошланди. Большевиклар ҳокимияти ўлка халқларининг ўзига хос миллий ривожланиши мумкинлигини сўздагина эълон қилиб, барча усуллар билан бу жараёнларга тўсқинлик қилди. Советларнинг халқ хўжалиги мажмуасидаги “инқилобий” ўзгаришлари иқтисодиётдаги кўп укладлиликни таг-туги билан йўқ қилиш, мулкчиликнинг барча шаклларини давлат мулкига айлантириш ва мол-мулкни қайта тақсимлашга қаратилган эди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳунармандчиликнинг, асосан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб борди. Чунки Россия империяси даврида пахта ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг

[1] *Муравьев П.* Организация народного хозяйства и кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана, – 1920. – №4. – С. 6.

ортиши айнан шу соҳаларнинг тез ривожланишига туртки бўлди. Натижада қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари (кетмон, болта, теша, ўроқ, арава, чорва моллари жунини оладиган қайчи ва б.) га бўлган эҳтиёж янада ортди. Туркистон қишлоқларида, асосан, темирчилик устахоналари, арава ва эгар ясаш ривожланган бўлиб, уларда меҳнат қуроллари, отларга тақа, янги тайёрланаётган аравалар ва қурилаётган уйлар учун михлар, чангаклар ясаларди. Воҳалар аҳолисининг меҳнати ва яшаши учун зарур қуроллар, идиш-товоқ, кийим-кечак, озиқ-овқат каби маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини косиб-ҳунармандлар таъминларди.

Бу даврга келиб Туркистон шаҳарларида ҳунармандчилик сифат жиҳатдан ривожланди. Чунки шаҳар аҳолисининг турмуш даражасининг ўзгариши ва Европа маданиятининг кириб келиши натижасида ҳунармандчилик маҳсулотлари сифатига талаб кучайди. Айниқса, кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли қимматбаҳо ҳунармандчилик маҳсулотлари (заргарлик, гилам, каштачилик ва безак)га ҳам эҳтиёж ортиб борди. Воҳа аҳолисининг 8 минг нафари ҳунармандчиликнинг косибчилик, этикдўзлик, темирчилик, дурадгорлик, чилангарлик, қандолатчилик, тўқимачилик, тикувчилик билан шуғулланганлиги боис ҳам шу соҳаларигина ривожлантирилди. Жумладан, 1916–1917 йиллардаги маълумотларга кўра, Туркистон ҳунармандлари бир йилда 4 млн. дона гилам, 5 млн. бўлак жун газлама, 40 млн. аршин шойи газлама, 1,5 млн. дона чарм ҳамда 13 млн. дона идиш-товоқ ишлаб чиқарган[1].

Шунинг учун, 1918 йили Туркистон АССРда Халқ Комиссарлари Совети қошида Кустар ҳунармандчилик бўлими ташкил этилиб, унга кустар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришни тадқиқ этиш, статистик-иқтисодий маълумотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқув курслар очиш, мактаблар ташкил этиш, ўқув устахоналари яратиш, артеллар ташкил этиш, кустар саноатни молиявий қўллаб-қувватлаш ва маҳсулотларни сотиш учун кўмаклашиш каби вазифалар юклатилган[2].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Россия империяси ҳукмронлиги йилларида косиб-ҳунармандчилик устахоналари миқдори ва ҳунармандлар сони ҳақидаги тегишли статистик маълумотлар[3]да

[1] *Қаранг:* Кустари. Известия (Ташкент). 1922. 29 января; Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Т., – –1994. – Б. 43.

[2] Ўз. МДА. И-1-жамғарма(2-бўлим), 6-рўйхат, 534-йиғма жилд, 7-варақ.

[3] Ўз устахонасига эга ва солиқ тўлаб расмий рўйхатда ҳисобга олинган ҳунармандлар. Ваҳоланки, ҳунармандчиликни деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа машғулотлар билан бирга қўшиб олиб борадиган ҳунармандлар ҳисобга олинмайди.

бир қатор номутаносибликлар борлиги сезилиб тургани боис, биз Октябрь давлат тўнтаришидан кейинги статистик маълумотларга таянганмиз.

1919 йил 25 апрелдаги КПнинг УIII съездида “Кустар ишлаб чиқаришга кўмак бериш чоралари тўғрисида”ги декрет қабул қилинади[1]. Мазкур ҳужжатда кустар ишлаб чиқаришга катта аҳамият бериш ва анъанавий ҳунармандчилик турларини сақлаб қолишга қаратилган амалий чоралар дастури ҳам ўз аксини топган эди. Жумладан, кустар ҳунармандчилик соҳалари усталарини ўзаро бирлаштириш йўли билан сақлаб қолиш мумкинлиги ғояси ишлаб чиқилади. Натижада айнан шу йилдан бошлаб Туркистонда дастлабки артеллар тузила бошланган эди.

Совет ҳукумати ҳунармандчилик саноатини малакали ишчилар билан таъминлаш ва тўлдириш ҳамда аҳолининг кенг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун уларни тезроқ кооператив усулга ўтиб, давлатга кўпроқ даромад келтиришга ундаётганди. Бироқ биринчи беш йилликда ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар етарли даражада бўлмаганлиги учун аҳолининг саноат ва истеъмол маҳсулотларига бўлган талаби унчалик қондирилмади. Натижада бу ҳолатни юмшатиш учун карточка тизими амалга оширилди. Чунки маҳсулотни тақсимлаш давлат қўлида бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва моддий ресурслар марказлашган ҳолда истеъмолчиларнинг эҳтиёж даражаларини тўла-тўкис ўрганмаган ҳолда режали тақсимланар эди.

Саноатлаштириш жараёнининг сунъий жадаллаштирилиши оқибатида корхоналарнинг аксарияти эски технологик асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги боис аҳолининг ижтимоий эҳтиёжи совет ҳукуматининг бюджет сиёсатида кейинги ўринга тушиб қолган эди.

Совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсати ва истиқлолчилик ҳаракати туфайли юз берган вайронагарчиликлар нафақат савдо-сотиқ, транспорт, қишлоқ хўжалигини, айниқса, ҳунармандчилик саноатини ҳам тушкун ҳолатга олиб келди. Жумладан, халқ истеъмол моллари, пахта ёғи ва совун ишлаб чиқариш, тошкўмир ва нефть қазиб олиш ниҳоятда камайди. Шунингдек, ўлкага бошқа давлатлардан ғалла, газлама, металл буюмлар, тахта-ёғочлар ва бошқа маҳсулотларининг кириб келиши камайганидан маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига янада талаб ортди.

[1] ЎзР МДА. 398-жамғарма, 1-рўйхат. 4йиғма жилд. 45-варақ.

Ҳунармандчиликни социалистик асосда қайта қуриш учун қилинган тадбирлар ишлаб чиқаришга жиддий таъсирини кўрсатган эди. Натижада ҳунармандчилик ишлаб чиқариши бу даврга келиб турғун ҳолатга тушиб қолади. Оқибатда 1921 йилга келиб барча соҳаларда ўзгаришлар қилишга туртки бўлиб, Туркистон АССРда янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш Туркистон КПнинг VI съездида (1921 йил, 11 – 20 август) сиёсий жиҳатдан асослаб берилади. Шундан кейин хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ўрта ва майда корхоналар, ҳаммомлар, томоша муассасалари ва бошқалар ижарага берилади. Хусусий капитал билан акционерлик жамиятлари тузиш ва ишчи кучини ёллашга ҳам рухсат берилди.

1921 йил Сурхон воҳасида 1923 минг сўмлик ҳунармандчилик маҳсулотлари (гиламлар, тик атласлар ва б.) ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинган[1].

НЭП даврида жанубий ҳудудларда ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш учун эскиларни тиклаш ва янги тармоқларини ташкил этиш инобатга олинди. Бунда мамлакат ўзининг молиявий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, биринчи галда аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ҳамда қишлоқ хўжалиги учун турли асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта ҳунармандчилик артелларини ва уларнинг янгидан-янги соҳаларини ташкил этишга эътибор қаратилди. Ишчи ва ҳунармандларнинг иш ҳақи оширилди, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилди, бозор муносабатлари, эркин савдо, ишчи ёллаш, ижара, талаб ва таклиф соҳасидаги рақобат, солиқ сиёсати тартибга солинди. Жумладан, 1923 – 1924 йилларда барча кооперативларнинг 63,5%и ҳунармандчилик солиқларидан озод қилинади[2]. Фақатгина 1925 – 1926 йилларга келиб эса Қашқадарё округидан 152 нафар хизматчи давлатга 3102 сўм, 1702 нафар ҳунармандлар 85007 сўм, 2408 нафар бойлар давлатга 320739 сўм ёки ҳар бир хизматчи 20 сўм 70 тийиндан, ҳунармандлар 56 сўмдан, савдогарлар 156 сўм 70 тийиндан даромад солиғи тўлаганлар[3]. Бироқ кейинчалик солиқлардаги бу тартиблар бузилишларга олиб келган.

---

[1] Тўхтаев А. Ҳунармандчиликнинг Термиз шаҳри иқтисодиётида тутган ўрни. / Термиз Университети газетаси. 2001 йил. 17 ноябр.

[2] Собрание Узоконений и распоряжений рабоче-крестьнского правительства. – 1928. – №51. – С. 127.

[3] Очерки из истории Кашкадарынской и Сурхандарынской областей Узбекистана. – Т., – Фан, – 1968. – С. 155 – 156.

1925 йил 19–22 октябрда Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг иккинчи конференцияси бўлиб ўтади. Унда қабул қилинган қарорга кўра, якка тартибдаги ҳунармандчилик артелларини кооперативларга бирлаштириш лозимлиги таъкидланди[1].

1924 – 25 йилларда Қашқадарёда 193 та ҳунармандчилик артеллари кооперативларга бирлаштирилган эди[2]. Вилоят бўйича 3. 259 хўжалик, шулардан 2. 823 таси қишлоқларда, 436 таси шаҳарларда ҳунармандчилик саноати билан машғул бўлган. Ҳунармандчилик тармоқлари ичида Беҳбудий туманида 847 та хўжалик устки кийим-бош тайёрлаш билан, 818 та хўжалик тўқимачилик билан, 515 хўжалик озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш билан, 279 таси эса аравакашлик қилган.

Шаҳрисабз уездининг Китоб волостидаги 569 хонадон дўппидўзлик билан шуғулланганлар. Китоб дўппилари ўша даврда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам машҳур бўлган. Бундан ташқари, Беҳбудий уездида 117 та, Шаҳрисабз уездида 86 та, Ғузорда 26 та хонадон этикдўзлик билан машғул бўлган. Гиламчилик билан эса Китобда 26 хонадон, Беҳбудий уездининг Қамаши волостида 65 та хонадонда шуғулланишган[3].

Қарши ва Ғузор уездлари аҳолиси асосий машғулотининг катта қисмини деҳқончилик, чорвачилик, қоракўлчилик ва ипакчилик ташкил этган. Асосий маҳсулот қишлоқ хўжалигининг 60 – 65 % ташкил этиб, буғдой, гуруч, пахта, мевалар, тамаки, қоракўл, жун бўлган, йилига 600 пуд ғалла ва 100 пуд гуруч экспортга чиқарган[4].

1925 йилда Қашқадарёнинг Шаҳрисабз ва Ғузор туманларида “кустар саноат коорпорациялари” аҳволини яхшилаш ва Беҳбудий уездида “кустар-промсоюз” ташкил этиш борасида ишлар олиб бориш тўғрисида гапирилади, бироқ бу иш амалда бажарилмайди. Чунки бунинг учун катта маблағ керак бўлган. Буни амалга ошириш учун эса ушбу туманларда етарли маблағ йўқ эди[5]. Асосий эътибор катта даромад олинадиган жойларга қаратилар эди. Ўша пайтда Қашқадарё айрим туманларини ҳисобга олмаганда, аҳоли хўжалик фаолияти ниҳоятда оғир, ишлаб чиқариш даражаси ҳам паст эди. Ажратилаётган маблағларнинг ҳаммаси 1926 йилгача

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ.

[3] Қашқадарё вилояти ДА. 83-фонд, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ

[4] Кустар-ишлаб чиқариш кооперациялари ҳақида батафсилроқ *қаранг:* ЎзР МДА 95-жамғарма, 1-рўйхат, 1282-йиғма жилд, 210-варақ.

[5] ЎзР МДА. 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2461-йиғма жилд, 145-варақ.

Қашқадарё темир йўлининг қуриб битказилишига қаратилган эди. Бу аҳвол 1930 йилларгача давом этган[1].

1924 – 1925 йилларда Қашқадарёда темир йўл қурилиш борасида тадбирларга кўра Марказ 45. 000 рубль ажратган[2]. Бу сумма 1926 йилгача темир йўл қурилиши давом этиши учун берилган эди. 1925 йили Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси йиғилишларида бу масала кўрилган, аммо унда воҳанинг ҳар томонлама қолоқлиги, ишлаб чиқаришнинг пастлиги, аҳоли хўжалик фаолияти оғирлиги эътиборга олинмаган. Аксинча, уларни тезда кооперация йўли билан ҳунармандчилик ишлаб чиқариши орқасидан даромад олиш қизиқтирган эди. Чунки хўжалик фаолиятини кўтариш учун ҳам маблағ зарур бўлиб, ажратилгани эса бирор нарсага ҳам ярамасди. Ўша пайтда воҳадаги кустар ишлаб чиқарувчи кооперациялар аҳволини ўрганиш мақсадида бир неча бор махсус комиссия тузилади[3]. Бироқ бу ўз натижасини берамайди. Фақатгина оғир аҳволни яхшилаш тадбирлари кўрсатилиб, аммо амалда улар бажарилмас эди. Бунинг сабаби кооперациялар учун маблағ ажратилмаганлиги ва марказ ўз эътиборини кўпроқ яхши ривожланган вилоятларга қаратишида эди.

Бу ҳунармандларнинг норзилигига сабаб бўлиб,1925 йил Косон шаҳрида иттифокдош республикалар саноати ривожланиши борасида 2 кунлик митинг ҳам бўлиб ўтади. Бундай ҳолатлар 1930 йилгача давом этиб, бир неча бор вилоят ишлаб чиқариш саноати аҳволи тўғрисида Халқ хўжалиги олий органига тушунтириш хати ёзиб сўрашган, лекин ҳеч қандай натижа чиқмаган. Фақатгина чора-тадбирлар борасида ҳисобот сўралган, холос.

1927 йил 14 апрелда Шаҳрисабз тумани ижроия қўмитаси қошида иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи секция тузилади. Секцияда 3 та ишчи гуруҳ (ҳунармандчилик корхоналари, кооперация гуруҳи ва бюджет) фаолият кўрсатади[4]. 1927 йил 1 ноябрда электр станцияси ва электр тегирмони қуриш тўғрисида қарор қабул қилиниб, унда бир қатор тадбирлар ҳам белгиланди.

Воҳада 1927 – 1928 йилларда ҳунармандчилик корхоналарини бирлаштиришда дастлабки қадамлар ташланди. Хусусан, 1927 йил 3 майда Қашқадарё округидаги ҳунармандчилик корхоналарининг

[1] ЎзР МДА. 95-жамғарма, 1-рўйхат, 1282-йиғма жилд, 1-варақ.
[2] ЎзР МДА. 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2461-йиғма жилд, 145-варақ.
[3] ЎзР МДА. 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2461-йиғма жилд, 145-варақ.
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат,159-йиғма жилд, 144-варақ.

биринчи қурултойи бўлиб, унда ҳунармандчилик саноат уюшмасига асос солинди ва низоми ишлаб чиқилди[1]. Унга кўра, кўплаб ҳунармандчилик артеллари фаолият олиб борди [2]. Бироқ бу ҳунармандчилик артелларида ўсиш даражаси паст эди. Бунга сабаб Ўзбекистон ССР Ҳунармандчилик Иттифоқининг кичик артелларни қисқартириб, каттароқларига бирлаштирганлигида эди. Масалан, 2 йил фаолият олиб борган Беҳбудий район ҳунармандчилик саноати уюшмаси 1929 йил январь ойида тарқатиб юборилади ва орадан 8 ой ўтгач, округ саноат уюшмаси номи билан яна қайта тикланади.

1929 йил 1 октябрдан бошлаб кооперативлашган ҳунармандлар Қашқадарё округи ҳунармандчилик иттифоқи (“Окрпромсоюз”) тасарруфида фаолият юрита бошлади[3]. Жами 180 аъзога эга бўлган 41 та артел уюшмага бирлаштирилади. Округ бўйича Беҳбудий туманида 704 та аъзога эга 11, Ғузор туманида 248 та аъзоси бўлган 6, Шаҳрисабзда 216 та аъзоси бўлган 8 та, Китоб туманида 314 кишидан иборат 7 та, Қамашида 36 киши меҳнат қиладиган 1 та, Бешбулоқ қишлоғида 16 кишилик 1 та артел, яъни шаҳар бўйича 1591 аъзоси бўлган жами 38 та артел, қишлоқ жойларда эса 210 киши меҳнат қиладиган 3 та артел рўйхатга олинган[4].

Қашқадарё вилоятида артеллаштириш ишлари тикувчилик артелларидан ташқари қолган барча артеллар маълум саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг аралаш турига асосланган кўп тармоқли майда ҳунармандчиликдан иборат эди. Асосан, вилоятда тўқувчилик-ипакчилик, кийим-пойабзал, ёғочга ишлов бериш, темирчилик, кўнчилик, металлга ишлов бериш ривожланган[5].

1926 йилдан Сурхондарёда ҳам ҳунармандларни артелларга жалб қилиш ишлари бошланиб, Термизда бир неча қурилиш, озиқ-овқат, транспорт, кончилик артеллари ташкил қилинди[6]. 1927–1928 йилларга келиб эса Сурхондарё округи саноат корхоналарида 2072 минг сўмлик, майда корхоналарда эса 3884 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Унинг 78,9% ҳунармандчилик саноати

---

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат,159-йиғма жилд, 144-варақ.

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат,159-йиғма жилд, 144-варақ.

[3] Қашқадарё вилояти Архиви. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 823-йиғма жилд, 11-варақ.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 823-йиғма жилд, 11-варақ.

[5] *Қобилов Х.* Мустабид тузум сиёсатининг оқибатлари // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №2. – Б. 110.

[6] *Тўхтаев А.* Ҳунармандчиликнинг Термиз шаҳри иқтисодиётида тутган ўрни / Термиз Университети газетаси. – 2001 йил. 17 ноябр.

ҳиссасига тўғри келган[1]. Бу кўрсаткичлар Сурхондарёда ҳунармандчилик саноати кўрсаткичларининг устунлигини кўрсатади. 1926 йил 27 мартда Шерободда "Қизил офтоб", 29 мартда "Қизил юлдуз" номли кўнчилик, 18 мартда "Қизил босқон" номли металл буюмлар ишлаб чиқарадиган, 30 март куни "Қизил мактаб" номли тўқимачилик, 16 июнда "Алимбоев" номли транспорт артеллари, Термизда 1926 йил 5 апрелда "Кожевник", "Хуршид" номли кўнчилик, қурилиш, 27 апрелда "Ленин" номли транспорт, 11 майда "Красный строитель" номли қурулиш, "Красные женщины Востока" номли қурилиш артеллари ташкил қилинди[2]. Бироқ, хонаки ҳунармандлар артелларга бирлашмай, кўпроқ эҳтиёж ва, буюртмалар асосида ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарган.

Шу йилларда Қашқадарё округида 43 та аъзоси бўлган "Тимурин" майда саноат қишлоқ хўжалик асбоблари ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган, металл асбоблар тайёрлайдиган артел, 66 та аъзоси бўлган "Буфандаляр" номли мато, рўмоллар, намат ишлаб чиқарадиган, 9 таси аъзоси бўлган "Аравакашларнинг биринчи меҳнат артели" номли юк ташиш, 84 та аъзоси бўлган маҳаллий типдаги тери ва пойабзал ишлаб чиқариш ҳунармандчилик артеллари ташкил қилинди[3]. Вилоятда 1926 йилда "Дилкушо", "Свет" (транспорт), "Искра" (тикувчилик), "Нажот" (темирчилик), "Иттифоқ" (нон пишириш), "Саодат" номли тўқимачилик артеллари ҳам мавжуд ҳунармандчилик артеллари сафига қўшилади[4].

1926 – 1927 йилларда Қашқадарё округида 8 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[5]. Сурхондарё округида эса 2072 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, шундан 78,9% ҳунармандчилик саноати маҳсулотларига тўғри келади[6]. 1921 йил Сурхон воҳасида 1923 минг сўмлик ҳунармандчилик маҳсулотлари (гиламлар, тик атласлар ва б. ) экспорт қилинган эди[7]. 1927 – 1928 йилларда Сурхондарё округи қишлоқ хўжалиги соҳасида 6 та кооператив улгуржи жамият, 12 та ишлаб чиқариш кичик корхонаси, 8 та мелиоратив, 4 машина, 10 пахтачиликка асосланган

[1] Сурхондарё вилояти ДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 310-йиғма жилд, 42-варақ.
[2] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 9-варақ.
[3] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 40-йиғма жилд, 74-варақ.
[4] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 9-варақ.
[5] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 8-рўйхат, 231-йиғма жилд, 30 – 86-варақлар.
[6] Сурхондарё вилояти ДАр. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 310-йиғма жилд, 42-варақ.
[7] *Тўхтаев А.* Ҳунармандчиликнинг Термиз шаҳри иқтисодиётида тутган ўрни. / Термиз Университети газетаси. 2001 йил. 17 ноябр.

жамоа хўжаликлари мавжуд эди[1]. 1928 йил 1 октябрда Беҳбудий район ҳунармандчилик саноат уюшмаси аъзоларининг сони 1166 тага етиб, шулардан 206 таси аравакашлик, 447 таси тўқувчилик, 128 таси металлчилик, 27 таси қурувчилик, 84 таси тикувчилик, 34 нафари ғишт қуйиш, 64 таси нонвойчилик, 35 таси терига ишлов бериш, 35 таси этикдўзлик, 106 нафари туз ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар[2].

1920 – 30-йилларда амалга оширилган жадал саноатлаштириш гарчи бутун Иттифоқ бўйича қудратли ишлаб чиқариш саноат салоҳиятини яратган бўлса-да, лекин айни вақтда халқ истеъмоли ва турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган тармоқларнинг заифлашишига олиб келди. Ўлкада бу даврга келиб, жамоалаштириш ва саноатлаштириш шу қадар қимматга тушдики, ҳатто анъанавий ишлаб чиқариш тузилмаларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Масалан Иттифоқ миқёсида деярли барча ҳунармандларнинг ярмидан кўпи шаҳарларда яшаган бўлсалар, Ўзбекистонда эса деярли 2/3 қисмидан кўпроғи шаҳарларда истиқомат қилган. Қолаверса, ҳунармандларнинг аксарият қисми ҳали кооператив усулига ўтмаганди. 1928 йил 1 октябрда Ўзбекистонда ҳунармандларнинг 85,4%, Туркманистонда 65%, Қирғизистонда 88,5% кооперация усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйилмаганди[3].

XX асрнинг 30-йилларига келиб кооператив ташкилотларининг учта йўналиши ташкил қилинди:

1. Ишлаб чиқариш артеллари;
2. Ўртоқлик ишлаб чиқариши (хомашё олиб турадиган ва уйда якка тартибда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар);
3. Ҳунармандчилик колхозлари. Бунга қишлоқдаги ҳунармандлар бирлашган бўлиб, қишлоқ хўжалигидан кўп фойда олингани учун барчаси шунга бирлашадилар. Шунингдек, туманлардаги ҳунармандларни маҳсулотларини шартнома асосида оладиган, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиладиган косиб-ҳунармандчилик ўртоқлиги (промислово-кустарное товаришество) ташкил қилинди.

Шунинг учун, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1930 – 33 йилларда ҳам ҳунармандчилик корхоналарини кооперативларга бирлаштириш ишлари давом эттирилди. Қашқадарё округининг

[1] *Қобилов Х.* Мустабид тузум сиёсатининг оқибатлари ... – Б. 110.
[2] Қашқадарё вилояти ДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 206-йиғма жилд, 15-варақ.
[3] *Бўронова Н.* 1925 – 1940 йилларда саноатлаштириш сиёсати // Жамият ва бошқарув. – 2009., – №4. – Б. 50.

Ғузор, Косон туманларидаги ҳунармандчилик корхоналари Беҳбудий тумани кооперативларига, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманларидаги ҳунармандчилик корхоналари эса Шаҳрисабз тумани кооперативларига бирлаштирилган[1].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида 1932 йилда мавжуд артеллар қуйидагилар бўлган: Беҳбудийда "Молот", Косонда "Красний молот", Шаҳрисабзда "Молот", Яккабоғда "Янги турмуш", Китобда "Иқтисод", "Дахбар", Бойсунда "Ишчи деҳқон бирлашув", "Красний Восток", Деновда "Мионат", "Янги обод", Шерободда "Қизил Бисқол", "Қизил Умдак", Термизда "Новая стройка", "Красний кузнец" каби металл ишлаб чиқариш ёки металга ишлов бериш кооперациялари фаолият олиб борган[2]. 1934 йилда Қашқадарё ҳунармандчилик саноати уюшмасига қарашли артеллар 1585 тани ташкил этган[3] (*2-жадвал* илова қилинади**)**.

Қашқадарё округида шу йили республиканинг бошқа жойларидаги каби ҳунармандчилик артелларини йириклаштириш сиёсати амалга оширилди. Натижада фаолият кўрсатаётган артеллар сони қисқариб, Беҳбудий туманида 10 та, Косонда 6 та, Ғузорда 3 та артел қолган. Шаҳрисабз туманидаги ҳунармандчилик саноати бирлашмасида кўпроқ маҳаллий аҳоли учун уйрўзғор буюмлари, палослар, шолчалар, дўппилар, ғилдирак, кетмон, арава, ўроқ, чолғи, нағал, челак, лампа ва тоғоралар тайёрланган.

1935 йили Сурхондарёнинг ҳунармандчилик иттифоқида артеллар қисқариши жорий йилнинг 1 январида 15 тага[4], 1937 йили 1 январда 16 тага[5], 1939 йилга келиб эса 8 тага тушиб қолган[6]. Сурхондарё округида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 1936 йилда 2943,6 минг, 1937 йилда 5442,8 минг, 1938 йилда 7134,3 минг, 1940 йилда 17738,3 минг, 1941 йилда 21922 минг сўмни ташкил этган, яъни 1940 йилга нисбатан 123,6 %ни ташкил қилди[7]. Таъкидлаш жоизки, Сурхондарёда артеллардан кўра уй ҳунармандчилиги ишлаб чиқарилиши бу йилларда кўпроқ намоён бўлди.

Қашқадарёда эса озиқ-овқат артеллари 1929 – 1930 хўжалик йилида 428,6 минг, давлат ташкилотларига 38,4 минг, коопера-

---

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 17-варақ.
[2] ЎзР МДА 2-жамғарма, 1-рўйхат, 23-йиғма жилд, 35-варақ.
[3] ЎзР МДА 2-жамғарма, 1-рўйхат, 23-йиғма жилд, 35-варақ.
[4] Сурхондарё вилояти ДА. 322-жамғарма, 1-рўйхат. 66-йиғма жилд, 13-14, 98-99 варақлар.
[5] Сурхондарё вилояти ДА. 322-жамғарма, 1-рўйхат. 66-йиғма жилд, 99-варақ.
[6] ЎзР МДА. 2325-жамғарма, 1-рўйхат, 66-йиғма жилд, 15,19-варақлар.
[7] Сурхондарё вилояти ДА. 261-жамғарма, 1-рўйхат,12-йиғма жилд. 99-варақ

тив ташкилотларга 69,8 минг, истеъмолчиларга 118,1 минг сўмлик маҳсулот сотган бўлиб[1], бу ерда саноат ишлаб чиқаришининг пасайганини кўриш мумкин. Жумладан, 1936 йили Бойсун туманидаги "Файзулла Хўжаев", Денов туманидаги "Шарқ озодлиги", Термиз шаҳридаги "Восход" ва "Прогресс" номли ҳунармандчилик артеллари ишлаб чиқариш режасини 63%дан 91%гача бажариб орқада қолишди[2]. Бундай ўзгаришни республиканинг деярли барча артелларида кузатиш мумкин эди.

Жанубий ҳудудларда артеллариш жараёнларига назар ташласак 1939 – 1941-йилларда Қаршининг "Гулистон" артели эса альбастердан ўйинчоқлар тайёрлашни амалга ошириб, унда асосан 2 киши болалар учун ит, катта ва кичик формадаги ит, мушукча, олма, қуёнча, хўрозчалар тайёрлашган[3].

Архив маълумотларида қайд этилишича, 1941 йилда "Хужум" артели ҳунармандларидан шу касб билан шуғулланганликлари учун даромад ва маданий солиқлар олинган[4]. Бундай даромад солиғи Ўзбекистон ССР ХКС ва МҚКП(б) қарорига мувофиқ, асосан, якка хўжаликлардан, кооперативлаштирилмаган кустарлардан, диний лавозим эгаларидан, боқимандалардан ундиришга эътибор қаратилган[5].

Қарши шаҳар саноат корхоналари 1941 йил (1926 – 1927 йил қатъий баҳоси)да 746,9 минг сўмлик маҳаллий саноат маҳсулотлари, (1932 йил баҳосида) 11487,2 минг сўмлик саноат кооперацияси моллари, 2385 минг сўмлик кўрлар жамияти томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилган[6]. Уруш даврига қарамай, йиллик режани шаҳардаги "Учқун" артели 95%, "Иттифоқ" артели 112%, "Меҳнат" артели 88% қилиб бажаришган[7]. Бу артеллардаги ишчиларнинг кўпчилиги қизлар, жувонлар, мактаб ёшидаги болалар бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида муайян мутахассисликларни эгаллаб, қатъий меҳнат интизоми асосида йиллик режани бажаришга эришганлар.

1941 йил Косон туманида 312 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 12 минг сўмлик кийим-кечаклар тайёрланди, 30 минг сўмлик металл буюмлари созланди ва 12 минг сўмлик ти-

---

[1] ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат,85-йиғма жилд, 212-варақ.
[2] Сурхондарё вилояти ДА. 322-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 146 варақ.
[3] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 160- йиғма жилд. 31-варақ.
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд. 10-21 варақлар.
[5] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 157-йиғма жилд. 119-варақ.
[6] Қашқадарё вилояти ДА. 1жамғарма, 1рўйхат, 160йиғма жилд, 20варақ.
[7] Қашқадарё вилояти ДА. 1жамғарма, 1рўйхат, 203йиғма жилд, 9варақ.

кув ишлари бажарилди[1]. Косон тумани марказидаги "Қизил болға" артелининг косибчилик, ёғочсозлик, кўнчилик, тикувчилик, қурилиш материаллари, металга ишлов бериш каби жами 6 цехида маҳаллий хомашёлар ҳисобидан халқ хўжалигига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи цехларда, асосан, ёш болалар, қариялар, қизлар меҳнат қилишиб, режани ўз вақтида бажарганлар. Хусусан, Қашқадарёда 1941 йилда 426. 500 сўмлик қурилиш материаллари, 112. 500 сўмлик металл буюмлар, 70 минг сўмлик сопол буюмлари, 58 тонна ишқор, 7. 500 тонна елим тайёрланган[2].

Умуман, 1941 йилда Қашқадарё вилоятининг 12 та маъмурий районидан 10 таси артеллашган бўлиб, вилоятда жами 16 та артел фаолият юритган[3]. Мираки ва Кўкбулоқ номли тоғли районларда артеллар деярли бўлмаган. Вилоятда турли хил ишлаб чиқаришга асосланган саноат бўлимларини қўшиб ҳисоблаганда жами 26 та ("Учқун", "Иттифоқ", Қзил Шарк, Янги ҳаёт, Гулистон, Тикучи, Дилкуша, Красний Октябрь, 8-март, 3-е Пятилетие, Иқтисод, Охунбобоев, Ҳужум, Навоий номли, Сталин номли, Красний транспорт, 18-я Партконференции, Коммуна, Красний Молот, Қизил Нақклят, Киров номли, Рабочая Сила, Свой труд, 3-й Интернационал, Қизил Карвон, Маданият, Ленин номли[4]) артел фаолият кўрсатган[5]. 1941 йилнинг ўрталарига келиб Шаҳрисабздаги "Навоий" артели ҳам тугатилган. Бу даврда баъзи артелларнинг ёмон ишлаганлигининг боиси, биринчидан, бошқарув тўғри ташкил этилмаганлиги бўлса, иккинчидан, "Облпромсоюз"дан керакли хомашёнинг тўғри етказиб берилмаганлиги, ва умуман маҳаллий ресурсларнинг етишмаслигида эди[6]. Шунга қарамай, ишлаб чиқариш юқори бўлган. Қашқадарё "Облпромсоюз" бир неча марта марказга пойабзал саноати, текстил-кимё саноати артелларида юқори малакали кадрларнинг етишмаслигини айтиб ёзма равишда мурожаат қилади[7]. Бироқ бу асоссиз қолдирилган. Чунки бу артелларда асосан маълумоти йўқ, ўрта ёки 5 – 6-синфни тугатган ўсмирлар ишлаган[8].

[1] Қашқадарё вилояти ДАнинг Қарши филиали. 74-жамғарма, 1-рўйхат, 271-йиғма жилд, 86-варақ.

[2] Қашқадарё вилояти ДАнинг Қарши филиали. 74-жамғарма, 1-рўйхат, 271-йиғма жилд, 82-варақ.

[3] Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 225-йиғма жилд, 13-варақ.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 7-варақ.

[5] Ўз ССР ХКС ва МҚ КП(б) йиғилишидаги докладдан: Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 113-йиғма жилд, 8-варақ.

[6] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 196-йиғма жилд, 20-варақ.

[7] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма,1-рўйхат, 113-йиғма жилд, 8-варақ.

[8] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 146-йиғма жилд, 14-варақ.

1942 йилда Қашқадарёда инвалидларнинг “Труд” (Қарши ш.), “Қизил меҳнат” (Косон), “Қизил гвардия” (Бешкент), “Чапаев номли” (Ғузор), ”Янги қурилиш” (Қамаши), “22 год Октября” (Яккабоғ), “Охунбобоев” (Чироқчи), “Тельман” (Китоб), “Янги меҳнат” (Шаҳрисабз), “За Родину” 10 та артели (Қарши шаҳри)дан иборат бирлашган кооператив иттифоқи ташкил этилади[1]. 1945 йил 1 январ маълумотларига кўра, артелларда жами 750 киши ишлаб, шундан 94 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган[2]. Ногиронлар бирлашмаси металлни қайта ишлаш, ёғочга ишлов бериш, кулолчилик идишлари тайёрлаш, кийимлар ва пойабзал тикиш билан шуғулланиб, бошқа артеллар учун ҳам хомашё етказиб берганлар[3].

1943 йил 20 январда Қашқадарё алоҳида вилоят сифатида қайга тикланади. 1942 – 43-йилларда жанубий вилоятлар саноатида оғир вазиятнинг вужудга келишига сабаб жойларда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги эди. Айниқса, уруш даври бўлгани учун йирик саноат корхоналарида иш юритишда пайвандчи, чилангар, токор, инструментчи, фрезерчи, машинистларга талаб кучли эди. Шунинг учун вилоятларда кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш учун кўплаб ёшлар Давлат меҳнат резервлари билим юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, фабрика-завод мактаблари таълими – ФЗО, ФЗУларга сафарбар этиш ҳал этилди. Шу мақсадда 1942 – 43 йилларда 1517 ёшдаги ўспиринлар республиканинг Бухоро, Тошкент, Когон шаҳарларидаги ҳунар-билим юртларига ҳунар ўрганишга юборилган[4]. Шу билан бирга маҳаллий саноат корхоналарида якка тартибда шогирд тушиш йўли билан бригадада ҳунар ўрганиш ва иккинчи ихтисосликни эгаллаш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Ишчилар сафида аёллар сони кескин кўпайиб, ишлаб чиқариш борасидаги оғирликлар улар зиммасига тушди. Айниқса урушдан кейинги йилларда артелларда ҳунармандчиликда ривожланиш кўзга ташланади. Бу аҳолини эҳтиёжини ўсиши билан билинади.

1945 йилда Яккабоғдаги “Киров” номли артел жами 14 хил кўптармоқли саноат ишлаб чиқаришига: қурилиш материаллари, темирни қайта ишлаш (омоч, кетмон, ўроқ, болталар, от тақаси, таъмирлашнинг турли деталлари, обдасталар), кимёвий, чарм оёқ кийимлар таъмири, ёғочга ишлов бериш (дуклар, болалар ўйин-

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 75-жамғарма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд,1 варақ.
[2] Қашқадарё вилояти ДА. 75-жамғарма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд,1-4 варақлар.
[3] Қашқадарё вилояти ДА. 75-жамғарма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 3-4-варақлар.
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 215-йиғма жилд, 22-варақ.

чоқлари), тўқимачилик буюмлари (қоплар, арқонлар), трикотаж (жун пайпоқлар), сопол идишлар (12,6 литрли кўзалар), ўрмончилик материаллари (асосан ўтин) эга бўлган[1].

1946 йилда Қашқадарё вилояти “Иттифоқ” артели ипгазлама, ипак матолар (атлас, канаус, ярим ипак олача), трико, рўмол ва ёпинчиқлар, хонаки услубда ипак қурти уруғини тайёрлашни 56,7%га бажарган бўлса, “Красний Октябрь” артели эса 52,8% ишлаб чиқаришган[2]. “3-я Пятилетка”, “Навоий” артеллари сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асосланган бўлиб, улар режага кўра 61,5%га ишлаб чиқарганлар. 1928 йилдан фаолият кўрсата бошлаган “Иттифоқ” артели[3] 1944 йилда унинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари тўқимачилик буюмлари ва ипак матолардан иборат бўлиб, 120 станокда 62 киши кулолчилик, пойабзалчилик, темирчилик, кўнчилик, слесарлик, ип йигириш, тикувчилик цехлари, сартарошхоналарда фаолият олиб боришган[4].

Умуман олганда, “Иттифоқ” артелининг 1939 – 1945 йиллардаги ишлаб чиқариш фаолиятига кўз ташласак, унда асосан, 1939 йилда жами 128 киши (114 аёллар), 1940 йилда 193 (аёллар 170 бўлиб, йил давомида 107 киши қолиб, шундан аёллар 90, йил охирида 50 кишидан иборат бўлиб, шундан 44 нафари аёл бўлган. Бунга сабаб ишдан қолганлари учун 10 киши бўшатилган ва 40 киши ўз хоҳишига кўра бўшаган. Улар орасида 81 тикувчи, 2 шогирд, 1 сотувчи ҳам бўлган ), 1941 йилда ишчилар сони 192 (ўқувчилар 3, уй-ҳунармандлари 28, 8 кўрпачачи, 20 тикувчилар ҳам бўлган. Кейинчалик 201 кишига кўпайган[5]), 1942 йилда 242 киши[6], 1943 йилда 315 киши, 1945 йилда 172 (шундан уй ҳунармандлари 113 тани ташкил этади) киши ишлаган. 1941 йилда “Кизил Шарқ” да 85 аъзо бўлса, 1942 йили “Красний Молот” артелида 136 аъзо фаолият юритган[7]. 1943 йили “Учқун” артелида 275 киши ишлаган[8].

Шаҳрисабзнинг “Охунбобоев” артелида ипгазлама калавалар, матолар, жун палослар, йигирилган жун иплар, тўрли қоплар, арқонлар каби 44% тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар таъмири, ёпинчиқлар, кўрпалар, телогрейкалар, пахтали шимлар, бола-

---

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 103-йиғма жилд, 4-варақ.

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд. 2,7-варақлар.; 224-жамғарма, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд. 72-варақ.

[3] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 17-варақ.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 3-варақ.

[5] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 6-варақ.

[6] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 17-варақ.

[7] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд,1-варақ.

[8] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 7-варақ.

лар тўплами, эркаклар ич кийимлари, бош кийимлар, ипгазлама рўмоллар тикиб чиқариш бўйича 65,9%га ва бошқалар 68,3%га ишлаб чиқарилган[1]. Худди шу йиллари "Рабочая сила", "Свой труд", "III Интернационал", "Гулистон", "Маданият", "Ленин" номли артелларда ҳам ип ва жун калавалар, жун палослар, гиламлар, пойабзаллар, металл буюмлар таъмири, кулолчилик идишлари, ип матолар, телогрейкалар, эркаклар ич кийимлари, бош кийимлар ишлаб чиқаришган[2].

1947 йилда Қашқадарё "Облпромсоюз"да 4 та тўқимачилик артели фаолият олиб бориб, шундан 2 тасида ипак тўқувчилиги ва 2 таси ипгазлама ишлаб чиқаришига ихтисослашган эди[3]. Қашқадарёда бу пайтда артеллар кўптармоқли саноатга асосланган бўлиб, янги пойабзал ишлаб чиқариш кам эди. Биргина област марказида жойлашган катта кўн цехига эга бўлган "Тикучи" тери пойабзал артелида 1946 йилда 240 жуфт пойабзал қайта ишлаб чиқарилган[4]. "Сталин номли" артел эса тери маҳсулотларини қайта ишлаб берарди.

1947 йилда вилоятнинг 16 та артелларидан атиги 3 таси ("Дилкушо", "Охунбобоев", "Гулистон")гина давлат режасини 34,4%га бажарган[5]. 1948 йилга келиб эса вилоятда саноат ишлаб чиқариш режаси 57%ни ташкил этди. Артеллар бошқаруви режа бажарилмаганлиги боис, тез-тез алмашиниб турган. Бундан ташқари, баъзи артеллар режани ўз вақтида бажармаганлиги, чиқарган маҳсулотнинг бир хилдалиги ва битта район ёки шаҳарда жойлашганлиги учун ҳам қўшиб юборилган[6].

1958 йилда вилоятда "Учқун" артели қошида гиламчилик фабрикасини қуриш юзасидан Қашқадарё "Облпромсоюз"да йиғилиш бўлиб, унда фабрикага бошқа артеллардан ишчи кучини қурилиш ишларига жалб қилиш масаласи кўрилади[7]. Шу мақсадда "Охунбобоев", "Рабочая сила", "Красний молот", "Гулистон", "Учқун", "Навоий", "3-й Интернационал", "Маданият", "Тельман" артелларидан 44 киши жалб қилинади.

1946 йилда Сурхондарё вилояти ҳунармандчилик иттифоқида 1019 нафар ҳунармандлар ишлаган бўлса, 1948 йилда уларнинг

[1] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 13-варақ.
[2] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 20-25 варақлар.
[3] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 11-варақ.
[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 22-варақ.
[5] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 196-йиғма жилд, 20-варақ.
[6] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 235-йиғма жилд, 56-варақ.
[7] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 357-йиғма жилд, 45-46-варақлар.

сони 1073 нафарни, 1954 йилда эса 1289 нафарни ташкил қилади[1]. 1947 йили Қашқадарёда 25 та ҳунармандчилик артели бўлиб, уларда 1527 киши меҳнат қилган[2].

1949 – 50-йилларда вилоятда 26 артелдан 6 таси ярим йиллик режани 26%га бажарди. Артеллар тўла қувват билан ишлашлари учун хомашё етишмасди. Тўқимачилик тармоғи учун режада белгиланган 7 тонна иптолалари ўрнига 1 тонна, 75 тонна сунъий матолар ўрнига 1,5 тонна хомашё олинган. Шунинг учун ҳам трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,6%га, ипгазлама тайёрлаш 51,5%га, сунъий матолар 48,7%га, гилам тайёрлаш 42%га бажарилди[3]. 1950 йил 1 январига кўра Қашқадарё "Облпромсоюз"да 15 та артел фаолият кўрсатган[4]. 1956 йили Термизда саноат корхоналари 21 млн., 1957 йил 9 млн., 1960 йили 7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганлар[5]. 1970–80 йилларга келиб Термизда саноат корхоналари қуриш кенгайтирилади, хусусан, 1972 йил шаҳарда тикувчилик фабрикаси ишга туширилади[6]. Урушдан кейинги йилларда ҳам жанубий ҳудудларда ҳунармандчилик кооперацияси таркибида бир неча юзлаб артеллар фаолият кўрсатган. Улар халқ эҳтиёжи учун зарур буюмлар ишлаб чиқарган (Масалан, ип-газлама матолар Россия фабрикаларида ишлаб чиқариларди. Ипак матолар кам миқдорда ишлаб чиқарилган. Шу боис урушдан кейин ипак мато ишлаб чиқариш ва ундан кийим-кечак тайёрлаш аҳоли эҳтиёжига кўра қўлда ишлаб чиқарилган). Аммо 60-йиллардан бошлаб ҳунармандчиликнинг бу соҳаси бошқалар қатори йўқ бўлиб кетди.

1960 йилда Қашқадарё вилояти тугатилиб Сурхондарё вилояти таркибига қўшилади. 1964 йил 7 февралда Қашқадарё вилояти яна қайта тикланди.

Бу даврда аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини маҳаллий ҳунармандчилик кооперативлари қондириб келган. Бироқ ҳунармандчилик артелларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, совет ҳокимияти ҳунармандларнинг кооператив корхоналари ва артелларига эътибор бермасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйди. Уларни янги техникалар билан жиҳозлашга етарли эътибор берилмагани

---

[1] Сурхондарё вилояти ДА. 261-жамғарма, 1-рўйхат, 51-йиғма жилд, 228-варақ.

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 225-жамғарма, 1-рўйхат, 20-йиғмажилд, 317 – 318-варақлар.

[3] Қашқадарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 390-йиғма жилд, 71-варақ.

[4] Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма. 1-рўйхат, 245-йиғма жилд. 1-варақ.

[5] *Голованов А. Турсунов С. В* плену утопического мышления. – Т.: – Ўзбекистон, – 1993. – С. 111.

[6] *Бердиев Х., Эрматов Х.* Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т, – 1991. – Б. 18.

боис корхоналарнинг моддий-техника базаси заифлашиб қолди. Шунингдек, ҳунармандларнинг малакасини оширишга ҳам эътибор қилинмади. Аксинча, шу йилларда сон кетидан қувиб, режалар 100, 150, ҳатто 200% қилиб бажариш авж олади. Совет ҳокимиятининг ҳунармандларга бўлган салбий муносабати оқибатида газлама ишлаб чиқариш, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, мисгарлик, бўёқчилик ва бошқа кўплаб соҳалар 1960 йиллардан йўқ бўлиб кетди. Шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулот тури ва ҳажми кескин камайиб кетди. Бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва таъмирлаш жиҳозлари ҳам маиший томондан аҳолини тўла таъминламаган, бунинг учун устахоналар етарли эмасди[1].

Совет даврида ҳукмрон коммунистик тузумнинг тоталитар-мустамлакачилик табиати дастлабки йилларда ҳам, совет даврининг кейинги йилларида ҳам уни модификация қилишга бўлган барча уринишларига қарамай, ўз тамойилига кўра ўзгармасдан қолаверди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов қайд этганидек, *“... совет социалистик давлатчилиги...* бизнинг халқимизга зўрлаб тиқиштирилган эди. У халқимизнинг туб маънавий, ахлоқий, диний қадриятларига мос келмас эди. Марказдан туриб бошқариладиган давлат машинаси қандайдир бир манқуртга, ўз уруғ-авлодларини ҳам билмайдиган кишига мўлжалланган эди. Мазкур давлат тизимида расмий эълон қилинган шиорлар билан амалдаги иш ўртасидаги узилиш айнан шу сабабли юзага келди”[2].

Жанубий вилоятларда олиб борилган артеллаштириш ишлари ташкилий ҳамда таъминот жиҳатдан талаб даражасида эмас эди. Юқори хўжалик раҳбарлари томонидан артеллардаги мавжуд камчиликларга қарши курашилмаган, аъзолик бадаллари йиғиб олинмаган, айланма маблағлар тўғри таъминланмаган, артелларга аъзо бўлиш ва якка тартибдаги артелларни уюшмага бирлаштириш ишлари ҳам тўла расмийлаштирилмаган эди. Қолаверса, уюшмага аъзо бўлган артеллар ўртасида товар айирбошлашда номувофиқликларга йўл қўйилиб, уста-шогирдчилик анъаналари суст йўлга қўйилган, уюшма раҳбарлари меҳнат сафарларининг ҳисоботлари ва далолатномаларини тузишмаган. Бироқ шунга қарамай, ушбу ҳудудларда ҳунармандчилик ўзига хос тарзда тараққий этиб борди. Ва бу йилларда ҳунармандчиликнинг ривожи кўпроқ намоён бўлди.

---

[1] ЎзР МДА, Р-837-жамғарма, 38-рўйхат, 92-80-йиғмажилд, 95-варақ.

[2] *Каримов И. А.* Родина священна для каждого. – Т. 3 – Т.: – Ўзбекистон. – 1996. – С. 6.

## 3.3. Ҳунармандчиликда ноанъанавийлик ва ундаги янги трансформациялар

Халқ ҳунармандчилигида анъанавийлик ва ноанъанавийлик муаммо бир неча йиллардан бери назариётчиларнинг диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келмоқда. Чунки анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши халқнинг жўғрофик жойлашуви, унинг табиий ресурслари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Улар доим бир-бирини тўлдириб туради.

Анъаналар ҳар соҳада – иқтисодий, маънавий, урф-одатлар ва бошқа соҳаларда бўлиши мумкин. Ўзбек миллий ҳунармандчилигидаги анъаналар эса “қўшимча” унсурлар билан уйғунлашган ҳолда ҳозиргача яшаб келмоқда. Чунки ҳеч бир анъана даврлар ўтиши билан ўзида тўлақонли хусусиятларни сақлаб қола олмайди. Фақат у бадиий меросдан фарқли ўлароқ, бир даврдан иккинчисига ўтиб яшайди. Маҳаллий усталар бирорта буюмни яратаётганларида унинг шакли ва нақшларида  ўтмиш санъати намуналарини шунчаки такрорлашдан қочсалар-да, барибир кўпроқ анъаналарга таянадилар. Шу боис анъаналар тўлалигича сақланмай, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда уста буюмга ўзи яшаб турган муҳит нафасини сингдириши табиий ҳолдир.

Совет ҳукумати бадиий санъатни ривожлантириш асносида халқ санъати ютуқларини ёйишга, усталарнинг ноёб ва ўзига хос маҳоратларини ягона қолипга солишга умид боғлаган эди. Лекин бадиий санъатнинг асоси бўлган халқ ҳунармандчилиги корхоналарининг аҳволи ниҳоятда оғир эди. 1917 йил зардўзлик, чармдўзлик, каби ҳунарлар йўқ бўлиб кетди. Фақат ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган ипгазлама тўқиш ва кулолчилик ҳунарларигина сақланиб қолди, лекин бу маҳсулотларнинг бадиий сифати ҳам анча пасайиб кетган эди. Шунингдек каштачилик, шойи тўқиш, гиламдўзлик, наққошлик, заргарлик, мисгарлик маълум даражада давом этиб келди. 1919 йилдан бошлаб тўқимачилик соҳасида анъанавий ўзбек газламаларининг кўп турларини ишлаб чиқариш аста-секин қайта тиклана бошлади. Чунки бу даврда Россиядан фабрика маҳсулотларини олиб келиш тўхтаб қолган эди.

ХХ аср бошларигача амалий безак санъати асарларидаги анъаналар тўлиқ бўлмаса-да, 80%га сақланиб қолган. Бунда буюмларнинг бадиий тили деярли ўзгармай қолган. Фақатгина мазкур санъат мактабларида баъзи ўзгаришлар (нақшларнинг ўзида ва уларни жойлаштиришда янгича турлар, қадимдан яшаб келаётган

унсурларни “замонавийлаштириш”) сезилади. Лекин уларда ҳали анъаналарнинг бузилиши, нақшлар мундарижасидаги кескин “янгиликлар” кўринмайди[1]. Бошқа томондан эса, бирор бир сабабга кўра уста бир марказдан иккинчисига кўчиб келиб, ижодини шу ерда давом эттирса, табиийки, унинг асарларида ҳар иккала марказ анъаналари уйғунлашиб кетади. Ўз-ўзидан маълумки, у янги шароитга бирданига мослаша олмайди, шунингдек, аввалги марказ анъаналарини ҳам батамом унутолмайди. Лекин устанинг шаклланишида, унинг кейинги фаолиятида туғилган жойи, у ердаги кишиларнинг урф-одатлари, маҳаллий жўғрофий ва табиий шароитлар муҳим роль ўйнайди.

Амалий безак санъатининг қайси турини олмайлик, ундаги анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтишида ҳунарманднинг меҳнати ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, 1960 йилларнинг ўрталарида кўпроқ каштачилик, тўқимачилик, матога гул босиш ва бошқа соҳаларга тўқув ва тикув машиналарининг кириб келиши улардаги ўзига хослик ва миллийликнинг йўқолишига олиб келди. Чунки усталар қўл меҳнатидан фойдаланишса-да, ўз асарларида нафақат анъаналарни, балки ўз дунёқараши, кайфияти ва руҳий кечинмасини сингдириши билан бирга мавжуд ҳукмрон мафкуравий қарашларни ҳам акс эттирган. Бундан ташқари, каштачилик ва зардўзлик буюмларида гуллар ва тасвирий унсурларнинг қўлланилишида ўзига хос услуб мавжуд бўлиб, бир гулни тасвирлашда бирданига бир қанча турдаги чоклардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Гарчи, четдан қараганда, бир услубдаги чок қўлланилгандек туюлса-да, уларда нафақат услуб, балки фалсафий маъно ҳам тўла уйғунлашганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, совет даврида ҳунармандчиликнинг бадиий каштачилик тури ривожланган бўлиб, портрет ва сюжетли паннолар тикиш яхши йўлга қўйилган эди[2]. Масалан, каштачилик буюмларида социалистик воқеиликни акс эттиришга интилиш табиий ҳол бўлиб, бу даврда ҳукмрон мафкура шуни талаб этарди. Шу боис ҳам бундай паннолардан, асосан, жамоат жойларида, яъни биноларни безашда фойдаланилган. Кашталарда инсонларни акс эттириш, замонавий мавзуда йирик безакли паннолар яратиш устида бутун совет республикалари рассомлари ишлашган[3]. Шунингдек, эски кашталар-

[1] *Фатҳуллаев Р.* Халқ безак санъатида анъанавий тасвирий мавзулар// San”at. – 2002. – №–1,2. – Б. 86.

[2] *Чепелевецкая Г. Л.* Ўзбекистон сўзанаси. – Т., – 1961. – Б. 87.

[3] *Чепелевецкая Г. Л.* Ўзбекистон сўзанаси. – Т., – 1961. – Б. 87.

да бу нарсанинг йўқлиги замонавийларини яратиш учун, албатта, қийинчилик туғдирган. Шу боис ҳам анъанавийлик ва замонавийлик ўртасида рақобат бўлиши табиий эди.

XX асрга келиб каштадўзликда юз берган ўзгаришлар кўпроқ унинг безаклари – тўлқинсимон, илгаксимон, катаксимон усулларида намоён бўлиб, улар бевосита қўлда тўқилган. Кашталарнинг ранглари ҳам 2 ёки 3 хил – оқ, қора ва кўк ёки сариқ рангларда бўлиб, ушбу даврга оид халқ амалий санъатига бағишланган мазкур ўзгаришлар аниқ ифодаланган[1].

XX асрнинг 20-йилларидан ўзбек ҳунармандчилигининг барча соҳаларида замонавий ноанъанавий ҳисобланган унсурларнинг кириб келиш жараёни бирмунча тезлашади. Жумладан, олдиндан анъана бўлиб келаётган ўсимликсимон, геометрик шаклларга ҳамоҳанг тарзда совет давлати рамзлари, меҳнаткаш оммани улуғловчи унсурлар, турли “баландпарвоз” оҳангдаги шиоромуз иборалар кириб кела бошлади. Айниқса, каштачилик буюмларида энг кўп тури аёл ва эркакларнинг бош кийимлари, либослари, уй жиҳозларидан тортиб, маиший буюмлар ва ҳ. к. лар тасвирланган. Уларнинг ҳар бирини каштага жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, масалан, дўппиларда ишлатиладиган нусха, гарчи уларнинг икковида ҳам ўсимлик бир шаклда қайтарилса-да, либослар ва уларнинг қисмларида деярли қўлланилмаган. Каштачилик хусусида яна шуни айтиш мумкинки, бошқа ҳунар турларига қараганда замонавий унсурлар айнан шу соҳада кўп қўлланилади. Бунинг асосий сабабларидан бири – кўпроқ рангли иплардан фойдаланилганлигида бўлиб, бу ҳолат яна турли мавзулар, сюжетларнинг яратилишига олиб келган.

Шу ўринда каштани яратишда қўл чоки ва машина чокларининг аралаш қўлланилиши асар ифодасини бадиий жиҳатдан саёзлаштирмайдими, қолаверса, бу каби ноанъанавий ҳисобланган тасвирлар амалий безак санъатидаги кўп асрлик анъаналарга зид келмайдими, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб беришдан олдин каштачилик ва зардўзлик каби ҳунар турларида қўл чокида жамоа бўлиб тикиш ва меҳнат тақсимоти катта аҳамиятга эгалигини айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, нафақат ушбу икки турда, балки халқ амалий безак санъатининг бошқа турларидаги нақшлар ва тасвирлар ҳам бирор ёзма дастурга қараб эмас, балки хаёлан ишланади. Бу эса, ўз навбатида, каштачиликнинг қайта ри-

[1] *Сухарева О. А.* Художественные ткани. // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. – Т.: – “Текстиль”. – 1954. – С. 13 –37.

вожланишига тўсқинлик қилди, ҳатто кашта матоларининг рангига ҳам ўзгаришлар киритилди.

1930 – 40-йилларда “попоп” машиналарида бутун Ўзбекистон бўйлаб “палак”, ”гулкўрпа”, ”чойшаб”, “дорпеч”, “зардевор”лар ишлаб чиқарилди. 1937 йил 7 июлда Тошкентда “Ҳунармандчилик музейи” ташкил этилади. Бу музейда, асосан, каштачилик маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этилади. Кейинчалик бу музей “Ўзбекистон амалий санъати доимий кўргазмаси” номини олади[1].

Воҳалар каштачилиги ўзига хос услубда шаклланиб, дастлаб қўл каштачилиги, кейинчалик машина каштачилиги билан шуҳрат қозониб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бугун эса яна қўл каштачилигига қайтилмоқда. Айниқса, ҳозир урфга кирган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд услубида тикилган қўл ва машина кашталари, сўзаналари, уй безаклари қаторида Шаҳрисабз ва Бойсун кашталари ўзига хос ўрин тутади. Шу боис ҳам, бугунги кунда ироқи кашталари фақатгина Шаҳрисабзда тикилиб, ўзига хос локал санъат мактабига айланиб улгурган[2]. Шунингдек, Шаҳрисабзда машина попопчилик кашталари бугунги кунгача аҳоли орасида кенг оммалашган ва эҳтиёжга кўра ишлаб чиқарилади[3].

Ўзбек чеварлари кашта тикишда кўпроқ йўрма усулини ҳам қўллайдилар. Ўзбек каштачилигида йўрма машинанинг кириб келиши аҳоли ўртасидаги анчадан бери қўлланиб келинаётган қўлда йўрмаб тикишнинг ривожланишига катта ёрдам берди. Йўрмаб тикиш кашта игнаси ёки илгакчасида тикилади. Чеварлар оддий игнада чамбараксиз ҳам гул тикканлар, аммо йўрма бигиз (тожик. “дарафш”)да тикканларида эса матони чамбаракка тортиб қўяганлар[4]. Ўзбек ва тожик каштачилари қўлда йўрмаб тикишни “йўрма” деб юритсалар, қорақалпоқ ва қозоқлар “илмоқ” деб атайдилар. Баъзида эса у кашта тикадиган асбоб номи билан “дарафши” ёки “бигизи” деб ҳам юритилади. Йўрма чок асосий чок ва ёрдамчи восита сифатида қўлланилади. Баъзан кийимларни безаш учун қўлланиладиган жиякларга ҳам кашта қўлда йўрмаб тикилар эди. Жиякларда ишлатиладиган йўрма юқорида айтилган буюмлардаги йўрма чокдан фарқ қилади. Жиякларга чеварлар жуда нозик ва майда геометрик шаклдаги безаклар бериб тикардилар[5].

[1] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик. – Т., – 1960. – Б. 6.
[2] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2016 йил.
[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри. 2016 йил.
[4] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик. – Т., – 1960. – Б. 6.
[5] *Писарчик А. К.* Жияк. “Совет Ўзбекистонининг халқ декоратив санъати”. – Т., – 1954.

Ўрта Осиёга йўрма машиналари келтирила бошланган даврнинг биринчи ўн йилликларида эркак усталаргина кашта тикар эди. Кашта тикувчи бу эркакларни “попурдўз” ёки ”попопчи”[1] деб аташган. Аслида “попоп” сўзи ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, бу иш билан кейинчалик аёллар ҳам шуғуллана бошлашган.

Ўзбекистоннинг чорвачилик билан шуғулланувчи ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакилларидан иборат аҳолиси орасида майда буюмларга қўлда йўрмаб кашта тикиш усули қадимдан мавжуд. Кашталарни аёллар чарм, сукно ва оддий чит буюмларга тикканлар. Хуржун, илгич, ойнахалта каби буюмлар қўчқор шохларига ўхшаш чизиқлар, оддий доира шакллар, ўртасига майда гул солинган учбурчаклар, ромблар комбинациясидан иборат гуллар тикилар эди.

30-йиллардан бошлаб халқ ҳунармандчилигининг кўп соҳаларида артеллар вужудга келган даврда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар талаблар асосида, масалан, каштачиликдаги буюмлар машина чокида ишлаб чиқарила бошлаган. Демак, бир каштани яратишга кўпчилик нақш ва тасвирларнинг андозаларини чизиб берувчи рассомлар, уларни матога кўчирувчи каштачилар, хомашёни тайёрловчи ходимлар ва бошқалар меҳнати сарфланган.

Ушбу ҳолат 1940 йилларгача бўлган давр мобайнида ишланган асарларда яққол намоён бўлди. 1950 – 60-йиллардан бошлаб усталар нафақат хаёлан, балки дастгоҳли рангтасвир асарларидан “кўчирма” тарзида фойдаланганликлари сезилади[2]. Масалан, давлат арбоблари, доҳийлар, актёр ва ижодкорларнинг портретлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, бу даврда тайёрланган буюмлар, асосан, бир уста ёки бир хонадонда яшовчи усталар қўлида тайёрланган.

Ишлаб чиқаришни коллективлаштириш, иш жараёнига профессионал мусаввирларнинг жалб этилиши, қолаверса, мафкурадаги ўзгаришлар, тасвирий санъатнинг ҳокимлиги каби омиллар амалий безак санъатига “ноанъанавий” ҳисобланган замонавий тасвир ва унсурларнинг кириб келиш жараёнини бирмунча тезлаштирди. Лекин нима бўлганда ҳам ноанъанавий ҳисобланган унсурларнинг қўлланилишини салбий ҳол деб бўлмайди. Бу табиий жараён бўлиб, усталар анъаналарни ўзлаштириб, нафақат сақлаш

[1] “Попоп” сўзининг луғавий маъноси аниқ эмас. У йўрмадўзлик машинасининг ишлашида ҳосил бўладиган товушни эслатиб туради. Яна батафсил *қаранг: Морозова А.* Кўрсатилган асар... – Б. 11.

[2] *Морозова А.* Ўзбекистонда йўрмадўзлик. – Т., – 1960. – Б. 16.

ва ривожлантириш ҳам керак эди. Бунда ўша давр уста-ҳунарманд ўзи яшаб турган жамият, ҳаётдаги ўзгаришлар ва тасаввурлари, ўз диди ва идеаллари, баъзи ҳолларда, ҳатто муаммоларини ҳам сингдиришга интилганлар. Чунки 1950 – 1960-йилларда каштачилик, зардўзлик, кандакорлик, кулолчилик ва бошқа ҳунармандчилик турларида ранг-тасвирлар билан бир қаторда ёзувлар ҳам "тўлдирувчи" сифатида қатнашади[1].

XX асрда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар оқибатида ислом маданияти ва санъати анъаналари анча ўзгаришларга дучор бўлди[2]. Хусусан, воҳалар ҳунармандчилигида аввалги мусулмон санъати эстетикаси сақланиб қолган бўлса-да, ўтмиш сарқитлари ва хусусий мулкчиликка қарши курашган коммунистик шиорлар остида анъанавий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари адолатсизларча йўқ қилинди.

1956 йилда Иттифоқ ҳукумати "Ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида" қарор қабул қилади. Мустабид тузум ўз тасарруфига олган кичик ҳунармандчилик устахоналари мусодара қилиниб, миллий ҳунармандчилик мутлақо "янги" бошқарув тизимига, "янгича" муносабатларга ўтказилди. Унинг ўрнига турли даражадаги артеллар ва фабрикалар ташкил этилиб, якка ҳунармандлар мажбурий тарзда бирлаштирилди. Натижада Ўзбекистондаги давлат мулкига айлантирилган барча ҳунармандчилик артеллари маҳаллий саноат вазирлигига топширилди.

Шунингдек, ҳунармандчилик маҳсулотларини станок ва техникалар воситасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг оқибатида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш тизимида, ҳунармандлар турмуш тарзида ноанъанавий жараён бошланди. Умуман олганда, совет ҳукмронлиги йилларида миллий ҳунармандчилик турлари сифат жиҳатидан ўзгариб, баъзи ҳунармандчилик турлари деярли йўқолиб кетди. Жумладан, воҳада миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланган гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, бўёқчилик каби соҳалари 60-йиллар бошига келиб йўқ бўлиб кетди. Фақатгина ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида тузилган артеллар ва халқ бадиий ҳунармандчилиги сақлаб қолинди, холос.

Давлат мулкига айлантирилган корхоналарда тайёрланган маҳсулотларнинг сифатига эмас, балки сонига қараб ҳақ тўланганлиги боис, буюмларнинг сифати ҳам кескин пасайиб кетди. Шу би-

[1] *Ҳакимов А.* Тошкент халқ ҳунармандчилиги... – Б. 8.
[2] *Ҳакимов А.* Тошкент халқ ҳунармандчилиги... – Б. 9.

лан бирга, анъанавий ҳунармандчилик соҳаларини сақлаб қолиш, унинг сирларини ўрганишга ёшларни жалб қилишга қаратилган барча амалий тадбирларга чек қўйилди. Ташкил этилган касб-ҳунар билим юртларида, асосан, тракторчи, механик, газ пайвандловчи сингари касблар ўқув дастурига киритилиб, ганчкорлик, кулолчилик, заргарлик, кандакорлик ва бошқа ўнлаб ноёб ҳунармандчилик соҳалари эътибордан четда қолди.

Саноат ишлаб чиқаришининг кенгайиши билан аҳолини қўшимча тарзда маҳаллий ҳунармандлар томонидан якка тартибда ишлаб чиқилган маҳсулотлар билан таъминлашга эҳтиёж камайиб борди, натижада миллий ҳунармандчиликда фақат юксак бадиий маҳоратга эга буюмларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Аммо бу йўналишда ҳам ҳунармандчилик буюмлари саноат маҳсулотлари билан рақобатлашишига тўғри келди. Маҳаллий ҳунармандлар ушбу рақобатга бардош бериш мақсадида ўз буюмларининг нархини пасайтиришга мажбур бўлдилар. Натижада ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ва амалий безак жиҳати бирмунча ёмонлашди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги ҳунармандчилик буюмларида соддалашиш тенденциялари кўзга ташланади.

1960 йилдан бошлаб бекасам ишлаб чиқариш механизациялаштирилди. Бекасамни ярим автоматлаштирилган дастгоҳда тўқиш туфайли унинг энини 90 смгача етказиш имконияти туғилади. Лекин, мазкур техник янгиликнинг салбий томони ҳам бор эдики, бунда бекасам тўқувчи корхоналарнинг 50 - йиллар охирида ютуғини қўллаб кейинчалик бундай бекасамлар ишлаб чиқариш имкони бўлмади.

Совет бошқаруви ҳунармандларнинг кооператив корхоналари, артелларига эътибор бермади, ўз ҳолатига ташлаб қўйди. Уларни янги техника билан таъминлаш, жиҳозлаш, ҳунармандлар малакасини ошириш имкони бўлмади. Натижада уларнинг моддий техника базаси заифлашиб, кооператив мулкнинг мавжудлиги раҳбариятни қониқтирмай қўйди.

1960 йилдан қўл тўқувчилигига асосланган барча артеллар тугатилиши муносабати билан механизациялашган тўқувчилик корхоналари ишлай бошлади[1]. Бундай корхоналарда фақат марказ талабига кўра атлас ишлаб чиқарила бошланди. Уй шароитида тўқувчилик дастгоҳларида ишлаётган абрбандлар, бўзчилар, бўёқчилар ва бошқа усталар ҳукумат томонидан қаттиқ назоратга

[1] *Эсонова О.* Еттинчи авлод устаси. // Sanat. – №3-4. – 2006. – Б. 37.

олинган эди. Усталар уйидан топилган тўқувчилик дастгоҳлари ёқиб ташланиб, уларнинг эгалари эса баъзан озодликдан маҳрум этилган. Шунга қарамай, кўпгина усталар қўл ҳунармандчилиги анъаналарини сақлаб қолиш ва уни ёшларга ўргатишга уриндилар. 1970 йилларда яна қўл тўқимачилиги билан шуғулланишга имконият туғилиб, Марғилонда "Ёдгорлик" фабрикаси ташкил этилди[1].

Маълумки, XIX асрда матоларнинг безатилиши жиҳатидан ҳам ҳудудлар ўртасида фарқлар бўлган. Масалан, Қашқадарё, Бухоро ҳудуди учун ҳандасавий шакллар хос бўлиб, нақшлар содда ва маҳаллий кўриниш касб этган. Шунингдек, Бухоро матолари ранглари ўткир ва фактураси мустаҳкам бўлган. Фарғона матолари эса бирмунча нозик, нақшлари майин, ўсимликсимон бўлиб, улар маълум бир тусда яратилган. Самарқандда эса йирик ҳандасавий нақшли матолар ишлаб чиқарилиб, баъзан уларга мато таглик асоси рангига зид тарзда бир хил рангдаги ўсимликсимон нақшлар берилган[2].

1980 йилдан бошлаб Ўзбекистонда заргар усталар томонидан анъанавий миллий тақинчоқларни мелхиордан тайёрлаш жонлана бошланди[3]. Демак, бундан кўриниб турибдики, ҳунармандчилик тараққиётида ўзига хос анъаналар ҳам ривожлана бошлади.

XX аср 80-йиллари совет давлати ҳукмронлик қилган йилларнинг энг мураккаб, масъулиятли, бурилиш даври бўлди. Совет давлати ўрнатилганлигининг илк йилларида шаклланган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули ижтимоий-иқтисодий соҳадаги аҳволни сақлаб турган эди. Бу даврга келиб совет давлатида миллий манфаатларни ҳимоя этишга қаратилган бир қанча ҳаракатлар халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнида содир бўлаётган воқеаларнинг муҳим жиҳатлари эди. Аммо совет давлатининг "кам сонли" халқлар манфаатларини деярли ҳимоя қилмаслиги, миллий ҳаракат аъзоларининг тазйиқ остига олиниши – бу ҳаракатларнинг маълум қийинчиликлар ва қурбонлар эвазига амалга оширилишига сабаб бўлди.

Бироқ совет давлати ижтимоий-сиёсий ҳаётини қамраб олган таназзул миллатлараро муносабатлар борасидаги кескинлик ва фожеаларнинг кучайиб кетишига сабаб бўлди. КПСС ва совет давлатининг "ягона совет халқи"нинг шаклланиши ҳақидаги сохта ғоялари шу йилларга келиб ўзини буткул оқламаганлиги, мамлакатда "миллий мансублигидан қатъий назар, синфий манфаатлари

[1] *Эсонова О.* Еттинчи авлод устаси... – Б. 37.
[2] *Эсонова О.* Еттинчи авлод устаси... – Б. 37.
[3] Ўзбекистон амалий санъати. – Т. 2003.

ва мақсадларининг умумийлиги бирлашган меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги вужудга келганлиги" тўғрисидаги назария мутлақо пуч эканлигини яққол намоён қилди. Айни пайтда бундай сиёсат кетидан "қайта қуриш" сиёсати (1985 апрель) эълон қилинди. Таъкидлаш керакки, совет давлатининг сохта "ленинча" миллий сиёсати, унинг давоми сифатида юзага келган "сталинча" миллий сиёсати барча катта ва кичик халқлар ҳамда элатларни "ягона совет халқи"га бирлаштириш ғояси Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан ҳам амалга оширилди. Республикада иқтисодий ўсиш жадаллашса-да, бироқ Ўзбекистон илғор ривожланган мамлакатлар қаторига чиқа олмади. Иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича Ўзбекистон собиқ СССРда 9 – 10 ўринларда турар эди[1]. СССРнинг индустрлаштириш сиёсати Ўзбекистон иқтисодий потенциалини оширишга хизмат қилса-да, аммо ундан олинаётган фойдадан Ўзбекистондан кўра кўпроқ Марказ баҳраманд бўларди. Ўзбекистон саноатининг СССР тарқалиши арафасидаги ҳолатини жанубий вилоятлари мисолида қараб чиқсак, 1988 йилда Ўзбекистонда 1623 та саноат корхонаси бўлса[2], шундан 142 таси Қашқадарёда ва 92 тадан ортиғи Сурхондарёда жойлашган эди[3].

Ўзбекистонда 1980-йиллар охири – 1990-йиллар бошига келиб, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маданий, миллий соҳалар узоқ йиллар давомида "Марказ"дан бошқарилганлиги боис ва бу соҳалардаги муаммоларга юзаки қаралганлиги республиканинг турли ҳудудларига, жумладан, жанубий ҳудудларига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Шунинг учун ҳам иқтисодий танглик ҳолати янада кескинлашиб анъанавий ҳунармандчиликнинг тобора қисқариб кетишига олиб келди. Қолаверса, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик услубининг узоқ вақт ҳукмронлиги жиддий хато ва камчиликларга олиб келди.

Бу даврда воҳа иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг яна бир муҳим омили саноат соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш эди. Чунки саноатнинг хомашё йўналиши ва ўта бир ёқлама ихтисослашувидан қутулмай туриб, бу соҳада сезиларли ўзгаришлар қилиб бўлмасди. Шунинг учун, воҳада аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида саноатни ислоҳ қилишга эътибор қаратилди.

[1] Ўзбекистон республикаси . Энциклопедия. Қомуслар бош таҳририяти. – Т.: – Ўзбекистон, – 1997. – Б. 231.

[2] Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988. – Т.: – Узбекистан, – 1989. – Б. 161.

[3] Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988. – Т... – Б. 162.

Маълумки, аҳоли эҳтиёжларини қондиришда касаначилик муҳим аҳамиятга эга. СССРдаги иқтисодий танглик шароитида республикалар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши ҳам воҳа иқтисодий аҳволига сезиларли таъсир этарди. Жумладан, ўзбек миллий ҳунармандчилигининг ривожланишида совет тузуми ва унинг зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг марказлашган ҳолда режалаштирилиши жиддий зиддиятларни келтириб чиқарди. Ўзбекистон эса иттифоқ ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл-йўриқларга амал қилишга мажбур эди.

Таъкидлаш керакки, сунъий моҳиятга эга социалистик мусобақалар тизими ва кенг халқ оммасининг йиллар давомидаги машаққатли меҳнати Ўзбекистонда саноатлашган миллий ҳунармандчилик тармоқларини маълум бир вақтда гуркираб ривожланишга ҳам олиб келди. Жумладан, Қашқадарё воҳаси “Ҳужум” фабрикасида ишлаб чиқилаётган дўппи, гилам ва палосларнинг сифати анча яхшиланди. Шаҳрисабзнинг машҳур дўппилари “санам”, “ироқи”, “чизма”лар нафақат мамлакатимизда, балки Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Австралия давлатларида ҳам ҳунармандлар меҳнатини машҳур қилди[1]. “Ҳужум” фабрикасида ишлаб чиқилаётган 11 хилдаги “Наврўз”, “Нақшбанди” “Араби”каби гилам ва палосларнинг сифати анча яхшиланди[2]. Айниқса фабриканинг гилам дўппилари Бутунжаҳон Париж кўргазмаларида юқори баҳолар олган. 1970 йилларда “Ҳужум” фабрикасида 1300 ишчи бўлиб, шундан 96% ни аёллар ташкил этган. Фабрикада худди шу йили ҳунармандчилик буюмларидан палослар 104,5%, санама дўппи 115 %, ироқи дўппи 103% ва режага кўра маҳсулот айирбошлаш 102,3%га бажарилган[3]. Совет давлати бутун жаҳонга “миллий халқлар ўз маданий меросини сақлаб қолмоқдалар” деган юзаки тушунчани илгари суриб, ҳунармандчилик кўргазмалари, артеллар ва бошқа соҳалар фаолиятини ривожлантирган эди.

Бу борада Фарғонада “Пахта” кооперативи қадимий ўзбек ҳунармандчилигини тиклаш борасида қўл дастгоҳлари ёрдамида миллий “Хонатлас” газламасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Уюшма шу мақсадда ҳунарманд-косибларни ишга жалб этиб, уларни яшаш жойларига қўл дастгоҳлари ўрнатиб берди[4]. Бу би-

[1] *Захаров С., Ҳикматов Н.* Шаҳрисабз. – Т.: – Ўзбекистон, – 1979. – 38-бет.

[2] Захаров С., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз... – 38-бет.

[3] Захаров С., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз... – 35-бет.

[4] *Бозоров О.* Фарғона водийсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш омиллари (1989-1991 йиллар) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий конференция материаллари. – Фарғона. – 2012. – Б. 377.

лан аҳолининг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжларини қондиришга ўз ҳиссасини қўшди, балки тумандаги ёшларни касб-ҳунарли бўлишига ва бандлик даражасини яхшилашга ҳам ёрдам берди. Ўзбекистон Министрлар советининг 1990 йил 9 апрелдаги туманлар, шаҳарлар ва вилоятларда маҳаллий саноат корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги №167 фармонига кўра Марғилон шаҳрида янги маҳаллий саноат корхонаси "Ипак" комбинати ташкил этилди[1]. Ушбу корхона ипак ва ипакли миллий халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек, комбинат миллий ҳунармандчилик ва касаначилик ишлари, яъни заргарлик, пойабзал, тикувчилик, кўнчилик, трикотаж тайёр кийимлар ва бошқа турдаги ҳар хил хизматларни аҳолига кўрсата бошлади. Шаҳардаги бошқа майда ҳунармандларнинг ҳам корхона билан самарали ҳамкорлик қилиши яхши йўлга қўйилган эди[2].

Хуллас, 1989 – 1991 йилларда иқтисодий соҳада олиб борилган ўзгаришлар воҳалардаги мураккаб танг ҳолатни бартараф этишида катта аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ўта бир ёқлама ихтисослашувини бартараф этиш чора-тадбирлари, пахта яккаҳокимлигининг чекланиб бориши, аҳолининг ҳоҳиш-истаклари асосида оммавий равишда ернинг бўлиб берилиши, янги корхона, цех, филиалларнинг ишга туширилиши, корхоналарга тўла иқтисодий мустақиллик бериш йўлидаги ислоҳотлар минтақадаги мураккаб вазиятнинг барқарорлашишига сабаб бўлган эди.

1980-йиллар охирига келиб, миллий ҳунармандчиликнинг кўп турлари деярли унутила бошланди. Мазкур жараён жамиятда кечган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Миллий ҳунармандчиликда давомийлик муаммолари билан боғлиқ маҳаллий ҳунармандчилик марказлари, мактабларининг келажаги тобора йўқ бўлишига олиб келди. Шаҳрисабз кулолчилик маркази ҳамда ўзига хос сопол ўйинчоқлар маркази бўлган Касби кулолчилик мактаблари давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетди[3]. Бундан ташқари, гилам тўқиш, мисгарлик, шишасозлик, чит тўқиш, каштачилик каби ҳунармандчилик турлари ҳам унутила бошланди. Моҳир уста ҳунармандлар ишлаб чиқариш корхоналарига, иш ҳақи кўп, меҳнати нисбатан енгил бўлган бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар[4]. Яна бир тарафдан цех ва артеллардаги асбоб-ускуналар кўп вақт

[1] *Бозоров О.* Фарғона водийсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш омиллари ... – Б. 377.
[2] *Бозоров О.* Фарғона водийсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш омиллари ... – Б. 378.
[3] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 65.
[4] *Шоҳназарова И.* Ворис. // Совет Ўзбекистони. – №7. – 1989. – Б. 10.

бекор туриб қолар, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмас эди. Воҳадаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпчилиги бир маромда ишламас, аксарият ҳолларда сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқарилар эди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса кўп ҳолларда сотилмай, омборларда қолиб кетарди. Шу туфайли, Шаҳрисабз бадиий буюмлар фабрикаси, Чуст пичоқчилик корхонаси, Риштон керамика корхоналари иқтисодий зарар кўрган.

Ўзбекистонда ҳам саноатнинг бир томонлама ривожланиши ҳунармандчилик корхоналари XX асрнинг 80-йилларига келиб, ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режани бажара олмай, амалда турғунликка учради. Ҳатто уларни ривожлантиришга ажратиладиган дотациялар ҳам вақт ўтиши билан олиб ташланиб, бошқа тармоқларга берилди. Корхоналардаги асбоб-ускуналар ўнлаб йиллар давомида янгиланмай, янги технологиялар жорий этилмай қолди. Маҳаллий саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ўсиши тобора пасайиб бориб, бу ҳол маълум маънода ижтимоий муаммолар, аҳоли бандлиги ва миллий муносабатларнинг кескинлашувига ҳам олиб келди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. А. Каримов *“Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуби ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қодир эмаслиги аён бўлиб қолди”*[1], дея масала моҳиятига ҳаққоний баҳо берган эди.

1987 йил июн ойида қабул қилинган “Давлат корхонаси тўғрисидаги” қонун[2] “Совет иттифоқи иқтисодиётини қайта қуриш”-нинг йўналишини белгилаб берувчи ҳужжатлар қаторига кириб, унда таъкидланишича, хўжалик юритишнинг шарт-шароитлари ва усулларини тубдан ўзгартириш, корхоналар фаолиятида марказлаштириш билан “тўлиқ хўжалик ҳисоби”ни бирга қўшиб олиб бориш, мустақиллик ва масъулият, буларнинг ҳаммаси меҳнат жамоалари учун янги шаклда ўз-ўзини бошқаришнинг кундалик қоидасига айланиши лозим эди. Бироқ бу қонун ва қайта қуришга доир “Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги” қонунни тузиб чиқишдаги услубий ёндашувларнинг ўзи “социалистик хўжалик юритиш”, директива асосида режалаштириш ва давлат мулкининг бошқа мулк шаклларига ҳукмрон бўлиши зарурлиги каби

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истисод, сиёсат, мафкура. – Т.: – Ўзбекистон, – 1996. – Б. 280.
[2] Совет Ўзбекистони. 1987 йил 22 июнь.

эски иқтисодий тасаввурлар, мафкуравий мезонларга асосланган эди. Бу ҳол мазкур қонунларнинг аввал бошидан зиддиятли, чала-ярим характерда бўлишини ҳам белгилаб берди. Корхоналарнинг режали иқтисодиёт ҳукмрон бўлган тузуми, табиийки, объектив тарзда иқтисодий қонунларга амал қилиш имконини бермасди. Совет давлатининг корхоналарни тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш усули ҳам ўзини оқламади. Чунки “социалистик хўжалик юритиш” тизими, раҳбарликнинг буйруқбозлик усуллари объектив жиҳатдан соғлом товар-бозор муносабатларининг намоён бўлишига тўсқинлик қилар эди.

Бу даврда саноатлашган ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги сифат муаммоси ҳаддан ташқари кескин тус олиб кетди. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида жойларда маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилди. 1986 йилга келиб эса Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳасида давлат қабули бўйича 27 та пост назорати ташкил қилинди. Бу, бир томондан, молиявий маблағ ва моддий ресурларнинг йўқлиги, иккинчи томондан, расмий ҳокимият органлари режа топшириқларининг бажарилишини қатъий талаб қилиши давлат қабулининг юзаки ва ясама характер касб этишига олиб келди. Негаки, тайзиқ кўрсатиш ва маъмурий чора-тадбирлар оқибатида сифат масаласи иккинчи даражали бўлиб қолди.

Совет даврида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва уни ривожлантириш учун хуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар йўқ эди. Натижада, меҳнат қилиш тартиби, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олмаслик, иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши маҳсулот танқислигига олиб келди. Бу ҳол миллий ҳунармандчилик соҳасига ҳам бевосита таъсир кўрсатмай қолмади. Бироқ ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида 1989 йилдан бошлаб иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда таркибий ўзгаришлар қилиш учун айрим ҳуқуқий шароитлар яратила бошланди. Жумладан, республикада 1989 йил июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов ташаббуси билан хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини ўзгартириш борасида жиддий ишлар қилинди. Шу ўринда халқ ҳунармандчилиги буюмлари ишлаб чиқариш корхоналарининг зарар кўриб ишлашига барҳам бериш, уларнинг рентабиллик даражасини ошириш, хомашё танқислиги ҳолатига чек қўйиш тизими ишлаб чиқилиб, зарар кўриб ишлайдиган корхоналарга мо-

лиявий ёрдам кўрсатилди. Кўпгина маҳаллий саноат корхоналарига банк кредити очилди, корхоналарнинг кооператив шакллари ва ижара муносабатларига ўтиш йўли рағбатлантирилди. Корхоналар ижара пудратига ўтиб ишлай бошлади. Чунки бутун совет ҳунармандчилик артел ва корхоналари ҳам беш йиллик давлат режаси асосида иш олиб борар эди, бу қайта қуриш йилларида янгича муносабатлар йўлга қўйилиши билан ҳамон давлат асосий буюртмачи бўлиб қолган эди.

Миллий ҳунармандчилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни юргизиш, янги техникани жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ҳунармандлар малакасини ошириш, иш кунидан унумли фойдаланиш ва ҳ. к. Ишлаб чиқаришни янги техникалар билан жиҳозлаш каби вазифалар бажарилмади. Қолаверса, халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодий фаолиятининг бир-бирига боғлаб қўйилганлиги оқибатида ҳунармандчилик тармоқлари оғир иқтисодий аҳволда қолиб кетди. Жумладан, заргарликда бу ҳол сезиларли даражада буюмларнинг бир қолипда ишлаб чиқарилганлиги сабабли миллийлик ҳусусиятлари йўқола борди. Ҳунармандчилик фабрикаларида фақат бир қолип, бир услубда ишлаш, ўз навбатида, ҳунармандларнинг ҳам ижодкорлик хусусиятларини сусайтириб борди. Асосан ҳақ тўлашда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳунарманд усталарни лоқайд қилиб, уларнинг ишга бефарқ муносабатда бўлишига сабаб бўлди.

Иқтисодий соҳада совет ҳукумати томонидан 1988 йил августда “Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат корхонаси тўғрисида”ги, 1989 йил февралда “Маҳсулот сифати ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар[1], 1989 йил апрелда “СССРда ижара ва ижаравий муносабатлар тўғрисида”ги[2], 1991 йил 16 апрелда “Корхона, бирлашма ва ташкилотларни моддий ресурслар билан таъминлашга оид фақулодда чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари[3] ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг аксарияти амалда бажарилмай, уларнинг ижроси қоғозда қолиб кетди. Ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки, совет ҳукмронлиги даврида халқаро ҳамжамиятга “халқлар ўз маданий меросини сақлаб қолганлар” деган ёлғон шиорлар билан турли кўргазма ва намойишлар ўтказилиши ҳам сохта характерни касб этиб, масала моҳияти яширилар эди.

[1] Совет Ўзбекистони. 1989 йил 12 феврал.
[2] Совет Ўзбекистони. 1989 йил 9 апрел.
[3] Совет Ўзбекистони. 1991 16 апрел.

Қолаверса, ҳунармандчилик соҳаларини ўз ичига олган артел ва корхоналар ҳам шу мақсадда ташкил қилинган эди.

Кам сонли ҳунарманд кадрлар тайёрловчи билим юртларининг кўпчилиги Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, асосан, саноатлашган миллий ҳунармандчилик корхоналари учун наққошлар, ёғоч ўймакорлар, заргарлар, кулоллар ўқитиларди. Бу даврда ҳунар билим юртларининг аксарият қисми яхши жиҳозланган биноларга, махсус безатилган кабинетлар ва устахоналарга эга бўлмай, ўқув қўлланмалари, малакали ўқитувчилар етишмас эди. Маиший шарт-шароитларнинг етишмаслиги туфайли ёшларнинг муайян қисми ишлаб чиқаришда муқим ўрнашиб қолмасди. Бироқ ҳунар таълим тизимида 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги учун ишчилар тайёрлашга йўналтирилган эди. Ҳунармандчилик корхоналарида малакали ишчилар етишмас эди. Фабрикаларда малакасиз ишчилар жуда кўп ўрта махсус ўқув-тарбиявий ишларни мафкуравий андозаларга солиш кучайди, мутахассислар бўйича асосий фанларни ўқитишни такомиллаштириш бўйича барча ҳунар билим юртларида коммунистик мафкурани шакллантирувчи фанлар киритилди.

Қайта қуриш давридаги бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантиришга эътибор берилиб, қадимий анъаналарни тиклаш кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш мумкин эди. Масалан, Бойсун тумани Кофирун қишлоғида кигиз ҳафтранг (етти хил рангдаги кигиз – С. Д. ) тўқиш, Дарбанд қишлоғида эса гилам тайёрлаш кенг ривожланган эди[1].

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ҳунармандлар кўп ҳолларда яширин фаолият олиб борганлар. Ҳунармандлар кундузи шофёр, ишчи, ўқитувчи, хизматчи, қоровул каби вазифаларда мажбуран ишлаб, кечқурун уйда махфий равишда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ясашган. Бироқ бундан советларнинг солиқ, хусусий мулкчиликка қарши курашувчи турли идоралари хабар топса, ҳунарманд усталарнинг меҳнат фаолияти дарҳол тугатилиб, ҳунармандчилик буюмлари давлат фойдасига мусодара қилинган. Ҳунармандларга жарима каби интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Айтиш мумкинки, ҳунармандлар тор доирада меҳнат қилганлар. Совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида саноатлашган ҳунармандчилик корхоналари иқтисодий инқирозга учрайди. Ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида пионерлар саройлари-

[1] Совет Ўзбекистони. 1991 йил 6 июль.

даги тўгараклар, амалий санъатга ихтисослашган билим юртлари, уюшмаларга эътибор сусайди. Таъкидлаш керакки, совет даврида миллий ҳунармандчилик зиддиятли, мураккаб йўлни босиб ўтди ва бугунги кунгача етиб келди. Асосан ҳунармандчиликнинг гиламдўзлик, кулолчилик, тўқувчилик, каштачилик соҳалари, маҳаллий марказ ва мактаблар йўқ бўлиш хавфи остида қолди.

"Қайта қуриш" даврида ўзбек анъаналари ва қадриятларини тиклаш борасида ҳунармандчиликка эътибор қаратилиб, лекин ҳунармандчилик кенг миқёсда ривожланмади. Бу даврда Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва бошқа шаҳарларда жойлашган саноатлаштирилган миллий ҳунармандчилик корхоналари чуқур иқтисодий инқирозга юз тутди. Ҳунармандларнинг якка тартибда ишлашига имкон берилмай, доимо саноатлаштирилган корхоналарда ишлашга мажбур эди.

Хулоса қиладиган бўлсак, совет даврида ҳунармандчилик ва ҳунармандларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, уларнинг асосий тирикчилик воситаси бўлган устахона-дўконлари, дастгоҳлари ҳам большевиклар томонидан мусодара қилинди. Ҳунармандларнинг ўзларига эса "майда товар ишлаб чиқарувчилар", "майда буржуазия вакиллари" деб қаралган. Қолаверса, бу мустабид тузум ҳунармандчиликни бутунлай янги ташкилий тизимда қайта қуриб, янгича йўналиш ва "социалистик" манфаатларга хизмат қилишга асослантиришга ҳаракат қилдилар. Натижада миллий ҳунармандчиликнинг баъзи турлари, сифати ва кўринишлари ўзгариб, айниқса, турли ҳудудларнинг ўзига хос ҳунармандчилик турларининг йўқ бўлишига, бошқа ҳудудларнинг ҳунармандчилиги билан оммавийлашувига олиб келди.

Совет даврининг илк йилларида ҳунармандчиликнинг асрлар давомида шаклланган тарихий тизимига путур етказилди. Қолаверса, советларнинг турли "тадбир"лар ва "экспремент"ларига мубтало бўлди. Маҳаллий ҳунарманд косиблар мажбурий равишда саноат асосида артеллаштирилиб, кейинчалик эса давлат режаларини бажарадиган йирик корхоналарга айлантирилди. Натижада ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари йўқолиб борди ва баъзилари бутунлай унутилди. Ҳунармандчилик иттифоқи, сўнг ҳунармандчилик кенгашларининг вужудга келиши масаланинг бир томони бўлиб, бошқа томондан бошқарувнинг юқори бўғини юзага келганди, холос. Аслида ўлкадаги ҳунарманд-

ларни бирлаштириш ва уларни “социализм” қурилишига кенг жалб қилишдек муҳим вазифа амалга ошмаган эди.

Совет ҳокимияти томонидан 30-йилларда олиб борилган коллективлаштириш сиёсати қишлоқ хўжалиги, жумладан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг анъанавий ҳунармандчилигига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунга кўра ҳунармандчиликдаги ижтимоий трансформацион жараёнлар қуйидагиларда кўринади:

– аҳоли хўжалигида моллар сонининг кескин пасайиши, ҳунармандчилик учун зарур бўладиган хомашёнинг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, хонаки услубда уйда ишлайдиган аёлларнинг ёппасига колхозларга жалб этилиши, уй ҳунармандчилиги билан шуғулланадиган кустарлардан маданий ва даромад солиқларининг кўплаб ундирилиши;

– минтақага фабрика маҳсулотларининг кўплаб киритилиши ҳам хонаки ҳунармандчилик турларининг қисқариб кетишига ва уйда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келди. Кустарлар ўртасида табақалашув юз бериб, ёлланма ишчилар синфини юзага келтирди. Ҳунарлар ўртасида ҳам узилиш пайдо бўлиб, майда ҳунар турлари, қўшимча йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Кўп катта ҳунарманд усталар ўз йўналишлари ва соҳаларини ўзгартиришга ҳам мажбур бўладилар. Демак, бундан кўриниб турибдики, бу ўз-ўзидан кустар ҳунармандчилик турларининг камайиб кетишига олиб келади. Ана шундай ҳолат, 1920 – йилларнинг ўрталарига келиб, халқ хўжалигини тиклаш, асосан, тугатилиб, янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Лекин индустрлаш сиёсатининг авж олиб кетиши туфайли Марказ ўлкада кўплаб саноат корхоналари ва тармоқларини яратиш йўли билан унинг битмас-туганмас бой табиий ва минерал ресурсларини ишга солиш, арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиб, ўзи учун кўпроқ фойда ундириб олишни мақсад қилиб қўйди. Бундай шароитда мамлакат юқори сиёсий раҳбариятининг умуман индустрлаштириш сиёсати бўлмаса-да, уни амалга ошириш суръатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Иккинчи беш йиллик (1933 – 1939 йй. )нинг дастлабки топшириқлари кескин пасайтирилиб, хўжалик ҳисобида иш юритишнинг айрим томонларини тиклашга ҳаракат қилинди[1]. Шунингдек,

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т, – 2000. – Б. 341.

артелларда саводсизликни тугатиш мақсадида 17 та ликбез (саводсизликни тугатиш) пунктлари ташкил этилган. Махсус ипакчилик ўқув юртида ўқиётган бўлажак кадрлар туб миллат вакилларидан иборат бўлиб, 1934 йилнинг январида биринчи бор битирувчи мутахассислар[1] ишлаб чиқаришга жалб этилади. Бундан ташқари, бу даврда ёш кадрлар ва, шунингдек, фойдаланилмаётган резерв ишчи кучи, яъни аёллар меҳнатидан ипакчилик саноатида оқилона фойдаланиш энг долзарб масала бўлиб, бу нафақат ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, балки сиёсий нуқтаи назардан ҳам муҳим эди[2].

Архив ҳужжатлари таҳлилига кўра, 30-йиллардаги оғир қатағонлар, тайзиқлар, таъқиқлар шароитида ҳам айрим ходимлар туб аҳолини маҳаллий саноатга жалб қилиш, ишсизлик каби долзарб масалаларни кун тартибига қўйганлар. Бироқ советлар даврида асрлар давомида тараққий этган миллий ҳунармандчиликнинг ривожланишига қаттиқ зарба берилди. 1956 йилда "Иттифоқ" ҳукумати "Ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида" Қарор қабул қилди. Мустабид тузум ўз тасарруфига олган кичик ҳунармандчилик устахоналари мусодара этилиб, мутлақо янги бошқарув тизимига хос бўлган "янгича" муносабатларга ўтилди. Унинг ўрнига турли даражадаги артеллар ва фабрикалар ташкил қилинди. Демак бундан кўриниб турибдики, Иттифоқ даврида ҳунармандчилик бир томонлама, яъни завод-фабрика кўринишида, айрим турларигина ривожлантирилди. Натижада тўқувчилик (атлас тўқиш), пичоқчилик (дамашқи, дандони турлари), кулолчилик (Шаҳрисабз, Касби ўйинчоқлар тайёрлаш), кўнчилик, бўёқчилик, ганчкорлик, папье-машега нақшлар ишлаш, зардўзлик, кандакорлик ва бошқа турлар йўқ бўлиб кетди.

Совет Туркистони саноати асосан икки йўл билан ривожланди:

1. Эскиларни тиклаш
2. Янги корхоналар ва тармоқлар ташкил этиш билан.

Якка ҳунармандлар мажбурий тарзда бирлаштирилди. Натижада, ҳунармандчилик маҳсулотларини техника, станоклар орқали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши тизимида, ҳунармандлар турмуш тарзида ноанъанавий жараён бошланди. Умуман, совет ҳокимияти йилларида миллий ҳунар-

[1] ЎзР МДА, 88-жамғарма, 9-рўйхат, 2202-иш, 101-варақ.
[2] ЎзР МДА, 88-жамғарма, 9-рўйхат, 2202-иш, 102-варақ.

мандчилик турлари сифати ўзгариб бориб, баъзи турлари бутунлай йўқолиб ҳам кетди.

1930 йилларда иттифоқ бўйлаб тоталитар тузуми томири кенгайиб, кўмир, нефть, металл саноати зарбдорларининг слётлари, илғор ишчиларнинг янги техникани эгаллаши ва маҳсулот сифати учун курашга бағишланган турли хил анжуманлар, тажриба алмашиш учун заводлараро чақириқлар ўтказилди. Ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришган илғор ишчиларнинг стахановчилик ҳаракати бошланди. Қашқадарё ва Сурхондарёда саноатнинг оғир тармоғини бунёд этишга, маҳаллий ҳунармандчилик корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилашга, вилоятда ишчилар синфини вужудга келтиришга етарли даражада эътибор берилмади. Ривожланиш бир ёқлама амалга оширилиб, натижада воҳалар саноати кам тараққий этган иқтисодий ўлкаларга айланиб қолди. Якка тартибдаги ҳунармандчилик артелларини кооперативларга бирлаштиришда ҳам ташкилий ва молиявий хатоликларга йўл қўйилди. Маҳаллий саноат тармоқларини хомашё билан таъминлашга, айни пайтда, уларни малакали кадрлар билан тўлдиришга эътибор берилмади. Бунинг устига маҳаллий халқ вакиллари кам жалб этилди. Улар учун номига имтиёзлар кўплаб яратилди. Бироқ бу қийинчиликларга қарамай, воҳаларда маҳаллий ҳунармандчиликни қарор топтиришда дастлабки қадамлар қўйилди. Маҳаллий аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда ижобий натижаларга эришилди.

Советлар даврида халқ ҳунармандчилигига советлаштириш, унификациялаш (бирхиллаштириш) каби мафкуравий сабаблар ҳунармандларнинг битта корхона ва соҳа остида бирлашиб ишлаши каби омиллар ҳам таъсир кўрсатди. Айниқса, индустрлаштириш натижасида янги завод фабрика маҳсулотларининг кўплаб келтирилиши ва ишлаб чиқарилиши, бу нафақат ҳунар турини, балки ҳунармандчилик маҳсулотларини шакли ва сифатини ҳам ўзгартириб юборди. Бу даврда Марказ ҳукмронлиги остида ўзбек миллий ҳунармандчилигининг трансформацияси бир томондан тараққиётга адаптациялаш (мослашиш), иккинчи томондан совет ҳокимиятининг маъмурий-буйруқбозлик фаолиятининг натижаси эди.

# IV БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

## 4.1. Анъанавий ҳунармандчиликни тиклашга доир ислоҳотлар ва ўзгаришлар

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ҳунармандчилик ривожида янги давр бошланди, халқ ҳунармандчилиги бозор қоидалари замирида қайта тикланди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шартларидан бири бу – кўп укладли иқтисодиётни, яъни мулкчиликнинг турли шаклларини юзага келтиришдир. “Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади”[1] деб таъкидлаган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов. Бу мустабид совет тузумидан кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан биридир. Айнан шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият ва янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши борасида муҳим қадам қўйилди.

Социалистик режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришда янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлар ва моделлар кўп жиҳатидан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш йўли бу жараёнда корхона ва ишлаб чиқариш жамоаларининг тутган ўрни кескин масала қилиб қўйилди. 1990 йил июн ойида қабул қилинган “СССР корхоналари тўғрисида”ги қонун[2] корхоналарнинг иқтисодий ҳуқуқларини бирмунча кенгайтирди. Бунга кўра корхоналар ҳар қандай мулкчиликнинг шаклларига асосланадиган, солиқларни тўлагандан кейин қолган соф фойдадан мустақил фойдалана оладиган ва ўзини давлат билан муносабатларини бозор асосларида белгилайдиган бўлди.

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларнинг чуқурлаштириш йўлида. – Т., – 1995. – Б. 43.
[2] Совет Ўзбекистони. 1990 йил 26 июнь.

Бу ҳолат саноатни ривожлантириш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш билан бирга, жанубий вилоятларда анъанавий ҳунармандчилик ривожида янгича ёндашиш ва унинг янада тараққий этиши учун кенг йўл беришни тақозо этган эди. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида саноатлашган миллий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди[1].

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби ҳунармандчиликда ўзига хос ўзгаришлар юз бериб, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1991 йил 27 августдаги "Ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларни партия тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги[2] ва "Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида"ги[3] Фармонлари натижасида Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, жамиятлар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари ҳам партия тасарруфидан чиқарилди. Жумладан, 1992 йил 3 сентябрда "Давлат "маҳаллий саноат" корпорациясини ташкил қилиш тўғрисида"ги[4] ПФга кўра, Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо бирлашмаси ва Давлат "маҳаллий саноат" коорпорацияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо концернига айлантирилди. Натижада Республика маҳаллий саноатини бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этишда корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, истеъмол моллари, халқ бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш муҳим бўлиб қолди. Шу мақсадда маҳаллий хомашёдан ҳар томонлама фойдаланиш ва аҳоли иш билан таъминланишни жорий этиш мақсад

---

[1] Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Призидумининг 1991 йил 22 июлдаги "Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий мобелига ўтказиш" тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи. 1991 йил 24 июль.; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни // Халқ сўзи. 1991 йил 20 ноябрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т. – 1991 йил 30 октябр. – №10. – Б. 6.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т. – 1991 йил 30 октябр. – №12. – Б. 1819.

[4] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т. – 1991 йил 30 октябр. – №10. – Б. 7879.

қилиб қўйилди[1].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида йирик тикувчилик фабрикаларидан фарқли равишда, кичик тикув цехлари қурила бошланди. Жумладан, 1992 йил Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида "Садо" номли трикотаж фабрикаси ишга туширилди. Бу ерда 1993 йилда дастлаб 3 минг сўмлик қийматга эга болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилди[2]. Шунингдек, тумандаги "Ҳужум" фабрикаси фаолияти ҳам қайта тикланиб, Италия, Греция давлатлари корхоналари билан алоқалар боғлади. Шу йили фабрикада 2500 га яқин киши фаолият олиб бориб, 54 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ундан 6,5 млн сўмлик соф фойда олинди.

1994 йилдан бошлаб, "Ҳужум" корхонаси таркибида "Юлдуз", "Камалак", "Антиқа" цехлари ташкил этилиб, ижара шароитида ишлаш йўлга қўйилди. Натижада корхона янада кенгайиб, ишлаб чиқариш цехларининг сони 8 тадан 13 тага етди. Корхонада шу йили 2854 дона "Санам" дўпписи, 10668 дона аёллар нимчаси, 20,5 минг кв метр гилам ва гилам маҳсулотлари, 161,8 минг сўмлик тикувгалантерия буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Фабриканинг 4 та бригадасида 1180 киши меҳнат қилиб, шундан уй шароитида 768 киши фаолият олиб борди[3].

Ўзбекистонда маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари ҳунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги ҳунармандчилик корхоналари ташкил этилди. Ҳунармандчилик фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади, унинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди.

Бу ўзгаришлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ўзгача тус олди. Жумладан, 1992–1994 йилнинг май ойига қадар Сурхондарё вилоятида 1364та корхона ва 5104 та объект хусусийлаштирилди. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг 1112 таси оилавий шахсий ва 113 таси очиқ турдаги ҳиссадорлик корхоналарига айлантирилди[4]. Қашқадарёда ҳам маҳаллий саноат концерни тизимида 30 та, "Қишлоқ савдо" концернида 496 та,

[1] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 222.

[2] Қашқадарё вилояти ДА. 104-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 22-варақ.; 104-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 16-варақ.

[3] Ўроқова Н.С. "Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат соҳасидаги ислоҳатлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида)". Қарши. 2004. тарих фан. номзоди . дисс. 145; 149 бетлар.

[4] Сурхондарё вилоят ДА. 454-жамғарма, 3-рўйхат, 412-иш, 29-варақ.

вилоят маиший уюшмасида 840 та, матбуот жамғарма уюшмасида 1429 та, ширкат тайёрлов савдо бирлашмасида 309 та корхона хусусийлаштирилди[1].

XIX аср охири – XX асрда косибчилик анъаналари асосида пайдо бўлган артеллар, уларнинг фабрикаларга бирлаштирилиши 50 йилдан сўнг 1993 йилда хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлиги айни муддаодир[2]. Жумладан, тўқувчилик соҳасида Сурхондарё маҳаллий саноат корхоналари томонидан шу йили пилла хом ашёсидан 1,2 тонна сифатли ип йигирилиб, цех ва фабрикаларда 9 млн 171 минг сўмлик турли бичимдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилди. Вилоятда пайпоқ ишлаб чиқариш ҳам олдингига нисбатан 2 баравар кўпайди[3]. 1993 йили Шаҳрисабз пиллачилик фабрикаси ҳузурида атлас тўқийдиган “Чарос” номли корхона “Товус”, “Шахмат” номдаги атласлар тўқиган. Дастлаб тўқиш учун ипаклар бошқа жойлардан келтирилган бўлса, кейинчалик пилла хомашёсини қайта ишлаш баробарида шу ернинг ўзида Бухорадан 26 та тўқув дастгоҳлари келтирилиб, 125–130 метрдан ортиқ газламалар тўқишга эришилди[4].

Жанубий ҳудудларда хусусийлаштирилган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ишчилар сонининг ошиши ҳам кузатилади. Хусусан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалари Қумқўрғон шаҳрида 115,1%, Денов шаҳрида 102,9%, Бойсун шаҳрида 117% га бажарилди. Ушбу шаҳарлардаги саноат корхоналарида 29961 киши фаолият олиб бориб, шундан асосий саноат корхоналарида ишчилар 20201 нафарни ташкил этган[5].

1995 йил 24 – 25 октябрь кунлари Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари билан ҳунармандлари иштирок этган биринчи Республика ярмаркасининг ўтказилиши[6] ҳунармандлар фаолиятига эътиборнинг ошишига туртки бўлди. Унда мамлакатнинг турли минтақаларидан келган усталар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Мазкур ярмарканинг ташкил этилиши, мустақил-

[1] Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоийиқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (жанубий вилоятлар мисолида). Тарих. Фан. номз. Дисс. Тошкент, 2010.– 26 бет.

[2] *Оқилова К.* Марғилоннинг замонавий газламалари... – Б. 36.

[3] Сурхон тонги. 1997 йил 15 апрел.

[4] “Чарос”нинг шаҳдам одими // Қашқадарё ҳақиқати. 1993. 3 ноябрь.

[5] Турсунов А. Жанубий шаҳарлардаги иқтисодий ўзгаришлар // Жамият ва бошқарув. 2008,№2. 82-бет.

[6] Халқ сўзи. 1995 йил. 29 ноябрь.

лик шароитида миллий ҳунармандчилик анъаналарининг қайта тикланаётганлигидан далолат бўлиб хизмат қилишидан ташқари, кенг жамоатчилик диққатини яна бир бор ўзбек маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган миллий ҳунармандчидликка қаратди. Кўргазма-ярмарка якунида миллий ҳунармандчилик тадбиркорлик, бизнесдан тубдан фарқ қилганлиги учун ҳунарманд усталар меҳнатини қадрлаш мақсадида уларнинг зиммасига иқтисодий ва ижтимоий масалалар юклатилди.

Ярмаркада Қашқадарё вилоятидан 6 та ҳунарманд иштирок этиб, миллий ҳунармандчилик анъаналари (уста-шогирдлик тизими)нинг қайта тикланаётганлигига кенг жамоатчилик диққатини қаратди.

Бундан ташқари, 1995 йилда Тошкентда ЮНЕСКО лойиҳаси асосида ташкил этилган ва 2000 йил Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон кўргазмалари ҳам ўзбек ҳунармандчилигини халқаро миқёсда танилишида муҳим аҳамият касб этди[1]. Ушбу кўргазма ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандлари ҳам муваффақиятли тарзда иштирок этиб келмоқдалар.

Республикада 1996 йилда Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси ташкил этилиши[2] ва шу йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танлови ва унда “Энг яхши ҳунарманд” номинациясининг ташкил қилиниши миллий ҳунармандчилик ривожи учун алоҳида эътибордан дарак беради.

Халқ анъанавий ҳунармандчилигининг ривожланаётган соҳаларини малакали ёш кадрлар билан таъминлашда ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳунар таълими ислоҳ қилиниб, 1995–1996 йилларда республикада 140 та касб-ҳунар ва 18 та миллий ҳунармандчилик коллежлари ташкил этилди. Шунингдек, анъанавий ҳунар турларини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида 12 та билим юрти миллий ҳунармандчилик коллежларига айлантирилиб, 76 та йўналиш ва 140 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланиши белгилаб қўйилди. Жанубий воҳалар касб-ҳунар коллежларида тикувчилик, гиламдўзлик, зардўзлик, ўймакорлик, ёғочга ишлов бериш, ошпаз, қандолатчи ва сартарошлик каби соҳаларда мутахассислар тайёрланмоқда[3]. 1996

---

[1] Ўзбекистон санъати. Тошкент.: Шарқ, 2001. Б. 81.

[2] Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифаси тарихиймаданий мерос ноёб асориатиқаларини излаб топиб, рўйхатдан ўтказиш, сотиб олиш ва сақлаш, халқаро жамоатчиликни Ўзбекистон миллий маданияти ва санъати тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб боришдан иборат.

[3] Касб-ҳунар таълими. 2005 йил. №6. Б. 67.

йил Қарши шаҳрида“Қаштекс” тўқимачилик мажмуи ишга туширилиб, Италиянинг “Оризио” фирмасидан келтирилган 11 та тўқув дастгоҳида бир кунда 1300 кг полотно мато тўқилиши таъминланди. Мажмуа бир йилда 2500 тонна пахта толаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, иштўлиқ автоматлаштирилган компьютерларда амалга оширилди. “Қаштекс”да 12 турдаги ичкитрикотаж кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бир йилда корхона 100 мингдан ортиқ футболка, 300 мингдан зиёд болалар кийимлари тикилган[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликка бўлган эътибор 1997 йилдан бошлаб янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик, халқнинг маданий мероси, анъанавий миллий қадриятларини авайлаб асраш, ҳунармандларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу сабаб Жанубий воҳаларда миллий маданиятни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқаришда анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Айниқса, Ўзбекистонда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда вилоятлардаги асосий ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам ҳисобга олиниб, халқ ҳунармандчилигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор жамғарма ва уюшмалар ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати изчил олиб борилмоқда[2] ва бу борада унинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.

Халқ ҳунармандчилиги ривожида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг моҳияти катта бўлиб, қўл ҳунармандчилигига доир кўргазмалар, кўрик-танловлар, симпозиумлар, халқаро илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад ҳунарманд-усталар билан назариётчилар, хорижликлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, анъаналарни сақлаб қолиш ва уларни моддий, маънавий рағбатлантириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашишни ҳам ўз ичига олади. Масалан, 1996 йилдан бери Республика “Ташаббус” кўрик-танлови ўтказилиб, 12 нафар ҳунарманд “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси ғолиби бўлди. Ўзбекистон Бади-

[1] Қашқадарё. – Қарши, 1997 йил 7 декабр
[2] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 222.

ий Академияси ташаббуси билан Тошкентда 2001 – 2002 йилларда халқаро заргарлик кўргазмалари ҳам ўтказилди[1].

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳонга машҳур нафис санъат мактабларининг ноёб анъаналарини асраб-авайлаш, улар тажрибасини ўрганиш, санъатнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, бойитиш, шунингдек, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий Академияси (1997 йил 23 январь қарори) ташкил этилди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳунармандчилик академиясини ташкил этиш таклифлари ўртага ташланиб, унда ҳунармандлар тайёрлашни ўқув юртлари дастурига киритиш, миллий ҳунармандчилик соҳаларини ўргатиш бўйича дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш масалалари академиянинг ваколати сифатида таъкидланган эди[2]. Шунингдек, "Мусаввир" илмий ишлаб чиқариш маркази ва республика "Усто" махсус ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Мазкур тузилмалар фаолияти туфайли гул босилган мато тайёрлаш, локли миниатюра ранг-тасвири, гиламдўзлик каби ҳунар турлари қайта тикланди.

1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан имзоланган "Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида"ги[3] фармонига кўра, уй шароитида юксак савиядаги бадиий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдами муҳим бўлди. Ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни беш йилгача даромад солиғидан озод қилинди, Республикадан четга чиқадиган халқ ҳунармандчилик буюмлари учун бож олиш ҳам бекор қилинди. Ушбу қарор ҳунармандчилик соҳаси тараққиётини яна бир карра юқориги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд " уюшмаси Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1997 йил 31 мартида "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий ривожлантиришни янада рағбатлан-

---

[1] Дала ёзувлари. "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари. Мирзаева Лутфиядан ёзиб олинди. 2015 йил.

[2] Ўзбекистон овози. 1992 йил. 15 январ.

[3] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 10.

тириш тўғрисида”ги[1] 1741-сонли фармонига асосан ташкил топди. Бунга кўра, 2013 йил 26 декабрда яна 4589-сонли ПФни қабул қилиниб, 2017 йил 1 январга қадар ҳунармандлар ўз имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар[2]. 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида, унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчилик корхоналари қайта ташкил этилди, ўрта махсус ўқув юртларида миллий ҳунармандчилик соҳаларини ёшларга ўргатиш йўлга қўйилди. Ва бу ҳунармандлар сафининг кенгайишига сабаб бўлди.

“Ҳунарманд” уюшмасининг мақсад, вазифалари халқ усталари ва ҳунармандларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уй шароитида ишлаш учун қулайликлар яратиш, зарур хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишга ёрдам бериш, мамлакатда ва хорижда халқ ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари ”Ҳунарманд” уюшмасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан кўпгина самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда уюшманинг Қарши шаҳри, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, Қарши ва Муборак туманлари бўлимларида рўйхатдан ўтган 600 дан ортиқ ҳунарманд фаолият олиб борган[3]. Вилоятда ҳунармандчиликнинг заргарлик, миллий чолғу асбоблари ясаш, чокли буюмлар, каштачилик, зардўзлик ва бисер тикиш устахоналари ташкил этилган. Ҳунармандлар ўзлари ясаган маҳсулотларни ҳеч қандай тўсиқ ва чекловларсиз сотиш орқали иқтисодий жиҳатдан ўзларини ўнглаб олиш, янги ишчи ўринларини очиш, кўплаб шогирдлар тайёрлаш имконига эга бўлишди. Биргина 2013 йилда ҳунармандлар томонидан 15 минг дона миллий ўйинчоқлар ясалиб, жами 25 миллион 500 минг сўмга сотилди. Вилоятда “уста-шогирд” мактабининг сони 32 тага етганлиги, улар-

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – ТТ.: – 1997 йил март. – №3. – Б. 2122.

[2] Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси жорий архивидан. 2013 йил.

[3] Республика “Ҳунарманд” уюшмаси ходими Мирзаева Лутфия опадан ёзиб олинган. 2015 йил.

да жами 160 га яқин ўғил-қизлар халқ амалий санъати сирларини ўрганиб келмоқдалар[1].

Республика "Ҳунарманд" уюшмасининг жойларда 19 та бўлими 35 йўналиш бўйича фаолият кўрсатади. Уюшма ташкил топган вақтда унинг аъзолари 750 нафар бўлган, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 21 188 нафардан ошган[2]. Ҳунармандлар йилига 40 хилдан зиёд қарийб 10 млрд сўмлик сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

Бугун ҳунарманд уюшмаси аъзоларининг сафи кенгайиб, Республикада 13 та ҳудудий бошқарма, бўлимлар сони 158 тага етди. Ҳунарманд уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимларида маҳоратли халқ усталарининг кенгашлари ташкил этилган. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар доимий назорат қилинмоқда. Ҳунармандлар ҳунармандчиликнинг айрим йўқолиб кетган турларини қайта тиклаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Воҳаларда кўплаб ҳунармандлар Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлишди.

Республика "Ҳунарманд" уюшмаси 2008 йилда "Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси" ва 2009 йилда эса Жаҳон "Ҳунармандлар" уюшмасига ҳам аъзо бўлди[3]. 2010 йилда Миллий Тикланиш Демократик партияси Кенгаши билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Ҳозирги кунда 3121 нафардан ортиқ уюшма аъзолари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси ҳам ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси ва "ISHONCH" Банклараро суғурта компанияси билан 2012 йил 15 майда тузилган № 12-04/10117-сонли шартномага асосан уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирда 1400 нафар уюшма аъзолари суғурта қилинди[4].

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида "Ҳунармандлар марказлари" ишга туширилди. Тарихий обидалар қайта таъмирланиб, ҳунармандларга фойдаланиш учун топширилиб, уюшма саъй-ҳаракати билан ҳокимликлар қарорларига биноан ерлар ҳам ажратилди[5]. Воҳаларнинг шаҳар ва туманларида янги бозорлар ишга туширилиб, ҳунармандлар учун махсус расталар ва дўконлар қуриб берилиши улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишига имконият яратди.

---

[1] Вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўлимининг 2013 йил ҳисоботидан.

[2] "Ҳунарманд" уюшмаси йиллик ҳисоботидан. 2017 йил.

[3] "Ҳунарманд" уюшмаси йиллик ҳисоботидан. 2013 йил.

[4] "Ҳунарманд" уюшмаси йиллик ҳисоботидан. 2013 йил.

[5] Дала ёзувлари. Ҳунарманд уюшмаси раиси ўринбосари Мирзаева Лутфиядан ёзиб олинди. 2013 йил.

Дастлаб, Республикада уюшма аъзолари 25 йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб, 1000 дан ортиқ турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқардилар[1].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қарорлари, фармон ва фармойишлари миллий ҳунармандчилик соҳаларини ҳуқуқий, молиявий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди. Масалан, 1998 йил 9 апрелда "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга кўра кичик ва ўрта корхоналар, одатда, хомашё ва материаллардан дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида барпо этилишига асосланади.

Республикада ҳунармандчиликнинг ривожланиб бораётганлиги, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг санъат асари даражасига кўтарилиши, миллий ҳунармандчиликни дунё таниётганлиги Ўзбекистон ҳукуматининг ҳунармандчиликка бўлган эътибори ва ғамхўрлигидандир. Шунингдек, мустақиллик йилларида Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркор-ҳунармандларнинг давлат рўйхатидан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик субъектларини Давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги 357-сонли, Ҳунармандларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яна 2006 йил 1 августдаги 351-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2005 йил 14 июнда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони[2]нинг қабул қилиниши уста-ҳунармандларнинг ҳақхуқуқларининг қонун йўли билан ҳимоя қилинишига қулайликлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, йирик

[1] "Ҳунарманд" уюшмаси жорий архиви. 7-йиғма жилд. 2013 йил. 4 чорак ҳисоботлари.
[2] Халқ сўзи. 2005 йил июн.

саноат корхоналари билан касаначилик ўртасидаги кооперацияни ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оилалар бдюжети даромадларини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, касаначилик меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқиш ва хизматларни ташкил этиш эвазига йирик саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш белгиланган[1]. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу ҳужжатлар ижроси мамлакат фуқароларининг бандлиги ва оила бюджети даромадларини ошириш имкониятини яратади. Чунки меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасини инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шароит яратиш масаласи ҳал қилинади.

Йирик саноат корхоналари билан кооперацияга асосланган касаначилик фаолияти деганда – корхонанинг буюртмасини бажариш учун меҳнат шартномаси асосида ва тегишли ҳақ эвазига, жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган меҳнат фаолияти, корхонанинг ишлаб чиқариш майдонлари ва офис биноларидан ташқарида, одатда, ходимнинг уйида жойлашган, турғун иш жойи талаб қилинадиган, бир маромда ва мунтазам равишда уйда бажариладиган ишлар тушунилади.

Касаначилик фаолияти ҳунармандларнинг меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ўз уйида, яшаш жойида ишлаши ва хизмат кўрсатишидир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов миллий ҳунармандчилик анъаналари ривожланишида касаначиликнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаган эди: “Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир. Булар қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган корхоналаргина эмас, балки сермеҳнат, шу жумладан, касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчиликлари ҳам бўлиши керак”[2].

Касаначилик пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади. Касаначилик нафақат миллий ҳунармандчиликда, балки косибчилик, электротехника, тўқимачилик, паррандачилик ва бошқа кўплаб соҳалар учун қулай фаолият турини ташкил этади. Энг муҳим жиҳати шундаки, касаначиликни

[1] Халқ сўзи. 2006 йил январь.
[2] *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: – Ўзбекистон, – 1996. – Т. 2. – Б. 9.

ривожлантириш орқали аждодлардан мерос бўлиб келаётган, йўқолиб кетиш арафасида турган ҳунармандчилик турлари: зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик ва бошқаларни сақлаб қолиш ҳамда уларни келгуси авлодларга етказишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда ва чет элларда касаначиликнинг қўл меҳнати ҳамда уни енгиллатиш имконини берувчи оддий восита, асбоб-ускуналарни қўллаш орқали ёки уларни қўлламасдан олиб бориладиган меҳнат; қийин (мураккаб) бўлмаган технологик ускуналар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда бажариладиган, ишлаб чиқариш топшириғини адо этишни таъминлайдиган, механизациялашган меҳнат; касаначи томонидан ўзининг уйида телекоммуникация алоқа воситалари (телефон, интернет) ёрдамида амалга оширадиган масофада туриб бажариладиган офис ишлари, корхона учун уйда бажариладиган хизмат кўрсатиш фаолиятларидан иборат турларидан фойдаланилади. Касаначилик, жумладан, оилавий тадбиркорлик янада ривожлантирилади, бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради[1].

Миллий ҳунармандчилик касаначиликнинг асосий омили, у халқнинг бебаҳо анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқарув органлари томонидан корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари ишлаб чиқилади[2].

“Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига асосан фуқаролар йиғинининг кенгаши кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикувчилик устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехлари, устахоналари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналари ташкил этилиб, ишсизликни олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Республикада аҳолининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишни таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, жумладан, унинг йирик

[1] *Каримов И. А.* Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оиришга хизмат қилади // Туркистон . 2011. 22 январь.

[2] *Фозилова Д.,* Аҳмеджанов Н. Касаначилик фаолиятини мониторинг қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. / O’zbekistonda ijtimoiy fanlar. – 2013, – №12. – Б. 52.

саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижасида йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бдюжети даромадларини оширади, шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконияти юзага келди. Шунингдек, саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ўзлаштириш имкониятини яратади[1]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29 июль 2009 йилги "Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 216-сонли қарори ҳам ҳунарманд ва уларнинг оила аъзоларига бевосита ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар бериб уюшманинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлар томонидан 728 та касаначилик ишчи ўринлари яратилди.

Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда анъанавий касаначиликнинг ўзига хос ўрни бўлиб, бунда ҳар бир ҳунарманд меҳнат шартномаси асосида ёлланиб ўз уйида ишлаши, яшаш жойида ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиши билан боғлиқдир. Ваҳоланки, касаначилик тарихи икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳунармандчиликнинг тўқувчилик, зардўзлик, ошпазлик, дурадгорлик ва бошқа кўплаб соҳалари касаначилик усулида тараққий этиб келган.

XXI асрга келиб бу усул жаҳоннинг кўплаб давлатлари қатори Ўзбекистонда қўлланилиши ҳам фикримиз далилидир. Жумладан, АҚШда 2000 йилдаги маълумотга кўра 5 млн. дан ортиқ киши касаначилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда[2].

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг мулкка, яъни хусусий мулк, шахсий мулкка муносабатининг ўзгариши ҳунармандчиликнинг тараққий этишида муҳим омиллардан бири бўлди. Қолаверса, меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шак-

[1] Халқ сўзи. 2006 йил. Январь.

[2] Ўзбекистонда касаначилик: ташкил этиш имконияти ва ривожлантириш тажрибаси (қонунчилик ва амалиёт). – ўқув-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги. – Тошкент, – 2008. – Б. 11.

ли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикасида уйда ишловчилар меҳнатини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низом" орқали ҳуқуқий тартибга солинди. Чунки бунинг амалда қўлланилиши ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги тадбирлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 12 май 2011 йилда "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг бир баробарига тенг деб белгиланди, яъни аввалги тўловга нисбатан тўлов миқдори 50 фоизга қисқартирилди.

2011 йил 25 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисида"ги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги 152-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 24 йўналишдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари экспертиза йиғимидан озод этилдилар[1].

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги 327-сонли "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан "Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиндилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 25 турдаги ҳунармандчилик буюмлари рўйхати тасдиқланди".

2012 йил 2 майда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳриринининг қабул қилиниши ҳам якка тартибдаги тадбиркорларга кенг имкониятлар эшигини очди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда "Ҳунарманд" бўлимлари ва уларнинг марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат мулки бўлган бино-иншоотларни уларга фойдаланишга топширилиши жойлардаги "Ҳунарманд" бўлимлари учун катта кўмак бўлди.

[1] Халқ сўзи. 20011 йил. Май.

Ўзбек маданияти ва санъатининг ноёб дурдонаси ҳисобланган анъанавий ҳунармандчилик соҳаларини кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, уни авайлаб-асраш, ҳозир билан уйғун ҳолда бой тарихий меросни дунёга кўз-кўз қилиш учун 2006 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республика биринчи Президентининг "Тошкент шаҳрида барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига[1] биноан кўргазмалар биносини қурилиб ишга туширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳунармандлари халқаро фестиваллар ва кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, "Усто" бирлашмаси кўмаги билан мисгар ҳунармандлар 1994 йил Малайзия, 1997 йил Покистонда ҳамда Европанинг кўплаб кўргазмаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар[2]. Айниқса, 1995 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг лойиҳаси асосида ташкил этилган халқ ҳунармандлари ярмаркаси ва 2000 йил Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон кўргазмалари ўзбек ҳунармандчилигининг халқаро миқёсда танилишида ҳам муҳим аҳамият касб этди[3]. Албатта, бу кўргазма ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудулари ҳунармандларининг иштироки ўзига хос аҳамият касб этади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Шарқ аёли", "Тадбиркор аёл" каби турли нодавлат, нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳунармандчиликнинг зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик ва бошқа тармоқларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Миллий ҳунармандчилик соҳасида тадбиркор ва ишбилармон аёллар Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида кўпчиликни ташкил этадилар. Жумладан, Шаҳрисабзлик каштадўз Саодат Низомова ҳам Италия, Францияда кўргазмаларда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этган[4]. Унутилиб бораётган ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклашда "Кантерпат консорциум" ташкилотининг "Ҳунармандларга ёрдам" лойиҳаси асосида Бухоро "Зебунисо" марказининг каштадўзлари Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлиб қайтдилар[5].

Республика тараққиёти ва иқтисодиётининг ривожланишида, ҳунармандчиликнинг ривожланаётган тармоқларини малакали ёш

[1] Олий мажлис палаталарининг ахборотномаси. 2006 йил. Сентябр. 87-88 бетлар.
[2] Халқ сўзи. 2008 йил 13 май.
[3] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 81.
[4] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз шаҳри. Қўшҳовуз маҳалласи. 2016 йил.
[5] Ўзбекистон санъати. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 86.

кадрлар билан таъминлашда ҳунар таълимининг аҳамияти катта. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳунар таълими ислоҳ қилиниб, 1995 – 1996 йилларда 140 та касб-ҳунар ва 18 та миллий ҳунармандчилик коллежлари ташкил этилди. Шунингдек, миллий халқ ҳунармандчилигини унутилиб кетишидан сақлаш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатда 12 та билим юрти миллий ҳунармандчилик коллежларига айлантирилди. Ҳозирги вақтда 320 дан ортиқ касб бўйича таълим берилмоқда. Унга кўра бу касб-ҳунар коллежларида 76 та йўналиш ва 140 та ихтисос бўйича мутахассисликлар тайёрланиши белгилаб қўйилди. Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш учун энг кўп талаб этиладиган ихтисосликлардан тикувчи, гиламдўз, зардўзлик, миллий кийимлар тикувчиси, ўймакорлик иши, ёғочга ишлов бериш, ошпаз, қандолатчи, сартарош, компьютерда ишлай оладиган ҳисобчи ҳисобланади[1].

Уюшма ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, ҳозирги кунда республика бўйича 532 нафар коллеж битирувчилар имтиёзли тарзда уюшма аъзолигига қабул қилиндилар[2]. Қолаверса, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва касб-ҳунар таълимида ҳунармандчилик соҳаларини ўргатишнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш, малакали ҳунармандлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва анъанавий устоз-шогирд муносабатларини қайта тиклаш масаласи зарур аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиши билан енгил саноат тармоқлари янги сифат босқичига кўтарилди. Республика ҳукумати қарорига кўра, тармоқдаги деярли ҳамма корхоналар давлат тасарруфидан чиқариш дастурига кўра очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси томонидан Республика енгил саноатини ривожлантиришнинг 2000 – 2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Ўзбекистонга четдан илғор технологияларни келтириш, чет эл инвестициясини жалб этиш, банк кредитларидан фойдаланиб, янги замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорига рақобатдош маҳсулотлар чиқариш, экспорт имкониятларини ошириш белгиланган.

Мустақиллик йилларида саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ўсиб борди. Айниқса, XXI аср бошларига келиб саноатда ўсиш суръатлари юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун керакли асос ҳамда амалий йўл-йўриқлар шакллантирилмоқда.

[1] Касб-ҳунар таълими. – 2005 йил. – №6. – Б. 67.
[2] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 2013 йил.

Ушбу жараён ўз истиқболига эга бўлиб, республика аҳолисига муносиб ҳаёт тарзи, иқтисодий барқарорлик ҳамда ҳунармандчиликнинг эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бермоқда.

Бугун Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг ўзига хос белги ва жиҳатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ҳунармандчилик бозорини табиий ресурслар, меҳнат ва капитал бозорларини тўлдирувчи ишлаб чиқарувчи омили сифатида шакллантириш ҳамда ривожлантириш ҳунармандчилик ресурсларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг реал ресурсларига айлантиради, аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилади;

– оммавий ишлаб чиқариш тизимида ҳунармандчилик инфратузилмасининг роли ортиб боради;

– ҳунармандчилик субъектлари мамлакат, ҳудуд ва халқларнинг иқтисодий интеграция жараёнларида тенгма-тенг иштирок этади;

– ҳунармандчилик ишлаб чиқариш имкониятларини халқаро миллий ҳамда маҳаллий кўламда кенгайтириш ҳисобига таълим, маданий ривожланиш даражаси ва, ўз навбатида, малака, маҳорат ҳамда ижодий салоҳият оширилади.

Ҳунармандчилик – меҳнат маҳсули ёки хизмат турларини кичик ҳажмда ёки алоҳида буюртмалар, қўл меҳнати ҳамда ўз билим, кўникма ва маҳоратидан ижодий фойдаланган ҳолда ҳунарманд-устанинг шахсан иштироки ва хусусий воситалари асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорликдир. Бундай таъриф ҳунармандчилик соҳасига нисбатан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этиш имконини беради. Ўзбекистонда бундай қўллаб-қувватлашнинг асоси Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, “Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, ҳунармандни бирон-бир маҳсулот ва буюртмани, одатда, қўл меҳнати, шахсий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлар вакили деб аташ мумкин.

Жанубий вилоятлар саноат корхоналарининг сонини йилдан-йилга ошиб бориши, аҳоли яшаши учун яратилган шароитлар,

шаҳарларнинг инфратузилмаларидаги ютуқ ва камчиликлар, демографик муаммолар, аҳолининг моддий фаравонлигини ошириш йўлидаги ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам саноат ишлаб чиқаришни тубдан ислоҳ қилиш натижасида катта ижобий натижаларга эришилди. Воҳаларда саноат маҳсулотлари мустабид тузум шароитида суст ривожланиб, улар, асосан, маҳсулотга биринчи қайта ишлов беришга мослашган эди. Истиқболнинг дастлабки йилларидан бошлаб саноатдаги қолоқликни бартараф этиш масаласида жиддий ишлар амалга оширилди. Саноат комплексларини қайта таъмирлаш, янги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикалар қуриш долзарб масалага айланди. Айниқса, 1991 йилда Сурхондарёда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2131 млн. сўмга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 514 млн. сўмга, саноат ва ёрдамчи саноатни қўшиб ҳисоблаганда давлат режаси 106,4 фоизга тўғри келди. Ушбу саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга шаҳарлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Хусусан, Қумқўрғон шаҳрида 115,1, Денов шаҳрида 102,9, Бойсун шаҳрида 117 фоизга бажарилди. Қайд этилган шаҳарлардаги саноат корхоналарида фаолият юритувчи ходимлар 29961 кишини, асосий саноат корхоналарида ишловчилар 20201 кишини ташкил этди[1].

Сурхондарёда маҳаллий саноат корхоналари томонидан шу йили пилла хомашёсида 1,2 тонна сифатли ип йигирилди. Цех ва фабрикаларда эса 171 млн сўмлик турли бичимдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилди. Пайпоқ тикиш олдинги 1995 йилга нисбатан 2 баравар кўпайди[2].

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг интенсив ривожланиши пахтани қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Қолаверса, мазкур соҳани модернизация қилиш жараёни шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда пахта толасини ишлаб чиқариш қуввати 51%, ип ишлаб чиқариш 71%, газлама 65%, трикотаж 62%, тикув маҳсулотлари 52%дан фойдаланилмоқда[3].

Ўзбекистонда пахта тўқимачилик соҳасининг муҳим жиҳатларидан бири унинг хомашё базасига эгалигидир. Тўқимачилик

[1] *Турсунов А.* Жанубий шаҳарлардаги иқтисодий ўзгаришлар // Жамият ва бошқарув. – 2008., – №2. – Б. 82.

[2] Сурхон тонгги, 1997. 15 апрель

[3] Ўша жойда.

маҳсулотлари Халқаро федерацияси мутахассисларининг мулоҳазасига кўра, чет эл бозорларига кенг йўл очиш, юксак сифат даражасига етишиш учун бу борада ягона марказ ташкил этиш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришига тизимли ёндашув, экспорт қилинаётган маҳсулот сифатига нисбатан назоратни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хусусан, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакат миқёсида алоҳида кластерга ажратиш, ҳамдўстлик доирасида ҳудудий ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ўзаро манфаатли кооперациянинг муайян имкониятларидан фойдаланиш керак. Тўқимачилик соҳасидаги кластер тушунчаси якуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун саноатга зарур бўладиган инфратузилмани яратишни, бу механизм хомашёни етиштириш, теришдан тортиб маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишгача бўлган иш жараёнини ўз ичига олади.

Бунинг учун Республикада миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир кўргазма, кўрик-танлов, симпозиум ва халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳунарманд, усталар билан назариётчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, анъаналарни сақлаб қолиш ва уларни янада рағбатлантириш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш каби масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ҳар йили республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари иштирокида “Мустақил юрт ҳунармандлари”, “Ўзбекистон халқ амалий санъати–дунё нигоҳида”, “Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар”, “Навқирон Ўзбекистон”, “Қайта тикланган ҳунар”, “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам”, “Ташаббус”, “Ипак ва зираворлар”, “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан”, ”Қўли гулдир ўзбек аёлин”, “Ҳунарим – гавҳарим”, “Қўғирчоғим – овунчоғим” анъанавий қўғричоқбозлик санъати байрами, “Наврўз”, “Мустақиллик” байрамлари муносабати билан ўтказиладиган 27 дан ортиқ турли кўргазмалар, кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказилади[1]. Ҳунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички бозорларда, балки Америка, Франция, Япония, Малайзия, Хитой, Россия, Туркманистон, Озарбайжон, Алжир каби чет давлатларда ўтказилган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларида харидорларини топиб машҳур бўлмоқда. Қўл меҳнати билан тайёрланган ҳар бир ҳунармандчилик буюми санъат асари дара-

[1] “Ҳунарманд” уюшмаси жорий архивидан олинди. .

жасига кўтарилмоқда. Бу каби кўргазмаларнинг диққатга сазовор томони шундаки, ўзбек ҳунармандлари хориждаги ҳунармандлар билан ўзаро тажриба алмашадилар, улар орқали миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини чет элларга экспорт қилиш, бунинг баробарида эса республика иқтисодиётига хорижий валюта кириб келишига эришилмоқда.

Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида уюшма, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан ҳар йили 600 дан зиёд “Уста-шогирд” мактаблари ташкил этилиб, 3000 дан ортиқ шогирдларга ҳунар сирлари ўргатилмоқда[1]. Бу асосан 2011 – 2017 йилларда Республикада “Уста-шогирд” мактаблари тўғрисидаги маълумотларда қуйидагича кузатилади[2].

| 2011 йил | | 2012 йил | | 2013 йил | | 2016-2017 йиллар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мактаблар сони | Шогирдлар | Мактаблар сони | Шогирдлар сони | Мактаблар сони | Шогирдлар сони | Устахоналар сони | Шогирдлар сони |
| 520 | 2600 | 601 | 3005 | 716 | 3580 | 5000 | 12000 |

2013 йил 26 декабрдаги 4589-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Фармонига кўра, ҳунармандлар 2017 йил 1 апрелгача ўз имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар[3]. Жумладан, Қашқадарё вилояти ҳунарманд уюшмаси Қарши шаҳри, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, Қарши ва Муборак туманлари бўлимларида рўйхатдан ўтган 600 дан ортиқ ҳунармандлар ушбу имтиёзлардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар[4].

Бинобарин, давлатнинг ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, кейинги йилларда ҳам давом эттирилиб, ҳунармандлар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ –2899-сонли қарорига асосан ҳунармандчилик

[1] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 2-йиғма жилд/ йиллик ҳисоботлар. 2013 йил.

[2] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 2-йиғма жилд/ йиллик ҳисоботлар. 2013 йил.

[3] Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси жорий архивидан. 2016 йил.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб- қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сон Фармони 1-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари «2017 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилди. Республика “Ҳунарманд” уюшмаси раис ўринбосари Мирзаева Лутфия. 2015 йил.

фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар тури 25 тадан 34 тага етказилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида уюшма томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ушбу режа асосида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда[1].

Мустақиллик йилларида саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ўсиб юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши учун керакли асос ҳамда амалий йўл-йўриқлар шакллантирилди. Ўзбек ҳунармандлари кошинкорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик ва кандакорлик йўналишларида муваффақиятларга эришди. Биргина зардўзликда нақшларнинг 50 дан ортиқ турлари қайта тикланди. Ипак ва пахтадан газламалар, кашта ва гилам тўқишда керакли иплар, кулоллик буюмлари ва кошинкорлик маҳсулотларини ранглаш борасида ўсимликлардан табиий ранг олиш технологиялари яратилди. Ушбу жараёнлар ўз истиқболига эга бўлиб, республика аҳолисига муносиб ҳаёт тарзи, иқтисодий барқарорлик ҳамда ҳунармандчиликнинг эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бермоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат корхоналарининг сони йилдан-йилга ошиб, аҳоли яшаши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам саноат ишлаб чиқаришни тубдан ислоҳ қилиш натижасида катта ижобий натижаларга эришилди. Воҳаларда саноат маҳсулотлари мустабид тузум шароитида суст ривожланиб, улар асосан маҳсулотга биринчи қайта ишлов беришга мослашган эди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб саноатдаги қолоқликни бартараф этиш масаласида жиддий ишлар амалга оширилди. Саноат комплексларни қайта таъмирлаш, янги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикалар қуриш долзарб масалага айланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда республикада миллий ҳунармандчиликни ва касаначиликни қўллаб-қувват-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1 иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси**”. http://strategy.regulation.gov.uz

лаш мақсадида ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу боис ҳам анъанавий ҳунармандчиликнинг ривожланишини янги босқичларда кўтариш мақсадида дастлаб ҳунарманд усталар фаолиятига эътибор қаратилди. Мамлакатда олиб борилаётган ҳунармандчиликка оид давлат сиёсати ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маданий меросни тиклаш, умуман, ички ва халқаро миқёсдаги алоқалар фаолиятида Ўзбекистон ўз мавқеини мустаҳкамлашга олиб келди. Бироқ бу йўлда ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас. Таъкидлаш жоизки, чуқур тарихий илдизга эга бўлган миллий ҳунармандчилик совет даврида ҳам унутилмади. Айрим йўқотишлар бўлган бўлса-да, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтди.

Совет ҳокимиятининг сўнгги йилларидаги “Қайта қуриш” сиёсати даврида миллий ҳунармандчиликка бироз бўлса-да эътибор берилди. Бироқ саноатлашган ҳунармандчилик корхоналари инқирозга учради. Шунингдек, санъат ўқув юртлари миллий ҳунармандчилик йўналишлари келажаги мавхум бўлиб қолди. Якка тартибда ишлайдиган устахоналар, дўконларда ҳунармандчилик билан мустақил шуғулланишга рухсат берилмади. Мустақиллик туфайли миллий ҳунармандчиликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳуқуқий асослар яратилди. Давлат томонидан анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар, кўргазмалар, фестиваллар ўтказиш ва унда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги ҳунармандчилик марказларининг қайта туғилишига шароит яратилди. Ҳунарманд усталар яна ўз ишларини давом эттира бошладилар.

Бозор шароитида ҳунармандчилик ўзини тўла оқлаб келаётган Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон сингари давлатлар тажрибаси вақт ўтган сайин ҳунармандчилик соҳаси жамият ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ҳамда мамлакатимизда мустаҳкам ўрин эгаллай олиши тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида ҳунармандчилик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмаса-да, ҳунармандлар кундалик ҳаётда безаклар ва ёдгорликлар сифатида қўлланилувчи кенг турдаги хўжалик истеъмоли маҳсулотлари ҳамда буюмларини ишлаб чиқармоқдалар.

Бинобарин, давлатнинг ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ав-

вало, ҳунармандлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳунармандчиликнинг ўзини-ўзи ташкил этишига кўмаклашишга қаратилиши лозим.

Мустақиллик шарофати билан моддий ва маданий мерос бўлмиш халқ амалий санъати: каштачилик, кулолчилик, зардўзлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, заргарлик, сават тўқиш, бўйра тўқиш каби бир қанча турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш имконини бермоқда. Халқ ҳунармандчилиги бозор қонунлари асосида қайтадан тикланди ва айрим ҳунар турларини тиклаш давом этмоқда. Ҳунарманд – тадбиркорлар ўзларининг хусусий корхоналарини очиш ва мустақил тарзда бошқариш имкониятига эга бўлдилар.

## 4.2. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолиси ҳунармандчилигининг ривожланиш хусусиятлари

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилиги бой анъаналарга эга бўлиб, асосан, уй саноати кўринишида ривожланиб келган. Унинг катта ҳудуд бўйлаб ривожланиши нотекис кечган, кўпгина шаҳарларда яхши ривожланган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов: “Қашқадарё вилоятида қадимдан кулолчилик, ҳунармандчилик, темирга ишлов бериш сингари саноатнинг дастлабки кўринишлари вужудга келган”, деб вилоят ҳунармандчилигига таъриф берган эди[1]. Мустақиллик йилларида Қашқадарёда ҳунармандчилик турларидан Шаҳрисабзда каштачилик, Касбида кулолчилик, Косон ва Қаршида тўқувчилик, темирчилик соҳалари анча ривожланди. Шаҳрисабз ироқи каштачилиги ва Касби кулолчилиги тури қайта тикланди.

Шаҳрисабз шаҳрида ироқи каштачилик ҳам ўзига хос ривожланган бўлиб, уларга ўз ҳунарини ривожлантириши учун алоҳида дўконлар ташкил этилган. Улар бу ерда турли хилдаги каштачилик маҳсулотларини касаначилик асосида ишлаб чиқармоқдалар. Айниқса, қизларнинг сепи учун жойнамоз, тоқчапўш, зардевор, ёстиқжилд ва бошқа турли хилдаги каштачилик буюмларини таёрламоқдалар[2]. Ҳатто улар 2015 йил Италияда кўргазмаларда иштирок этиб, Шаҳрисабз ироқи кашталарини намойиш этиб келганлар. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳри ва унинг атрофидаги Аваз Малик,

[1] Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. VIII том. – Т.: – Ўзбекистон, – 2000. – Б. 96.

[2] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз шаҳри. Каштадўз Низомова Саодат. 2016 йил.

Дўлқишлоқ, Шанбе, Қорапойча каби йирик қишлоқларда азалдан миллий бош кийимлар тайёрлаш, дўппидўзлик, каштачилик ривожланган[1]. Дўппиларни тикиш билан, асосан, аёллар[2] ҳозиргача шуғулланиб келмоқдалар.

Ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан яна бири зардўзлик ҳисобланади. Тикилаётган буюмнинг катта-кичиклигига қараб дастгоҳ атрофида бир нечтагача зардўзлар ўтиришган. Ҳозирги кунга келиб зардўзлар замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларда металл дастгоҳлардан фойдаланишади. Мустақиллик шарофати билан зардўзлик Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятиларида ўзига хос тарзда ривожланиб, зардўзлар асосан Бухоро зардўзлиги мактаби усталаридан ҳунар таълимини олмоқдалар.

Воҳанинг Деҳқонобод туманида, асосан, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси (айниқса, қўнғирот аёллари) гиламдўзликнинг жун титиш, саваш, тараш, ип йигириш, пишириш, ўрмак қуриш ва гилам тўқиш ҳамда кигиз босиш ишларини яхши билишади. Бу миллий ҳунармандчилик тури ҳозиргача сақланиб, ўз аҳамиятини йўқотмай келаяпти[3]. Таъкидлаш жоизки, кигизнинг асосан, ўйма кигиз, тикма кигиз хиллари айнан шу ерда тайёрланади.

Бугун жанубий вилоятларда қадимий гилам тўқиш ҳунарини қайта тиклаш ва сифатли гилам, шолчалар ишлаб чиқариш имконига эга бўлинди. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Ургут, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Хива, Ғиждувон, Қўқон шаҳарлари каби Қарши, Шаҳрисабзда ҳам аҳоли эҳтиёжларига яраша бир-биридан чиройли, пишиқ ва нақшинкор гиламлар ишлаб чиқарилмоқда. Уй шароитда гиламлар тўқиш анъанаси, гарчи собиқ иттифоқ даврида бироз унутилиб, эскилик қолдиғи сифатида қораланган бўлса-да, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг кўплаб миллий қадриятлар каби, бу анъана ҳам қайта тикланди. Маҳаллий жойларда аёллар ҳозир ҳам ўзига хос ҳашар йўли билан гилам тўқиш анъанасини давом эттирмоқдалар. Бу борада Бойсун туманида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Айнан мазкур ҳудуднинг 2002 йил Жаҳон номоддий ёдгорликлари дурдонаси сифатида эътироф

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Шаҳрисабз шаҳри. 2006 йил. Август.

[2] Қадимги Кеш. Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар (Маъсул муҳаррир Сагдуллаев А. С. ). – Т.: – Шарқ, – 1998. – Б. 184.

[3] *Чориева Д.* Қўнғиротларнинг анъанавий амалий санъати: Деҳқонобод тумани Қўнғирот хўжалигида яшовчи қўнғирот уруғи вакиллари мисолида. – Карши.: Насаф, – 2007. – Б. 8.

қилиниши ҳам кўплаб унутилган ҳунармандчилик турлари каби уй ҳунармандчилигининг намунаси бўлган гиламдўзлик анъанаси яна қайта тикланмоқда. Сўнгги йилларда воҳада касаначилик орқали патсиз гиламлар ва палослар тўқиш кенг авж олмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳам қадимий тарихга эга бўлиб, сунъий суғориш деҳқончилигининг дастлабки манбалари, ҳунармандчилик манзиллари, илк шаҳар маданиятининг вужудга келиши, тўқимачилик дастгоҳлари, кулолчилик устахоналари бунинг ёрқин исботидир[1]. Бугун Сурхондарёда Республика “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлган 315 дан ортиқ ҳунармандлар фаолият кўрсатмоқда[2].

Воҳада уй шароитда гиламлар тўқиш анъанаси гарчи собиқ совет иттифоқи даврида бироз унутилиб, эскилик қолдиғи сифатида қораланган бўлса-да, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг кўплаб миллий қадриятлар каби бу анъана ҳам қайта тикланди. Жумладан, Термиз туманида Дилафруз Валлаева “Остона ҳунарманд” номли гиламчилик корхонаси очиб (2007 йил), ип, ипак, пахта, қўй ва туя жунидан тақир, ғажари, ойгилам, чумчуқкўз ва қолин гиламлар тўқимоқда[3]. Биргина 70/80 см ҳажмдаги ойгиламни тўқиш учун 45 кг ип ҳамда 15 кун вақт кетади. Хорижлик сайёҳлар учун гиламнинг бир квадрат метри 500-1000 АҚШ доллари қийматида сотилади.

Термизда “Турон” номли кичик корхонада ҳам Туркиядан келтирилган дастгоҳларда тўқилаётган гиламларнинг сифати яхши бўлиб, тўқилаётган маҳсулотларга ҳам талаб катта бўлмоқда. Бу корхонага яна Шимолий Кавказдаги Минводи, Пятигорск шаҳарларидан ип-йигирув машиналари келтириб ўрнатилиб, кунига 100 метрдан ортиқ газлама тайёрланиб, ундан эркаклар ва аёллар кийим-кечакларини тикиш йўлга қўйилди[4].

Ўзбек гиламдўзлигида, айниқса, уй шароитида қўлда тўқилган гилам, шолчалар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Гиламларнинг олача, терма, тақир, қоқма, гажари, пахта каби турлари бўлиб[5], Қашқадарё ва Сурхондарё гиламлари нақшлари, ранг ва тўқилиш технологияси билан ажралиб туради. воҳаларда бугунги

---

[1] Сурхондарё тарих кўзгусида /*Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б.* – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 376.

[2] Ҳунарманд уюшмасининг жорий архиви. 2006 йил. 8-йиғма жилд.

[3] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги расмий веб сайти. 2016 йил.

[4] Халқ сўзи. 1995 йил. 7 февраль.

[5] Дала ёзувлари. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. 2010 йил.

кунгача гилам тўқиш учун иплар ипак, пахта ва жундан, уларни бўяш учун табиий ва сунъий бўёқлардан фойдаланишмоқда.

Ўзбек гиламлари ўзига хос локал хусусиятларга эгалиги боис қўшни туркман, қозоқ ва қирғиз гиламларидан тўқилиш услублари, нақшлар ва бошқа жиҳатлари билан кескин фарқланиб туради.

Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Чироқчи, Деҳқонобод, Қарши туманларида гиламдўзлик яхши ривожланиб, ҳунарманд аёллар томонидан патсиз гиламлар тўқилади. Айниқса, чорвачилик билан шуғулланадиган Чироқчи ва Деҳқонободда гиламдўз аёллар *жулхирс, қоқма, арава гиламлар, палос ва шолча*ларни маҳорат билан тўқийдилар.

Чироқчининг Абрбанди қишлоғида ҳам гиламнинг араби, ғажари, терма, еттиипли, дигдига, чумчуққўзли, сатранж, чархпалак, қоқма, бахмали, бўғжама, бурама, сил-сила, арча гулли, мапраж, жулхурс, қиз гилам, пойандоз, жойнамоз каби турлари тўқилиб, буюртма асосида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда хорижлик сайёҳларга етказиб берилмоқда[1]. Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бегланиш маҳалласида яшовчи София Доллиеванинг тўқиган холи, бахмали, буғжама, бурама, сил-сила, арча гулли гиламлари хорижликларнинг назарига тушди. У тўқиган гилам маҳсулотлари 2007 йилдан бери Германия ва Франция кўргазмаларида иштирок этиб келмоқда[2].

Одатда, қишлоқда гилам тўқиладиган қолип, яъни, дўкон икки усулда қўйилади: тик устунларга ўрнатилганида араби гилам, ерга ётқизиб қўйилганида эса турли жойларда турлича – қоқма, яъни шолча гилам тўқилади. Бу жараёнда ишлатиладиган жиҳоз-ускуналар номлари ҳам қизиқ: араби гилам кичикроқ тароққа ўхшаган тишли асбоб - тўқмоқ билан тўқилса, шол гилам тўқишда қўлланадиган узун, эни бир қаричча келадиган, сирти ясси тахта қилич деб аталади. Гиламга асос бўладиган, бўйига тортилган иплар орасидан кўндалангига ўтказилиб тўқиладиган ип шардоз дейилади.

Айниқса, ерқолипга қўйилган гилам тўқиш учун анча қулай бўлган. Гиламга гул танлаб нусха солишда катталардан маслаҳат олинган. Чироқчининг тоғли Лангар қишлоғида республиканинг

---

[1] Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. Абрбанди қишлоғи. 2015 йил.

[2] Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. Кўкдала қишлоғи. 2015 йил.

бошқа ҳеч жойида учрамайдиган гул кигиз гилам тўқилади[1]. Уни тайёрлаш жараёни ҳам жуда қизиқ. Гул кигиз бошқа гиламлар сингари тўқилмайди, аввал жун титилади, сўнг анор пўчоғи, ўрик томири, ёнғоқ, пиёз пўстлоқлари сингари турли ўсимлик, дарахт ва ўт ўланлардан олинган табиий рангларга бўялади. Бўялган жунлар қўлда енгилгина эшилиб, сўнг ерда улардан гулу райҳонлар, қалампир мунчоғу, қуёшу ой, гулисафсар акс этган нақшлар ясалади. Кейин жундан ерга чизилган тасвир авайлаб қатланади ва сув сепилиб, пишитилади. Бир неча соатдан сўнг пишиқ, сифатли, экологик тоза гул кигиз тайёр бўлади.

Чироқчилик ҳунарманд Салтанат Қўлдошева ҳам ўндан ортиқ ўзига хос нақшлар туркумига кирувчи гиламлар галереясини яратди.

Гиламдўзлик сабрни, катта меҳнатни талаб этадиган ҳунарлар сирасига киради, — дейди Салтанат Қўлдошева. — Аввало, жун дук воситасида йигирилиб, “даржа” (калава) қилинади. Йигирилган ип уч-тўрт кун тобини олганидан кейин бир қисми турли рангларга бўялади. Бўялмаган қисми эса “шат” деб номланади ва “чарх”да тобланиб, “дўкон” (махсус қолип)га югуртирилади. Кейин рангли иплар “тароқ” билан тўқий бошланади. Гиламга “ғужум”, “хат”, “ойна”, “дуо”, “қизгули”, “калдарахт”, “чилдирез”, “қалпоқ”, “тугма” деб номланувчи турли шаклдаги нақшлар солинади. Уч киши биргаликда битта гиламни тўқиб битириш учун 15-20 кун вақт кетади[2].

Қаршидан 30 км узоқликда Қамаши, Хўжаки, Жейнови қишлоқларида “мушкоки”, “хожаики” ва “жейнови” каби араб уруғлари яшашади. Миришкор туманининг араб этник гуруҳига хос бўлган Жейнов, Алатўн қишлоқларида бугун аҳоли эҳтиёжи ва бозор учун араби гиламларини тўқиш анъанага айланган. Гиламларни аёллар билан бирга эркаклар ҳам тўқишади

Қашқадарёда ҳам 1997 йил вилоят бўйича гилам тайёрлаш 26,1%, ипгазлама 1806 минг тоннани ташкил этиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 23 % га кўпайди ва 44668, 947 млн. сўмга етди. [3]. Айниқса, Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Афғонистон – Самарқанд – Бухоро” ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бежирим, гўзал ва пишиқ гиламлар тайёрланмоқда. Тадбиркор ҳунарманд аёлларга Афғонистондан махсус ҳунармандлар чақирилиб,[4] ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилган.

---

[1] Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. Лангар қишлоғи. Кекса Ойша момодан олинди. 2016 йил.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Чироқчи тумани. Абрбанди қишлоғи. 2016 йил.

[3] Қашқадарё вилоятининг 1990 – 1999 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари. Карши. – 2000. – Б. 7.

[4] Халқ сўзи. 1992 йил.

Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки йилларида Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигидаги ташкил этилган "ЎзбЖиз Антеп – ЛТД" фирмасида Бельгия моделига оид икки ўлчамда: 2,5х 3,5 метрли қарийб 26 минг квадрат метр ҳажмда гиламлар ишлаб чиқарилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхондарё вилояти саноатида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Чунки Иттифоқ даврида тараққиёт жиҳатидан энг кам ривожланган Сурхондарё вилояти 1990 йилда Республикада саноат ишлаб чиқариши бўйича ўнинчи ўринда турарди. Шу йили Сурхондарёда 23 та саноат корхонаси бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1345. млн сўмлик бўлиб, аҳоли жон бошига 1011, 63 сўмлик саноат маҳсулотлари етказиб берилди. Мавжуд 11 та пахта тозалаш заводи 143,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарган бўлса, 1991 йилга келиб бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди[1]. Вилоят енгил саноат корхоналарида 1992 йил умумий узунлиги 1. 247000 метр шойи газлама, 99,5 млн. сўмлик тикувчилик буюмлари, 20,1 минг жуфт пойабзал, 19,2 минг дона трикотаж буюмлари, 5,2 минг дона пайпоқ, 2,3 тонна йигирилган ип тайёрланди[2]. Жумладан, 1993 йил Қумқўрғон туманида "Қумқўрғон" кичик корхонаси ташкил этилиб, 4 та ихтисослашган савдо дўконлари ва 3 та гилам тўқиш цехи ҳам иш бошлади[3].

1994 йилда эса Шўрчи пахта тозалаш заводи қошида пиллани қайта ишловчи цех ишга туширилди. Шарғун чинни идишлар цехи, Шарғундаги кўмир кони бошқармасига қарашли ишчилар таъминоти буюртмасига асосан беш ой ичида "Тоқчиён" жамоа хўжалигида чинни буюмлар цехи қурилиб, ишга туширилди[4].

Айниқса, тўқимачилик соҳасида ҳам Сурхондарё вилояти ўзига хос ўринга эга бўлиб, биргина Жарқўрғон шаҳрида ип-газлама комбинатининг иқтисодий қуввати оширилиб, 1991 йил 27,0 млн. сўмлик, 1992 йилда эса 216,6 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[5]. 1994 йилга келиб бу комбинат Жарқўрғон ипйигирув фабрикаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, йил давомида 257,2. млн сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 1995 йилда икки баробар ўсиб,

[1] Сурхондарё вилояти ДА. 1-жамғарма, 3рўйхат, 4иш, 55варақ.

[2] Сурхондарё вилояти ДА. 95-жамғарма, 12рўйхат, 22иш, 62варақ.

[3] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз, 1993. Б. 23.

[4] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз, 1993. Б. 24.

[5] Турсунов А. Жанубий шаҳарлардаги иқтисодий ўзгаришлар// Жамият ва бошқарув. 2008. №2. 82 -бет.

сотиш ҳажми ҳам 2,8%га кўпайди. 1996 йилда эса 1309 тонна калава ишлаб чиқариб салкам 6,9 млн. кв метр мато тўқилди ва меҳнат унумдорлиги 113%га ўсган[1]. Ва ҳудди шу йили корхона янги техника билан жиҳозланиб, 77 дона "СТБ 2180"русумли тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада 90 см "Миткаль32"хом сурп ўрнига жаҳон андозаларига мос келадиган эни 164 см "Бязь 4794" артекулли мато тўқиш имконияти яратилиб, 1996 йили 1млн. 335 минг кв метр мато тўқилди[2]. Бу дастгоҳларнинг аҳамиятли томони шундаки, улар серунум, сифатли маҳсулот тайёрлаши, шовқинсиз ишлаши ва иш кучини кам талаб қилишида, хусусийлаштириш асносида ишлаб чиқариши билан ажралиб таради[3]. Жарқўрғондаги ип-газлама қўшма корхонаси 1997 йилда эспортга маҳсулот сотишни 140%га бажариб, корхона томонидан Чехия, Польша ва Австрия мамлакатларига 312 минг долларлик ипкалава маҳсулотларини сотди[4]. 1800 нафардан ортиқ ишчилар 1602 тонна калава ип, 8866 минг погонметр мато ишлаб чиқариб, бу борадаги режа топшириқларини ортиғи билан бажарди ва 2000 йилда соф фойда 34,5 млн. сўмни ташкил этди[5]. Фабрика қошида "Ўзбекистон-Америка" қўшма корхонаси ташкил этилиб, унинг қуввати йилига 42 тонна калава ип ва 1920 минг погон метр мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қўшма корхонада Германия, Чехия давлатларининг замонавий йигирув дастгоҳлари ўрнатилиб, жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли калава ип ва мато ишлаб чиқарилди ва маҳсулотнинг 70% экспортга сотилди.

Шунингдек, 1993 йилда Бойсун шойи тўқиш фабрикаси бозор иқтисодига мослашиб, "Ишонч" ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Натижада фабрикада сочиқлар, мебел жилдлари, аҳоли учун зарур тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 1995 йилда иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида пиллакашлик цехи ҳам қурилиб, 30 тонна пилла Япония ва Кореяга экспорт қилинди[6].

Бойсун тумани асосан чорвачиликка ихтисослашгани учун жун хомашёси йиғилиб аёллар учун жун рўмоллар ишлаб чиқариш йўл-

[1] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, – 1993. – Б. 24.
[2] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, – 1993. – Б. 13.
[3] Ўша жойда. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, – 1993. – Б. 24.
[4] Халқ сўзи. 1998 йил. 16 январь.
[5] Сурхон тонги. 1997 йил. 19 март.
[6] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, – 1993. – Б. 24.

га қўйилди. Шу билан бирга яна қўшимча “Ч11200 Ш” русумли 2 та пахта қавийдиган, сават тайёрлайдиган дастгоҳлар ҳам ўрнатилиб, корхона жамоаси қайта ишланган жун қолдиқларидан куртка, пальто, телпак, тўнларга пахта ўрнида ишлатиадиган ватани тайёрлашга киришдилар. Бу маҳсулотнинг 30% жун қолдиғидан, 70% эса пахта тозалаш заводлари, саноат корхоналари чиқиндиларидан тайёрланди[1].

Шунингдек, аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида хусусий корхоналар фаолиятига ҳам воҳада кенг ўрин берилди. Жумладан, Сариосиё тумани “Й. Охунбобоев” номли жамоа хўжалигида 1996 йилда “Шойим” ҳунармандчилик фирмаси ташкил топди ва усталарни ўзига бирлаштирди. Корхона, биринчидан, туман аҳолисининг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, иккинчидан, усталар томонидан яратилган бежирим маҳсулотларни вилоятдан ташқарига олиб чиқиш, учинчидан, Сурхон воҳаси ҳунармандларининг қобилиятини, салоҳиятини дунёга танитишдан иборатдир[2].

Бундан ташқари, Сурхондарёда ҳозир қандолатчилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб ҳунармандчилик корхоналари ҳам фаолият олиб бормоқда. Масалан, 1994 йилда Жарқўрғон ипйигирув фабрикаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, натижада кишиларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгариб борди. Яна шу йили Бойсуннинг “Работ” жамоа хўжалигида гилам тўқиш ва кигиз тайёрлаш цехи ишга тушиб, ишчилар сони эса 18 нафарга етди ва шу йили 22 та корхона, 49 та кичик корхона, 90 турдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди[3].

1996 йилда Бухоро шаҳар ҳокимлиги, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Американинг “Юсаид” халқаро ташкилоти ҳамкорлигида вилоятда анъанавий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда[4]. 2008 йили “Ёшлар йили” дастурининг қабул қилиниши ҳам миллий ҳунармандчиликнинг ривожланишида ўзига хос йўналиш бўлди[5].

Жанубий ҳудудларда ҳунармандчилик соҳаларида касаначиликни ривожлантириш мақсадида уларнинг маҳаллий хусусиятлари ҳам эътиборга олинди. Шунингдек, “Ҳунарманд”, ”Усто”

[1] Сурхон тонгги газетаси. 1997 йил. 3 январь

[2] *Турсунов С. Н., Қобилов Э. О.* Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 321.

[3] Бойсун овози. 1994 йил. 6 май.

[4] Халқ сўзи. 1996 йил 20 ноябр.

[5] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. – Т.: – 2008. – №2. – Б. 62 – 64 бетлар.

уюшмалари ва унинг жойлардаги органлари биргаликда 2006 йил Самарқанд-Бухоро ипак гилам ишлаб чиқариш қўшма корхонасида 195 нафар касаначи билан шартнома тузилиб, гилам тўқиш, қандолатчилик, пичоқ ясаш ишлари бўйича корхонанинг 60 миллион сўмлик маблағи тежаб қолинди[1]. 2011 – 2013 йилларда Ҳунарманд уюшмаси аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми муайян кўрсаткичга эга бўлган[2].

| **2011 йил** | | | **2012 йил** | | | **2013 йил** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳунарманд-лар сони | И/ч маҳсулот ҳажми | Ўсиш динамикаси | Ҳунарманд-лар сони | И/ч маҳсулот ҳажми | Ўсиш динамикаси | Ҳунарманд-лар сони | И/ч маҳсулот ҳажми | Ўсиш динамикаси |
| 21 106 | 86504,4 | 146% | 21 161 | 93531,6 | 108,1% | 21 188 | 106639,2 | 114% |

Шунингдек, жанубий ҳудудларда халқ ҳунармандчилигининг ажойиб намуналаридан қамишдан тўқилган мебел жиҳозлари, лой ва металлдан ишланган идишлар, либослар, чарм, суяк ва теридан тайёрланувчи амалий санъат буюмлари, кумуш ва бошқа нодир металлардан ясалган тақинчоқларни учратиш мумкин[3].

Қарши шаҳрилик Суннат Ибрагимов ёғочсозликни ўзига касб қилиб, танбур, дутор, рубоб сингари миллий чолғу асбоблари ясашда кўплаб харидорларни ўзига жалб қилмоқда.

Бугунги кунда миллий маданият тарғиботи, ижодкорларга ижод эркинлиги анъанавий ҳунармандларга таянч бўлиб хизмат қилади. Айниқса, кичик тадбиркорликни тавсифловчи барча кўрсаткичлар орасида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши учун қуйидагилар хос:

– ҳунармандчиликнинг ишлаб чиқариш соҳасига мансублиги;

– ишлаб чиқариш жараёнида қўл меҳнатининг устиворлиги;

– ҳунарманднинг хусусий мулкдор сифатида ишлаб чиқариш жараёнида шахсан иштирок этиши;

– маҳсулотларни керакли миқдорда ишлаб чиқариш;

– асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъана, ижодкорлик ва яратувчанлик хусусиятларининг сақланиб қолганлиги.

Йирик саноат корхоналари билан касаначи-ҳунармандлар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш ишлаб чиқариш самарадорли-

[1] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 7-йиғма жилд. 2006 йил.
[2] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 2013 йил.
[3] Муаллиф қайдлари.

гини оширди. Масалан, "Муборакнефтгаз" нефть ва газ ишлаб чиқариш корхонаси касаначи-ҳунармандлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб кончилар учун белкурак, теша, кетмон,челак ва бошқа кўплаб иш қуроллари ясаб берилди. Бунинг натижасида корхона учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жуда арзонга тушмоқда[1]. Жумладан, Қарши шаҳрида "Қаштекс" мажмуаси (ҳозир Cotton Road), кейинроқ Шаҳрисабзда "Оқ сарой – тўқимачи ЛТД" ўзбекяпонтурк, Яккабоғда "Яккабоғтекс" ўзбекнемис қўшма корхоналари[2]да 2008 йилда 550 киши фаолият олиб борган бўлиб, 2 млн. 326 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, 8,5 млрд маҳсулот ишлаб чиқарилган[3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус" кўрик-танловида "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида кўплаб қашқадарёлик ва сурхондарёлик ҳунармандлардан 1996 – 2009 йилларда Шаҳрисабз ироқи каштачилиги бўйича Одилова Гулнора (матиз автомобили), кулол Асроров Қудрат (Шеробод тумани), Тўрақулов Ёқуб дурадгор (Бойсун тумани), Тошбоева Иқлим каштачилик бўйича(Шўрчи тумани), каштадўз Суюнова Ўғилбахт (Бойсун тумани), тунукачи Алимов Исомиддин (Денов тумани), кулол Раҳматов Зокир (Қарши туман), миллий чолғу асбоблар устаси Қодиров Иноят (Қарши шаҳар), ёғоч ўймакор Тўраев Олим (Китоб тумани), зардўз Гулбоева Зайнаб (Қарши шаҳар), кулол Ниёзов Баҳодир (Қарши шаҳар),ёғоч ўймакор Саттаров Зубайдулло (Касби тумани), рассом Алимов Карим (Қарши шаҳар)лар иштирок этиб, қимматбаҳо совринларга эга бўлишган[4].

1998 йил январда Сурхондарё вилоятида "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил қилинди[5] ва унда 20 турдан кўпроқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, вилоят, республика саноати ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда[6].

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва уни ривожлантириш учун кўплаб саъй-ҳаракатлар натижасида маълум ишлар амалга оширилди. Бойсун каштачилиги қайта тикланиб, у халқ истеъмоли моллари сифатида бозор ва расталарга сотувга чиқарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, воҳаларнинг баъзи ҳунармандлари уюшмага

[1] Халқ сўзи. 2007 йил. 2 ноябр.
[2] Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида / А. Эркаев. – Т.: – Маънавият, – 2007. – Б. 17.
[3] Халқ сўзи. 2009 йил. 24 ноябр. – №228. – Б. 1.
[4] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 8-йиғма жилд. 2010 йил.
[5] Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, – 1998. – Б. 148.
[6] Сурхон тонгги. 1997 йил. 4 март.

аъзо бўлиб, меҳнат фаолиятини олиб боришда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Шу боис ҳам кўплаб ҳунармандлар бирон-бир корхона ёки уюшмага аъзо бўлмай, миллий ҳунармандчилик соҳаси билан шуғулланиб келмоқдалар.

Жумладан, Сурхон ва Қўнғирот йўналишларида шаклланиб келган Бойсун каштачилиги қайта тикланиб, у халқ истеъмоли моллари сифатида бозорга сотувга чиқарилди. Бу икки усуллар бирбиридан деярли фарқ қилмаса-да, нақш турлари ва ранглари билан ажралиб туради. Сурхон каштачиларига хос хусусиятлар асосан, ипларнинг табиий усулда бўялиб, кашталарнинг тўқ қизил, тўқ сариқ ёки қора сидирға рангли матоларга оддий ип ёки ипак билан турли нақшлар (атиргул, товус, кабутар, турли қушлар, ўсимликлар) тикилишда намоён бўлади. Илгари кашталар фақат ип, яъни, пахта, жун, зиғир каби толалардан тикилган бўлса, бугунги кунда воҳа каштачилигида сунъий толали пишиқ иплар, зар симлар, ҳатто чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмалардан фойдаланилмоқда. Сурхондарёда ироқи каштасининг учрамаслиги, Қашқадарё каштачилигидан фарқ қилади. Сурхондарё ёрқин қизил рангли кашталарида тожик каштачилиги анъаналари сезилса, Қашқадарё кашталарида яшил, кўк, жигар рангларнинг берилиши Самарқанд, Бухоро каштачилиги мактаблари анъаналари яқинлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари якка тартибда фаолият юритаётган ҳолда 2012 йил 93531,6 млн. сўмлик, 2013 йилнинг IV чорагида эса 106639,2 млн. сўмлик халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш учун ишлаб чиқардилар. 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 13107,6 млн. сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди ва натижада ўсиш суръати 114,0% ни ташкил этди[1].

Эришилган ушбу натижаларга кўра, халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритаётган чарм маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқарувчилар (5606762 млн. сўм), чокли буюмлар тикувчилар (28929684 млн. сўм), кулоллар (3689189 млн. сўм), ёғочдан безакли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар (13599116 млн. сўм), чопон тикувчи усталар (4725987 млн. сўм), миллий мусиқа асбоблари ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар (364158 млн. сўм) самарали ҳисса қўшдилар[2].

[1] Республика "Ҳунарманд" уюшмаси жорий архивидан олинди. 2014 йил.
[2] "Ҳунарманд" уюшмаси йиллик ҳисоботи жорий архиивидан. 2013 йил.

Халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида уюшмада 716 та уста-шогирд мактаблари фаолият юритиб, бу мактабларда 3580 нафар шогирдларга ҳунар сирлари ўргатиб келинган[1].

Ҳозирги кунга қадар уюшма ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда.

Вилоятдаги Бойсун тумани қадимдан миллий ҳунармандчилик соҳаси ўзига хос йўналиш ва услубга эгалиги билан ажралиб туради. Маълумки, Сурхондарёда тарихий-иқтисодий вазият туфайли ривожланмай қолган халқ ҳунармандчилигини тиклаш ва қайта ривожлантириш мустақиллик йилларида муҳим аҳамият касб этди[2].

2002 йилда ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Бойсун ҳудуди жаҳон миқёсида анъанавий халқ маданияти яхши сақланиб қолган 18 та марказдан бири деб эълон қилинди[3]. 2003 йилда Бойсун илмий экспедицияси иш бошлаб, миллий ҳунармандчилик соҳалари илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Натижада Бойсун шаҳри ва унинг Тўда, Юқори Мачай, Мунчоқ, Сайроб, Пулҳоким, авлод, Дуоба, Боғболо, Пасурх, Даштиғоз, Сариосиё қишлоқларида[4] ҳунармандчилик анъаналари яхши сақланиб қолганлиги аниқланди. Бойсун аҳолисининг маълум қисми каштачилик, сандиқчилик, бешикчилик, кулолчилик, гиламдўзлик ва намат, ёғоч ўймакорлиги, миллий мусиқа асбоблари ясаш ва темирчилик билан шуғулланади.

Ўтган асрнинг ўрталарида Ўзбекистонда ҳунармандчилик соҳалари ёппасига саноатлаштирилган эди. Бунинг натижасида бир қатор саноатлашган корхоналар тармоғи шаклланди. Гиламдўзлик, мебел ишлаб чиқариш, кулолчилик, чинни буюмлар, атлас ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўқувчилик корхоналари махсус тармоқнинг асосини ташкил этар эди. Жумладан, Жанубий вилоятлардаги тўқимачилик корхоналари билан бирга Бухорода зардўзлик, Хивада гиламдўзлик, Марғилонда атлас, Жиззах ва Риштонда кулолчилик, Тошкентдаги чинни буюмлар корхоналарини мисол қилиб келтириш мумкин.

[1] “Ҳунарманд” уюшмаси йиллик ҳисоботи жорий архиивидан. 2013 йил.

[2] *Амонов Х. Н.* Сурхондарё вилояти тоғли ҳудудларида иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг географик асослари (Бойсун тумани мисолида): автореф. Географ. фан. ном. дисс. . – Т.: – Гидрометрология илмий тадқиқот институти, – 2008. – Б. 16.

[3] *Хакимов А., Гюль Э.* Байсун: атлас художественных ремесёл. – ТТ.: – 2006. – С. 9.

[4] *Хакимов А., Гюль Э.* Байсун: атлас художественных ремесёл... – С. 9.

Касаначилик иш ўринларининг саноатлашган миллий ҳунармандчилик корхоналарида ташкил этилиши, биринчидан, ҳунармандларнинг сонини оширса, иккинчидан, ишлаб чиқариш сифатини ҳам яхшилайди. Қолаверса, касаначилик аждодлардан мерос бўлиб келган, йўқолиб кетиш арафасида турган айрим ҳунар турларидан гиламчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, темирчилик ва бошқа соҳаларни сақлаб қолиш, уларни келгуси авлодларга етказиш, ҳунар билан боғлиқ анъана ва урф-одатларни янада такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради.

2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФига кўра, мамлакатда аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида турли соҳаларда изчил ишлар амалга оширилиб, уйда ўтирган аёлларнинг меҳнатга, касаначилик ишига жалб қилинмоқда[1]. Бу борада Қашқадарё вилоятида 174 минг хонадонда аёллар бандлик ўринлари яратилди ва миллий ҳунармандчилик соҳаларини янада ривожлантириш учун уларга микрокредитлар бериш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбек ҳунармандчилигида аёллар, асосан ип, ипак ва жундан турли газламалар, гиламлар бошқа хилдаги буюмлар тўқиганлар. Тикув ва тўқувчилик саноатлашиб кетган бугунги кунда ҳам аёллар қўлда тикиш ва тўқиш сирларини махсус ҳунар мактаб ва тўгаракларида кичик ёшдаги қизларга ўргатиб келиш ҳам йўлга қўйилган[2].

Мустақил равишда аёллар шуғулланадиган ҳунар соҳаларидан бири бу кийим-кечаклар тайёрлаш (тикувчилик) бўлиб, жанубий воҳаларнинг шаҳар ва қишлоқлар бозорларида дўппи, кўйлак, чопон, белбоғ ва бошқа кийимлар тикиб сотишмоқда. Бундан ташқари, каштачиликнинг жияк тўқиш ҳунари Қашқадарё, Сурхондарё, шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Навоий ҳудудларида ҳам кўпроқ ёйилмоқда. Бунга сабаб, ҳозир республикада каштачилик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 8 та корхонадан энг йириклари Қашқадарё вилоятида жойлашганлигидадир.

Бугунги кунга келиб, Жанубий ҳудудларнинг ҳунармандчилик маҳсулотларини, ҳатто чет элларда намойиш қилиш имконияти яратилди. Воҳалар ҳунармандлари дастлаб Ўзбекистон товар

[1] Тошкент оқшоми. 2005 йил. 17 июнь.
[2] *Keller Gabriela.* Frauen Kultur in Uzbekistan. Denzlingen. – 2002. – P. 18

ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра Савдо саноат палатасига кирдилар ва 1998 йил январда ташкил этилган "Ҳунарманд" Республика уюшмасига бирлаштирилди. "Ҳунарманд" халқ усталари Ассоциациясида 900 га яқин ҳунармандлар турли кўргазма ва ярмаркаларда фаол қатнашганлар. Бу усталарнинг энг яхши асарларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилик мактабларининг ўзига хослиги яққол сезилиб туради.

Уюшма аъзолари Франция, Япония, АҚШ, Англия, Италия, Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Корея, Туркманистон каби давлатларда ўтказилган ҳунармандчилик йўналишидаги кўргазмаларда иштирок этганлар. Масалан, Францияда 2013 йилда ўтказилган кўргазмада иштирок этган бухоролик кандакор ҳунармандлар 27-халқаро Конвенцияси йиғини томонидан "Международная звезда за качество" мукофоти билан тақдирландилар[1].

Уюшма аъзоларидан 15 нафарининг асарлари Санта Фе шаҳрида (АҚШ), яна уч нафарининг асарлари Теҳронда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилди. Эрон Ислом Республикаси Президенти Теҳрон кўргазмасида шахсан ташриф буюриб, ҳунармандларимизни алоҳида табриклади. Бундай тадбирлардан бири Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ва Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Анқара шаҳрида ўтказилди. "Қўл санъатлари" деб ном олган, 30 дан ортиқ мамлакатлардан ҳунармандлар қатнашган бу халқаро кўргазмада юртимиздан ўн нафар вакил ҳам иштирок этиб, ўзбек ҳунармандларининг ишлари алоҳида баҳоланди. Туркия телевидениеси ўзбек ҳунармандлари ҳақида жонли эфир учун кўрсатув тайёрлади. Кўргазма якунида Туркия жумҳурияти Маданият ва сайёҳлик вазирлиги қошидаги "REM-FUAR" ташкилоти мудири Ремзи Чайир ўзбек уста-ҳунармандларига миннатдорлик билдирди ва халқаро кўргазманинг махсус фахрий ёрлиқларини топширди. Бундай мукофот фақат ўзбек ҳунармандларига насиб этди. Жумладан, 2013 йилнинг 1-15 февраль кунлари Ҳиндистон давлатининг Харьяна штатида ўтказилган анъанавий фольлор ва халқ амалий санъатининг "Сураджкунд Крафтс Мела" фестивалида тошкентлик ҳунармандлар Саидқулов Тохир ва Раҳматуллаев Ахатиллалар иштирок этишди[2].

Республикада кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат берилиши натижасида ҳудудлар ҳунарманд усталарга кенг имкониятлар яратилди. Улар-

[1] Республика "Ҳунарманд" уюшмаси жорий архивидан олинди. 2015 йил.
[2] Республика "Ҳунарманд" уюшмаси жорий архивидан олинган.

нинг самарали ишлаши учун эса моддий хомашё етарлича таъминлаб берилмоқда.

1998 йилда Шерободда “Дилафруз” хусусий корхонасида жунни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, бу корхона 264 тонна сифатли жун-ип ишлаб чиқариб, кичик тўқимачилик корхоналарига етказиб берди[1].

1999 йил Ангор туманида “Гулчеҳра” хусусий фирмаси тикув цехида болаларга ва катталарга мўлжалланган турли хилдаги кийимлар тайёрланди[2]. Шунингдек, туманда “Малика” хусусий тикувчилик корхонасида цех ҳам ташкил қилинди.

2002 йилда Сурхондарёда 2700 та хусусий ва 700 га яқин кичик корхоналар, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар нафақат вилоят аҳлининг талаб-эҳтиёжлари учун, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз харидорларини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар[3]. Яна шу йили Ангор туманида Ражаб Шералиев раҳбарлик қилган калиш цехи ойига 3000 жуфт калиш ишлаб чиқарган[4].

Ўзбекистонда барча соҳалар сингари халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, унинг унутилиб бораётган йўналишларини қайта тиклашга кенг эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Сурхондарёнинг Денов туманида ҳунармандчиликнинг ёғочга ишлов бериш соҳасини ривожлантириш борасида маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун учун тол ёғочдан лаган, қошиқлар ишлаб чиқармоқда[5]. Бундан ташқари, дейди уста Исомиддин Алимов кувилар (сут, қатиқ ва сузмалар учун) тол ёғочдан бўлган лаган, қошиқлар ўзидан хушбуй ҳид таратиб, иштаҳани очади ва қирмизи тусга киради[6]. Термизда ҳам бешиксозлик анча тараққий этган.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани Ҳайитобод маҳалласида яшовчи бўйрачи Хўшбоқ момо Ҳамроева қамишдан кунига 5 та бўйра тўқийди[7]. Бўйра уй ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун, асосан, гилам тагига тўшалади. Бўйра тўшалса, ҳеч қандай куя, ҳашаротлар яқинлашмайди. Шунингдек, маҳаллада яшовчи Ойимхон Эрмонова эса қамишдан ғалла, дон сақланадиган идишлар ясайди[8].

[1] Сурхондарё вилояти Давлат архиви. 1-баённома, 3-ҳужжат. – 1999 йил. 14 январ.
[2] Сурхон тонги. 1999 йил 21 июл.
[3] Турсунов с ва бошқа. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: – Шарқ, – 2001. – Б. 323.
[4] Сурхон тонгги. 2003. 8 январь
[5] Халқ сўзи. 2009 йил. 7 апрел.
[6] Дала ёзувлари. Денов тумани. 2015 йил.
[7] Халқ сўзи. 2009 йил. 7 апрел.
[8] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани. 2015 йил.

Қашқадарёнинг Ғузор туманида яшовчи олтинчи авлод вакили заргар Раупов Шариф ўзига хос заргарлик мактабини давом эттириб, кумуш ва олтиндан турли анъанавий тақинчоқларни яратмоқда.

Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ўзбек халқи, айниқса, ёшлар орасида унга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, уста-шогирд анъаналарини тиклаш ва давом эттириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни қизиқтираётган масалаларда яқин кўмакчи бўлиш маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари олдида муҳим вазифалар сирасига киради.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларда саноат ривожланишида халқ ҳунармандчилиги асосий ўрин эгаллайди. Қолаверса, тўқимачилик ва енгил саноатда “ДЭУ интернейшнл” (Корея Республикаси), “Спентекс” (Ҳиндистон), “Мицубиси” (Япония) ва бошқа кўплаб корхоналар республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутган.

Бугун Қашқадарё вилояти Китоб тумани аёлларининг 40% ҳунармандчиликнинг 21 дан ортиқ тури билан шуғулланади. Қишлоқлардан Паландара, Қайнарбулоқ, Қуёбой, Севаз, Қаторбоғ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Қайнар, Кавзахона, Йўлдош шаҳарча, Ваткана, Башир, Сариосиё маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган аҳоли жундан ип тайёрлаш, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, каштачилик, манглайқош, зардўзлик, чопон тикиш ва дўппидўзлик фаолиятини олиб бормоқда[1]. Биргина “Оёқчи” маҳалласининг 55% аҳолиси касаначилик билан банддир. Воҳада манглайқош[2] (заргарликда тайёрланадиган тиллақош – С. Д. ) тайёрлашда, кашта, сўзана ва гиламдўзликда ҳам ўзига хос мактаб яратилган. Ҳунарманд Робия Шарипова, Бўстон Ўралова, Ибодат Ҳасанова ва Мақсад Холова томонидан тайёрланган маҳсулотлар нафақат туман, балки вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган “Қўли гулдир ўзбек аёлин”, “Миллий қадрият ва урф-одатларимиз” каби мавзулардаги кўрик-танловларда фаол қатнашиб келишмоқда[3]. Шунингдек, Фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама ёрдам бериш ўзиниўзи мустақил бошқариш тажрибасини кенгроқ жорий қилишга шароит яратиб, пировардида ўз ҳудуди доира-

[1] *Бўриев О., Искандаров Ш.* Маҳалла - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маскани // Ижтимоий фикр. – 2011, – № 2. – Б. 27.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Шаҳрисабз тумани. 2010 йил.

[3] Республика “Ҳунарманд” уюшмаси жорий архивидан олинди.

сидаги маҳаллий миқёсдаги масалаларни ҳам, давлат органлари белгилаб берган масалаларни ҳам мустақил ҳал этиш кўникмаларини янада ривожлантиришга туртки бўлмоқда. Масалан, Қарши шаҳрининг жами 62 та маҳалласида 2011 йилда 49 та кичик саноат корхонасида 1129 иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Шаҳардаги Чақар маҳалласида "Гўзал чевар дизайн" ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, кўплаб қиз-жувонлар тикувчилик ҳунарига эга бўлишмоқда[1].

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида вилоятларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бироқ эски тузилмаларни бузиб ташлаш ҳали барҳам топмаган эди. Энг яқин истиқболнинг туб муаммоси тузилмаларни ўзгартириш сиёсатини ҳаётга татбиқ этишдир. Тоталитар тузумнинг мероси иқтисодиётнинг нотўғри тармоқ тузилмаси вилоятларда ҳали узоқ вақт ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Бундай шароитда ўтмиш сабоқларига бутун борлиғи билан баҳо бериш, унинг кўп қиррали тажрибасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан ўзбек миллий ҳунармандчилик соҳасининг ривожланиши ва тараққий этиши учун муҳим иқтисодий ва маънавий замин яратилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар олиб бориши натижасида халқ ҳунармандчилик буюмларини миллий мерос тариқасида дунёга танитиш, шу йўл билан замонавий цивилизация тизимида ўз ўрнига эга бўлишга эътибор берилди.

Туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, миллий маданият ва анъаналарни кенг тарғиб қилишга хизмат қиладиган соҳадир. Ўрганилаётган ҳудудларда сайёҳлик инфратузилмаси ривожланиб, хизмат кўрсатиш даражаси халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда. Жумладан, Қарши шаҳридаги "Бекмир" мадрасаси, Шаҳрисабздаги "Коба" карвонсаройида ҳунармандлар маркази, "Оқсарой", "Дорут-тиловат" ва "Дорус-саодат" мажмуаларини боғлаб турувчи аллеяда қўл иши Миллий маркази, сувенир буюмлар дўконлари очилди[2]. Дастлаб Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режаси тақдим қилинди. Режага кўра, 167 лойиҳа амалга оширилади. Хусусан,

[1] Дала ёзувлари. Қарши шаҳри Чақар маҳалласи МФЙ ҳисоботидан олинди. 2014 йил.

[2] ЎзР ВМнинг 2013 йил 1 ноябрдаги "2013–2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида.

замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, дам олиш ва кўнгилочар ҳудудлар ташкил этиш, тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш кўзда тутилган. «Ўзбектуризм» давлат қўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳалардан яна бири эко ва этнотуризмни ривожлантириш, Амир Темур туғилган манзилни туризм масканига айлантиришга қаратилган.

Қашқадарё вилоятида тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йил Қарши туманида «LT Textile International» хорижий корхонаси, Қарши шаҳрида «Sulton Tex Group» хусусий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида терини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал кластерини барпо этиш, «Ғузор текстиль импекс» МЧЖ томонидан енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Миришкор туманида калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ҳунарманд усталарнинг ижтимоий мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ўзбек халқининг миллий қадриятларини асраш, анъанавий ҳунармандчиликнинг унутилаётган соҳаларини тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунингдек, миллий ҳунармандчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Жанубий вилоятларда замонавий, жаҳон андозаларига тўғри келадиган корхоналар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бироқ бу корхоналарнинг баъзилари узоқ муддат фаолият олиб бормаган бўлса-да, вилоятларда саноат ишлаб чиқариш таркиби ўзгариб, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал ресурсларини қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш имконияти яратилди. Шунингдек, корхоналар ўз-ўзини тиклаш имкониятига эга бўлиб, бозор талабидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотиш эвазига уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари йўлга қўйилди.

Совет даврида қолоқ, деб эътироф этилган вилоятлар иқтисодиётида жаҳон андозаларига тўғри келадиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишлари амалга ошмоқда. Янги ишчи ўринлари ҳам яратилиб,

маҳаллий хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга йўл очилди.

Маҳаллий хом ашёдан товар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳунармандчилик нафақат миллий анъана ва қадрият, балки даромад келтирувчи соҳа сифатида халқ хўжалигида ўзининг ўрнига эга бўла бошлади. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳунармандчиликдаги трансформациялар кичик бизнес ва тадбиркорлик кўринишида намоён бўлди. Жанубий ҳудудлар иқтисодиётида туризм инфрастуктурасини ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти шароитида миллий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш бозори шаклланди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари совғабоп буюмлар бозори негизини, яъни ҳунармандчилик тижорати асосини ташкил қилади.

Анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш борасида эришилаётган ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Анъаналарни тиклашга кўпинча тижорат йўлида фойдаланиш, шунингдек, халқаро лойиҳаларда маҳаллий ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олишдан четга қолиши кузатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида айниқса, анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришда тижорат йўлидан фойдаланиш ва кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятига кўпроқ эътибор ортиб бормоқда. Бу эса ҳудудларнинг ўзига хос анъаналарини йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Масалан, уй шароитида ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик маҳсулотлари фақатгина олиб сотарлар қўлига тушиши, анъанавий нақш ва белгиларнинг бузилиши, воҳаларга хос бўлган локалликдан чекинишлар кузатилиши ўз-ўзидан миллий ҳунармандчиликка салбий муносабатларни шакллантирмоқда. Маҳаллий мактабларнинг ўзига хослиги, санъат “софлигини”сақлаб қолиш бугун жуда долзарбдир. Бу муаммоларни соҳа ходимлари кўмагида ҳал қилса бўлади. Шунингдек, республикада етарлича ҳунармандлар фаолиятидан фойдаланилмаётганлиги ҳам сабабдир. Аввало бозор учун ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришда асл ҳолати ва ундан кейинги янгиликлар нисбати кескин фарқланишига йўл қўйилмаслиги керак (анъана ва янгилик муаммоси). Чунки халқ амалий санъати ўзида янгиликни, ижодкорнинг ўзига хос услубини эмас, балки тарихийлик, миллийлик ва муайян жамоага хос хусусиятларни акс эттиради. Қолаверса, унинг самараси ҳам дастлаб халқ истеъмоли талабини қондиришга қаратилади.

Чунки ҳунармандчилик маҳсулоти ким томонидан, қандай сифат ва кўринишда тайёрланишидан қатъи назар асосий мақсад уни бозорга сотишдир. Айни пайтдаги жараён шудир. Ҳунармандчилик буюмларидан турмушда фойдаланиш ҳам борган сари кўпаймоқда. Яхши асосий буюмлар музей коллекциялари учун қилинади. Бу хато. Фақат хорижликлар асосий истеъмолчи бўлиб қолмоқда (тўқимачилик ва сопол буюмлар). Ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқараётган буюмларни хориж бозорларига олиб чиқишга интилмоқдалар. Бу эса нафақат ўз маҳсулотларини балки, Ўзбекистоннинг маданиятини ҳам тарғиб ва ташвиқ қилишга интилмоқдалар. Маҳаллий бозорда эса бунга эътибор берилмаяпти. Бозор аввал бўлганидек, ҳунармандчилик ривожи жараёнини кўрсатадиган энг йирик индикатордир. Бугунги кунда ҳунармандчилик маҳсулотларидан тўқимачилик (кашта, гиламлар, мато, зардўзлик буюмлари – зардўзи халатлар, дўппилар) ва кулолчилик буюмлари, шунингдек, анъанавий усулда замонавий дизайнда тайёрланган сумка, ҳамён, пардоз халта, кашталанган ёстиқ жилди, миллий матодан тикилган замонавий дизайндаги либослар, шойи шарфларга талаб аҳоли орасида ҳам катта. Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятида ҳам маълумотлар беришда хатоликлар учрайди. Ваҳоланки, ҳар бир жойда тарихан ҳунармандчиликнинг муайян тури шаклланади ва унга ҳамиша эҳтиёж сақланиб қолади.

# V БОБ. ҲУНАРМАНДЧИЛИК СЕМАНТИКАСИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР

## 5.1. Ҳунармандчиликда рамзлар семантикаси

Ўзбек миллий ҳунармандчилигида шакл ва безак семантикаси масалалари нафақат санъатшунослик, шу билан бирга этнологиянинг айрим масалаларини ўрганишда ҳам ўзига хос муаммолардан бири ҳисобланади. Халқ амалий санъатида ҳар қандай тасвир ва ранг маълум бир маънога эгадир. Шунингдек, уларда акс этган рамз, тасвир ва элементларда кишиларнинг маънавий, диний ва руҳий қарашлари, табиат ҳодисалари ҳақидаги кенг дунёқараши ўрин олган.

Ҳунармандчилик буюмларидаги безак ва кашталар табиат ҳодисалари тўғрисида рамзларнинг унутилган жиҳатларини орадан қанча вақт ўтганига қарамай, нисбий бўлса-да, ўзида сақлаб қолувчи хусусиятга эга бўлади. Бу шакл ва семантик тасвирлар ўзида шу қадар кўп ахборотни жамлайдики, уларни маъно ва мазмун жиҳатидан тавсифлаш ва тасвирлаш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳунармандчилик буюмларида тасвирланган нақшлар шунчаки шакл бўлиб қолмасдан, балки муҳим этнографик манбалардан ҳисобланиб, улар халқнинг диний тасаввур ва эътиқодлари билан ҳам бевосита боғлиқ.

Нақшлар ўз хусусиятига кўра геометрик (ҳандасавий), ўсимликсимон (ислимий), зооморф (ҳайвон шаклидаги) ва антропоморф (одам шаклидаги) нақшларга бўлинади[1]. Кўчманчи халқлар амалий санъатида орнитоморф (паррандаларга хос) мавзулар ҳам кенг тарқалган[2]. Шу боис, ўсимлик ёки геометрик нақшлар тасвирида реал предметлар дунёси яширин бўлиб, уларда бизни ўраб турган дунё ҳақида у ёки бу тасаввурлар ўз ифодасини топган[3].

Қадимдан қўлда тўқилган гиламларда зооморф тасвирлар билан бирга от, қуш, гуллар ва геометрик шакллар ҳам қўлланилиб, улар бахт-саодат, кут-барака, порлоқ келажак, дўст-биродарлик,

[1] Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Т. 2005.С.12.

[2] Богословская И. Қорақалпоқ нақш санъатида зооморф унсурлар // San'at. 2009. №2.16бет.; Чепелевская Г.Л. Сузани Узбекистана. Ташкент. Гос. изд-во.худ. лит. УзССР. 1961.

[3] Андреев М.С. Орнамент горных таджиков верховьев Амударьи и Памира. Ташкент. 1928.

ризқ тимсоллари сифатида тушунилган[1]. Кейинчалик ушбу шаклларнинг асл рамзий моҳияти ўзгариб, фақатгина чиройли нақш сифатида қарала бошланди[2]. Қорақалпоқ амалий-безак санъатида ҳам геометрик (космогоник), зооморф, ўсимлик, буюм, атропоморф мавзулар, айниқса, нақшларида зооморф тасвирлар “қисмларга ажратилган бутун” сифатида гавдалантирилади[3].

Чунончи, зооморф нақшларда ҳақиқий ёки хаёлий жониворларнинг услубий тасвирлари (бундай нақшлар амалий санъатда одатда, “ёввойи” услуб деб ҳам номланади) акс этиб, улар айниқса, тўқувчилик ва каштачилик буюмларида кўп учрайди. Масалан, замонавий заргарлик буюмларида ҳам антропоморф, зооморф ва ўсимликсимон нақшлар тасвири ифодаланиб, улар кўпроқ фақат эстетик завқ учун кенг истеъмолда эканлигини кузатиш мумкин.

Ўзбек кашталарида баъзан, эркак ва аёлни эслатувчи антропоморф (одам) шаклдаги нақшларни ҳам учратиш мумкин. Унга кўра, аёл замин рамзи ҳисобланган, эркак ва аёлнинг бирлиги эса само ва заминнинг ўзаро иттифоқидан икки дунё бирлашиб, оила вужудга келиши ўз аксини топган[4]. Бундай нақшлар асосан икки ёшнинг бахтли ва тотув яшашига, фарзанд кўришига ишорадир[5]. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари кашталарида ёш қиз тасвири гўзаллик тимсоли сифатида қадрланади.

Марказий Осиё гиламларида ҳам гуллар асосан инсон хаёлотига асосланиб, ўсимликсимон, геометрик, зооморфик, предметли ва уруғли тамғалар кўринишидаги  нақшлар: йўлбарс ва туя излари, итнинг думи, олма гуллари, ток новдаси, чаён, туябўйин, қалқон, шифобахш (даволовчи) ва озуқали ўсимликлар шаклида акс эттирилган[6]. Кашталарда ҳам ўсимликсимон нақшлар, фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвирлари, гул бутоғини олиб учаётган каптар, юрак, байтлар, кейинчалик кишиларнинг қиёфалари (йигит ва қиз), меъморий обидалар ҳам акс эттирилган. Айниқса, нақшлар орасида энг кўп қўлланиладигани шох белгиси бўлиб, бу кўчманчи туркий халқлар маданиятида жонзотларни тасвирлаш анъанаси билан алоқалидир[7]. Хусусан, қўчқор шохли нақш ҳам қўй культидан келиб чиққанлигига

---

[1] Низомов А., Низомова М. Гилам жилоси // Мозийдан садо. 2003.№3-4. - Б. 67.

[2] Фахретдинова Д.А. Ювилерное искусство Узбекистана. Ташкент, 1988. С. 99-100.

[3] Богословская  И. Қорақалпоқ нақш санъатида зооморф унсурлар / San’at. 2009. №2. 15-бет.

[4] Богословская И. Қорақалпоқ безак нақшларидаги сирли хатлар.// San’at. 2008. №2. 8-бет.

[5] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани. 2010 йил.

[6] Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии // Сборник Музея антропологии и этнографии. T.VII., Л., 1928. с. 102- 104.; *Ўша муаллиф*. Ковровые словарь русского языка. Т.I, М-СПб., 1912. С. 140.

[7] Мошкова В. Ковры народов Средней Азии. Конца XIX – начала XX вв. Ташкент. 1970. С. 265.

шубҳа йўқ. Туркий халқлар орасида қўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган ва унга қадимдан инсонларни бало-қазолардан асровчи илоҳий жонивор сифатида қарашган[1]. Қўчқор зардуштийлик динида уй эгалари ва уларнинг саломатлигини қўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида ҳам талқин этилган. Эрон ва қадимги Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини қўчқор тимсолида тасаввур қилганлар[2].

Демак, қўйга ҳимояловчи жонзот сифатида қараш ва унга ўзига хос муносабат Ўрта Осиё халқлари кигиз, гилам ва кашталарида қўчқор шохлари кўринишидаги нақшларнинг кенг тарқалишига олиб келган. Кейинчалик қўчқор шохлари тасвири "ёвуз" кучлардан ҳимоя вазифасини ҳам бажарган. Бундай нақшларни ҳозир ҳам Қашқадарёнинг Ғузор ва Деҳқонобод туманларида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли гилам ва кигизларида қўллайдилар.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси шох тасвирли туморларни ёғочдан тайёрлаб, ёш болалар ва қизларнинг бош кийимларига тикиб қўйганлар. Тандирлар сиртига ҳам қўчқор шохларининг рельеф тасвири туширилган. Бундан эндиликда жониворнинг ўзи эмас, балки унинг маълум бир тана қисми ҳимоя воситасига айланганини кўриш мумкин[3].

Кишилар ҳайвонларни хонадон ҳимоячиси, унга қутбарака келтирувчи илоҳий кучга эга деб ўйлаганлар. От, сигир, ит, хўкиз, қўчқор, туя каби ҳайвонларни ҳам муқаддас билиб, ҳатто, эчки ва қўйларга самовий кучлар билан боғлиқ жонзот сифатида қараганлар[4]. Айрим қишлоқларнинг ўзбек хонадонларида қадимий диний тасаввурларга кўра, қўчқор калла суягига ёмон кўзлардан асровчи восита сифатида қараб, уни биронбир дарахтга, дарвоза устига осиб қўйиш одати ҳалигача мавжуд[5]. Зардуштийлик динида қўчқор тимсоли Фарн илоҳи билан боғлиқ бўлганлиги боис, "Авесто"да Фарн уй эгалари учун оилага тўкинлик ва бойлик келтирувчи, сиҳат-саломатликни ҳимоя этувчи ҳамда ёмон қора кучлардан асровчи илоҳ сифатида тасвирланган. Қўйларга бошқа жониворлар каби ҳеч қачон туморлар тақилмаган, чунки қўйнинг ўзи турли инс-жинслар ва кўз тегишига қарши ҳимоячи ҳисобланган[6]. Жумладан, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳунарманд-

[1] Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. М.: Наука, 1959. С.100.
[2] Ягодин Б.Н., Ходжайов Т.К. некрополин древниги Маздахкана. Т.: Фан, 1970. С.115.
[3] История материальной культуры народов Узбекистана. Ташкент, 1961. С. 87.
[4] Богословская И. Қорақалпоқ нақш санъатида зооморф унсурлар // San'at. 2009. №2.16бет.
[5] Снесарев Г.П. Релекты домусульманских верований в обрядов у узбеков Хорезма. М., Наука, 1969. С.315; Муаллиф қайди. Қашқадарё вилояти. 2010 йил.
[6] Снесарев Г.П. Релекты домусульманских верований в обрядов у узбеков Хорезма. М., Наука, 1969. С.315.

лари тикаётган дўппиларида ҳозир ҳам қўчқор шохлари тасвири кўплаб учраб, инсонни ҳар қандай бало-қазолардан асровчи магик қудрат белгиси сифатида тушунилади[1]. Қолаверса, халқ орасида ҳимоя қилиш ва турли офатлардан қайтарувчи кучга ишониш қарашларига кўра қўчқорни қурбонлик қилиш одати ҳам мавжуд[2].

Қашқадарёда ҳам ёш келин-куёвлар чимилдиғи ёки улар яшайдиган хонага безак-чирой вазифасини бажарувчи қўчқор шохи нақши туширилган сўзаналар осиб қўйилган. Бундан мақсад ёш келин-куёвни ҳомийҳайвон рамзи воситасида турли инс-жинслардан асраш бўлган[3] ва бу анъана фаровонлик рамзи сифатида ҳозиргача воҳанинг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси орасида сақланиб қолган.

Ўзбек халқ амалий санъатида қўйнинг бошини тасвирлаш азалдан қўлланилиб келинган бўлиб, қўчқор ёки қўйнинг боши тасвири (туркманларда қўйнинг боши "гучок"деб аталади) " .. бу нақш худди эркак киши қўлларини белидан пастга тушириб ярим айлана қилиб бирлаштирганига ўхшайди ва эркаклик ибтидоси рамзи саналади"[4]. Шунингдек, қўчқор шохи нақши ҳосилдорлик ва авлодлар давомийлигини ҳам англатган[5]. Қашқадарё вилояти аҳолиси орасида қўчқорнинг бош( калла ) суяги ҳимоя қилувчи ва тозаловчи куч деб қаралади, ҳамда уни ҳосил пишиб етилиши олдидан бирор хода учига илиниб тик ҳолатда дала ўртасига қўйиб қўйилади.[6]

Каштадўзлик "... нақшларида асосан қўчқорнинг битта белгиси ҳам унинг шохини ифодаланган. Бундай нақшлар Ўрта Осиё халқларида "қўчқорак", қирғизларда "кайкелек" ёки "кош кайкалас", озарбайжонларда "дорд бўйнуз", Фарғона водийсида яшовчи қирғизларда "қайқалак", Нурота ўзбек туркманларида "мўйиз[7]", туркманларда "чоч бўйиз" деб аталган. Айниқса, туркманлар учун бу нақш алоҳида аҳамият касб этиб, бу шакл рамзи барча турк-

[1] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун туман қишлоқлари. 2011 йил.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Ғузор тумани. 2010 йил.

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Ғузор тумани Ярғунчи қишлоғи. 2010 йил.; Яна халқ орасида қўчқорни бало-қазолардан асраш кучига ишонишни келтириб чиқарган. Қаранг: Сухарева О.А. Орнамент декоративних вышивок Самарканда и его связ с народними представлениями и верованиями (вторая половина – начало XX в.) / СЭ. №6. М.: Наука, 1983. – 75 б.

[4] Кадишева О. Гиламда юлдузли тунлар жилоси // San'at. 2013. №1. 26бет.

[5] Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale. Uzbek Embroideries in the nomadic tradition. Minneapolis Institute of Arts. 2007. P. 122.

[6] Дала тадқиқотлари. Ғузор тумани Қоратикон қишлоғи.2010 йил.

[7] Марказий Осиё, Кавказ ва Сибир халқлари безак нақшларида муҳим ўрин тутадиган унсур(-элемент) бўлиб, ҳимоя қилувчи маънонисини англатади.

ман қабилаларини бирлаштириб турганлигига ишонилган[1]. Шунингдек, бундай шаклларнинг турк, қрим татар, қозоқ, лақай ва қорақалпоқ гиламларида ҳам акс этиши ва учраши ушбу халқлар ўртасида қадимдан қариндошлик ришталари мавжудлиги ва ўзаро маданий алоқаларнинг йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Шох нақши икки спиралнинг қайрилган кўринишидан иборат бўлиб, у кўпинча композициянинг марказий қисмига туширилган[2].

Қашқадарёнинг Чироқчи тумани аёлларининг бош ёпинчиқларида S ҳарфсимон белгилар кўплаб учрайди ва улар либос эгасининг қайси уруғга мансублигини билдирувчи тамға ҳам ҳисобланади[3].

Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари қўнғирот уруғларига хос кашталар ҳам зооморф тарзда бўлиб, уларда асосан қушлар тасвири туширилган. Бу тасвирларни чеварлар *“товус нусха”* деб атайдилар[4]. Чизмакашлар дўппилар, кашталарга чизган нақшларида геометрик фигуралар, кийик, узум токи, товус, гулзор бўйлаб чопаётган от, ўсимлик ва ҳайвонот оламидан олинган ранг-тасвирларни уйғунлаштирганлар. Бундан ташқари, аёллар ўзларининг маҳорати, билими ва дунёқарашини акс эттириб, парча, бахмал, гулли ва гулсиз матоларга дўппилар тикишган[5].

Қўнғирот каштачилигида амалий санъатнинг бошқа турлари учун ҳам умумий бўлган турли хилдаги қўчқор шохи, уч панжали қўшоёқ кўринишлари, шунингдек*, илон изи, ит изи, от туёқ, туморча, жиллик* сингари каштали нақш, ўсимлик, гул тасвири ва бошқа шакллар учраб туради[6].

Ҳунармандчилик буюмларида акс этган тотем ҳайвонларнинг рамзий белгилари уларнинг илоҳий кучига ишонч шартли берилганлигига ишорадир[7]. Умуман олганда, чорвачилик билан шуғулланувчилар орасида илоҳий кучлар анъанавий тарзда тотем (қабила сиғинадиган мавжудот ёки буюм)[8] жонивор ва қуш деб ту-

[1] Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. М.: Наука. 1986. – С. 104.

[2] Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (вторая половина XIX – нач.XX в) // СЭ. 1983. . – № 6. – С.78.

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Чироқчи тумани. 2005 йил.

[4] Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори // Мозийдан садо. 2008. – № 1. Б.7.

[5] Турсуналиев К. Все цвета радуги. – Ташкент, 1991. – С. 4.

[6] Fitz Gibbon K., Hale A. Uzbek embroidery in the nomadic tradition (The Jack A and Aviva Robinson collection at the Minneapolis Institute of Arts).Singapore, 2007. – P. 118

[7] Хакимов А.А. Традиционная вышивка Байсуна (к проблеме изучение локальные школ народного искусства Узбекистана) // История и традиционная культура Байсуна. Труды Байсунской экспедиции. – Вып. 2. Ташкент, 2005. – С. 237.; Гюль Э. Жойнамоздаги рамзлар // San’at. 2001. – №3.15-бет.

[8] Фрейд З. Тотем и табу. – Москва, 1923. – С. 141–142.

шунилган. Шунинг учун уларнинг жойнамози, меҳробли пештоқи остида, гиламларида қўчқор шохи ёки қушлар тирноғи тасвирини тез-тез учратиш мумкин. Тотемнинг муқаддаслиги у гуруҳнинг ўз рамзи ёки жамоанинг муҳим қадриятлари сифатида намоён бўлади[1]. Айниқса, Қашқадарё гиламларидаги нақшларда мазкур анъанавий мавзулар, кўпроқ хотиржамлик ва бахт тушунчалари билан боғланиб кетади. Жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳунармандчилик буюмларида бундай анъаналарнинг тасвирланиши кўпроқ чорвадорлар орасида сақланиб қолганлигига сабаб, улар ўз хўжалик фаолиятига кўра майда ва йирик шохли ҳайвонларнинг аъзоларининг тузилишини, анатомиясини яхши билишига ишорадир. Айниқса, воҳа гиламдўзлигида унинг аҳамияти ўзига хос бўлиб, турли услубда акс этиши локал кўриниш тусини олади.

Шу ўринда кўчманчи халқларда кенг тарқалган нақшлардан яна бири шохлар билан безатилган ромбли хочсимон нақш бўлиб, унинг машҳурлиги эса уларнинг генетик яқинлигидан далолат беради[2]. Бу услуб кейинчалик ярим ўтроқ, ўтроқ – зироаткор жамоаларда ҳам кенг тарқалади. Ромб шакли қадимги энеолит давридан ”ҳосилдорлик” ва серфарзандлик рамзи саналади. Аждодларимиз уни Она табиат, Момо Ҳаво тимсоли сифатида тушунишган[3]. Бундай нақшлар илк бор Пазириқ (Тоғли Олтой, мил. авв. VI – V асрлар) қўрғонидан топилган кигиз ва гиламларда ҳам аниқланган. Кейинчалик шохлар билан безатилган ромбли хочсимон нақшлар шарқдан ғарбга тарқала бошлаган. Бу бевосита кўчманчи маданият тарқатувчиларнинг миграция (кўчиши)си билан боғлиқ бўлган[4] ва улар амалий санъатининг ўзига хос услубий шакли дейиш мумкин. Аммо кейинги асрларда ушбу шакл трансформацияси натижасида хоч ва ромб тасвирлари йўқолган. Натижада фақат жимжимадор шохлар ва безак шакллар кўринишида ҳозиргача сақланиб қолган. Кўчманчи туркий халқлар маданиятида эса жонзотларни тасвирлаш анъанаси қадимдан мавжуд[5] бўлгани боис, Қашқадарёнинг Чироқчи тумани *напрач, напрам* (напрамач) ларида ҳам қўчқор

[1] Дюркгейм. Элементаргые формы религиозной гинзии тобемистическая система в Австралии (1912) / пер. А.Б.Гормана.//Мистика. Религия.

[2] Вайнштейн С.Н. Мир кочевников центра Азии. – М., Наука, 1991. – С.178.

[3] Есбергенов Х. Вопросы этническойистории и традиционный культуры каракалпаков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989. 67-бет.

[4] Марков Г.Е. Кочевники Азии. Москва., МГУ, 1976. – С. 96.; Среднеазиатский этнографический сборник. М., Наука, – С. 67.

[5] Мошкова В. Ковры народов Средней Азии. Конца XIX – начала XX вв. – Ташкент, 1970. – С. 255.

шохларига ўхшаш тасвирлар кўп учрайди[1]. Хусусан, Сурхондарё қўнғиротларининг кигизларида ҳам зооморф мотивлар акс этиб, улар орасида “қўчқор шоҳи”, ”қурбақагул”нинг нақшлари алоҳида ўрин тутади. Шаҳрисабзда “чаён”нусхали гиламлар тўқилган[2]. Бироқ, Қашқадарё араби гиламларида жонзотлар рамзини ифодаловчи зооморф белгилар безак сифатида ишлатилмайди, чунки ислом динида жонзотларни тасвирлаш мумкин бўлмаган[3]. Аксинча, ўзига хос локал хусусиятларни акс эттирган гиламларда геометрик нақшли кўринишлар кўпроқ қўлланиб келинган.

Бундан ташқари, ўрганилаётган ҳудудларда тайёрланган кигиз ва гиламларда учбурчак, ромб, меандр шакллари, уюрма белгилари, осмон жисмлари тасвири, турли гул нақшлари ҳам туширилган[4]. Воҳаларда яшовчи ўзбек қўнғиротларнинг гиламларида геометрик шакллар ҳам учрайдики, улар ромб, меандр мавзулари, **W** ва **S** ҳарфига ўхшаш белгилар, саккиз бурчакли юлдузлар, учбурчак[5], доира[6], самовий ва мистик рамзлар хоч, квадрат[7], зооморф нақшлар гуруҳида қушлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари тасвирларидан иборат. Бунда безак сифатида жонзотларнинг фақат шохи, товони, тирноғи, кўзлари сингари айрим аъзолари ҳам тасвирланади.

Бундай нақшлар Сурхондарё воҳасида қўчқор шохи ёки қўчқорак, туя бўйин, ит изи, каклик тўши, қурбақагул, ҳўкиз кўзи тарзида номланади[8]. Воҳанинг ғажари гиламларида W ҳарф шакли - каклик тўши ва S ҳарф шакли - гажак ёки қўчқорак шакллари ҳам учрайди. Бундай ҳандасавий шакллар воҳада келин қоши, тўғри бурчакли йўл қаттиқ, панжарасимон узвлар –эрганак(тўсиқ, ўтов эшиги), қатор шохлар шакли – туғдонагул, оқ-қора йўл туморча, шахмат нусхаси эса ит изи деб аталади[9]. Бундан ташқари, воҳа қўнғиротлари гиламларидаги учбурчак, зинасимон ёки ромбси-

---

[1] Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. 2015 йил.

[2] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. Гулистон кўчаси. 2016 йил.

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани, 2010 йил.

[4] Бинафша Нодир. Ўзбекистон жанубий ҳудудидаги қўнғиротлар бадиий ҳунармандчилиги // San’at. 2013. – № 2. 18-бет.

[5] Учбурчак – чўққиси юқорига қараган бўлса у олов ва эркакликиютидоси; учи пастга қараган бўлса ғор, сув ва тоғлардан ошиш, ҳосилдорлик ва аёллик ибтидоси ҳисобланади.тенг томонли учбурчак эса илоҳлар, уйғунлик ва мутаносибликни ифодалайди. Қаранг: Новый энциклопедический словарь изобразительного искусства: WWW. Zardazan. Uvejournal. Com./ profile.

[6] Доира – ҳаракат, осмон, чексизлик, борлиқ, вақт, ҳимоя маъноларини ифодалайди. У олов, қаҳрамонлар, илоҳларга топиниш туйғуси билан уйғунлашиб кетади.

[7] Квадрат – тўрт асосий рамзлардан бири бўлиб, осмонга зид қўйилган ер рамзи, шунингдек, борлиқ ва кенглик рамзидир. Қаранг: Ўлмасов А. Жанубий Ўзбекистон қадимги меъморчилигида шакл ва бадиий образлар талқини // San’at., 2011. №4. 5 бет.

[8] Хакимов А., Гюль Э. Байсун. Атлас художественных ремесел. Ташкент, 2006. С. 153155.

[9] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани. 2009 йил.

мон шаклдаги ҳандасавий гулларни ҳам кўплаб учраши фикримиз далилидир. Шунингдек, Бойсун тоғи этагида яшовчи қўнғирот ва чиғатойлар *қулфи-калит*[1], *қўзи-тиши, майизгул, ханжар учи*[2], *қуроқгул*[3], *туморгул, балиқ кўз, иттовон*[4] деб аталувчи шакл-нақшлар туширилган босма кигиз, олача, касмалдақ, қоли (қолин) ва тақир гиламлар тўқишган[5].

*Тақир* гиламларда эса тасвирланган меҳроб кўпинча қўчқорак нақши билан қуршаб тўқилиб, меҳроблар, баъзан оддий зинадор ёки қўнғироқдор шаклда, олтибурчак, кўпбурчак билан айлантириб олинади. Улар гиламларнинг ўрта қисмида бир, икки ёки бир неча қаторда жойлашган бўлади. Бундай гиламлар Қашқадарё воҳасида "араби гилам", "арави гилам" "арава гилам" деб аталади[6]. Бугунги кунда Шаҳрисабз тумани қишлоқларида ҳам бундай гиламларни кўплаб тўқийдилар[7].

*Олача* гиламининг қоқма тури орқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёки ўрик ёғочидан ясалган 0,6-0,7м лик тўқув дастгоҳи (қилич) билан уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шундай ном билан аталади. Гулдор олача сербезаклиги билан қоқма ва касмалдақдан фарқланади.

Қўнғирот гиламдўзлигининг нақши уларнинг чорвадор аҳоли маданиятига мансублигидан дарак беради. Ғажари гиламлари нақшларидаги ҳандасавий ва ҳайвонот талқинидаги ана шундай мажмуа қўнғиротлар амалий санъатини тавсифлайди[8]. Бу нақшларда мумтоз бадиий чизгилар билан бир қаторда юксак дид, маҳорат ва истеъдод, ақлий теранлик ва зукколик ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, турли қадимий мумтоз нақшлар ўзида геометрик шакллар, математик ҳисоб-китоб, ҳайвонот ва наботот ола-

---

[1] *Қулфи-калит* бир-бирига қарама-қарши шаклда туширилган шоҳдор қўчқор калласини эслатувчи шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстга очиқ, душманга ёпиқлигини билдирувчи рамздир. Дала ёзувлари. Бойсун тумани. 2015 йил.

[2] *Ханжар учи* ва туморгул нақшлари гиламда учбурчак шаклда ўхшаб хонадон эгасини ёмон кўздан ҳимоялашга қаратилган.

[3] *Қуроқгул* – бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ эчкисининг бурма шоҳини эслатади. Бу безак гиламга келин-куёв бир-бири қўша қаришига ишора қилинади. Дала ёзувлари. Бойсун тумани. 2015 йил.

[4] *Иттовон* - гиламнинг тўрт бурчагида тўртда нўхатдек хол тушурилади. Чиллали келинчак ва туғилган ёш гўдакни ёмон кўздан асраш мақсадида қилинади. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Бойсун тумани. 2015 йил.

[5] Турсунов С., Рашидов Қ. – Бойсун.: Академнашр, 2011. – 245-бет.

[6] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани. 2009 йил.

[7] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани. 2016 йил.

[8] Гюль Э. Қўнғирот гиламлари... – Б.10.

мининг гўзалликларию ҳайратини, географик тасвирларни, расм чизиш санъатини ҳам мужассамлаштиради. Гиламдўз момолар ҳар бир нақшни рамзий маънода орзу-ўйларини ифодалаган ҳолда яратишган. Йил қурғоқчилик келганда ёмғир ёғишини кутиб, ёмғир томчиларини ифода этувчи нақшлар солинган. Урушга кетган акаси, отаси ёки ёрининг йўлига кўз тикиб интизор кутганлигининг ифодаси сифатида туташ-туташ йўлларни акс эттирувчи нақшлар туширилган. Ёки қўчқор шохига қараб бурам-бурам нақшлар солишган[1]. Оддий гиёҳларга қараб ҳам нақшлар ўйлаб топишиб уларни тўқиётган гиламларида акс эттирганлар. Бундай нақшларда биз инсон онгининг босқичма-босқич ривожланиш жараёнини кўришимиз мумкин. Демак, қадимдан ижодкорнинг илк илҳомчиси сифатида эътироф этилган она табиат гўзалликларидан ҳайрат ифодаси миллий гиламларда акс этгани бежиз эмас, албатта.

Қадимдан воҳаларда тўқиладиган ойгиламларда ой ва юлдузларнинг акси ифода этилган бўлиб, унда момоларнинг табиат мўъжизаларидан бири бўлган ой ва юлдузларга ҳайратининг ҳамда уларга нисбатан қандайдир бир ишонч туйғусининг ифодасидир. Кейинчалик ойгиламларга турли нақш ва шаклларнинг солиниши унинг қийматини бироз пасайтирди. Оқ шолнинг юз қисмига тикилган ой, юлдузларнинг акси табиий бўёқлар берилган ипакдан иборат бўлган ойгиламлар ҳозирда камдан-кам қилиниб, қадимги кўриниши бирозгина сақланиб қолинган[2].

Туркий халқлар каштачилигида қуёш тимсолини акс эттириш тарихий-анъанавий моҳият касб этиб, орзу-умид рамзи ва этнотарихий қадрият сифатида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётганлигини кўплаб археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Чунончи, афсоналарда қуёш ва ой бир-бирига қарама-қарши томонларнинг бирлашуви рамзи бўлиб, эр-хотин, аёл-эркак, ака-сингил, иссиқ-совуқ ҳамда олов ва сув тушунилган[3]. Бундан ташқари, туркий халқларда ой матриархат давридан аёллик ибтидоси сифатида тушунилган бўлса, Япония, Океания, яна бир қанча герман, Шимолий Америка ва Африка қабилаларида эркаклар ҳудоси ҳисобланган.

Будда динига эътиқод қилувчиларда ой гўзаллик ва хотиржамлик рамзи бўлса, Хитойда катта оила, фаровон ҳаёт, муҳаббат ва

---

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Яккабоғ, Чироқчи туманлари. 2010 йил.
[2] Муаллифнинг шахсий кузатуви. 20082013 йиллар.
[3] Новейшая энциклопедия символов и знаков. М.: издво. “Риполклассик”, 2008. – С. 27.

никоҳ рамзи саналган[1]. Ушбу анъаналарнинг ҳар бир тарихий давр ва маданиятлар ижобий қирраларини ўзида мужассам этиб, трансформациялашган шакли сақланиб келмоқда. Чунончи, соляр[2] ва астрал[3] мотивлар рамзлар ва белгилар сифатида ўзбек лақайлари каштачиларида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Кашталарнинг аксарияти марказий қисми қопланган доира шаклидаги безаклар қуёш ёки ой тимсолида акс эттирилади[4].

Каштачилик ҳунармандчиликнинг ёрқин намунаси сифатида уларда эстетик дунё ўз ифодасини топиш билан бирга диний ва дунёвий тасаввурлар ҳам мустаҳкам ўрин олган[5]. Кашталарда яна турли шакллар, фазовий жисмлар нақши, мева ва гуллар, шунингдек ҳайвонлар тасвири ҳам ўз ифодасини топган. Мутахассислар фикрича, каштадўзлик қадимдан ижтимоий-тарихий тараққиёт натижасида инсониятни ҳайвон терисидан кийим қилиб кийиб келаётган даврдан ривожланиб келган.

Халқ ҳунармандчилиги ҳар бир халқ маиший турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар давомида шаклланиб келган миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Археологик тадқиқотлар туфайли топилган ганч ва сополдан ясалган буюмлар, металл ва олтин безаклар, ранг-баранг тўқимачилик ва каштачилик буюмлари, тангалар, деворий санъат намуналарида тасвирланган жозибадор тимсолларда бутун бир маиший турмуш соҳаси (айрим одамлар ва турли жониворлар иштирокида ўтказилаётган маросимлар ва ҳаёт тасвири берилган паннолар) тасвирланган. Жумладан, қадимги Нахшаб кулоллари нафақат кулолчиликнинг асосий буюмлари – идиш товоқлардан ташқари кўплаб миқдордаги зооморф, антропоморф терракота ҳайкалчаларини ясаб, уларни кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланишган[6].

Қадимги Нахшабдан топилган ушбу терракота ҳайкалчалари илгариги замондаги ҳайкалчалардан ҳажмининг йириклиги ва унда ҳайвонларни тасвирлаш анъанаси борлиги билан ажралиб ту-

[1] Новейшая энциклопедия символов и знаков ...С.27.

[2] Соляр – қуёш акси туширилган кашталар.

[3] Астрал – юлдузлар акси туширилган кашталар.

[4] Назаров Н. Ўзбек-лақайлари этномаданий қирраларини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент. Наманган.”Акад. К. Шониёзов ўқишлари” туркумидаги IV Республика илмий-назарий конференция материаллари. 2007. 96-бет

[5] Каштачилик амалий безак санъати сифатида қиз-жувонларга қўл меҳнатининг мохирлик билан игна ва илмоқли бигизда гул ва нақшлар туширилган шаклидир.

[6] *Исомиддинов М. Ҳ., Ярқулов А. А* ларнинг “Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи (VIX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари). Тошкент,”Yanginashr”. 2014. 105бет.

ради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳайвонларнинг устига туширилган нақшлар, айниқса, учбурчак, доира, бир томони учли қилиб ишланган нақшлар, муқаддас илоннинг тасвирланиши мазмунан "ҳаёт дарахти"га яқин магик маънони англатса, ёш ўсимлик ниҳолларининг тасвири эса зардўштийлик билан боғлиқ анъаналар ҳаётда давом этиб келаётганлигини билдиради[1].

Ўзбекистон ҳудудидан топилган археологик ва этнографик топилмаларда акс этган тасвирлар ўша даврда мавжуд бўлган тотемизм ҳақида маълумот беради. Масалан, ҳунармандчилик буюмларида тасвирланган илон нафақат эзгулик ва ёвузлик ибтидоси рамзи, балки бойлик ва хазина соқчиси, хонадон ва оила ҳимоячиси ҳам ҳисобланган[2]. Илонларнинг жуфт тасвирлари эса қоя тошларидаги расмлар, тош ва металлдан ишланган турли буюмларда сақланиб қолган. Илонлар тасвири туширилган бурама кумуш билакузуклар кўплаб топилган. Билакузукларнинг илк шакллари икки илоннинг чирмашиб чиқиб, бир-бирига юзланиб турган шаклларидан иборат. Илонларнинг жуфт тасвири санъатда ўз маъносига эга бўлиб, балки улар инсон ҳаёти ибтидосининг эркак ва аёл жинсидан бошланганига ишорадир. Бу кумуш билакузуклар аёллар ва болаларнинг кўздан сақловчи воситалари бўлган бўлиши эҳтимолга яқинроқ. Хусусан, Ўзбекистон халқлари тарихи музейида тошдан ишланган ва икки илоннинг бурама шаклига эга тақасимон кўринишидаги амулет сақланмоқда[3].

Заргарлик буюмларида ишлатилган қимматбаҳо тошларнинг ҳар бири ўзига хос маъно касб этиб[4], шакл ва безаклар учун ислимий, геометрик, самовий махлуқот дунёси асос қилиб олинган бир-бирига ўхшамайдиган услубларни кўриш мумкин. Жумладан, Сурхондарё заргарлари аёлларнинг хапамат тақинчоғида анъанавий рамз ҳисобланмиш каури чиғаноқларининг қўлланиши ва улар орасида "жилан бош" деб номланувчи чиғаноқлар Ўрта Осиё халқларининг ўтмишда илонни муқаддас деб ҳисоблаш анъанаси билан боғликдир[5]. Сурхондарёда ҳозир ҳам кўз тегмасин, суқ кирмасин, ёвуз кучлардан асрасин деган ниятда болалар тўнининг орқасига илон тасвирини тикиб қўйишади[6].

---

[1] *Исомиддинов М.Ҳ,.Ярқулов, А.А* ларнинг "Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи....60бет.

[2] *Сирожиддинов Ш.* Дин ҳақида суҳбатлар // Ёшлик. №1.. 2008. 39-бет.

[3] Ўзбекистон халқлари тарихи музейи. Ивв  235.

[4] *Альмеева Д.* Бухорои шарифнинг заргарлик санъати // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №3, 9-бет.

[5] *Бинафша Нодир*. Хапамат ва гулбанд безаклари маънолари. // San'at. 2009. №1. 6бет.

[6] Дала ёзувлари. Бойсун тумани. 2011 йил.

Жанубий ҳудудлар аҳолиси орасида узоқ асрлар давомида ҳайвонларга алоҳида эътибор билан қаралган. Бу ҳудуд аҳолисининг ўзига хос хўжалик юритиш тарзи билан узвий алоқадорликда шаклланган. Баъзан амалий санъатда жонзотларнинг яхлит кўринишда кам тасвирланиши ва уларнинг аъзоларини кўпроқ учраши илоҳийлаштиришнинг сусайганлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қадимий санъатида табиат ва коинот кучлари рамзи буқа, оҳу, тоғ эчкиси образлари ҳам кенг қўлланилган. Шер тасвири эса қудрат ва мардлик тимсоли ҳисобланган. Шер (йўлбарс) образи қадимги Ўрта Шарқ ва Ҳиндистон меъморчилигида кенг тарқалган. Шер космогонияда – қуёш рамзи, ҳайвонот оламида эса йиртқичлар шоҳи ҳисобланган. Мажозий маънода уни ҳукмдорларга қиёслашади[1]. Ўлкада қадимдан хўроз, товус ва қирғовул, каптар, укки каби баъзи қушлар “қуёш қушлари”сифатида муқаддас ҳисобланган.  Қадимдан қуёш рамзи ҳисобланган ва ҳосилдорлик тушунчаси билан боғланган. Муқаддас куч бор деб ишонилган “қуёш” кушлари маҳсулдорлик, мўлкўлчилик худоси образи белгиси сифатида берилган деган ғоялар билан боғланган[2]. Бургут тасвири куч ва ҳокимиятни ифодаласа, қирғовул, товус, каптар ва какликлар кўпинча бахт, тинчлик, осойишталик ва ҳосилдорлик қуши сифатида тасвирланади. Шу ўринда туркий халқлар амалий санъати намуналарида учрайдиган Анқо (бошқача номи Ҳумо) қуши ҳам қадимдан оилани ҳимояловчи севимли тимсол сифатида яратувчи аёл зоти ва барака маъбудасини ифодалаган. Шунинг учун Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган даврида аёллар ўз тақинчоқларига қуш патлари ва тирноқларини қадаб юрганлар. Таъкидлаш жоизки, фақат бош кийими ва сочларни турмаклашда қўлланиладиган тўғноғич, заргарлик буюмларига қуш патлари қадаб юрилиши илоҳий кучлар билан боғланиш имконини беради деб тушунилган ва қаралган. Чунончи, бир тутам қуш пати доимо бош учун энг яхши безак саналганлиги боис бугунги кунгача жанубий воҳалар аҳолиси орасида қўлланилиб келмоқда. Қолаверса, бундай халқона қарашлар қадимдан одамларнинг ташқи кўринишида қушларга ўхшашга интилиш борлигидан далолат беради ва борлиқни ҳис қилиш, табиат белгиси рамзи сифатида ифодаланади. Айни ҳодиса инсониятнинг энг қадимги ди-

---

[1] *Ремпель Л.И.* Цепь времен..19бет.

[2] *Раппопорт Ю.А*. Хораземские астадан// СЭ. 1962, №4. С. 76.

ний эътиқоди билан ҳам бевосита боғлиқ[1]. Ўзбек заргарлик тақинчоқларида кўплаб қушлар тасвирининг ифодаланиши қадимдан халқ маънавий дунёқараши билан боғлиқлигига ҳам ишорадир.

*“Қуш,* - деб таъкидлайди Л. Ремпель, кишиларнинг борлиқни ва табиатни ҳис қилишини ўзига хос образли белгиси, рамзидир. Унда кишиларнинг ақлий ва руҳий олами, туйғулари, дунёқараши акс этади. Ҳар бир давр ва ҳар бир амалий санъат тури учун унинг ўзига хос бадиий шакли мавжуддир”[2]. Баъзи халқларнинг эътиқодларига кўра, инсон вафот этгандан сўнг қуш ўз қанотларида унинг руҳини осмонга олиб кетади (тоққа чиқиш йўли) ва қушлар марҳумлар руҳини осмонга олиб кетиш билан дунёга келадиган фарзандларнинг руҳини самодан олиб тушади (тоғдан тушиш йўли) деб тушунилади. Шунга кўра, лайлак одамларга фарзанд олиб келади деган ақида мавжуд ва у бевосита “олам шажараси” учлиги билан боғланган[3]. Яъни, бунга кўра, инсон шажарасининг “қуйи олами” (илдизлари) ҳашорат, қурт-қумурсқа, судралиб юрувчилар, “ўрта қисми” (танаси) одамлар билан ҳайвонот олами, “юқори қисми” (шох-шаббаси) эса қушлар дунёси ҳаёти билан боғлиқ дейилади.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг эътиқодига кўра, қушлар ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш билан бирга, эзгулик келтирувчи, фаровонлик бахш этиб, ёмонликларни даф этувчи қудратга эга. Шу боис, улар қушлар тимсолида ўзларининг турли эзгу ниятларини ифодалашган. Жумладан, заргарлар ўз ижодида қадим аждодларнинг оламни яратилиш қонуни борасидаги қарашларини инсон турмуш тарзи фалсафасининг инъикоси тарзида намоён қилади[4].

Заргарлар техник ва бадиий усуллар билан нишон ва халқалар илинган, баъзиларига асровчи рамзлар сифатида “тумор” ва турли ҳаракатларни ифодаловчи фантастик ҳайвонлар шакли осилган, занжир кўринишидаги кумуш бўйин тақинчоқларидан хўроз, капалак шаклидаги сирғалар, қурбақа шаклидаги узуклар ва ўйма нақшлар туширилган қуйма билакузукларни ҳам зўр маҳорат билан ясашган[5]. Қолаверса, Марказий Осиё халқ амалий санъа-

[1] *Борозна Н.Г.* Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – Москва., 1975. – С. 284.

[2] *Ремпель Л.И.* Цепь времен (Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии). – Ташкент. 1987. – С.31.

[3] *Богословская И.* Қорақалпоқ нақш санъатида зооморф унсурлар // San’at. 2009. № 2.16-бет.

[4] Жумладан, Самарқанд шаҳрида ҳозиргача келинлар тақадиган тиллақош тақинчоғида қуш патларини ишлатилиши уларнинг бахтли турмуш кечиришига ишорадир. Дала ёзувлари. Самарқанд шаҳри. 2016 йил.

[5] *Левтеева Л.* Дунган либослари ва тақинчоқлари // San’at. 2005. № 3–4. – Б. 20.

тида қурбақа тасвири ёмғир чақириш, бахт ва фаровонлик рамзи сифатида қадимдан қўлланиб келинган[1]. Меъморчиликда ҳайвон қушлар (грифон), қанотли шер (шер грифон), бургут грифон (қуш бошли йиртқич ҳайвон) шакллари, ҳайвон – ер рамзи, қуш осмонни ифодалаган[2]. Грифон ёвуз кучлар ва сеҳр-жодуга қарши тумор сифатида ҳам қўлланилган[3].

Бугун Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида турли ёшдаги хотин-қизлар безак сифатида тақиб юрадиган бундай шаклдаги тақинчоқларни кўплаб кўриш мумкин. Сурхон воҳаси заргарлари ясаган хапамат ва гулбанд тақинчоғини асосан турмушга чиққан аёллар тақиб юришган. Кўкрак ва бўйинга тақиладиган бу тақинчоқ безаклари аёлларни турли ёвуз кучлар ва кўз тегишидан асрайди, авлодини давом эттиришда саломатлигини ҳимоя қилади деб тушунилган[4]. Тақинчоқлар асосан турли рангдаги иплар ёрдамида бир-бирига тўқиб мунчоқ ҳосил қилинган. Хапамат тожикча “хафа” ва “банд” сўзларининг қўшилишидан олинган бўлиб, ғамқайғунинг йўлини тўсувчи, қайтарувчи маъноларини билдиради[5]. Хапаматнинг шакли унинг тайёрланиш техникаси билан боғлиқ бўлиб, ҳандасавий характерга эга ва унга оқ, қизил, сариқ, кўк, қора рангли турли мунчоқлар ипдан ўтказилиб, ромб, учбурчак, трапеция шакллар ҳосил қилинган. Ушбу ҳандасавий шакллар замирида инсониятнинг борлиқ тўғрисидаги мифологик тушунча ва тасаввурлари, дунёқарашини ўзида акс эттирадиган қадимий семантик маънолар ётади.

Тақинчоқларда учрайдиган учбурчак шакли илоҳий Умай она номи билан ҳам боғлиқдир. Қадимги туркларнинг тасаввурида ҳомий руҳлар орасида бу илоҳ алоҳида ўрин тутиб, у тириклик, туғилиш, оила қуриш, ўлим, фарзандлар ва оналар ҳомийси, ҳосилдорлик илоҳи тимсоли ҳисобланади. Учбурчак, барг, ой, тароқ, қайчи ва найзалар каби нақшлар ҳам она ернинг қизи, тангричилик эътиқодидаги асосий сиймолардан бири, қадимги туркий она илоҳа Умай билан алоқадордир. Бундан ташқари, Умай она яна

[1] *Ремпель Л.И.* Цепь времен.вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, 1987. – С. 37.

[2] *Ўлмасов А.* Жанубий Ўзбекистон қадимги меъморчилигида шакл ва бадиий образлар талқини // San’at. 2011. – №4. 5-бет.

[3] *Пугаченкова Г.А.* Грифон в античном и средневековом искусстве Средней Азии. – Ташкент, 1987. 70 – 84 бетлар.

[4] Дала ёзувлари. Бойсун тумани. 2015 йил.

[5] *Бинафша Нодир.* Хапамат ва гулбанд безаклари маънолари. // San’at. 2009. – № 1. – Б. 7.

барча туркий халқларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг ҳомийси ҳам ҳисобланиб, Умай сўзининг ўзи эса аёллик омилини англатади. Бу сўз ўз навбатида она қорнини ва ҳатто, кесиб олинган киндик ичакчаси маъносини беради[1]. Бундан ташқари, тадқиқотчилар чаён тасвири ҳам Она илоҳанинг образи билан боғлиқлигини айрим тадқиқотчилар айтиб ўтишади[2]. Кашталарда яна ўсимлик тасвирларнинг кўплиги ҳам Буюк онахудонинг бутун олам, шу жумладан, ўсимлик олами ва табиат ҳомийси сифатида тасвирланиши билан бирга уни эслатувчи анъанавий белгилар тароқ, камон, найза каби рамзларни кўплаб учратиш мумкин.

Гулбанд тақинчоғи ҳам қизил шодали мунчоқлардан ташкил топган бўлиб, уни қадимдан Сурхон воҳасида кўпроқ “қизилча” касалининг олдини олиш учун тақишган[3]. Чунки ўша пайтларда бу касалликдан кўплаб болалар нобуд бўлган. Шу боис ҳам воҳа аёллари уни оила бахти, осойишталигини ҳимоя қилувчи тумор сифатида ёшлик пайтидаёқ тақиб юришган. Қолаверса, тумор шунчаки ҳимоя тасаввури эмас, балки мақсадли равишда ривожлантирилган рамзий ғоя ҳамдир[4].

Жанубий ҳудудларнинг ҳунармандчилик соҳаларида кўп қўлланиладиган ромб шакли ҳам ҳосилдорлик рамзи ҳисобланади[5]. Нақшларда тасвирланган 12 илгакли ромблар ҳам тамға саналиб, 12 илгак 12 йилга ишора қилинади ва қадимги туркий халқлар маълум жонзот номи билан юритилган йил тақвимида нафақат кун, ой ва йиллар, балки мучал 12 йил ҳам ҳисобга олинган[6].

Заргарликда ишлатиладиган энг қадимги тасвирлардан яна бири инсон аъзоси ҳисобланган қўл ва бош тасвирларидир. Албатта, қадимда одамлар қўлни инсоннинг ишлаш қобилиятининг асоси деб билишган. Қўл шаклидаги туморлар насронийларда “Мариянинг қўллари”, мусулмонларда “Биби Фотиманинг қўллари”, бобилликларда “Иштарнинг қўллари”, қадимги мисрликларда эса “Исиданинг қўллари” деб аталган[7]. Бу шаклнинг берилиши киши-

---

[1] *ЛевиСтросс К.* Структурная антропология. Москва. 2001. – С. 266.

[2] *Потапов Л. П.* Умай божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. М. 1973. С. 6.

[3] Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Жарқўрғон тумани. 2009 йил.

[4] *Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale.* Uzbek Embroideries in the nomadic tradition. Minneapolis Institute of Arts. 2007.

[5] *Бинафша Нодир.* Хапамат ва гулбанд безаклари маънолари. // San’at. 2009. №1. 6бет..

[6] *Керимов Л.* Азербайджанский ковер. В 3х т. Т. III. Баку, 1983. С. 229.

[7] *Фахретдинова Д.* Кўрсатилган асар. – Б. 9.

ларни турли касалликлар, фарзандсизлик, кўз тегишидан асрайди ҳамда ислом динининг беш асоси (намоз, ҳаж, рўза, имон, закот) ни билдиради деб тушунилади. Айниқса, тўқимачиликда абрли матолар ичида адрасда тўқ кўк фондаги қуллар, турли рангдаги филларнинг қўлланилиши матога янада жозиба бағишлайди. Бундай эклектик манзаралар 1960 йилларда пайдо бўлиб, санъатшунослар уни "китч" тамойили дем номлашади[1].

Д. Фахретдинованинг таъкидлашича, тақинчоқ безак ашёларида ифодаланган бош тасвири ғунча, донга ўхшаш бўлганлиги боис, уни ҳаётнинг бошланиши, табиатнинг гуллаб-яшнаши рамзи деб ҳисоблаш мумкин. Тақинчоқлардаги қуёш, юлдуз сингари самовий жисмлар тасвири эса кишиларга мева инъом қиладиган табиат кучлари рамзи саналади[2].

Ўрта Осиёда ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани сингари қуёш шар ва доира шаклида тасаввур қилинган ҳамда шар, доира, юлдузлар ва бошқа осмон жисмлари тасвири билан ёнма-ён акс эттирилган. Кўпинча айлана ва шар шакли ромб ёки тўпбарггул шакллари билан бир жойда тасвирланади. Хусусан, Тошкент кашталари ҳам қизил, тўқ қизил ва оч қизил ранглари билан бошқа маҳаллий вилоятлар кашта-сўзаналари рангидан ўзининг локал хусусиятлари билан ажралиб туради[3]. Тошкентда палак* ва гулкўрпа номли икки хил кашта тури мавжуд бўлиб,[4] палак каштаси ипак ёки ип билан тикилиб, "ой палак", "тоғора палак", "юлдуз палак" каби нусхалари само жисмлари билан бойитилиб тасвирланган[5].

Ўтмишда кўчманчи қабилалар кашталарида осмон ёритгичларини, яъни юлдузлар ва қуёш мавзуси асосий мавзулардан бўлиб, уларнинг харитани яхши билиши, мавсумий кўчишларда юлдузларга қараб, тўғри йўл топишни талаб қилган[6]. Ўрта Осиёнинг барча халқлари кашталарида ҳам қуёш ва юлдуз рамзлари учраб, гуёки улар кишиларни осмон ўз ҳимоясига олганлиги ишорасига ўхшайди. Тангричиликнинг бош худоси Тангри (бошқа маъноси "Осмон"), адабий ва чексиз мовий осмон антропоморф қиёфага

[1] *Богословская И.* Кўк кийиклар, қизил филлар ёки Ўзбекистон тўқимачилигида китч тамойили // San'at. 2011. № 1. – Б. 25...

[2] *Фахретдинова Д.* Кўрсатилган асар. – Б. 9.

[3] *Абдуллаев Т. А.* Ремесла Узбекистана XIX – XX вв. Путеводитель. Т., Фан. 1976. с. 33.

* Палак сўзи арабча бўлиб, "фалак", яъни осмон маъносини билдиради. Тошкент ва Пскентда доирасимон безак ва юлдузлар билан безатилган кашта номи. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд кашталарининг безаги ҳам шу ном билан аталган.

[4] *Сухарева О. А.* Сузани. Среднеазиатская декоративная вышивка. М., 2006. – С. 133.

[5] Ўзбекистон амалий санъати... – Б. 20.

[6] *Гюль Э.* Лақай кашталари. // San'at. 2012. №3. 10бет.

эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам улар осмон жисмлари дериватлари тарзида тасвирланган. Жумладан, Қашқадарё араби гиламларида кўплаб ой, юлдуз сингари осмон жисмлари тасвирланиши исломгача бўлган даврдаги арабларнинг осмон жисмларига эътиқод қилишгани билан боғлиқ. Айниқса, воҳа араблари гиламдўзлигида "қизгилам" алоҳида ўрин тутиб, у ҳар бир оилада муқаддас ёдгорлик сифатида сақланиб келинади. Ушбу гилам ёш оилани ёмон кўз, суқ, яъни назардан асрайдиган муқаддас рамзлар билан безатилган. Хусусан, бу гиламларда эр-хотинни кўзда тутувчи икки қушнинг услублаштирилган шакли туширилган бўлиб, ушбу рамз бахтли турмуш ва авлодлар давомийлигини билдиради[1].

Ўз ўрнида қайд этиш керакки, бундай тасвирлар шомонларнинг ҳар бир атрибутларида учраб, ўзига хос рамзий маъноларга эга. Бунга кўра, шомонларнинг чилдирмаларига улар тушунчасидаги "олам модели"га мос суратлар, яъни, осмон ёрдамчиси бўлган руҳлар тасвири туширилади[2]. Чунки, шомон амалиётининг асосий мақсадларидан бири беморларни соғлигини сақлаш ва даволашдан иборат бўлиб, улар транс ҳолатига тушиш учун мазкур чилдирмалардан фойдаланишган. Жумладан, шомонликка эътиқод қилувчи нанай халқлари ҳам мато ёки қоғозларда осмон руҳлари ва илоҳларни ўрдак, илон ва бошқа қиёфаларда тасвирлаганлар. Шунингдек, кашталардаги "от тақаси изи"ни эслатувчи туташмаган доира кўринишидаги тасвирлар шомон тасаввурлари билан ҳам боғлиқ[3].

Ўсимликсимон нақшлар кам сонли мавзуларни қамраб олган бўлиб, асосан меъморчилик, кулолчилик, каштачилик ва гиламдўзликда кенг қўлланилган. Масалан, Суғд гиламлари, мато ва кийимларида ҳам айлана шаклидаги марваридлар ўртасида пахтагул тасвирлари кўплаб учрайди[4].

Ўсимлик барги қадимдан ҳаёт ва табиат уйғониши рамзи ҳисобланиб, қадимги Эронда ҳам бош кийимларга дарахт, барг тасвирини тушириш анъанага айланган[5]. Қашқадарё воҳасида ҳам аёллар томонидан тайёрланадиган ҳамён, бўғжома, бўғча, нимча, камзул, чопон, дўппи каби турли кийим ва буюмларда маълум маънони англатадиган нақшли кашталар тикилган. Масалан, қа-

[1] Дала ёзувлари. Косон шаҳри маҳаллалари. 2013 йил.

[2] *Смоляк А.В.* Шаман: личность, функции, мировоззрение(Народы Нижнего Амура). Москва, 1972.

[3] *Кармышева Б.* Локайские мапрачи и ильгичи // Сообщения Республиканского историко-краеведческого музея. Вып. 2. История и этнография. Сталинабад, 1955. – С. 149.

[4] *Суюнова Д.* Суғд аёлларининг либослари./ San'at. 2012. № 4. – Б. 5.

[5] *Лунеева В.* Ўзбекистонда бош кийимлари безаги тарихидан // San'at. 2005. № 3-4. – Б. 9.

лампир нақши – ёмон кўздан сақлаш, бодом – ризқ-рўз, очилган гуллар – меҳр-муҳаббат, ҳаёт рамзи, шохчали гуллар мажмуаси фаровон ҳаёт, анор – ризқ-рўз, барака, тўлқин чизиқлар сув йўлини, баъзида кўзача, қушлар, дарахтлар тасвирланган кашталар эса турмуш тарзини англатган[1].

Илмий тадқиқотларда анор рамзи кўп ўрганилган бўлиб, ривожланган деҳқончилик маданиятига хос удум ва маросимлар билан боғлиқдир. Чунончи, Шаҳрисабз ироқи кашталарида анор нақши бир неча хил кўринишда – шохчали анор, силлиқ, ёриқ, гажакли кичик нақшлар билан уйғунлашган ҳолда канва[2] матосига тикилган[3] ва бугунги кунгача қўлланилиб келинмоқда. Маълумки, зардуштийлик эътиқоди тасвирий санъатида ҳосилдорлик худоси Анахита ҳам қўлида анор шохчасини ушлаб турган ҳолда тасвирланган бўлиб, бу ҳолат анорнинг ҳосилдорлик рамзи саналишига ишорадир. Хитойликлар ҳам анорга алоҳида аҳамият беришган. Анор тасвири эркак авлодининг рамзларидан бири ҳисобланган (кўп дон – кўп фарзанд, кўп ўғил деб тушунилган; дон ва болалар – битта цзи иероглифида ифодаланган). Шунинг учун никоҳ тўйида келиннинг сепида анор тасвири туширилган соч тўғноғич бўлиши албатта, шарт саналган[4]. Рамзлар маъносидаги бу каби ўхшашлик қадим замонларда ушбу ҳудуддан Буюк ипак йўли ўтганлиги ҳамда мустаҳкам маданий ва этник алоқалар бўлганлиги билан боғлиқ. Анор дарахти Хитойда ўрта асрларда пайдо бўлганлиги кўзда тутилса, анор билан боғлиқ удумлар Марказий Осиёдан Хитойга ўтганлигини англатади. Шаҳрисабз кулолчилигида анор ва анор гули нақшининг турли кўринишларда кўплаб учраши унумдорлик,  ҳосилдорлик, яшнаш, фаровонлик, тўкин-сочинлик рамзини ифодалаган[5].

Кашталарда ўсимликсимон ислимий нақшлар, уларга қўшимча қушлар, ой, қуёш тасвири, гул, ғунча ва мураккаб комбинацияли нақшлар, шунингдек, ёмон кўздан асраш мақсадида пичоқ, қилич тасвирлари ҳам учрайди. Шу боис ҳам уй эгалари хонадонга кўз тегмаслик мақсадида кашталарни деворга осиб қўйишади ва қолаверса, бу кашталарнинг ўзи ҳам ҳимоя вазифасини бажарган[6].

[1] Дала ёзувлари, Шаҳрисабз тумани. 2007, 2009 йиллар.

[2] * Ҳозирда канва деб аталмиш бу мато қадимда бўронбой деб аталиб, махсус катакли мато ҳисобланган. Нақш чизма қандай бўлса, шундай тикилаверади. Агар катакли бўлса, жуда майин ва чиройли чиқади.

[3] *Лунеева В*. Ўзбекистонда бош кийимлари безаги тарихидан...9-бет.

[4] *Фахретдинова Д*. Кўрсатилган асар... 11-бет.

[5] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани, Оқсарой маҳалласи.  2016 йил.

[6] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2010 йил.

Ўзбек миллий сўзана, зардевор ва бошқа каштачилик буюмларида тасвирланган лола гуллар, жуфт қушлар, гуллар ўсиб чиқаётган новдалар ҳам ўзига хос локал семантик тасаввур билан боғлиқдир. Айниқса, сўзаналар келин-куёвлар хонаси – чимилдиққа яхши ниятлар билан, яъни ҳаёти бахт ва гулларга тўлиши, доимо жуфт-жуфт бўлиб юриши учун осиб қўйилган. Баъзан воҳаларда чимилдиқнинг ўзи ҳам каштали сўзаналардан тайёрланган. Сурхон воҳаси қўнғиротлари каштали бўғжомаларининг ўсимликсимон нақшлар билан безатилиши ҳам тинч ва тотув ҳаётдан дарак бериш ҳиссини уйғотган[1].

Шаҳрисабз "ироқи" нусха кашталалари матога сидирғасига бирон жойи очиқ қолдирмасдан нақшларнинг (гилам нусха шаклида) жойлаштирилиши кузатилса, Сурхондарё кашталарида эса тўқ қизил ёки сариқ рангдаги сатинларга кетма-кет жойлаштирилган доиралар, ёрқин рангли нақшлар безатилганлиги билан ажралиб туради. Бухоро кашталарига енгил майин гулли шохча ва доира шакллари туширилса, Нурота кашталари эса ислимий нақшлари билан локал аҳамият касб этган. Шу нарсага эътибор қаратиш керакки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилигининг тўқувчилик (асосан мато тайёрлаш), каштадўзлик, кулолчилик, гиламдўзлик ва бошқа соҳаларида турли хил рангларнинг қўлланилиши ҳам ўзига хос бўлиб, маълум рамзий маъноларни ҳам англатади. Жумладан, Шаҳрисабз кашталарида кўк мовий, сариқ, қизил рангларнинг уйғунлиги табиатнинг уйғониш жараёнини ифодалайди[2]. Сурхон кашталари асосан ёрқин сариқ, кўк, қизил, чучмома ранглардан ташкил топган бўлиб, таглиги рангли ип матога "босма", "кандахиёл" чокларида кашта тикишган. Халқ қарашларига кўра, қизил ранг ёшлик ва фаровон ҳаётни, яшил ранг ислом ва баҳорни. Яъни қайта уйғониш даври белгисини билдиради. Каштадўзлар кашталарда гулихафтранг (етти рангдан иборат камалаксимон ранг), гули-сафсар, гултожихўроз, нилуфаргул барги[3] (коинот – қуёш рамзи), зомуча (тўп) гул, рафида гулларини акс эттиришган[4]. Айниқса, жанубий ҳудудларга хос ранг-баранг тасвирли гилам ва палос (шолча)ларда қизил ранг устун бўлиб, ҳаётнинг давомийлигини ифодалаган.

[1] Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори ...Б.8.

[2] Гюль Э. Ўзбекистон бадиий тўқимачилигида ранглар жилоси // San'at. 2008. №34. 23бет.

[3] Нилуфар барги – мисрликларда ёруғлик ва муҳаббат рамзи сифатида эътироф этилади. Қаранг: Померанцева Н.А. Поэтика лотоса в Древнем Египете // Сообщение ГМИНВ. Вып. 9. М, 1977. 96бет.

[4] Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори ...Б.8-бет.

Ҳунармандчилик буюмларидаги тасвирларда акс эттирилган ойнинг ўроқсимон шакли, ҳайвонат олами билан қуёш айланаси эса ер, ўсимлик ва инсоният дунёси билан боғланганлигини билдиради. Қолаверса, бу семантик рамзларда халқнинг мафкураси, юксак маънавияти, асрий анъаналар, урф-одат, турмуш тарзи, хўжалик фаолияти, диний ва дунёвий дунёқараши ҳам акс этиб, ўтган аждодларнинг ўлмас меросига асосланади. Айниқса, нақшлардаги зооморф нақшлар қадимги халқларнинг эътиқоди, диний тасаввури билан боғлиқ рамзий маъноларни акс эттирган. Гарчи XX аср бошларидаёқ кўпгина нақшлар маъноси унутилган бўлса-да, уларнинг бир қисми ҳозир ҳам ёвуз кучлардан ҳимояловчи рамз сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Қашқадарё воҳасининг кулолчилик соҳасида сирланмаган сопол буюмларига бўрттириб нақш бериш кенг тарқалган. Улар асосан зооморф нақшлар, кўзойнаксимон илон, аёл кўкраги, қўчқор шохи каби тасвирлар кўп учрайди. Хусусан, XVIII аср охири – XX аср бошларида Қаршида ишлаб чиқарилган кулолчилик буюмлари орасида оқ ялтироқ кўринишидаги қоплама билан сирланган хумларда “юлдуз гул”, “баҳор” новдаси, пахта чаноғи шакллари туширилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, воҳада кулолчиликнинг ривожланиши учун алоҳида хол-хол тарзидаги сирли сопол нақш сифатида қўлланила бошланди. Нақшларда геометрик, услубийлашган ўсимлик эпиграфик мотивлар ажралмас ҳолда ривожланади[1]. Жумладан, Шаҳрисабз кулолчилиги буюмларида геометрик нақшлар билан бирга ўсимликсимон зулфак, сергул кўплаб кузатилса, Бухоро, Ғиждувон кулолчилигида эса жийдагул, чертак, бўтагул, бодомча гулли нақшлар, Каттақўрғонда панжагул, қалам-чиндаста, шона, чашмик, булбул нақшлар учрайди.

Бугун бизгача етиб келган ҳунармандчилик соҳалари ўзининг анъанавий ишлаб чиқариш услуби ва санъатини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан ва шакл жиҳатдан анча ўзгарган. Халқ амалий безак санъатида тасвирланган нақшларда маълум этнос вакилларининг эстетик дунёси ифодаланиши билан бирга дунёвий ва замонавий тасаввурлар ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Ҳунармандчилик буюмларидаги нақшлар жамиятнинг барча қатламлари учун хос маънавий олам ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб туради. Бундай семантик рамз, тимсолларни бугун ўзбек ҳунармандчилигининг барча соҳаларида акс этган-

[1] Пугаченкова Г.А. Очиқ осмон остидаги музей. Т. 1981. 15-бет.

лигини ислом анъаналари, шунингдек, миллий маданий-тарихий жараённи кўрсатиб турувчи абадий манба бўлиб қолади. Умуман олганда, жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилиги семантикаси ва семиотикасини тадқиқ этиш кишилар дунёқараши, диний эътиқоди ва тасаввурлари билан боғлиқ анъана, урф-одат ва маросимлар моҳиятини англашда ёрдам беради ва айрим удумларни маданий мерос сифатида қайта тиклашга кўмаклашади.

## 5.2. Халқ ҳунармандчилиги анъаналари ва уста-шогирд муносабатлари

Шаркда қадимдан турли хил ҳунармандчилик бирлашма, цех[1] ва артеллар мавжуд бўлиб, улар диний, иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий томондан тартибга солиниб туриладиган жуда камёб ва нодир қўлёзма ҳуқуқидаги махсус ҳужжат – рисолаларига[2] эга бўлган. Рисолаларда ҳунармандчиликнинг турли соҳаларига оид аҳлоқий, хуқуқий ва ижтимоий нормалар шариат қонунларига асосланган ҳолда баён этилган. Шунингдек, уларда ҳунармандчиликнинг технологик жараёнлари, маҳсулот турлари ва сифати, меҳнат қуроллари ва соҳага оид турли хил урф-одат, удум ва маросимлар кенг ёритилган. Бундан ташқари, рисолалардаги ривоят ва ибратли матнлардан шогирдларни тарбиялаш, ҳунармандларнинг ўзаро муносабатлари, устоз-шогирд анъаналарини тартибга солиш, жамоа муносабатлари нормаларини аниқлаш мақсадида ҳам фойдаланилган. Рисола, ўз мазмун ва моҳиятига кўра, ҳар бир ҳунармандчилик турида мавжуд бўлган касбнинг ёки ҳунарнинг Низоми, трактати, яъни, асосий қонун-қоидалар битилган ягона ҳужжат ҳисобланади.

[1] Цех – (нем цех) феодал жамиятли шаҳарларда майда иқтисодий мустақил ишлаб чиқарувчилар ҳисобланган. Ҳунармандчилик соҳаси бирлашмасидир. Цехлар Ғарбий Европа шаҳарларида ривожланган. Цехлар XIXII асрларда Франция қироллиги, Германия, Англия (Италияда илгарироқ) вужудга келган бўлиб, 13-14 асрларда тўла шаклланган. Бу вақтда Ғарбий Европа турли соҳа ҳунармандлари бирлашган (тўқувчилар, этикчилар, мато тайёрловчилар, мато бўёвчилар, кўнчилар, металлдан турли хил буюм ясовчилар, дурадгорлар, нонвойлар, қассоблар). Цех бирлашмалари СССРда 1917 йилдан бошлаб тугатилган.

[2] Рисола арабча сўз бўлиб, “хат”, “нозил этилган”, “тарғибот”, “ҳунармандчиликка бағишланган асар маъносини англатади (Гаврилов М. Рисоля сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. – С.1.; Самарканд и Ташкент. М.: изд., “Рисоля”. 1922. С.9). кенгроқ қаранг: Комаров П.А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости, №45. Ташкент, 1901.; Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. Ташкент, 1912.; Он же. О ремесленных цехах Средней Азии и их статусах-рисола // Изв. Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. III. Ташкент, 1928. С. 223-241.; Сухарева О.А. Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока., Москва, 1984. С. 201-215.; Андреев М.С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатскиз древних цехов и цеховых сказаний (рисаля) // Этнография. 1927. С. 2, 323-326.

Азалдан ўзбекларда ҳар бир соҳа ҳунармандлари ўзининг муайян ижтимоий ташкилот (бирлашма)ларига эга бўлган. Ҳунармандчилик уюшмалари маҳаллий аҳоли орасида “касаба” [1] деб юритилиб, ўзига хос ички бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутган[2]. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёда бундай ҳунармандчилик уюшмалари X асрлардаёқ мавжуд бўлган[3]. Хоразмда касаба аъзолари “улпагарлар” дейилган[4].

Бундай касаба уюшмаларининг пайдо бўлишига йирик ҳунарманд – савдогарлар ҳам сабаб бўлиб, улар асосан четдан рақобатчининг пайдо бўлишини ҳохламаганликлари учун уюшмаларда бир қанча уста-ҳунармандларга бош бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Уюшмада маҳсулот ишлаб чиқарувчилар асосан уста, ёлланма уста ва шогирдлардан иборат бўлган.

Ҳунармандчилик устахоналари асосан, ҳунармандларнинг ўзлари яшайдиган маҳалла-гузарларда жойлашган[5] ва шунингдек, бозор ёки савдо-расталарига яқин жойлашган алоҳида дўкон ва устахоналарига эга уюшмалар ҳам мавжуд бўлган.

Бундан ташқари, ҳунармандчилик уюшмаларида унинг аъзолари томонидан йиғилган пул ҳисобига қурилган касаба уйи – тақия[6] мавжуд бўлиб, унинг яшаш хонаси – ҳужралар ва чойхонадан иборат бўлган. Тақияда вақтинчалик бошпаналар ҳам мавжуд бўлиб, шаҳарга иш излаб келган ёлланма усталар яшаган. Шунингдек, тақия уюшма клуби вазифасини ҳам бажариб, у ерда ишчилар ва ҳунармандлар ҳордиқ чиқарганлар[7]. Умуман олганда, тақия ҳунармандларнинг бирлашмаси, уюшмаси сифатида ҳунармандларга ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий ёрдам, кўмак берадиган ташкилот ҳам ҳисобланган[8]. Юқори малакали ёлланма усталар тақияда эмас, бош устанинг уйида яшаганлар. Россия империяси истилосидан кейин тақиялар кераксиз анъаналар сифатида қаттиқ қораланиб, уларнинг сони анча қисқариб кетган.

Ҳунармандчилик уюшмалари қуйидаги тартибда: бобо (кулолчилик, тўқимачилик, нонвойчилик, отбоқарларда ва б.), оқсоқол

[1] Касаба – эга бўлмоқ, ортирмоқ, сотиб олмоқ, ишлаб топмоқ маъноларини билдиради. Бундан цехнинг ва касбнинг умумий номи косиб сўзи келиб чиққан.

[2] Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии.-М-Л.:АН СССР,1959.с.311

[3] История народов Узбекистана. - Т., 1950. Т.I. С. 224.

[4] *Тураева С.Р.* XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ҳунармандчилиги тарихи. Тарих фанлари ном. дараж. олиш учун ёзилаган дисс. – Т, 2010. - 139-бет.

[5] Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар.Т.,1998. Б. 172.

[6] Тақия – у “қўллаб-қувватлаш”, “таянч, бошпана”, “дам олиш жойи” деган маъноларни англатиб, одатда кўпгина ёлланма ишчиларга эга бўлган уюшмаларда мавжуд бўлган.

[7] *Пешерева Е.М.* Кўрсатилган асар..с.327

[8] Такия ремесленников /Туркестанские ведомости. 1910. № 62. С.570.

ёки ғолиб (темирчилик, дурадгорлик, кўнчилик ва б.), устакор, яъни, устахона эгаси ва унинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, кейин халфалар[1] ва ундан кейин шогирд[2]лар турган.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари сингари Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида ҳам муайян товарлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахслар номига “фуруш[3]” сўзи қўшилиб айтилган. Улар чойфуруш, кигизфуруш, қандалотфуруш, супургифуруш, рўянфуруш, ёғочфуруш, чопонфуруш, тандирфуруш, совунфуруш, маҳсифуруш, этикфуруш ва бошқа кабилар мансуб бўлиб, ушбу фаолият билан машғул шахслар ҳам ўз рисолаларига эга бўлишган.

Қаршида касаба ишлари билан шуғулланувчи бошлиқ “бобо”, яъни “катта бобо” деб аталган. У обрўли ҳунармандлар орасидан сайланган ва кўп ҳолларда умрининг охиригача шу лавозимда турган[4]. Бобо лавозими XX аср бошларигача сақланиб қолган. Бошқа бир қатор ҳунармандчилик турлари, жумладан, темирчилик, дегрезлик, мисгарлик, ўймакорлик, кўнчилик ва бошқа касаба бошлиқлари оқсоқол ёки ғолиб деб ҳам номланган[5]. Ўрта Осиё ҳунармандчилик бирлашмаларига хос оқсоқол лавозими Туркиянинг цех корпорацияларида оға-уста[6] номи билан юритилган[7].

Шаҳрисабзда металлга ишлов берувчиларнинг бошлиғи, яъни ғолиб, нафақат шаҳрисабзлик, балки, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманлари ҳамда дашт, чўл ва қишлоқлари темирчиларининг ҳам бошлиғи саналган[8].

Кекса ҳунармандларнинг эслашларича, “Катта бобо” бир неча цехларнинг бошлиғи сифатида Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва

[1] Халфа – четдан келган ёлланма ишчилар халфа деб номланган. Уларнинг шогирдлардан фарқи шундаки, халфалар асосан шогирдликдан юқори даражага кўтарилган уста ҳунармандлар бўлиб, ўзларининг устахоналарига эга бўлмаганликлари учун ҳунармандчилик уюшмаларида ёлланиб ишлаганлар (улар кўпинча ўз усталари қўлида меҳнат қилган ва иш хақи олишган (Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти. Шеробод тумани. 2009 йил).

[2] Шогирд-ўрганувчи, халфа, издош. Бирор уста, мутахассиси ёки олимдан ҳунар, касб, билим ўрганаётган шахс. Бирор кимсанинг иши ёки таълимотининг тарафдори, уни давом эттирувчи. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV- жилд. Тошкент:. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2007. 590-бет.

[3] Фуруш – сотувчи; сотиш, пуллаш маъноларини билдиради.

[4] Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки) .- Т., 1958. с.100-107; Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX - начале XXв. // КСИЭ. Вып. XXXIII. 1960. М., с.41.

[5] ПešероваЕ.М. кўрсатилган асар....316-бет.

[6] Гарбузова В.С. Эвлия Челеби о стамбульских ювелирах XVII в // Труды отдела истории культуры и искусства Востака. Т. III. - Л., 1940. - С. 314-324.

[7] Пешерова Е.М. кўрсатилган асар....316-бет

[8] Ўша ерда.

Чироқчи кулолларига ҳам бош бўлган[1] ва энг сўнгги кекса бобо Шаҳрисабзда яшаган. Бобо сайланаётганда цехга йиғилганлар 20 та лали ( шевага хос сўз, бист лали – катта лаган, паднос – С. Д.) да турли хил ширинлик, тортиқ ва матолар олиб келишган[2]. Катта усталар бу лалилардаги ширинликларни оғалиқ (Шаҳрисабзда оғалиқ, Қаршида оғалуқ)га олиб бориб, унга катта бобони сайлаганликлари ҳақида ҳисобот берганлар. Оғалиқ уларни қабул қилган ва меҳмон қилиб сайланган бобога халат, чопон кийдирилган. Оғалиқ эса катта бобо сайлангани ҳақида амирга хат ёзган ёки шахсан етказган. Амир эса сайланган катта бобо учун, у мансуб бўлган ҳунармандчилик турини эътиборга олиб, махсус ёрлиқ юборган. Ушбу ёрлиқ оғалиқ томонидан бобога етказилган. Ўз навбатида оғалиқ ҳам халқнинг энг сара вакилларидан сайланган бўлиб, бу вакил халқ тарафдорларидан бўлиши керак бўлган.

Бобо цехлардаги барча ечилиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этган, бироқ катта усталарни ўз жойларига тайинлаш учун эса доимо оғалиқ билан маслаҳатлашган.

Бухоро заргарларида боболар кўплаб уста ва ишчилар, яъни луччаконлар – камбағал, қашшоқ ва бева-бечоралар бор цехларда юқори лавозимни эгаллаган. Бухоро боболарини туманлардаги цехларнинг бошлиқларисиз сайлаганлар ва уни қози калон (олий судья)га тақдим этганлар. Қози амирдан шаҳодатнома олгандан кейин сайланган бобонинг номига хат юборган[3]. Марказий Осиёда бобо мансаби ва умуман ҳунармандларнинг бошлиқлари тўғрисидаги маълумотлар Восифий (XVI аср)нинг эсдаликларида ҳам келтирилган. Унда, жумладан, Шоҳрухиядаги тикувчи уста Хусрав номига битилган Мовароуннаҳр фахрий ёрлиғи, яъни Нишоннинг таржима варианти келтирилган[4].

XIX аср охири – XX бошларида ўлка худудида мавжуд бўлган барча ҳунармандчилик бирлашмалари асрлар давомида шаклланиб келган урф-одат ва маросимларига эга бўлиб, ўз олдига ягона мақсад – ҳунармандлар манфаатлари ҳамда уларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш йўли орқали ҳимоя этишни қўйган. Жумладан, Қашқадарё воҳасида кулолчилик ва тўқимачилик устахоналарида бобо ва оқсоқол лавозими мавжуд бўлиб, улар уста-ҳунармандлар орасидан сайланган.

---

[1] Дала ёзувлари. Шаҳрисабз тумани. 2010 йил.

[2] Бу ҳадя Ценкернинг айтишича, соврин деб аталган. Қаранг: Zenker J.. Dictionnare turc-arab-persian. Leipzig, 1886, p. 494.

[3] Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX - начале XXв. // КСИЭ. Вып.XXXIII. 1960. М., С.41.

[4] Больдерев А.Н. Зайниддин Васифи –Сталинобод, 1957.

Бобо ёки оқсоқолни сайлашда уюшманинг барча аъзолари иштирок этганлар. Оқсоқолликка тайинланувчи устанинг ёши аҳамият касб этмаган ва у умр бўйи шу лавозимда қолмаслиги ҳам мумкин бўлган. Оқсоқол уюшма аъзоларининг норозилиги билан лавозимидан четлаштирилиши ёки бобо ўлимидан кейин унинг ўрнига бошқа сайланиши ҳам мумкин бўлган. Заргарларда уюшма бошлиқлари саркор деб номланган ва улар кўпинча сарой амалдорлари орасидан тайинланган[1]. Рус маъмурлари бу лавозимни уй ҳунармандчилигидаги "даллол" деб аташган[2].

Шунингдек, бобонинг мажбуриятларига маҳаллий деҳқон ва ҳунармандлар ўртасидаги муносабатларни олиб бориш ҳам кирган. Асосан тўй, оилавий маросим ва байрамларни ўтказиш, ташкиллаштириш ва унда қишлоқ аҳолиси иштирокини таъминлаш учун ҳам бобога махсус киши орқали таклифнома юборилган. У тўй эгаси номидан бобога 15-20 тача одам билан бирга келишини айтган. Таъкидлаш керакки, ҳунармандчиликка оид анъана, урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги аждодлар культи *(нуфузи)* билан боғлиқ бўлган.

Ҳунармандчилик уюшмалари қошида бобо ва оқсоқол турган бўлиб, бирлашма фаолияти юқорида таъкидланганидек, рисола асосида амалга оширилган. Рисолада уста ва шогирд мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра уста ўз шогирдига шариат, тариқат илмидан сабоқ бериши, уни тарбиялаши, ўз ҳунарини пухта ўргатиши лозим бўлган. Шогирдлар эса ўз мажбуриятига кўра устозини ҳурмат қилиши, унга самимий муносабатда бўлиши ва унинг рухсатисиз устахонани тарк этмаслиги керак бўлган[3].

Маълумки, боболар уюшма аъзолари олдида ҳунармандчилик соҳасининг пири номидан иш тутган. У шогирдларни усталикка қабул қилишда фотиҳа берган, уюшма устаси қилиб қабул қилиш ҳам фақат бобо томонидан ҳал этилган. Бобонинг қўл остида уюшманинг барча халифалари бириккан бўлиб, улар деярли бобонинг уйида яшашган. Бобо оқсоқол ва халфалар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилган, ёрдамга муҳтож ёки бемор халфаларни қўллаб-қувватлаган. Баъзи бир боболар бой-бадавлат бўлиб, на-

[1] Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX- начала XX века.-Т.,1962. с.54

[2] Несколько словь о кустарных промыслах в Туркестань //Турк. Вед. 1894. №41. с. 152.

[3] Атаджанова Д. Рисола – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла // O'zbekiston tarixi.T., 2005. №2. С.82.

фақат ўз уюшмасида, балки бошқа ҳунармандчилик уюшмалари аъзолари орасида ҳам ҳурматга эга бўлган. Бошқа ночор аҳволда бўлган касаба бошлиқларига ёрдам берганлар. Ҳатто, ишчи кучига муҳтож бўлган уюшмаларга вақти-вақти билан ишчилар жўнатилиб турилган. Баъзи ҳолларда боболар халфа ва устахона бошлиқлари орасидаги келишмовчиликларни ҳам бартараф этишда ёрдам берган. Бобо бу муаммоларни ўз пойкори[1] орқали ҳал этган. Улар хизматлари учун келиша олмаётган ҳар иккала томондан ҳам икки тангадан ундириб олишган. Вазият аниқланиб, келишмовчилик устахона бошлиғи зарарига ҳал этилган, баъзида устахона бир неча кунга ёпиб ҳам қўйилган.

Бобонинг қўл остида нафақат ҳунармандлар, балки савдогарлар ҳам бириккан бўлиб, касаба бошлиғи, пирлар ўринбосарлари сифатида уюшма фаолияти тугаган вақтгача мавжуд бўлган. Масалан, тўқимачилик устахоналарида матоларга берилган буюртмалар фақат бобо орқали олинган. Юқори табақа вакиллари ўз буюртмаларини боболарга етказган ва тайёр маҳсулот ҳам олдин унинг кўригидан ўтиб, сўнг буюртмачига етказиб берилган.

Оқсоқоллар уюшма назоратидан ташқари, бозор билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланганлар. Улар маҳсулот сифатини назорат қилган ҳамда ушбу маҳсулот сифатига яраша сотилишини таъминлаган. Оқсоқол иштирокида алоҳида усталар билан буюртмага оғзаки шартномалар тузилган. Ўз хизмати учун оқсоқоллар йилига тўрт марта бир бозор кунининг бутун фойдаси ҳисобига хақ олган. Алоҳида олинган бундай кунлардаги даромад қаттиқ назорат қилинган.

Кейинчалик йирик шаҳарларда бобо бошқаруви йўқолиб борган ва уларнинг ўрнини оқсоқол, саркор ва ғолиблар эгаллаган[2]. Улар ҳукумат ва ҳунармандлар орасидаги воситачи ҳисобланиб, баъзан "софдил даллол" сифатида уларнинг савдо ишларида ҳам иштирок этган[3]. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, оқсоқол цехнинг малакали ва "мўйсафид" (қария, оқсоч, оқсоқол)ларидан бири ҳисобланган. Оқсоқол ёки ишбошчи (саркор)лар бугунги кунгача алоҳида ҳунармандлар гуруҳларида мавжуд бўлиб, битта умумий

[1] Пойкор – бобонинг хизматида бўлган юқори табақа аҳлидан тайинланган ёш хизматчи бўлган. У бобонинг барча топшириқларини бажариб, ёлланма ишчиларни ишдан бўшатиш, уста керак бўлган устахоналарга ишчиларни жойлаштириш каби ишлар билан шуғулланган.

[2] Пешерева Е.М. Кўрсатилган асар... 317-бет.

[3] Бухоронинг Вобкент тумани оқсоқоли роли ҳақида қаранг. Современ. Кишлак Ср. Азии. – Стр. 141.

машғулот остида бирлашиб, маъмурий-ташкилий ишларни бажарган. Шунингдек, улар Ўрта Осиё ҳунармандчилик цехларида маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш, бу ҳаракатларни бирдек ушлаш, цех аъзоларини тузиш ёки улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар сони, миқдорини чегаралайдиган иш юритувчидир. Айниқса, ҳунармандлар оқсоқолларга шариат қоидаларини яхши билган ва унга амал қилувчи, ўтмиш аждодлар васиятларининг ҳимоячиси сифатида қарашган.

Қашқадарё воҳасида мавжуд ҳунармандчилик турларининг бошқарув тартиби жамият бошқарувининг маълум бир соҳадаги содда идора қилиш усулига асосланган бўлиб, у асрлар давомида такомиллашиб, давр руҳига мослашиб борган. Россия босқини натижасида воҳага капиталистик муносабатларининг кириб келиши, ҳунармандчилик корхоналарининг йириклашуви, товар-пул муносабатларининг аҳоли ҳаётида катта ўрин эгаллаши ҳунармандларнинг идора усулини маълум бир ўзгаришларга олиб келган. Ўз навбатида, шу вақтгача амал қилиб келган бобо ва оқсоқол хизматига бўлган эҳтиёжнинг камайиб бориши, шогирдларга ҳунар ўргатиш учун маълум миқдорда ҳақ олина бошланиши, усталарнинг кўплаб масалаларни шаҳар, уезд маъмурияти билан якка тартибда ҳал қилишга одатланиши юқоридаги талаблар аста-секин издан чиқишига сабаб бўлди. Шунга қарамай, ҳунармандларнинг ўзини-ўзи бошқариш тартиби ўлканинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳунармандчилик соҳаларининг сақланиб қолиши ва бизгача етиб келишига хизмат қилди.

Корхона бошлиғи уста (устоз[1])деб юритилиб, унинг қўл остида бир неча халфа ва шогирдлар касб-ҳунар ўрганишган[2]. Одатда, шогирдлардан ёрдамчи ишчи кучи сифатида корхонадан ташқари, уй хўжалигида ҳам кенг фойдаланилган. Малакали усталар ҳар кимни шогирдликка олавермас ёки шогирдликдан халфаликка кўтармас эдилар. Масалан, ўша даврнинг таниқли хаттот ёки наққош, заргар ва зардўзлари фақат бой хонадон фарзандлари шогирдликка олинган. Шу боис ҳам ҳунармандлар шаҳарнинг юқори табақасига мансуб маданиятли кишилар ҳисобланган.

Е. Пешерова бир қатор тадқиқотчиларнинг халфа атамасига берган изоҳига қўшилмаган ҳолда, манбаларни таҳлил этар экан,

[1] Устоз-муаллим, ўргатувчи, уста. Касб, ҳунар, илм ва шу кабиларни ўргатувчи, ўқитувчи. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV- жилд. Тошкент:. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент:. Ўзбекистон, 2007. – Б. 302.

[2] Ўзбекистон Республикаси .Энциклопедия. – Т., 1997. – Б. 138.

халфа – бу шогирд эмас, балки бошқалардан фарқли ўларок, ёлланма ишчидир, деган тўхтамга келган. Унинг фикрича, халфа келишилган иш ҳақи эвазига ёлланиб ишлайдиган ишчидир[1]. Бундан кўриниб турганидек, халфа – шогирдлик даражасидан юқори кўтарилган ҳунарманд бўлиб, ўз устаси ёки бошқа усталарга ёлланиб меҳнат қилишган. Агар уларнинг мустақил иш бошлашга етарли маблағи бўлса, дўкон очиб фаолият кўрсатган ва баъзан халфалар ўз усталардан қарз олиб, қарздор ҳам бўлиб қолган[2]. Чунончи, Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари каби Бухорода ҳам халфаларга бўнак(аванс) ва пиндик (фоиз)сиз қарз бериш удуми мавжуд бўлган. Қарздор халфа бошқа устахонага ўтиши таъқиқланган. Фақат бошқа устахона эгаси унинг қарзини узиб, ўз устахонасига ишга ўтказиши мумкин бўлган.

Бўнак кўп сонли ёлланма ишчи кучи керак бўлган уюшмаларда, асосан этикдўзлар, тўқимачилик устахоналарида ва қисман кулолчиликда ҳам мавжуд бўлган. Бу анъана мисгар, заргар ва зардўзларда учрамаганлиги боис уларда халфалар деярли бўлмаган.

XIX аср охирларида ёлланиб ишлайдиган халфаларнинг иш ҳақи кам бўлишига қарамай (10, 20, 40 копееккача бўлган), уларнинг йиллик даромадлари умумий ҳисобда 25 рублдан 90 рублгачани ташкил этган[3]. Унинг шогирддан фарқи шундаки, у анча эркин бўлган, иккинчидан, уста билан келишувга мувофиқ иш ҳақи олган. Халфа истаган пайтида ўз устасидан кетиб ишлаши, бошқа устага ёлланиши ёки агар қурби етса алоҳида устахона очиши мумкин бўлган[4].

Ҳунармандчилик уюшмалари аъзоларининг қуйи табақаси вакили шогирд бўлиб, маълум бир ҳунарни эгаллаш учун шу ҳунар соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳунармандга шогирд тушган шахс ҳисобланади. Шогирдликка қабул қилиш томонларнинг ўзаро келишуви натижасида амалга оширилган[5]. Шогирдга уста дастлабки йилларда ҳеч қандай ҳақ тўламаган, лекин озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан таъминлаб турган. Шогирдлар четдан устага ёшлигидан ҳунар ўрганиш учун ёлланиб, 5-15 йил давомида ёрдамчи ишларни, уй-хўжалик ишларини бажариб туришга мажбур бўлган. Уларга маълум иш вақти белгиланмай, тонг отгандан кун ботгун-

---

[1] Пешерова Е.М. Из истории цеховых организацией в Средней Азии... – С. 34 – 35.
[2] ЎзР МДА. Р-48-жамғарма, 1-рўйхат, 233-иш, 16-варақ.
[3] Несколько словь о кустарных промыслах в Туркестань // Турк. Вед. 1894. №41. с. 152.
[4] Несколько словь о кустарных промыслах в Туркестань // Турк. Вед. 1894. №41. с. 152.
[5] Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. Тошкнент. 1996. 34бет.

гача давом этган[1]. Шунинг учун ҳам ҳунар сирларини устанинг рухсати билан аста-секин ўрганиб борган.

Заргарлар ва зардўз усталар четдан жуда кам ҳолларда шогирдликка олишган. Бу ҳунар турларида асосан касб-ҳунарни мерос қолдириш удуми мавжуд бўлиб, деярли барча заргар ва зардўзлар устазодалар бўлган.

Шогирдликка олиш тўғрисидаги шартномалар ёзма шаклда ҳамда шогирдлик муддати қисқароқ (5 йил муддатгача) тузилганлиги хақида маълумотлар (XVI аср) мавжуд[2]. Жумладан, Фарғона заргарлиги (XIX – XX аср бошлари)да ҳам четдан олинган шогирдлар мавжуд бўлган, ҳунар ўрганиш муддати эса 10 йилдан 15 йилгача чўзилган. Бироқ ёзма ҳужжатлар имзоланмаганлиги борасидаги маълумотлар  ҳам учрайди[3].

Кулолчилик, чармгарлик, темирчилик, қурувчилик касблари эса оғир меҳнатни талаб қилганлиги учун шогирдликка 16-17 ёшдан, заргарлик, зардўзлик, кандакорлик, дўппидўзлик ҳунарларида 10-14 ёшдан қабул қилиниб, ҳунар ўрганиш устанинг ҳохиши ва касбнинг оғир-енгиллигига қараб 4-7 йилдан 10-15 йилгача чўзилиши мумкин бўлган[4].

Айрим усталар ўз шогирдлари учун талаблар ҳам ишлаб чиққанлар. Чунончи, шогирдлардан покизалик, иш вақтида чалғимаслик, эгри ва номаъқул ишларга қўл урмаслик, устознинг рухсатисиз бирон ножўя иш қилмаслик қатъий талаб қилинган. Негаки, ҳар бир ҳунарни ўрганиш учун ўта нозик дид, сабр-қаноат керак бўлган.

XX аср бошларида шогирдларнинг аҳволи анча яхшиланган бўлиб, ҳунармандчилик корхоналарида ишлаётган 17 ёшгача бўлган шогирдлар умумий овқатланиш вақтидан ташқари 3 соат мактабда ўқиб келишга хақли бўлган[5].

Шогирд йиллар давомида ҳунар ўрганиб, маълум даражага эришгандан кейин уста унга фотиҳа берган. Шунингдек, ўрганган ҳунарига қараб унинг қўлига иш қуроли ҳамда бир марта бирор буюмни ишлаб чиқаришга етадиган хомашё билан таъминлаган. Шаҳрисабз кулоллари эса ўз шогирдига совға тариқасида “поси-

[1] Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XIV веке. – Т., – С.154-157.

[2] Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV-XVIв. – Т.: Фан, 1985. – С.81

[3] Сухарева О.А. Кўрсатилган асар. – С. 161; Гулямов Я.Г. Из истории организации ремесла в Ферганской долине... – С.29

[4] Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик... 34-бет.

[5] ЎзР МДА.И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1775-иш.

ра" беришган[1]. Шогирдлар устазода бўлса, фотиҳа олгандан кейин устози ёнида ёки бирор-бир устахонада келишув асосида ёлланиб ишлаган[2]. Мисгарлар ўз шогирдларини маълум даражада касбга ўргатганларидан сўнг, усталикка фотиҳа бериб, уларга ўз устахоналарини очишга кўмаклашган ёки ўзи билан бирга ишлашларига рухсат берган[3].

Қашқадарё воҳасида устахонага бағишланган маросим фотиҳа бериш деб юритилиб, бунда устознинг шогирдга берадиган дуоси кўзда тутилган. Фотиҳани шогирд ўз отасидан эмас, балки ҳунар ўргатган устозидан олган. Фотиҳа олган шогирд ўз фаолиятини халфалардек давом эттирган, устози эса унга ўзини тутиб кетиши учун кераклича ёрдам берган.У бирданига уста бўлиб ишлай олмаган. Ўз шаҳрига қайтиб келгандан сўнггина халфадек иш юритган. Бу қоида фақат четдан келган шогирдларгагина хос бўлиб, устазода эса фотиҳа олгач, ҳеч қачон халфа бўлиб ишламаган. Улар уста билан фақат ҳамкор сифатида иш олиб борган.

Кейинги маросим камарбандон, яъни белбоғ тақиш ҳисобланади. Бухорода бу одат миёнбанди ( ёки камарбанди) деб юритилади[4]. Халфа билан камарбандонлар орасида деярли фарқ бўлмаган. Юқоридаги икки маросим ўтказилгач, устозидан ажралиб чиққан шогирд ўзи алоҳида устахона очиб, мустақил иш юритиши мумкин бўлган. У катта боболар дуосини олган, камар бойлаган ҳисоблангани учун устози билан бир қаторда ўтириши ва ўзи ҳам бир-икки шогирд чиқариши лозим бўлган.

Таълим муддатини ўтаб, устозидан "оқ фотиҳа" олган шогирднинг уйига қайтиши ҳам бир маросим бўлган. Улар касб-ҳунар ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деб "арвоҳи пир" маросимни ўтказишган. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, уюшма аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилган. Устоз шогирдининг белига белбоғ боғлаб, мустақил иш бошлаши учун ижозат берган.

Маросим куни шогирд устозига бош-оёқ сарподан иборат тугун инъом қилган. Бундай тугунлар бобо, оқсоқол ва пойкорга ҳам берилган. Борди-ю "оқ фотиҳа" олган шогирд иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устози ёнида

[1] Бу совғани шогирдни ўзи ясаган бўлиб, у устахонадан кетгандан кейин шуни бозорда сотиб ўз ишини давом эттириши мумкин бўлган. Дала ёзувлари. Шаҳрисабз шаҳри. Оқсарой маҳалласи. 2016 йил.

[2] Пешерова Е.М.О ремесленных организациях Средней Азии вконце XIX – начале XX вв / Краткое сообщения инс.этнологии. – М – Л., 1960. – Вып. XXXIII. – С. 311 – 317.

[3] Пешерева Е. М. Кўрсатилган асар... – С.321

[4] Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик... 34-бет.

қолиб ишлашни сўраган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш ҳуқуқи берилиб, ҳар икки томон ана шу шарт асосида иш хақини келишиб олган.

Уста томонидан ўз шогирдига фотиҳа бериш маросими аждодлар руҳига миннатдорчилик билдириш кўринишида бўлган. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг ҳар бир соҳасида ҳунарнинг муқаддас ҳисобланиши ва авлоддан-авлодга ўтиб келиши (айниқса, зардўзлик ва заргарликда) ҳам аждодлар культи билан боғлиқ.

Воҳада ҳунармандчиликнинг барча турларида ҳам ҳунар отадан болага мерос қолдирилган ва уни давом эттирмаслик эса гуноҳ ҳисобланган. Халқ қарашларига кўра, ота ҳунари давом эттирилмаган уйда пирларга чироқ ёқилмай қолган. Шунинг учун ўғил фарзанди бўлмаган уста қизини энг яхши шогирдига турмушга берган[1]. Хусусан, Бухорода ҳам зардўзлик касбини ўғил отадан ўрганиб, ўз навбатида ўғил ҳам фарзандларига ўргатган[2]. Агар устанинг ўғли бўлмаса, бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатган. Жанубий воҳаларда зардўзлик касби қадимдан мавжуд бўлмаганлигига қарамай, бугунги кунга келиб, бу ҳунар турини эгаллаш анъаналари давом этмоқда ва бир қатор ўзига хос этноҳудудий хусусиятларга эга.

Ҳозир замонавий ҳунармандлар орасида ҳам уста-шогирд анъаналари давом этиб, уста ўз шогирдига мустақил ишлаши мумкинлигини эълон қилади. Шогирд ҳам ўз устозига миннатдорлик ва ҳурмат сифатида чопон кийдириб, белбоғ боғлайди[3].

Умуман, зардўзлик касбини ўрганиш учун 10-12 ёшдаги, айрим ҳоллардагина ундан каттароқ ёшдаги болалар жалб этилган. Болани уста олдига олиб бориш ҳам ўзига хос бўлиб, ота-она ва қариндош-уруғлар “бўй” деган бўғирсоқ ва ҳолвайтар тайёрлаб, устанинг ҳузурига келганлар ҳамда “эти сизники, суяги бизники” қабилидаги ваъда билан устага топширганлар. Уста болага ҳунар ўргатиш билан бирга бутун ўқиш давомида уни озиқ-овқат билан ҳам таъминлаб турган. Иккала келишувчи томонлар ўртасида ёзма шартномалар бўлмаган. Касб-ҳунар бепул ўргатилган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирданига бошлайвермаган. Дастлабки пайтларда шогирд уй юмушларига қарашган, устахонани супуриб-сидирган, сув ташиган, бозор-учар қилган,

[1] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани. 2007 йил.

[2] Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. – Т.: Ғ.Ғулом., 1986. – Б. 82.

[3] Алтуянц С. И живет в них искра божья или как ремесло красит человика // Правда Востока, 2006. 26 апрель.

орадан бир йил ёки ундан сал кўпроқ муддат ўтганда унга тикиш сирлари ўргатила бошланган. Шогирдга маблағ тўплаш борасида маълум қоида бўлмаган. Ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган, борди-ю шогирд ўта қобилиятли чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан маҳрум бўлишни истамаган устоз уни 8-10 йилгача ҳам сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ рухсат беришини сўратган. Борди-ю шогирднинг талаби хақ бўлса, оқсоқол устадан шогирдига оқ фотиҳа беришни сўраган ёки бўлмаса меҳнатига яраша ҳақ тўлаши лозимлигини айтган. Шогирдга тўланадиган ҳақ халфаларникидан анча кам бўлган. Норозилик туғилмаслиги учун уста қисқа вақт ичида зардўзлик сирларини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдларининг баъзан четдан иш олишига монелик қилмаган. Гап шундаки, тушган даромаднинг катта қисми устага, ундан ортгани эса шогирдига қолган.

В.Развадовскийнинг маълумот беришича, кулолчиликда шогирдликка олиш 17-20 ёшдан бошланган[1]. Фикримизча, бу маълумот бироз муболағалидир. Чунки кулолчиликда бугунги кунда ҳам бола ёшликдан, яъни ақлини таниганидан бошлаб шогирдликка олинади. Масалан, Қашқадарё воҳаси Шаҳрисабз ва Касби туманлари кулолчилик оилаларида болаларга ёшлигиданоқ ўргатилган[2]. Бу эса кулолчиликда муайян ёш чегарасини танлаш ноўрин эканлигини кўрсатади.

Ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири –ҳар бир соҳанинг ҳомийси ва ҳунармандлар эътиқод қиладиган пирларига эга бўлишидир. Пирларга сиғиниш муайян ҳунар тараққиёти ва ҳунармандлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Пирлар асосан, маълум соҳадаги ҳунармандларни жипслаштириб туришга хизмат қилган. Рисолаларда ҳам пирлар ҳақидаги маълумотлар учраб, унга кўра, тўқувчилар пири Момо Ҳаво, ёки Сиф алайҳиссалом, темирчилар пири Довуд пайғамбар, қайиқ ясовчилар пири Нуҳ пайғамбар, жувозчиларнинг пири эса Хўжа Рўшои, қурувчилар пири Муҳаммад пайғамбар, тикувчилар пири Идрис пайғамбар, қорамол ва қўй боқувчилар пири Занги-ота ва Чўпон-ота ҳисобланган[3].

Пирларга сиғиниш муайян ҳунар тараққиёти ва ҳунармандлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳунармандларни жипслаштириб туришга хизмат қилган.

[1] Развадовский В.К. Исследование гончарного и некотор.... – № 6. – С. 641.
[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз ва Касби туманлари. 2016 йил.
[3] Рисоля о стрельбе // Туркестанские ведомости. 1901. № 38.

Касаба бошлиқлари, яъни бобо ёки оқсоқол ҳам пирларнинг ердаги акси ёки давомчилари сифатида ҳурмат қилинган. Усталар пирлар хаққига ҳар бир иш бошланишидан олдин дуо ўқишиб, улардан ишига барака ва ҳар хил зиён-заҳматлардан асраши учун мадад сўрашган.

Хусусан, Бухоро амирлигида вояга етган, яъни бирор ҳунарни эгаллай олган ёш уста касаба йиғини чақириб “арвоҳи пир” ёки “пирави” маросими ўтказиб, пирлар ҳаққига зиёфат берган. Бундай маросимлар ўлканинг турли ҳудудлари ҳунармандлари томонидан жамоавий тарзда барча усталардан йиғилган маблағ эвазига, пирларга атаб қурбонлик келтиришни кўзлаб ўтказилиб турилган бўлса, Хоразмда эса мазкур маросим навбатма-навбат ҳар бир уста томонидан ўтказилиб турилган[1].

*“Арвоҳи* пир” маросимида фақатгина қурбонлик қилиш билан чекланилмаган, балки соҳага боғлиқ турли масалалар ҳам муҳокама қилинган ва муаммолар ўз ечимини топган. Шогирд уста унвонини олиб белига белбоғ боғлагандан сўнг ўз устози ва пирлар давомчиси бўлган бобога сарполар ҳадя қилган[2]. Жанубий ҳудудларда аёл ҳунармандлар пирлар ҳаққига чироқ (пилик)лар ёқишиб, қурбонликка нон ва оқ мато улашганлар.

Пири бир бўлган ҳунармандлар, ҳатто, бир касб-кор аҳли бўлмаса-да, бир-бирига биродар ҳисобланиб, байрам ва турли маросимларда йиғилиб туришган. Бундай анъаналар асрлар давомида ҳунармандларни бир-бирига жипслаштириб келган. Бугун Ўзбекистонда 115 дан ортиқ “Устоз-шогирд” мактаблари ташкил этилиб, у ерда уста ҳунармандлар 886 нафар шогирдларига ҳунар сирларини ўргатиб келмоқда[3]. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса Россия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония давлатларида ўтказилаётган кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

Қадимдан ҳар бир ҳунар тури муқаддас ҳисобланган. Ҳунармандлар орасида ўзига хос одоб-аҳлоқ қоидалари, урф-одат, маданият, ирим-сирим, дуолар ва анъаналар мавжуд бўлиб, улар бу қоидаларига қатъий риоя қилишган. Устанинг ҳам, шогирднинг ҳам олдига қўйган вазифа ва бурчлари бўлган. Ҳунармандчиликнинг халқ амалий санъати даражасига кўтарилишида бундай анъаналарнинг ўз ўрни бор. Бунда асосан анъанавий ва ноанъанавий

[1] Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX века. Ремесленная промышленность. – Т.: АН УзССР, 1962. – С. 91.

[2] Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии... – С. 317 – 322.

[3] Ҳунарманд уюшмаси жорий архиви. 17-йиғма жилд. 2008 йил.

ҳунар турларининг замонавийлиги, модернизацияси, қолаверса, улар ўртасидаги уйғунлик кўзга ташланади. Чунки анъаналар даврдан даврга ўтиши жараёнида ўзида тўлақонли хусусиятларини сақлаб қола олмайди. Қолаверса, ҳар бир ҳунарманд ўзи ясаган буюмга ўз дунёқараши, ўзи яшаб турган муҳит нафасини сингдира олиши табиийдир.

Уста шогирдини ўз ўғли қаторида кўриб, ўз ишини муваффақиятли давом эттириши учун бутун куч-ғайрати, билими, тажрибаси, маҳоратини шогирдининг ҳар томонлама камолга эришиши учун ҳаракат қилади. Шогирд тайёрлаш устанинг энг муҳим ва машаққатли, олий даражали бурчи ҳисобланиб, бу анъаналар ўзбек халқи томонидан ҳозиргача қадрланиб, қўлланилиб келинмоқда. Қолаверса, ҳар доим маълум бир ҳунарга эга бўлиш ғояси муқаддас китоб Қуръон[1], ҳадисларда[2] илгари сурилган ва буюк алломалар томонидан ҳам даъват қилиниб келинган[3]. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб *“...темирчилар, тикувчилар, этикчилар, сувчи, тўқувчилар, эгарчилар, тошчилар, ўқчилар, камончиларнинг фойдаси каттадир. Улар зарур кишилар бўлиб, бу дунёда улар фақат яхшилик келтирадилар”* дея таъкидлайди[4].

Бундан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё аҳолиси қадимдан овчилик, балиқчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Шунингдек, тўқувчилик, бинокорлик, мис ва темир эритиш, металлардан турли-туман меҳнат қуроллари ясаш, кемасозлик, каби ишлар билан шуғулланишганлиги боис аждодларимиз тилида шундай атамалар шакллана борган. Буни Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит-турк” асарида 500 дан ортиқ касб эгалари номи ифодалангани тасдиқлайди[5]. Жумладан, *jiчi* – тикувчи, ajaқчi – кулол, тэмурчi – темирчи, этукчi – этикдўз каби ҳунармандлар номлари учрайди[6].

Рисола ҳунармандчилик устахоналарини ривожлантириш билими, асбоблар ва маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари

---

[1] Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар, муаллиф Алоуддин Мансур. Тошкент: Чўлпон, 1992.

[2] Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент. 1997. 607 бет.

[3] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993. 224 б.; Абу Райхон Беруний. Минералогия. Тошкент, 1968. 68 б; Авлоний А.Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ. – Тошкент, 1992.; Темур тузуклари. (А.Соғуний таржимаси). – Тошкент., 1996. – 344 б.; Юсуф Хос Ҳожиб Кутадғу билиг. – Тошкент, 1971. – 964 б ва бошқалар.

[4] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.

[5] Кошғарий, Маҳмуд. Девону луғотит-турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Тошкент, 1960 – 1963 й.

[6] Кошғарий, Маҳмуд. Туркий тиллар луғати. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. Тошкент, 1960 – 1963. ( II т, 169 б, 284 б; III т. 235 б, 331 б.)

манбаси ҳам ҳисобланган[1]. Тадқиқот давомида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан бири Қашқадарёда ҳам ҳунармандчилик рисолалари мавжудлиги аниқланди. Ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳунармандларнинг низоми ҳисобланган рисола (Сартарошлар Низоми) 1943 йилда Қашқадарёнинг Бешкент тумани (ҳозирги Миришкор тумани) Жейнав қишлоғидан топилган[2]. 1943 йилда Винников Қашқадарёда «Сартарошлар низоми» Бешкент тумани Женав (ёки Женау, Денау) қишлоғида 66 ёшли араб Аваз бадал ўғли Муҳаммад Назар томонидан дан арабча диалектда ёзиб олинган. Сартарош Аваз-Бадалнинг ота-боболари етти авлоддан бери сартарошлик қилиб келаётганини ва ўз отасидан «Сартарошлар низоми» нинг форс тилида ёзилган қўлёзмаси бўлганини, ўша «Низом»ни у 45 йил олдин ўрганганлигини айтиб берган. Ушбу «Низом»ни мавжуд Смирнов, Кун ҳамда М.Ф. Гаврилов рус тилига таржима қилган «Сартарошлар низоми»га солиштирганда унда қадимги халқ урф-одатлари ва удумларини кўпроқ акс эттирганини кўрсатди. Шунга қарамай, ҳозирги кунгача воҳа ҳунармандлари ишлаб чиқариш муносабатларида бу қоидаларига амал қилиб келмоқдалар. Бироқ, Сурхондарё вилоятида ҳунарманчилик рисолалари топилмаган бўлсада, улар ҳамон рисола қоидаларига амал қилишини дала этнографик материаллар тасдиқлайди.

Тўқувчилик рисоласида мато ва мато безаклари ишлаб чиқариш услублари ўз аксини топган бўлса, читгарлар рисоласида эса матога гул босиш услуби, бўёқчилар номлари, устахонадаги мураккаб бўлмаган аслаҳалар ва уста – читгарларнинг ускуналари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади[3].

Аждодларнинг руҳи ва соҳа пирини эъзозлаш ҳам рисолаларда ўз аксини топган бўлиб, устахонани қандай ҳолатда сақлаш кераклиги тўғрисида фикр билдирилган. Барча ҳунармандлар устахонада доимо соҳа пирининг руҳи мавжуд бўлади, деб ишонганлар. Шунинг учун ҳам устахонага таҳоратсиз кирмаслик, устахонада барча меҳнат қуролларини ўз жойига сақлаш, уларга нисбатан ёмон сўзларни ишлатмаслик, меҳнат қуролларини тоза бўлмаган сувда ювмаслик, хомашё қолдиқларини турли жойларда сочилиб

[1] Jeanine Elif Dag'yeli. Cott liebt das Handwerk.Moral, Identitat und religiose Legitimierung in der mittelasiatischen Handwerks-risala. Reichert Verlag Wiesbaden. Berlin. 2011.Z.333.; Атаджанова Д.Ш. Историграфия ремесленного производства Бухарского ханства XIX в. (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «Рисола»): Дисс...канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – С. 22

[2] Цеховой устав в передачи среднеазиатских арабов // Ученые записки . ЛГУ. – №256. (Серия востоковедческих наук. –Вып.7. перв. Винников И.Н.). 1958.

[3] Мукминова Р.Г. К характеристики Самаркандских тканей конца XV - XVI века // Общественные науке в Узбекистане.1970, №9. С.101.

ётишига йўл қўймаслик, тайёр бўлган маҳсулотга ишлов бермасдан уни сотувга чиқармаслик ва бошқалар акс эттирилган[1]. Рисолада нафақат пирга нисбатан ҳурмат, балки катта фойда олиш мақсадида устахона дўконига кўпроқ харидорларни жалб этишга ҳам келтирилади.

Хуллас, асрлар давомида Ўрта Осиёда шаклланган ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда эса ўзига хос аҳамиятга эга бўлган, ҳунармандларни тайёрлаш, ҳунармандчиликни ташкил этишда ўзига хос дастур вазифасини ўтаган рисолалар алоҳида ўрин тутган.

Узоқ йиллар давомида шаклланган ўзбек халқ ҳунармандчилигида уста-шогирд анъаналарини ўрганиш ва уни замонавий кўринишлари билан солиштириш, қадимий анъаналарни модернизация қилиш ва ёш авлод онгида миллий қадриятларга садоқат руҳини шакллантириш, ёшларда касбий малака, маҳоратларни оширишда катта аҳамият касб этади.

## 5.3. Жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар

Сўнгги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этник хусусиятларни сақлаб қолиш омиллари ва миллий маросимларни илмий асослашга сабаб бўлмоқда.

Бугун замонавий этнологияда тадқиқот мавзуси янада чуқурлаштирилган ҳолда энг йирик этнослардан тортиб кам сонли халқларни ҳам изчил ўрганишга,уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни тадқиқ қилишга эътибор қаратилмоқда[2]. Ўрта Осиё узоқ асрлар мобайнида халқларнинг анъанавий ҳаёти ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Қолаверса, уста ҳунармандлар турли касб-ҳунарларнинг бадиий ва техник усуллари, безаклари, анъаналарини яратиб, такомиллаштириб, уларни ўз шогирдларига етказишган.

Ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири – маълум бир соҳа ҳунармандларининг муайян ижтимоий ташкилотга эга бўлишидадир. Бу ташкилотлар  ўзига хос жамоатчилик анъаналарига таянган махсус уюшмаларга бириккан бўлиб, ҳунармандчилик техникаси ва ишлаб чиқариш характери билан боғлиқ равишда ўз ҳамкасблари манфаатини қўриқлаш мақ-

[1] Гаврилов М. Рисаля сартовских ремесленников....С.45.

[2] Аширов А.А. Ўзбек халқи этнологиясида терминология муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. Т., 2010. 19-бет.

садида ташкил топган. Бирлашмалар асосан четдан у ёки бу ишлаб чиқариш учун ёрдам сўраш, бир турдаги икки ҳунарманднинг маҳсулот ишлаб чиқаришига кўмаклашиш, маънавий, баъзан ҳуқуқий жавобгарлик, эҳтиёткорлик билан буюртмани тез бажариш, ишлаб чиқариш ва ҳунармандлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни назорат қилишга ўхшаш масалаларни ҳам ҳал этган. Бирлашмаларда ҳунармандлар жамоавий тарзда битта ишлаб чиқаришга уюшган бўлиб, бу анъаналар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XIX аср охири – XX аср бошларигача ўлка ҳудудида мавжуд бўлган барча ҳунармандчилик бирлашмалари ўзининг асрлар давомида шаклланган урф-одат ва маросимларига эга бўлган[1]. Жумладан, Ўрта Осиёга хос бўлган кўринишлар ҳунармандларга тизимли уюштирилган жамоавий тарздаги ёрдам бўлиб, бундай фаолият асосан уюшма аъзолари билан иқтисодий муносабатларда асосий рол ўйнаган.

Урф-одатлар халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олган бўлса, маросим тушунчаси ҳаётнинг муайян соҳаларигагина хосдир. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки бўлмаса кўпчилик томонидан бажарилиши шарт бўлган қоида бўлса, маросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатдир[2]. Маросим шахс, гуруҳ ва жамият ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш шакли бўлиб, тарихан у диний тизимларда вужудга келган[3]. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум тарихий тараққиёт босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди. Бошқача айтганда, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий характерга эга бўлган ҳаётий тадбирлардир[4].

Марказий Осиё ҳудудида, жумладан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилигини ташкил этиш тартиби ва анъаналари ҳунармандларининг рисолаларида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, рисолалар инсонда касб маданияти, уста-шогирд ўртасидаги ҳурмат, касбга садоқат, тўғрисўзлик, ҳалоллик каби фазилатларни таркиб топишида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Қашқадарё воҳаси заргарлик ҳунармандчилиги анъаналари акс

[1] Пешерова Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.... С. 315.

[2] Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори. Очерклар. Т.: 1988. Маросим фольклори..13-бет.

[3] Фалсафа қомусий луғат. – Т. 2004. 41-бет.

[4] Саримсоқов Б.Маросим фольклори... 152-бет.

этган рисола Ғузор тумани *(“Кори заргарони”)*да аниқланган[1]. Заргарлик қонунқоидалари акс этган бу низом олтинчи авлод вакили заргар Шариф Раупов шахсий архивида сақланади. Шунингдек, унга Бухоро амирлиги Ғузор беклигининг заргарлари ҳисобланган боболаридан XIX аср охирига оид заргарлик асбобанжомлари ва вақф ҳужжати ҳам сақланади. Ҳозирда Раупов Шарифнинг заргарлик устахонаси ва уй музейи мавжуд. У кумушдан замонавий анъанавий заргарлик буюмлари яратади.

Ҳар бир ҳунарнинг алоҳида рисоласи мавжуд бўлиб, улар орқали бу ҳунарларнинг тарихи, пиру-муршидлари, машҳур усталари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлган. Рисоладаги талабларга кўра, ҳар бир устоз ўз шогирди тарбиясига жавобгар бўлиб, бир неча йил давомида унга ҳунар сир-асрорларини ўргатиш билан бирга, уни тарбиялаши ҳам керак бўлган. Ҳар бир уста ўз шогирдидан ушбу рисолаларга амал қилишни ва унда таъкидланган гуноҳ ишларни қилмаслик, одамлар билан хушмуомалада бўлиш, ҳар бир ишни чин дилдан бажаришини талаб қилган. Бу эса рисолаларда кўрсатилганидек, уста-шогирд мактабида таълим ва тарбиянинг бирга олиб борилганлигидан далолат беради[2]. Ҳатто, ҳунарманд агар рисола кўрсатмаларига амал қилмаса, уста ёки шогирд рисолани оёқ ости қилса, қиёмат куни юзи қаро бўлиб, охирати вайрон бўлиши, худонинг ғазабига учраши, хотинининг ундан ажралиши кераклиги, устози томонидан ўн саккиз дарра урилиши каби таҳдидлар ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир уста ўз ишларини рисолада келтирилган амалларга кўра бажариши лозим бўлган. Рисоласи йўқ ҳунармандлар пайғамбарлар, авлиёлар ва фаришталар ҳамда ҳунар усталари, пирлари ғазабига дучор бўлиши таъкидланган.

Ҳунарманд учун иш бошқарувини ташкил этишда рисола тили, характери, мазмунига кўра “худодан қўрқиш”, “Аллоҳнинг кароmати” сифатида алоҳида ўрин тутган. Ҳозирда эса бу нарсаларнинг аҳамияти мутлақо йўқолиб кетган бўлса-да, бироқ ҳар бир ҳунарманд ҳалигача ўз ишини Аллоҳ номи билан бошлайди[3].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги мавжуд бирлашма ҳунармандларидан ташқари баққол, савдогар, ўқчи, чўпон, табиб, мулла, чойхоначи, бўёқчи ва бошқалар эркин касб эгалари ҳисобланишган. Уларнинг барчаси биргаликда худди ўрта асрлардаги кор-

[1] Дала ёзувлари. Заргар Раупов Шарифдан ёзиб олинди. Қашқадарё вилояти. Ғузор тумани. 2018 йил.

[2] Такия ремесленников // Туркестанские ведомости. 1910. №62. С. 570

[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Касби тумани. 2009 йил.

порация, иттифоқ, гильдия, бrandonдарлик ва ҳунармандчилик цехлари, ўзларининг сайланма бошлиқлари (оқсоқоллари), шунингдек, авлиё даражасидаги “пир” (патрон патер ота ҳомий маъносида) лари ва уларнинг йиғилишларига ҳам эга бўлишган. Шунингдек, битта ҳунар доирасидаги йиғилиш ва маслаҳатлар юқори ҳунармандчилик органи ҳисобланиб, ҳунармандлар турмуши йўналишларини бошқариш, ташкил этиш хуқуқларидан иборат ўзига хос маънавий кучга эга бўлган.

Рисолаларда уста-шогирд ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда мухим ҳисобланади[1]. Жумладан, тўқувчилар рисоласида келтирилишича, уста 7 ёшдан 12 ёшгача бўлганларни шогирдликка олиш мумкин, дастлаб уларни диний билим ва маросимларга ўргатиб, кейин ҳунарга берилади.

Жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигининг ўзига хос маросимларидан бири *“арвоҳи пир”* бўлиб, ҳар йили оқсоқол бошчилигида жамоа бир ерда йиғилган[2]. Ҳар бир ҳунарманд усталар сафига кириши учун ўз ўрнида анъанага кўра, аввал шогирдлик курсини ўтаб, устозидан “фотиҳа” олиши, иккинчидан эса урф-одатни бажариши яъни, “арвоҳи-пир” маросимини[3] ўтказиб, ҳунармандлар биродарларига тортиқлар улашиши, ҳунар пирлари ҳақига дуо қилиш, катта усталарга совғалар бериш, учинчидан эса белбоғ боғлаш маросимидан ўтиши шарт бўлган. Ҳунарманд-уста учун бу уч шарт ниҳоятда муҳим бўлиб, бу анъаналар устозга миннатдорчилик билдириш, ундан дуо олиш рисолаларида сақланиб қолган “камарбанд”, “камарбаста” (камар боғлаш ва камар олиш) тартиб қоидалари билан боғлиқдир[4]. Шунингдек, бу анъана “камар-банд” ва “миён-банд” акти деб ҳам номланади[5]. Асосан “камарбаста” атамаси маълум касб сирларини эгаллаган ҳунармандларга нисбатан ишлатилган. Афсуски, эндиликда бу одатларнинг аксарияти унутилиб кетган.

[1] Смолина А. Договора промыслового ученичества / Ученые записки Казаньского Университета за 1910 г. Кн. Х.

[2] Современный кишлак Средней Азии (социально-экономический очерк) / Под ред. Б.Б. Карт и И.Е.Суслова. Ташкент. Вып.IУ. Вобкентская волость. Т., 1926.Стр. 141.

[3] Грузин цехларида бу маросим «худо оши» ёки «худо учун ош пишириш» деб аталади. Қаранг: Соврем. Кишлак...с. 140-144.

[4] Атаджанова Д. Ремесленный обряд «камар басте»(посвящение учуника в мастера)в Средней Азии/ San’at. 2009. №1. С.2.

[5] Белбоғ боғлаш ва белбоғ олиш одати («опаясанию поясом и перевезке им своей поясницы») ишга қадам қўйиш бўлиб, бу икки жараён устага бағишланган маросим ҳисобланади. Тўқувчилик рисоласига кўра, пайғамбар Сиф (библияга кўра) 21 ёшида устозига белбоғ боғлаган, 40 ёшида унга шогирди белбоғ боғлаган. Бу «усталик белбоғи» бахрама матосидан қилинган. Қаранг: Пещерева Е.М. О ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX - начале XX в...С.39.

Бухоро амирлигида вояга етган, яъни бирор ҳунарни эгаллай олган ёш уста касаба йиғини чақириб “арвоҳи пир” ёки “пирави” маросими ўтказиб, пирлар ҳаққига зиёфат берган. Бундай маросимлар ўлканинг турли ҳудудлари ҳунармандлари томонидан жамоавий тарзда барча усталардан йиғилган маблағ эвазига, пирларга атаб қурбонлик келтиришни кўзлаб ўтказилиб турилган бўлса, Хоразмда эса мазкур маросим навбатма-навбат ҳар бир уста томонидан ўтказилиб турилган[1]. Арвоҳи пир маросимида фақатгина қурбонлик қилиш билан чекланилмаган, балки соҳага боғлиқ турли масалалар ҳам муҳокама қилинган ва муаммолар ўз ечимини топган. Шогирд уста унвонини олиб белига белбоғ боғлагандан сўнг ўз устози ва пирлар давомчиси бўлган бобога сарполар ҳадя қилган[2]. Жанубий ҳудудларда аёл ҳунармандлар ҳам пирлар ҳаққига чироқ (пилик)лар ёқишиб, қурбонликка нон ва оқ мато улашганлар. Пири бир ҳунармандлар бир касб-кор аҳли бўлмаса-да, бир-бирига биродар ҳисобланиб, байрам ва турли маросимларда йиғилиб туришган.

Маросимлар миллатнинг ўзига хослиги ва тарихий тажрибасини сақлаш ва келажакка етказиш воситаси сифатида миллий ҳаётнинг улкан семиотик ҳодисасидир. Айни пайтда, миллий маънавий қадриятга айланган урф-одат ва расм-русумлар замон талаблари асосида қайта баҳоланиб боради. Ушбу этносемиотик жараён ҳам анъанавийликнинг устуворлигидан келиб чиқади.

Рисолаларга кўра, уста вазифасини бажариш учун ҳунармандлар 12 та қоидага амал қилиши керак бўлган: 1) таҳорат олиши ва масжидда жамоа билан ибодат қилиш; 2) илмга интилганлар билан суҳбатда бўлиш; 3) устозини ҳурмат қилиш ва ўрганаётган ҳунар турини пухта эгаллаш (С.Д.); 4) дўконда тозаликка риоя қилиш; 5) асбоб-ускуналарни ҳам тоза сақлаш; 6) келганларга хушмуомала бўлиш; 7) чоршанба ва пайшанба кунлари кечқурун авлиёлар, пирлар руҳига атаб чироқ ёқиш; 8) соч ва соқолини олмай юрганлардан ҳазар қилмаслик; 9) кундалик олинган фойданинг ярмини садақа қилиш; 10) меҳнатга яраша озгина тақдирланишдан ҳам кўнгли тўқ бўлиш; 11) сабрли ва чидамли бўлиш; 12) раҳмдил бўлиши зарур бўлган[3]. Ҳозиргача бу одатлар кўнчи, этикчи ва кулолларда анъана бўлиб келмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ҳунар-

[1] Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX века. .Ремесленная промышленность.– Ташкент: АН УзССР, 1962.– С.91.

[2] Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии...-С.317-322.

[3] Гаврилов М.Ф. Рисоля сартовских ремесленников... С.21

мандчиликдаги ҳар бир анъана, ишлаб чиқариш тартиблари амал қилиниши лозим бўлган қоидаларга асосланган.

Жанубий воҳаларда бундай анъаналар кўпроқ металлга ишлов берувчилар (темирчилар, мисгарлар, чўян қуювчилар), тўқувчилар ва этикдўзларда сақланиб қолган[1]. Масалан, кўнчи ва этикчилар ҳам ўз анъаналарига кўра уста-шогирд муносабатларига амал қилиб, ўз ишини бошлаш ва устахона очиш, мустақил пул топиши учун устозидан ”фотиҳа” олган. Бундан ташқари, у ҳар йили бир марта умумий йиғилиш уюштириб “анжуман” ўтказган. Бу анжуманда янги усталарнинг қўшилиши, “арвоҳи пир” (“ис чиқариш” ёки “ҳид чиқариш” – С. Д.) маросимининг ўтказиш, пирларга атаб худойи қилиш, тортиқлар пишириш, кекса ва ҳурматли усталарга чопон, тўн ва яктаклар кийдириш одатларни ўтказиш келишиб олинган[2]. Шогирдлар уста номини олишдан аввал бу маросимни ўтказиши шарт бўлган.

Агар шогирд устанинг ўғли ёки қариндоши бўлса, унинг фақат фотиҳа олишигина етарли ҳисобланган. Уста бундай пайтда обрўли усталарни таклиф қилиб, устахонанинг ўзида зиёфат уюштирган ва унда шогирди ишини намойиш этиб, унга мустақил ишлашга рухсат берган[3].

Кулолчиликда бу маросим сал бошқачароқ тарзда ўтказилган. Уста кулол шогирди тайёрлаган маҳсулотни сотган ва тушган пулни камар баста маросими учун йиғиб қўйган. Умумий зиёфатдан сўнг усталикка номзод катта усталар қаршисида турган. У устахона рисоласини овоз чиқариб ўқигач, устахона бошлиғи номзодга белбоғ бойлаган. Сўнгра уста шогирдига кулолчилик асбобини совға қилиб, унга оқ фотиҳа берган ҳамда уста ва шогирд устахона бошлиғи ва катталарга ҳам чопон кийдирган[4].

Туркияда ҳам шогирдни усталикка ўтказиш маросими бўлиб[5],

---

[1] Современный кишлак Средней Азии. Вып. IV. Вобкентская волость. Т., 1926. Стр. 140-141.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Касби, Шаҳрисабз, Китоб туманлари. 2011- 2013, 2015-2016 йиллар.

[3] Сванидзе А.А. Ремесло иремесленники средневековой Швеции (XIV-XV вв.). Москва, 1967. С. 244-246.; Ўша муаллиф. Наемный труд и трудовая этика в ремесленных цехах Швеции: уставные принципы. / Город в средневековой цивилизации Западной Европы. Т. 2. Жизнь города и деятельность горожан. М., 1999. С. 1-20.

[4] Пещерева Е.М. Городское гончарное производство Средней Азии. Москва – Ленинград., 1959. С. 312-314.

[5] Гордлевский В.А. Из жизни цехов в Турции. К истории Ахи // Азиатский музей. Записки коллегии востоковедов. Т.II. Вып. 2. Ленинград, 1927. С. 239-243.; Ўша муаллиф. О футуввет-номе(справка) / Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы. Москва, 1960. С. 307-318.; Куравлев В.П. К организации ремесленных цехов в Турции // Социальная история народов Азии. Москва, 1975. С. 260-269.

унда шогирдлар етакчиси (Туркияда жўрабоши) устахона аъзоларини тўплайди ва “уч ҳошияли қизил энтари” кийган шогирдларни бир қатор ўтқизади. Маросимни шайх оятлар ўқиб очгач, шогирдлар калима келтиришади ва жўрабоши уларга белбоғ боғлаб қўяди[1]. Бу маросимда уста ва шогирдлар ўртасида савол-жавоблар ҳам ўтказилиб, шогирднинг усталик мақомига қабул қилинган. Тадбир шогирднинг устозига совғалар инъом қилиш ва зиёфат бериш билан якунланади[2]. Усталикка ўтказиш маросими ёқут темирчиларида ҳам бўлиб, темирчи бўлишни ҳоҳлаган одам зарур асбобларни сотиб олиб ишни бошлайверган[3]. Улар темирчилик устахонаси ўз устасига эга бўлганлигини устахонадан эшитилаётган болға ва босқоннинг овозидан билишган.

Ҳунармандчилик бирлашмаларининг ўзига хос томонларидан бири – патриархал муносабатларнинг мустаҳкам сақланиши туфайли мазкур бирлашма муносабатларининг жуда узоқ вақт давомида ҳеч қандай ўзгаришларсиз сақланиб қолганлигидадир. Ушбу ҳолат ҳунармандчилик ва у билан боғлиқ жамоавий муносабатларнинг маълум бир маънода тараққиётдан орқада қолиб кетишга ҳам сабаб бўлган. Хусусан, Туркистонда маҳаллий аҳоли одатларини ўрганган В. М. Наливкин ва М. Наливкин 1886 йилда туб аҳоли турмуш тарзида йўқолиб бораётган ўша давргагина хос бўлган бундай анжуманлар руслар истилосидан бир неча йил олдин ўтказилганлигини қайд этган[4]. Бироқ, рус тадқиқотчисининг ушбу фикрлари бироз муболағали бўлиб, аслида маҳаллий аҳоли ўртасида маросимлар у ёки бу кўринишларда ўтказилган ва бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳар бир ҳунарманд ўз касбининг нозик сирларини, биринчи навбатда, ўз ўғлига ўргатиб келган, бу билан ҳунарга алоқадор сирларни оиладан ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилган. Усталар сулоласига мансуб шогирд усталикка тавсия қилиш маросимидан ўтиши шарт бўлмаган. Чунки темирчилар фарзандларига ўз ҳунарларини болаликдан ўргатганлар ва 15 ёшга тўлганларида катта усталар билан ёнма-ён ишлашга рухсат берганлар[5].

[1] Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, 1991. С. 231, 246.

[2] Centlivres-demont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman. Sous la direction de Nicole Grandin et Mart Caborieau. Paris, 1997. PP. 84-88.

[3] Докторов П.И. Ремесло и кустарное производство якутов (История и современность). Якутск: Якутский государственный университет, 1999.С. 49-51.

[4] Наливкин В., Наливкина М.Очерк быта женщины оседлого туземного население Ферганы. Казань, 1886. С. 18.

[5] Атаджанова Д. Ремесленный обряд «камар басте»(посвящение ученика в мастера)в Средней Азии....С.2.

Маълумотларга кўра, Европанинг баъзи давлатларида ҳам устанинг шогирдлари асосан унинг оила аъзоларидан бўлган[1]. Устанинг қариндошлари ҳам устахонага шогирд тушишда алоҳида имтиёзга эга бўлишиб, унинг хотини ва болалари фақат шогирдлик даврини ўтаса, шунинг ўзи етарли бўлган. Улар ҳунар ўрганиш учун пул тўлашмаган, зиёфат беришмаган бўлса ҳам устахона асбоб ва ускуналари мерос қилиб қолдирилган. Бундан ташқари, устанинг беваси эрининг ишини давом эттириши ва устахонага эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам олган[2].

Рус тадқиқотчиси А. Кун XIX аср ўрталарида Хоразмда ота вафотидан сўнг ҳунарнинг катта ўғилга ўтиши ҳам маросим орқали амалга оширилганлигини ёзиб қолдирган[3]. Хивада ушбу маросимни ўтказишда уста ва шогирд ўртасида рози-ризолик сўралган, маросим якунида шогирд ўз устозига чопон кийдириб, калонтар[4] (Хивада устахона бошлиғи – С. Д.)га кўйлак тортиқ қилган[5].

Этикдўзлар орасида ўтказиладиган камарбаста маросимигача шогирд ишлаган маҳсулот бозорга чиқарилиб, маҳсулот устанинг қайси шогирди томонидан тайёрланганлиги айтилган. Агар маҳсулот сифатсиз бўлса, калонтар шогирдини бозордан қувиб юборган ва маҳсулот йиртиб ташланган.

Қашқадарё воҳасининг Қарши ва Шаҳрисабз туманларида металга ишлов берувчилар катта бобога атаб маълум давр оралиғида саннонгарлик */саннонпазлик*[6] маросимини ўтказиб туришган. Бу маросим Россия империячи истилосигача бўлган даврда Қарши ва Шаҳрисабзда 2-3 йилда бир марта қилиниб, унда асосан ҳунармандларнинг жамоавий ишлари борасидаги масалалар кўрилган.

Саннонпазлик маросимида Қуръон ва рисоладан парчалар ўқилган, қўй ва эчки сўйилиб, қурбонлик қилинган[7]. Бу маросимни ўтказиш учун салқин ва сўлим жойлар танланиб, металлчиларнинг қўрғони ёки масжид ҳовлиларида ҳам ўтказилган. Маросим тайин қилинган кунда барча таклиф қилинганлар кимгадир темир-тер-

[1] Anton Spiesz. Statuty Bratislavskych cechov. Dokumenty. Brtislava. Obzor, 1978. P. 508.

[2] Сванидзе А.А. Ремесло и ремесленники средневековой Швеции (XIV-XV вв.)...С. 244-246.

[3] Кун А. Поездка по Хивинскому Ханству в 1873 г. ИРГО. Т.Х., Вып. I. Москва, 1874. С.57.

[4] *Калантар, калонтар* луғавий маъноси «энг катта», «энг улуғ» ва умуман «бошлиқ» маъносини билдиради.

[5] Джаббаров И.М. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. III. Ленинград. 1971, С. 131-132.

[6] *Саннонпозлик* – бу арвоҳи пир маросимининг ўзи бўлиб, унда бутун воҳанинг барча металлга ишлов берувчилари, яъни темирчилар, мисгарлар, заргарлар иштирок этишган.

[7] Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX в....С.43.

сак, кўмир ва бошқа маҳсулотлар керак бўлса, маросим куни тортиқ ва ширинликлар билан бирга етказиб берилган. Бундан ташқари, оқсоқолга барча харажатлар учун маълум микдорда бир қисм пул ҳам берилган. Келган меҳмонлар юқорида ўтирган ҳурматли имом, бобо, оқсоқол ва катта усталар билан саломлашишган. Ҳамма йиғилгандан кейин Қуръон ўқилиб, рисола ва ҳунар пирларига сажда қилинган. Кейин устхоналарни таъмирлаш ишлари бошланиб, бу жараён бир неча кунгача давом этган. Бу маросим барча ўтган уста ҳунармандларнинг руҳига аталганлиги учун ҳар куни катта қозонда овқат тайёрланиб, у оши худойи ёки қурбонлик оши деб номланган. Бу худойига 20 га яқин киши энг яхши уста-ҳунармандлар таклиф қилиниб, худди байрамга ўхшаб ўтказилган ва Қуръондан суралар ўқилган. Қарши оқсоқоли барча ишчиларга бир неча кун ўз иш жойларида ишламаганликлари учун иш хақи сифатида пул тарқатган. Катта усталарга эса пул берилмаган.

Маросимлар миллатнинг ўзига хослиги ва тарихий тажрибасини сақлаш ва келажакка етказиш воситаси сифатида миллий ҳаётнинг улкан семиотик ҳодисасидир. Айни пайтда, миллий маънавий қадриятга айланган урф-одат ва расм-русумлар замон талаблари асосида қайта баҳоланиб боради. Ушбу этносемиотик жараён ҳам анъанавийликнинг устуворлигидан келиб чиқади.

Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги ва деҳқончилиги соҳасида кайвони атамаси учрайди. Кайвони тоғли тожиклар орасида катта оилалардан тайинланган аёл бўлиб, барча аёлларга ишни таъминлаб берувчи ҳисобланган[1]. У Фарғона водийсида ходим Бухорода кайвони, Тошкентда эса дастурхончи деб аталиб, барча оилавий байрам ва дафн маросимларни ўтказиш, меҳмонларга егуликларни тортиш, совға беришда ўз маслаҳатини берган ва бевосита иштирок этган. Қашқадарё воҳасининг туркий тилли аҳолиси орасида кайвони атамаси фақат аёлларга нисбатан эмас, балки ҳунармандчилик масалалари билан шуғулланувчи қишлоқнинг катта ёшдаги эркакларига нисбатан ҳам қўлланган.

А. Беленицкий томонидан тадқиқ этилган Самарқанднинг ўрта асрларга оид қозилик ҳужжатлари орасида коргар атамаси учрайди[2]. Унинг мақоласида келтирилишича, “ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида уста асосий бошчи – устахона хўжайини ва шогирд

[1] Пещерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX в....С.44.

[2] Беленецкий А.М.Организация ремесла в Самарканде в XV–XVI вв. // КСИИМК. Вып. XVI. Москва–Ленинград, 1940. С. 43–47.

эса ўқувчи ҳисобланган”. У Ўрта Осиё цехлари худди ўрта аср европаликларидаги каби устазода, шогирд шахсни билишмаганлигини айтиб, ҳужжатда келтирилган маълумотларда коргар-ишчи номини аниқлаш жуда мушкул эканлигини таъкидлаган[1]. Бизнингча, бу бироз муболағали бўлиб, чунки қадимдан Ўрта Осиёда ҳар бир ҳунармандчилик соҳасида уста-шогирд анъанаси бўлган, буни ҳунармандчилик рисолалари ҳам исботлайди. Эҳтимол, унинг кузатишича, бу кўриниш бошқача номланган ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам, ўзбек миллий ҳунармандчилигида бу нарса инкор этилмаган. Коргар эса цех ишчиси бўлиб, у ёлланиб ишлайдиган ишчи халфа ҳунарманд ҳам бўлиши ҳам мумкин.

Е. Пещерева коргар атамасини қаршилик кўнчилардан эшитганлиги ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида ёлланиб ишлайдиган халфалар шундай аталганлигини қайд этади. Бироқ, унинг фикрича, коргарлар маҳаллий аҳоли орасидан бўлмай, балки бошқа жойлардан келган шахслар бўлган[2].

Шуниси эътиборга лойиқки, нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам ўз касбини оила аъзолари ва шогирдларига мерос қилиб қолдиришган. Хусусан, каштачилик касби фотиҳа бериш билангина ўтказилган, баъзан кичикроқ зиёфат ҳам берилган. Уста ўз шогирдига фотиҳа бераётиб, вафотидан кейин унинг руҳи қўллашини айтган. Шогирд усталик мақомига эга бўлгач, топган маблағининг бир қисмини бу дунёдан ўтган усталар руҳини шод этиш учун худойи қилиб турган[3]. Шундай қилиб, ҳунармандлар маросимлари орасида шогирднинг усталикка ўтиши алоҳида ўрин тутиб, шогирднинг маълум ҳунар тури билан мустақил шуғулланишига йўл очилганлигидан далолат беради.

Ҳунармандчилик маросимларидан яна бири бу – усталар меросига содиқ қолиш учун ўтказилган *пахта силар* маросимидир. Уни ўтказишдан мақсад кўпроқ ҳунар, дастгоҳ, кулолчилик ўчоқлари ёки чармчилар дошқозонлари пири, руҳлари “ушлаб қолиши” ёки “уриши” билан боғлиқ бўлиб, устахона ва унинг атрофида айланиб юрган киши касалга чалиниб қолади деб ўйлашган. Шу сабабли ҳам касалликка чалинганлар тез-тез фолбинларга фол (киши тақдирини олдиндан башорат қилиш, Қашқадарёда пол дейилади – С.

---

[1] Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. IV. Москва–Ленинград, 1940. С. 46.

[2] Пешерева Е.М. кўрсатилган асар...44-бет.

[3] Сухарева О.А. Сузани – среднеазиаткая декоративная вышивка. Москва. 2006. С. 44.

Д.) очириш ва касаллик тарихини билиш учун бориб туришган. Агар фолчи унга “сизни чармгарнинг пири ушлади” деса, у тезда бир сиқим пахта олиб устозларидан бирига мурожаат қилган. Агар мурожаат қилинган ҳунарманд устазода бўлмаса, у илтимос қилувчини бошқа уста ҳузурига жўнатган. Уста беморни ўзи олиб борган пахта билан дуо ўқиб силаган ва пахтасини қайтариб берган. Бемор одам пахтани уйига олиб келган ва бир неча кун устахонага атаб қурбонлик қилган. Қурбонликда пахтадан қилинган чироқ пиликлари ёғланиб ёқилган[1] ва қовурилган ис ва чалпаклар устахонада тановул қилинган.

Ҳунармандчилик маросимлари бошқа халқларда ҳам учраши ҳақида маълумотлар кўп. Масалан, ёқутлар ҳунармадчилигида шундай маросим борлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Унга кўра, айрим ҳолларда 2–3 йил ишлагандан кейин баъзи темирчиларнинг қўл ва оёқларида қадоқлар пайдо бўлиб, бели оғриган. Бу ҳолат гўёки беморнинг аждодлари орасидан темирчи ўтганини ва унинг авлодлари ҳунар билан шуғулланмай қўйганини билдирган[2]. Аждодлари ҳунари билан шуғулланмаган темирчилар оғриб қолади, деган ақидага кўра, темирчи уч ёшли қора буқани қурбонлик қилиш учун шомонга олиб борган. Тадбирлардан сўнг касаллик чекинади ва темирчи ҳақиқий уста бўлиб қолади деб тушунилган[3].

Бундан ташқари, темирчиларга азалдан сеҳр-жоду, азаймхонлик, табиблик билан шуғулланади деб қаралган. Е. Пешерованинг маълумот беришича, темирчилар устахонасига беморлар кўп келишган ва улар иш жараёнида ҳам иштирок этишган. Беморлар ўзлари билан кўзачада қайнаган сув олиб келганлар. Уста бу сувга чўғ бўлиб турган металл парчасини ташлаган. Кумуш ионлари сувдаги бактерияларни зарарсизлантирган. Бу сувни ичган бемор тузалиб кетган[4]. Мисгарлар тўғрисидаги рисолаларда ҳам бундай маълумотлар учрайди[5]. Бухоронинг темирчилик ҳунармандчилиги музейида сақланаётган “Рисолаи оҳангари ва мисгари” (“Темирчилик ва мисгарлик рисоласи”)да тажрибали темирчилар ҳафтанинг

---

[1] Ёғланган пиликлар устахонада ёқилиб, ундан таралган ҳид ҳунар руҳлари, пирлари учун озуқа бўлади деб эътиқод қилинган.

[2] Докторов П.И. Ремесло и кустарное производство якутов (История и современность). Якутск.: Якутский государственный университет, 1999.С. 49-51.

[3] Ўша ерда. 4951 бетлар.

[4] Пещерова Е.М. Organizations of craftsmen in Central Asia in the late XIX th and early XX th centuries // Труды XXV Международного конгресса востоковедов 9-16 августа 1960. Москва, 1963. Т. III.

[5] Рисола медников // Туркестанская туземная газета. Ташкент. 1902, №29.

чоршанба ва шанба кунлари “Оят улкурси” сурасини уч марта ўқиб, ушбу муолажаларни бажарган[1]. Бухорода ҳозир ҳам темирчилар қадим табибларнинг бу усулидан фойдаланиб беморларни даволайдилар.

Ҳунармандчилик билан боғлиқ урфодатлар ҳақида сўз борар экан, жанубий вилоятларда ўзига хос локал хусусиятлар акс этишини кўриш мумкин. Жумладан, Қашқадарё воҳасида келинлар куёвнинг уйига ипакдан тикилган кашта безакларини сеп сифатида олиб боришган[2] ва ҳар бир келиннинг сарпосида албатта, кашта маҳсулотлари бўлиши шарт бўлган. Бу одат ҳозиргача барча қатламдаги аҳоли орасида сақланиб қолган. Бу келин-куёвларнинг фаровон турмушга эришиши, бахтли ва тотув яшашларига ишорадир. Қолаверса, келин сарполари орасида куёв учун совға сифатида алоҳида каштали дўппи ва белбоғ тикиб солинган[3]. Бундай одат Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳозиргача давом этмоқда. Келин-куёв бахтли яшашлари учун уларнинг боши узра сўзана ёпилиб, гўшангага кузатилади. Тошкентда ҳам келинни куёвникига олиб боришда келиннинг бошига сўзана ёпиб олиб борилган. Шунингдек, қадимда қизнинг уйига совчи келганда ҳам хонадон эгалари розилиги сифатида совчилар дастурхонига қиз тиккан кашталардан намуналар солиб қайтарилган.

Қашқадарёда тўй маросимларда эркаклар ироқи дўппи кийиши ва аёлларнинг кўйлаклари олдида жияк шаклида ироқи широзлар тикилиши шарт бўлган. Болалар ҳам ироқи дўппи ва камзулчалар кийишган. Чунки бу белгилар уларнинг бахтиёр ҳаёт кечираётганлигидан далолат берибгина қолмай, балки уларнинг дунёқараши, диний эътиқоди ва қандай ҳунар эгаси эканлигини ҳам кўрсатиб турган. Шунингдек, Шаҳрисабзнинг тоғли қишлоқларида келин сепи ичида куёвга аталган ироқи дўппи бўлган. Бу билан келиннинг чеварлиги, ажойиб ҳунар эгаси эканлигини кўрсатилган.

Ўрта Осиё ҳунармандчилигининг ўзига хос ҳусусиятларидан яна бири бу – соҳа ҳомийси ҳисобланган ўз пир[4]ларига эга бўлишдир. Пир (тож. “чол, кекса, қария”, “мўйсафид”, “устоз”; араб.

---

[1] Атаджанова Д. Бухоро темирчилик ҳунармандчилиги / San’at. 2008. №1.19бет.

[2] Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Шаҳрисабз тумани, Ғилон қишлоғи. 2010 йил.

[3] Фахретдинова Д.А. Декоративно – прикладное искусство Узбекистана. Т., 1972. С. 21.

[4] Ҳар бир мурид ўз муршидини “пир” деб атаган. Пир – сўфийлик тариқатининг ёки муайян тариқат шаҳобчасининг асосчиси ёхуд раҳномаси бўлган муршид ёки эшондир. Тариқат асосчисининг авлодлари ва ворислари ҳам пир ёки пирзода унвонига эга бўлган. Тасаввуф тариқатларининг олий раҳномалари ёки обрўли зотларига нисбатан ҳам одатда “пир” атамаси қўлланилган.

шайх – маънавий устоз, ҳомий, “авлиё” маъноларида) атамаси нафақат Ўрта Осиёда, балки Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда ҳам тарқалган[1].

Пир ва унинг издошлари ўртасидаги алоқалар тасаввуф анъанасига хос бўлган устоз ва шогирд – муршид ва мурид ўртасидаги ўзаро муносабатлардан маълум маънода фарқ қилади. Мухлислар, яъни издошлар ўз пирига “қўл бериши”, ўзини пирнинг муриди деб тан олиши мумкин бўлган. Мурид шайх, пир, муршид олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олади, улар билан пинҳона ишончли муносабатлар ўрнатади ва уларнинг иродасига бўйсунади деб тушунилган[2].

Ўрта Осиёда бу атама одатда,  маънавий устоз ва ҳунармандчилик ҳомийси муносабатларида қўлланилади. Ҳунар пири йирик диний арбоб ёки афсонавий шахс, Аллоҳдан у ёки бу ҳунар машғулоти бўйича илм олган ва буни одамлар орасида тарқатган киши ҳисобланган. Жумладан, рисоларда келтирилишича, деҳқонлар дастлаб Одам Атони, нонвой ва ошпазлар Жаброил фаришта, тўқувчилар пири Момо Ҳаво ёки Сиф алайҳиссалом ва Иброҳим пайғамбар, тикувчилар пири Идрис пайғамбар, темирчилар пири Довуд пайғамбар, жувозчиларнинг пири эса Хўжа Рўшои, сартарошлар Салмон Пок (Салмон алФорсий Муҳаммад а.с. сафдошларидан)ни ўзларига пир деб билганлар. Яна ўзининг алоҳида пирларига эга бўлган мусиқачилар (пуфлаб чалинадиган созлар – сурнай, най ва ҳ.к.) Исрофил фаришта, ноғора ва бошқа уриб чалинадиган созларники – Искандар Зулқарнайн, карнайчилар – Довуд пайғамбар (Довуд пайғамбарни ҳозирги кунда касб фаолиятига кўра ҳайдовчилар ҳам пир деб биладилар[3]), чорвачиликда туялар пири – Вайс Қораний (Увайс пайғамбар сафдоши), йирик шохли мол ва қўйчилар пири – Зангиота ва Чўпонота бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд[4]. Алоҳида “минтақавий” пирлар ҳам бўлиб, Фарғона ва Тошкент қассоблари пири – Саид Ваққос (Муҳаммад а.с. сафдоши – Саид ибн Ваққос), Хоразм, Бухоро ва Самарқанд қассобларининг пири – нотаниш қассоб Жўмард ҳисобланган. Отбоқарларнинг пири Али, деҳқонларники эса Бобо Деҳқон, чорвадорлар эса Занги бобони ўзларига пир деб ҳисоблаганлар.

Бундан ташқари, уй-жой қурувчиларнинг ҳам пирлари бўлиб, уйнинг тўсини ёки ёғочини кўтаришда усталарга “кескилик ҳақи”

[1] Трименген Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М.: «Восточная литература». 1989. – С. 146.
[2] Трименген Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – С. 146.
[3] Дала ёзувлари. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. 2010 йил.
[4] Рисоля о стрельбе // Туркестанские ведомости. 1901. №38.

берилган[1]. Унга кўра, уста ўзи ишлаб топган пулидан ушбу ҳунар асосчисининг ҳақига дуои фотиҳа қилиб туриши шарт бўлган. Устачиликнинг пири Иброҳим Ҳалилуллоҳ бўлиб, у халқ орасида иморат қурган киши сифатида улуғланган. Нуҳ пайғамбарни эса энг биринчи бўлиб ёғочдан қайиқ ясаганлиги учун ёғоч ишлов бериш ҳунармандчилиги пири сифатида тан олинган[2].

Ўрта Осиёда барча кулолларнинг пири Саид кулол, яъни, Шамсиддин кулол бўлса[3], Баҳовуддин Нақшбандий эса ўз устахонасига эга бўлмаган, ёлланиб ишлайдиган уста – халфа ва шогирдларнинг пири ҳисобланган[4]. Олов билан ишловчи заргар, темирчи, дегрез, нонвой ва кулолларнинг бир қисми ҳам Ҳазрати Довудни ўзларига пир деб ҳисоблаганлар[5]. Игна билан иш тикувчи зардўз ва этикдўзларнинг пири Бобо Порадўз бўлган[6]. Бундан ташқари, зардўзлар энг биринчи уста зардўз, ғойибона ҳомий пир Ҳазрати Юсуфни ўзларининг пири деб билганлар[7].

Ҳунармандчилик устахоналарида меҳнат қуролларини тартибли жойлаштириш, жамоатчилик анъаналари ва озодаликка риоя этиш каби ҳолатлар ҳам бевосита соҳа пири ва аждодлар культи билан боғлиқ саналган.

Ўрта Осиё халқлари афсоналарида машҳур Деви Сафед, Биби Сешанба[8], Амударёнинг юқори оқимида Биби Расонда, Афғонистонда Биби Чархан, Биби Чоршанба, Усмоний туркларида эса Биби Пайшанбаи-кори деб аталган ушбу пирлар тўқувчи ва ип йигирувчилар ҳомийси ҳисобланган[9]. Жумладан, Қашқадарё воҳасида ҳам тўқувчи ва ип йигирувчиларнинг пири, яъни бибиси – Биби Сешанба деб аталади. Ипакчиларнинг пири Айюб пайғамбар ҳисобланиб, “Рисолаи бофандачилик” ёки “Бофандалик рисоласи” номли тўқувчилик рисоласида келтирилишича, олача тўқишнинг ҳам асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро бўлган[10].

---

[1] Аширов А. Ўзбек халқининг турар жойлар билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози// O’zbekiston tarixi. 2007. №3. 59-бет.

[2] Аширов А. Кўрсатилган асар, 60-бет.

[3] Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые боги Средней Азии. – Т., 1993. С.174

[4] Жаббаров И. кўрсатилган асар...с.179.

[5] Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара....-С.54.

[6] Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии....С.320.; Алимов У.А., Мирзаахмедов Д.К. К истории мавзолея Бобои - Порадўз в Бухаре // История материальной культуры Узбекистана. –Т.,1982.- Вып.XVII. – С.169.

[7] Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати....Б.321.

[8] Сулайманов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари.-Тошкент, 2004. – Б.43.

[9] Женщина в мифах и легендах / Состав.Валянская О.П.-Т.,1985.-С.57

[10] Мукминова Р.Г. К характеристики Самаркандских тканей конца XV - XVI века.// Общественные науке в Узбекистане.1970. №9. С.102.; Унинг. Очерки по истории ремесла...С.53.

Ҳунармандчиликнинг заргарлик турини ҳар томонлама ривожлантириш ва маҳсулотларни юқори санъат даражасига етишини истаган усталар ўз ҳунарларига содиқлигини кўрсатиш, қадимий анъаналарни давом эттириш, ҳунар пири, пайғамбар ва авлиёлари ҳақига дуо қилиш учун ҳам рисолалардан фойдаланган. Унга кўра, заргарлик пири ҳам Довуд пайғамбар ҳисобланган[1].

Касаба бошлиқлари, яъни бобо ёки оқсоқол ҳам пирларнинг ердаги акси ёки давомчилари сифатида ҳурмат қилинган. Ҳунарманд усталар пирлар хаққига иш бошланишидан олдин дуо ўқишиб, улардан ишига барака ва ҳар хил зиён-заҳматлардан асраши учун мадад сўрашган.

Хулоса қилсак, халқ ҳунармандчилигининг барча соҳаларида маҳаллий халқнинг урф-одат, маросим, байрам, диний ва дунёвий дунёқарашлари билан бевосита боғланган тасвирлар доимо рамзий оҳангда, етакчи мавзу сифатида талқин этиб келинган. Уларда йил фасллари, урф-одатлар билан боғлиқ маросимларда асосий қаҳрамонлар – инсон, табиат ва коинот бўлган. Чунончи, урфодат ва маросимларда дастлаб дунёнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш тараннум этилса, даврлар оша улар орасидаги боғлиқлик аввал диний, кейин фалсафий мушоҳада тарзида намоён бўлади.

Бугун бизгача етиб келган ҳунармандчилик соҳалари ўзининг анъанавий ишлаб чиқариш услуби ва санъатини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан ва шакл жиҳатдан анча ўзгарган. Халқ амалий безак санъатида тасвирланган нақшларда маълум этнос вакилларининг эстетик дунёси ифодаланиши билан бирга дунёвий ва замонавий тасаввурлар ҳам мустаҳкам ўрин олган. Бундай семантик рамз, тимсолларни бугун ўзбек ҳунармандчилигининг барча соҳаларида акс этганлиги ислом анъаналари, шунингдек, миллий маданий-тарихий жараённи кўрсатиб турувчи абадий манба бўлиб қолади.

Таъкидланганидек, ҳунармандчиликка оид урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги аждодлар культи билан боғлиқ бўиб, у уста томонидан шогирдига фотиҳа бериш ва аждодлар руҳига миннатдорчилик билдириш кўринишида яхши сақланган. Шунингдек, анъанавий ҳунармандчиликнинг ҳар бир соҳасида ҳунарнинг муқаддас ҳисобланиши ва авлоддан-авлодга ўтиб

[1] Фахретдинова Д. Ювелирное искусствоУзбекистана. –Тошкент: Литература и искусство, 1988. – С.73.

келиши ҳам фикримиз далилидир. Бу урф-одат ва маросимлар ҳунармандчиликнинг шаклланиши, унга турли даврлардаги ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таьсири, ишлаб чиқариш жараёнлари, тараққиёти ва трансформациясини янада яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Халқ ҳунармандчилигидаги маросим ва анъаналарни ўрганишда шундай хулосага келиндики, улар диний-фалсафий қарашлар билан узвий боғлиқ бўлган. Шу билан бирга, ҳунармандчиликда ердаги ўсимлик, ҳайвонот олами, диний аҳамият касб этган рамзий тасвирлар ва коинот рамзи, инсон ва табиатнинг зарраси ва руҳнинг абадий эканлиги ҳам ифодаланган.

# ХУЛОСА

1. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий ҳунармандчилиги трансформацияси Бухоро амирлиги, совет ва мустақиллик йилларини қамраб олган муҳим тарихий босқичларда содир бўлди. Бу тарихий жараёнлар хосилида анъанавий ҳунармандчилик тараққиётидаги ўзгаришлар турлича бўлган. Хусусан, Ўрта Осиёда Россия империяси мустамлакаси ўрнатилганидан сўнг аҳоли кундалик турмуш тарзига фабрика ҳунармандчилик маҳсулотларининг кириб келиши минтақада ҳунармандчиликнинг ривожига бевосита таъсир қилган. Бу ҳолат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида айнан ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги маҳсулотларида инновацияларнинг вужудга келишига сабаб бўлган эди.

Бу даврда соҳадаги индустрлаштириш ва маҳсулот айирбошлаш ҳунармандчиликдаги ўзгаришларнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, айнан шу жараёнлар фабрикада тайёрланган маҳсулотларнинг хонаки (уй) ҳунармандчиликни сиқиб чиқаришига олиб келган. Ҳунармандчиликдаги бундай ўзгаришлар ва ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашда янги технологияларнинг жорий этилиши уларнинг транформациясига сезиларли таъсир кўрсатиб, анъанавий ҳунармандчиликнинг капиталлашувига сабаб бўлган. Буларнинг барчаси ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўриниши, шакли, ҳатто унинг безак ва нақшларини ҳам тубдан ўзгартириб юборган.

2. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий ҳунармандчилиги XIX аср иккинчи ярмигача асосий ишлаб чиқарувчи соҳа саналган. Бундан кўриниб турибдики, этноиқтисодиётнинг ноанъанавий сектори доирасида ўзига хос тарзда шаклланиб борган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ишаб чиқариш маҳаллий аҳолининг иқтисодий эхтиёжидан келиб чиққан. Шу сабабли ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ эски урф-одатлар XX аср бошларигача сақланиб қолган.

3. XIX асрнинг 80 – 90-йилларда Денов, Шеробод, Бойсун бекликлари ҳудудига Россиядан келтирилган арзон маҳсулотларнинг кириб келиши маҳаллий ҳунармандчилик тизимига салбий таъсир кўрсатди. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда қадрсизланарди. XIX асрнинг иккинчи ярми –

XXI аср бошларигача даврдаги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилигидаги анъана ва урф одатлар, ҳар бир ҳунар соҳасидаги сир-асрорлар, тажриба ва малакаларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келиши, бу ҳунар турларининг давомийлигини таъминлаган ва даврлар ўтиши билан ривожланиб, такомиллашиб борган. Қолаверса, бу усул ва тажрибалар бошқа ҳудуд ҳунармандчилиги соҳасидаги умумийликлар, улардаги фарқлар ва хусусий томонлари изчил илмий тадқиқ қилинди.

4. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари азалдан ҳунармандчилиги ривожланган воҳалардан ҳисобланади. Ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши оқибатида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоғи сифатида қадам ташлади. Хонаки саноат турлари вужудга келди. Кейинчалик маҳаллий ҳунармандчилик халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб, техник ва бадиий жиҳатдан бирмунча юқори поғонага кўтарилди. Металл буюмлар ишлаб чиқариш ҳунармандчилигида темирчилик, заргарлик, мискарлик ва туникасозлик воҳаларда кенг тарқалди ва, айниқса, темирчилик соҳасида барча металл ишлаб чиқариш соҳаларига зарур бўлган қурол ва дастгоҳлар, уй-рўзғор буюмлари тайёрланди. Ёғоч буюмлари ясаш ҳунармандчилигида дураддгорлик, ўймакорлик буюмлари, кулолчиликда сопол маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Тўқимачилик ва ипакчилик ҳунармандчилигида тола ишлаб чиқарувчилар, бўёқчилар, пардозчилар меҳнат қилишиб, оила боқишган.

5. Бухоро амирлиги даврида ўлкага аста-секин рус капитали кириб келиши билан бозорларда маҳаллий ҳунармандчилик буюмларини сиқиб чиқарди ва бу ҳунармандларнинг норозилигига сабаб бўлди. Вилоятларда 1920 – 30-йилларда маҳаллий саноатнинг кўнчилик ва терини қайта ишлаш, этикдўзлик, металга ишлов бериш, дурадгорлик, чиланганрлик, каштачилик каби тармоқлари қийинчилик билан бўлса ҳам. Кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик турлари янада ривожлантирилди.

6. Жанубий ҳудудларнинг катта шаҳарларида (Беҳбудий, Шаҳрисабз, Термиз) саноат уюшмалари ташкил этилди. Якка тартибдаги ҳунармандчилик артеллари кооперативларга бирлаштирилди. Косибчилик ҳунармандчилик кооперациялари ишлаб чиқаришда янги мазмун касб этди.

7. XX асрга келиб, ўлкада тўқиш ва тикиш машиналарининг пайдо бўлиши халқ амалий санъатида ранг-баранг усуллар, мактаблар, нақший белгилар ва тасвирларнинг ўзгаришига сабаб бўлди.

8. Маҳаллий усталар кўплаб тери ва жун, ёғоч ва металл, пахта ва ипакдан тайёрланган ноёб тур ва сифатларга эга бўлган маҳсулотларни, ташқи бозорларда толалардан тайёрланган матолардан тикилган кийим-кечак маҳсулотларини сотганлар. Ташқи ва ички бозор муносабатларини ўзлаштириш шароити маҳаллий ҳунармандларнинг самарали меҳнатини такомиллаштиришга катта ёрдам бериб келган. Бундай халқлараро савдо муносабатлари, юқорида таъкидланганидек, маҳаллий ҳунармандларнинг касбий даражасини янада такомиллаштиришга, янгидан-янги услуб ва шаклларда ноёб нусхаларда маҳсулот тайёрлашга ва ниҳоят рақобатчилик асосларининг таркиб топишига олиб келган. Шу билан бирга маҳсулотларнинг сифат даражасини янада мукаммаллаштирган.

9. Сурхон воҳасида истиқомат қилган ўтроқ ва кўчманчи уруғларнинг ҳар бири ўзига хос эътиқоди, урф-одати, меҳнат қуроллари, кийимлари, анъанавий турмуш тарзи билан бир-биридан ажралиб турган. Бу эса ҳунарманд усталарни қабилавий уруғларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этган. Халқ ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларни имконият даражасида таъминлаган бўлсалар-да, лекин уларнинг турмуш даражаси анча паст ва ачинарли аҳволда эди. Чунки маҳаллий бекликлар, иш бошқарувчилар ҳунармандчиликнинг ривожланишига моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бермаганлар. Солиқ ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлаб туришга қарамасдан, қўшимча солиқ, ноқонуний мажбуриятларни бажаришга жалб этилган. Фақатгина бек ихтиёрида бўлган ҳунармандларгина ортиқча солиқ, йиғим ва ҳашарлардан озод қилинган.

10. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қишлоқ жамоаси давлат органлари томонидан бошқариб турилган ҳамда хуқуқий, хўжалик ва ижтимоий муносабатларни ўз назоратига олган. Минтақада қишлоқ жамоалари ўзининг мустақиллиги, ўзаро уюшиб меҳнат қилиши, турмуш бирлиги анъанаси, оилавий алоқалари билан алоҳида ажралиб турган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолиси моддий маданиятининг ажралмас узвларидан бири бўлган анъанавий ҳунармандчилиги тарихини трансформацион жараёнлар контекстида ўрганиш шуни кўрсатадики, уларни умумий битта маданий яхлитликда ривожланган, деб айтиш қийин албатта. Бу эса, ўзига хос хусусият акс этган алоҳида тарихий-этнографик

минтақалар мисолида ҳудудларга хос анъанавий хусусиятлари хўжалик-маданий ҳаётидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш, унинг аҳолиси хўжалик ҳаёти билан кечган этномаданий жараёнлар орқали ёритиб беришга имкон туғдиради. Чунки ушбу вилоятлар аҳолиси ҳунармандчилиги тарихи умумўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутиб, алоҳида маданият ва мактаблар тарзида шаклланиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган этник, локал ва умумминтақавий хареактерли хусусиятлар асосида ривожланган.

11. Ўзбекларга хос анъанавий ҳунармандчилик соҳалари орасида тўқувчиликнинг: мато тўқиш, каштачилик, гиламдўзлик соҳалари, темирчилик, заргарлик, ўймакорлик, кулолчилик каби ҳунар турлари маълум ва машҳур бўлиб, ўзига хос локал уй (хонаки)ҳунармандчилиги сифатида тараққий этган ва алоҳида ҳунар мактабларининг яратилишига асос бўлган. Воҳадаги ҳунармандлар ўз фаолиятлари билан жамиятда тутган ўрни, моддий имкониятлари доирасида шаҳарлар ривожига, ҳудуддаги этномаданий жараёнлар тараққиётига муҳим ҳисса қўшганлар.

12. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида анъанавий ҳунармандчилик аҳолининг хўжалик фаолияти, айниқса, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан бир вақтда олиб борилган.

13. Ҳунармандчиликнинг ривожланишига айрим салбий оқибатлар ҳам таъсир этган. Жумладан, иш ҳақининг камлиги, кундалик меҳнат мажбуриятининг оғирлиги кўп ҳолларда уста ёрдамчиси-халфа, шогирдларнинг устахонадан кетиб қолишига сабаб бўлган. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнига ҳам таъсир кўрсатган. Аммо ҳунармандларнинг меҳнат қуроллари ҳамон ўрта асрлардаги характерини сақлаб қолган эди. Иш қуролларининг оддийлиги, техникавий жиҳатдан қолоқлигига қарамай, ўзбек ҳунармандчилигининг кўп соҳалари ниҳоятда юксак санъат намуналари сифатида шухрат қозонган. Шубҳасиз, ҳар бир соҳа ўзининг тараққиёт даражаси, натурал хўжалик ёки бозор билан боғлиқлиги, ташкилий томондан ва ҳажми жиҳатидан ўзаро фарқ қилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу ерга келган илғор техника ва технологиялар эмас, балки тайёр фабрика маҳсулотларининг кириб келиши ҳам сабаб бўлган.

14. Халқ ҳунармандчилиги кўп йиллик анъана ва қадриятларга эга бўлиб, ўзида аҳоли турмуш тарзини, талаб ва эҳтиёжини, маданиятини, маънавиятини ҳамда жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳам акс эттирибгина қолмай, балки, ўзбек халқи ҳаёти ва турмушининг барча жабҳаларини қамраб олган аҳоли

дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ҳам намоён этади.

15. Ўзбек ҳунармандчилигининг яна бир муҳим хусусиятлари унинг кўп соҳаларининг бевосита уй-рўзғор хўжалиги билан боғлиқлиги эди. Кўп ҳунармандлар асосий касбидан ташқари, айниқса, қишлоқ шароитида (баъзи ҳолларда шаҳарда) деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик билан ҳам бир вақтда шуғулланиб келганлар. Шунингдек, хўжалик фаолиятида деҳқончилик хўжалигининг устунлиги, анъанавийликнинг ҳукмронлиги, ишлаб чиқаришда натурал ва майда ишлаб чиқаришнинг бирикиб кетиши, уй хўжалигининг биқиқлиги, айирбошлашнинг заиф ривожланганлиги, эмпирик хўжалик меҳнат тажрибаси, уй ҳунармандчилигида, асосан, ёлланма меҳнатнинг мавжудлиги ва ўзига хос яшаш воситаларининг яхлитлигига таянган ҳолда олиб борилган.

16. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳунармандчилик ўзининг хусусиятига кўра учта: қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ҳунармандчилик, саноатга хизмат қилувчи ҳунармандчилик ва аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи ҳунарманчиликка бўлинган эди.

17. Совет даврида ҳунармандчилик ва ҳунармандларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, уларнинг асосий тирикчилик воситаси бўлган оддий устахоналар ва дастгоҳлари ҳукмрон доиралар, большевиклар томонидан мусодара қилинди. Ҳунармандлар эса "майда товар ишлаб чиқарувчилар", деб эзилувчи синф сифатида қаралиб, ҳунармандчилик бутунлай янги ташкилий тизим сифатида қайтадан қурилди. Пайдо бўлган янги шакл эса фақатгина "социализм" манфаатлари йўлида фойдаланилди ва деформация қилинди. Натижада ҳунармандчиликнинг баъзи кўринишлари ўзгарди ва айримлари сиқув остига олинди.

18. Қадимий ҳунармандчиликнинг саноат асосига ўтказилиши, тармоқ ва турли ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган устахоналарни ва ҳунармандларнинг ташкилий жиҳатдан турли уюшмаларга, кооперацияларга, артелларга бирлаштирилиши, уларни социализм манфаатлари йўлида хизмат қилдириш учун турли хил усуллар ва йўллар билан мажбур қилинди. Ҳунармандчиликнинг миллий ва анъанавий асосларига путур етказилди. Ҳунармандлар ўзининг азалий эркинлиги, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотишдан маҳрум қилинди.

19. Урушдан кейин вилоятларда ҳунармандчилик кооперацияси уюшмаси, вилоят ногиронлар кооперацияси уюшмаси оғир иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирди. Корхоналарни қуриш, таъмирлаш ва уларни малакали ишчилар билан таъминлаш орқага чўзилиб кетди. Саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш ҳам секинлик билан амалга оширилиб, бошқарув марказдан амалга оширилди. Марказ қабул қиладиган кўпгина режалар маҳаллий манфаатларга зид бўлиб, чор империяси давридагидек арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар сотиладиган қулай бозорга айланиб қолди. Вилоят ҳунармандчилик кооперацияларида бошқаришнинг тоталитар шаклларини тиклаш тамойили ортиб бориб, иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини валюнтаризм ва субъективизмга бўшатиб берди. Ишлаб чиқаришда стахановчилик ҳаракатлари, зарбдор бригадалар ташкил этиш, меҳнат мусобақалари уюштириш тадбирлари кескин тус олиб, қуруқ мажбурий ижтимоий ривожланиш негизида олиб борилди.

20. Анъанавий ҳунармандчиликдаги трансформацион жараёнлар эса XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб ўлкада вужудга келган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий-маданий ўзгаришлар таъсири натижасида юз берган.

21. Мустақиллик йилларида миллий анъаналари қайта тикланиши ва миллий меросга бўлган муносабатнинг ошиши натижасида ҳунармандларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва уни кенг кўламда қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Касаначиликни ривожлантириш орқали, янги замонавий қараш ва ёндашувлар асосида миллий ҳунармандчилик жараёнини тиклаш ривожлантирилмоқда.

Хулоса қилиб шуни қайд қилиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳунармандчилик жуда чуқур тарихий илдизларга бориб тақалиб, маҳаллий аҳоли қадимданоқ маҳаллий ресурслар асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлаб ўз ички эҳтиёжларини қондира олган. Бугунги кунгача яратилиб келган, халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳунармандчилик намуналарида маҳаллий халқнинг дунёқараши, миллий тафаккурининг чуқур қатламлари, хўжалик фаолияти, фалсафаси, қарашлари, турмуш тарзининг тараққиёт даражаси намоён бўлади.

Жанубий ҳудудлардан унутилган ва унутилиб бораётган ҳунар турларини қайта тикланди.

Умуман олганда, халқ анъанавий ҳунармандчилиги ўзбек этномаданиятида ўзига хос ўрингa эга бўлиб, унда замонавийлик:

– тарихий-маданий анъаналарга, миллий мактаблар тажрибасига таяниш;

халқ ижоди ва санъатини оммалаштириш;

– моҳиятан миллий, шаклан умуминсоний қадриятлар, белгилар, тимсоллар яратиш;

– халқаро ижтимоий-маданий алоқаларни, тажриба ва информациялар алмашишни қўллаб-қувватлаш;

– ҳар бир кишини этномаданий бойликлар яратиш субектига айлантириш,

– аждодлар тажрибаларига таяниб, замонавий қадриятларни миллий тараққиётга хизмат қилдириш, ҳаёт талабини ўзида ифода эттириш кабиларда акс этиши лозим. Бизнинг фикримизча тарихий анъаналар, бугун билан уйғунлашиб бўлса-да, кишиларнинг бадиий, эстетик дидга таъсир этиб, уларнинг турмуш тарзида узоқ вақт яшаб қолади.

Ўзбек халқининг ўзига хос анъаналарини ўзида сақлаб келаётган қадимий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш ва уларни моддий маданиятнинг нодир намуналари сифатида қадрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Халқ анъанавий ҳунармандчилигини истиқболли ривожлантириш мақсадида тадқиқот сўнгида қуйидаги мулоҳазалар ва амалий тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ деб топилди:

халқ ҳунармандчилиги ўзбек этномаданиятида ўзига хос ўринга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ундаги тарихий-маданий анъаналарга, миллий мактаблар тажрибасига таяниб, халқ ижоди ва санъатини янада кенг оммалаштиришга эътибор қаратиш учун Республика “Ҳунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда “Уста-шогирд” мактаби ташкил этиш ва Низомини ишлаб чиқиш;

халқаро ижтимоий-маданий алоқалар орқали тажриба ва информациялар алмашишни қўллаб-қувватлаш ва ҳар бир ҳунармандни этномаданий бойликлар яратиш субъектига айлантириш зарур;

аждодлар тажрибаларига таяниб, замонавий қадриятларни миллий тараққиётга хизмат қилдириш, ҳаёт талабини ўзида ифода эттириш керак,

республика “Ҳунарманд” уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ишлайдиган, маҳаллий мактабларнинг ўзига хослиги, санъат “софлигини” (санъат экологияси) сақлаб қолиш долзарблигига оид анъанавий ҳунармандчилик тарихи юзасидан илмий марказ ташкил этиш зарур;

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга эга нашрлар:


1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1991. –30 октябр. –№ 10. – Б.7879.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Тошкент, 1991. – 30 октябр. – № 12. – Б. 1819.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. –Тошкент, 2006 йил. Сентябр. – Б. 87-88.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. –Тошкент, 2008. №2. – Б. 62-64.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи. 1997, 1 апрел.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 август “Тадбиркорлик субъектларини Давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги 357-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда “Тадбиркорлик субъекларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2005, июнь.

9. Ўзбекистонда касаначилик: ташкил этиш имконияти ва ривожлантириш тажрибаси (қонунчилик ва амалиёт). Ўқув-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги. – Тошкент, 2008. – Б. 11.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29 июль 2009 йилги “Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори // Халқ сўзи. 2009 йил, июль.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни .

12. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар

стратегияси” тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Қонунлар ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.
13. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 176 б.
14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 441 б.

**Манбалар**

1. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент, 1997. – 607 бет.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, 1993. 224 б.
3. Абу Райхон Беруний. Минералогия. – Тошкент, 1968.– 68 б.
4. Авлоний А.Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ. –Тошкент. 1992.
5. Кошғарий Маҳмуд. Туркий тиллар луғати. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Уч томлик. – Тошкент, 1960-1963. Т. I. – 500 б.; Т. II. – 427 б., III т. 460 б.
6. Қуръони карим / Таржима ва изоҳлар, муаллиф Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992.
7. Темур тузуклари / А.Соғуний таржимаси. – Тошкент, 1996. – 344 б.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.
9. Ҳадис. / тузувчи Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-бухорий. 2 жилд. - Тошкент.: 1996. – 434 б.
10. Рисола - и жувозкаши // Туркестанская туземная газета. – 1901. –№39.
11. Рисола - и нонвойлик // Туркестанская туземная газета. – 1901. – №26, 28, 29.
12. Рисола - и медников // Туркестанская туземная газета. – 1902. –№ 27, 29.
13. Рисола для ткачей маты // Туркестанская туземная газета. – 1901. –№8, 13.
14. Рисола токарных мастеров // Туркестанская туземная газета. – 1902, -№20, 23.

15. Рисола для медников // Туркестанская туземная газета. – 1902. – № 42, 43, 45.
16. Рисола бакалейшиков // Туркестанская туземная газета. – 1903. – № 11.
17. Рисоля земледельцев // Туркестанская туземная газета. – 1902. – № 22, 23.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви материаллари:

1. И1-фонд – Туркистон генералгубернаторлиги девонхонаси.
2. И-3-фонд – Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги.
3. И-17-фонд – Сирдарё вилояти бошқармаси.
4. И18-фонд – Самарқанд вилояти бошқармаси.
5. 25-фонд – Туркистон АССР Халқ комиссарлари Кенгаши.
6. 27-фонд – Туркистон Республикаси халқ хўжалиги Марказий Совети.
7. 47-фонд – Бухоро ХСР МИҚ.
8. Р-837-фонд – ЎзССР кустарь саноат кооперациялари статистик диаграммалари.
9. 837-фонд – ЎзССР Халқ комиссарлари Совети.
10. 86-фонд – ЎзССР Марказий ижроия қўмитаси.
11. 87-фонд – Ўзбекистон ССР Ревкоми.
12. 88-фонд – ЎзССР Давлат план комитети.
13. 89-фонд – ЎзССР ХХЮК.
14. 9-фонд – СССР ХКС ҳузуридаги Марказий Осиё Иқтисодий Кенгаши – Средаз Экосо.
15. 279-фонд – Ўрта Осиё Ҳарбий саноат қўмитаси.
16. 461-фонд – Туркистон район муҳофаза бўлими.
17. 303-фонд – Ўрта Осиё ҳунармандчилик кооперациялари (“Среднеазпромсовет”).
18. 2027-фонд – Ўрта Осиё республикалари Иқтисодий Кенгаши – СЭС.
19. 1619-фонд – Марказий статистика бошқармаси.
20. 93-фонд – Ўзбекистон Молия Министрлиги.

**Қашқадарё вилояти Давлат Архиви материаллари:**

1. 1-фонд – Қашқадарё вилояти ижроия кўмитаси.
2. 9-фонд – Қарши шаҳар меҳнаткаш депутатлар иттифоқи ижроия кўмитаси маҳаллий саноат бўлими.
3. 10-фонд – Қарши туман саноат ишлаб чиқариш комбинати.
4. 66-фонд – Ўзбекистон Республикаси тери ва пойабзал ишлаб чиқариш кооператив иттифоқининг “Тикучи” пойабзал ишлаб чиқариш артели.
5. 237-фонд – Енгил саноат Минстрлигига қарашли 10-сонли вилоят пойабзал тикув фабрикаси.
6. 75-фонд – Қашқадарё инвалидлар кооператив бирлашмаси иттифоқининг Қарши инвалидлар кооператив бирлашмаси иттифоқи.
7. 83-фонд – Қашқадарё округи ижроия қўмитасининг фармойишлари, буйруқлари, мажлислари баённомалари ва 34, 104, 74, 133, 198, 224, 225, 285, 288, 386, 452, 458, 466-фондлар, вилоятнинг Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор филиаллари архивларининг 4, 44, 144, 126-фондлари.

**Сурхондарё вилояти Давлат Архиви материаллари:**

1. 1-фонд – Сурхондарё вилояти ижроия қўмитасининг ҳисоботлари.
2. 95-фонд – Вилоят ижроия қўмита мажлиси қарорлари.
3. 313-фонд – Вилоят кенгаши сессияларининг маълумотлари.
4. 454-фонд – Сурхондарё вилояти кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи.
5. 455-фонд – Сурхондарё вилояти халқ таълими Бошқармаси.
6. 45-фонд – Сурхондарё вилояти Маданият бошқармаси.
7. 15-фонд – “Прогресс” артели. 1932-1947 йиллар.
8. 199-фонд – Индивидуал тикув бўйича пойабзал фабрикаси. 1939-1949 йиллар.
9. 258-фонд – “Родина” металл чарм-пойабзал тикувчилик, дурадгорлик ва жун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш кўп профиллик артели.
10. 322-фонд. Сурхондарё вилояти “Промсоюзи”. 1936-1938 йиллар.
11. 261-фонд – Сурхондарё вилояти “Промсоюзи”. 1938-1959 йиллар.

12. 18-фонд – Сурхондарё округ совети ижроия қўмитаси “Облисполком”. 1925-1941 йиллар.

13. 444-фонд – ЎзССР тўқимачилик саноати Халқ комиссарияти пиллачилик трестининг Сурхондарё округ конторасы.

14. 526-фонд – ЎзССР коммунал маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг Сурхондарё вилоят маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси. 1955-2001 йиллар.

15. 462-фонд – Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича Чкалов артели. 1955-1960 йиллар.

## Бошқа архив ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси жорий архиви. 2008 -2017 йил ҳисоботлари.

2. Қашқадарё вилояти “Ҳунарманд” уюшмаси ҳисоботлари. 2000-1016 йиллар.

3. Сурхондарё вилояти “Ҳунарманд” уюшмаси ҳисоботлари. 2015-2016 йиллар.

## Монография, илмий мақола, патент ва тўпламлар:

1. Абдужаббарова М. Ўзбекистонда тикувчилик фабрикаларининг тарихий шаклланиши // Moziydan sado. – 2008. –№ 1. – Б. 39.

2. Абдуллаев Т.А. Каталог медных и медночеканных изделий Узбекистана XVIII – XX вв. – Ташкент: АН УзССР, 1974. – 100 с.

3. Абдуллаев Т.А. Ремесла Узбекистана XIX – XX вв. Путеводитель. – Ташкент: Фан, 1976. –140 с.

4. Абдуллаев Т.А. Каталог вышивок Узбекистана XIX – XX века. – Ташкент: АН УзССР, 1976. – С. 147.

5. Абдуллаев Т.А., Фахретдинова Д., Хакимов А. Песнь в металле. Народное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1986. – 252 с.

6. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этносларaро жараёнлар. – Тошкент: “Yangi asr avlodi”, 2005. – 232 б.

7. Абдуллаева Ш. Ручная вышивка Сурхандарьи 2 – половины XX века // Бойсун баҳори. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, 2002. – Б. 81.

8. Агзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 53 б.
9. Агзамова Г.А. Шаҳрисабз – иқтисодий ва маданий ҳаёт маркази (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми) // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002. – Б. 49-50.
10. Азизова Н.К. Ювелирные изделия Узбекистана. – Ташкент: Художественная литература, 1968. – 20 с.
11. Алимов У.А., Мирзаахмедов Д.К. К истории мавзолея Бобои-Порадўз в Бухаре // История материальной культуры Узбекистана. – Ташкент, 1982. –Вып. XVII. – С.169-186.
12. Алтуянц С. И живет в них искра божья или как ремесло красит человека // Правда Востока. 2006, 26 апрель.
13. Алъмеев Р.В. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 129 с.
14. Альмеева Д. Бухорои шарифнинг заргарлик санъати // Moziydan sado. – 2002. –№ 3. – Б. 6-9.
15. Амалий санъат қисқача луғати. – Тошкент, 1992. – 47 б.
16. Аминов М. Шаҳри азим – Тошкент. – Тошкент, 1983. – 24 б.
17. Андреев М.С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских цехов и цеховых сказаний (рисола) // Этнография. - 1927. - №2. - С. 323-332.
18. Андреев М.С. Орнамент горных таджиков верховьев Амударьи и Памира. – Ташкент, 1928. – 41 с.
19. Антипина К.И. Особенности материальной культуры и прикладного искусства южных киргизов. – Фрунзе, 1962. – С. 124-131.
20. Атаджанова Д. Бухоро темирчилик ҳунармандчилиги // San'at. – Тошкент, 2008. № 1. – Б. 19.
21. Атаджанова Д. Ремесленный обряд «камар басте» (посвящение ученика в мастера) в Средней Азии // San'at. – Ташкент, 2009. № 1. – С. 2.
22. Атаджанова Д. Рисола – источник по изучению отдельных отраслей истории ремесла // O'zbekiston tarixi. – Ташкент, 2005. № 2. – С. 82.
23. Аҳмаджнов Ғ. А. Россия империяси Марказий Осиёда. – Тошкент, 2003. – 25 б.
24. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 276 б.

25. Аширов А. Ўзбек халқининг турар жойлар билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2007. - № 3. – Б. 36 - 66.
26. Аширов А. Ўзбек халқи этнологиясида терминология муаммосига доир айрим мулоҳазалар // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент, 2010. – Б. 19 – 23.
27. Аширов А.А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи // Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. – Наманган, 2003. – Б. 14-17.
28. Бакаева Х.Д. О золотом шитье Бухары // Общественные науки в Узбекистане. - 1970. - № 12. - С. 30-32.
29. Балков В.К. Кустарно-ремесленная промышленность Средней Азии. - М., 1947. – 128 с.
30. Баротова Ш. Ўзбек сўзаналари // San'at. – Тошкент, 1998. – № 1 – 3. – 36-38 бетлар.
31. Барковский А.Ф. К вопросу обработки живодноводческого сырья у киргизов // Ученые записки Киргиз. Женского пед. ин-та. – Вып. 2. – Фрунзе, 1957. – С. 71-107.
32. Беленецкий А.М. Организация ремесла в Самарканде в XV–XVI вв. // КСИИМК. Вып. XVI. – М.-Л., 1940. – С. 43–47.
33. Бердиев Х., Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1991. – Б. 18.
34. Бинафша Нодир. Ўзбекистон жанубий ҳудудидаги қўнғиротлар бадиий ҳунармандчилиги // San'at. – Тошкент, 2013. № 2. – Б. 18.
35. Бинафша Нодир. Хапамат ва гулбанд безаклари маънолари. // San'at. – Тошкент, 2009. № 1. – 6-8 бетлар.
36. Богословская И. Қорақалпоқ безак нақшларидаги сирли хатлар // San'at. – Тошкент, 2008. № 2. – Б. 8.
37. Богословская И. Қорақалпоқ нақш санъатида зооморф унсурлар // San'at. – Тошкент, 2009. № 2. – Б. 15.
38. Богословская И., Левтеева Л. Тюбитейки Узбекистана XIX – XX веков. – Ташкент, 2006. – 176 с.
39. Бойтуллаев Р. Сержило ўзбек гиламлари // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2001. № 6-7. – Б. 15.
40. Борнс А. Путешествие в Бухару. – М.: Издание П.В. Голубкова, 1848. – Ч.1. – 528 с.
41. Боронза Н.Г. Виды женских ювелирных урашений у народов Средней Азии и Казахстана // Советская этнография. – М., 1974. – № 1. – С. 32-44.

42. Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кофирнигана / Материальная культура Средней Азии и Казахстана. – М., 1974. – С. 91 – 110.

43. Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 281 – 297.

44. Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанском крае. – СПб, 1875. – 99 с.

45. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 384 б.

46. Бўриев О. Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари (Этнотарихий лавҳалар). – Қарши: “Насаф”, 2005. – 195 б.

47. Бўриев О., Искандаров Ш. Маҳалла – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маскани // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2011. № 2. – 27 бет.

48. Бўронова Н. 1925-1940 йилларда саноатлаштириш сиёсати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. № 4. – 50-бет.

49. Вамбери А. Очерки по Средней Азии. – СПБ., 1865. – 221 с.

50. Вамбери А. Очерки по Средней Азии (Дополнение к путешествию по Средней Азии). – СПБ., 1868. – 336 с.

51. Вамбери А. Очерки жизни и нравово Востока. – СПБ, 1877. – 248 с.

52. Василевский Н. Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. - Ташкент, 1920. – № 9-10; - С. 37-42.

53. Васильева Н. Наши задачи в области кустарной промышленности // Народное хозяйство Туркестана. 1920. №7-8.

54. Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии. – М-Л.: Искусство, 1940. – 191 с.

55. Габбин Н.И. Арбяное производство (абакаш уста) в Ташкенте // Артиллерийский журнал. – Спб., 1899. №9. – С. 779-797.

56. Габбин Н.И. Кустарные промыслы. 1. Производство седел (ленчиков)(в Ташкенте) / Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. У11. –Ташкент. 1899. – С. 1-54.

57. Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. Исследованких цехов. – Ташкент, 1912. – 58 с.

58. Гаврилов М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины Милябада // Народное хозяйство Средней Азии. – Ташкент, 1927. № 1-2. – С. 258-260.

59. Гаврилов М.Ф. Кукольный театр Узбекистана // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников

старины, искусства и природы. – Ташкент, 1928. Вып.III. – С. 98-171.
60. Галкин. Военно-статистический очерк Бухарском ханстве и южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 21.
61. Гарбузова В.С. Эвлия Челеби о стамбульских ювелирах XVII в // Труды отдела истории культуры и искусства Востака. – Л., 1940. Т. III. – С. 314-324.
62. Гейер И. Кустарные промыслы в Ташкенте. I. Астарчи // Русский Туркестан. –Ташкент. 1902. – № 166, 167, 171.
63. Гейер И. Кустарные промыслы в Ташкенте. II. Сагричи (Шагреньщики) // Русский Туркестан. Ташкент. 1902. № 192.
64. Гейер И. Кустарные промыслы в Ташкенте. III. Патакчи // Русский Туркестан. –Ташкент. 1902. № 214.
65. Гейер И.И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903. - 32 с.
66. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент, 1909.
67. Гейер И.И. Кустарное производство Средней Азии. - Ташкент, 1926. - 234с.
68. Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь 1. – Ташкент, 1903. – 32 с.
69. Головин Г. Кустарные промыслы в Туркестане // Туркестанский сборник. Т. 512. – С. 17.
70. Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1986.
71. Гордлевский В.А. Из жизни цехов в Турции. К истории Ахи // Азиатский музей. Записки коллегии востоковедов. Т. II. Вып. 2. – Ленинград, 1927. – С. 239-243
72. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Вып. I. – М., 1972. – С. 4-6.
73. Гребенюк А. Музей кузнечных ремесел // Народного слово. 2006, № 22.
74. Григорьев Г.В. Кустарные производство бумаги в Узбекистане // СЭ. 1940. №3. С. 142-160.
75. Гюль Э. Амалий санъатда этник-маданий анъаналар // San’at. – Тошкент, 1998. – № 1-3. – Б. 32-33.
76. Гюль Э. Жойнамоздаги рамзлар // San’at. – Тошкент, 2001. № 3. – Б.13-16.
77. Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Ташкент, 2005. – С.12.

78. Гюль Э. Қўнғирот гиламлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. № 1. – Б. 8.
79. Гюль Э. Шаҳрисабз каштaлари // San'at. – Тошкент, 2002. – № 1. – Б. 14-18.
80. Гюль Э. Ковроткачества Байсуна // История и традиционная культура Байсуна. Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 2. – Ташкент, 2005. – С. 27.
81. Гюль Э. Қашқадарё воҳасининг XIX аср – XX аср бошларидаги санъати ва ҳунармандчилиги // Sanat. – Тошкент, 2005. № 2. – Б. 15.
82. Гюль Э. Своеобразие этнокультурных взаимодействий в искусстве Узбекистана XIX – начала XX вв. // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 71.
83. Гюль Э. Ўзбекистон бадиий тўқимачилигида ранглар жилоси // San'at. – Тошкент, 2008. – № 34. – Б. 23.
84. Гюль Э. Лақай каштaлари // San'at. – Тошкент, 2012. № 3. – Б. 10.
85. Дарский Э. Среднеазиатский состав цеха живописцев // Проблема востаковедения. М. 1959. №3. С. 103–113.
86. Десятчиков Б.А., Понамарев П.М. Социалистическая реконструкция ремесленно-кустарной промышленности Уз ССР. –Ташкент, 1940. –184 с.
87. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. (XIX аср охири – XX аср). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 177 б.
88. ДЖаббаров И. Из истории изучения ремесла в дореволюционном Узбекистане // КСИЭ, XXXII, М. 1959. С. 74-84.
89. Джаббаров И. К вопросу о технике чугунолетийного производства Хорезма // ИМКУ. – Вып. I. – Москва, 1959. С. 208-215.
90. Джаббаров И. Об ученичестве и ремесленных цехах в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. (По материалам Хорезма). – Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. 29 октября- 4 ноября. 1956г. , - М-Л., 1959. – С. 81-89.
91. Джаббаров И.М. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. – Вып. III. – Ленинград, 1971. – С. 72-146.

92. Докторов П.И. Ремесло и кустарное производство якутов (История и современность). – Якутск: Якутский государственный университет, 1999. – С. 49-51.
93. Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – 206 с.
94. Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т. УІІ. – Л., 1928. – С. 102- 104.
95. Есбергенов Х. Вопросы этнической истории и традиционной культуры каракалпаков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989. – 67бет.
96. Жумаев Қ. XIX аср охири – XX аср Ғиждувон анъанавий каштачилиги // San'at. – Тошкент, 2002. № 2. – Б. 16.
97. Жумаев Қ. XIX –XX аср бошларида Бухоро ипак каштачилиги // Бухоро маданий мероси тарихидан материаллар. – Бухоро, 1995. – Б. 37-59.
98. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича) – М., 1883. – С. 50-60.
99. Захаров С.М. Очерки из истории Кашкадарынской и Сурхандарынской областей Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 1968. – 224 с.
100. Захаров С.М. Қарши. – Тошкент, 1977. – 56 б.
101. Захаров С., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1979. – 68 б.
102. Зияев Ҳ. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида. – Тошкент: Муҳаррир, 2001.
103. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида . – Тошкент, 2013. – 440 б.
104. Зунунова Г.Ш. материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций. – Ташкент, 2013. – 300 с.
105. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX века). – М.: Восточная литуратура, 1958. – 248 с.
106. Из истории гражданской войны в СССР // Сборник документов. – М., 1960. Т. 1. – С. 243-264.
107. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва, 1991. – С. 231-246.
108. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари. – Тошкент, 1978. – 53 б.
109. Исомиддинов М.Ҳ., Ярқулов А.А. "Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи (V – IX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари). – Тошкент: "Yangi nashr", 2014. – 60 б.

110. История второй мировой войны (1939-1945 гг.). – М.: Воениздат, 1965. Т. 6. – С. 75-76.

111. История материальной культуры народов Узбекистана. – Ташкент, 1961.

112. История народного хозяйства Узбекистана. – Ташкент, 1962. Т. 1.

113. Кадишева О. Гиламда юлдузли тунлар жилоси // San'at. – Тошкент, 2013. № 1. – Б. ??.

114. Кап. Гантилло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г. // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – Спб., 1886. – Вып. XXI. – С. 25.

115. Кармышева Б. Локайские мапрачи и ильгичи // Сообщения Республиканского историкокраеведческого музея. – Вып. II. История и этнография. – Сталинабад, 1955. – С. 149.

116. Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – Москва: Наука, 1979. – С. 117.

117. Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у народов южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX в.) // Проблемы типологии и этнологии. – М., 1979. – С. 251-264.

118. Кармышева Б.Х. О товарности женских промыслов (Этнографические данные по восточным бекствам Бухарского ханства). В кн.: Ближний и Средний Восток. Товарно-денежные отношения при феодализме. М., 1980. С. 99-107.

119. Ковровые производства Туркестана // Туркестанские ведемости. 1894, 31 марта. № 23. – С. 92.

120. Комаров П. Несколько слов о «Рисоля», т.е. посланиях или поручениях ремесленников // Туркестанские ведомости. 1901. №45.

121. Кооперативы кустарей // Туркестанские ведомости. 1910, 11 апреля.

122. Конопка С. Туркестанский край. – Ташкент, 1912. – 468 с.

123. Костенко Л.Ф. Туркестанский край. В 3-х томах. – Спб., 1880. Т. I. – 453 с.; Т. II. – 261 с.; Т. III. – 303 с.

124. Краузе И. Заметка о красильном искусстве туземцев // Туркестанский сборник. – СПб., 1873. Т. 57. – С. 209.

125. Кузнецова Н.А. Ремесленные рисала // Краткие сообщения Института востоковедения. Вып. 19. – М., 1959. – С. 80-83.

126. Кун А.Л. Очерки Шахрисабзского бекства //ЗИРГО по отд. Этнографии. – Вып. VI. – СПб., 1880.
127. Куравлев В.П. К организации ремесленных цехов в Турции // Социальная история народов Азии. – М., 1975. – С. 260-269.
128. Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик. – М., 1926.
129. Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Ташкент: Фан, 1986. – 164 с.
130. Леви Стросс К. Структурная антропология. – М., 2001.
131. Литвинов Б. Карши // Туркестанские ведомости. – 1879. – №.116 – С. 24-25.
132. Логофет Д. Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб, 1913. – 619 с.
133. Лунеева В. Ўзбекистонда бош кийимлари безаги тарихидан // San"at. – Тошкент, 2005. № 3-4. – 9-бет.
134. Маев Н. Туркестанская выставка 1886. – Ташкент, 1886. – С. 82.
135. Маев Н. Туркестанская выставка предметов сельского хозяйства и промышленности в Ташкенте 1890 г. – Ташкент, 1890. – С.163.
136. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Ежегодник. – СПб., 1879. Вып.V. – 382 с.
137. Маев Н.А. Город Карши // Туркестанские ведомости. – 1879. – №. 24, 25. – С. 14-15.
138. Мамадиёрова Ю. Шаҳрисабз ироқи каштачилиги // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. № 4. – 8-бет.
139. Мамашокиров С., Мусаев Н.У. Бозор иқтисодиёти ва инсонпарварлик // Гулистон. – Тошкент, 1994. № 2. – 4-бет.
140. Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКРУз, 1926. Вып. I. – С. 153-157.
141. Махкамова С. Узбекские абровые ткани. – Ташкент: Гос. УзССР, 1963. – 55 с.
142. Махкамова С. Беқасам. – Тошкент: Фан, 1971. – 44 б.
143. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1875. – 182 с.
144. Миллий ҳунармандчиликни ўқитиш жараёни мазмуни ва уни ташкил этиш. – Тошкент, 1994. – 23 б.
145. Миронов А.М. Кустарная выработка шелковых изделий в Средней Азии в прошлом и настоящем // За реконструкцию шелководства. Ташкент, 1931. №3-4. С. 38-46.

146. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века. (Ремесло, торговля и пошлины). – Ташкент: Фан, 1991. – 114 с.
147. Морозова А. Декоративная машинная вышивка. – Ташкент, 1960.
148. Морозова А. Ўзбекистонда йўрмадўзлик. – Тошкент, 1960. – 88 б.
149. Мошкова В. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начала XX вв. – Ташкент, 1970. – 255 с.
150. Мошкова В.Г. Ковроделие // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – М., 1955.
151. Мукминова Р.Г. К характеристики Самаркандских тканей конца XV – XVI века // Общественные науке в Узбекистане. – Тошкент, 1970. № 9. – С. 101.
152. Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по писменным источникам XVI в. // Костюм народов Средней Азии. – Москва, 1979. – С.70-76.
153. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XIУ веке. – Ташкент, 1979. – 234 с.
154. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV – XVI в. – Ташкент: «Фан», 1985. – 136 с.
155. Муравьев П. Организация народного хозяйства и кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – Тошкент, 1920. № 4. – С. 6.
156. Мусаев Н. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқариш. – Тошкент, 2008. – 168 б.
157. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2000.
158. Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Заргарчи // Русский Туркестан. 1902. №177, №182, №188.
159. Назаров И. Нохчувачи // Русский Туркестан. 1902. №198.
160. Назаров И. Машиначи // Русский Туркестан. 1902. №209.
161. Назаров Н. Ўзбек лақайлари этномаданий қирраларини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. “Академик К. Шониёзов ўқишлари” туркумидаги IУ Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Наманган, 2007. – Б. 96.
162. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного население Ферганы. – Казань, 1886. – 203 с.

163. Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – Ташкент: АН УзССР, 1954. – 196 с.
164. Народное хозяйство Средней Азии. №8-9. 1925; №10-12.
165. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988. – Ташкент: Узбекистан, 1989.
166. Небольсин П.Н. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1855. – 471 с.
167. Небольсин П.И. Очерки торговли со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Какандом (со стороны Оренбургской линии). – СПб., 1856. – 382 с.
168. Несколько словь о кустарных промыслах в Туркестань // Туркестанские ведомости. 1894. № 41. – С. 152.
169. Низомов А., Низомова М. Гилам жилоси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. № 3-4. – Б. 66 – 67.
170. Новейшая энциклопедия символов и знаков. – Москва: “Рипол-классик”, 2008.
171. Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. № 1. – Б. 7 – 9.
172. О футуввет-номе (справка) / Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы. – М., 1960. – С. 307-318.
173. Обзор Самаркандской области за 1901 год. – Самарканд, 1902.
174. Оглобин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М.: Госиздат, 1914. – 398 с.
175. Оқилова К. Сурхондарё халқ амалий-безак санъати // San’at. – Тошкент, 2001. – № 2. – Б. 41-44.
176. Оқилова К. Марғилоннинг замонавий газламалари // San’at. – Тошкент, 1999. № 2. – Б. 36.
177. Олимбоев Э., Давидов Ш. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси. – Тошкент, 2002. – 26-бет.
178. Описание видов изделий и технологии производства деревообделочного промысла горных таджиков // Таджики Каратегина и Дарваза. – Душанбе, 1996. – Вып. I. – С. 260-290.
179. Отчет о деятельности СНК и Экономического совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. – Ташкент, 1922. – С. 320.
180. Отчет ЦК КП(б) Узбекистана III Курултаю. Октябрь 1925 – октябрь 1927. – 1927. С. 44-45.

181. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. – 168 б.

182. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестанском крае. Ч.2. – СПб., 1908. – 367 с.

183. Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему поведению сенатором-гофмейстером графом К.К.Паленом 1909-1910 гг. Ч. 2. – СПб., 1910. – 222 с.

184. Парамонов И. О кожевенном производстве в Туркестанском крае // Туркестанский сборник. – Спб., 1873. Т. 57. – С. 222.

185. Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 г. Путевые заметки. – СПб., 1868. – 272 с.

186. Петровский Н.Ф. О шелководстве и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финанов агента в Туркестанском генерал губернаторстве. – СПб., 1874. – С. 81-106.

187. Пещерова Е.М. Из истории цеховой организации в Средней Азии // КСИЭ. М. 1949. С. 34-36.

188. Пещерева Е.М. Городское гончарное производство Средней Азии. – М.-Л., 1959. – С. 312-314.

189. Пешерова Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. // Краткие сообщения института этнологии. – М.-Л., 1960. Вып. XXXIII. – С. 311-317.

190. Пещерова Е.М. Organizations of craftsmen in Central Asia in the late XIX th and early XX th centuries // Труды XXV Международного конгресса востоковедов. 9-16 августа 1960. – Москва, 1963. Т. III.

191. Пещерова Е.М. Цех гончаров у народов Средней Азии в конце XIX- начале XX вв. // КСИЭ. XXVI. М., 1957. С. 37-39.

192. Пещерова Е.М. Бухарские золотошвеи. Сб. МАЗ.т XVI. М-Л., 1955.

193. Писарчик А.К. Жияк // Совет Ўзбекистонининг халқ декоратив санъати. – Тошкент, 1954.

194. Полк. Галкин. Военно-статистический очерк о Бухарском ханстве и южной части Самаркандской области // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 377.

195. Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. – М., 1973. – С. 6.

196. Промышленность СССР. – М.: Статистика, 1957.

197. Промышленность Узбекистана. Статистеческий сборник. – Ташкент, 2008.
198. Пугаченкова Г.А. Очиқ осмон остидаги музей. – Тошкент, 1981. – 15-бет.
199. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. (Энг қадимги даврлардан XIX аср II-ярмига қадар). – Т.: Фан, 1995. – 783 б.
200. Разводовский В. Кустарные промыслы в Туркестанском крае. –Ташкент, 1916.
201. Разводовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. // Туркестанское сельское хозяйство. 1916. - № 3, 4, 5, 6, 7, 8.
202. Раҳматуллаев Ш.М. Тошкент – йирик саноат маркази // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 336.
203. Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. – Ташкент: АН УзССР, 1961. – 244 с.
204. Рашидова Т. Шаҳрисабздаги гузар масчитлари ва ўрта аср ҳаммоми // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002. – Б. 70-72.
205. Рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. / Генерального штаба капитаном Архиповым. Сб. геог. топог. и стат. материалов по Азии. Вып.X. – Спб., 1884.
206. Рузанов В.Д. Источники сырья металлообрабатывающего центра Еркургана I – VI вв. н.э. // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Ташкент, 2002. – С. 94-95.
207. Русак И.М. О художественной кустарной промышленности Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии. Ташкент, 1929.№6-7. С. 85-89.
208. Ремпель Л.И. Цепь времен (Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии). – Ташкент, 1987. – 189 с.
209. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк манбаларда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 112 б.
210. Саидбобоев З. Америкалик дипломат Е. Скайлернинг Китоб – Шаҳрисабз тарихига оид маълумотлари (XIX асрнинг 20-йиллари) // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002. – Б. 27-28.

211. Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори. Очерклар. – Тошкент, 1988.

212. Сванидзе А.А. Наемный труд и трудовая этика в ремесленных цехах Швеции: уставные принципы / Город в средневековой цивилизации Западной Европы. Т. 2. Жизнь города и деятельность горожан. – М., 1999. – С. 1-20.

213. Семянников И.Е. Тўқилмайдиган матолар. – Тошкент, 1973.

214. Смоляк А.В. Шаман: личность, функции, мировоззрение // Народы Нижнего Амура. – М., 1972.

215. Снесарев Г.П. Релекты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 369.

216. Современный кишлак Средней Азии. Социально-экономический очерк / Под ред. Б.Б. Карт и И.Е. Суслова. Вып. III. Китабская волость. – Ташкент, 1926. – 272 с.

217. Содиқова Н., Ғайбуллаева Ю.А. Ўзбек миллий бош кийимлари (XIX – XX асрлар). – Тошкент: Шарқ, 2014. – 335 б.

218. Спасский Г. Новейшее описание великой Бухары // Азиатский вестник. 1925. № 5. – С. 32.

219. Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 344 с.

220. Сулайманов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Тошкент, 2004. – 46 б.

221. Султанов М.Х. Этнографические наблюдения в Сурхандарынской области // Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. – Термиз, 1993.

222. Сухарева О.А. Вышивка // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. – Ташкент, 1954. – С. 133-134.

223. Сухарева О.А. Тюбитейка // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – Ташкент, 1954. – С. 131-166.

224. Сухарева О. Художественные ткани // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. – Ташкент: «Текстиль», 1954. – С. 13-37.

225. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки) . – Ташкент, 1958. – 147с.

226. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начала XX века. Ремесленная промышленность. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962. – 194 с.

227. Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и

верованиями (вторая половина XIX – начало XX в.) // СЭ. – М., 1983. № 6. – С. 78.
228. Сухарева О.А. Сузани – среднеазиаткая декоративная вышивка. – М., 2006.
229. Суюнова Д. Суғд аёлларининг либослари // San'at. – Тошкент, 2012. № 4. – Б. 5.
230. Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2006. – 48 б.
231. Толипова Н. Ёғоч ўймакорлиги санъати // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. № 4. – Б. 20.
232. Томина Т.Н. Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 231.
233. Тримменген Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Восточная литература, 1989. – С. 146.
234. Турсуналиев К. Все цвета радуги: (Тюбитейки и головные уборы узбеков XIX – XX вв). – Ташкент: Фан, 1991. – 112 с.
235. Турсунов А. Жанубий шаҳарлардаги иқтисодий ўзгаришлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. № 2. – Б. 82.
236. Турсунов А. Хорижий тадқиқотчилар Шаҳрисабз ҳақида // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002. – Б. 41-42.
237. Турсунов Н. Из истории городского ремесла Северного Таджикистана // Ткацкие промыслы Ходжента и его пригородов в конце XIX – начале XX в. – Душанбе, 1974.
238. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 321.
239. Турсунов С. Сурхондарё тарихи. – Т.: «Шарқ», 2004. – 608 б.
240. Турсунов С. Термиз йилномаси. – Тошкент, 2001. – 128 б.
241. Турсунов С. Шерободликлар. – Тошкент, 2007. – 388 б.
242. Турсунов С. Денов. – Т.: «Фан», 2009. – 496 б.
243. Турсунов С. Бойсун. – Т.: «Шарқ», 2011. – 560 б.
244. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. – Тошкент, 2007. – 280 б.
245. Тўхтаев А. Ҳунармандчиликнинг Термиз шаҳри иқтисодиётида тутган ўрни // Термиз Университети газетаси. 2001, 17 ноябр.
246. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 302 б.

247. Ўзбекистон амалий санъати. – Тошкент, 2003.
248. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 231 б.
249. Ўзбекистон санъати (1991-2001йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – 240 б.
250. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон Чор Россияси даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.
251. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.
252. Ўроқов М., Ғаниев К. Анъанавий ҳунармандчилик – миллий мерос феномени сифатида // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Тошкент, 2005.
253. Ўроқов М.Б. Каштадўзлик ва тўқимачилик ҳунарларига оид атамалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. № 6. – Б. 47-49.
254. Ўроқов М.Б. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўзбек хотин-қизларининг чеварчилик касб-ҳунари // Общественные науки в Узбекистане. – Тошкент, 1998. № 1. – Б. 77-80.
255. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент, 2004. – 496 б.
256. Фалькерзам А. Старинные ковры Средней Азии // Старые годы. 1914. Октябрь - декабрь. – С. 20.
257. Фатҳуллаев Р. Халқ безак санъатида анъанавий тасвирий мавзулар // San'’at. – Тошкент, 2002. № 1, 2. – Б. 86.
258. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972. –162 с.
259. Фахретдинова Д. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Литература и искусство, 1988. – 204 с.
260. Фозилова Д., Аҳмеджанов Н. Касаначилик фаолиятини мониторинг қилишнинг фуқароликҳуқуқий тартибга солиш масалалари // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Тошкент, 2013. № 12.
261. Қадимги КешШаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 208 б.
262. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида / А. Эркаев. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.17.
263. Қашқадарё вилоятининг 1990 – 1999 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари. – Қарши, 2000.
264. Қаюмов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX – XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1998. № 3. – Б. 38.

265. Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Тошкент.: Фан, 1996. – 49 б.
266. Қиличев Р. Тоталитар бошқарув даврида халқ ҳунармандчилиги // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2005. №2. – 84-бет.
267. Қиличев Р., Қўзиева Х. Ҳунармандчилик атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент.: Фан, 2005. –162 б.
268. Қобилов Х. Мустабид тузум сиёсатининг оқибатлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. № 2. – 110- бет.
269. Қобилов Э. Ҳунармандчилик маҳсулотлари: турлари ва ўзига хос хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2011. № 1. – 132-бет.
270. Қураҳмедов А. Самарқандлик ҳунармандлар // Фан ва турмуш. – Тошкент, 2005. № 5. – 25-бет.
271. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20йиллар таҳлили. – Тошкент, 1994. – 191 б.
272. Хакимов А., Гюль Э. Байсун: атлас художественных ремесёл. – Ташкент, 2006. – 208 с.
273. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 363 с.
274. Ҳакимов А. Қашқадарё вилоятининг анъанавий ҳунармандчилиги // Moziydan sado. 2008. – № 4. – Б. 4.
275. Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 68.
276. Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – Спб., 1876.
277. Ҳамидова М. ХУIII – ХХ аср бошларида Шаҳрисабз воҳаси кулолчилиги тарихидан // Moziydan sado. 2008. – № 4. – Б. 12.
278. Холиқулов А. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2003. № 1. – Б. 54.
279. Холиқулов А. Б. Қашқадарё воҳасида XIX – XX аср бошларида шаҳарсозлик ва урбанизация даражаси / Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 1-қисм. – Тошкент, 2007. – Б. 121-124.
280. Чепелевская Г.Л. Сузани Узбекистана. – Ташкент: Гос. изд-во. худ. лит. УзССР, 1961. – 156 б.
281. Чепелов В. Искусство Советского Узбекистана. – Л., 1935. – С. 27-28.

282. Чориев А., Ачилов М. Қашқадарё области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 167 б.

283. Чориев А., Ҳамроев Т. Кеш манбаларда // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент, 2002. – Б. 25 - 26.

284. Шаҳрисабз – минг йиллар мероси / Муаллифлар жамоаси. Альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 228 б.

285. Чориева Д. Қўнғиротларнинг анъанавий амалий санъати: Деҳқонобод тумани Қўнғирот хўжалигида яшовчи қўнғирот уруғи вакиллари мисолида. – Қарши: Насаф, 2007. – Б. 8.

286. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков (конец XIX – начало XX в.). – Ташкент, 1981. – 126 с.

287. Шаҳрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 228 б.

288. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент, 2011. – 296 б.

289. Шоҳназарова И. Ворис // Совет Ўзбекистони. 1989. № 7. – Б.10.

290. Юлдашева М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI – XVII вв. – Ташкент: Уздавнашр, 1964. – 173 с.

291. Якубов Б.С. Чоризм истилоси даврида Марказий Осиё бекликлари (Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари сиёсий ҳаёти мисолида) // Концептуал-методологик муаммолар. – Тошкент, 1998. – Б. 110-114.

292. Эргашев Ф. Туркистонда ҳунармандчилик ва пиллачилик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. № 3. – Б. 13.

293. Эсонова О. Еттинчи авлод устаси. // Sanat. – Тошкент, 2006. № 3-4. – Б. 37.

### Чет тилидаги адабиётлар:

1. A History of technology// Ed. by Ch. Singer, E. Holmyard, A. R. Halle and T. Williams. V. 1. – 5, Oxfort: Clarendon Press, 1956 – 58.

2. Anton Spiesz. Statuty Bratislavskych cechov. Dokumenty. – Brtislava. Obzor, 1978. – P. 508.

3. Atlas of artistics and trades of Central Asia. Vol. I. – Tashkent, 1997. – P. 158.

4. Beaupertuis-Bressand F. Samarkand la magifigue. Marsel . Georges Naef. 2003. – P. 255.
5. Bossert H.T. Das Ornamentwerk. 1-издание. – Berlin, 1924. – 231p.
6. Becker Seymour. Russias protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva. 1865-1924. – Cambridge, 1967. – P. 416.
7. Bran A.H. Troubb tines. – London, 1931.
8. Centlivres-demont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman. Sous la direction de Nicole Grandin et Mart Caborieau. – Paris, 1997. – P. 84-88.
9. Central Asia a century of Russian rule. – New York and London, 1967.
10. Central Asia. – London, 1969.
11. Change and the muslim world. – Syracuse, 1981.
12. Conquest R. Sovet natinalites.Policy in praktike. – London, 1967.
13. Degeorge G., Chuvin. Samarcande Boukhara. Khiva. – Paris. Flammarion, 2001. – P. 230.
14. George W. Strocking. Polarity and Pluparity: Franz Boas as Psychological Antropologist. Cambrige University Press, 1994.
15. Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale. Lakai: the Bad Beys of Central Asia // Hali, The International Magazine of Antique Carpet and Textile Art.Centlivres-demont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman. Sous la direction de Nicole grandin et Mart Caborieau. – Paris, 1997. – P. 84-88.
16. Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale. Uzbek Embroideries in the nomadic tradition. Minneapolis Institute of Arts. 2007. – P. 122.
17. Ging K. and Gombus R. The pearls of Ousbekistan: Bukhara, Samarkand and Khiva. – Budapest, 1973. – P. 82.
18. Goldenstein Y. Samarkande, Boukhara – Chakhisiabz – Khiva. – Paris, 1995.
19. Holdsworth. M. Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of  Buchara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – P. 23-24.
20. J.Kat. Silk of Ctntral Asia. – London, 1997. – 368 p.
21. Hauser A. Philosophy of arts. – New York, 1958. – 81 p.
22. Hoyit B. Turkestanin gishgaza tarihi. – Berlin, 1944.
23. Jeanine Elif Dag'yeli. Cott liebt das Handwerk. Moral, Identitat und religiose Legitimierung in der mittelasiatischen Handwerks-risala.

Reichert Verlag Wiesbaden. – Berlin. 2011. – Z. 333
24. Jochelson B. Peoples of Asiatic Russia. – New York, 1928. – P. 259.
25. Judith Peltz. Uzbekistan entdeckan. Berlin. 2007. – P. 290.
26. Keller G. Frauen kultur in Uzbekistan. – Denzlingen, 2002. – P. 288.
27. Kunits. J. Davn over Samarkand. The rebirth of Central Asia. – New York, 1935. – P. 348.
28. Levasseur E. Histoire des classes ouvrières et de l''industrie en France avant 1789, 2 ed., t. 1-2. – P. 1900 – 01.
29. Norman N. Travels and studies in contemporary Europen Russia. Finland Siberia the Caucasis Central Asia. – London, 1902. – P. 476.
30. Pander K. Sowjetisher Orient, Kunst und Kultur, Geshihte und Gegenwart der Volker Mittelasiens. – Koln, 1982.
31. Pander K. Zentralasien. Ostfildern: Du Mont Reiseverlag. 2005. – P. 384.
32. Peitz Judith. Usbekistan entdecken Seidenstra Benfch Samarkand, Buchara und Chiva. – Berlin, 2003. – P. 282.
33. Pierce. R. Russian Central Asia. Bukhara and Khiva. 1865-1924. – Cambridge. 1968.
34. Pope A.U. The carpet making.A history. - A Source of Persian Art. 1967. v. VI. Tehran-London-New-York-Tokyo. Mayhev B., Bloom G., Noble J., Starnes. Central Asia. Oakland. Lonely Planet Publications Pty Ltd. 2007. – P. 70-71.
35. Ratsel F. Anthropogeographie Stuttgart: Verlag von J. Engelhorn. 1909. – 400 p.
36. Russia and Asia. – Stanford, 1972.
37. Shuyler E. Turkestan. Notes ofa journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – New York, 1876. Y. 1. – 411 p.
38. Skrine F., Ross E. The Heart of Asia. – London, 1895.
39. Sono Fumoto. 2016. Women Marriage, and the Market Economy in Rural Uzbekistan: Cases from a Pastoral Area of Kashkadarya Provice, In Obiya Chika ed. "Islam and Gender in Central Asia Soviet Modernization and Today's Society" CIAS Discussion Paper No. 63. – P. 40-49.
40. Taube Jakob Suzani. Eine Textile Kunst Aus Zentr Alasien / Vok collection. – Munchen, 1994. –53 s.
41. Tillet L. The great Frientship. Soviet historians on the norussian nationalitie. – North Carolins, 1969.

42. Turkestan in XX Jahrhundert. – Darmstalt, 1956.
43. Wheeler. G. The modern history of Soviet Central Asia. – London, 1964. – P. 272.
44. Wollenweber B., Franke P. Uzbekistan. Land zwischen Orient und Okzident. Berlin. Wostok, 2007. – P. 91.

## Диссертация ва авторефератлар:

1. Авазов Ю. У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Жануби-Шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарих фан. ном. ... дисс. ...автореферат. – Тошкент, 2005. – 30 б.
2. Атаджанова Д.Ш. Историграфия ремесленного производства Бухарского ханства XIX в. (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «Рисола»).: Дисс. … канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 181 с.
3. Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: Тарих фанлари номзоди дис... . – Тошкент, 2003. – 158 б.
4. Мусаев Н.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши.: Тарих фан. док. … дисс. – Тошкент, 2012. – 293 б.
5. Очилдиев Ф. XIX аср охири XX аср бошларида жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида).: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 128 б.
6. Таниева Г.М. Роль Каршинского вилаята в политической, социально-экономической жизни Бухарского эмирата (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.
7. Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида).: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2010.
8. Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари” (1991-1941 йиллар).: Тарих фан. ном. дисс. Термиз, 2001. – 159 б.
9. Ўроқова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат соҳасидаги ислоҳатлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида).: Тарих фан. ном. … дисс. – Қарши, 2004. – 145 б.

10. Файзиева З. Кустарно – ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в.: Афтореф и Дисс… канд. ист. наук. Ташкент, 1978. –30 с.

11. Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик.: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 1997. – 185 б.

12. Қличев У.А. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликнинг ривожлантирилиши (1991-2006 йиллар).: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2010. –162 б.

## Даврий матбуот материаллари:

1. Совет Ўзбекистони. 1987-1991 йиллар.
2. Сурхон тонги. 1997- 2003 йиллар.
3. Туркестанская туземная газета. 1901.
4. Туркестанские ведомости. 1901.
5. Ўзбекистон овози. 1992 йил.
6. Халқ сўзи. 1992- 2017 йиллар.

## Интернет материаллари:

1. www. etno. jurnal. - Этно журнал сайти
2. http: // www. iea. ras. ru - Миклуха Маклай номидаги Этнология ва антропология институти веб сайти.
3. http: // www. kunstkamera.ru - Антропология ва этнография музейи веб сайти.
4. http: // www. history. uchhi.net - Ўз Р ФА Тарих институти веб сайти
5. http: // www. ifeac. org.- Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти веб сайти (IFEAC)
6. http: // www. ethnos. ru - Россия халқлари этнографияси сайти. Илмий нашрлар ва конференциялар шарҳига оид веб сайт.

*1-илова. 1-жадвал 1927–1928 йилларда Қашқадарё округида фаолият олиб борган артеллар.*

| Артел номи | И/ч турлари | Жойлашган ўрни | Аъзолар сони | Иш билан бандлиги % | Маълумоти **%** |
|---|---|---|---|---|---|
| Қизил тирноқ | Тери маҳсулоти | Беҳбудий | 36 | 60% | 10% |
| Қизил меҳнат | Ғишт ишлаб чиқариш | Беҳбудий | 56 | 100 | 6 |
| Янги ҳаёт | Ёғочга ишлов бериш | Беҳбудий | 8 | 100 | 100 |
| Дилкушо | Транспорт | Беҳбудий | 120 | 100 | 7 |
| Иттифоқ | Тикувчилик | Беҳбудий | 133 | 100 | 10 |
| Учқун | Тикишбичиш | Беҳбудий | 10 | 10 | 2 |
| Шафқат | Металчилик | Беҳбудий | 34 | 100 | 5 |
| Юлдуз | Нонвойчилик | Беҳбудий | 8 | 100 | 1 |
| Фароғат | Нонвойчилик | Беҳбудий | 6 | 50 | 6 |
| Ҳуршид | Этикдўзлик | Беҳбудий | 41 | 25 | 5 |
| Қизил Интернационал | Ёғочсозлик | Беҳбудий | 9 | 100 | 5 |
| Мавжуд | Қандолатчилик | Қарши станция | 5 | 60 | 10 |
| Қизил хумдон | Ғишт тайёрлаш | Косон | 46 | 100 | 3 |
| Қизил навлиёт | Транспорт | Косон | 80 | 80 | 5 |
| Нажот | Темиртерсак | Шаҳрисабз | 50 | 50 | 3 |
| Қизил нақлиёт | Транспорт | Шаҳрисабз | 45 | 100 | 5 |
| Кўнчи | Тери | Шаҳрисабз | 45 | | 3 |
| Иттифоқ | Нонвойлик | Шаҳрисабз | 50 | 100 | 3 |
| Саодат | Этикдўзлик | Шаҳрисабз | 25 | | 3 |
| Ҳаракат | Ёғоч ўймакорлиги | Шаҳрисабз | 20 | 50 | 3 |
| Қизил аланга | Темиртерсак | Китоб | 20 | 40 | 3 |
| Мухтор тикувчи | Ипак тола | Китоб | 50 | 100 | 3 |
| Қандолат | Холвачилик | Китоб | 10 | | 3 |
| Кўнчилик | Транспорт | Ғузор | 12 | 50 | 3 |
| жами: | | | | | 853та |

*2-илова. 2-жадвал. Қашқадарё вилояти артеллари ва унда мавжуд корхоналар.*

| Артеллар номи | Ишлаб чиқариш турлари | **1934 йил 1 январ ҳолатига кўра кустар корхоналар сони** |
|---|---|---|
| Беҳбудий тумани: | кулолчилик | 26 |
| Бинокор | қурилиш материаллари | 50 |
| Болға | металсозлик | 35 |
| Янги ҳаёт | ёғочсозлик | 33 |
| Тикувчи | пойабзал | 108 |

| | | |
|---|---|---|
| Иттифоқ | тўқимачилик | 189 |
| Ҳуррият | гиламчилик | 75 |
| Учқун | Тикувчилик | 100 |
| Юлдуз | озиқовқат ишлаб чиқариш | 80 |
| Дилкушо | Транспорт | 73 |
| Янги ривож | совун ишлаб чиқариш | 6 |
| | Сартарошлик | 23 |
| | Сураткашлик | 8 |
| | кир ювиш | 37 |
| Туман бўйича: | Жами | **1080** та |
| | | |
| Косон | Кулолчилик | 46 |
| Қизил хумдон | қурилиш материаллари | 43 |
| Қизил болға | Метал | 35 |
| Тикувчи | Пойабзал | 55 |
| Озод | Тикувчи | 32 |
| Нонвой | Нонвой | 7 |
| Қизил норт | Транспорт | 110 |
| | кир ювиш | 10 |
| | Сартарош | 5 |
| Туман бўйича: | Жами | **342 та** |
| | | |
| Ғузор тумани | | |
| Ишчи кучи | қурилиш материаллари | 12 |
| | Металл | 30 |
| | Нонвой | 5 |
| 8 март | Тикувчи | 30 |
| Меҳнат | Транспорт | 86 |
| Туман бўйича: | Жами | **163** та |
| Бирлашма бўйича | | **1585** та |

*3-илова 3-жадвал. 1920 йилларнинг иккинчи ярмида – Туркистонда ҳунармандчилик артелларини интенсив равишда ташкил этилиши.*

| Йиллар | Артеллар сони | Ҳунармандлар сони |
|---|---|---|
| 1925 | 283 | 1883[1] |
| 1926 | 341 | 13654[2] |
| 1927 | 316 | 16484[3] |
| 1928 | 415 | 22000[4] |

*Илова 4.*

## Анъанавий ҳунармандчиликка оид атамалар луғати

*Абр* – Булут. Тўқимачилик, меъморлик, кулолчиликда учрайдиган тархи булутсимон амалий безак тури.

*Абрбанд* – боғ, боғлам, тугун. Атлас, шойи тандасига махсус усулда гул (нақш) солиш.

*Абришим* – 1) ипак; 2) ипак газлама шойи ёки шу газламадан тикилган кийим.

*Адрасбоф* – адрас тўқувчи уста.

*Айил* – миниладиган от ёки эшак қоринбоғи бўлиб, жундан, ипдан қўлда тўқилади. Унинг турлари кўп бўлади.

*Алак* – пахта ипдан қўл дўконда тўқилган мато; силлиқ бўз.

*Алвон, авлон* – кашта асоси учун фабрикада тўқилган қизил ип газлама.

*Алачабоф, Олачабоф* – алача матосини тўқувчи уста.

*Алоча гилам* – (алоча майда йўлли безаклари бор ярим ипак ёки ипак мато тури) – йўлйўл гилам, қоқиа гиламнинг бошқача аталиши.

*Ангишвона* – нина қўлга кириб кетмаслиги учун ишлатиладиган металл ғилофдир. Ангишвона форсча сўз бўлиб, ангушт-бармоқ, вона – сақловчи, яъни бармоқни сақловчи деган маънони билдиради.

*Андаза* – андоза, ўлчов, қолип. 1. Кийим-бош, пойабзал ва ш. к. бичиш, тайёрлаш учун қалин қоғоз, картон ва ш. к. ясалган нусха қолип.

*Антиқа (лот. қадимий, ноёб, камёб)* – қадимдан қолган; қадимий, кўҳна, ноёб, нодир.

*Амиркон* – чарм тури. Ошланган тери юзасига қора лак суртиб тайёрланади.

*Агдарма этик* – хом теридан ичи сиртига қилиб тикилган этик.

*Араби гилам* – (арабча гилам) араб гиламларининг бозордаги номланиши (Қашқадарё, Сурхондарё).

*Ариқ* – нақш ва безакларда учрайдиган ўймакор йўл, чизиқ.

*Арра нусха* – ўзбек бадиий каштачилигида қўлланиладиган безак тури. Асосан, лозим жиякларига йўрма усулида тикилади.

*Баргак* – ўзбек халқ амалий санъатида учрайдиган барг нусха нақш. Айниқса, мисгарликда расм бўлган ислимий нақшлар орасида салмоқли ўрин тутади.

*Бадя* – мис ёки securityсополдан ясалган катта идиш. 1. Ёғоч, сопол ёки металлдан ясалган махсус катта челак. 2. Бетон қоришмасини солиш учун ишлатиладиган идиш.

*Баззоз* – газлама сотувчи. Газлама билан савдо қилувчи дўкондор; газламафуруш.

*Баззозлик* – 1. Газлама сотиш, баззозлик билан шуғулланишлик. 2. Газламафуруш (баззоз) дўконлари жойлашган, улар савдо қилувчи раста, қатор.

*Бандак* – лойдан ясалган хом идишларни кулоллар чархида текислаш ва силлиқлаш учун ишлатиладиган чарм, латта ёки кигиз.

Бахядўз – бахя тикувчи.

*Безак* – безатиш, ясатиш воситаси; ҳусн, кўрк, чирой берувчи маънисини беради; зийнат берувчи буюм ёки нақш.

*Бешик* – чақалоқни белаб (боғлаш, солиш) ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама; тебратма беланчак.

*Бигиз* – пойабзалдўзларнинг кўн ва терини тикиш учун ишлатиладиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби.

*Бўйниса* – теридан тайёрланиб, от бўйнига солиб араваларни тортиш учун ишлатилган. Унинг ичи ҳар хил хас ёки похол тўлдирилган теридан доирасимон шаклда тайёрланган.

*Басқур* – ўтовларни безаш ва унинг деворларига осиш учун мўлжалланган кенг гилам.

*Бигиз* – пойабзалдўзларнинг кўнни, терини тикиш учун ишлатиладиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби.

*Бўйниса* – теридан тайёрланиб, от бўйнига солиб араваларни тортиш учун ишлатилган. Унинг ичи ҳар хил хас ёки похол тўлдирилган теридан доирасимон шаклда тайёрланган.

*Бедиз* – сурат, расм, безак, нақш, шакл: кўриниш, тасаввур, образ, гўзаллик, чирой.

*Безак* – 1) Нарса буюмларга ишланган нақш, гул, пардоз; амалий санъат ва меъморликда кенг ишлатилади. Ўсимликсимон (ислимий) ва ҳандасий (чизиқ) нақшлар билан безатилаётган юза (буюм сирти)да бўяма, чизма, ўйма босма, қадама ва бошқа усулларда меъморликда, шунингдек, ғишт ва безакни турлича териб, ҳосил қилинади; 2) Зийнат берувчи буюм. Заргарликда тақинчоқлар, мисгарликда сувдон, коса, пиёла; зардўзлик ва каштачиликда чойхалта, ойнахатга, дорпеч, кирпеч, қозиқлунги ва ҳ. к.

*Бодомгул* – бодом шаклидаги нақш бўлаги халқ амалий санъати (кандакорлик ва дўппидўзликда) кенг қўлланилади.

*Бозор гилам* – бозорда сотиш учун тўқилган гилам.

*Босма* – каштачиликда кенг қўлланиладиган яхлит гул чокларидан бири.

*Босқоқ тери* – қоракўл терисидан бошқа барча терилар шу ном билан аталади.

*Босқон* – темирчиларнинг катта оғир болтаси, темирчилик асбоби.

*Бофанда* – тикувчи; тўқувчи.

*Булут* – кулолчиликда ишлатиладиган булутсимон бўртма ёки илон изига ўхшаш нақш.

*Бўзчи* – бўз тўқувчи косиб.

*Бўёқчи* – ип, ипак ва матоларни бўёвчи, уларга ранг берувчи уста, рангворчи.

*Гавҳар* – қиматбаҳо тош.

*Гажак* – заргарликда олтин, кумушдан эгик ҳолда ясалиб чаккага тақиладиган аёллар безак буюми.

*Газ* – 1. Шаффоф шойи. Юпқа ипак газлама; ҳарир. 2. Тахминан 105 см га тенг келадиган узунлик ўлчови ва шу узунликдаги чўп.

Метрик система қабул қилинганига қадар ишлатилган. 0,71 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги; аршин.

*Газламафуруш* – газлама сотувчи баззоз.

*Гилам* – ф. Туксиз гилам, палос. Одатда, жун, ипакдан тўқилиб, ерга, полга тўшаладиган ёки безак учун хона деворларига осиб қўйиладиган уй жиҳози. Гиламнинг ипак гилам, пахта гилам, қизил гилам, туркман гилам ва х. к турлари бор.

*Гиламдўз* – гилам тўқувчи ҳунарманд, косиб.

*Гиламфуруш* – гилам сотиш касби, гиламчилик саноати.

*Гиламчилик* – гилам тўқиш касби. Ҳунармандчилик тури. Қадимда аёллар орасида ҳунар сифатида кенг тарқалган. Дастлаб ётиқ ҳолда ер бағрида ўрнатилган пастак, оддий дастгоҳлар, кейинчалик такомиллашган (бирданига тўқув дастгоҳи) ҳандасий нақш ишлатилади. Ўзбекистоннинг Андижон, Хива, Қарши, Ургутда гилам тўқиш усуллари бор.

*Гулбур* – зардўзликда нақш асосида сахта тайёрловчи уста, хон ва амирлик устахонасида асосий мутахассис ҳисобланган.

*Гулдўз* – гул тикувчи, каштачи, матога гул солиб тикувчи.

Гулкўрпа – уйнинг деворларига осиб қўйиладиган ёки тахмонга ёпиладиган сўзана.

*Гулсун* – қоқма – мис, олтин, кумушдан ясалган заргарлик буюмлари (билагузук ва бошқа) ҳамда идишлар юзига ўйилган нақш. Гулсунқалам (дастгоҳи ёғоч пўлат асбоб қолип) ёрдамида буюм ёки муҳр юзига ёпиқ қилиб қўшиб устидан болға билан уриб турли ўйма шакл (айлана, тухумсимон, уч ёки тўртбурчак, донача ва бошқа) туширилади.

*Гобелен* – (французча, машҳур бўёқчи Гобелен номидан олинган). Бадиий қимматга эга бўлган девор, дераза ва эшикларга осиладиган безакли қўлда тўқилган гилам ёки газлама.

*Гўлос* – тўқ жигарранг.

*Дабба* – чарм халтача. Жувозкашларнинг чармдан ёки металдан ясалган ва ёғ, суюқлик солиб қўядиган идиши.

*Дамхафа* – чаҳча, қўлда мато тўқийдиган дўкон тури.

*Дастгоҳ* – асбоб, ускуна. Косибларнинг, тўқувчилар, кулолларнинг дастаки станоги; дўкон.

*Дегрез* – қозондан қуймоқ, тўкмоқ. Қозон, омоч тиши ва бошқа чўён асбоблар қўювчи уста. Дегрезлик чўян эритиш ва ундан буюмлар ясаш касби.

*Декча* – қозонча.

*Декоратив* – гўзаллик, нафосат.

*Дорпеч* – дор ёпғичи, ўрамаси. Дорга осиб қўйиладиган кийим-кечакнинг устига ёпиладиган безакли буюм.

*Дуд* – газламага гул босишда ишлатиладиган қўш қолип. Ток ва терак ёғочидан ясалади.

*Дуг* – чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми; йиг.

*Дукарт* – икки тиғли, кичкина қайчи.

*Дўзанда* – игна билан кашта, кийим, пойабзал тикувчи уста.

*Дўкон* – ҳунарманд косибнинг устахонаси.

*Ёлпўш* – отни ёлини ўраб, ёпиб қўядиган мато, ёпинчиқ.

*Ёғочсоз* – ёғоч буюмлар ясовчи уста.

*Ёғочсозлик* – ёғоч билан ишлаш соҳаси. Ёғоч ҳунармандчилиги.

*Жияк* – безагига кўра чолмадан юқори бўлиб, қўлда тўқилган ва аёлларнинг паранжи, чачвон, дўпписи, лозимларига қўйилган энсиз каштадир. Жияк тўқийдиган алоҳида махсус асбоблар бўлмаган. Чеварларнинг оёқ ва қўлларидаги панжалар тўқишда бевосита дастгоҳлик вазифасини бажарган.

*Жулхурс* – жундан тўқилган гилам тури. Туркманларникига ўхшаш.

*Жойнамоз* – устида намоз ўқийдиган тўшама. 1) ерга солинадиган кичикроқ шакли. 2) Сандиқ устида йиғилган тўшаклар устини ёпиб қўядиган ёпғич.

*Зарбоф* – зарли мато тўқувчи.

*Зардўз* – зардан гул тикувчи чевар, уста.

*Зардевор* – кашта тикиб безатиладиган бадиий буюм, уй безаги. Эни 40 – 70 см, узунлиги уй деворини қамраб оладиган қили-

нади. Уй деворининг юқори қисмида шифтга тақаб гир айлантириб қоқилади. Бахмал, сидирға шойи, сатинга йўрма, босма, илма чокларда ранг-баранг ипаклар, зар ип билан қўлда кашта тикиб, гажим тутиб безатилади. Безак мужассамотини ўсимликсимон нақшлар ташкил қилади: гул шохчаларидан тузилган бир маромда такрорланувчи меҳроблар қатори ҳошия нақш билан ўралган бўлади. Қизларнинг сепига кирган зардеворни қадимдан хонадонларда хотин-қизлар тайёрлашган. Ҳозир бадиий буюмлар фабрикаларида (масалан, Тошкент, Андижон Қашқадарё ва бошқаларда попоп машиналарида ҳам кашта тикиб) ишлаб чиқарилади.

*Илма* – ип ёки ипакни илиб олишга мўлжалланган тикиш асбоби билан қўлда тикишнинг бир услуби.

*Ислими(й)* – ўсимликка ўхшаш нақш.

*Йўрма* – Каштачиликда занжирсимон чок.

*Йўрмадўз* – йўрма тикувчи чевар.

*Йўрмадўзлик* – йўрма усулидаги чок билан бадиий буюмлар ва кийимларга гул тикиш иши.

*Кооператив* – (лот шериклик, ҳамкорлик) дастлабки босқичда ўзўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқароларгуруҳини жамлаган ташкилот.

*Кооперация* – (лот. Шериклик; ҳамкорлик) 1. Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шакли. 2. Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти. Кооперация бир ёки бир неча ижтимоий гуруҳ вакиллари ягона мақсадга етишиши учун биргаликда ва ўзаро мувофиқликда ҳаракат қилишиш жараёни. Ўзаро фойда кооперациянинг асоси ҳисобланади.

*Кавушдўз* – кавуш тикувчи косиб.

*Канва* – каштадўзликда тўрлари кашта асоси бўлиб, хизмат қиладиган, крахмалланган ёки елим суртилган сийрак турли мато.

*Кандакор* – кандакорлик усулида нақш солиб безатилган нарса ёки идиш.

*Касаба* – косиб сўзининг кўпликда ишлатилиши; майда савдогар.

*Касана* – бирон кишига тегишли, бировники.

*Касаначи* – ёлланиб уйида ишлайдиган ҳунарманд косиб.

*Кашта* – игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизиқ.

*Каштадўз* – кашта тикувчи косиб.

*Келича* – металдан ишланган кичик ўғир, ҳавонча.

*Керамика* – кулолчилик санъати.

*Керги* – каштачилик асбоби, чамбар, чамбарак.

*Кигиз* – юнгдан босиб тайёрланадиган қалин пишиқ палос; намат.

*Кизак* – дўппининг тепа қисми ва жияги ўртасидаги қисми; гардиши.

*Косиб* – касб қилувчи, касб ўрганувчи ҳунарманд.

*Кулол* – кўзагар, кўза ва лойдан турли сопол буюмлар ясовчи ҳунарманд.

*Кустар* – моҳир санъаткор, артист; Уйда бирор маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳунарманд.

*Кустари* – оддий қўл меҳнати билан тайёрланган.

*Ковушдўз* – ковуш тикувчи.

*Кўнчи* – терига ишлов берувчи.

*Лаган* – сопол идиш, тоғора.

*Мадохил* – ислимий нақш элементи мадохил лола, тумор,учбарг кўринишларини эслатувчи нақшлар. Мадохил меҳроб намоён кашталарининг юқори қисмларига хос элемент. (Холматов Б.Қ. Композиция. – Тошкент, 2007. 7-бет. ); учбурчак шакл, кўпроқ анъанавий меъморчиликка хос.

*Майда товар ишлаб чиқарувчилар* – кустарлар меҳнати, ёлланма меҳнатсиз ўз устахонасида бозор учун маҳсулот тайёрлаш.

*Мандил* – бош кийими; дўппи, кулоҳ, салла;

*Музе этик* – мўйнали этик тури. Мехли этик шу ном билан таладди.

*Металлга ишлов бериш* – чўян қўйиш, бронзо қўйиш, мисгарлик ва темирга ишловбериш (темирчилик, слесарлик) кабилар каради.

*Маҳсидўз* – маҳси тикувчи.

*Мукки бов, муккининг боғи* – 10 метр ҳажмда бўлади. Оқ қўйнинг жунидан, эчки тивитидан тўқилади. Мукки маҳсининг қулоғлиси қор, сув кирмаслиги учун мукки боғ билан боғланади.

*Нағал* – тагчарм, пошна, тақа.

*Нотўқима* – қўлда тўқилмаган мато.

*Нусха* – андоза, ўхшаш, намуна, адад, дона, қолип.

*Ғажари гилам* – нақш солинган, бой ва ранг-баранг безакли туксиз гилам тури, шунингдек, тикилиш услуби ҳам унинг номи билан боғлиқ.

*Обдиш* – чойдиш, човгум.

*Орнамент* – безак, нақш.

*Офтоба* – кўза, обдаста.

*Папье-маше* – ивиган, ғижимланган қоғоз деган маънони билдиради. Қоғоз ва картондан қўлда турли ҳунармандчилик буюмларини яратиш  демакдир.

*Палос* – туксиз дағал гилам. Қўлда ёки машинада тайёрланадиган катта жун шолча, туксиз гилам.

*Паргар* – циркуль.

*Патак* – оёқ кийими ичига солинадиган қалин ва юмшоқ мато.

*Пичоқчи* – пичоқ ясовчи уста.

*Пойабзал* – оёқ кийими, оёқ кийими.

*Пойандоз* – гилам ёки ипак мато.

*Попоп* – матоларга илма игна билан гул тикадиган машина; каштачиликда чок тури.

*Попопчи* – каштачилик билан шуғулланувчи киши.

*Пўстиндўз* – пўстин тикувчи.

*Пўта* – косиб ва кўнчиларга 9,3 кв. дм. тенг сатҳдаги ўлчов бирлиги; фўта, салла, рўмол, дакана.

*Рамз* – белги, ишора, имо.

*Рўян* – ўсимлик номи. Бир йилда икки марта гуллаб икки марта ҳосил берадиган сариқ гулли ўсимлик. Халқ хўжалигида қизил бўёқ олиш учун ишлатилади.

*Сахтиён кўни* – Сурхондарё вилояти Бойсун туманида бу кўн қўпол сахтиён – саур ҳисобланиб, ўзига хослиги билан ажралиб турган. От ёки эшак терисининг ички қисми ингичка ва майда қилиб кесилиб, ичига тариқ солиниб, қуритилиб ва уруғлардан тозалангандан сўнг чиройли, ўзига хос сатҳ пайдо бўлган. Мис қириндилари билан бўялгандан сўнг сахтиён чиройли яшилсимон феруза рангга айланган. У 32 кун давомида тайёрланиб, 12 кунда чарм қайта ишланиб тайёр ҳолга келтирилган. Тайёр бўлган чарм 20 кунда бўялган. Суар чарми нақшли ва мустаҳкам бўлиб, тузилиши жиҳатидан турли бўлган чармлар босма нақшлар, занжир кашталар, чоклар, рангли чармдан апликациялар, металл қопламалар билан безатилган, ёрқин бахмал билан тикиб чиқилиб, ингичка симлар, мунчоқлар, шокилдали қўнғироқчалар билан безатилган. Чарм бўялиб, устига нақш солинган. Шу тариицқа эркаклар кийими, отларнинг эгар-жабдуқлари, лочин овининг анжомлари безатилган. Кенг шимлар (чамбарлар) – овчи ва спорт мусобақаларида, халқ ўйинларида (отчопарлар, улоқ, поло, кураш) иштирок этадиган одамнинг қулай кийими – сариқ ёки пушти-қизил рангли замшдан тайёрланган (чарм марена ва испарак билан бўялган). Бой одамларнинг саёҳат ёки лочин овига киядиган чамбарлари ранглли тўпбарггулли нақшлари танбур (занжир) усулида тўқиб чиқарилган. Ипак билан чармда тикиш билан эркаклар шуғулланиб, бугунги кунда ҳам ҳунармандчиликнинг бу тури билан фақат эркаклар шуғулланишади. Улар тамбур илгакли чок билан чамбарлар, ёстиқ жилдлари, оёқ кийим, бахмал ва мовут жабдуқ, ёпқичларга чиройли нақшлар солишган. Улар кашталарни ўзларининг кўникма ва ижодий тасаввурларига таянган ҳолда расм чизмасдан кашта солишган. Қалин чармдан енгил ва мустаҳкам юк чемоданлари (яхдонлар) қилинган. Тилла-жигарранг чармдан яхдон, босма нақш

ёки нақш ҳосил қилувчи рангли чок билан безатилган, бу нақш ичига саурдан ёрқин феруза ранг қопламалар киритилган. Шунингдек, осма сумкалар, чарм флагалар ва чинни идишлар (таркаш) учун футлярлар ҳам безатилган. Китобларнинг рангли жилди ва қоғозлар учун папкалар мазкур соҳанинг соф шаҳар турлари бўлган, улар медальонлар кўринишидаги нозик босма нақшлар билан ҳошияланган, ҳошиялари ажойиб ўсимлик гуллари билан безатилган. Баъзида босма матн бутун муқовани эгаллаган.

*Савам* – бир марта саваш учун лойиқ ёки бир савашда чиқарилган пахта ёки жун.

*Саватчилик* – сават тўқиш касби.

*Савағич* – пахта, жун кабиларни саваш учун ишлатиладиган бир жуфт ингичка таёқ ёки чивиқлар дастаси.

*Сандиқсоз* – сандиқ, қути ясовчи уста.

*Сандон* – темирчилар, мисгар ва заргарларнинг қиздирилган металлга ишлов бериш ва унинг остига қўйиладиган асбоби, темир кунда.

*Саноат* – санъат, маҳорат, касб-ҳунар, ишлаб чиқариш, индустрия. Халқ хўжалигининг хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини қазиб олиш. Индустрия.

*Саноч* – теридан қилинган идиш. Меш. Мешкоб. Тўрва.

*Санъат* – иш, меҳнат, маҳорат, касб-ҳунар.

*Сағри* – от, эшак, қорамолларнинг орқа оёғининг устки қисмидан тайёрланадиган кавуш учун ишлатиладиган кўн, чарм. Шундай чармдан қилинган пойабзал.

*Сағричи* – сағри тайёрловчи, кўнчи.

*Семантика* – юнонча, ифодаловчи, билдирувчи.

*Символ* – рамз, тимсол, белги.

*Симдўзи* – зардўзликда кумуш ип билан тикиладиган кашта гулларини қоплаб тикиш.

*Симкор* – ҳунармандларнинг ўз шогирдларига тўлайдиган иш ҳақи.

*Сўзана* – сидирға газламага ипак ип билан кашта тикилган палак, гулкўрпа.

*Цех* – (нем). Завод, фабрика каби улкан саноат корхонасининг муайян маҳсулот ёки ярим фабрикат ишлабчиқарадиган асосий ёки ёрдамчи бўлими.

*Цивилизация* – фуқарога хос, давлатга хос. Моддий ва маънавий маданиятининг ижтимоий тараққиётида эришилган муайян босқич; маданий тараққиёт натижаси.

*Тагчарм* – пойабзалнинг ост қисмига ишлатиладиган қалин чарм.

*Талатин* – чармнинг қалин бир тури.

*Тароқчилик* – тароқ ясаш касби.

*Тақачилик* – тақа ясаш ва тақа қоқиш иши, касби; тақачилар ишлайдиган жой.

*Тегана* – пойабзал қолипининг устки ва орасига қоқиладиган пона; чарм ва йўғон нарсаларни тикишда ишлатиладиган катта йўғон игна.

*Телпакдўз* – телпак тикиш касби.

*Теша* – бу асбоб дурадгорнинг ёғоч билан ишлашдаги кесиш, чопиш учун махсус асбоби.

*Тиркиш* – хўкизлар бўйнига солиниб, омоч ёки араваларни судратишда ишлатилган. Бу ҳам бўйнисага ўхшаш, аммо ковакли бўлмасдан, терининг ўзидан тахлаб тайёрланган.

*Ултон* – қорамол терисидан тайёрланган пишиқ қалин чарм.

*Урчуқ* – толалардан қўлда ёки машинада ип йигириш, пишитиш учун ишлатиладиган мослама ёки қурилма; дук.

*Уста* – ўргатувчи, муаллим. Бирор касб билан шуғулланувчи малакали мутахассис.

*Устазода* – устанинг боласи. Ота-боболарининг ҳунарини эгаллаган фарзанд.

*Устакор* – бирор ишга моҳир киши, яъни бош уста, усталарнинг устаси.

*Чалмак* – чархнинг дук ўрнатиладиган айрисимон қисми.

*Чарм* – ишлов берилган тери. Ҳайвон терисидан сунъий хомашёдан тайёрланадиган материал, кўн.

*Чарх* – ип йигирадиган дукли қўл асбоби; ғилдирак; доира; айлана; чиғир.

*Чархак* – кичик чарх; ип, калава ўрайдиган қурилма.

*Чатма* – каштачиликда гул тикишнинг бир усули.

*Чилангар* – майда метал буюмларни қўлда ясовчи уста; темирчи; слесарь.

*Чолма* – қўлда (чолиб) тўқилган энсиз кашта бўлиб, халат ёки яктак ва кўйлак ёқаси, кўкрак пеши, этаги ва ёқаларига тутилган, ҳамда кийимларнинг яхлитлигини янада очган.

*Читгар* – газламага гул босувчи; бўз матога ўйма ёғоч қолип ёрдамида гул босувчи ҳунарманд, уста.

*Читгарлик* – матога гул босиш касби. 1990 йиллар читгарликда ўзига хос ривожланиш босқичи бўлди: чойшаб, дастурхон каби бадиий буюмлар билан бир қаторда замонавий либосларни ишлаб чиқариш кенг қўлланилди.

*Читфуруш* – чит сотувчи, баззоз.

*Чолвор* – теридан тайёрланган чавандозлар шими. У ҳар қандай ҳаракат ва тортишувларда чидамли кийим.

*Чориқ* – эшак терисидан тайёрланиб, ярим метр ҳажмдаги жойни эгаллайди. Чориқни оёққа ўлчаб 4,5 жойидан тешилиб ва боғ билан боғланади.

*Шаброн* – тагчарм, хиром, шаброн.

*Шагрень* – қўй, эчки, от териларидан тайёрланадиган ғадир-будур юмшоқ тери.

*Шайтон тери* – қалин, пишиқ ип газлама.

*Шерозий* – шерозий қўзичоқдан олинган ва тайёрланган тери; қоракўл терининг кўк тусли, аъло сифатли нави.

*Шойибоф* – шойи тўқувчи уста.

*Шолча* – жундан тўқилган палос.

*Шогирд* – устанинг раҳбарлигида ҳунар ўрганувчи шахс.

*Эгар(чи)* – от, улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал.

*Ўрмак* – шолча ёки гилам тўқийдиган маҳаллий дастгоҳ.

*Қатим* – иш тикишда тикиш асбоби игна, сўзан ва бир марта ўтказиладиган ўлчам(ип, ипак, ва ш. к. ) ёки игнага бир ўтказимли ип.

*Қолипаки* – заргарликда буюмлар ва безакларни қолиплаш усули.

*Ҳунар* – майян кўникма, маҳорат талаб қилинадиган тиричиликнинг асосий манбаи; касб; машғулот; билим; санъат; усталик. Муайян тайёргарликни талаб этадиган ва тирикчилик манбаи бўлган ижодий меҳнат фаолиятидир.

*Ҳунарли* – бирор ҳунарни пухта эгаллаган шахс.

*Ҳунарманд* – санъат арбоби, моҳир, юксак маҳоратли; уйида ёки ўз устахонасида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб-ҳунар эгаси, косиб.

*Ҳунармандчилик* – ишлаб чиқаришнинг касб-ҳунар эгалари фаолият юритадиган соҳаси.

*Ёлланган ҳунарманд* – косиб томонидан маълум корхоналар буюртмаси асосида уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш.

*Ароқчин* – эркаклар тунги дўпписи.

*Баргак* – аёл пешона безаги; кашта унсури.

*Босма* – матога гул босиш, муҳр. Безак кашталарда қўлланиладиган чокнинг номи.

*Бодом* – бодом, нақш безагининг номи.

*Гулбахмал* – нақш безагининг номи.

*Гириҳ* – мураккаб геометрик нақш.

*Жойпўш* – келин куёвнинг ёпиниб ётадиган гулли чойшаб.

*Жияк* – дўппи кизагини безатувчи каштали тасма.

*Зардўзи заминдўзи* – тилла иплар билан тикилган мато.

*Дорпеч* – деворнинг юқори қисмини безаш учун қўлланиладиган безакли мато.

*Илмоқ* – кашта тикишда қўлланиладиган чокнинг номи.

*Ироқи* – бутсимон бахя қилиб ёки ярим бутсимон шаклда тикиш.

*Ислими* – жимжима чизиқли безак (тожикчадан).

*Илон изи* – нақш унсури, илон изи.

*Кандахаёл* – (тожикча “қандан” – узиш сўзидан олинган). Оралатиб, жой ташлаб ташлаб тикиш усулини ва чокнинг номини билдиради.

*Касаба* – косиб сўзининг кўпликда ишлатилиши; майда савдогар. Ўрта Осиё ҳунармандчилик цехларида “касаба” термини учрайди. Бу термин этимологиясига кўра, “ҳунармандлар иттифоқи, товар ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси” маъноларини билдиради. Касаба майда товар ишлаб чиқарувчилар корпорацияси ҳисобланган. Цех бошлиғи Оқсоқол ҳисобланиб, Хоразмда-калонтар, Шаҳрисабзда – ғолиб, Самарқандда – бобо дейилган.

*Каллапўш* – жанубий ҳудудларда шундай ном билан аталувчи бош кийим.

*Калтапўшак* – аёллар бош кийими, 30-40 смга тушувчи накосник билан.

*Кизак* – дўппининг ёни.

*Кокила* – дўппини безаб турувчи попук, нақш унсури.

*Кошини* – кашта бордюридаги нақш унсури.

*Кулоҳ* – эркакларни конуссимон қалпоғи.

*Кўз* – кўзлар, каштада нақш унсури.

*Кўптирма* – бўртмали, чок услуби.

*Кирпечпалак* – XX аср бошларидаги кирпеч (ғишт) нинг номи бўлиб, сидирға чок билан тикилади.

*Меҳроб* – дўппи кизагида оммавий нақш, равоқ.

*Моҳ* - каштада кўлланиладиган доирасимон безак номи.

*Нимсўзана – ним (тожикчадан)* - ярим. Нурота ва Бухорода девор безаги учун ишлатиладиган кичик безакли кашта.

*Ой* – доирасимон шаклдаги кашта безаги.

*Палак* – Тошкентда доирасимон безак ва юлдузлар билан тикилган безакли каштанинг аталиши.

*Панжара* – дўппи атрофи, нақш ичида қўлланилади.

*Пилтадўзи* – дўппи тепаси ва астарига пахтачалар киргизилиб, чокланади.

*Санама*- тикиш, кашталанганда чокларни санаш.

*Санама ироқи* – хочсимон кашта, матога чизилмасдан тушириладиган нақш.

*Сўзана* – (тожикча сўзан – нина демакдир). Келин тушадиган уй деворларини безашда ишлатилади.

*Тагдўзи* – замини ва нақши битта узорда бажарилади.

*Тароқ* – тароқ, нақш унсури.

*Тахя* – Хоразмда нақшсиз дўппи.

*Телпак* – иссиқ қалпоқ, мўйнали.

*Тепа* - дўппи тепаси, ички қисми.

*Тилла баргак* – аёллар пешона безаги, кашта нақши.

*Тўлдирма* – тўлдириш, дўппи замини нақш билан тўлдириш.

*Хомдўзи* – хом ипак билан икки томонлама гул солиб тикилган чок (тожикчадан).

*Чакматур* – заминини майда нуқтали нақшлар, катакни ҳосил қилади.

*Чалма* – жияк, дўппи атрофига ишлатилади.

*Чамак* – русча “козлик” чокига ўхшаш, дўппи кизакида ишлатилади.

*Чизма чақмоқ* - чизилган чақмоқ нақши , ялтироқ нақш.

*Чизма* - тайёр чизилган нақш.

*Чизмакаш* – кашта гулларини чизувчи рассом.

*Чиндахаёл* – 1. икки томонли бахя (тож); 2. Нурота каштаси нақшининг гул безаги.

*Чоргул* – тўртта гул, дўппи нақши.

*Шабпўш* – думалоқ тунги дўппи каштасиз.

*Шох* – ўсимликсимон тасвир унсури.

*Қайрилма барг занжира* – дўппидаги қайрилган барглар тасвири.

*Қаламфур* – (тожикча қалампир, қизил гармдори) нақш безагининг номи.

*Қалампир* – дўппида анаъанавий қалампир нақши.

*Қош* - дўппида қошга ўхшаш нақш.

*Қубба занжира* – каштада занжирга ўхшаш қуббасимон нақш.

*Қўнғиз* – қўнғизсимон нақш.

*Қўчқароқ* – қўчқор шохини эслатувчи нақш унсури.

*Шонахалта* – тароқ халта (тож).

*Юлдуз* – нақш унсурларидан бири.

*Йўрма* – “йўрма” чок.

**Узбекское традиционное ремесло в контексте исторических процессов (вторая половина XIX - начало XXI века)**

Резюме

В монографии на примере южных регионов Узбекистана с исторической и этнологической точки зрения проанализированы история и трансформация узбекского ремесла во второй половине XIX - начале XXI века. Кроме того, исследование основано на структурном подходе в изучении истории традиционного ремесла в колониальный, советские периоды и в эпоху независимости, а также показан процесс влияния индустриализации, вестернизации и унификации на трансформацию ремесленного производства. Описаны существовавшие и ныне существующие виды ремесел в южных регионах страны, также рассмотрено влияние глобализации на современную трансформацию ремесла в контексте исторических процессов. Показана семантика традиционного ремесла и связанных с ним обычаев, ритуалов и выделены отличительные особенности региона.

Монография подготовлена посредством изучения этнографических материалов, собранных на основе долгосрочных полевых исследований автора. Книга предназначена для историков, этнологов, искусствоведов, ремесленников, учителей, студентов и широкого круга читателей, интересующихся историей ремесел в южной части Узбекистана - Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях.

**Uzbek traditional handi craft in the context of historical processes (second half of the 19th - beginning of the 21st century)**
**Resume**

In the monograph on the example of the southern regions of Uzbekistan from the historical and ethnological point of viewis analyzed the history and transformation of the Uzbek craft of the second half of the XIX century - the beginning of the XXI century. In addition, the analysis was based on a structural approach to the study of the history of traditional craftsmanship in the colonial, Soviet and independence period, as well as the process of the influence of industrialization, Westernization and unification affecting on the transformation of craftsmanship. It described the existing types of crafts in the southern regions of the country, and also examined the influence of globalization on the modern transformation of craftsmanship in the context of historical processes. It shows the semantics of traditional craft and related customs, rituals and distinctive features of the region.

The monograph was prepared by studying ethnographic materials collected on the basis of long-term fieldresearch of the author. The book is intended for historians, ethnologists, art historians, artisans, teachers, students and a wide range of readers interested in the history of crafts in the southern regions of Uzbekistan - Kashkadarya and Surkhandarya regions.

МУНДАРИЖА

КИРИШ........................................................................................... 3

**I БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МУАММО ТАРИХШУНОСЛИГИ**

1.1.Тадқиқотни ўрганиш методологияси ................................. 15

1.2. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги мавзуси тарихшунослиги........................................................................ 30

**II БОБ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ**

2.1. Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ҳунармандчиликнинг умумий ҳолати........................................................... 73

2.2. XIX асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларида жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигининг умумий ҳолати .................. 95

2.3. Жанубий ҳудудлар аҳолиси анъанавий ҳунармандчилигининг тавсифи ......................................................................................... 110

**III БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК**

3.1. Совет давлатининг иқтисодий сиёсати ва ҳунармандчиликка муносабати.......................................................................... 152

3.2. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида артеллар ташкил этиш жараёнлари ......................................................................... 182

3.3. Ҳунармандчиликда ноанъанавийлик ва ундаги янги трансформациялар ........................................................... 199

**IV БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

4.1. Анъанавий ҳунармандчиликни тиклашга доир ислоҳотлар ва ўзгаришлар................................................................... 218

4.2. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолиси ҳунармандчилигининг ривожланиш хусусиятлари .......................................... 240

**V БОБ. ҲУНАРМАНДЧИЛИК СЕМАНТИКАСИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР**

5.1. Ҳунармандчиликда рамзлар семантикаси ........................ 260
5.2. Халқ ҳунармандчилиги анъаналари ва уста-шогирд муносабатлари ........................................................................ 280
5.3. Жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ........................................................... 295

ХУЛОСА ........................................................................................ 311

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ......... 319

ИЛОВАЛАР ...................................................................................... 345

Нашриёт лицензияси. AI № 111. Босишга 11.09. 2018 йилда рухсат этилди.
Бичими 60х 84 $^{1}/_{16}$. Ҳажми 22,75. Адади 300 нусха.
Шартнома № 7. Буюртма № 49/22.

“YANGI NASHR” нашриёти,
100115 Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1-уй.
Тел.: (99890) 998-60-96

“ADAD PLYUS” МЧЖ босмахонаси.
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.

*Илмий нашр*

САОДАТ ДАВЛАТОВА

# ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР КОНТЕКСТИДА

*(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида )*


Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Бадиий муҳаррир *И. Худойбердиев*
Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*
Мусаҳҳиҳ *З. Ирисбоева*
Саҳифаловчи *З. Расулов*